

إمام أبي عبد الله محمد بن إسماعيل البخاري

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ

АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ
(Ишонарли тўплам)

3 жилд

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

КИТОБ УЛ-МАҒОЗИЙ

(Ғозийларнинг фазилатлари ва улар қилган амали солиҳлар ҳақида китоб)

1-боб. «Ал-Ушайра ёки Ал-Усайра жангги» ҳақида Ибн Исҳоқ: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам иштирок қилган ғазотларнинг биринчиси «Ал-Абво» ғазоти, кейин «Бувот», кейин эрса «Ал-Ушайра» ғазотидир»,— дейдилар.

Имом Бухорий ривоят қиладиларки, Абу Исҳоқ бундай деб айтибдилар: «Мен Зайд ибн Арқамнинг ёнларида эрдим. Ул кишидан: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам неча ғазотда иштирок қилганлар?»—деб сўрашди. Зайд: «19 та»,— дедилар. Зайддан яна сўрашди: «Сиз Расулulloҳ бирлан неча ғазотда бирга бўлгансиз?». Ул киши: «17 тасида»—деб жавоб қилдилар».

«Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам иштирок қилган ғазотларнинг биринчиси қайси?»—деб Зайддан сўрасам, ул киши: «Ал-Ушайра (ёки Ал-Усайра)»—деб айтдилар, Қатодадан ҳам сўраган эрдим, ул киши ҳам «Ал-Ушайра» деб тасдиқладилар»,— дейдилар Абу Исҳоқ.

2-боб. Бадр жанггида ўлдириладиган киши ҳақида Расулulloҳнинг айтганлари (башоратлари) тўғрисида

Абдуллоҳ; ибн Масъуд разияллоҳу анҳу Саъд ибн Муоз ҳақида дейдиларки, «Саъд ибн Муоз Умайя ибн Халафнинг дўсти эрди. Умайя қачон Мадинага борса, Саъднинг уйига, Саъд Маккага келса, Умайянинг уйига тушарди. Расулulloҳ (у кишига Оллоҳнинг саломи бўлсин!) Мадинага келганларидан сўнг, Саъд умра қилиш учун Маккага борди-да, одатдагидай Умайянинг уйига тушди. Унга: «Бўш вақтингда мени кузатиб турсанг, Байтуллоҳни тавоф қилиб олардим!» — деди. Умайя куннинг ярмида Саъдни тавофга олиб чиқди. Уларга Абу Жаҳл дуч келиб, Умайядан: «Эй Або Сафвон, ёнингдаги киши ким?» — деб сўради. Умайя: «Бу киши Саъд»,— деб жавоб берди. Абу Жаҳл Саъдга: «Сен отабобосининг динидан қайтган кишиларни бағрига олиб, ўзларини уларнинг ёрдамчиси деб ҳисоблаётган кишиларнинг бири бўла туриб, Маккада хотиржам тавоф қилаётганингга таажжуб! Билиб қўй, агар сен Абу Сафвон бирлан бирга бўлмаганингда эрди, бола-чақанг олдига саломат қайтмаган бўлар эрдинг!» — деди. Саъд овозини баланд кўтариб, Абу Жаҳлга деди: «Сен ҳам билиб қўй, агар менга тавоф қилмокни манъ қилсанг, мен ҳам сенга бундан бадтарроқ қиламан — Мадинадан ўтадиган Шом йўлини тўсиб қўяман!». Умайя Саъдга: «Эй Саъд, бутун водий аҳлининг улуғи бўлмиш Абулҳакимга бақирма!» — деди. Шунда Саъд: «Эй Умайя, биз билан ишинг бўлмасин, Оллоҳга қасамд қилурменким, Расулulloҳдан эшитганман, албатта булар сени ҳам ўлдиришларини айтганлар»,— деди. «Маккадами?» — деб сўради Умайя. Саъд: «Билмайман»,— деди. Шундан кейин, Умайянинг дилига қаттиқ ғулғула тушиб, уйига қайтди-да, хотинига: «Эй Сафвоннинг онаси, билдингми, Саъд менга нима деди?» — деди. Умайянинг хотини: «Саъд нима деди?»—деб сўради. Шунда Умайя: «Саъд менга айтдики, Муҳаммад алайҳиссалом Қурайш албатта Умайяни ўлдиради, деб уларга хабар берган эмишлар. Мен Саъддан: «Маккадами?»—деб сўрасам, у билмайман, деб жавоб берди. Оллоҳга қасамд қилурмен-ким, мен Маккадан чиқмайман!» — деди. Бадр куни келгач, Абу Жаҳл

одамларни йиғди-да, уларга: «Савдо карвонларингизни химоя қилингизлар!»—деди. Умайя химояга чиқишдан бош тортди. Абу Жаҳл унинг олдига келиб: «Эй Умайя! Сен водий аҳлининг улуғи бўла туриб карвон химоясига чиқмаётганингни одамлар кўрса, улар ҳам бош тортади»,— деди. Абу Жаҳл шундай қаттиқ қистовга олдики, охири Умайя бундай деди: «Майли сен энгдинг, Оллоҳга қасамёд қилурменким, Макканинг энг учқур туяларидан сотиб олурмен!». Кейин, Умайя хотинига: «Эй Сафвоннинг онаси, менга йўл тадорикини кўр!» — деб буюрди. Хотини унга: «Эй Або Сафвон, яриблик биродарингиз ўзингизга айтган гапни унутдингизми?»—деди. Умайя: «Йўқ, лекин мен улар бирлан бирга озгина бўлиб қайтиб келаман»,— деди. Умайя йўлга чикқач, қаерда тушмасин, туясини тушовлаб кўярди. У шул тариқа йўлда давом этиб, Бадрга борганда Оллоҳ таоло ундан ўз омонатини олди».

3-боб. Бадр жангги қиссаси

Оллоҳ таолонинг қавли («Оли Имрон» сураси): «Ва ҳақиқатан ҳам Оллоҳ таоло Бадр майдонида сизларга мадад қилган эрди, ваҳоланки сизлар озчилик эрдингизлар. Бас, Оллоҳ таолодан кўрқингизлар, токи шукргузор бўлингизлар! Вақтики сиз (Муҳаммад алайҳиссалом) мусулмонларга дер эрдингиз: «Аё, сизларга бу кифоя қилмасмики, парвардигорингиз осмондин уч минг фаришта тушириб сизларга мадад берсин. Ҳа, агар сизлар сабру тақво қилсангизлар ва улар (мушриклар) устингизга тўсатдан бостириб келиб қолсалар, парвардигорингиз беш минг нишондор фаришталар бирла сизларга мадад қилур ва буни Оллоҳ таоло сизларни хушнуд этмоқ учунгина қилди, токи кўнгилларингиз ором топсин ва мадад Оллоҳ таолонинг ўз тарафидангина бўлурки, ул ғолибу ҳикмат соҳибидур, токи кофирлардан баъзиларин ҳалок қилсин ёхуд уларни хор қилсин, кейин улар ноумид бўлиб қайтсинлар».

Ваҳший: «Бадр куни Ҳамза Таъийма ибн Адий ибн ал-Хиёрни ўлдирди»,— дейдилар.

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Анфол» сураси): «Ва ёд қилинсин ул вақтниги, Оллоҳ таоло икки жамоатдан бирини сизларга ваъда қилур эрдикки, ул сизларники бўлур ва сизлар истар эрдингизларки, қуролсиз жамоат қўлларингизга келсин».

Абдуллоҳ; ибн Каъб: «Каъб ибн Молик бундай деб айтар эрди»,— дейдилар: «Мен Русулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иштирок қилган ғазотларнинг барчасида қатнашганман, фақат Табук ғазотида ҳамда Бадр жанггида йўқ эрдим. Бироқ, бунинг учун ҳеч ким мени айбдор санамади, чунки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайш карвонини кўзлаб йўлга чикқан эрдилар, Оллоҳ таоло уларни ўз душ-манлари бирлан тасодифан тўқнаштириб қўйди».

4-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Анфол» сураси): «Эслангизлар ул вақтниги, парвардигорингизга илтижо қилур эрдингизлар, кейин ул қабул этди илтижоингизни, дедикки: «Мен сизларга минг фаришта ила мадад берурмен, пайдар-пай келурлар» Ва Оллоҳ таоло ўзидан башорат бўлсин ҳамда унинг ила дилларингиз таскин топсин, деган мақсаддагина сизларга мадад берди ва Оллоҳ таоло мададидан ўзга мадад йўқдур, албатта Оллоҳ таоло ғолибдур, ҳикматлидур! Эслангизлар, Оллоҳ таоло таскин топингизлар деб сизларга энгил уйқу нозил этди ва осмондан сизларга ёмғир ёғдирди, токи унинг ила сизларни пок қилмоқ, сизлардан шайтон васвасасин кетказмоқ ва дилларингизни ўзаро мустаҳкам боғламоқ ҳамда қадамларингизни собит қилмоқ учун. "Вақтики, ҳукм юборди парвардигорингиз фаришталаргаки: «Мен сизлар иладурмен, бас сизлар собитқадам тутинглар мусулмонларни, мен хавф солурмен кофирлар дилларига». Бас, эй мусулмонлар, сизлар уринглар уларнинг гарданларига ва уринглар қўлу оёғларин атрофларига! Бу шунинг учундурки, улар Оллоҳ таолога ва унинг расулига қарши турдилар ва кимикки Оллоҳ таолога ва унинг расулига хилофлик қилур, албатта Оллоҳ таолонинг азоби қаттиғдур!»

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бундай дер эрдилар: «Мен Микдод ибн ал-Асвад туфайли бир «машҳад»нинг гувоҳи бўлдим (яъни, Бадр жангги назарда тутилади). Шу машҳадда иштирок қилганимга бериладиган савоб менинг учун ҳар қандай дунёвий мукофотдан маҳбуброқдур. Микдод ибн ал-Асвад Пайғамбар алайҳиссаломнинг қошларига келганда, ул зот мусулмонларни мушрикларга қарши жангга даъват қилиб турган эдилар, Микдод бундай деди: «Биз сизга мусоийларнинг Мусога «Эй Мусо, ўзинг раббинг бирлан бориб кофирларга қарши жанг қилавер!» деган гапларини айтмаймиз, билакс биз ўнг томонингизда ҳам, чап томонингизда ҳам, ортингизда ҳам, олдингизда ҳам туриб жанг қиламиз». «Шунда мен Расулуллоҳнинг юзлари ёришиб кетганини кўрдим»,— дейди Микдод. Чунки, унинг гапи Расулуллоҳни беҳад хурсанд қилган эди-да!».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Бадр куни: «Ё Оллоҳ, ваъданга вафо қилмоғингни илтижо қилурмен! Ё Оллоҳ, агар истасанг, ижобат қилмагайсен!» — дедилар. Шунда Абу Бакр ул зотнинг қўлларини ушлаб: «Кифоя!»— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Мушриклар енгилиб, ортларига қочгайлар!» — дея масжиддан чикди-лар».

5-боб.

Ибн Аббос Жаноб Расулуллоҳнинг «Бадр жангига чикмаган ва чикқан мўминларни ўзаро тенглаштириб бўлмади» деганларини эшитган эрканлар.

6-боб. Бадр жангига қатнашганлар сони

Абу Исҳоқ Барродан нақл қиладилар: «Мен ва Ибн Умар икковимиз,— деб эрди Барро,— Бадр куни сағир бўлиб қолдик. Бадр куни муҳожирлар олтмишдан ортиқ ва ансорлар икки юз қирқтача эрдилар».

Барро разияллоҳу анҳу бундай деган эрканлар: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари Бадрда қатнашганлар ҳақида менга сўзлаб берганлар, уларнинг сони Толутнинг асҳоблари ададича бўлган эркан.

Толут билан (Урдун) дарёсини кечиб ўтганлар сони 310 киши-дан ортиқроқ эди». «Оллоҳ номига қасамёд қилурменким, Толут бирлан бирга фақат мўминларгина дарёдан ўта олган, холос»,— дейдилар Барро.

Барро айтадилар: «Биз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари бирлан Бадр иштирокчиларининг сони Толут бирлан (Урдун) дарёсини кечиб ўтган кишилар сонича бўлганини ўзаро гапириб юрар эрдик. Дарёни фақат мўминлар кечиб ўтган эдилар, улар 310 дан кўпроқ киши эдилар».

7- боб. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Қурайш кофирларидан Шайба, Утба, Валид ва Абу Жаҳл ибн Ҳишомларни дуойи бад қилганлари ҳамда уларнинг ҳалок бўлганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Каъбага юзларини буриб, Қурайшдан бир неча кишини — Шайба ибн Рабиъани, Утба ибн Рабиъани, Валид ибн Утбани ва Абу Жаҳл ибн Ҳишомни дуойи бад қилдилар. Оллоҳ таолонинг номини айтиб гувоҳлик берурменким, мен уларнинг ўлигини кўрдим, кун иссиқлигидан сасиб кетибди».

8- боб. Абу Жаҳлнинг ўлдирилиши ҳақида

Бадр куни Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу Абу Жаҳлнинг олдига келдилар. Ул жон таслим қилиш олдида турган бўлиб, Абдуллоҳга: «Сизлар ўлдирган одамдан кўра улуғроқ киши борми?!»-деди.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Абу Жаҳлга нима бўлганини ким билиб келади?» — дедилар. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бориб, Абу

Жаҳлни ўлар ҳолатда кўрдилар, ул Афрўнинг икки ўғли (Муоз ва Муъаввиз) томонидан ярадор қилинган эрди. Ибн Масъуд: «Сен Абу Жаҳлмисан?»—дедилар-да, Абу Жаҳлнинг соқолидан ушладилар. Абу Жаҳл: «Сизлар ўлдирган (ёки ўз қавми ўлдирган) одамдан кўра улуғроқ киши борми?!»—деди. Аҳмад ибн Юнус айтган ривоятда «Сен Абу Жаҳлсан» дейилган.

Анас ибн Молик ривоят қилурларким, «Бадр кунида Пайғамбар алайҳиссалом: «Абу Жаҳлга нима бўлганини ким билиб келади?»—дедилар. Шунда Ибн Масъуд бориб, уни

Афрўнинг икки ўғли томонидан ярадор қилинган ҳолда топдиларки, ўлар ҳолатда эрди. Унинг соқолидан ушалаб туриб: «Сен Абу Жаҳлмисан?» — дедилар. Шунда Абу Жаҳл: «Қавми ўлдирган (ёки сизлар ўлдирган) одамдан улуғроқ одам борми?!» — деди».

Анас ибн Моликдан нақл қилинган қатор ривоятларда ҳам юқоридаги мазмун такрорланади. Али ибн Абдуллоҳ ҳам Юсуф ибн ал-Можшундан Бадр ҳақидаги мазкур ҳадисни ёзиб олганларини айтадилар.

Али ибн Абу Толибдан ривоят қилинадиким, ул зот: «Мен қиёмат куни парвардигорнинг ҳузурда душманимдан ўч олмоқни биринчи бўлиб талаб қилгаймен»,— деган эрканлар.

Қайс ибн Ибод айтдилар: «Ҳазони хасмони ихтасамуу фий раббихим», яъни «Бул икки хусуматлашувчи тоифа парвардигорлари хусусида хусуматлашдилар» деган мазмунли оят Бадр куни яккама-якка жанг қилганлар ҳақида нозил қилингандур. Улар — Ҳамза, Али, Убайда ибн ал-Ҳарс, Шайба ибн Рабийъа, Утба ибн Рабииъа, Валид ибн Утба эрдилар».

Абу Зарр ал-Ғифорий айтдилар: «Ҳазони хасмони» ояти Қурайшдан бўлган 6 киши, яъни Али, Ҳамза, Убайда ибн ал-Ҳарс, Шайба ибн Рабийъа, Утба ибн Рабийъа ва Валид ибн Утбалар ҳақида нозил қилинган».

Юсуф ибн Яъқуб ривоят қиладиларки, мазкур ояти карима баний Судуснинг мавлоси бўлмиш баний Забиъа ҳақида нозил бўлган эркан.

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу: «Ҳазони хасмони» ояти бизнинг ҳақимизда нозил бўлди»,— деб гувоҳлик берадилар.

Абу Зарр ал-Ғифорий: «Мазкур оят Бадр куни рўбарў жанг қилган 6 киши ҳақида нозил бўлган»,— деб қасамёд қиладилар.

Яъқуб ибн Иброҳим Абу Зарр ал-Ғифорийдан нақл қиладилар: «Ҳазони хасмони ихтасамуу фий раббихим» ояти каримаси Бадр жангида рўбарў қилич солишган 6 киши, яъни Ҳамза, Али, Убайда ибн ал-Ҳарс, Рабийъанинг икки ўғли — Утба ва Шайба ҳамда Валид ибн Утба ҳақида нозил бўлган».

Абу Исҳоқдан нақл қилинади: «Бир киши Барродан: «Али Бадрда қатнашганми?»— деб сўраган эрди, ул: «Али икки қават совут кийиб жанг қилган» — деб айтди, мен эшитиб турган эрдим».

Абдурахмон ибн Авф боболари Абдурахмондан нақл қиладилар: «Мен ва Умайя ибн Халаф бир-биримизни ҳимоя қилмоқ ҳақида аҳдлашган эрдик. Бадрда жанг бўлган куни у ва ўғли ўлдирилгани ҳақида гапиришди. Шунда Билол разияллоҳу анҳу: «Агар Умайя нажот топганда мен нажот топмаган бўлардим»,— деди».

Абдуллоҳ; ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ван-Нажми» сурасини ўқиб, ояти саждадан сўнг, ўзлари ва ул ерда ҳозир бўлганлар сажда қилдилар, лекин бир чол бир сиқим тупроқни олди-да, пешонасига текказиб: «Менга шул ҳам кифоя қилгай!» — деди. Кўп ўтмай, мен ўшал одамнинг кофир ҳолда ўлдирилганининг шоҳиди бўлдим».

Урвадан нақл қилинади: «Аз-Зубайрнинг таналарида қилич зарбидан ҳосил бўлган уч жароҳатнинг ўрни бор эрди, улардан бири елкаларида эрди. (Болалигимда) бармоқларимни жароҳатдан қолган тешиқларга тикиб ўйнар эрдим. Иккитаси Бадр жангида, биттаси Ярмук жангида бўлган эрди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ўлдирилганда, Абдулмалик ибн Марвон менга: «Эй Урва, аз-Зубайрнинг қиличини билурмисан?»— дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. «Унинг қандай аломати бор эди?»—дедилар. «Бадр

жанггида тиғи қайтган эрди»,— дедим. Шунда Абдулмалик ибн Марвон: «Ҳа, рост айтдинг. Душман бирлан қиличбозлик чоғида тиғи қайтган эрди»,— дедилар».

Кейин, ўшал қилични Урвага қайтариб берибдилар. Ҳишом: «Биз қиличнинг нарҳини 3000 деб белгилаган эрдик, уни биримиз олдик (Қилич меросда Ҳишомнинг акаси Усмон ибн Урвага тегди). Мен: «Қилич менга тегса!»—деб орзу қилган эрдим»,— дейдилар.

Урва: «Аз-Зубайрнинг қиличи кумуш бирлан безатилган эрди»,— дейдилар.

Ҳишом ҳам: «Урванинг қиличи кумуш бирлан зийнатланган эрди»,— деб ривоят қиладилар.

Урва оталари Аз-Зубайр ҳақларида ривоят қиладилар: «Пайғамбаримизнинг асҳоблари Ярмук жанггида Аз-Зубайрга: «Эй Зубайр, душманга ҳамла қилмайсизми? Биз ҳам сиз бирлан бирга ҳамла қилур эрдик!» — дейишди. Аз-Зубайр: «Мен душманга ҳамла қилсам, сизлар мени алдамайсизларми?» — дедилар. Улар: «Алдамаймиз»,— дейишди. Аз-Зубайр якка ўзлари душманга ташландилар-да, уларнинг сафини ёриб ўтдилар, сўнг асҳоблар томонига қайтаётганларида Рум аскарлари (душманлар) Аз-Зубайрнинг отларини жиловидан ушлаб қолиб, елкаларига икки бор қилич бирлан зарба бердилар. Бу икки жароҳатнинг ўртасида Бадр жанггида олган жароҳатларининг ҳам ўрни бор эрди».

Урва: «Мен ёшлик пайтимда ана шу жароҳатлар ўрнига бармоқларимни тикиб ўйнардим»,— дейдилар.

«Ярмук жанггида Абдуллоҳ ибн Аз-Зубайр оталари бирлан бирга бўлиб, ўн яшар эрдилар. Шунда ул киши Абдуллоҳни отга миндириб, душмандан ҳимоя қилмоқни бир одамга топширдилар»,— дейдилар Урва.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Таҳа разияллоҳу анҳудан нақл қиладилар: «Бадр куни пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Қурайш мушрикларининг катталаридан 24 кишининг ўлигини Бадрдаги энг ифлос қудуққа ташлашни буюрдилар. Жаноб Расулуллоҳнинг одати шарифлари шундай эрди-ки, агар бирор қавм устидан ғалаба қилсалар, яланглик жойда уч кеча жангчиларга дам берардилар. Бу гал Бадр жанггидан уч кун ўтгач, Жаноб Расулуллоҳ туяларини келтиришни буюрдилар. Туяга кўчлари юкланди, сўнг аста асҳобларини эргаштириб илгари юрдилар. Асҳоблар айтадиларки, Жаноб Расулуллоҳ бирор ишлари бўлсагина пиёда йўл бошлар эрдилар. Мушрикларнинг катталари ташланган қудуқ лабига келиб, уларнинг ўз исмлари ва оталарининг исмларини айтиб: «Эй фалончи ўғли фалончи»,— деб нидо қилдилар-да, «Агар Оллоҳга ва унинг расулига итоат қилганларингизда эрди, сизларга хурсандлик бўлмасми?! Албатта, бизлар парвардигоримиз ваъда қилган нарсаларнинг ҳақ эрканлигини билдик, сизлар ҳам парвардигорингиз ваъда қилган нарсаларнинг рост эрканлигини билдингизми?»—дедилар. Шунда Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу: «Эй Оллоҳнинг пайғамбари, руҳсиз жасадлар ҳам гапирадими?»—деб сўрадилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Муҳаммаднинг жони кўлида бўлган зот (Оллоҳ) номи бирлан қасамёд қилурменким, сизлар мен айтаётган гапни улардан кўра эшитувчироқ эмассизлар!» — дедилар. Катода разияллоҳу анҳу: «Оллоҳ таоло уларни муваққат тирилтириб, маломату хор қилмоқ, ўч олмоқ ва ҳасрат-надомат қилдирмоқ учун пайғамбар алайҳиссаломнинг гапларини уларга эшиттирди»,— дейдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Аллазийна бадалуу ниъматаллоҳи куфран» оятида айтилган Оллоҳнинг неъматини куфрга алиштирган кишилар, Оллоҳга қасамёд қилурменким, Қурайш кофирларидур!» — дейдилар.

Амр ибн Дийнор: «Улар Қурайшдур, Муҳаммад алайҳиссалом эрсалар, Оллоҳнинг неъматидурлар. Қурайш Бадр куни ўз қавмига «Ҳалокат уйи — дўзах»ни ҳалол қилди, яъни, қавмининг дўзахга тушмоғига сабабчи бўлди»,— дейдилар.

Ҳишом оталари Урва ибн Аз-Зубайрдан нақл қиладилар: Оиша разияллоҳу анҳонинг хузурларида айтишдики, Ибн Умар: «Жаноб Расулуллоҳ «Дарҳақиқат, маййит ўз қариндошларининг йиғиси сабабли қабрда азобланади» деб айтганлар»,— деган эмишлар. Шунда Оиша разияллоҳу анҳо бундай дебдилар: «Дарҳақиқат, Жаноб Расулуллоҳ: «Ўлик

ўзининг хатоси ва гуноҳи сабабидан азобланади, шу вақтда унинг қариндошлари йиғлаб турган бўладилар»,— деб айтганлар. Бу гап Жаноб Расулуллоҳнинг Қурайш кофирлари ташланган чоҳ ёнида туриб айтган гапларига ўхшайди. Жаноб Расулуллоҳ ўшанда: «Албатта, бу мушриклар менинг айтаётган гапимни эшитадилар»,— деган эрдилар». Дарҳақиқат, Жаноб Расулуллоҳ бу бирлан «Албатта, мушриклар ҳозир илгари мен айтган гапнинг ҳақ эрканлигини биладилар» деган мазмунни ирода қилганлар. Кейин, Оиша «Албатта, сиз ўлганларнинг гапини эшитмайсиз ва сиз қабрда ётганларнинг овозини эшитувчи эмассиз» деган ояти каримани ўқидилар, сўнг «Кофирлар дўзахдаги жойларига борганда» деб кўшиб қўйдилар».

Ибн Умар айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Бадрдаги кудук ёнига келиб, унга ташланган кофирларнинг жасадларига қарата: «Парвардигорингиз ваъда қилган нарсанинг рост эрканлигин кўрдингизми?» — дедилар, сўнг ёнларидаги саҳобаларга қараб: «Дарҳақиқат, ҳозир бу кофирлар мен айтаётган гапни эшитяптилар»,— деб айтди-лар. Шу воқеани Оиша разияллоҳу анҳога айтишганда, Оиша: «Албатта, пайғамбаримиз бу гапни «Кофирлар мен илгари уларга айтиб юрадиган гапнинг рост эрканлигин биладилар» деган мазмунда гапирганлар»,— дедилар ва «Албатта, сиз ўликларнинг гапини эшитмайсиз» деган оятни охиригача ўқидилар».

9- боб. Бадрда шахид бўлганларнинг фазилятлари ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтадилар: «Бадр жанггида Ҳориса (ибн Суруқа) ҳалок бўлди. У ёш бола эрди. Онаси Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига келиб: «Эй Оллоҳнинг расули, яхши биласизки, мен ўғлимни жуда ҳам яхши кўрардим. Агар у жаннатга кирса, мен унинг ҳалок бўлганига сабр қилиб, Оллоҳдан ажр умид қиламан, агар аксинча бўлса, нима қилишимни кўрасиз!» — деди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Шўринг қурсин, Оллоҳнинг жаннати битта эрмас, кўпдур, Ҳориса Жаннат ул-Фирдавсда»,— дедилар».

Али разияллоҳу анҳу айтадилар: «Жаноб Расулуллоҳ мени, Абу Марсадни ва аз-Зубайрни бир юмуш бирлан жўнатдилар. Биз ҳаммамиз отлиқ эрдик. Жаноб Расулуллоҳ бизга: «Борингизлар, Хох деган боғга етганларингизда мушриклардан бўлган бир хотинни учратасизлар, унда Ҳотиб ибн Абу Балтаъа мушрикларга йўллаган мактуб бор!»— дедилар. Биз бориб, ўшал хотинни учратдик, уни туядан тушириб, мактубни қидирдик, тополмадик. Сўнг унга: «Жаноб Расулуллоҳ ёлғон гапирмайдилар, ё мактубни топиб берасан ёки сени яланғоч қилиб ечинтирамиз!» — дедик. Хотин жиддий гапираётганимизни билиб, лозими орасидан мактубни чиқариб берди. Биз хатни Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб бордик. Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳунинг ғазаблари келиб: «Ё Оллоҳнинг расули, Ҳотиб Оллоҳга ва унинг расулига хиёнат қилди, ижозат берингиз, унинг бўйинини узиб ташлайин!»— дедилар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳотибдан: «Эй Ҳотиб, бундай қилишга сени нима мажбур қилди?» — деб сўрадилар. Ҳотиб бундай деб жавоб берди: «Оллоҳ номи бирлан қасамёд қилурменким, мен Оллоҳ ва унинг расулига бўлган иймонимдан қайтганим йўқ,, фақат душманлар орасида менинг ҳам бола-чақаю мол-дунёмни улардан ҳимоя қиладирган бир яқин кишим бўлмоғини хоҳладим, халос. Чунки, асҳобларингиздан бирортаси йўқ-ки, у ерда унинг молу бола-чақасини душмандан ҳимоя қиладирган яқин кишиси бўлмаса». Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ҳотиб рост айтди, унга фақат яхши гапирингилар!»— дедилар. Аммо, Умар разияллоҳу анҳу: «Ахир, Ҳотиб Оллоҳга ва унинг расулига ҳамда мўминларга хиёнат қилди-ку, ижозат берингиз, унинг бўйинини узиб ташлайин!» — деб такрор сўрадилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳотиб Бадр жангги қатнашчиси эрмасми? Оллоҳ таоло эрса, Бадр аҳлига нисбатан ўз ҳукмини аллақачонлар чиқариб қўйган ва уларга: «Кўнглингиз тусаган ишни (амали солиҳларни) қилаверингизлар, сизларга жаннат вожибдур (ёки сизларнинг барча гуноҳларингизни мағрифат қилдим)» - - деган»,— дедилар. Шунда Умар разияллоҳу анҳу икки кўзлари жикқа ёшга тўлиб: «Оллоҳ ва унинг

расули яхшироқ билгайдур! - дедилар».

10-боб.

Абу Усайд ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ Бадр куни бизга: «Агар душман сизларга яқин келса, тош бирлан урингизлар, найза ва ўқларингизни асрангизлар!»—деб ўргатдилар.

Бу ҳадис ҳам лафзан ва маънан аввалгининг ўзидур.

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Пайғамбар алай-ҳиссалом Уҳуд куни камончи мерганларга Абдуллоҳ ибн Жубайрни бошлиқ қилиб қўйдилар. Ўшал куни бизлардан (мусулмонлардан) 70 киши шаҳид бўлди, Бадр куни эрса, Пайғамбар алайдиссалом ва ул зотнинг асҳоблари мушрик-лардан 40 кишини ярадор қилиб, 170 кишини асир олган эрдилар, 70 киши эрса, ўлдирилган эрди. Шунинг учун ҳам мушрикларнинг бошлиғи Абу Суфён (пайғамбаримизга)- Бугунги кун Бадр кунининг эвазига бўлди. Уруш сувчелак кабидур (яъни, урушда гоҳ у томон, гоҳ бу томон зафар қозонади)»,— деди».

Абдурахмон ибн Авф ривоят қиладилар: «Бадр куни мен жангчилар сафида эрдим, қарасам, ўнг ва чап ёнимда икки ёш йигит турибди, улар менда шубҳа туғдирди. Бири иккинчисига эшиттирмай, мандан: «Эй амаки, менга Абу Жаҳлни кўрсатинг!» — деди. Мен: «Эй жиян, уни нима қиласан? >- — деб сўрадим. Бояги йигит: «Мен Абу Жаҳлни кўрсам, ўлдираман ёки унинг қўлида ўламан, деб Оллоҳ таолога онт ичганмен»,— деди. Иккинчи йигит ҳам биринчисига эшиттирмай менга шу гапни айтди. Шунда мен уларнинг ўрнида бўлмаганимдан афсусландим. Сўнг, мен уларга Абу Жаҳлни кўрсатдим. Иккови Абу Жаҳлга бургутдай ташланди-да, уни қилич бирлан уриб ўлдирди. Бу икки йигит Афрўнинг икки ўғли эрди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу аноҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Осим ибн Умар ал-Хаттобнинг боболари бўлмиш Осим ибн Собит ал-Ансорийнинг бошчиликларида ўн кишини мушриклар орасига айғокчи қилиб юбордилар. Улар Макка бирлан Асфон оралиғидаги Ҳадда деган жойга етганларида, Ҳузайл қабиласига мансуб Бану Лихён мушриклари сезиб қолдилар. Мушриклар мусулмоилар тўхтаб дам олган ердан хурмо данагини топиб олган ҳамда унинг Ясриб (Мадина) хурмоси данаги эрканлигини билган эрдилар. Юзтача мерган мушрик мусулмонларни таъқиб қила бошлади. Осим ва бошқа мусулмонлар буни билиб қолиб, бир тепалик ортига яшириндилар. Мушриклар уларни қуршаб олиб: «Тушингизлар, қўлни қўлга бериб ярашайлик, сизлардан бирортангизни ҳам ўлдирмаймиз, деб ваъда берурмиз!» — дейишди. Шунда Осим ибн Собит: «Эй мушриклар, мен сиз кофирлардан паноҳ сўраб тушмайман!»—дедилар, сўнг: «Ё Оллоҳ, бизнинг ҳолимиздан расулингни хабардор қилгайсен!» — деб илтижо қилдилар. Мушриклар найза отиб Осимни ўлдирдилар. Мусулмонлардан уч киши — Ҳубайб, Зайд ибн Дасина ва яна бир киши душманнинг ваъдасига ишониб пастга тушдилар. Мушриклар камопларининг ипларини ечиб, мусулмонларни боғладилар. Шунда учинчи киши: «Худо ҳақи, бу хиёнатнинг бошидур, мен сизларга асло таслим бўлмагаймен, албатта мен ўлимни афзал кўриб, шерикларимга ибрат бўлгаймен!»—деди. Мушриклар уни кўп мажбур қилиб қийнадилар, аммо ул таслим бўлмоқдан бош тортди. Бадр жангидан сўнг, мушриклар Ҳубайб бирлан Зайд ибн Дасинани кул қилиб сотдилар. Ҳубайбни Ҳарс ибн Омир ибн Навфал авлодлари сотиб олди Ҳубайб Ҳарс ибн Омирни ўлдирган бўлиб, у Ҳарс ибн Омирнинг болалари ҳузурда бир неча муддат асирликда турди Кейин, улар оталарининг қасоси учун Ҳубайбни ўлдирмоққа қарор қилдилар Шунда Ҳубайб Ҳарснинг қизларидан биридан устара сўраб олиб, тозаланди Шу аснода ўшал аёлнинг ўғилчиси Ҳубайбнинг ҳузурига кириб келди. Аёл боласини излаб, уни Ҳубайбнинг тиззасида ўлтирган ҳолда топди, Ҳубайбнинг қўлида эрса устара бор эрди «Менинг қаттиқ кўркқанимни сезиб, Ҳубайб «Боламни ўлдиради, деб кўрқяпсанми, мен ҳеч қачон бундай қилмайман!» — деди,— дейди аел,— Оллоҳ номи бирлан қасамёд қилурменким, мен Ҳубайбдан кўра яхшироқ асирни кўрмаганман, қасамед қилурменким, бир куни мен унинг бир бош узум еб турганини

кўрдим, ваҳоланки, (шу вақтда) Маккада узум бўлмай, бунинг устига қўли ҳам кишанланган эрди» Аёл буни мўъжиза деб билар ва «Хубайбга Оллоҳ таолонинг ўзи ризк қилиб беряпти»,— дер эрди Хубайбни қатл қилмоққа олиб чиққанларида, у «Икки ракъат намоз ўқимокқа менга ижозат берингизлар¹» —деди Унга ижозат берганла-ридан сунг, икки ракъат намоз ўқиди, кейин «Агар сизлар мени ўлимдан кўрқяпти деб уйламаганингизда, мен кўпроқ ғамоз ўқиган бўлардим. Ё Оллоҳ, бу кофирларнинг бирортасини ҳам қолдирмай ҳалок қилгин»—деди-да, куйидаги шеърни ўқиди

«Мусулмон ҳолда ўлсам, зарра парвойимга келмас, Қайси ён бирла йиқилмоғимни Оллоҳ фарқламас, Саховат соҳиби бўлмиш ўзи танҳо илоҳимга, Қийма-қийма жисмима бермоқ савоб ҳеч гап эмас¹» Сўнг, Абу Сирваъа Ақаба ибн Ҳарс ўрнидан туриб, Хубайбни ўлдирди. Шу-шу бўлди-ю, ўлимга ҳукм қилинган ҳар бир мусулмоннинг ўлими олдидан намоз ўқимоғи даркорлиги Хубайбдан суннат бўлиб қолди. Жаноб Пайғамбаримиз уларга мусибат етган куни асҳобларига хабар берган эрдилар Қурайш мушриклари Осимнинг ўлдирилгани тўғрисидаги хабарни эшитиб, бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун унинг бир аъзосини кесиб келмоққа одам жўнатди, чунки Осим Қурайш катталаридан бирини ўлдирган эрди. Оллоҳ таоло Осимнинг жасадини ҳимоя қилмоққа арилар тўдасини юборди, мушриклар унинг ҳеч бир аъзосини кесиб олишга муваффақ булмадилар»

Каъб ибн Молик «Айтишларича, Мирора ибн Рабиъ Ал-Умарий ва Ҳилол ибн Умайя Ал-Воқифий икковлари ҳам солиҳ кишилар бўлиб, Бадрда шаҳид бўлган эрканлар»,— дейдилар

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбадан ривоят қилинурки, ул кишининг оталари Абдуллоҳ Умар ибн Абдуллоҳ ибн ал-Арқам аз-Зухрийга хат ёзиб, унга Субайъа бинти Ҳарс ал-Асламийянинг ҳузурига кирмоқни ҳамда ундан Расулуллоҳдан фатво сўраганда нима деб жавоб қилганлари ҳақида билиб бермоқни буюрди. Умар Абдуллоҳ ибн Утбага жавоб хат ёзиб, бундай деб хабар берди «Субайъа бинти ал-Ҳарснинг айтишича, у Баний Омир қабиласидан бўлмиш Бадр жанги қатнашчиси Саъд ибн Хавланинг хотини бўлган. Эри Ҳажжат ул-Видоъда вафот қилган. Шу вақтда Субайъа ҳомиладор бўлиб, эрининг вафотидан кўп ўтмай тукқан ва нифосдан пок бўлиши бирланок совчи кутиб, ясаниб олган. Шу пайт унинг ҳузурига Абуссанобийл ибн Баъкак кириб «Не учун ясаниб олдинг, эрга тегмоқчимисан⁷ Оллоҳга қасамд қилурменким, тўрт ой-у ўн кун ўтмасидан бурун эрга тегмоққа ҳақкинг йўқ¹»—деди «Менга у шу гапни айтгандан сўнг,— дейди Субайъа,— кийимларимни алмаш-тирдим-да, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб шул ҳақда фатво бермоқларини сўрадим. Жаноб Расулуллоҳ боламни тукқанимдаёқ ҳалол бўлганимни, агар хоҳласам, эрга тегмоғим мумкинлигини айтиб, фатво бердилар»

11-боб. Малоикаларнинг (фаришталарнинг)

Бадрда бўлганлари ҳақида

Маоз ибн Руфоъа оталаридан нақл қиладилар (оталари Бадр ғазоти қатнашчиси эрдилар) «Бир куни Жаброил алайҳиссалом келиб, пайғамбаримизга «Бадрда қатнашган саҳобаларингиз ҳақида не дейсиз⁷»—дедилар Жаноб Расулуллоҳ «Улар мусулмонларнинг энг яхшиларидур-лар»,— дедилар ёки шунга ўхшаш гапни айтдилар Шунда Жаброил алайҳиссалом «Бадрда қатнашган фаришталар ҳам энг яхши фаришталардур»,— дедилар»

Маоз ибн Руфоъа ибн Рофиъ ривоят қиладилар «Руфоъа Бадр жангги, Рофиъ эрса Ақаба воқеаси иштирокчиси эрдилар Рофиъ ўғилларига «Мен Ақаба воқеаси ўрнига Бадр жанггида қатнашганимда кўпроқ хурсанд бўлур эрдим, чунки бу ҳақда Жаброил алайҳиссалом пайғамбаримиздан сўраганлар» деб юқоридаги ҳадисга ишора қилдилар»

Яҳё Маоз ибн Руфоъадан нақл қилиб, бир фаришта пайғамбаримиздан Бадр иштирокчилари ҳақида сўраганини, Язид ибн Ҳод эрса, бу фаришта Жаброил алайҳиссалом эрканликларини айтганлигини ривоят қиладилар

Ибн Аббос ривоят қиладилар «Жаноб Паиғамбаримиз отлари жиловидан Жаброил алайҳиссаломнинг Бадр куни жанг либосини кийган ҳолда қандай етаклаб юрганларини кўрсатдилар»

12-боб.

Анас разияллоҳу анҳу: «Абу Зайд ўлди, аммо ундан зурриёт қолмади, у Бадр иштирокчиси эрди»,— дейдилар.

Ибн Хаббобдан ривоят қилишурки, Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу сафардан қайтиб келдилар. Шунда ул кишининг хотинлари қурбонлик гўшtidан пиширилган таом келтирди. Абу Саъид: «Мен аниқламагунимча, бу гўштни емайман!»— деб ўгай акалари Қатода ибн Нуъмоннинг олдига бордилар, ул киши Бадр иштирокчиси бўлиб: «Сиз сафарга кетгандан сўнг, қурбонлик гўштини уч кун ўтгач ейишликни манъ қилувчи ҳукм бекор бўлди»,— дедилар.

Зубайр ибн Аввом айтадилар: «Мен Бадр куни Убайда ибн Саъидга рўбарў бўлдим, у шу қадар жанг либосларига бурканиб олган эрдик, ҳатто икки кўзи базўр кўринар эрди. Унинг лақаби Абу Зотил-Карш бўлиб, у менга: «Мен Абу Зотил-Каршман!»—деди Мен унга найза бирлан ҳамла қилиб, кўзини кўр қилдим, шу ондаёқ ўлди. Сўнг, оёғимни унга тираб туриб найзани тортиб олмоқчи бўлдим-у, қийналдим, ниҳоят суғириб олдим, шунда найза икки кўзини ҳам юлиб чиқди».

Урванинг айтишларича, Жаноб Расулуллоҳ Зубайрдан ўшал найзани сўраганлар, Зубайр ул кишига берганлар. Жаноб Расулуллоҳнинг вафотларидан сўнг, Зубайр найзани қайтариб олганлар. Кейин, уни Ҳазрат Абу Бакр сўраб олдилар, ул кишидан кейин Умар разияллоҳу анҳу, кейин эрса Усмон разияллоҳу анҳу ўз халифалик даврларида сўраб олиб сақлаганлар. Усмон разияллоҳу анҳу қатл қилинганларидан кейин, найза Али разияллоҳу анҳунинг хонадонларида қолди. Сўнг, уни Абдуллоҳ ибн Зубайр сўраб олиб, қатл қилинганларига ўзларида сақладилар.

Бадр иштирокчиси бўлмиш Убода ибн Ас-Сомит разияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, Жаноб Расулуллоҳ: «Менга байъат қилинганлар!» - деб айтибдилар.

Пайғамбаримизнинг жусфти халоллари — Оиша онамиздан ривоят қилурларки, Бадр иштирокчиси бўлмиш Абу Ҳузайфа Солим деган йигитни асраб олиб, унга жиянлари Ҳинд бинти Валид ибн Утбани никоҳлаб бердилар. Солим ансорийлардан бўлган бир аёлнинг қули бўлган эрди. Шунингдек, Жаноб Расулуллоҳ ҳам Зайдни асраб олган эрдилар. Жоҳилият даврида асранди бола асраб олган кишининг ўғли деб ҳисобланар ва асраб олган киши ўлса, унга меросхўр ҳам бўларди. Қачонки, Оллоҳ таоло «Асрандиларни ўз оталари номи бирла атанглар!» деган оятни туширгандан кейин, Абу Ҳузайфанинг хотини Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келди ва: «Эй Оллоҳнинг расули! Эрим Абу Ҳузайфа мени асранди ўғлим Солимдан рашк қияпти»,— деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ундай бўлса, Солимни эмизгил!»— дедилар. Хотин: «Солимнинг соқоли чиқиб ётибди-ку! — деб эътироз билдирди. Жаноб Расулуллоҳ: «Уни эмизгил, маҳрам бўлиб қолгайсан, эринг ҳам рашк қилмагай!»— дедилар. Шундан сўнг, Абу Ҳузайфанинг чехраси ёришди.

Рабиъ бинти Муъаввиз айтадилар: «Мен келин бўлиб туширилган кечанинг эртасига эрталаб Жаноб Расулуллоҳ кириб келдилар-да. мен солган тўшакка худди сиз ўлтирганингиздек ўлтирдилар. Қизчалар эрса, доира чалишиб, Бадрда вафот қилган оталарини эслашарди, уларнинг биттаси: «Орамизда Жаноб Пайғамбар борлар, эртага нима бўлишини ҳам биладилар» — деб куйлади. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Бундай деб айтмагил, аввалги марсиянгни айтавергил!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг дўстлари, у киши бирлан бирга Бадрда иштирок қилган киши — Абу Талҳа разияллоҳу анҳу Жаноб Расулуллоҳнинг «Қайси бир уйда ит бўлса ёки жонли нарсанинг сурати бўлса, ўша уйга фаришталар кирмайди-лар» деб айтганлари ҳақида хабар бердилар».

-Ҳусайн ибн Али ривоят қиладиларки, Ҳазрат Али бундай деб айтган эрканлар: «Бадр жангида менга берилган ғаниматлар (ўлжалар) орасида бир туя ҳам бор эрди, уни Жаноб Расулуллоҳ ўлжа тақсимлаётган вақтларида менга берган эрдилар. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг қизлари Фотимага уйланадиган бўлганимда, Баний Қайнуқоъ

кабиласидан бўлмиш бир бўёкчи мен бирлан бирга бўёкчилар ҳузурига бориб, улардан менга исирик олиб беришни ваъдалашди. Ундан никоҳ тўйимда фойдаланмоқчи эрдим. Икки туям ансорийлардан бирининг уйи ёнида чўккан эрди. Мен эгар-жабдукларни олиб, туяларимнинг ёнига бордим. Не кўз бирлан кўрайки, икки туям ўрқачи кесилган, қорни ёрилган, жигари қирқиб олинган ҳолда ётарди Бу манзарани кўриб даҳшатга тушдим, «Буни ким қилди?» — деб сўрадим. Шунда одамлар менга бундай дейишди: «Ҳамза ибн Абдулмутталиб шундай қилди. У бир неча ичувчи ансорлар бирлан мана бу уйда ўлтирибдир. Ёнида қайна (кўшиқчи аёл) ва яқин дўстлари ҳам бор. Қайна ашула айтаётди. «Эй Ҳамза, семиз туя сўя олурмисан?!»—деди ғамза қилиб. Шунда Ҳамза дарҳол ўрнидан турди-да, туяларнинг ўрқачини кесди, қорнини ериб жигарини қирқиб олди». Мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бордим, нёларида Зайд ибн Ҳориса ўлтирган эрканлар. Жаноб Расулulloҳ не мақсадда келганимни сўрадилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ Бугун Ҳамза менга қаттиқ тажовуз қилди, туяларимнинг ўрқачини кесиб, қорнини ёриб, жигарини қирқиб олди, ўзи бир неча ароқхўрлар бирлан бир уйда ўлтирибди»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ ридоларини келтиришни буюрдилар, сўнг уни кийиб, пиёда йўлга тушдилар. Мен ва Зайд ибн Ҳориса ортларидан эргашдик. Жаноб Расулulloҳ Ҳамза ва бошқа ароқхўрлар ўлтирган уйга бориб, ичкарига киришга рухсат сўрадилар. Ижозат бўлгач, ичкарига кирдилар ва Ҳамзани қилган иши учун маломат қила бошладилар. Шу пайт Ҳамза мастликдан кизарган кўзлари бирлан Жаноб Расулulloҳнинг аввал елкаларига кейин юзларига тикилди, сўнг: «Сиз ким бўлибсиз, менинг отамнинг кулисиз, холос!» — деди. Жаноб Расулulloҳ Ҳамзанинг қаттиқ мастлигини, унга насихат бефойда эрканини билиб, орқалари бирлан оҳиста қайтиб чиқиб кетдилар, биз ҳам бирга чиқдик».

Ибн Муъаққал ривоят қиладиларки, Ҳазрат Али Саҳл ибн Ҳанифнинг Бадр иштирокчиси эрканлигини айтибдилар. Ҳазрат Али Саҳл ибн Ҳанифдан 5 ёки 6 ёш катта эрдилар.

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳудан нақл қилинадикки, у кишининг қизлари Ҳафса бинти Умар аввал Ханис ибн Ҳузофанинг хотини эрди. Ханис ибн Ҳузофа Жаноб Расулulloҳнинг асхобларидан бўлиб, Бадрда иштирок қилганлардан эрди. У киши Мадинада вафот қилиб, Ҳафса тул қолганларида Умар разияллоҳу анҳу Ҳазрат Усмонга келиб: «Агар хоҳласангиз, Ҳафсани сизга никоҳлаб қўяман»,— дедилар. Ҳазрат Усмон: «Мен ўйлаб кўрайин»,— деб жавоб бердилар. «Мен бир кун кутдим,— дейдилар Ҳазрат Умар,— кейинги кун Ҳазрат Усмон: «Бугунча уйланмай туришга қарор қилдим»,— деб узр айтдилар. Кейин, Абу Бакр Сиддиққа учрадим-да, у кишига: «Агар хоҳласангиз, Ҳафсани сизга никоҳлаб берайин»,— дедим. Абу Бакр эрса. ҳеч қандай жавоб қилмадилар. Мен Абу Бакрдан қаттиқ ғазабландим. Бир кеча кутдим. Учунчи кун Жаноб Расулulloҳ Ҳафсага совчи юбордилар, мен уни ул зотга никоҳлаб бердим. Кейин, Абу Бакр менга келиб: «Сиз менга «Ҳафсани никоҳлаб берайин» деганингизда, мен жавоб қилмадим, сиз мендан қаттиқ ғазабланган бўлсангиз керак, шундайми?»—дедилар. Мен: «Тўғри»,— дедим. Абу Бакр: «Мен таклифингизга рози бўлардим-у, лекин Жаноб Расулulloҳ қизингизга уйланмоқ ниятида эрканликларини айтган эрдилар, мен бу сирни сизга оча олмадим. Агар Жаноб Расулulloҳ унга харидор бўлмаганларида, мен олган бўлардим»,— дедилар».

Абу Масъуд ал-Бадрий ривоят қиладиларки, Жаноб Расулulloҳ: «Эркак кишининг ўз оиласига қиладирган сарфи ҳам садақадур»,— деган эрканлар.

Урва ибн Аз-Зубайр халифа Умар ибн Абдулазизга бундай деб ҳикоя қиладилар: «Муғйра ибн Шувба Куфа шахрининг амири бўлган пайтда бир кун аср намозини кечиктирди. Шунда Бадр иштирокчиси бўлмиш Абу Масъуд Уқба ибн Амр ал-Ансорий унинг ҳузурига кириб, бундай деди: «Яхши биласизки, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом тушиб, намоз ўқидилар. Жаноб Расулulloҳ ҳам ул зот бирлан бирга беш вақт намоз ўқидилар, кейин Ҳазрат Жаброил Расулulloҳга: «Сизга шундай намоз ўқиш буюрилди»,— дедилар». (Бу ҳадиснинг маъноси шуки, ҳар бир намоз ўз вақтида ўқилиши керак).

Абу Масъуд ал-Бадрийдаи нақл қилинадики, Жаноб Расулуллоҳ бундай деган эрканлар: «Бақара» сурасининг охирида икки оят бор, кимки шу икки оятни кечаси ўқиса, унга кифоя қилади (Бу икки оятнинг савоби улуғлигига ишоратдур). Оятлар қуйидагича: «Оманар-расулу бимо унзила илайҳи мирраббихи вал-муъминун куллун омана биллоҳи ва малоикатиҳи ва кутубихи ва русулиҳи, ло нуфаррику байна аҳадим-миррусулиҳ ва қолу самиъно ва атаъно ғуфронака раббано ва илайкал-масир.

Ло йукаллифуллоҳу нафсан илло вусъаҳо, лаҳо мо касабат ва алайҳо моктасабат, роббано ло туохизно ин насийно ав ахтаъно, раббано ва ло таҳмил алайно исран камо ҳамалтаҳу алаллазийна мин қаблино, раббано ва ло тухаммилно мо ло тоқата лано биҳ ваъфу анно вағфир лано варҳамно, анта мавлоно, фансурно алал-қавмил-кофирин»

(Оятларнинг мазмуни: «Пайғамбар ўзига парвардигори томонидан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам ҳаммалари Оллоҳ таолога ва унинг фаришталари, китоблари ҳамда элчиларига иймон келтирдилар. (Улар дерларки): «Биз Оллоҳ таоло элчиларининг ҳеч бирини ажратмасмиз, Эй раббимиз, биз эшитдик ва итоат этдик, сенинг мағрифатингни тилармиз ва сенинг даргоҳингга қайтмоқлик бордур!» ва (яна) дерларки: «Оллоҳ таоло ҳеч кимга қудрати етмайдирган нарсани буюрмас, кишининг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам ўзига бўлур. Эй раббимиз, агар (бирор хукмингни) унитиб ё хато қилиб қўйсақ, бизни кечиргил! Эй раббимиз, бизга биздан илгаригиларга юклаганинг каби оғир юк юкламагил! Эй раббимиз, бизга қудратимиз етмайдирган юкни ҳам юкламагил, бизни кечиргил, мағфират қилгил ва раҳм этгил, сен бизнинг хоҷамиз эурсан, бизни кофирлар устидан ғолиб қилгил!»).

Маҳмуд ибн Рабиъадан нақл қилинадики, Жаноб Расулуллоҳнинг Бадр иштирокчиси бўлган асхобларидан бири Атбон ибн Молик бир куни Жоноб Расулуллоҳнинг хузурларига келди...

(Имом Бухорий бу ва бундан олдинги ҳамда кейинги ҳадисларни, уларнинг мазмунидан қатъий назар, ровийларнинг Бадр иштирокчиси эканликлари учунгина келтирганлар).

Абдуллоҳ ибн Омир ибн Рабиъа ривоят қиладиларки, Халифа Умар ибн Хаттоб Қудома ибн Мазъунни Баҳраинга ҳоким қилиб юбордилар. У Бадр иштирокчиларидан бўлиб, Ҳазрат Умарнинг ўғиллари Абдуллоҳ ва қизлари Ҳафсага тоға эрди.

Рофиъ ибн Худайж Бадр иштирокчиси бўлмиш икки амакиларидан нақл қилиб: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам экинзорларни ижарага бериб фойда олмоқдан қайтарганлар»,— дебдилар. Шунда ровийлардан бири бўлмиш Солим ибн Абдуллоҳга: «Сиз ҳам экинзорларни ижарага бериб фойдаланасиз-ку?!»— дейишибди. Солим: «Ҳа, Рофиънинг ўзи ҳам бу ишни кўп қиларди»,— дебдилар.

Абдуллоҳ; ибн Шаддод: «Мен Руфоъа ибн Рофиъ ал-Ансорийни кўрдим, у киши Бадр иштирокчиси эрдилар»,— дейдилар.

Бадр иштирокчиси бўлмиш Амр ибн Авф ривоят қиладиларки, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Убайда ибн Жарроҳни Баҳраинга солиқ йиғиб келмоққа юбордилар. Чунки, Жаноб Расулуллоҳ Баҳраин бирлан сулҳ тузиб, у ерга Ало ибн ал-Ҳазрабийни амир этиб таъйинлаган эрдилар. Абу Убайда Баҳраиндан кўп мол бирлан қайтиб келди. Бу хабарни эшитган ансорийлар бомдод намозини ўқиб бўлиб, Жаноб Расулуллоҳга рўпара бўлдилар. Жаноб Расулуллоҳ. уларни кўриб кулдилар-да: «Абу Убайданинг кўп мол бирлан қайтганини эшитибсизлар-да!»—дедилар. Ҳаммалари бараварига' «Ҳа, эшитдик, ё Расулаллоҳ!» — деб жавоб бердилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Хурсанд бўлингизлар, Оллоҳ таоло муяссар қиладирган нарсага умид қилингизлар, лекин Оллоҳ таолога қасамёд қиламанки, сизларнинг камбағаллашмоғингиздан эрмас, бойиб кетмоғингиздан, бойликка меҳр қўймоғингиздан кўрқаман. Чунки, сиздан олдинги қавмлар ҳам бойиб, бойликка меҳр қўйгандан сўнг, бойлик уларни халок қилган эрди»,— дедилар.

Нофиъ ривоят қиладиларки, Ибн Умар разияллоҳу анҳу ҳар қандай илонни кўрсалар, ўлдирар эдилар. Абу Лубоба ал-Бадрий разияллоҳу анҳу Жаноб Расулуллоҳнинг уйларда

яшовчи жинларни ўлдирмоқдан қайтарганлари ҳақидаги ҳадисларини айтганларидан кейин. Ибн Умар ҳам уй илонларини ўлдирмайдиган бўлдилар. (Чунки одамларнинг уйида яшовчи оқ рангли ёки кичкина илонлар жинлар тоифасидан эрканлиги айтилади).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ансорийлардан бир неча киши Жаноб Расулуллоҳдан изн сўраб, бундай дедилар: «Ё Расулаллоҳ, ижозат берсангиз, жиянимиз Аббоснинг фидясидан кечсак!». Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таолога қасамёд қилурменки, бир дирдам ҳам кечмайсизлар!»—дедилар (Бадр жангида асирга тушган маккалик мушрикларнинг ҳар биридан жарима олиб, қўйиб юборишга қарор қилинган эрди. Шу асирлар орасида Жаноб Расулуллоҳнинг амакилари Аббос ҳам бор эрдилар. Ҳазрат Умарнинг Аббоснинг қўл-оёғларини маҳкамроқ боғлаганларини Жаноб Расулуллоҳ кўриб, кечаси бирлан ухламай чиқдилар Бундан хабар топган ансорлар кечаси Аббоснинг қўл-оёғларини ечиб юбориб, буни Расулуллоҳга айтдилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳнинг бир оз чеҳралари ёришганини кўрган ансорлар: «Аббосни бутунлай озод қилсак, Жаноб Расулуллоҳ хурсанд бўларканлар» — деб ўйлаб, фидя олмай қўйиб юбормоққа изн сўрашди, аммо Жаноб Расулуллоҳ қарорни бузмадилар).

Миқдод ибн Амр ал-Кандий (бу киши Баний Зуҳр^а қабиласининг иттифоқчиси, Бадрда Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга бўлган) ривоят қиладилар: «Мен бир куни Жаноб Расулуллоҳга: «Ё Расулаллоҳ, айтингчи, мен бир кофирга йўлиқиб қолсам-у, у бирлан жанг қилсам, шунда у менинг бир қўлимни қилич бирлан чопиб ташласа, кейин бир дарахтнинг панасига яшириниб: «Мен мусулмон бўлдим»,— деса, шу гапидан кейин мен уни ўлдирсам бўладими ёки йўқми?» — дедим. «Ўлдирмайсан»,— дедилар Жаноб Расулуллоҳ. «Ахир у менинг қўлимни чопиб ташлагандан сўнг калима келтирди-ку?!»— дедим мен таажжубланиб. Жаноб Расулуллоҳ: «Барибир уни ўлдирмайсан, агар ўлдирсанг, у сенинг уни ўлдирмасингдан аввалги ҳолатингга тушади, сен эрсанг, унинг калима келтирмасидан аввалги ҳолатига тушасан!»—дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтадилар: «Бадр уруши куни Жаноб Расулуллоҳ: «Абу Жаҳлга нима бўлганини ким кўриб келади?»—дедилар. Шунда Ибн Масъуд (жанг майдонига) бориб кўрдиларки, Афрўнинг икки ўғли уни қилич бирлан чопиб ташлабди, у ўлим талвасасида эрди. Ибн Масъуд: «Эй Абу Жаҳл, бу сенми-сан?»—деб хитоб қилдилар. Абу Жаҳл: «Ўлдирган ки-шингиздан улуғроқ киши борми?!» — деб киноя қилди. Абу Мижлаз айтадиларки, Абу Жаҳл: «Қанийди, мени мана шу деҳқонлардан бўлак кишилар ўлдирган бўлса!» — деб афсус қилди (Абу Жаҳл шундай такаббур эрдик, ҳатто қотиллари оддий меҳнаткаш бўлганидан афсусланди)».

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу айтадилар: «Жаноб Расулуллоҳ вафот этганларида мен Абу Бакрга: «Юрингиз, биродарларимиз бўлмиш ансорлар олдига борайлик!» — дедим. Йўлда бизга улардан икки солиҳ киши учради. Мен улар ҳақида Урва ибн аз-Зубайрга айтганимда, у бу икки кишининг бири Увайм ибн Соъида, иккинчиси Маън ибн Адий бўлиб, улар Бадр иштирокчилари эрканликларини айтди».

Қайс ибн Абу Ҳозим айтадилар: «Бадр иштирокчиларига ҳар йили беш мингдан нафақа бериб туриларди. Ҳазрат Умар: «Мен бундан буён ҳар бир Бадр иштирокчисининг оладиган ҳақини янада ошираман»,— дедилар*.

Жубайр ибн Мутъим айтадилар: «Отам Мутъим: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг шом намозида «Ват-Тури» сурасини ўқиганларини эшитдим, менинг қалбимда иймоннинг мустаҳкам ўрин олишига биринчи сабаб шу бўлди»,— деган эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ отам ҳақида: «Агар Мутъим ибн Адий тирик бўлиб, Бадрда асир тушган кофирларни афв этилишини сўраганда, мен уларни унинг ихтиёрига топширган бўлардим!»—деганлар».

Саъид ибн Мусаййаб бундай дейдилар: «Биринчи фитнанинг содир бўлиши бирлан, яъни Ҳазрат Усмоннинг ўлдирилиши бирлан Бадр иштирокчиларидан бирортаси қолмади (Ҳазрат Усмон ўлдирилганларидан сўнг ҳам Али, Талҳа, Зубайр ва бошқа кўплаб Бадр иштирокчилари узок вақт яшаганлар. Шунинг учун ҳам «Бирортаси қолмади» деган гапдан «Уларнинг ҳалокати бошланди» деган маъно тушунилади). Иккинчи фитна содир бўлиши бирлан, яъни Ҳарра воқеъаси содир бўлиши бирлан Ҳудайбийя

иштирокчиларидан бирортаси қолмади. (Ҳарра — Мадина ташқарисидаги бир жой бўлиб, хижратнинг 63- йили Муъовиянинг ўғли Язид аскарлари бирлан бўлган жангда муҳожирлар ва ансорийлардан 700 киши ҳалок бўлган. Худайбийя — Макка атрофида жойлашган жой номи. Ҳижратнинг 8- йили пайғамбаримиз кўплаб саҳобалари бирлан Маккага Каъба зиёратига йўл олганлар. Худайбийя деган жойга келиб тушганларида Макка кофирлари элчи юбориб, мусулмонлар бирлан сулҳ тузганлар. Бу сулҳ шарти бўйича Жаноб пайғамбаримиз асҳоблари бирлан бу йил Маккага кирмай қайтиб кетишлари, келаси йилда эрса Қурайшлар Маккани мусулмонлар зиёрати учун бўшатиб беришлари керак эрди, Жаноб Расулуллоҳ бунга рози бўлганлар). Кейин, учинчи фитна содир бўлди, орадан кўп ўтмай одамларга тинчлик, фаровонлик етди (Ҳижратнинг 130- йили, Марвон ибн Ҳакамнинг халифалик даврида Мадинадан Абу Ҳамза исмли киши чиқиб, Мадина, Макка ва Тоиф амири бўлган Абдулвоҳид ибн Сулаймон бирлан ҳокимият талашди ва Маккани босиб олди. Бу хабар халифага етгач, Абдулмалик ибн Муҳаммад бошчилигида 4 минг кишилиқ кўшин юборди. Халифа кўшини бирлан бўлган жангда Абу Ҳамза ва унинг бутун аскарлари қириб ташланди)».

Ошиа онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: -Мен Умму Мистаҳ бирлан ёнма-ён кетаётган эрдим, оёғи тойилиб кетиб, «Ноумид бўлгур, Мистаҳ!» деб ўз ўғлини қарғади. Мен: «Қандай ярамас сўз айтдинг-а, Бадр иштирокчиси бўлган кишини шундай қарғайсанми?»—деб уни койидим. Шунда Умму Мистаҳ менинг ҳақимда баъзилар тухмат қилишаётганини, тухматчилардан бири эрса ўзининг ўғли эрканлигини сўзлаб берди».

Ибн Шихоб ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ Бадрда ўлдирилиб, жасадлари чуқурга ташланган кофирларга хитоб қилиб: «Эй кофирлар, Оллоҳ таоло сизларга ваъда қилган нарсанинг рост эрканлигини кўрдингизларми?»—дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, ўликларга гапиряпсизми?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ «Хозир булар мен айтаётган гапларни сизлардан яхшироқ эшитиб туришибди»,— деб жавоб бердилар. Бадрда иштирок қилиб, ўлжа олган қурайшийларнинг жами 81 киши эрди. Лекин, Урва ибн аз-Зубайр: «Уларга ўлжалар тақсимлаб берилди, уларнинг сони эрса, 100 киши эрди»,— дердилар. Аммо. Оллоҳ таоло энг билувчидур!».

Ҳишом ибн Урва оталаридан нақл қилиб: «Бадр куни муҳожирларга 100 та ўлжа бўлиб берилди»,— дейдилар.

13- боб.

Имом Бухорий ўз китобларида Бадр иштирокчиларини алифбо тартибида санаб ўтганлар: Ан-Набий Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳошимий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр ас-Сиддик, Умар разияллоҳу анҳу, Усмон разияллоҳу анҳу, Али разияллоҳу анҳу, Иёс ибн ал-Бакир, Билол ибн Рабоҳ, Ҳамза ибн Абдулмутталиб, Ҳотиб ибн Абу Балтаъа. Абу Ҳузайфа ибн Утба, Ҳориса ибн ар-Рабиъ ал-Ансорий, Хубайб ибн Адий ал-Ансории, Ханис ибн Ҳузофа, Руфоъа ибн Рофиъ ал-Ансорий, Руфоъа ибн Абдул-Мунзир, Абу Лубоба ал-Ансорий, Зубайр ибн Аввом, Зайд ибн Саҳл Абу Талҳа ал-Ансорий, Абу Зайд ал-Ансорий, Саъд ибн Молик аз-Зухрий, Саъд ибн Хавла ал-Қураший, Саъд ибн Зайд, Саҳл ибн Ханиф, Заҳийр ибн Рофиъ, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Утба ибн Масъуд, Абдурахмон ибн Авф аз-Зухрий. Убайда ибн Ҳарс ал-Қураший, Убода ибн Соми ал-Ансорий, Амр ибн Авф, Уқба ибн Амр ал-Ансорий. Омир ибн Рабиъ-а, Осим ибн

Собит ал-Ансорий, Увайм ибн Соъида, Атбон ибн Молик, Қудома ибн Мазъун, Қатода ибн Нуъмон, Маъоз ибн Амр, Муъаввиз ибн Афрӯ ва унинг биродари, Молик ибн Рабаиа, Мирора ибн Рабиъ. Маън ибн Адий, Мистаҳ ибн Усоса, Микдод ибн Амр ал-Кандий, Ҳилол ибн Умайя. Оллоҳ таоло улардан рози бўлсин!

14- боб. Бану Назир ва Жаноб Расулуллоҳнинг икки кишининг хунини талаб қилиб Бану Назирга борган-лари, уларнинг Жаноб Расулуллоҳга хиёнат қилмоқчи бўлганлари. Урва ибн аз-Зубайрнинг ривоят қилишича, бу воқеа Бадр воқеасидан олти ой бурун, Ухуд жангидан аввал содир бўлди. Оллоҳ таоло бу ҳақда оят нозил

қилди. Унинг маъноси: «Ахли китоблардан бўлган кофирларни ватанидан ҳайдаб чиқарган зот Оллоҳ таолодир. Кофирлар ўз лашкарларини илк бор тўплаганларида сизлар уларни чиқиб кетади, деб ўйламаган эрдингизлар»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, Бану Назир ва Бану Қурайза мусулмонларга душманлик қилди. Бунинг учун Бану Назир ватанидан қувилди. Бану Қурайза эрса, эркаклари ўлдирилиб, хотину болалари ва мол-дунёси мусулмонлар ўртасида тақсимланди. Уларнинг айримларигина Жаноб Расулуллоҳга эргашиб, иймон келтирдилар ва омон қолдилар. Мадинадаги ҳамма яҳудийлар бадарға қилинди.

Саъид ибн Жубайр айтадилар: «Мен Ибн Аббосга Сураи Ҳашр ҳақида сўзлаганимда, у киши: «Бу сурани «Сураи ан-Назир деб атагин!»—дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ Бану Назир хурмозорини кестириб ва ёқдириб юбордилар. Бу хурмозор Бувайра деган жойда эрди. Шунда Оллоҳ таоло: «Қайси дарахтни кесган ва қайси дарахтни қолдирган бўлсангизлар, ҳаммаси Оллоҳнинг изни бирлан бўлди» деган оятни нозил қилди».

Ибн Умардан нақл қилинадикки, Жаноб Расулуллоҳ Бану Назир хурмозорини ёқдириб юборибдилар. Бу ҳақда Ҳассон ибн Собит бундай деб шеър битган эркан:

«Зарра қийналмай Луай сардорлари,
Бувайра узра ёқди катта гулхан»

Абу Суфён ибн Ҳарс эрса, унга жавобан бундай деб шеър битибди:

«Узоқ муддат илоҳим гуркиратсин,
Куйиб атроф, қолмасин ҳатто тикан!
Омон қолгай қайси ер, сўнг билурсен,
«Ким зарар кўрмай қолур, ким беватан!»»

Молик ибн Авсдан нақл қилинадикки, у киши халифа Умар ибн Ҳаттобнинг ҳузурини ўлтирган эрдилар. Шу пайт Ҳазрат Умарнинг ҳожиблари Ярфо кириб, Усмон, Абдуррахмон, Зубайр ва Саъд киришга ижозат сўраётганларини хабар қилди. Халифа изн берганларидан сўнг, улар кириб ўлтирдилар. Бир оздан сўнг, хожиб яна кириб Али бирлан Аббос ҳам киришга изн сўраётганларини айтди. Халифа изн берганларидан сўнг, Али бирлан Аббос ичкарига кирдилар. Шунда Аббос: «Ё амийрал-муъминин, Али бирлан ўртамазни келиштириб қўйсангиз!» --дедилар. Икковлари Бану Назирга тегишли мусодара қилинган молнинг Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳга хос қилиб берган қисми тўғрисида жанжаллашаётган эрдилар. Ўлтирганлар баробарига: «Эй амийрал-муъминин. икковини яраштириб, ажрим қилиб қўйингиз!» — деди. Халифа Умар: «Шошмангизлар, еру осмоннинг мавжудлиги изнига боғлиқ бўлмиш Оллоҳ таоло номи бирлан сизларни гувоҳликка чақираман! Айтингизлар--чи, Жаноб Расулуллоҳнинг «Биз пайғамбарлар мерос қолдирмаймиз, биз қолдирган нарса садақадур!» деганларини биласизларми?» — дедилар. Ҳаммалари бараварига: «Рост, Жаноб Расулуллоҳ шундай деганлар»—деб жавоб беришди. Сўнг, Ҳазрат Умар Али бирлан Аббоснинг олдидарига келиб: «Сизлар ҳам Жаноб Расулуллоҳнинг шундай деганларини биласизларми?» — деб сўрадилар. Улар ҳам тасдиқ қилишди. «Бўлмаса,— дедилар Ҳазрат Умар,— мен сизларга шу ҳақда сўзлаб берайин! Оллоҳ таоло Бану Назирдан мусодара қилиб олинган молнинг бир қисмини ўз пайғамбарига хос қилди, ўзга бирор кишига бермади. Бу ҳақда Оллоҳ таоло Қуръонда: «Оллоҳ таоло ўз расулига улардан (кофирлардан) уруш қилдирмай олиб берган мол учун сизлар на от ва на туя чоптириб (меҳнатингиз синган эрмас), лекин Оллоҳ таоло ўзи истаган бандаларига пайғамбарларини ҳукмдор қилгайдур. Оллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдур!»— дейди. Оллоҳ таоло ул молни ўз пайғамбарига махсус ато этгандур. Оллоҳ таолога қасамёд қиламанки, Расулуллоҳ мусодара қилинган молни ўзлаштириб олмадилар, нимаики бўлса, барчасини сизларга холисона тақсимлаб бердилар. Ундан ана шул озгина мол ортиб қолди. Шу ортган мол орқали Пайғамбар алайҳиссалом ўз оилаларини боқар эрдилар, ортиқчасини «Оллоҳ таолонинг моли» деб, Байтулмолга олиб кўярдилар. Жаноб Расулуллоҳ умр бўйи шундай қилдилар, сўнг вафот этдилар. Шунда

Абу Бакр: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг ворисларидурмен!» деб ўшал молни ўз қўлларига олдилар ва уни Жаноб Расулуллоҳ қандай тасарруф қилган бўлсалар, шундай тасарруф қилди-лар, шу вақтда сизлар ҳам бор эрдингиз». Кейин, Ҳазрат Умар Али бирлан Аббосга юзланиб бундай деб давом этдилар: «Эслайсизларми, ўзларингиз айтганларингиздек, Абу Бакр халифалик даврларида ростгўй, яхшилик қилгувчи, адолатли ва ҳақиқатга бўйсунувчи эрдилар. Абу Бакр вафот ларидан сўнг, халифаликни мен қўлга олдим. Икки йилдан буён амирлик қилиб, Жаноб Расулуллоҳ ва Абу Бакр тутган йўлни маҳкам тутдим. Менинг ҳам ростгўй, яхшилик қилгувчи, адолатли, ҳақиқатга бўйсунувчи эрканлигимга Оллоҳ таоло шохид! Сўнг, икковингиз менинг олдимга келдингиз, икковингизнинг гапингиз ҳам, ишингиз ҳам бирдур. Мен сизларга: «Жаноб Пайғамбар «Биз пайғамбар-лар мол-дунё мерос қолдирмаймиз, биздан қолган нарса «садақадур!» деганлар»—деб айтдим. Менинг қатъий сўзим шулдур' Оллоҳ таолонинг аҳду мийсоки бўйингизда, агар истасангиз, Жаноб Расулуллоҳ, Абу Бакр ва мен сингари тасарруф қилмоқ шарти бирлан ул молни сизларга бергай-ман, аммо кейинчалик бошқача ҳукм чиқариб бермоғимни талаб қилсангизлар, еру осмонларнинг мавжудлиги изнига боғлиқ бўлган зот ҳақи, қиёматга қадар ҳам бунга юрмагай-мен! Башарти, шартимни эплай олмасангизлар, ул молни менга қайтариб бергайсизлар, мен эрсам сизларни бу юмушдан халос қилгаймен».

Зухрий айтадиларки, «Мен мазкур ҳадисни Урва ибн аз-Зубайрга ривоят қилганимда, ул: «Молик ибн Авс рост айтибди мен Оиша онамизнинг бундай деб айтганларини эшитган эдим»,— деди: «Жаноб Расулуллоҳнинг (мендан бўлак) хотинлари Ҳазрат Усмонни Абу Бакр Сиддикнинг хузурларига юбориб, ўшал молдан ўзларига улуш ажратиб бермоқни талаб қилдилар. Мен уларни бундан қайтариб' «Оллоҳ таолодан кўркмайсизларми? Жаноб Расулуллоҳнинг "Биз мерос қолдирмагаймиз, биздан қолган нарса — садақадур!» деганларини билмайсизларми? «Биз» деганлари-да ул зот ўзларини назарда тутган эрдилар. Аммо, пайғамбар оиласи бу молни садақа эрмас, нафақа тарзида тасарруф қилаверади»,— дедим Шунда, Жаноб Расулуллоҳнинг хотинлари менинг айтганимга кўндилар»

Зухрий ривоятларини давом эттириб бундай дейдилар: «Мазкур садақа Ҳазрат Алининг кулларида бўлиб, Аббосни унга йўлатмадилар. кейин у Ҳасан ибн Али қўлига ўтди, кейин Ҳусайн ибн Али, ундан кейин Али ибн Ҳусайн ва Ҳасан ибн Ҳасан қўлига ўтиб, икковлари уни навбат бирлан тасарруф қилдилар, сўнг у Зайд ибн Ҳасан ихтиёрига ўтди Бу Жаноб Расулуллоҳнинг ўшал садақала-ри эрди».

Оиша алайҳиссалом ривоят қиладилар: «Бир куни Фотима ва Аббос Абу Бакр Сиддикнинг хузурларига келиб, Фадакдаги ердан ҳамда Хайбар ғазотида олинган ўлжалардан ўз меросларини талаб қилдилар. Шунда Абу Бакр Сиддик-«Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Биз мерос қолдирмагаймиз, биздан қолган нарса — садақадур, лекин Муҳаммад хонадони унинг орқали кун кўраверади» деб айтганлар. Оллоҳ таоло номи бирлан касамёд қилурмен-ки, ўзимни Пайғамбар алайҳиссаломга яқин тутиб, ул зотнинг ўғитларига амал қилмоғим қариндошларимга ён босмоғимдан афзалдур!»—дедилар».

15- боб. Каъб ибн ал-Ашрафнинг қатли ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Каъб ибн ал-Ашрафни ким қатл қилиб келгай? Чунки ул Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига беҳад озор етказди»,— дедилар. Шунда Муҳаммад ибн Маслама ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, уни мен ўлдирмоғимни хоҳлайсизми?» — деди. «Ҳа»,— деб жавоб бердилар Жаноб Расулуллоҳ. Муҳаммад ибн Маслама: «Ундай бўлса, (хйла учун) ёлғон гапирмоғимга ижозат берингиз!»—деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Гапиравер!» — дедилар. Муҳаммад ибн Маслама Каъбнинг олдида борди-да, Пайғамбар алайҳиссаломдан шикоят қилган бўлиб: «Анави одам биздан садақа сўради, бизни кўп қийнади, мен сенинг олдинга қарз сўраб келдим»,— деди. Шунда Каъб: «Оллоҳга

касамёд қилурмен-ки, ҳали кўп қийналасизлар»,— деди. Муҳаммад ибн Маслама гапида давом этиб: «Дарҳақиқат, биз унга эргашдик, энди кўрайликчи, пировардида нима қилар эркан? Сен бизга бир васақ ёки икки васақ таом қарз берсанг!» — деди. (Суфён бундай дейдилар: «Амр бизга бу ҳадисни бир неча бор ривоят қилди-ю, лекин «бир васақ ёки икки васақ» деган сўзларни айтмади, мен унга: «Бу ҳадисда «бир васақ ёки икки васақ» деган сўзлар бормиди?» — деганимда, у: «Ҳа, бор эрди»,— деб жавоб берди»). Каъб: «Ундай бўлса, гаровга бирор нарса берингизлар»—деди. «Нимани хоҳлайсан⁷» — деб сўради Муҳаммад. Каъб. «Хотинларингизни гаровга қўйингиз-лар!» — деди. «Қандай қилиб (хунук) хотинларимизни гаровга қўямиз, ахир сен арабларнинг энг чиройлисисан-ку?!»—деди Муҳаммад. ^Бўлмаса, болаларингизни гаровга қўйингизлар!»—деди Каъб. Муҳаммад эътироз билдириб: «Болаларимизни қандай гаровга берамиз, ахир одамлар: «Бир васақ таом учун болаларини гаровга қўйибди»--деб айтмайдими⁷ Бундай таъна биз учун ор ҳисобланади Майли сенга курул-яроғимизни гаровга бера қолайлик'» — деди Ниҳоят, улар курул-яроқни гаровга қўйишга ваъдалашишди. Шу куни кечаси Муҳаммад ибн Маслама Каъбнинг эмишган акаси Абу Ноила (ва яна бир киши) брлан бирга келди, Каъб чиқиб уларни кўрғонига таклиф қилди Шунда, Каъбнинг хотини «Бемаҳал ташқарига чиқма¹»—деб қаршилиқ билдирди. Лекин, Каъб «Бу келганларнинг бири ибн Маслама, иккинчиси эмишган акам Абу Ноила»,—деди.Хотини, «Мен қоннинг томчиллаган овозини эшитаётгандекман», деди.Аммо, Каъб «Сихий киши кечаси ўлимга чақирилса ҳам, лаббай деб жавоб беради»,— деб унамади. Муҳаммад ибн Маслама икки шеригига: «Мен Каъбнинг бошини маҳкам ушлаганимда, сизлар унга тиғ урасизлар»,деб таъйинлади.Каъб уларнинг олдига тушиб йўл бошлади, ундан атир ҳиди анқиб турарди Шунда Муҳаммад ибн Маслама «Мен умримда бугунгичалик хушбўй хидни хидламаганман¹» — деб сохта тилёғламалик қилди. Каъб эрса унинг сўзидан эриб кетиб «Менинг хотиним аёлларининг энг хушбўйи ва гўзалидир'»— деб мактанди. Муҳаммад ибн Маслама унга «Бошингиздаги атир бўйидан хидламоғимга ижозат берасизми⁷»— деб айтди. Каъб розилик билдиргач, Муҳаммад ва унинг шериклари Каъбнинг бошини хидладилар. Шу аснода Муҳаммад унинг бошини икки қўли бирлан маҳкам ушлаб, шерикларига ишора қилган эрди, улар уни ўлдирдилар Сўнг, Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб, бўлган воқеани сўзлаб бердилар»

16- боб Абу Рофиънинг ўлдирилиши ҳақида

Барро ибн Озиб *разияллоҳу анҳу ривоят қилурларки*, Жаноб Расулуллоҳ бир гуруҳ кишиларни Абу Рофиънинг олдига юборибдилар. Абу Рофиъ кечаси ухлаб ётганда Абдуллоҳ ибн Атийк уйига кириб, уни ўлдирибдилар.

Барро ибн Озиб *разияллоҳу анҳу ривоят қилурларки*, Жаноб Расулуллоҳ ансорийлардан бир неча кишини Абдуллоҳ ибн Атийк бошчилигида Абу Рофиънинг олдига юборибдилар. Абу Рофиъ яхудийлардан бўлиб, Жаноб Расулуллоҳга кўп озор етказар ва ул зотнинг душманларига ёрдам берар эрди, ўзи эрса Ҳижоз ердаги кўрғонида яшарди. Мусулмонлар унинг кўрғонига етганларида кун ботган бўлиб, одамлар подаларини уйларига қайтарган эрдилар. Абдуллоҳ шерикларига «Сизлар шу ерда ўлтира турунглар, мен бориб, дарвозабон бирлан тиллашай, шояд ичкарига киролсам» — дедилар. Сунг, аста дарвозага яқинлашдилар-да чопонларини елкаларига ташлаб олиб хожатга ўлтиргандай дарвозага тес қари қараб ўлтирдилар, шунда хануз ичкарига одамлар кириб турарди. Шу пайт дарвозабон чиқди-да, «Эй Оллоҳнинг бандаси ичкари кирадиган бўлсанг, кир, мен дарвозани ёпаман – деди. Абдуллоҳ айтадилар «Мен ичкари кириб беркиниб олдим, дарвозабон дарвозани ёпиб, кулфлади-да, калидларни миҳга осиб кетди. Мен калидларни олиб, дарвозани очдим Шунда Абу Рофиъ ўз хонасида бўлиб, бошқалар бирлан суҳбатлашиб ўлтирган эрди. Ҳамсуҳбатлари тарқалгандан сўнг, мен унинг хузурига кўтарилдим. Қайси эшикни очиб кирсам, ичкарисидан яна кулфлаб олардим, чунки одамлар мени сезиб қолсалар, уни ўлдиришга улгуролмай қоламан, деб ўйлардим

Ниҳоят, у ётган уйга етиб бордим-у, аммо қоронғуда бола-чақалари орасида бўлганидан унинг айнан қайси жойда ётганини билолмадим, секин «Эй Абу Рофиъ!» —деб чақирдим. Абу Рофиъ «Ким бу?» — деб овоз қилди. Мен овоз чиққан жойга бориб, зарб бирлан қилич солдим, лекин ҳаяжонланганимдан ўлдиролмадим, УНИНГ бақирғидан қайтиб чиқдим Бироз нафасимни ростлаб, яна кирдим ва «Эй Абу Рофиъ, ким бақирди!» — дедим Абу Рофиъ «Онангни ғам босгур, уйда бегона эркак юрибди, менга қилич урди!»—деди Шунда унга яна қилич урдим, аммо бу сафар ҳам ўлдира олмадим. Кейин қиличнинг тиғини қорнига шундай босдимки, икки бўлак қилиб ташладим. Ниҳоят, ўлдирганимга ишонч хосил қилгач, эшикларни бир-бир очиб, зинанинг охириги поғонасига тушдим. Ерга етдим деб оёғимни қўйган эрдим, йиқилиб тушдим, оёғимнинг болдир суяги синиб кетди. Сўнг, синган жойни саллам билан боғлаб оҳиста юриб кетдим. Дарвозага етгач, ўзимга-ўзим «Бироз кутай, ҳақиқатан ўлдирдимми ёки йўқми, билайин!» — дедим Тонг отиб, хўроз қичқирган пайтда қўрғон тепасидан жарчининг Ҳижоз аҳлининг савдогари Абу Рофиъ вафот этгани ҳақидаги хабари тарқалди. Мен шерикларим ҳузурига қайтдим-да «Оллох таоло Абу Рофиъни ўлдирди, тезда бу ердан кетайлик» — дедим Жаноб Расулulloхнинг: ҳузурларига боргач, бўлган воқеани баён қилдим. Жаноб Расулulloх «Оёғингни узат!»—дедилар, мен оёғимни узатдим, ул зот силаб қўйдилар Муборак кўлларининг шарофатидан кейин ҳеч қачон оёғим оғримасди»

Барро ибн Озибдан нақл қиладиларки, Жаноб Расулulloх Абдуллох ибн Атийк ва Абдуллох иби Утба бошчилигида бир неча кишини Абу Рофиънинг ҳузурига юборибдилар Улар Абу Рофиънинг қўрғонига яқин борганларида, Абдуллох ибн Атийк «Сизлар шу ерда кутиб турингизлар, мен бориб вазиятни билиб келай!»—дебдилар. Абдуллох ибн Атийк айтадилар: «Мен қўрғонга киришга уриниб кўрдим, шу пайт у ердан машъала кўтарган бир неча киши чиқиб қолди, улар эшакларини йўқотиб, қидириб чиққан эрканлар. Таниб қолишларидан чўчиганимдан худди хожатга ўлтиргандай бош-оёғимни либосим бирлан ёпиб, тескари қараб ўлтирдим. Шу пайт эшик оғаси' «Дарвозани қулфламасимдан илгари қўрғонга кирувчилар бўлса, кирсин!»—деб бақирди. Мен қўрғонга кириб, отхонага яшириндим. Абу Рофиънинг ҳамсуҳбатлари кечки овқатни еб бўлиб узоқ суҳбатлашиб ўлтиргач, тун ярмида уй-уйига тарқалди. Атрофга жимжитлик чўккач, беркинган жойимдан чиқдим. Қоровулнинг дарвоза калитларини бир қувача ичига яширганини кўрган эрдим, уларни олиб, қўрғон эшикларини очдим. Сўнг, мени биров сезиб қолмасин, деб тезда дарвоза олдидан узоқлашдим. Қайси эшикка кирмай, ичкарасидан қулфлаб қўйиб, Абу Рофиънинг ҳузурига нарвон бирлан кўтарилдим. У қоронғу хонада ётган эрди. Ётган жойини тополмай: «Абу Рофиъ!» — деб секин чақирдим. «Ким у?» — деб Рофиъ овоз берди. Овоз чиққан жойни мўлжаллаб қилич бирлан қаттиқ урдим. Бақирган овоз келди, лекин ўлдиролмаган эрдим. Унга ёрдам бермоқчи бўлган кишидай овозимни ўзгартириб: «Эй Абу Рофиъ, нима бўлди?»—дедим. «Ўзинг кимсан, онанг ғамга ботгур, уйимга бегона одам кириб олибди, мени қилич бирлан урди»,— деб бақирди Абу Рофиъ. Шунда унинг хотини ҳам уйғониб кетди. Мен яна овозимни ўзгартириб, унга яқинлашдим, у осмонга қараб чалқанча ётган эрди. Қиличимнинг тиғини қорнига шундай ботирдимки, ҳатто суякларининг қисирлагани ҳам эгаитилди Кейин, мен ҳаяжонланганимдан нарвондан тушаётиб, йиқилиб тушдим. Оёғим синди, уни боғлаб шерикларим олдига бордим. Уларга: «Борингизлар, Жаноб Расулulloхга хушхабар етказингизлар, мен эртага ўлим хабарчисининг овозини эшитмагунимча жойимдан жилмайман!»—дедим. Субҳ вақтида жарчи унинг ўлганини хабар қилди. Мен хотиржам йўлга чиқдим. Шерикларимга, ҳали улар Жаноб Расулulloхнинг ҳузурларига етиб бормасларидан етиб олдим-да, шахсан ўзим Жаноб Расулulloхга хушхабар айтдим».

17-боб. Уҳуд ғазоти

Бу бобга Оллох таолонинг «Оли Имрон» сурасидаги қуйидаги ояти карималари мазмунан тааллуқлидур: «Эй Муҳаммад, сиз эрталаб аҳлингиз олдидан чиқиб,

мўминларни жангга шайлаб қўйган вақтингизни бир эслангиз, Оллоҳ ҳаммасини кўриб, билиб турувчидур»

«Руҳан тушмангизлар, хафа бўлмангизлар, агар иймонда мўстаҳкам турсангизлар, ҳақиқий ғолиб сиздурсизлар. Агар бу сафар сизларга жароҳату мусибат етган бўлса, аввалги жангда рақибларингизга талофот етган эрди. Бу Дунё ҳаётида ғалаба қўлдан-қўлга ўтиб тургай, Оллоҳ таоло (мана шундай) синов бирлан ораларингиздан ҳақиқий мўминларни билиб олгай ва айримларингизни шаҳид қилгай. Оллоҳ таоло золимларни дўст тутмагай, иймонли бандаларини аввалги гуноҳларидан поклаб, кофирларни ҳалок қилгай. Оллоҳ таоло сизларни жиҳодда синамай туриб, сабр қилувчи эканликларингизни аниқламай туриб, жаннатга киритади, деб ўйлайсизларми? Ўлимга дўч келмай туриб шаҳид бўлмоқни орзу қилган эрдингизлар. Мана энди уни ўз кўзингиз бирлан кўриб турибсизлар!»

«Оллоҳ таоло, сизлар унинг ризолиги учун кофирлар бирлан урушиб турганингизда, ўз ваъдасининг устидан чиқди. Аммо, Оллоҳ таоло ваъда қилган зафарни кўриб туриб ҳам ўрталарингизда низоъ чиқди, сизлар бошлиққа бўйинсунмадингизлар, заифлашдингизлар, баъзиларингиз охи-ратни хоҳласа, баъзиларингиз дунёни танладингизлар, натижада Оллоҳ таоло сизлардан зафарни олиб қўйиб, енгилдингизлар, бу сизларга Оллоҳ таолодан бир синов бўлди, Оллоҳ таоло сизларни кечирди. Оллоҳ таоло мўминларга нисбатан мурувватлидур!»

«Оллоҳ таоло йўлида шаҳид бўлганларни ўлик деб ўйламангизлар!».

Ибн Аббосдан нақл қилинадики, Жаноб Расулуллоҳ. «Мен Уҳуд жангги куни Жаброил алайҳиссаломни кўрдим, ул зот жанг анжомларини кийиб олган бўлиб, отлари жилловини тортиб турган эрдилар»,— дебдилар.

Уқба ибн Омирдан ривоят қилинадики, Жаноб Расулуллоҳ 8 йилдан сўнг Уҳуд жангги шаҳидлари қабри тепасига келиб, гўё видолашаётгандек ўликлар ва тириклар ҳақиқа Дўо қилдилар. Кейин, минбарга чиқдилар-да: «Албатта, мен сизларнинг йўлбошчингизман ва сизларнинг иймонларингизга гувоҳман, сизлар бирлан энди Ҳавзи Кавсар бўйида кўришамиз, мен мана шў жойимда туриб уни кўряпман. Мен сизлар мушрик бўлиб кетасизлар, деб кўркмайман, лекин мол-дунё сизларни енгиб қўймасайди, деб кўрқаман»,— дедилар. «Шунда мен Жаноб Расулуллоҳни сўнгги бор кўрган эрдим»,— дейдилар ровий.

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Уҳуд куни биз мушрикларга рўбарў бўлдик. Жаноб Расулуллоҳ камончи мерганларни тепалик устига жойлаштириб, уларга Абдуллоҳ ибн Жубайрни амир қилиб тайинладилар-да, «Бизнинг ғалаба қилганимизни кўрсангизлар ҳам, енгилганимизни кўрсангизлар ҳам жойингиздан жилмангизлар, ёрдамга ошиқмангизлар!» — дедилар. Душман бирлан тўкнашганимизда улар тумтарақай қочиб қолдилар, ҳаттоки тоққа тирмашган аёлларининг болдирлари очилиб қолиб, тақинчоқлари кўриниб турганини кўрдим. Шунда мерганлар: «Ана ўлжа, ана ўлжа!» —деб очкўзлик қила бошладилар. Амир Абдуллоҳ ибн Жубайр уларга Жаноб Расулуллоҳнинг «Жилмангизлар!» деб буюрганларини эслатсалар ҳам, итоат қилмадилар. Натижада иш чаппасига кетиб, мусулмонлардан 70 киши шаҳид бўлди. Мушрикларнинг бошлиғи Абу Суфён тирик қолган мусулмонлар олдига келиб: «Орангизда Муҳаммад борми, нега индамайсизлар? Орангизда Абу Қаҳҳофа (Абу Бакр Сиддиқ) борми, нега жавоб бермайсизлар? Орангизда Ибн Хаттоб борми, нега жавоб бермайсизлар? Демак, улар ўлдирилганлар, агар тирик бўлганларида эрди, жавоб берган бўлур эрдилар»,— деди. Умар разияллоҳу анҳу ўзларини тутиб туролмай: «Эй Оллоҳ таолонинг душмани, ёлғон айтяпсан, ҳали шошмайтур, Оллоҳ таоло сени албатта ғам-ғуссага ботиргай!»—дедилар. Шунда Абу Суфён: «Хубал буюкдур!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Жавоб қайтарингизлар!»—дедилар. Саҳобалар: «Нима деймиз?»—деганларида, ул зот: «Оллоҳ таоло буюк ва улуғдур!» деб айтингизлар»,— дедилар. Абу Суфён: «Бизнинг Уззомиз бор, сизларнинг Уззоларингиз йўқ» — деганда, Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло бизнинг мавломиз (эгамиз), сизларнинг эрса, эгаларингиз йўқ! > — деб айтишни ўргатдилар. Абу

Суфён: «Бугунги кун Бадр куни учун қасос бўлди, урушда зафар гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ўтади. Жанг майдонига боқсангизлар, мен буюрмаган ва менга зарари ҳам бўлмаган бир далилнинг шоҳиди бўласизлар»,— деди».

Жобир ибн Абдуллоҳ айтадиларки, Уҳуд куни бир неча киши ичкилик ичган ҳолда жангга кириб, шаҳид бўлибди (Исломда ичкилик Уҳуд жангидан бир қанча вақт кейин ҳаром қилинган).

Иброҳим разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики, «Абдурраҳмон ибн Авфга таом келтирилди, у киши рўзадор эрдилар. Шунда ул киши: «Мусъаб ибн Умайр ўлдирилди, ваҳоланки у мендан яхшироқ эрди. Кафанлиги йўқлигидан либосига ўраб кўмилди, либоси калталигидан оёғини ёпса, боши, бошини ёпса, оёғи очилиб қолар эрди. Кейин, Амир .Ҳамза ҳам шаҳид бўлди, ваҳоланки ул ҳам мендан яхшироқ эрди. Бизга эрса, бисёр мол-дунё берилди. Кўрқамизки, барча яхшиликлар шу дунёдаёқ берилиб, охиратда насибамиз қолмадимикан?» — дедилар-да, хўнграб йиғлай бошладилар» хатто таом ҳам емадилар».

Жобир ибн Абуллоҳдан нақл қилинадики, «Уҳуд куни бир одам Жаноб Расулуллоҳга: «Нима дейсиз, мен агар ҳозир ўлдирилсам, қаерда бўламан?» — деди. «Жаннатда»,— дедилар Жаноб Расулуллоҳ. Шунда у қўлидаги ҳурмоларни отиб юборди-да, жангга кириб кетди ва шаҳид бўлди».

Хаббоб разияллоҳу анху айтадилар: «Биз Оллоҳ таоло ризолиги учун Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга ҳижрат қилдик. Оллоҳ таоло бизга ажру савоб ато этмоқни ўз зиммасига олди. Баъзи биримиз ўша ажру савобдан олиб улгурмай дунёдан ўтиб кетди. Масалан, Мусъаб ибн Умайр. Ул киши Уҳуд куни ўлдирилдилар, ўзларидан ҳеч қандай мол-дунё қолдирмадилар, фақат битта жундан тўкилган чопонлари бўлиб, бошларига ёпсак, оёғлари, оёғларига ёпсак, бошлари очилиб қолди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ бизга: «Чопони бирлан бошини ўрангизлар, оёғига эрса изхир ташлаб қўйингизлар!» — деб амр қилдилар. Бироқ, орамизда бул дунёда мукофотини олиб, айшини суриб юрганлар ҳам бордур».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики, ул кишининг амакилари Анас ибн Назр Бадр жанггида қатнашолмаган эрдилар, Шу боисдан ҳам ул киши: «Мен Жаноб Расулуллоҳ қатнашган энг улуғ жангда бўлолмадим. Агар Оллоҳ таоло мени Жаноб Расулуллоҳ бўлган жангда шаҳид қилганда эрди, мен бунчалик алам чекмаган бўлур эрдим!»—деб қаттиқ афсус чекардилар. Ниҳоят, Уҳуд жанггида қатнашиш бахтига муяссар бўлдилар. Жангда мусулмонлар қоча бошлади. Шунда Анас ибн Назр: «Ё Оллоҳ, мусулмон биродарларимнинг қилмиши учун сендан узр сўрайман, мушриклар офатидан ўз паноҳингда асрагил!» — дея қилич яланғочлаб олдинга ташландилар Шу аснода Саъд ибн Муозга дуч келиб: «Эй Саъд, қаерга қочяпсан? Уҳуд ёнидан димоғимга жаннат ҳиди анқияпти!»—дедилар-да, жангга киришдилар ва шаҳид бўлдилар. Жасадлари одам танимас бўлиб кетган эрди. Сингиллари ул кишини холларидангина (ёки бармоқларидангина) таниб олди. Жасадларида найза, гурзи, қилич зарби ҳамда камон ўқидан ҳосил бўлган 80 дан ортиқ жароҳат бор эрди».

Зайд ибн Собит разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Қуръондан нусха кўпайтираётган вақтимизда «Аҳзоб» сурасидаги бир оятни топмадим. Бу оятни Жаноб Расулуллоҳ ўқиганларида эшитган эрдим. Уша оятни кўп қидириб, охири Ҳузайма ибн Собит ал-Ансорийдан топдик. Бу оят қуйидагича: «Шундай мўмин кишилар борки, улар Оллоҳ таолога қилган аҳду паймонларида устивор турдилар. Уларнинг баъзилари мақсадларига етиб, шаҳид бўлдилар, баъзилари мунтазирдурлар». Биз бу оятни Мусхафдаги тегишли сурага қўшиб қўйдик».

Зайд ибн Собит ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳудга чиққанларида, ул зот бирлан бирга чиққанларнинг бир қисми ортига қайтиб кетди. Шунда Жаноб Расулуллоҳнинг саҳобалари уларга нисбатан чора кўрмоқлик хусусида икки гуруҳга бўлиниб қолдилар, баъзи саҳобалар «ўлдираммиз» дейишса, баъзи саҳобалар («шояд, мусулмон бўлсалар» деган ўй бирлан) «ўлдирмайммиз» дейишди. Шу

аснода Оллоҳ таоло қуйидаги ояти каримасини нозил қилди: «Бас, нима бўлди сизларгаки, мунофиқлар хусусида икки гуруҳ бўлиб олдингизлар, ҳолбуки Оллоҳ таоло уларни ёмон амаллари сабабидан ортларига қайтарди». Зайд ибн Собит сўзларида давом этиб: «Дарҳақиқат, Мадина пок жой бўлиб, олов кумуш таркибидаги бегона жисмларни кетказгандек, гуноҳларни кетказди дедилар.

18-боб

Оллоҳ, таолонинг қавли: «(Эй Муҳаммад!) Сизлардан икки тоифанинг (кўрқоқлик қилиб жанг майдонидан) қочмоқчи бўлганини бир эсланг, ваҳоланки Оллоҳ уларнинг дўстидур. Мўминлар Оллоҳга таваккал қилсинлар!»

Жобир ибн Абдуллоҳ: «(Эй Муҳаммад!) Сизлардан икки тоифанинг (кўрқоқлик қилиб жанг майдонидан) қочмоқчи бўлганини бир эсланг...» деган ояти карима бизнинг, яъни Бану Салама ва Бану Ҳориса тўғрисида эрди. Кошқийди, бул оят нозил қилинмаган бўлса! Чунки, Оллоҳ таоло: «... ваҳоланки, Оллоҳ уларнинг дўстидур»,— дейди»,— дейди-лар.

Жобир. ибн Абдуллоҳ; ривоят қилдилар: «Бир куни Жаноб Расулуллоҳ мендан: «Эй Жобир, уйландингми?» — деб сўрадилар. Мен: «Ҳа»,— деб жавоб бердим. «Қиз болага уйландингми ёки жувонгами?» — деб яна сўрадилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, жувонга уйландим!» — дедим. «Қиз болага уйлансанг бўлмасмиди, сенга муҳаббат кўярди!» — дедилар Жаноб Расулуллоҳ. Мен: «Ё Расулаллоҳ, отам Уҳуд жангида ўлдирилиб, менга 9 та қизни ташлаб кетдилар. Мен 9 та опа-сингилларим бирлан қолдим. Уларга ўзларига ўхшаган яна битта эси паст қизни қўшиб қўйишни маъқул кўрмадим. Хотиним уларни ювиб-тарайди, хизматини қилади»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Тўғри қилибсан!» — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳдан нақл қилинадикки, у кишининг оталари Уҳуд жангида шаҳид бўлиб, қарзлари ва 6 та қизлари Жобирга қолган эрди. (Бундан олдинги ҳадисда 9 та қиз, бу ерда эрса «6 та» деб келтирилишининг боиси шуки, Жобирнинг опа-сингиллари ҳаммаси 9 та бўлиб, оталари шаҳид бўлганларида 3 таси турмушга узатилган, 6 таси эрса ёш қолган эрди). Жобир ибн Абдуллоҳ бундай дейдилар: «Хурмо ҳосилини терадиган пайтда Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келиб: «Ўзингиз биласиз, отам Уҳуд жангида шаҳид бўлганлар, у кишидан менга катта қарз қолган. Мен отамга қарз берган кишиларни кўрсатмоқчиман»,— дедим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Боргин, ҳар бир дарахт ҳосилини алоҳида тўплаб қўйгин» — деб буюрдилар. Мен айтганларидек тўплаб, сўнг ул зотни чақирдим. Ҳақдорларим Жаноб Расулуллоҳни кўриб менга шу ондаёқ яхши муомала қила бошладилар. Уларнинг тилёғламачилигини сезган Жаноб Расулуллоҳ хурмо тўпларидан энг каттасини уч бор йиғиштириб ўзларига яқин тортдилар-да, устига ўлтириб олдилар. Кейин: «Қани, шерикларингни чақир!» — деб буюрдилар. Уларнинг ҳаммасига ўлчаб бердилар. отамнинг барча қарзлари узилди. Мен: «Отамнинг барча қарзлари узилса-ю, сингилларимга бирорта ҳам хурмо олиб бормасам ҳам, майли» —деб ўйлардим. Жаноб Расулуллоҳ барча хурмо уюмларини отамнинг қарзларига бердилар, фақат ўзлари устида ўлтирган ғарамгина қолди, халос, ундан бирор дона ҳам хурмо камаймади (мантиқ: Жаноб Расулуллоҳ қарзга қанча хурмо кетишини олдиндан аниқ билган-лар)».

Саъд ибн Абу Ваққос: «Мен Жаноб Расулуллоҳни Уҳуд куни кўрдим, у киши бирлан бирга икки нотаниш киши ҳам жанг қиларди, иккови ҳам оппоқ либос кийиб олган эрди. Уларни бундан илгари ҳам кўрмаганман, кейин ҳам кўрмадим»,— дейдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос: «Жаноб Расулуллоҳ Уҳуд куни ўқдонларидан ўқ олиб бера туриб менга: «Ота-онам сенга фидо бўлсин, отгил!» — дедилар»,— дейдилар.

Абдуллоҳ; ибн Шаддод ривоят қилдилар: «Мен Ҳазрат Алидан эшитдимки, Жаноб Расулуллоҳ Саъддан бошқа бирор кишига «Ота-онам сенга фидо бўлсин!» деб айтмаган эрканлар».

Абу Усмон таъкидлайдиларки, ғазот қилинган мазкур кунларнинг баъзисида Жаноб Расулуллоҳнинг ёнларида Талха бирлан Саъддан бўлак бирор киши жанг қилмаган эркан.

Соиб ибн Язид айтадилар: «Мен Абдуррахмон ибн Авф, Талха ибн Убайдуллох, Микдод ва Саъд бирлан ҳамсухбат бўлдим, улардан фақат Талха ибн Убайдуллохнинггина Ухуд жангги ҳақида гапирганини эшитдим».

Қайс ибн Абу Хозим айтадилар: «Мен Талханинг бир қули (ўқ тегаверганидан) шол бўлиб қолганини кўрдим, у шу қўли бирлан Ухуд куни Жаноб Расулуллохни ҳимоя қилган эрди»

Анас ибн Молик разияллоху анху ривоят қиладилар «Ухуд куни одамлар Жаноб Расулуллохни ташлаб қочдилар Абу Талха эрсалар, Жаноб Расулуллох олдиларидан кетмай, қўлларидаги қалқонлари бирлан ул зотнинг муборак бошларини ўқдан ҳимоя қилиб турдилар Абу Талха мерган киши булиб, камонни қаттиқ, тортар эрдилар. Шу куни 2 та ё 3 та камон синдирдилар. Ўшанда саҳобалардан бири камон ўқи тўла садоқ бирлан ўтиб кетаётганда Жаноб Расулуллох унга «Абу Талхага ёрдам бер¹ - деб эрдилар. Жаноб Расулуллох жанг пайтида жангчилардан шахсан ўзлари хабар олиб турар эрдилар. Шунда Абу Талха «Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллох¹ Келманг, тагин душман ўқидан бирортаси сизга тегмасин, сизнинг томоғингизга тегадирган ўқ менинг томоғимга тегаверсин!»—дердилар. Шу куни Оиша бинти Абу Бакр бирлан Умму Сулаймни ҳам кўрдим. Икковлари этакларини липпаларига қистириб олган, елкаларида меш, жангчиларга сув олиб борар эрдилар, яна ортларига қайтишиб, мешларни тўлдириб жанг майдонига киришар эрди. Ўша куни Абу Талханинг қўлларидан икки ёки уч бор қиличлари ерга тушиб кетди»

Оиша разияллоху анҳодан нақл қилинадики, Ухуд куни мушриклар жанг майдонини ташлаб қочибди Шунда шайтон лаънатуллоҳи алайҳи «Эй Оллохнинг бандалари, ортингиздагилардан эҳтиёт бўлингизлар¹» — деб нидо қилиб мусулмонларни чалғитибди. Натижада олдинги сафдагилар ортларига ўгирилиб, кейинги сафдаги (ўз биродарлари бирлан) жанг бошлашибди. Шу пайт Ҳузайфа отаси ал-Йамонни кўриб «Эй Оллохнинг бандалари, бу менинг отам, бу менинг отам¹» — деб бақирибди, аммо жангчилар ўзларини тўхтатиб қололмай, Ҳузаифанинг отасини ўлдириб қўйишибди. Лекин, Ҳузайфа отасининг қотилларига «Оллох таоло гуноҳларингизни кечирсин!»—деб ёмонлик қилмабди, ҳаттоки умрининг охиригача уларга яхшилик қилаверибди

19-боб

Оллох таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, икки гуруҳ (мусулмонлар ва мушриклар) ўзаро тўқнашган куни сизларнинг ораларингиздан қочган кишиларни баъзи хатолари сабабли шайтон оздирди. Оллох таоло уларни афв қилди, Оллох таоло албатта, мағфиратли, раҳмдил зотдир¹»

Усмон ибн Мавҳиб ривоят қиладилар «Бир киши хажга келиб, Каъба ёнида суҳбатлашиб ўлтирган бир гуруҳ кишиларга кўзи тушди. «Бу ўлтирган кишилар ким?» — деб ёнидагилардан сўради. Унга «Булар қурайшликлар»,— деб жавоб беришди. «Буларнинг улуғи ким?» - деб яна сўради у. Шунда уларнинг улуғи Ибн Умар эканликларини айтишди Бояги киши Ибн Умарнинг ёнига келиб «Мен сиздан бир нарса ҳақида сўрайман, жавоб берасизми?»—деди Ибн Умар «Мана шу Байтуллох ҳурмати, албата жавоб бераман¹» — дедилар Бояги киши «Усмон ибн Аффоннинг Ухуд жанггидан қочганларини биласизми?»—деди Ибн Умар «Биламан >,— дедилар Бояги киши «Унинг Бадр жанггида ҳам қатнашмаганлигини биласизми» —деди Ибн Умар «Бўни ҳам биламан»,— дедилар Бояги киши «Байъатурирризонда ҳам йўқ эрди, шундайми?»—деди «Ҳа, шундай¹» — дедилар Ибн Умар. Шунда бояги киши «Оллоху акбар» — деб такбир айтди. Ибн Умар унга бундай дедилар «Яқинроқ кел, сен сўраган нарсанинг хабарини айтиб тушунтириб берайин¹ Ухуд куни Ҳазрат Усмоннинг жангдан қочганларининг гуноҳини Оллох таоло бошқалар бирлан бирга ўз ояти каримаси орқали афв қилгандур. Бадр жанггида бўлмаганларининг сабаби — Жаноб Расулуллохнинг қизлари Ҳазрат Усмоннинг хотинлари бўлиб, у қаттиқ касал эрди. Жаноб Расулуллох у кишига «Сиз хотинингизнинг ёнида қолингиз, Оллох таоло сизга Бадрда иштирок қилганлик савобини

беради. Жангда тушган ўлжадан ҳам ўз насибангизни оласиз»,— деб таъйинлаган эрдилар. Ҳазрат Усмоннинг «Байъатурризвон»да бўлмаганликларининг сабаби шуки, агар Макка ичра Ҳазрат Усмондан улугроқ киши бўлганда эрди, Жаноб Расулуллоҳ ул кишининг ўринларига ўшани юборган бўлардилар. Ҳазрат Усмон у ердаги энг улуг киши бўлганлари учун ҳам Маккага юборилдилар «Байъа-турризвон» эрса, ул киши кетганларидан сўнг бўлган. Ўшанда Жаноб Расулуллоҳ ўнг қўлларини кўтариб «Мана бу Усмоннинг қўлидир¹» — деб эрдилар-да, уни чап қўлларига уриб қўйган эрдилар» Сўнг Ибн Умар бояги кишига «Мана шу эшитганларингни қулоғингга куйгинда, бу ердан жўнаб қол!» — дедилар»

20-боб

Оллоҳ таолонинг қавли: «Сизлар тоғларга (қочиб) чиқиб кетур эрдингизлар ва ҳеч кимга ўгирилиб бокмас эрдингизлар, Расулуллоҳ эрса сизларни ортларингиздан чақирар эрди Кейин, Оллоҳ таоло сизларга пайдарпай ғам юборди, токи ғам емангизлар на қўлдан кетган нарсага ва на етган мусибатга ва Оллоҳ таоло қилиб турган амалларингиздан хабардордур¹»

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар «Жаноб Расулуллоҳ Уҳуд куни пиедаларга Абдуллоҳ ибн Жубайрни бошлиқ қилган эрдилар. Булар биринчи бўлиб жанг майдонидан қочдилар Мазкур оят шулар ҳақида нозил бўлган».

21-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Кейин, Оллоҳ таоло сизларга ул ғам кетидан тасалли, яъни мудроқ юборди, бу мудроқ сизлардан бир тоифани ўз оғушига олди, бошқа тоифа эрса Оллоҳ таолодан кўра ўз жонларининг роҳатини муҳимроқ билиб, худди жоҳилият пайтидагидек Оллоҳ таолога шаку гумон қилдилар. «Бизга Оллоҳ таолодан Ҳеч бир мадад бўлмади-ку» деб ошиқдилар. Эй Мухаммад, улагрга айтингки, ҳар қандай нусрат Оллоҳ таолодан бўлмай. (Мунофиқлар) сизга изхор қилмайдиган шундай гапларни дилларида сир тутадиларки, «Агар Оллоҳдан бизга нусрат келганда эрди, бу ерда ўлдирилмаган бўлардик!» — дейдилар. Эй Мухаммад, сиз уларга: «Агар ўз уйларида бўлсангиз ҳам, қайси бирларингизга ўлим битилган бўлса, ўша ерга бориб жонингизни олиб кетган бўлардик»,— деб айтинг (Бу мусибат) дилларингиздагини синаб билмоқ ва қалбингизни покламоқ учундир. Оллоҳ таоло қалблардагини билувчи зотдур!»

Абу Талҳа айтадилар: «Мен ҳам Уҳуд куни мудроқ олган кишилардан бири эрдим, ҳатто бир неча бор қиличим қўлимдан тушиб кетди. Ҳар сафар тушиб кетса, оламан, яна тушиб кетса, яна оламан».

22- боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Мухаммад, сизда ҳеч қандай ихтиёр йўқ, ё улар тавба қилиб, иймонга келадилар ёки Оллоҳ таоло уларни шу дунёдаёқ қаттиқ азоблайди, чунки улар ўз жонига зулм қилганлардур»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики, Жаноб Расулуллоҳнинг пешоналари Уҳуд куни ёрилган эркан. Шунда Жаноб Расулуллоҳ ғазаб қилиб: «Пайғамбарининг пешонасини ёрган қавм қандай нажот топади?!» — деган эрканлар. Оллоҳ таоло бунга жавобан «Сизга ҳеч қандай ихтиёр берилмаган» деган ояти каримасини нозил қилибди.

Абдуллоҳ; ибн Умар разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики, у киши Жаноб Расулуллоҳнинг бомдод намозининг иккинчи ракъатида рукуъдан бош кўтариб «Самияллоҳу лиман ҳамидах» дегач, «Ё Оллоҳ, фалончини, фалончини ва фалончини лаънат қилгин!» деб дуои бад қилганларини эшитибдилар. Шу пайт Оллоҳ таоло «Сизга ҳеч қандай ихтиёр берилмаган» деган оятни нозил қилибди («Улар золимлардур» деган сўзигача).

Солим ибн Абдуллоҳ; ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам Сафвон ибн Умайя, Суҳайл ибн Амр ва Ал-Ҳарс ибн Ҳишомни дуои бад қилган эрдилар, Оллоҳ таоло «Сизга ҳеч қандай ихтиёр берилмаган» деб бошланадиган ояти каримасини нозил қилди».

23-боб. Умму Салийт ҳақида

Саълаба ибн Абу Моликдан нақл қилинадик, Ҳазрат Умар ал-Хаттоб разияллоҳу анху бир гуруҳ Мадина аёлларига либос тарқатибдилар, фақат битта янгигина либос ортиб қолибди. Шунда «Эй мусулмонлар амири, бу либосни Жаноб Расулуллоҳнинг ёнингиздаги қизларига берингиз!» — деб Ҳазрат Алининг қизлари Умму Гулсумни кўрсатишибди. Ҳазрат Умар: «Умму Салийт бу либосга лойикрокдур, чунки у пайғамбаримизга байъат қилган ансориялардан бўлиб, Уҳуд куни меш орқалаб бизга сув ташиб турган», — дебдилар.

24-боб. Ҳамза разияллоҳу анҳунинг ўлдирилишлари ҳақида

Али разияллоҳу анҳудан нақл этиладик, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шаҳидларнинг энг улуғи Ҳамза ибн Абдулмутталиб разияллоҳу анҳудир!» — дебдилар.

Жаъфар ибн Амр ривоят қилдилар: «Бир куни мен Убайдуллоҳ ибн Адий ибн Хиёр бирлан бирга сафарга чиқдим. Ҳимс деган жойга етганимизда Убайдуллоҳ менга: «Ваҳший исмли киши ҳақида бирор нарса биласизми? Уни топганимизда эрди, Ҳамза разияллоҳу анҳуни қандай ўлдиргани ҳақида сўраб олардик!» — деди. Мен рози бўлдим. Ваҳший Ҳимсда яшарди (Ҳимс — Димашқ ва Ҳимот шаҳарлари орасида жойлашган). Уни суриштирган эрдик, «Ана, қасрининг соясида ёғ тўлдирилган хумдек бўлиб ўлтирибди» деб ишора қилишди. Биз Ваҳшийнинг ёнига бориб, салом берган эрдик, алик олди. Убайдуллоҳ салласи бирлан юзини ўраб олган бўлиб, Ваҳший унинг икки кўзи бирлан оёғинигина кўрарди. Убайдуллоҳ ундан «Эи Ваҳший, мени танияпсанми?» — деб сўради. Ваҳший унга қараб «Худо ҳақи, йўқ¹ Лекин, менинг эсимдаки, Адий ибн Хиёр Умму Қитол бинти Абулайс исмли аёлга уйланган бўлиб, ундан Маккада бир ўғил кўрган эрди. Мен у болани энагасига олиб борардим (Бир куни) болани унга узатаётганимда сенинг оёғинга ўхшаш оекни кўрганман», — деди. Шунда Убайдуллоҳ, юзини очиб «Ҳамзани қандай ўлдирганини гапириб бермайсанми⁷» — деди Ваҳший рози бўлиб, бундай деб ҳикоя қилди «Ҳамза Адий ибн Хиёрнинг ўғли Таъиймани Бадрада ўлдирди Кейин, хўжайиним Жубайр ибн Мутъим менга «Агар амакимнинг қасоси учун Ҳамзани ўлдирсанг, озодсан¹» — деди. Одамлар Айнаинга урушга чиққан йили (Айнаин — Уҳуд тоғининг рўпарасидаги тоғ бўлиб, Уҳудда мусулмонларнинг, Айнаинда эрса, мушрикларнинг қароргоҳи бор эрди) мен ҳам улар бирлан бирга чиқдим. Икки томон майдонда саф тортгач, Сибоъ ўртага чиқиб, яккама-якка олишувга рақиб талаб қилди. Шунда унинг муқобилига Ҳамза ибн Абдулмутталиб чиқиб «Эй Сибоъ, сен ҳали Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига қарши урушасанми» — деб Сибоъга ташланди-да, шу ондаёқ уни ўлдирди. Мен бир катта тош панасига беркиниб олган эрдим, Ҳамза яқин келганда унга найза отдим, найза унинг қовуғидан кириб, орқасидан чиқди. Шу бирлан Ҳамза шаҳид бўлди. Кейин, мен одамлар бирлан бирга қайтиб Маккада яшадим, у ерда ислом тарқалгач, Тоифга кетдим. Жаноб Расулуллоҳ менга одам юбордилар, улар менга «Пайғамбарлар кек сақламайдилар», — дейишди. Мен улар бирлан бирга Жаноб Расулуллоҳ-нинг хузурларига бордим. У киши мени кўриб «Сен Ваҳшиймисан⁷» — дедилар. Мен «Ха», — дедим «Ҳамзани сен ўлдирганмидинг⁷» — дедилар. Мен «Сизга тўғри айтишибди», — дедим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ «Мендан узоқроқ юргин, юзингни кўрмайин» — дедилар. Меч чиқиб кетдим. Жаноб Расулуллоҳнинг вафотларидан кейин, Мусайлама Каззоб (пайғамбарлик даъвосини қилиб) чиқди. Шунда мен «Мусайламанинг олдига борайин-да, уни ўлдирайин, шояд шу бирлан Ҳамзани ўлдирганим учун орттирган гуноҳимни ювсам!» — деб одамлар бирлан бирга йўлга отландим. (Мусайламанинг уйига яқин бориб) қарасам, сочлари тўзғиган бир одам кулранг туя янглиғ деворнинг панасида турибди. Найзани кўрагини мўлжаллаб отдим, курагидан тешиб чиқди Кейин,

ансорлардан бири югуриб бориб, бошига қилич урди» Абдуллоҳ ибн Умар: «Ўшанда бир қизча томда туриб «Амирулмуъминийни бир қора одам ўлдирди¹»—деб бақирган эрди»,— дейдилар.

25- боб. **Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Уҳуд куни ярадор бўлганлари ҳақида**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ синган тишларига ишора қилиб «Ўз пайғамбарини шу куйга солган қавмга Оллоҳ таолонинг ғазаби қаттиқдир' Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло йулида ўлдирган кишига ҳам Оллоҳ таолонинг ғазаби қаттиқдир¹» — дедилар» (Уҳуд куни Жаноб Расулуллоҳ Убай ибн Халафни ўз қўллари бирлан ўлдирганлар)

26- боб

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар. «Оллоҳга қасамёд қилурменки, мен Жаноб Расулуллоҳнинг яраларини ким ювганини, ким сув куйиб турганини, нима бирлан даво қилинганини яхши билурман¹ Жаноб Расулуллоҳнинг қизлари Фотима яраларини ювганлар, Ҳазрат Али эрсалар, қалқонларида сув келтириб куйиб турганлар Фотима разияллоҳу анҳо қон кўп кетаётганини кўриб, дарҳол бир бўйрани куйдирганларда, кулини ярага босганлар, қон шу ондаёқ тўхтаган. Ўшанда Жаноб Расулуллоҳнинг курак тишлари синиб, юзлари ёрилган, бошларидаги дубулғалари мажақланган эрди»

27-боб. «Оллоҳ таоло ва унинг расули даъватига ижобат қилган кишилар» ҳақида

Ҳишом разияллоҳу анҳу оталаридан нақл қиладилар. «Оиша разияллоҳу анҳо «Оллоҳ таоло ва унинг расули даъватига, жароҳатланганликларига қарамай ижобат қилиб, амали солихлар ҳамда тақво қилган кишилар учун буюк савоб бордур¹» деган ояти каримани ўқидилар-да, Урвага бундай дедилар «Эй жиян, сенинг отанг Зубаир ҳам, бобонг Абу Бакр ҳам ўшалардандур. Жаноб Расулуллоҳ Уҳуд куни жароҳатланиб, мушриклар кетгач, уларнинг қайтиб келиб қолишларидан хавфландилар-да, «Душман ортидан ким боради²» — дедилар Шунда етмиш киши бормоққа ихтиёр билдирди. Улар орасида Абу Бакр ва Зубаир ҳам бор эрдилар».

28-боб. Уҳуд куни шаҳид бўлган мусулмонлар, жумладан Ҳамза ибн Абдулмутталиб, Ал-Йамон, Анас ибн ан-Назр, Мусъаб ибн Умайрлар ҳақида

Қатода разияллоҳу анҳу «Биз Қиёмат куни араб маҳалладари ичида Ансорлар маҳалласидан кўра шаҳидлари кўпроқ ва азизроқ бўладирган маҳалла борлигини билмаймиз»,— дейдилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ансорлардан Уҳуд куни 70 киши, Биъри Маъуна куни 70 киши ва Ямома куни 70 киши ўлдирилди. Биъри Маъуна воқеаси Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида, Ямома куни эрса Абу Бакр Сиддиқ даврларида содир бўлган».

Жобир ибн Абдуллоҳу хабар берадиларки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуддаги шаҳидларнинг ҳар иккитасини бир қабрга қўйдирар эрдилар. Аввал: «Булардан қайси бири Қуръонни кўпроқ ёд билар эрди?» —деб сўрар эрдилар, сўнг қайси майитни «Кўп билар эрди» деб кўрсатишса, ўшани олдин лаҳадга кириттирар эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Бул кишиларга Қиёмат куни мен гувоҳлик бергаймен!»—деб айтар ва уларнинг қонларини ювмай ҳамда жаноза ўқимай кўммокни буюрар эрдилар».

Жобир айтадилар: «Отам ўлдирилганларида мен йиғлаб юзларидан кафанни оча бошладим. Жаноб Расулуллоҳнинг асҳоблари мени бундан қайтардилар, аммо ул зотнинг ўзлари монельлик қилмай: «Йиғлама, отангни кўтаргунларича фаришталар қанотлари бирлан соя солиб турибдилар»,— дедилар».

Абу Мусо разияллоҳу ану: «Фикримча, Жаноб Расулуллоҳ бундай деб айтган эрдилар», — дейдилар: «Мен туш кўрдим, тушимда қиличимни бир силтаган эрдим, сопи синиб кетди. Бу Уҳуд куни мусулмонларга етган мусибатдур. Кейин, яна бир силтаган эрдим, аввалгидан ҳам яхшироқ ҳолга келди. Бу мусулмонларга муяссар бўлган фатҳ ва мўминларнинг ҳамжиҳат бўлишидир. Тушимда бир сўйилаётган сигирни ҳам кўрган эрдим. Бу мўминларнинг Уҳудда шаҳид бўлишидир».

Хаббоб разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Биз Оллоҳ таолонинг ризолиги учун Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга ҳижрат қилдик. Оллоҳ, таоло бизга савоб ато этмокни ўз зиммасига олди. Баъзи бирларимиз ўша ажрдан ололмайдунёдан ўтдик. Улардан бири Мусъаб ибн Умайр эрди, Уҳудда шаҳид бўлди. Ундан биргина либос қолган бўлиб, у бирлан бошини ўрасак, оёғи, оёғини ўрасак, боши кўришиб қоларди. Жаноб Расулуллоҳ: «Либоси бирлан бошини ўрангизлар, оёғига эрса изхир ёпиб қўйингизлар!» — деб буюрдилар. Аммо, баъзи бирларимиз ҳижратнинг самарасини кўриб, ҳосилини теряпмиз!»

29- боб. Уҳуд бизни яхши кўради, биз ҳам уни севамиз!

Анас разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу тоғ (Уҳуд тоғи) бизни яхши кўради, биз ҳам уни яхши кўрамыз!» — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Жаноб Расулуллоҳ рўпараларида Уҳуд кўрингач". «Уҳуд тоғи бизни яхши куради, биз ҳам уни яхши кўрамыз! Ё Оллоҳ, Иброҳим Маккани муқаддас қилдилар, мен эрсам Мадинани атрофидаги тоғлари бирлан бирга муқаддас қилдим!» — дедилар».

Уқба ибн Омирдан нақл қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни масжидга чиқиб, Уҳуд аҳлига дуои фотиҳа қилдилар-да, сўнг минбарга чиқиб: *Мен сизлардан аввал ўтгайман, у дунёда сизларга гувоҳман. Мен ҳозир Ҳавзи Кавсаримни кўриб турибман. Менга Ер ҳазиналарининг қалитлари берилди, Оллоҳ таолога қасамёд қилурманки, мен сизларни ўзимдан кейин мушрик бўлиб кетасизлар, деб эрмас, балки мол-дунёга алданиб қолмасангизлар, деб кўркаман!» — дедилар».

30- боб. Ражиъ, Раъл, Заквон, Биъри Маъуна ғазотлари ҳамда Узал, Қорра, Осим ибн Собит, Хубайб ва унинг асҳоблари ҳақидаги ҳадислар

Осим ибн Амр ривоят қиладиларки, Ражиъ ғазоти Уҳуд жангидан кейин содир бўлган эркан.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Осим ибн Умар ал-Хаттобнинг боболари бўлмиш Осим ибн Собит ал-Ансорийнинг бошчиликларида бир гуруҳ кишиларни мушриклар орасига айғоқчи қилиб юбордилар. Улар Макка бирлан Асфон оралиғидаги Ҳадда деган ерга етганларида Ҳузайл қабиласига мансуб Бану Лихён мушриклари сезиб қолдилар, Мушриклар мусулмонлар тўхтаб дам олган ерда хурмо данагини топиб олган ҳамда унинг Ясриб (Мадина) хурмоси данаги эрканлигини билган эрдилар. Юзтача мерган мушрик мусулмонларни таъқиб қила бошлади. Осим ва бошқа мусулмонлар буни билиб қолиб, бир тепалик ортига яшириндилар. Мушриклар уларни қуршаб олиб: «Тушингизлар, қўлни-қўлга бериб ярашайлик, сизлардан бирортангизни ҳам ўлдирмаймиз, деб ваъда берурмиз!» — дейишди. Шунда Осим ибн Собит: «Эй мушриклар, мен сиз кофирлардан паноҳ тилаб тушмайман» — дедилар, сўнг «Ё Оллоҳ, бизнинг ҳолимиздан расулингни хабардор қилгайсен!» — деб илтижо қилдилар Мушриклар Осим бирлан яна олти кишини отиб ўлдирдилар. Мусулмонлардан уч киши — Хубайб, Заид ва яна бир киши душманнинг ваъдасига ишониб пастга тушдилар. Мушриклар уларни қуролсизлан-тиргач, кийимларини йиртиб, оёқ-қўлларини боғладилар. Шунда мусулмонлардан учинчи киши (Абдуллоҳ ибн Торик) «Худо ҳаки, бу хиёнатнинг бошидур!» — деб улар бирлан бирга кетишдан бош тортди. Мушриклар уни ўша жойнинг ўзида ўлдиришди, Хубайб бирлан Заидни эрса Маккага

олиб бориб қул қилиб сотишди. Хубайбни Ҳарс ибн Омирнинг ўғиллари сотиб олишди. Хубайб Ҳарс ибн Омирни Бадрда ўлдирган эрди. Шунинг учун унинг ўғиллари Хубайбни бироз муддатдан сўнг ўлдирмоққа қарор қилди-лар. Буни сезган Хубайб Ҳарснинг кизидан устара сўраб олиб, покланди. Шу аснода ўшал аёлнинг ўғилчаси Хубайбнинг хузурига кириб келди. Аёл боласини излаб, уни Хубайбнинг тиззасида ўлтирган ҳолда кўрди, Хубайбнинг кўлида эрса устара бор эрди «Менинг кўрқиб кетганимни сезиб, Хубайб «Боламини ўлдиради, деб кўрқяпсанми, мен ҳеч қачон бундай қилмайман¹» — деди,— дейди аёл,— Оллоҳ таоло номи бирлан қасамед қилурменки, мен Хубайбдан кўра яхшироқ асирни кўрмаганман¹ Қасамед қилурменки, бир куни мен унинг бир бош узум еб турганини кўрдим, ваҳоланки шу вақтда Маккада узум бўлмай, бунинг устига кўли ҳам кишанланган эрди» Аёл буни мўъжиза деб билар ва «Хубайбга Оллоҳ таолонинг ўзи буни ризқ қилиб беряпти» — дер эрди. Хубайбни қатл қилмоққа олиб чиққанларида, у « икки рақъат намоз ўқимоғимга ижозат берингиз-лар¹» — деди. Намозни ўқиб бўлгач- «Ўлимдан кўрққанидан намоз ўқияпти, демаганингизда эрди, кўпроқ намоз ўқиган бўлур эрдим - деб айтди. Шу-шу бўлди-ю, ўлимга ҳукм қилинган ҳар бир мусулмонга ўлими олдидан намоз ўқимоқ суннат бўлиб қолди Хубайб «Ё Оллоҳ, бу кофирларнинг бирортасини ҳам қолдирмай ҳалок қилгин!»—деди-да, кўйидаги шеърни ўқиди

«Мусулмон ҳолда ўлсам, зарра парвойимга келмас, Қайси ён бирла йиқилмоғимни Оллоҳ фарқламас. Саховат соҳиби бўлмиш ўзи танҳо илоҳимга, Қийма-қийма жисмима бермоқ савоб ҳеч гап эмас» Кейин, Уқба ибн Ҳарс Хубайбнинг олдида борди-да, уни ўлдирди. Осим Қурайш катталаридан бирини Бадрда ўлдирган эрди.Шу боисдан Осимнинг ўлдирилганини эшитган Қурайш бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг бирор аъзосини кесиб келмоққа одам юборди. Шунда Оллоҳ таоло булутдек асаларилар тўпини йўллади, Қурайш мушриклари Осимнинг жасадига яқинлаша олмади, арилар Осимни ҳимоя қилди»

Жобир ибн Абдуллоҳ «Хубайбни ўлдирган киши Абу Сирваъа эрди»—дейдилар (Абу Сирваъа Уқба ибн Ҳарснинг лақабидир)

Анас ибн Молик разияллоху анҳу ривоят қиладилар. «Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам 70 кишини бир иш бирлан юборган эрдилар уларни «қорилар» деб аташарди. Биъру Маъуна деган ерда Раъл ва Заквон аҳли уларнинг йўлини тўсиб «Худо ҳақи, биз сизларни сўраган эрмас эрдик, аксинча ўзимиз пайғамбарнинг ҳожатини чиқара оламиз»—деб қориларнинг ҳаммасини ўлдирдилар. Пайғамбар алайҳиссалом бир ой давомида бомдод намозида хиёнатчиларни дуои бад қилдилар. Шундан эътиборан дуои «Қунут» ўқиладиган бўлди, илгари биз «Қунут» ўқимас эрдик»

Абдулазиз ривоят қиладилар. «Бир одам Анас разияллоху анҳудан. «Қунут рукуъдан кейин ўқиладими ёки қироатдан кейинми[^]»—деб сўради Анас «Йўқ, аксинча, қироатдан кейин»,— дедилар»

Бу ерда юқоридаги ҳадисга мазмунан яқин ҳадислар келтирилган.

Анас разияллоху анҳудан нақл қилинади: «Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам Анаснинг тоғасини, яъни Умму Сулаймнинг акасини 70 отликқа бошлиқ қилиб юборган эрдилар. Ўша пайтда мушрикларнинг бошлиғи бўлмиш Омир ибн Туфайл Жаноб Расулulloҳнинг олдиларига келиб «Одамларни иккига бўлайлик, қишлоқ аҳлига сен, шаҳар аҳлига мен бошлиқ бўлайин ёки сен ҳаммага пайғамбар ва бошлиқ бўлсанг, мен сенга ноиб бўлайин, баншарти рози бўлмасанг, минглаб Ғатафон аҳлини бошлаб келиб, сенга қарши жанг қиламан!»— деди. Кўп ўтмай, Омир Салул қабиласидан бўлган бир аёлнинг уйига бориб ўша ерда хасталанди, баданида бўталокда бўладиган безга ўхшаш бир шиш пайдо бўлди Кейин, Омир. «Тезда отимни келтиринглар!» — деб отига минди-ю, жон берди

Умму Сулаймнинг акаси Ҳаром Ғатафонга етгандан кейин, ҳамроҳларидан икки кишини (улардан бири чўлок эрди) ажратиб олди-да уларга «Яқинроқ жойга яшириниб турингизлар. агар мени ўлдиришмаса, олдимга келасизлар, ўлдиришса, тезда қайтиб, қолганларга хабар қиласизлар»,— деди Сўнг, мушриклар олдида борди-да «Менга

омонлик берсангизлар, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мени қандай вазифа бирлан юборганликларини сизларга етказурман»,— деб гап бошлади. Шунда мушрик-лар бир кишига ишора қилишиб эрди, у Ҳаромнинг ортига ўтиб найза санчди. Ҳаром: «Оллоҳу акбар! Каъба эгаси ҳақи, мен зафар топдим!»—дея жон таслим қилди. Кейин, мушриклар унинг барча шерикларини ҳам топиб ўлдиришди, фақат тоғ тепасига чиқиб яширинган биргина чўлоқ киши омон қолди. Оллоҳ таоло «Дарҳақиқат, биз раббимизни топдик, у биздан рози бўлди ва бизни рози ҳам қилди» деган ояти каримасини нозил қилди, кейин бу оят мансух бўлган эрди. Жаноб Расулуллоҳ Раъл, Заквон, Бану Лихён ва Усайя аҳлини Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига осийлик қилганлари учун ўттиз кун бомдодда дуои бад қилдилар.

Анас ибн Молик: «Ҳаром ибн Милҳон, яъни тоғам Биъру Маъунада найза бирлан ярадор қилинганларида, яраларидан оққан қонни бошлари ва юзларига суртиб: «Каъба эгаси ҳақи, мен зафар топдим!»—деб айтган эрдилар»,— дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳудан марвийдурки, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу душманлардан кўп озор етгандан сўнг, Жаноб Расулуллоҳдан хижратга изн сўрадилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сабр қилин-гиз!» — дедилар. Абу Бакр: «Ё Расулаллоҳ, бу хусусда Оллоҳ таолодан изн бўлмоғини кутаётирсизми?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Мен шуни умид қилиб турибман»,— дедилар. Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Шундан сўнг, Абу Бакр кута бошладилар. Бир куни Жаноб Расулуллоҳ пешин вақтида келиб, баланд овоз бирлан: «Эй Абу Бакр, хонангиздан чиқинг!» — дедилар. Абу Бакр: «Ҳузуримда икки қизимдан бўлак ҳеч ким йўқ»,— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Билдингизми, Маккага йўл олмоғимга Оллоҳ таоло изн берди!» — дедилар. Абу Бакр: «Сизга ҳамроҳ бўлайинми?»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, албатта, ҳамроҳ бўлгайсиз!»—дедилар. Абу Бакр: «Ё Расулаллоҳ, менинг икки туям бор, икковини сафарга тайёрлаб қўйган эрдим»,— деб биттасини Жаноб Расулуллоҳга бердилар, унинг номи Жадъо эрди. Сўнг, икковлари иккита туяга миниб жўнадилар ва Савр тоғидаги ғорга бориб яшириндилар. Оиша разияллоҳу анҳонинг она бир акаси бўлмиш Абдуллоҳ ибн Туфайлнинг Омир ибн Фуҳайра исмли бир қули бўлиб, у Абу Бакрнинг сут берадиган туяларини эрталаб, пешиндан кейин ва кечаси етаклаб келарди-да, икковларини сутга тўйдириб, яна ҳайдаб олиб кетарди, бошқа чўпонлар эрса буни сезмай қолишарди. Жаноб Расулуллоҳ ва Абу Бакр йўлга чиққанла-рида Омир ибн Фуҳайра икковларининг туяларига навбатма-навбат мингашиб Мадинагача бирга келди. У Биъру Маъуна воқеасида шаҳид бўлган».

Урва ибн Зубайр разияллоу ануу оталари Зубайрдан бундай деб нақл қиладилар: «Биъру Маъунада қорилар шаҳид бўлиб, Амр ибн Умайя асир тушган пайтда (мушрикларнинг бошлиғи) Омир ибн Туфайл Омир ибн Фуҳайранинг жасадини кўрсатиб: «Бу ким?»—деб сўради. Амр ибн Умайя: «Бу Омир ибн Фуҳайранинг жасади»,— деди. Шунда Омир ибн Туфайл: «Бу ўлдирилгандан кейин, жасадининг кўтарилиб ер бирлан осмон ўртасида турганини кўрдим, кейин яна ерга қайтиб тушди»,— деди. Қориларнинг ўлдирилгани ҳақидаги хабар Жаноб Расулуллоҳга етиб келганда ул зот саҳобаларга буни маълум қилиб: «Биродарларингиз бошига мусибат тушибди, улар «Ё раббимиз, сенинг биздан ва бизнинг сендан ризо бўлганимизни дўстларимизга хабар қилгил!» деб Оллоҳ таолодан илтижо қилибдилар»,— дедилар. Шу куни Урва ибн Асмоъ ва Мунзир ибн Амр ҳам шаҳид бўлган эрдилар. Кейинчалик, Зубайр ибн Аввом икки ўғлига шу икки шаҳид исмини қўйди».

Анас разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ой давомида рукуъдан кейин дуои Қунутни ўқиб Раъл ва Заквон қабилаларини дуои бад қилдилар, нукул: «Усайя Оллоҳ таоло ва унинг расулига осий бўлди»,— дер эрдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Осим ал-Аҳвол бундай дейдилар: «Мен Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан: «Намозда Қунут дуоси рукуъдан аввал ўқиладими ёки кейинми?» —деб сўрадим. Анас:

«Рукуъдан олдин»,— дедилар. Мен: «Бир одам сизнинг «рукуъдан кейин» деганингизни айтган эрди»,— дедим. Анас: «Хато гапирибди. Жаноб Расулуллоҳ Қунутни фақат бир ой давомида рукуъдан кейин ўқиганлар, халос. Бунга сабаб шуки, у киши етмишта қорини мушрикларга таълим бергани юборган эрдилар, чунки икки ўртада шу ҳақда шартнома бор эрди. Аммо, мушриклар шартномага хиёнат қилиб, етмишта қорининг ҳаммасини ўлдирдилар. Шундан кейин, Жаноб Расулуллоҳ бир ой давомида рукуъдан сўнг Қунутни ўқиб, мушрикларни дуои бад қилганлар»,— дедилар».

31- боб. Хандақ, яъни Аҳзоб ғазоти ҳақида

(Изоҳ: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратнинг 4-йили Бану Назир номли яҳудийлар қабиласини Мадинадан ҳайдаб чиқарган вақтларида уларнинг катталари Маккага бориб, Қурайшни мусулмонларга қарши яна уруш қилмоққа кўндирди, шунингдек бошқа қабилаларга ҳам бориб, уларни ҳам Мадинага кўшин тортишга рози қилди. Шундай қилиб, Абу Суфён бошлиқ Қурайш, Суфён ибн Абу Шамс бошлиқ Бану Салим, Талха ибн Хувайлид бошлиқ Бану Асад, Уяйна бошлиқ Физора, Масъуд ибн Ражийла бошлиқ Ашжаъ, Ҳорис ибн Авф бошлиқ Бану Мурра — ҳаммаси бўлиб ўнг минг кишилиқ мушриклар кўшини Мадинага яна бостириб келдилар. Мусулмонларнинг сони эрса бор-йўғи мингта эрди. Шунинг учун ҳам бу ғазот «Аҳзоб», яъни «Кўп жамоъа» деб аталди).

Мусо ибн Уқба: «Бу ғазот 4- йил шаввол ойида бўлган эрди»,— дейдилар.

Нофиъ разиюллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ухуд куни Убайдуллоҳга жанг қилмоққа ижозат бермадилар, чунки у ўн тўрт ёшда эрди. Хандақ куни эрса ижозат бердилар, шу вақтда у ўн бешга кирган эрди».

Сахл ибн Саъд бундай дейдилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хандақда бўлдик. Бошқалар хандақ қазишар, биз эрсак тупроғини елкамизда ташир эрдик. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Ё Оллоҳ, ҳақиқий ҳаёт охират ҳаётидир! Муҳожирлар бирлан ансорларни мағфират қилгин!»—дедилар».

Анас ибн Молик разиюллоҳу анҳу бундай дер эрдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хандаққа келганларида муҳожирлар бирлан ансорлар эрталабки салқинда хандақ қазиётган эрдилар. Уларнинг бу ишни қилиб берадирган қуллари йўқ эрди. Жаноб Расулуллоҳ уларнинг чарчаб, очиқиб қолганларини кўриб: «Ё Оллоҳ, охират ҳаётидан ўзга ҳаёт йўқдур! Муҳожирлар бирлан ансорларни мағфират қилгин!»—дедилар. Улар: «Биз Муҳаммадга байъат қилганмиз, умримиз борича жиҳод қилгаймиз¹»—деб жавоб қилишди».

Анас разиюллоҳу анҳудан бундай деб нақл қилинади.: «Муҳожирлар ансорлар Мадина атрофида хандақ қазишиб, тупроғини елкаларида ташир эрдилар ва нукул: «Муҳаммадга байъат қилганмиз, умримиз борича исломга содиқмиз!» — дейишар эрди. Жаноб Расулуллоҳ эрсалар уларга жавобан: «Ё Оллоҳ, охират хайриятдан ўзга хайрият йўқдур! Ансору муҳожирларга баракот ато этгил!»—дедилар».

Анас разиюллоҳу анҳу дейдиларки, бир ҳовуч арпа келтиришиб, уни бироз ҳидланган ёққа солиб қовуришибди, сўнг одамларга тортишибди. Улар оч бўлганларидан бадбўйлигига карамай ўзларини зўрлаб тановул қилишибди.

Жобир разиюллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Биз Хандақ куни чуқур қазиётиб қаттиқ ерга дуч келиб қолдик. Шунда одамлар Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига бориб: «Эй Оллоҳнинг расули, биз қаттиқ ерга дуч келиб қолдик, (кавлаб бўлмаепти)»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Мен тушаман»,— дедилар-да, ўринларидан турдилар, лекин қоринлари жуда оч эрди, чунки уч кундан буён туз тотмаган эрдик. Жаноб Расулуллоҳ чўкични олдилар, сўнг чуқурга тушиб, зарб бирлан қаттиқ ерга урдилар. Қаттиқ ер ушалиб-ушалиб кетди. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, менга изн берсангиз, уйга бориб келсам!» — деб жавоб олдим. Уйга бориб, хотинимга' «Жаноб Расулуллоҳнинг жуда оч қолганларини сезяпман, бирор егулик нарсанг борми» дедим. Хотиним: «Ҳа, озгина арпа

бирлан битта улоқчам бор», деди. Мен улоқни сўйдим, хотиним арпани туйиб, ун қилди. Гўштни қозонга солдим-да, Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига бордим, бу вақтда хамир кўпчиб, нон ясалган, қозон эрса аллақачон ўчоққа осилган эрди. Мен Жаноб Расулуллоҳга «Менга бироз таом тайерлаб қуйишган эркан Ё Расулаллоҳ, ўзингиз бирлан бир-икки кишини олиб мен борлаи юринг дедим. Жаноб Расулуллоҳ мендан: «Таомингиз қанча?» - деб сўрадилар. Мен бор таомни айтдим «Кўп эркан, жуда *яхши* Хотинингизга айтинг, мен боргунимча гўштни қозондан, нонни тандирдан олмай гурсин — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ. Кейин, барча муҳожиру ансорларга «Турингизлар!» — дедилар-да, биргалаишб менинг уйимга келдилар. Мен хотинимга: «Шўринг курсин, Жаноб Расулуллоҳ ўзлари бирлан муҳожиру ансорларни ҳамда улар бирлан бирга яна бир қанча кишиларни олиб келдилар» дедим. Хотиним менга. «Жаноб Расулуллоҳ сиздан овқатнинг қанчалигини сўраганмидилар?»— деди. Мен «Ҳа», дедим. Жаноб Расулуллоҳ эрсалар одамларга Уйга қирингизлар, тўпланишмангизлар — деб нонни тандирдан узиб, шўрвани, сузиб беравердилар. Ҳамма туйгандан кейин ҳам қозонда гўшт, тандирда нон ортиб қолди. Кейин, менинг хотинимга «Бу овқатдан ўзинг ҳам егин, қушниларга ҳам тортиқ, қилгин, чунки одамлар оч»,— дедилар»

Саъид ибн Мийноъ Жобир ибн Абдуллоҳдан нақл қиладилар: «Мен Хандақ кавланган куни Жаноб Расулуллоҳнинг қаттиқ оч қолганларини кўрдим Хотинимнинг олдига бориб. «Жаноб Расулуллоҳ қаттиқ очлар, егулик бирор нарсанг борми?» — дедим. Менга бир қоп олиб чиқиб берди, унда бир соъ арпа бор эрди. Бундан ташқари бир кичкина кўзичоғимиз ҳам бор эрди. Мен кўзини сўйдим, хотиним арпани янчиб, ун қилди. Кейин, гўшт нимталаб қозонга солдим-да, Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига жўнадим. Кетаётганимда хотиним «Мени Жаноб Расулуллоҳ бирлан саҳобалар олдида уялтириб қўйманг!» деб таъйинлаб қолди. Мен секин бориб «Ё Расулуллоҳ, уйимизда бир кўзичок бор эрди, сўйдим, озгина арпа янчиб ун қилдим, ёнингизга бир кишини олиб, мен бирлан юрингиз!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ қаттиқ овоз бирлан: «Эй хандақ кавлаётганлар, Жобир сизларга дастурхон тайерлабди, ҳаммангиз бу ёққа келингизлар, (Эй Жобир), мен боргунча қозонни ўчоқдан туширмай ва нонни ёпмай турингизлар!» — дедилар. Мен уйга бордим, Жаноб Расулуллоҳ ҳам асҳоблари бирлан бордилар. Шунда хотиним: «Мен айтгандай қилмабсиз-да?!»— деди. Мен: «Сен айтгандай қилдим», — дедим-да, Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига хамирни олиб келдим, у киши хамирга тупуриб барака тиладилар, кейин қозон олдига бориб, унга ҳам тупуриб барака тиладилар. Сўнг: «Нонвойни (яъни, хотинингни) чақир, мен бирлан бирга нон ёпсин, қозонни эрса оловини пасайтириб, ўчоқдан туширмангизлар!» — дедилар. Оллоҳ таоло ҳақи, саҳобалар еб-ичиб, тўйиб туриб кетганларида ҳам қозон тўла гўшт, тандир тўла нон қолган эрди. Ваҳоланки, саҳобалар роппа-роса минг киши эрдилар».

Ошша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «-Эй Муҳаммад, душман тепангиздан ҳам, пастингиздан ҳам бостириб келган пайтда кўзларнинг бақрайиб, юракларнинг бўғизларга тикилиб қолганини бир эслангиз-а!» деган ояти карима Хандақ куни нозил қилинган эрди».

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хандақ куни тупроқ ташиган ' эрдилар, ҳатто қоринлари чанг бўлиб кетган эрди. Ўшанда ' қуйидаги шеърни айтгандилар:

«Худо ҳаққи, худовандим қилмаганда ҳидоятлар, Адо этмас эдик бизлар рўза бирла ибодатлар! Эсонликни ато этгил, мудом бизга худовандим, Рубарў келганда душман бизга бахш эт матонатлар! Тажовузла чиқиб бизга уруш қилди неча мушрик, , Агар фитна тилар, урдик етказиб биз жароҳатлар». Кейин, охирги сатрдаги «урдик» сўзини қайта-қайта такрорлагандилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар. «Жаноб Расулуллоҳ: «Мен Сабо шамоли бирлан нусрат топдим, Од қабиласи эрса Дабур шамоли бирлан ҳалок қилинди»,— дедилар. (Хандақ ғазотида бор-йўғи 2 соат жанг бўлган. Бу жангда Сабо шамоли душманлар юзига урилиб, отган ўқлари орқага қайтиб кетган. Од қабиласи эрса узоқ

давом этган Дабур бўрони сабабли ақлларида озиб, кулоқлари кар бўлиб, 'ёппасига ҳалок бўлишган)».

Ибн Умар: «Урушнинг не эрканлигин биринчи бор Хандақ куни кўрдим»,— дейдилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Мен Хафса разияллоҳу анҳонинг хузурларига кирдим. Шунда: «Одамлар ўзингиз 'Кўриб турганингиздай иш қилишди, менга амирликдан бирор мансаб тегмади»,— дедим. Хафса: «Одамларга қўшил, чунки улар сени кутиб туришипти, кўрқаманки, уларнинг олдида сен бўлмасанг, яна икки гуруҳга бўлиниб кетишади»,— дедилар. Хафса гапларини тугатмай, чиқиб кетдим. Одамлар икки гуруҳга бўлиниб кетгандан кейин, Муъовия уларга: «Кимки бу иш юзасидан гапиришни хоҳласа, бу ерга чиқсин! Албатта, биз Абдуллоҳ ибн Умардан ҳам, унинг отасидан ҳам халифаликка лойикрокмиз!» —деб хитоб қилди. Хабиб ибн Маслама менга: «Муъовиянинг сўзига жавоб қилмайсанми?»—деди. Мен салламнинг учини қўйвориб: «Бу ишга сендан кўра лойикрок ана шу одам ислом йўлида сенга ва отанга қарши жанг қилган кишидур!» — демоқчи бўлиб оғиз жуфтладим-у, лекин «Бирор ножўя сўзни айтиб қўйсам, бу сўз мусулмонларнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлса-чи? Кел, қўй, тагин қон тўкилмасин, менинг гапим ўзим хоҳлаганимдан бошқача тушунилмасин!» — дедим-да, ўзим-ни тийдим, бу дунёда сабр қилган кишига Оллоҳнинг жаннатда берадирган мукофотини ўйладим. Хабиб эрса менга: «Жазодан қутулиб қолдинг!» — деди.

Сулаймон ибн Сурд ривоят қиладилар: «Жаноб Пайғамбаримиз Хандақ куни бундай дедилар: «Биз Қурайшга қарши ғазот қилгаймиз, улар эрса бизга ғазот қилолмагайлар!»

Сулаймон ибн Сурд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам мушрик гуруҳларни қувганла-ридан сўнг: «Энди биз уларга ғазот қилгаймиз, улар бизга ғазот қилолмагайлар. Биз уларнинг ерига боргаймиз!»—

дедилар».

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ Хандақ куни бундай дедилар: «Оллоҳ таоло уларнинг (мушрикларнинг) уйлари-ю қабрларини ўт бирлан тўлдирсин! Чунки улар бизнинг вусто (аср) намозимизни қазо қилдиришди, ҳатто куёш ҳам ботиб кетди».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу Хандақ куни куёш ботгандан сўнг келдилар-да, Қурайш кофирларини сўкиб: «Ё Расулalloҳ, куёш ботиб кетди ҳамки, мен намоз ўқиёлганим йўқ!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен ҳам ўқиёлганим йўқ!» — дедилар. Кейин, биз ҳаммамиз Расулulloҳ бирлан бирга Батҳон водийсига тушиб, намозга таҳорат олдик. Куёш ботгандан кейин, аввал аср намозини, сўнг шом намозини ўқидик».

Жобир ибн Абдуллоҳ; бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳ Аҳзоб куни: «Ким менга душман ҳақида хабар олиб келгай?» — деб сўрадилар. Зубайр: «Мен»,— дедилар. Иккинчи бор: «Ким менга душман ҳақида хабар олиб келгай?»—дедилар. Зубайр яна: «Мен»,— дедилар. Учинчи бор сўраганларида ҳам Зубайр: «Мен»,— дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Ҳар бир пайғамбарнинг ўз ёрдамчиси бў-лади, менинг ёрдамчим Зубайрдир!»—дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолодан бўлак тангри йўқдур, унинг танҳо ўзи мавжуддир, у ўз лашкарига куч-қудрат бериб, бандасига зафар ато этди, кўпминг кишилиқ жамоани ёлғиз ўзи мағлуб қилди. Ундан абадийроқ ҳеч нарса йўқдир!»— дедилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам мушрикларни дуои бад қилиб, «Эй китоб нозил қилғувчи, бу мушриклар жамоасини ўзинг мағлуб этгил, хонавайрон қилгил!»—дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳар гал ғазотдан ёки ҳаждан ё умрадан қайтаётганларида аввал уч марта такбир айтиб, сўнг қуйидаги дуони ўқир эрдилар: «Оллоҳ таолодан бўлак тангри йўқдир, унинг танҳо

ўзи мавжуддир, унинг шериги йўқдир, барча мулк униқидир, барча ҳамду сано унга хосдир ва у ҳар ишга қодирдир! Биз тавба қилувчилармиз, ибодат қилувчилармиз, сажда қилувчилармиз, парвардигоримизга шукр айтувчилармиз. Оллоҳ берган ваъдасида туриб, мусулмон бандасига нусрат берди. кофирлар жамоасини ёлғиз ўзи мағлуб этди!».

32- боб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг Аҳзоб ғазотидан қайтишлари, Бану Қурайза қабиласига бориб, уларни қамал қилишлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинадики, «Пайғамбар алайҳиссалом Хандақ ғазотидан қайтиб, уруш силожларини ечдилар. Ювиниб турган пайтларида Жаброил алайҳиссалом келиб Жаноб Расулуллоҳга: «Сиз силожингизни ечибсиз, аммо биз ҳали ечганимиз йўқ, уларга қарши отланинг!»—деб буюрдилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Кимга?» — деб сўраганларида, Жаброил алайҳиссалом: «Бану Қурайза қабиласига қарши»,— дедилар. Шундан кейин, Жаноб Расулуллоҳ Бану Қурайза қабиласи томон йўлга чикдилар»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Қурайза қабиласига юриш қилганларида мен Бану Ғанам қабиласи кўчаларида Жаброил алайҳиссалом бошлиқ отликларнинг отлари туёқларидан кўтарилаётган чанг-тўзонни хозир ҳам кўриб тургандекмен», — дедилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом Аҳзоб куни: «Бирор киши бугун то Бану Қурайза ерига бормагунча аср ўқимасин!»— дедилар. Шунда баъзилар «Бану Қурайзага етмагунимизча ўқимаймиз» — дейишди, баъзилар: «Намоз ўқийверамиз, чунки Жаноб Расулуллоҳ «Ҳеч ким орқада қолмасин» деган маънода айтганлар»,— дейишди. Буни Расулуллоҳга айтишган эрди, ул зот улардан бирортасини ҳам «Нотўғри қилган»,— демадилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир одам Бану Қурайза ва Назир қабилалари фатҳ қилинишидан илгари Жаноб Расулуллоҳга бир қанча хурмо дарахтини тортиқ қилган эрди. Хотиним ва болаларим менга: «Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига бориб, ўша хурмо дарахтларининг ҳаммасини ёки бир қисмини сўрасангиз, бизга берсалар!»— дейишди. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига борганимда у киши хурмоларни Умму Айманга (Расулуллоҳнинг доялари) ҳадя қилиб қўйган эрканлар. Шу пайт Умму Айман келиб қолди-да, менинг гапимни эшитгач, ёқамдан тортиб: «Худо ҳақи, хурмоларни сенга бермайдилар, уларни менга берганлар!» — деб жанжал қила бошлади. Жаноб Расулуллоҳ: «Ўша хурмоларнинг ҳаммасини сизга берганман, улар сизники»,— десалар ҳам Умму Айман сира тинчимади. Охири, Жаноб Расулуллоҳ аввалги берганларига нисбатан ўн баробар кўпроқ хурмо дарахти бериб уни тинчитдилар».

Абу Саъд ал-Худрий, разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъд ибн Маъозга Бану Қурайза қабиласи устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилди. Жаноб Расулуллоҳ Саъдга одам юбордилар, уни эшакка миндириб олиб келишди. У масжидга яқин келганда Жаноб Расулуллоҳ ансорларга: «Саййидингизнинг ҳурмати учун турингизлар!» — дедилар, кейин Саъдга: «Мана буларнинг устидан ҳукм чиқармоқ ҳуқуқи сенга топширилди»,— деб яҳудийларга ишора қилдилар. Саъд: «Уларнинг урушга яроқлиси қатл қилинсин, болачақаси эрса асир олинсин!» — деб ҳукм этди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таолонинг ҳукми ҳам шундай эрди!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳодаи нақл қилинади: «Хандақ куни Саъд яраланди, Қурайш мушрикларидан Хаббон ибн Арақа камон бирлан отиб билагидаги қон томирини узиб ташлади. Пайғамбар алайҳиссалом масжидга чодир тикиб, тез-тез хабар олиб туриш мақсадида Саъдни ўша ерга ётқизди лар.

Жаноб Расулуллоҳ Хандақ ғазотидан қайтгач, аслаҳаларини ечиб, ювиниб турган пайтларида Жаброил алайҳиссалом келдилар, бошларидаги чангни қоқатиб: «Сиз қуролнингизни ечиб қўйибсиз, биз ҳали ечганимиз йўқ, уларга қарши отланинг!» — деб буюрдилар Расулуллоҳ «Кимга?»— деб сўраганларида, Жаброил алайҳиссалом «Бану

Курайзага», — деб айтдилар.

Жаноб Расулуллоҳ Бану Курайзага келгач, улар устидан ҳукм қилиш ни Саъд ибн Маъозга топширдилар, шунда Саъд: «Буларнинг урушга яроқлиси қатл қилинсин, хотинлари ва болалари асир олинсин, молу дунёси мусодара қилинсин¹» -деб ҳукм чиқарди Кейин, у «Ё Оллоҳ, албагта ўзинг яхши биласан, қайси қавм сенинг расулингни елғончи деган бўлса-ю, уни ватанидан қувиб чиқарган бўлсалар, ўша қавмга қарши сени деб жанг қилиш менинг учун энг махбуб ишдир! Ё Оллоҳ, мен ўйлайманки, биз бирлан мушриклар ўртасида-ги урушга ўзинг чек қўйдинг, агар Курайш бирлан яна урушадирган бўлсак, сенинг йўлингда уларга қарши яна жиҳод қилмоғим учун мени саломат қолдиргин, агар урушни бутунлай тўхтатган бўлсанг жароҳатимни кучайтиргин-да, омонатингни олиб қўя қолгил!» — деди. Шунда Саъднинг жароҳатидан қон отилиб чиқиб кетди. Чодирдан оқиб чиққан қонни кўриб масжиддагилар кўрқиб кетди. Улар: «Эй чодирдагилар, сиз томондан қон оқиб келяпти!» — деб чодирга қарасалар, Саъднииг жароҳатидан қон оқаётган эркан, Саъднинг ўзи эрса шаҳид бўлибди»

Барро разияллоуу анху ривоят қилидилар «Жаноб Расулуллоҳ Курайза куни Ҳассонга: «Бану Курайзани ҳажв қилгин Жаброил алайҳиссалом сенга мадад бергайлар!» — дедилар»

Бу ердаги ҳадис ҳам юқоридаги ҳадисни лафзан ва маънан такрор қилади

33-боб. Зотурриқоъ ғазоти ҳақида

Бу ғазот Муҳориби Хасфа ва Бану Саълаба ғазоти ҳам дейилади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўшанда Нахл деган жойга тушганлар. Бу ғазот Хайбар ғазотидан кейин бўлган, чунки шу ғазот ишгирокчиси Абу Мусо ал-Ашъарий Хайбар ғазотидан кейин исломга кирганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ; «Пайғамбар алайҳиссалом асҳоблари бирлан бирга еттинчи ғазот, яъни Зотурриқоъ ғазоти куни хавф намозини ўқидилар (Бу ғазотнинг «Еттинчи ғазот» деб аталишига сабаб у Бадр, Ухуд, Хандак, Курайза, Мурайсаъ ва Хайбар ғазотларидан кейин воқеъ бўлган)», — дейдилар.

Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисда айтиладики, Пайғамбар алайҳиссалом хавф намозини Зуқарад деган жойда ўқиган эрканлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муҳориб ва Саълаба куни асҳоблари бирлан бирга хавф намози (салот ул-хавф) ўқидилар»

Ваҳб ибн Кайсон ривоят қиладилар: «Мен Жобирдан эшитдимки, Пайғамбар алайҳиссалом Нахлнинг Зотурриқоъ мавзесига чиқибдилар. Шунда мусулмонлар бирлан Ғатафон мушриклари тўқнашиб қолибди, лекин жанг бўлмабди. Чунки, Оллоҳ таоло ҳар иккала томонни хавфлантириб қўйибди. Жаноб Расулуллоҳ шу ерда икки рақъат хавф намози ўқибдилар»

Салама ибн ал-Акваъ разияллоҳу анху: «Мен Пайғамбар алайҳиссалом бирлан бирга Қарад куни ғазотда бўлдим», — дейдилар.

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Биз Пайғамбар алайҳиссалом бирлан бирга ғазотга чиқдик, олти киши эрдик, биттагина туямиз бор эрди, кетидан эргашиб борар эрдик. Оёқларимиз қавариб кетган эрди. Менинг ҳам оёқларим қавариб, тирноқларим кўчиб кетганди. Оёқларимизга латта ўраб олган эрдик. Шу боисдан ҳам бу ғазот «Зотурриқоъ» («Латтали») ғазот деб номланди».

Абу Мусо шундай деб ривоят қилдилар-да, сўнг: «Қилган ишимни айтмасам бўлар эрди!» — дедилар, бу бирлан гўёки қилган амали солиҳларини ошкор қилиб қўйганлари учун ўзларидан норози бўлдилар.

Солиҳ ибн Хаввот Зотурриқоъда Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга ғазотда бўлган кишидан эшитганларини бундай деб ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом шу куни хавф намози ўқидилар. Аввал бир гуруҳ Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга намозга саф тортди, иккинчи гуруҳ эрса душман бирлан юзма-юз турди Жаноб Расулуллоҳ биринчи гуруҳ бирлан бирга бир рақъат ўқиб, тик турдилар, қавм эрса ўзи мустақил

иккинчи ракъатни ўқиб, намозни тугатди. Кейин, улар бориб душман бирлан юзма-юз турдилар. Шунда иккинчи гуруҳ келиб Жаноб Расулуллоҳга иқтидо қилди, ул зот қолган иккинчи ракъатни ўқиб бўлиб, ўлтирдилар, жамоат эрса ўзи мустақил намозни ўқиб тугатди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ улар бирлан биргаликда салом бердилар»

Имом Молик: «Хавф намозини мана шу йўсинда ўқимоқлик афзалдир» — дейдилар.

Бу ерда юкоридаги ҳадис такроран келтирилган.

Қосим ибн Муҳаммад ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Бану Анмор ғазоти вақтида хавф намози ўқидилар»

Саҳл ибн Абу Хасма (хавф намозини ўқиш тартиби ҳақида) бундай дейдилар: «имом қиблага қараб тик туради, шунда бир гуруҳ имом бирлан бирга намоз ўқийди, иккинчи гуруҳ эрса душман бирлан юзма-юз туради. Имом дастлабки гуруҳ бирлан бирга биринчи ракъатни ўқиб, ўрнида тик туради, қавм эрса ўзи мустақил иккинчи ракъатни тугатгач, душман рўпарасида турган иккинчи гуруҳ бирлан ўрин алмашади. Сўнг, иккинчи гуруҳ келиб имомнинг қолган иккинчи ракъатига иқтидо қилади, имом улар бирлан намозни тугатиб, ўлтиради, аммо қавм туриб иккинчи ракъатни ҳам ўқиб, кейин имом бирлан бирга салом беради».

Бу ерда юкоридаги ҳадис такроран келтирилган.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Нажд томонга ғазотга бордим. Душман бирлан юзма-юз бўлдик, уларнинг рўпарасида саф тортдик», — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки гуруҳдан бирига имомлик қилдилар, иккинчи гуруҳ эрса душман рўпарасида турди. Бир ракъатдан сўнг, биринчи гуруҳ душман рўпарасига бориб турди. Иккинчи гуруҳ келгач, Жаноб Расулуллоҳ улар бирлан ҳам бир ракъат ўқидилар-да, салом бердилар. Иккинчи гуруҳ қолган ракъатни ўзи ўқиб олди, сўнг ўрнига биринчиси келиб, у ҳам қолган ракъатни ўқиб олди».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳунинг айтишларича, ул киши ҳам Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Нажд томонга ғазотга бориб қайтган эрканлар. Шунда бир дарахтзор водийга етганларида иссиқ ҳаддан ортиқ кучайиб кетибди. Жаноб Расулуллоҳ шу ерда тушибдилар, одамлар ҳам ўзларини дарахтлар соясига олишибди. Жаноб Расулуллоҳ бир сербарг дарахт тагига жойлашиб, қиличларини шохга илиб қўйибдилар. «Эндигина кўзимиз илинган эркан,— дейдилар Жобир,— шу вақт Жаноб Расулуллоҳ бизни чақириб қолдилар, келсак, у кишининг ёнларида бир бадавий ўлтирибди. Жаноб Расулуллоҳ бизга бундай дедилар: «Мана бу одам мен ухлаб ётганимда қиличимни кинидан суғурибди. Уйғонсам, қилич яланғочланган, менга: «Сени мендан ким сақлай олади?!» — деб дўк урди. Мен унга: «Оллоҳ!» — деган эрдим, у ерга ўлтириб қолди». Жаноб Расулуллоҳ ўша одамни жазоламадилар».

Жобир разияллоҳу анҳу яна бундай деб ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Зотурриқоъга йўл олдик. Бир серсоя дарахт ёнига етиб келиб, уни Жаноб Расулуллоҳга қолдирдик. Шу аснода бир мушрик келиб қолди, Жаноб Расулуллоҳнинг қиличлари эрса дарахт шохида осиглиқ турар эрди. У қилични кинидан суғуриб олди-да, ул зотга: «Мендан қўрқяпсанми?» — деди. Ул зот: «Йўк», — дедилар. У: «Мендан сени ким химоя қила оларди?!» — деди Ул зот: «Оллоҳ!» — дедилар. Кейин, Жаноб Расулуллоҳнинг саҳобалари дўк қилиб уни қувиб юборишди. Бироздан сўнг, намозга (салот ул-хавфга) такбир айтилди. Ул зот бир гуруҳ бирлан бирга икки ракъат ва яна бир гуруҳ бирлан бирга икки ракъат намоз ўқидилар. Шундай қилиб, Жаноб Расулуллоҳ тўрт ракъат, қавм эрса икки ракъат намоз ўқиди».

Абу Бишр: «Жаноб Расулуллоҳга таҳдид қилган кишининг исми Ғаврас ибн ал-Ҳарс бўлиб, у мана шу ғазотда Муҳориби Хасфа мушрикларига қарши урушган», — дейдилар.

Жобир разияллоҳу анҳу: «Биз Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Нахлда бўлдик, ул зот у ерда хавф намози ўқидилар», — дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Нажд газоти

вақтида хавф намози ўқидим»,— дейдилар. Дарҳақиқат, Абу Хурайра Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига Хайбар кунлари кириб келган эрдилар.

34-боб. Бану Мусталиқ, яъни Мурайсиё ғазоти ҳақида

Ибн Исҳоқ: «Бану Мусталиқ газоти олтинчи ҳижрий йилда бўлган»,— дейдилар.

Мусо ибн Уқбанинг айтишларича эрса, бу ғазот ҳижратнинг тўртинчи йили содир бўлган эрмиш.

Зухрий разияллоҳу анҳунинг айтишларича, Мурайсиё ғазоти вақтида Оиша онамизга тухмат қилинган эркан.

Ибн Муҳайриз бундай дейдилар. «Мен масжидга кириб Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳуни кўрдим, ёнларига ўлтирдим-да, аёлни ҳомиладор қилиб қўймаслик учун манийни ташқарига тўкиш ҳақида сурадим. Шунда Абу Саъид бундай дедилар: «Биз Жаноб Расулуллоҳ бирлан» бирга Бану Мусталиқ ғазотига чиқдик. Бир неча араб аёлларини асир олдик. Бўйдоқлик қаттиқ таъсир қилиб хотинларни кўнглимиз тусаб қолди. Биз манийни ташқарига тўқмоқчи бўлдигу, аммо: «Жаноб Расулуллоҳ орамизда мавжуд бўлатуриб, сўрамасдан бундай қилмайлик!» — дедик-да, ул зотдан шу ҳақда сўрадик. Жаноб Расулуллоҳ бизга: «Бундай қилмаслигингиз лозим, Оллоҳ таоло киёматгача дунёга келадирган тирик жонни аллақачон яратиб қўйган!» — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Биз Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Нажд томонга ғазотга чиқдик. Кун қаттиқ исиб кетиб, сердарахт бир ерга ётганда Жаноб Расулуллоҳ уловдан тушдилар. Сўнг, унинг соясига ўлтириб, қиличларини дарахт шохига илиб қўйдилар, одамлар ҳам дарахтлар соясига ўзларини олдилар. Бир вақт Жаноб Расулуллоҳ бизларни чақириб қолдилар, борсак, у кишининг олдиларида бир бадавий ўлтирибди. Жаноб Расулуллоҳ бизга бундай дедилар: «Мен уйқуда эрканимда мана бу одам келиб қиличимни қинидан суғуриб олибди, мен уйғониб қарасам, қилич яланғочлаб тепамда турган эркан. У менга: «Сени мендан ким қутқара олади?!» — деди. Мен унга: «Оллоҳ!»—деб жавоб бердим. У қилични қинига солди-ю, ерга ўлтириб қолди, ўша мана шу одамдир»,— дедилар. Лекин, Жаноб Расулуллоҳ унга жазо бермадилар».

35- боб. Анмор ғазоти ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу: «Мен Анмор ғазоти вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяга минган ҳолда юзларини машриқ томонга қарата нафл намоз ўқиганларининг гувоҳи бўлганман»,— дейдилар.

36- боб. Тухмат ҳақидаги ҳадис

Ал-Ифк ва ал-Афк сўзлари ан-Нажас ва ан-Нажис сўзларига мувофиқ келади. Кимки «афакахум» деб айтса, «уларни иймондан қайтарди, уларни ёлғончи қилди» деган бўлади, оятда «Қайтарилган киши ундан юз ўгиради» дейилгани каби.

Ибн Шихоб ушбу ҳадисни Урва ибн Зубайр, Саъид ибн Мусайяб, Алқама ибн Ваққос ва Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуддан нақл қиладилар: «Мунофиқлар пайғамбаримизнинг завжаи мутаҳҳаралари Оиша разияллоҳу анҳо ҳақларида бўхтон тўқидилар, бу бўхтон ҳақидаги ҳадисни Урва, Саъид, Алқама, Убайдуллоҳ ривоят қилиб берди. Буларнинг баъзилари Оишанинг ўзларидан, баъзилари эрса ровийлардан эшитган бўлса-да, жуда ишончли қилиб айтди. Мен Оишанинг ўзларидан эшитиб ривоят қилган барча кишиларнинг гапига эътибор бериб кулоқ солдим, шунда ровийлардан эшитиб ривоят қилган кишиларнинг қадиси юкоридагиларнинг ҳадисини тасдиқ қилди. Улар ривоят қилишларича, Оиша бундай дебдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қачонки сафарга боришни хоҳласалар, қуръа ташлар эрдилар, қуръа қайси хотинларига чиқса, ўша бирлан бирга сафарга борар эрдилар. Бану Мусталиқ ғазотига кетаётиб ҳам қуръа ташладилар, шунда қуръа менга чиқди. мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга сафар

килдим. Бу вақтда «Ҳижоб ояти» нозил бўлган бўлиб, мен туяга ортилган кажавада юрардим. Жаноб Расулulloҳ ғазотдан қайтаётиб, Мадинага икки манзил йул қолганда «Карвон дам олсин!» деб изн бердилар. Изн берилгандан сўнг, мен кажавадан тушиб, лашкардан узоклашдим-да ҳожатга ўлтирдим, кейин карвон ёнига келгач, кўксимни ушласам, зифорий мунчоғим йўқ (Зифор — Ямандаги бир қишлоқ номи), узилиб тушиб қолибди. Изимга қайтиб бориб, мунчоғимни қидира бошладим, уни топгунимча кўп вақт ушланиб қолдим. Бу орада карвон жўнайдиған бўлиб қолиб, менинг кажавамни туяга юклайдирганлар келиб уни юклаб жўнатибдилар, ичида мени бор деб ўйлашибди. Ўша вақтларда хотинлар енгил бўларди, семирмас эрди, баданларини гўшт қопламас эрди, чунки оз овқат ер эрди. Шу боисдан кажавани кўтарган кишилар ичида одам борми, йўқми сезмай туяга юклаб юборганлар, бунинг устига мен у вақтда жуссаси кичик ёш қизча эрдим. Туяни ҳайдаб, жўнаб кетишаверган. Кейин, мен мунчоғимни топиб, кажавам турган жойга борсам, лашкар аллақачон жилган, бирорта чақирувчи ҳам, унга жавоб берувчи ҳам қолмабди. «Мен турган еримда кутсам, улар мени йўқлигимни билиб, излаб қайтиб келишар» деган умитда эрдим. Ўша ерда ўлтириб, ухлаб қолибман. Сафвон ибн Муъаттал ас-Суламий лашкар ортидан кузатиб борувчи этиб тайинланган эрди. Бир вақт келиб қараса, ерда бир одам ухлаб ётибди. У мени таниб (чунки, у мени ҳижобга кирмасимдан аввал кўрган эрди) олдимга келганда, уйғониб кетдим, дарҳол рўмолим бирлан юзимни тўсдим. Оллоҳ таоло хақи, бир оғиз ҳам сўзлашмадик, унинг «Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъуун» (яъни, «Ҳаммамиз Оллоҳнинг бандасимиз ва унинг хузурига қайтиб борамиз») деган сўзидан бошқа сўзини эшитмадим. Сафвон тезда туясини чўктириб, олдинги оёғини ушлаб турди, мен унга миниб олдим. Ўзи эрса туяни етаклаб кетди, кун қизиган пайтда лашкар орасига кириб бордик, улар эндигина манзилга етиб олишган эркан. Шу воқеадан кейин, менинг ҳақимда баъзи кишилар тухмат қилиб юзи қаро бўлди. Энг катта тухматчи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул эрди».

Урва бундай дейдилар: «Оишанинг хабар беришларича, Абдуллоҳ ибн Убай бўҳтон тарқатарди, бошқалар шу ҳақда гапирса, тасдиқларди, янада кўпроқ овоза қиларди. Бўҳтончилардан фақат Ҳассон ибн Собит, Мистаҳ ибн Усоса, Ҳамна бинти Жаҳшларнинг номи зикр қилинган бўлиб, яна мен танимаган бошқа кишилар ҳам бор, аммо улар ҳам юқоридагиларга қариндош одамлардир. Оллоҳ таоло ўз оятида бўҳтончиларнинг каттаси Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул эрканлигига ишора қилади Оиша эрсалар хузурларида Ҳассонни ҳақорат қилишса, доимо қаршилиқ қилиб «Ҳассон мана бу шеърни ёзган киши!»—дер эрдилар «Отам бирла бобом ҳамда обрўйим, Муҳаммад обрўйи учун қалқон эрур!» *Оиша бундай дейдилар* «Мен Мадинага келиб, бир ой касал бўлиб ётиб қолдим Одамлар бўҳтончиларнинг гапига ишониб, шов-шув тарқатишар, мен эрсам бундан мутлақо беҳабар эрдим. Илгари касал бўлсам, Жаноб Расулulloҳ кўнглимга қараб, меҳрибонлик қилардилар, энди эрса ўша лутфу марҳаматни кўрмай, ўзимдаги касаллик устига шубҳа ичимни кемирарди Жаноб Расулulloҳ ҳар гал хузуримга кирганларида салом бериб «Қалайсан?» — дейдилар-да, кейин яна қайтиб чиқиб кетадилар, «Мендан нима ёмонлик ўтди эркан?» — деб гумонга ботаман Бир оз тузалганимдан кейин, Умму Мистаҳ бирлан бир куни ҳожатхонага чиқдим Ҳожатхона уйимиздан узокроқ бўлгани учун фақат кечаси чиқардик. Бу воқеа уйимизга яқин жойга ҳожатхона қурганимиздан анча олдин бўлган эрди. Чунки, илгари биз ҳам қишлоқиларга ўхшаб яшардик, уйимиз ёнига ҳожатхона қуришдан жирканардик. Умму Мистаҳ Абу Раҳм ибн ал-Мутталиб ибн Абду Манофнинг қизи бўлиб, онаси Саҳр ибн Омирнинг қизи — Абу Бакр Сиддиқнинг холаси эрди. Умму Мистаҳнинг эрса Мистаҳ ибн Усоса ибн Убод ибн Мутталиб деган ўғли бор эрди. Мен Умму Мистаҳ бирлан бирга ҳожатхонадан уйимиз томон қайтаётган эрдим, Умму Мистаҳ тойилиб кетди ва «Ноумид бўлгур, Мистаҳ!» деб ўз ўғлини қарғади Мен унга «Нега бундай ёмон сўз бирла қарғайсан, Бадрда иштирок қилган мужоҳидни ҳам шундай қарғайсанми?» — дедим. Шунда Умму Мистаҳ «Эй содда, эшитмадингми, сенинг ҳақингда нима гап айтганини?» — деди Мен «Қандай гап айтди?»—дедим. Умму Мистаҳ бўҳтончиларнинг менинг ҳақимда айтганларини гапириб берди. Шундан сўнг, касалимга

касал кўшилди. Уйимга қайтиб кирганимдан кейин, Жаноб Расулуллоҳ ҳузуримга кирдилар-да, менга салом берганларидан сўнг, одатдагидек «Қалайсан?» — деб ахволимни сўрадилар. Мен у кишига «Ота-онамнинг олдига бориб келишимга ижозат берасизми?» — дедим. Мен ўзим ҳақимдаги гапларни улардан суриштириб билмоқчи эрдим. Расулуллоҳ менга изн бердилар Онамга бориб «Эй онажон! Одамлар нималар дейи-шаётир?» — дедим Онам менга «Эй кизалоғим! Парво қилмагил, худо ҳақи, эри яхши кўрган ва кундошлари бор гўзал аёл ҳақида кўпинча одамлар ҳар хил гапларни чиқаришади», — дедилар Мен «Субҳоналлоҳ, шундай гапни гапиришадими?» — деб кечаси бирлан йиғлаб чиқдим, тонг отгунча ёшим ҳам тўхтамади, кўзимга уйқу ҳам келмади, йиғлаган ҳолда тонг оттирдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига ваҳий келмай қолганда Ҳазрат Али ва Усома ибн Зайдни ҳузурларига чақириб, улар бирлан оилаларидан ажраш тўғрисида маслаҳат қилдилар. Шунда Усома ибн Зайд Оишадан бундай ёмонлик чиқмаслигини, унинг пок эрканлигини айтиб «Ё Расулаллоҳ, оилангиздан ажрамангиз, биз уни фақат яхши деб биламиз!» — деди. Аммо, Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ, таоло сизни хотиндан қисган эрмас, ундан бошқа хотинлар ҳам кўп-ку! Жорияни чақириб сўрангиз, сизга бор ҳақиқатни айтади», — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ (Оишанинг хизматкори) Бурайрани чақириб «Эй Бурайра, сен шубҳага соладирган бирор нарсани сездингми?» — деб сўрадилар Бурайра «Сизни пайғамбар қилиб юборган зотнинг номи бирлан қасамёд қилурменки, уни бирор гуноҳ иш қилганини кўрмадим, бунинг устига у ҳали жуда ёш кизалоқ-ку! Ахир, хамир қорса ҳам, чарчаб ухлаб қолиб, хамирини қўй еб кетади-ю!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ бу гапни эшитиб ўринларидан турдилар-да, минбарга чиқиб, Абдуллоҳ ибн Убайдан узр талаб қилдилар ва «Эй мусулмонлар, оиламга тухмат қилиб менга озор етказган кишини ким узр айтқизади? Оллоҳ таоло ҳақи, мен оиламни яхши деб биламан, яна бир одамга тухмат қилдиларки, у одамни ҳам яхши деб биламан, у киши оилам ҳузурига қачон кирса, мен бирлан бирга кирар эрди!» — дедилар. Шунда Бану Абдулашҳалнинг биродари Саъд ибн Маъоз ўрнидан туриб «Ё Расулаллоҳ, мен уни сизга узр айтқизаман, агар ўша одам Авс қабиласидан бўлса, бўйнини узаман! Мободо у Ҳазраж қабиласига мансуб биродарларимиздан бўлса, сиз нима деб буюрсангиз, шуни адо этгаймиз!» — деди. Шу пайт Ҳазраж қабиласига мансуб бир одам ирғиб турди, Умму Ҳассон ана шу одамнинг амакисининг қизи бўлиб, унинг исми Саъд ибн Убода эрди. Ҳазраж қабиласининг бошлиғи бўлмиш бу одам илгари солиҳ киши бўлган бўлиб, орияти тутиб кетиб, Саъд ибн Маъозга «Ёлғон айтаётирсан, Оллоҳ таоло ҳақи, уни ўлдиролмайсан, ўлдириш қўлингдан келмагай, агар у ўз қавминдан бўлганида эрди, ўлимни хоҳламаган бўлар эрдинг!» — деб бақирди. Шунда Саъд ибн Маъознинг амакиваччаси Усайд ибн Ҳазир ўрнидан туриб, Саъд ибн Убодага «Ўзинг ёлғончи эурсан, Оллоҳ таоло ҳақи, уни ўлдиргаймиз, сен ғирт мунофиқдурсан мунофиқларнинг ёнини олаётирсан!» — деди. Натижада икки қабила — Авс ва Ҳазраж қизишиб кетиб, бир-бирини ўлдиришга қасд қилиб қолди. Жаноб Расулуллоҳ эрсалар хануз минбар устида турардилар. Ниҳоят, ул зот икки қабила ўртасидаги алангага сув куйиб тинчлантирдилар. Мен шу куни кечгача йиғладим, кўзимга уйқу келмади, ҳатто йиғи жигаримни эзиб юборган-дек бўлди, мен йиғлардим, ота-онам эрсалар ёнимда ўлтирардилар. Шу пайт бир ансория аёл келиб, руҳсат сўраб ичкарига кирди, у ҳам менга кўшилиб йиғлай бошлади. Биз шу ҳолатда эрдик, Жаноб Расулуллоҳ кириб келдилар, салом бергач, ўлтирдилар. Ул зот менга тухмат қилингандан буён ёнимга ўлтирмай қўйган эрдилар. Бир ой бўлаётирки, у кишига менинг ҳақимда бирор ваҳий келмади. Жаноб Расулуллоҳ ёнимга ўлтираётиб калимаи шаҳодатни айтдилар, кейин менга: «Эй Оиша, сенинг ҳақингда менга бундай ва бундай хабар етди, агар сен пок бўлсанг, Оллоҳ таоло сени тез кунда бу тухматдан халос қилгай, башарти бирор гуноҳ қилган бўлсанг, Оллоҳга истиғфор айт, тавба қил, чунки банда ўз гуноҳини эътироф қилиб, тавба қилса, Оллоҳ таоло унинг тавбасини албатта қабул қилгай!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ шу гапларни айтиб бўлганларидан кейин, бирдан кўз ёшим қуриб, бир қатра ҳам ёш чиқмай қўйди. Шунда мен отамга: «Менинг номимдан Жаноб Расулуллоҳга сиз жавоб қилингиз!» — дедим. Отам. «Жаноб

Расулуллоҳга мен нима дейман?» — дедилар. Онамга: «Бўлмаса, сиз жавоб берингиз!» — дедим. Онам ҳам: «Жаноб Расулуллоҳга нима ҳам дердим?» — дедилар. Шундан сўнг, ўзим: «Мен ёшман, ҳали Қуръондан кўп сура ёд олганим йўқ, лекин мен, Оллоҳ таоло ҳақи, аниқ билдимки, сизлар эшитган мазкур тухмат дилингизга қаттиқ ўрнашиб олибди, унга ишонч ҳам ҳосил қилибсизлар. Агар мен: «Бундай ишни қилганим йўқ», — десам, сизлар барибир ишонмайсизлар, аммо Оллоҳ таоло менинг поклигимни билиб турибди. Ваҳоланки, сизлар ўзим қилмаган гуноҳни эътироф қилсам, ишонасизлар. Шундай эркан, Оллоҳ таоло ҳақи, мен сизлар бирлан ўзим ўртамадаги воқеани Юсуф бирлан унинг отаси ўртасидаги воқеага таққослайман-да, «Сабр гўзалдур, Оллоҳ ўзингиз таърифлаганингиздек, мадақдордур!» деган ояти каримадан бўлак ўзимга юпанч тополмайман!» — дедим-да, тескари ўгирилиб, тўшагимга ётиб олдим. «Оллоҳ таоло менинг поклигимни яхши билур, у албатта мени бу тухматдан халос қилгай!» — дер эрдим. Аммо, мен Оллоҳ таолонинг менинг ҳақимда оят нозил қилажагини билмас эрдим, чунки «Мен бунга арзимайман, яхшиси Жаноб Расулуллоҳ туш кўрсалар-у, тушларида менинг поклигим аён қилинса!» — дер эрдим. Буни қарангки, Жаноб Расулуллоҳ жойларидан жилмасларидан туриб, оила аъзоларимдан бирортаси ташқарига чиқиб улгурмай туриб, Оллоҳ таоло ул зотга ваҳий нозил қилиб қолди. Ваҳийнинг юкидан Жаноб Расулуллоҳнинг баданлари безгак тутгандек титраб, вужудларидан маржон-маржон тер оқди.

Жаноб Расулуллоҳ ваҳий қабул қилиб олганларидан сўнг, менга кулиб қарадилар ва энг дастлаб айтган сўзлари шу бўлдики. «Эй Оиша! Оллоҳ таоло сенинг поклигингни хабар қилди», — дедилар. Шунда онам менга- «Туриб, Расулуллоҳга қуллуқ қил!» — дедилар. Мен эрсам «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, мен бу кишига туриб қуллуқ қилмайман, балки Оллоҳ таолонинг ўзига ҳамд айтаман!» — дедим Оллоҳ таоло «Инналлазийна жоъу бил-ифки усбатун минкум» (яъни, «Бўхтон тўқувчилар ўзларингизнинг қариндошларингиздур») деб бошланадирган жами ўнта оят нозил қилган эрди. Оллоҳ менинг поклигим ҳақидаги ана шу оятларни нозил қилгач, отам «Оллоҳ ҳақи, Оишага тухмат қилгани учун бундан буён Мистаҳга бир чақа ҳам бермайман!» — дедилар. Шунда Оллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: «Ораларингиздаги фазлу саховат эгалари ўз қариндошларига, мискину муҳожирларга маблағ бирла ёрдам қилмасликка онт ичмасинлар, уларнинг гуноҳларини авф қилсинлар, дўстлашсинлар! Оллоҳнинг сизларни мағфират қилмоғини истамайсизларми? Оллоҳ гуноҳларни кечирувчи, меҳрибон зотдур!». Бу оятни эшитиб, отам Абу Бакр: «Оллоҳ таоло ҳақи, албатта мен Оллоҳнинг мени мағфират қилмоғи-ни истайман!» — дедилар, сўнг Мистаҳга илгаригидек яна ёрдам бера бошладилар-да: «Оллоҳ ҳақи, мен бу ёрдамимни умрим борича тўхтатмайман!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ менинг ҳақимда Зайнаб бинти Жаҳшдан: «Оиша ҳақида нима биласан ёки кўргансан?» — деб сўрабдилар: «Эй Оллоҳнинг расули, мен қулоғим бирлан кўзимни доим эҳтиёт қилурман, Оишани эрса фақат яхши деб билурман!» — дебди. Зайнаб доимо мени Жаноб Расулуллоҳнинг бошқа хотинларидан ҳимоя қилиб юрар эрди, бунинг учун Оллоҳ таоло уни такводор қилиб, ёмон ишлардан сақлади. Унинг синглиси Ҳамна бинти Жаҳш эрса доим онаси бирлан урушиб юрарди, Оллоҳ уни ҳам бўхтончиларга кўшиб шарманда қилди».

Ибн Шихоб: «Бўхтончилар ҳақидаги ҳадис мана шундан иборатдур», — дейдилар.

Урва ривоят қиладилар: «Бўхтончилардан бири: «Субҳоналлоҳ, мени яратган парвардигорим ҳақи, бундан буён ҳеч қачон аёлни маломат қилмайман!» — деди. «Озгина вақтдан кейин шу киши Оллоҳ йўлида шаҳид бўлиб кетди», — дейдилар Оиша онамиз»

Зухрий ривоят қиладилар: «Менга Валид ибн Абдулмалик «Эшитдингизми? Али ҳам Оишани ҳақорат қилган кишилар ичида бор эркан», — деди. Мен: «Йўқ, лекин сизнинг қавмингиздан икки киши — Абу Салама ибн Абдуррахмон ва Абу Накр ибн Абдуррахмон ибн ал-Ҳарсининг менга хабар беришларича, Оиша разияллоху анҳо уларга: «Али менинг ҳақимда ҳеч нарса демаган», — дебдилар», — дедим». Бу масала ҳақида Зухрийдан қайта сўралганда, у киши Валиднинг гапи хато эрканлигини, Ҳазрат Али Оиша ҳақларида

бўхтон қилмаганликларини айтган. «Асл ул-Атиқ» китобида ҳам шундай деб ривоят қилинган.

Оиша разияллоҳу анҳонинг оналари Умму Румон бундай деб ривоят қилидилар: «Мен Оиша билан бирга ўлтирган эрдим бир ансория аёл кириб келди-да: «Фалончининг Оллоҳ таоло жазосини берсин!» — деб қайта-қайта қарғанди.

Нечун қарғаётирсиз?» — деб сўрадим. Аёл: «Ўғлим ифвогарларга кўшилиб қолибди»,— деди. «Қандай ифво?» — деб сўрадим. Шунда аёл Оиша ҳақида тўқилган, ҳаммага тарқалган бўхтон ҳақида сўзлаб берди. Оиша: «Бу гапни Жаноб Расулulloҳ ҳам эшитганмилар?»—деб сўради. Аёл:

«Ҳа»,--деди. Оиша: «Абу Бакр Сиддиқ ҳам хабардордирдирлар?»--деди. Аёл. «Ҳа, хабардорлар»,— деди. Бу гапни ешитгач, Оиша беҳуш бўлиб йиқилди. Узоқ ётиб, кўзини очганда каттиқ иситма бутун вужудини титратар эрди. Мен уни қалин либоси билан ўраб қўйдим. Жаноб Расулulloҳ келганларида: «Ё Расулаллоҳ, уни безгак тутиб, иситма олаётми!»-- дедим. «Анави гапларни эшитгандур-да?!» — дедилар Жаноб Расулulloҳ. «Ҳа, эшитдим!» — деди Оиша ва ўрнидан туриб ўлтирди, кейин: «Оллоҳ таоло ҳақи, қасам ичганим билан менга ишонмагайсизлар, узримни айтсам, қабул қилмагайсизлар, мен билан сизлар Яъқуб билан унинг ўғилларига ўхшаймиз, Оллоҳ таоло: «Оллоҳ ўзингиз таърифлаганингиздек, мадақдордур!» — деганку!» — деди. Жаноб Расулulloҳ бу гапни эшитиб, индамай чиқиб кетдилар. Оллоҳ таоло оят нозил қилиб, Оишанинг покдомон эрканлигини хабар қилди. Шунда Оиша Жаноб Расулulloҳга: «Мен бунинг учун бирор кишига, ҳатто сизга ҳам миннатдорчилик билдирмайман, фақат Оллоҳ таолога шукр қилиман!»

Ибн Абу Мулайка бундай дейдилар: «Оиша разияллоҳу анҳо оятдаги «Из талаққавнаҳу би-алсинатикум» («Вақтики сизлар тиллариингиз ила уни нақл қилур эрдингизлар...») деган сўзларни «Из таликуунаҳу би-алсинатикум...» («Вақтики сизлар тилларингиз ила унга тухмат қилишингизни қуймас эрдингизлар ...» деб қироат қилар эрди-да, «Ал-Валку ал-казибу» («Ал-Валқ тухматдир») деб қўяр эрди».

Ибн Абу Мулайка: «Оиша тухмат ҳақидаги оятларни бошқалардан кўра яхшироқ билур эрди, чунки бу оятлар унинг хусусида нозил бўлган эрди-да!»—дейдилар.

Урва ибн Зубайр бундай дейдилар: «Мен Оишанинг ҳузурда Ҳассонни сўка бошладим, Оиша мени қайтариб, бундай деди: «Сўкма уни, чунки Ҳассон Жаноб Расулulloҳнинг обрўларини ҳимоя қилиб шеър ёзади. Бир куни Ҳассон Жаноб Расулulloҳдан мушрикларни ҳажв қилмоққа руҳсат сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Қурайш мушрикларини ҳажв қилаётганинда менинг насабимга ҳам тил теккизурсанми?»— дедилар. Ҳассон: «Сизни улар орасидан ҳамирдан қил суғургандек ажратиб олгайман!» — деб жавоб берди».

Ҳишом оталари Урвадан нақл қиладилар: «Мен Ҳассонни сўкканман, чунки у Оишага энг кўп бўхтон қилган киши эрди».

Масруқдан нақл қилинади: «Биз Оишанинг ҳузурга кирсак, Ҳассон ибн Собит ёнида ўлтириб, унга бағишлаган қуйидаги шеърини ўқиб бераётган эркан:

«Ҳаёлидур, вафолидур, иболи. Сира билмас надур ифво хаёли!»

Ҳассон юқоридаги байтни ўқиб бўлиши ҳамоноқ, Оиша унга: «Аммо, ўзинг шундай одам эрмассан!»—деди. Мен Оишага: «Нима учун ҳузурингизга кирмоққа унга ижозат бердингиз? Ахир, Оллоҳ таоло: «Покдомон аёлларга тухмат қилиб, ўзига катта гуноҳ орттирган кишига каттиқ азоб бордур!» — деган-ку?!» — дедим. Оиша: «Кўр бўлиб қолмоқ-дан ортиқроқ азоб борми?!» — деди (Ҳассон кўр бўлиб қолган эрди). Кейин, Оиша: «Илгарилари у Жаноб Расулulloҳнинг обрўларини ҳимоя қилиб мушрикларни ҳажв қилур эрди»,— деб қўйди».

37- боб. Ҳудайбия ғазоти ҳамда Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ таоло дарахт тагида сизга байъат қилган мўминлардан рози бўлди» деган ояти каримаси ҳақида

Зайд ибн Халид айтадилар: «Биз Ҳудайбия йили Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга сафарга чикдик. Тунлардан бирида ёмғир ёғди. Жаноб Расулуллоҳ эрталаб бомдодни ўқиганларидан сўнг, юзларини бизга қаратдилар-да: «Биласизларми, парвардигорингиз нима деяётир?»—дедилар. Биз: «Оллоҳ ва унинг расули билур»,— дедик. «Оллоҳ айтурки,— дедилар Жаноб Расулуллоҳ,— бандаларим икки тоифага бўлинди, бири — менга иймон келтирганлар ва яна бири — кофир бўлганлар. Қайси бандам: «Бизга ёмғир Оллоҳнинг раҳмати, ризқи ва фазли сабабидан ёғди»,— деса, менга иймон келтирган кишидур. Агар: «Фалон юлдуз сабабли ёғди»,— деса, юлдузга иймон келтириб, менга кофир бўлган кишидур».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу хабар берадилар: «Жаноб Расулуллоҳ тўрт марта умра қилганлар, учтаси зулқаъда ойида бўлиб, (зулҳижжа ойида) бир марта ҳаж бирлан бирга умра ҳам қилганлар. Зулқаъда ойида қилган умралари — Ҳудайбия умраси, келгуси йилдаги умралари, Жиърона умраси (бу ерда Ҳунайн ғазотида олинган ўлжалар тақсимланган эрди) ва охиргиси ҳаж бирлан бирга қилган умраларидир».

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода оталаридан нақл қиладиларки, оталари бундай деган эрканлар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Ҳудайбия йили (Макка томон) йўлга чикдик, барча саҳобалар эҳром кийиб олишган, мен эрсам эҳром киймаган эрдим».

Барро разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Сизлар фатҳ деб Макка фатҳини айтасизлар, дарҳақиқат Макка фатҳи ҳам фатҳдур, аммо биз Ҳудайбия кунидаги Байъатур-ризвонни фатҳ деб атаймиз. Пайғамбар алайҳиссаломни қўшиб ҳисобласак, бир минг тўрт юз киши эрдик. Ҳудайбия бир кудук бўлиб, биз унинг сувини охирги катрасигача қўймай тортиб олдик. Жаноб Расулуллоҳ буни эшитиб келдилар-да, кудукнинг лабига ўлтирдилар, кейин бир идишда сув сўрадилар, у бирлан таҳорат қилдилар, оғиз чайқадилар, қолганини дуо ўқиб кудукка қуйдилар. Бир оз муддат кутдик, кейин кудукдан ўзимиз ҳам, отларимиз ҳам қонадирган миқдорда сув чикди».

Бу ерда юкоридаги ҳадис тақроран келтирилган. *Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ҳудайбия куни одамлар ташна бўлдилар, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдларида бир идишда сув бўлиб, таҳорат қилдилар. Одамлар Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келишди, ул зот улардан: «Не ишингиз бор?» — деб сўрадилар. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ! Таҳоратга ҳам, ичишга ҳам қўлингиздаги сувдан бўлак сув йўқдур»,— дейишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ панжалари бирлан идиш оғзини ёпиб эрдилар, бармоқлари орасидан булоқ янглиғ сув қайнаб чиқа бошлади. Ундан ҳаммамиз тўйиб ичдик, таҳорат ҳам қилиб олдик».

Солим разияллоҳу анҳу: «Мен Жобирдан: «Ўша куни неча киши эрдингизлар?» — деб сўрасам, у: «Агар юз минг киши булганимизда ҳам ҳаммамизга етар эрди, биз эрсак ўшанда бир минг беш юз киши эрдик»,— деди»,— дейдилар.

Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Саъид ибн Мусайябга: «Эшитишимча, Жобир Ҳудайбияда бир минг тўрт юз киши бўлганликларини айтибди»,— дедим. Саъид менга: «Жобирнинг менга айтишича, Ҳудайбия куни пайғамбаримизга байъат қилган кишиларнинг сони бир минг беш юз киши бўлган»—деди».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳудайбия куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: -Сизлар ер юзи аҳлининг энг яхшисидурсизлар»,— дедилар. Биз ўшанда бир минг тўрт юз киши эрдик. Агар ҳозир кўзим очиқ бўлганда, ўша тагида байъат қилинган дарахтни кўрсатар эрдим».

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ривоят қиладилар: «Дарахт тагида байъат қилган кишиларнинг сони бир минг уч юз киши эрди. Аслам қабиласи муҳожирларнинг саккиздан бир қисмини ташкил қиларди».

Дарахт тагида байъат қилганлардан бири бўлмиш Мирдос ал-Асламий: «Яхши одамлар бирин-кетин бу дунёдан ўтиб кетяптилар. Хурмо ва арпанинг чиқити тагида қолгандек, Оллоҳ таоло ҳузурда эътибори йўқ кишилар қоляпти»,— дейдилар.

Марвон ва Мисвар ибн Махрама ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бир

минг қанчаям асҳоблари бирлан Ҳудайбия куни йўлга чиқдилар. Зулхулайфа деган жойга келганда қурбонликка аталган туялари бўйнига қурбонлик эрканлигини англатадирган нишон осиб ҳамда ўрқачини қонатиб кўйдилар. Кейин, шу ерда туриб эҳром боғладилар».

Али ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Мен бу ҳадисни Суфъндан неча марта эшитганман, ҳатто у киши: «Қонатиладирган ва нишон осиладирган жойнинг қаерда эрканлигини Зухрийдан эшитди-му, аммо эслаб қололмадим»,— деб айтгандилар».

Абдурраҳмон ибн Абу Лайло Каъб ибн Ужра ҳақида бундай деб ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ унинг бошидаги битлар юзига ўрмалаб тушаётганини кўриб: «Бу жониворлар сени қийнаётими?»—деб сўрадилар. Каъб: «Ҳа»,— дегандан кейин, Жаноб Расулуллоҳ унга сочини олдириб ташлашни буюрдилар. Шунда у Ҳудайбияда турган эрди. Жаноб Расулуллоҳ бошқа саҳобаларнинг ҳам шу ерда эҳромдан чиқиш ёки чиқмасликлари ҳақида аниқ бир гап айтмадилар, саҳобалар Маккага кириш ниятида эрдилар. Шу аснода Оллоҳ таоло фидя (жарима, товон) ҳақида оят нозил қилди. Жаноб Расулуллоҳ Каъбга битлаб кетгани учун олти мискиннинг қорнини тўйғазишни ёки бир кўй қурбонлик қилишни ёхуд уч кун рўза тутишни амр қилдилар».

Язид ибн Асламнинг оталари ривоят қиладилар: «Мен Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу бирлан бирга бозорга

чиқдим. Шунда Ҳазрат Умарга бир ёш аёл дуч келиб «Эй мўминлар амири¹ Эрим ҳалок бўлди, бир неча сағир гўдаклар бирлан қолдим. Оллоҳ таоло ҳақи, уларга беришга на суяк-салок на дон-дун ва на сут йўқ, (эркагим йўқлигидан) уларни қашқирлар еб кетмасайди, деб қўрқаман Отам Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Ҳудайбияда бўлганлар, мен Хуфоф ибн Аймо ал-Ғифорийнинг қизиман»,— деди Ҳазрат Умар аёл бирлан бироз суҳбатлашгандан кейин, «Ўз қариндошинг олдига хуш келибсан¹» деб уйлари ёнида боғлиқ турган баҳайбат туялари олдига бордилар-да унга егуликлар тўла икки мешни юкладилар, мешлар орасига кийим-кечак ва пул ҳам жойладилар, сўнг туянинг тизгинини аёл кўлига тутказиб «Туяни етакла, Оллоҳ таоло бирор хайрият юборгунча сенга етиб туради!»—дедилар. Шунда бир киши «Эй амиралмуъминин, унга кўп нарса бериб юбордингиз!» --деди.

Ҳазрат Умар «Эй онанг сендан ажраб қолгур¹ Оллоҳ таоло ҳақи, мен бу аёлнинг отаси бирлан акасининг бир неча вақт қўрғонни қамал қилиб, сўнг уни фатҳ қилишганини кўрганман Биз ўша икковининг насибасидан бу аёлга озгина бердик, холос», - дедилар».

Саъид ибн ал-Мусайябнинг оталари «Тагида байъат қилинган дарахтни кўрган эрдим, кейин ўша дарахтни қидириб тополмадим», - дейдилар. Имом Бухорий «Маҳмуд ҳам «Ўша дарахт ёдимдан чиқартирилди» деб айтган»,— дейдилар (Саҳобалар Ҳудайбияда бир катта дарахтни остида Жаноб Расулуллоҳнинг қўлларига қўлларини кўйиб, «Ҳаётимнинг охиригача сизга итоат қилурман, Оллоҳ таоло нимани буюрган эрса, адо қилурман, нимадан қайтарган эрса ундан сақланурман¹» деб байъат қилган бўлиб, бу байъат Баиъатурризвон деб аталади Кейинчалик, бу дарахт Оллоҳ таоло томонидан саҳобаларнинг эсларидан чиқарилган, чунки Жаноб Расулуллоҳдан кейин мусулмонлар мазкур дарахтни муқаддас билиб, уни тавоф қилиб, йўлдан озиб кетишлари мумкин эрди).

Ториқ ибн Абдурраҳмон бундай дейдилар «Мен ҳаж сафарига кетаётган эрдим, йўлда намоз ўқиётган бир қавмни кўрдим. Одамлардан «Бу қандай (масжид) саждагоҳ?» — деб сўрадим. Улар «Бу Жаноб Расулуллоҳ тагида саҳобаларни байъат қилдирган ўша дарахтдир»,— дейишди Сўнг, мен Саъид ибн Мусайябнинг ҳузурига бориб, бунга айтган эрдим, у «Отам ўша дарахт тагида байъат қилган саҳобалардан бири бўлганлар, у киши менга «Байъатдан бир йил кейин, биз қайтиб бориб ўша дарахтни қидирдик, лекин эслаб олмадик, Оллоҳ таоло уни топишга имкон бермади»,— деб эрдилар. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари тополмаган дарахтни сизлар топган бўлсангизлар, унда сизлар ўта «билимдон» бўлиб кетибсизларку!»- деди кесатиб

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

Ториқ бундаи дейдилар «Саъид ибн Мусайябнинг олдида мазкур дарахт ҳақида гапирилди. Шунда Саъид кулди-да: «Менинг отам ўша байъатда қатнашган эрдилар, бу

ҳақда менга гапириб берган эрдилар», — деди».

Дарахт тагида байъат қилганлардан бири бўлмиш Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ривоят қиладилар «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг одати шарифлари шундай эрдик, агар у кишига бирор қавм садақа олиб келса, «Эй Оллоҳ, буларни ўзинг ярлақагайсан! — дердилар Чунончи, менинг оғам у кишига садақа олиб келганларида «Эй Оллоҳ, Абу Авфонинг оиласини ўзинг ярлақагайсан!» — деб дуо қилдилар»

Ибод ибн Тамим ривоят қиладилар: «Ҳарра куни одамлар Абдуллоҳ ибн Ҳанзалага байъат қилдилар, шунда Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Нечун одамлар Ибн Ҳанзалага байъат қилаётдилар?» — деб сўради Одамлар «Ўлимга» — дейишди. Ибн Зайд Мен Жаноб Расулulloҳга шундай деб байъат қилганман, энди ҳеч кимга бундан деб байъат қилмагайман!» — деди. У Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга Ҳудаибияда қатнашган эрди.

Дарахт тагида байъат қилганлардан бўлмиш Салама ибн ал-Акваъ «Биз Пайғамбар алайҳиссалом бирлан бирга жумъа намозини ўқиб уй-уйимизга тарқаб кетар эрдик. Ўша вақтларда куннинг ниҳоятда тиклигидан деворларнинг сояси бўлмас, ўзимизни сояга ололмас эрдик», — дейдилар.

Язид ибн Абу Убайд ривоят қиладилар: «Мен Салама ибн ал-Акваъдан «Ҳудайбия куни Жаноб Расулulloҳга нима учун байъат қилдингизлар?» — деб сўрадим. У киши менга «Ўлимга», — деб жавоб бердилар».

Мусайяб ибн Рофиъ бундай дейдилар: «Мен Барро ибн Озибга дуч келиб, у кишига «Барака топингиз, Жаноб Расулulloҳга саҳобий бўлдингиз, дарахт тагида у кишига байъат қилдингиз!» — дедим Шунда Барро «Эй жияним, Жаноб Расулulloҳдан сўнг қандай фитналар содир бўлганидан сиз беҳабарсиз» — дедилар»

Абу Қилоба ривоят қиладилар «Собит ибн Заҳҳокнинг узи айтишича, у ҳам Жаноб Расулulloҳга дарахт тагида байъат қилганлардан эркан».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар «Оллоҳ таолонинг «Инно фатаҳно лака фатҳан мубийнан!», яъни «Дарҳақиқат, биз сизга улуғ бир фатҳни муяссар қилдик!» деган сўзидаги фатҳ (ғалаба) Ҳудайбияда муяссар булди. Бу оят нозил бўлганда саҳобалар «Муборак бўлсин! Муборак бўлсин! Оллоҳ таоло бизга яна не ваъда қилди?» — дейишди. Шунда Оллоҳ таоло «Мўминлар бирлан мўминаларни тагидан анхорлар оқиб турадирган жаннатларга киритади!» деган оятни нозил қилди».

Шўъба бундай дейдилар: «Мен Куфага келиб: «Бу ҳадиснинг барчасини Қатода ривоят қилганлар», — дедим. Кейин, қайтиб келиб Қатодага айтганимда, у киши: «Инно фатаҳнони Анас ибн Моликдан, «Ҳанийъан, марийъан»ни Икримадан эшитганман», — дедилар».

Мажзаъа ибн Зоҳир ал-Асламий дарахт тагида байъат қилганлардан бўлмиш оталаридан нақл қилиб бундай дейдилар: «Мен эшак гўшти солиб пиширилаётган қозон тагига ўт қалаётган эрдим. Шу пайт Жаноб Расулulloҳнинг жарчилари: «Жаноб Расулulloҳ эшак гўштини сизларга манъ этдилар!» — деб қичқириб қолди».

Мажзаъа дарахт тагида байъат қилганлардан бўлмиш Аслам қабиласига мансуб бир саҳоба ҳақида сўзлаб: «Унинг отаси Аҳбон ибн Авсининг тиззаси оғрир эрди, ҳар вақт сажда қилаётганида тиззаси остига ёстиқ қўйиб олар эрди», — дейдилар.

Дарахт тагида байъат қилганлардан бири Сувайд ибн Нуъмон: «Жаноб Расулulloҳ ва ул зотнинг асҳобларига талқон келтирилди, уни оғизларига солиб шимиб ўлтиришди», — дейдилар.

Абу Жамра бундай дейдилар: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг Байъатурризвонда қатнашган асҳобларидан бўлмиш Оиз ибн Амрдан: «Кечанинг бошида витр ўқиган одам саҳар пайтида ҳам витр ўқиса, бўладими?» — деб сўраганимда, у киши: «Агар кечанинг бошида витр ўқиган бўлсанг, охирида витр ўқима» — дедилар».

Зайд ибн Аслам оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сафарларидан бирида йўлда кетаётган эрдилар. Умар ибн ал-Хаттоб Жаноб Расулulloҳдан бир нарса ҳақида сўрадилар, ул зот жавоб бермадилар, иккинчи марта сўрадилар, яна жавоб бермадилар, учинчи марта сўрадилар, яна жавоб бермадилар. Ҳазрат

Умар бундай дейдилар: «Мен ўзимга ўзим: «Онанг сени йўқотиб қўйгур, эй Умар! Сен сурбетлик бирлан уч марта Жаноб Расулуллоҳдан сўрадинг, у киши жавоб бермадилар»,— деб туямни тезлатиб, саҳобаларнинг олдига ўтдим, менинг ҳақимда оят нозил бўлиб қолмаса эрди, деб қўрқдим. Шу пайт мени бир киши қаттиқ овоз бирлан чақириб қолди. Шунда. «Менинг ҳақимда оят нозил бўлиб қолмаса эрди, деб айтмабми эрдим!»— дедим-да, Жаноб Расулуллоҳнинг ёнларига келиб, у кишига салом бердим. Жаноб Расулуллоҳ менга: «Бу кеча менга бир сура нозил бўлди, у қуёш ёритиб турган мана шу дунёдан менга маҳбуброқдур!»— дедилар Кейин, «Инно фатаҳно лака фатҳан мубийнан!» деб кироат қилдилар».

Мисвар ибн Махрама ва Марвон ибн Ҳакамдан нақл қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбия йили асҳобларидан бир минг қанчаям киши бирлан бирга йўлга чиқдилар. Зулхулайфа деган жойга келганда қурбонликка аталган туялари бўйнига нишон осиб, кейин ўрқачидан қон чиқардилар ва умрага эҳром боғладилар. Олдинга айғоқчи юбориб, ўзлари бошқалар бирлан бирга йўлда давом этдилар. Ғадийр ул-Аштотга етганларида жосус қайтиб келиб: «Қурайш сизга қарши одам тўплаётир, турли қабилалардан кўплаб кишилар йиғилаётир, улар сиз бирлан уришиб, сизни Байтуллоҳга киритмоқчи эрмаслар»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй одамлар. менга йўл кўрсатингизлар! Менинг Байтуллоҳга киришимга тўсқинлик қиладирганларнинг хотину бола-чақаларини қўлга олсам, нима дейсизлар? Агар улар яхшилиқча таслим бўлиб олдимизга келсалар, хўб-хўб, башарти келмай душманчилик қилсалар, унда Оллоҳ таоло аллақачонлар мушриклардан қўз юмган (юз ўгирган) бўлиб, биз уларни хонавайрон қилиб кетгаймиз!» — дедилар. Шунда Абу Бакр Сиддиқ: «Эй Оллоҳнинг расули, мана шу Байтуллоҳни тавоф қилмоқ ниятидагина йўлга чиққансиз, уларнинг бирортасини ўлдириш ёки бирортаси бирлан урушиш учун чикмагансиз, шунинг учун Каъбага қараб юраверингиз, агар бизни Каъбага қўймасалар, унда уришаверамиз!»— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ (маслаҳатга кўниб): «Оллоҳ таоло исмини айтиб, илдам юраверингизлар!» —деб амр қилдилар».

Мисвар ибн Махрама ва Марвон ибн Ҳакамлар «Ҳудайбия умраси» вақтида бўлган воқеалардан яна бирини ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Суҳайл ибн Амр ўртасида маълум муддатли сулҳ тузилганда, Суҳайл «Биз тарафдан бирор киши сиз томонга қочиб ўтса, агар у мусулмон бўлса ҳам, бизга қайтарасиз, биз у қочоқ бирлан ўзимиз гаплашиб оламиз, сиз аралашмайсиз» деган шартни қўйди. Жаноб Расулуллоҳ эътироз билдирганларида, Суҳайл: «Шунга рози бўлсангиз, майли, бўлмаса йўқ!» — деди. Ул зот дарғазаб бўлдилар, шартни юмшатишга кўп уриндилар. Лекин, Суҳайл шартни юмшатишдан бош тортгандан сўнг, Жаноб Расулуллоҳнинг сулҳни имзолашдан бошқа иложлари қолмади. Эндигина имзоланган шартномага биноан Жаноб Расулуллоҳ Абу Жандал ибн Суҳайлни дарҳол отаси Суҳайл ибн Амрга топширдилар. Жаноб Расулуллоҳ ўша шартлашилган муддат давомида мушриклар томонидан ўзлари тарафга ўтиб келган ҳар Қандай эркакни, мусулмон бўлса-да, орқасига қайтариб юбордилар. Кейин, мўмина аёллар ҳижрат қилиб келиб қолишди. Улар бирлан Уқба ибн Абу Муъайтнинг Умму Гулсум исмли қизи ҳам Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келган бўлиб, у бўйи етган, лекин эрга чикмаган қиз эрди. Унинг қариндошлари Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келиб, уни қайтариб беришни талаб қилишди, шу вақтда мўмина аёллар ҳақида Оллоҳ таоло оят нозил қилиб қолди».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижрат қилиб келган мўмина аёлларни улар хусусида нозил бўлган «Эй Муҳаммад, агар қошингизга мўмина аёллар келсалар, сизга байъат қиладилар» деган оятга биноан имтиҳон қилиб кўрур эрдилар».

Нофиъ бундай дейдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар фитна содир бўлган кунлари умрага эҳром боғлаб чиқиб: «Агар Байтуллоҳга киритмасалар, Жаноб Расулуллоҳ қилган ишларини қиламиз!» — деди. Шунинг учун ҳам Абдуллоҳ Жаноб Расулуллоҳ Ҳудайбияда қилганларидек умрага талбия айтиб чиқди».

«Ибн Умар,— дейдилар Нофиъ,— баланд овоз бирлан умрага талбия айтиб чикдида: «Агар мен бирлан Каъба ўртасида (кофирлар) туриб олишса, Ҳудайбияда Қурайш йўлини тўсганда Жаноб Расулulloҳ не қилган бўлсалар, мен ҳам шундай қиламан!» — деди, кейин «Батаҳқиқ, сизлар учун Расулulloҳда яхши ибрат мавжуд» деган ояти каримани ўқиди».

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ва Солим ибн Абдуллоҳ оталари Абдуллоҳ ибн Умарга: «Агар бу йил ҳам ҳаж қилсангиз, кўрқамизки, Байтуллоҳга етолмай қоласиз, чунки мушриклар йўлини тўсиб қўйишлари мумкин»,— дейишди. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар: «Биз Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга умра қилгани чикқан эрдик, Қурайш кофирлари Байтуллоҳнинг йўлини тўсиб қўйди. Жаноб Расулulloҳ дарҳол жонлиқни сўйдилар, сочларини олдирдилар, асхоблари ҳам сочларини қискартиришди. Сизлар гувоҳ бўлингизлар, мен ҳам умрани ният қилдим. Агар йўл очик бўлса, Каъбани тавоф қиламан, башарти тўсиқ бўлса, унда Жаноб Расулulloҳ не қилган бўлсалар, шуни қиламан!» — деди. Кейин, бироз йўл юргач: «Ҳаж бирлан умрани адо этмоқни зиммамга олдим, сизлар гувоҳ бўлингизлар!» — деди. Абдуллоҳ ибн Умар Каъбани бир бор тавоф қилиб, Сафо ва Марвада бир бор саъй қилгач, бирваракайига ҳам ҳаж, ҳам умрадан қутилиб, эҳромдан чикди».

Нофиъ ривоят қиладилар: «Одамлар: «Абдуллоҳ ибн Умар отаси Умардан олдин муслмон бўлган»,— дейишадир, аслида ундай эрмас. Воқеа бундай бўлган эрди: Ҳазрат Умар Ҳудайбия куни Абдуллоҳни «Отимни олиб кел!» деб бир ансорийнинг уйига юбордилар, «Отимни олиб келса, миниб урушга чиқаман» деб эрдилар. Бу вақтда Жаноб Расулulloҳ бир дарахт остида саҳобаларни ўзларига байъат қилдираётган, Ҳазрат Умар эрсалар бундан беҳабар эрдилар. Абдуллоҳ даставвал Жаноб Расулulloҳга байъат қилиб, кейин отни олиб келгани борди. Отни Ҳазрат Умарга олиб келганда, у киши совут кийиб, жангга тайёр бўлиб турган эрдилар. Абдуллоҳ отасига байъат ҳақида хабар бергандан кейин, Ҳазрат Умар ҳам ўғиллари бирлан бирга бориб, Жаноб Расулulloҳга байъат қилиб келдилар. Одамларнинг «Умарнинг ўғли отасидан аввал исломга кирган» дейишининг сабаби шудир».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Ҳудайбия куни одамлар Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга дарахтларнинг соясида дам олишаётган эрди. Бирдан, ҳаммалари ул зотни куршаб олишди. Шунда Ҳазрат Умар: «Эй Абдуллоҳ, қарачи, не бўлди эркан, одамлар Жаноб Расулulloҳни куршаб олишибди?» — дедилар. Абдуллоҳ бориб қараса, одамлар Жаноб Расулulloҳга байъат қилаётирлар, шунда у ҳам байъат қилиб, кейин Ҳазрат Умарга келиб бу ҳақда айтди, Ҳазрат Умар ҳам бориб, байъат қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо: «Биз Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга умрада эрдик. Шунда Каъбани тавоф қилдилар, биз ҳам тавоф қилдик, намоз ўқидилар, биз ҳам бирга намоз ўқидик, Сафо бирлан Марва ўртасида саъй қилдилар, биз эрсак Жаноб Расулulloҳни зарар етказмасин, деб Макка аҳлидан тўсиб юрдик»,— дейдилар.

Абу Воил ривоят қиладилар: «Саҳл ибн Ҳунайф Сиффин воқеасидан қайтиб келганда биз ундан хабар олгани бордик. Шунда у: «(Дийнингиз хусусида) нотўғри фикр юритмангиз! Мен Абу Жандал куни шундай аҳволга тушган эрдимки, ҳатто қўлимдан келса, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига ҳам итоат қилмаган бўлур эрдим. Биз (ўшанда) қиличларимизни, бизни қуюшқондан чиқарсин, деб эрмас, балки бу фитнанинг олдини олиб, бизни ўзимиз билган осонроқ ишга (яъни, келишувга) эриштирсин, деган мақсаддагина бўйнимизга осиб чикқан эрдик. (Афсуски), бир фитнани тугатдик дегунимизча, иккинчи фитна содир бўларди, ҳатто биз не қилмоғимизни билолмай қолдик»,— деди».

Каъб ибн Ужра бундай дейдилар: «Ҳудайбия куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тепамга келдилар, шунда бошимдаги битлар юзимга ўрмалаб тушаётган эрди. Бошингдаги жониворлар сени қийнаётирми?» — деб сўрадилар. «Ҳа»,— деганимдан кейин: «Ундай эрса сочингни олдиргин-да, уч кун рўза тутгин ёки олти мискинни тўйдиргин ёхуд бир қўйни қурбонлик қилгин!»— деб буюрдилар». Айюб: «Каъб булардан

кайси бирини адо этди, билмайман»,— дейдилар.

Каъб ибн Усра бундай дейдилар: «Биз Ҳудайбияда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик, мушриклар йўлимизни тўсиб қўйган эрди. Менинг сочим узун бўлиб, битлар юзимга ўрмалаб тушаётган эрди. Шу аснода Жаноб Расулуллоҳ ёнимдан ўтиб кетаётди: «Бошингдаги жониворлар сени қийнаётирми?» — дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. «(Бу хусусда қуйидаги) ояти карима нозил бўлган»,— дедилар: «Бирортангиз касал бўлиб, (ҳажга боролмасангиз) ёки бошингизда сизга озор етказадирган нарсалар бўлса, фидя (жарима) тариқасида рўза тутингиз ёки садақа берингиз ёхуд қурбонлик қилингиз!».

38- боб. Укл ва Урайна қиссаси

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Укл ва Урайна қабиласидан бир неча кишилар Мадинага, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, калима келтириб мусулмон бўлишгач: «Эй Оллоҳнинг расули, биз чорва аҳлимиз, деҳқон эмасмиз!» — дейишди. Улар Мадина ҳавоси ёқмай, хастланиб қолишди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга чўпонлар олдига бориб, туя сути ва сийдигидан ичиб даволанишни буюрдилар. Улар Мадинадан чиқиб, Ҳарра томонга бордилар, у ерда сихат топиб, семириб кетдилар. Кейин, исломдан қайтиб, кофир бўлдилар, Жаноб Расулуллоҳнинг чўпонларини ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетдилар. Буларнинг қилмиши Жаноб Расулуллоҳга маълум бўлгач, уларнинг кетидан одам жўнатдилар. Хиёнатчилар тутиб келтирилди, кейин уларнинг кўзларини ўйиб, қўлу оёқларини кесиб, чўлнинг бир четига ташлаб қўйдилар, шу ҳолда ўлиб кетишди». Қатода разияллоҳу анҳу: «Бизга етиб келган хабарга кўра, Жаноб Расулуллоҳ шу воқеадан кейин, садақа қилмоққа чорлаб, қўл-оёқни кесиш, кўзни ўйишдан қайтарибдилар»,— дейдилар.

Абу Қилобанинг хизматкорлари Абу Раҷодан нақл қилинадикки, у киши Абу Қилоба бирлан бирга Шомда бўлганида, Халифа Умар ибн Абдулазиз бир куни одамлардан: «Қасомат тўғрисида нима дейсизлар?» —деб маслаҳат сўрабди. (Қасомат — қасам ичириш, яъни ўлдирилган кишининг яқинлари ўч олиш ўрнига хун талаб қилса, «Хун тўласангизлар, кифоя, ўч олмаймиз» деб уларга қасам ичирилади). Шунда уламолар бир овоздан: «Жаноб Расулуллоҳ ҳам, сиздан илгариги Ҳулафои Рошидинлар ҳам шундай деб ҳукм қилганлар»,— дейишди. Абу Қилоба халифанинг тахти орқасида турган эрди, Анбаса ибн Саъид унга: «Урайналиклар ҳақида Анас ривоят қилган ҳадиснинг аслини кимдан эшитгансизлар?»—деди. Шунда Абу Қилоба: «Менга уни Анас ибн Молик ривоят қилиб берган»,— деди. Кейин, Абдулазиз ибн Суҳайб Анасдан нақл қилиб Урайна ҳақида, Абу Қилоба эрса Анасдан нақл қилиб Укл ҳақида муфассал ҳикоя қилиб берди».

39- боб. Зоту Қарад (Қурад) ғазоти

Бу ғазотда Жаноб Расулуллоҳнинг туяларини ҳайдаб кетишган эрди.

Салама ибн ал-Акваъ бундай дейдилар: «Мен бомдод намозига азон айтилишидан олдин ташқарига чиқдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туялари Зоту Қарадда ўтлаб юрарди. Менга Абдуррахмон ибн Авфнинг хизматкори йўлиқиб: «Жаноб Расулуллоҳнинг туялари тортиб олинди»,— деди. Мен: «Ким тортиб олди?»—деб сўрадим. "Ғатафон қабиласи кишилари»,— деди. Мен ўғирлик содир бўлганини билдириб уч бор қаттиқ бақирдим, шунда Мадинанинг икки дашти оралиғидагиларнинг барчаси овозимни эшитибди. Мен тезда чопиб бориб, подани сувдан олиб ўтаётганларида уларга етиб олдим. Мерган эрдим, уларга найза отаётди: «Мен Акваънинг ўғлиман, бугун ярамасларнинг ҳалок бўладирган кунидир!» — дедим. Сўнг, қароқчиларни ўлдириб, туяларни кутқариб олдим ҳамда жасадларидан ўтгизта чопонни ечиб ҳам олдим. Жаноб Расулуллоҳ одамлар бирлан етиб келдилар, мен ул зотга: «Эй Оллоҳнинг расули! Булар қаттиқ чанқаган эркан, сув ичгани қўймадим, уларни ҳозир олиб бораман»,— дедим.

Жаноб Расулulloх: «Эй Акваънинг ўғли! Сен уларни эгалладинг, энди уларнинг мушкилини енгиллаштиргин!» — дедилар. (Бу сўзлар душманнинг ҳалок бўлганига бир ишора бўлиб, Жаноб Расулulloх Салама ибн ал-Акваъга ўзларининг қувончларини изҳор қиляптилар, ёлғиз ўзи туяларни қутқаргани учун «эгасисан» деб ташаккур айтяптилар).

Салама ибн ал-Акваъ: «Кейин, Жаноб Расулulloх мени ўз туяларига мингаштириб олдилар, изимизга қайтиб Мадинага кириб келдик», — дейдилар.

40- боб. Хайбар ғазоти

Сувайд ибн Нуъмон бундай дейдилар: «Биз Хайбар яқинидаги Саҳбо деган жойга етганимизда Жаноб Расулulloх аср ўкидилар, кейин таом келтиришни буюриб эрдилар, фақат талқон келтиришди, уни сув бирлан ҳўллаб едилар биз ҳам едик. Кейин, ўринларидан туриб шом ўқимоқ учун оғиз чайқадилар биз ҳам оғиз чайқадик, сўнг таҳорат олмай шом ўқимоққа тутиндилар»

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар «Биз Пайғамбар алайҳиссалом бирлан бирга Хайбарга чикдик, кечаси йўл юрдик Қавм ичидан бир киши Омирга «Эй Омир, ғазалларингдан бизга айтиб бермайсанми!»—деди Омир шоир бўлиб одамларга бундай деб шеър ўқий бошлади «Гар ўзинг ҳидоят қилмасанг раббим, Саховат ибодатни билмасди қалбим Кечиргил, дилга сол хотиржамликни, Тирик бормиз, сенга жон фидо доим. Нидо қилсалар, биз ҳамиша тайёр, Мотонат ато эт бизга эй тангрим Кофирлар майдонда паноҳ кидирур, Бизга паноҳ берур Оллоҳу карим!»

Жаноб Расулulloх: «Бу ғазални айтган ким?» — дедилар. Омир ибн ал-Акваъ, деб жавоб беришди. Жаноб Расулulloх «Оллоҳ таоло Омирни раҳмат қилсин!» — деб дуо қилдилар. Шунда бир киши: Ё Расулаллох, дуоингиз шарофати бирлан Омирга (жаннат) вожиб бўлди, кошки эрди бизга ҳам шуни тиласантиз¹»—деди Сўнг, биз Хайбарга келиб, уни қамал қилдик. Бизни очлик қаттиқ қийнарди. Хайриятки, Оллоҳ таоло иноят қилиб Хайбар фатҳ қилинди. Шу кун кечқурун жуда кўп олов ёқилди. Жаноб Расулulloх «Анави оловлар нечун екилди?» деб сўрадилар Одамлар «Гўшт пиширмоқ учун ёқилди, дейишди. Жаноб Расулulloх «Қандаи гўштни⁷» - деб сўраган эрдилар, «Хонаки эшак гўштини», — деб жавоб беришди. Жаиоб Расулulloх «Қозонларни ағдариб, синдириб ташлангиз» — дедилар Бир одам «Қозонларни ағдариб, сўнг ювсак булмайдими?» — деб сўради. Жаноб Расулulloх «Ёки шундай қилингизлар» — деб қозонларни ювиб пок қилишга ижозат бердилар.

Қавм сафланганда Омир бир яҳудиининг болдирини мўлжаллаб қилич солди, лекин қиличи калталигидан тиғи ўзининг тизза кузига тегиб, шу бирлан улди. Жаноб Расулulloх (жангдан сўнг) мени кўриб қўлимдан тутган ҳолда «Сенга не бўлди⁷»—дедилар. Мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, одамлар «Омирнинг бутун амали ҳабата бўлди»,— дейишяпти, — дедим. Жаноб Расулulloх «Кимки шундай деган эрса бекор айтибди! Омирга бу ўлимда икки ажр бор, (Расулulloх икки бармоқларини жамъ қилиб кўрсатдилар) у ҳақиқий мужоҳидларча жиҳод қилди, бундай хислатли одам араблар орасида камдир»- дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилидилар «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбарга кечаси келдилар. Ул зотнинг одати шарифлари шундай эрдик, бирор қавмнинг устига кечаси бостириб келсалар, ғорат қилмай, тонг отгунча кутардилар. Бу сафар ҳам шундай қилдилар. Тонг отганда яҳудийлар замбилу кетмонларини кўтариб экинзорларига чикди, бирдан Жаноб Расулulloхни кўриб қолиб «Худо ҳаққи ана Муҳаммад, ана Муҳаммад, ана лашкар!»—деб бақира бошлади. Жаноб Расулulloх «Хайбар хароб бўлди, биз бирор қавмнинг ерига келиб тушсак, қўрққанидан бир-бирини огоҳлантирувчиларнинг тонги омадсиз бўлур!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Биз Хайбарда тонгни қаршиладик Хайбар аҳли экинзорларига чиқиб, Пайғамбар алайҳиссаломни кўришлари биланок «Ана Муҳаммад, ана Муҳаммад, ана лашкар!» — дея саросимага тушишди.

Жаноб Расулуллоҳ «Оллоҳу акбар! Хайбар хароб булди, биз бирор қавмнинг ерига келиб тушсак дахшатга тушиб бир-бирини огоҳлантирувчиларнинг тонгги омадсиз бўлур» — дедилар. Кейин биз эшак гўштини пишираётган эрдик, ул зотнинг жарчилари «Оллоҳ таоло ва унинг расули эшак гўштини ҳаром қилгандир, чунки у ифлосдур!» — деди.

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Бир киши келиб «Мен эшак гўшти едим», — деди Жаноб Расулуллоҳ индамдилар. Иккинчи бир одам келиб у ҳам «Мен эшак гўшти едим», — деди, Жаноб Расулуллоҳ унга ҳам иидамадилар. Учинчи одам келиб «Мен эшак гўштини ташлаб юбор-дим», — деди Шундан кейин, Жаноб Расулуллоҳ жарчига буюрдилар ва одамларга «Оллоҳ таоло ва унинг расули сизларни эшак гушти ейишдан қайтаради!» — деб эълон қилди. Эшак гўшти тўла қозонлар ағдариб ташланди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом субҳ намозини ғираширада Хайбарга яқин жойда ўқидилар, кейин «Оллоҳу акбар! Хайбар хароб бўлди, биз бирор қавмнинг ерига келиб тушсак, дахшатдан бир-бирини огоҳлантирувчиларнинг тонгги қайғули булади» — дедилар. Тонг отгач, бундан беҳабар яҳудиилар кўчаларда юра бошладилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг урушга яроқлисини ўлдирдилар, бола-чақа ва хотинларини асир қилдилар Асирлар орасида Сафийя ҳам бор бўлиб, уни Дихя ал-Калбийи ўзига чўри қилиб олди. Кейин уни Жаноб Расулуллоҳга ҳадя қилди. Ул зот уни озод қилдилар, бу унга маҳр бўлди, кейин унга уйландилар. Абдулазиз ибн Сухайб Собитга «Эй Абу Муҳаммад, сен Анасдан «Пайғамбаримиз унга қандай маҳр берганлар» деб сўраганмидинг?» — деди, у шунда бош ирғаб тасдиқлади».

Абдулазиз ибн Сухайб бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Сафийяни асир олиб, кейин уни озод қилгач, никоҳларига олдилар. Собит Анасдан «Жаноб Расулуллоҳ Сафийяга қандай маҳр берганлар?» — деб сўраганда, у киши «Жаноб Расулуллоҳ унга озодликни маҳр қилиб берган-лар», — деб жавоб берди».

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мушриклар бирлан тўқнашдилар, ўртада қаттиқ жанг бўлди. Жаноб Расулуллоҳ ўз аскарларини ортга қайтарганларида душман ҳам ўз қароргоҳига қайтди. Жаноб Расулуллоҳнинг аскарлари ичида бир одам бор эрди, у душманга омонлик бермай, қайси жойда кўпчиликдан ажраб қолган душман бўлса, ўшани қийратаверди. Кейин, ўша одамни мактаб «Бугун жангда фалончидан кўра кўпроқ жонбозлик кўрсатган киши булмади!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ «Аmmo, бу одамнинг ўзи дўзах аҳлидандур¹» — дедилар. Қавмдан бир киши «Мен шу одамга ҳамроҳ бўлайин-чи, нима ёмонлик қилар эркан⁷» — деб у бирлан бирга жангга кирди, тўхтаса, тўхтади, тез юрса, тез юрди. Бир пайт ўша макталган одам ярадор бўлди, кейин оғриққа чидамай, ўлимини тезлаштириш учун қиличининг дастасини ерга қўйиб, тиғини кўксига тиради-да, оғирлигини гашлаб, ўзини ўзи ҳалок қилди. Орқасидан борган бояги киши Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келиб «Мен гувоҳлик берурманки, дарҳақиқат сиз Оллоҳнинг расулисиз!» — деди. «Нима бўлди?» — деб сўрадилар Жаноб Расулуллоҳ «Сиз ҳозиргина бир кишини аҳли дўзах деган эрдингиз. Бу гап кўпчиликка малол келган эрди. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг башоратлари ҳикматини билиб олайин, деб у бирлан бирга жангга кирган эрдим. У ярадор бўлгач, ўлимини тезлатиш учун қиличини ерга қўйиб, тиғини кўксига тиради-да, ўзини ўзи ўлдирди» — дедим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ «Дарҳақиқат, баъзи киши бошқаларнинг кўз олдида аҳли жаннатларнинг амалини бажаради, аммо ўзи аҳли дўзах бўлади ва баъзи киши одамларнинг кўз олдида аҳли дўзахларнинг амалини бажаради, аммо ўзи аҳли жаннат бўлади», — дедилар».

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Биз Хайбар ғазотида ишгирок қилдик. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари бирлан бирга юрган кишилардан бири ҳақида «Бу одам дўзахийдур!» — дедилар. Лекин, ўша одам шундай қаттиқ жанг қилдики, аъзои бадани жароҳатга тўлиб кетди. Одамлар буни куриб Жаноб Расулуллоҳнинг бояги сўзларига шубҳа билдиришларига оз қолди. Ҳалиги одам эрса кўп ўтмай жароҳатлари оғриғига чидаёлмай, ўқдонидан бир ўқ олиб, ўзини ўзи отиб ўлдирди. Бундан қаттиқ таъсирланган одамлар «Ё Расулаллоҳ! Оллоҳ таоло сўзингизни ҳақиқатга

чиқарди, фалончи ўзини ўзи ўлдир-ди»,— дейишди Жаноб Расулуллоҳ «Эй Билол, ўрнингдан тургил, жаннатга фақат мўмин кишигина киради, деб эълон қилгил! Оллоҳ таоло осий бандасини ибрат қилиб ҳам динга мадад бергай!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган. *Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анху ривоят қиладилар* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбарга ғазотга борганларида одамлар бир водийга келиб тушдилар-да, овозларини баланд кўтариб «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар, ло илоҳа иллаллоҳу вал-лоҳу акбар!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ уларга «Овозларингизни пасайтирингизлар, сизлар бу ерда йўқ зотга ёки гарангга такбир айтаётганингиз йўқ, сизлар эшитувчи, яқин, доим ўзларингиз бирлан бирга бўлган зотга даъват қияпсизлар!»—дедилар. Ўшанда мен Жаноб Расулуллоҳнинг туяларига мингашиб олган эрдим, менинг «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳил-алийийил-азим!» деганимни эшитиб: «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс!» — дедилар, мен «Лаббайка ё Расулаллоҳ»—дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Мен сенга жаннат хазиналаридан бўлмиш бир калимани ўргатайми?» — дедилар. Мен «Ё Ра-сулаллоҳ, сизга ота-онам фидо бўлсин, албатта ўргатинг!» — дедим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳил-алийийил-азим» дур»,— дедилар».

Язид ибн Абу Убайд бундай дейдилар «Мен Салама ибн ал-Акваънинг болдирида жароҳат ўрнини кўриб: «Эй Або Муслим, бу жароҳат ўрни қаердан келган?» — деб сўраган эрдим, у «Бу жароҳатни Хайбар жанггида орттирганман, ўшанда одамлар «Салама яраланибди»,— деб гапиришган эрди. Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига боргандим, жароҳатимга уч марта дам уриб қўйган эрдилар, ханузгача оёғим оғримайди»,— деди».

Бу ердаги ҳадис ҳам юқоридаги ҳадисларни такрорлайди *Ибн Имрон ривоят қиладилар*: «Анас ибн Молик разияллоҳу анху жумъа куни кўпчилик одамларнинг тайласон (яхудий миллатига хос бўлган кийим) кийиб олганини кўриб (норози оҳангда) «Ҳозир булар Хайбар яхудийларига ўхшаб қолибди!»—деди»

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али разияллоҳу анху Хайбар сафаридан Жаноб Расулуллоҳдан орқада қолган эрдилар, кўзлари оғрир эрди. Ўз-ўзларига «Мен Жаноб Расулуллоҳдан орқада қолаётиман»,— дедилар-да, тезроқ юриб Расулуллоҳга етиб олдилар Хайбар фатҳ қилинган кундан аввалги кечада дам олаётган вақтимизда Жаноб Расулуллоҳ «Эртага байроқни Оллоҳ таоло ва унинг расули яхши кўрадирган киши олади, Хайбар ўша одамнинг бошчилшида фатҳ қилинади»,— дедилар. Шунда ҳар биримиз «Ўша одам мен бўлсам эрди!» — деб умид қилдик. Лекин у Ҳазрат Али эрканлар, Хайбар эртасига у киши бошчилигида фатҳ қилинди»

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни «Мен эртага мана шу байроқни шундай бир одамга бераманки, Оллоҳ таоло унинг кўли бирлан Хайбарни фатҳ қилади, ўша одам Оллоҳни ва унинг расулини яхши кўради Оллоҳ ва унинг расули ҳам уни яхши кўради» - дедилар. Одамлар «Байроқ кимга берилар эркан?» деб тун бўйи ўйлаб чиқишди. Тонг отганда ҳаммалари Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб, «Шояд, байроқ менга берилса!» деб умид қилишди. Лекин, Жаноб Расулуллоҳ «Али ибн Абу Толиб қаерда?»—деб сўрадилар. Одамлар « Ё Расулаллоҳ, кўзлари оғрияпти»,— дейишди Жаноб Расулуллоҳ «Одам юбориб, чақирингиз-лар!» — дедилар. Ҳазрат Али келганларидан кейин, Жаноб Расулуллоҳ у кишининг кўзларига тупуриб, ҳақларига дуо қилдилар, Али кўз оғршидан мутлақо халос бўлдилар. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ Ҳазрати Алига байроқни бердилар. Ҳазрат Али «Ё Расулаллоҳ, мен яхудииларга қарши биздек мусулмон бўлгунларича урушавераман!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Борингиз, Хайбарнинг бир чеккасига тушиб, аввал уларни исломга даъват қилингиз, сўнг Оллоҳ таоло неларни буюрганини уларга тушунтирингиз!. Сиз сабабли Оллоҳ таоло бир одамга ҳидоят қилса, сизга бу «Хумрун-ниъам»дан яхшироқдур!»— дедилар». («Хумрун-ниъам»— энг чироили гуялардан иборат бўлган пода. Бундай подага эга бўлмоқлик араблар учун фахр ҳисобланган).

Анас ибн Молик разияллоҳу анху бундай дейдилар: «Биз Хайбарга келдик. Оллоҳ

таоло инояти бирлан Хайбар қалъаси забт этилганидан кеин, Жаноб Расулulloҳга асира Сафийянинг гўзаллиги ҳақида гапиришди. У ёш келинчак бўлиб, эри жанг пайтида ҳалок бўлган эрди. Жаноб Расулulloҳ уни ўзларига танлаб олдилар. Сўнг, уни олиб Саҳбо кўрғонига борганларида иддадан чиқди. Жаноб Расулulloҳ уни никоҳларига олиб, кичик бир дастурхон ёздилар, унга хурмо ёғи аралаштирилган таом қўйдилар-да, менга «Атрофингдагиларни чақир!»—дедилар. Мана шу дастурхон Сафийяга уйланганлари учун тўй зиёфати бўлди». *Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:* «Пайғамбар алайҳиссалом Хайбар йулида Сафийя бирлан уч кун бирга бўлиб, унга қўшилдилар. Сафийя ҳам ҳижоб кийиш буюрилган аёллардан эрдилар. (Ҳижоб кийиш, яъни барча аъзоларии беркитадиган кенг либос кийиш фақат хур аёлларга буюрилади. Сафийя ҳам чўри эрмас, балки оналаримиздан ҳисобланади)».

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳ Хайбар бирлан Мадина ўртасида Сафийяга қўшилиб, уч кеча бирга бўлдилар Мен мусулмонларни тўй зиёфатига таклиф этдим. Жаноб Расулulloҳ Билолга дастурхон ёзишни буюрдилар, унга хурмо, пишлоқ ва ёғ қўйдилар, аммо нон ва гўшт йўқ эрди. Мусулмонлар «Сафийя Расулulloҳга чўри бўлдимикин ёки мўминларнинг оналаридан бири бўлдимикин? Агар Жаноб Расулulloҳ унга ҳижоб кийдирсалар, у оналаримиздан бири, агар ҳижоб кийдирмасалар, чўрилари бўлади»,— деб ўзаро сўзлашишди. Жўнаётган пайтимизда туяларининг устига жой тайёрлаб атрофига ҳижоб тортдилар».

Абдуллоҳ ибн Музаффал разияллоҳу анҳу бундай дейди. «Биз Хайбарни қамал қилиб турган эрдик, бир одам ёғ тўла бир мешни ерга ташлади. Мен уни олиш учун югуриб борган эрдим, қарасам олдимда Жаноб Расулulloҳ турибдилар, мен у кишидан уялиб кетдим».

Ибн Имрон ривоят қиладилар «Пайғамбар алайҳиссалом Хайбар куни саримсоқ пиёз ва эшак гўшти ейишдан қайтардилар». Саримсоқ ейишдан қайтарганларини Нофийъ, эшак гўшти ейишдан қашарганларини эрса Солим ҳам ривоят қилганлар

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу бундай дейдилар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни аёлларни мутъа қилишдан ва эшак гўшти ейишдан қайтарди-лар» (Мутъа — бирор аёлни маълум муддатга ва келишилган маблағ эвазига ўз никоҳига олиш. Кейинчалик, бунинг макруҳлигига фатво берилган бўлиб, фақат шийъа мазҳабида мавжуд).

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни эшак гўшти ейишни манъ қилдилар»

Бу ерда юқоридаги ҳадис тақрорланан.

Жобир ибн Абдуллоҳ бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни эшак гўшти ейишдан қайтардилар, аммо от гўшти ейишга ижозат бердилар».

Ибн Абу Авфо бундай дейдилар «Хайбар куни очарчилик бўлди. Бир неча қозонларда эшак гўшти қайнатилиб, пишай деб қолганда Жаноб Расулulloҳнинг жарчилари «Эшак гўшtidан бир тишлам ҳам емангизлар, қозонларни ағдариб тўкиб ташлангизлар! —деб овоза қилди. Шунда биз ўзимизча « Эшак гўштининг ҳаром қилиниши унинг ўлжа сифатида тақсимланмаслигида ёхуд унинг тезак ейишида бўлса керак» — деб тахмин қилдик».

Барро ва Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадислар ҳам эшак гўшти Хайбарда ҳаром қилинганлигидан далолат беради.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳ эшак нақлиёт воситаси бўлгани учун гўштини ҳаром қилдиларми ёки ҳақиқатан ҳам гўшти ҳаром бўлгани учун ҳаром қилдиларми, буни билолмадим».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ Хайбар куни отликка икки ҳисса, пиёдага бир ҳисса ўлжа тақсим қилдилар».

Жубайр ибн Мутъим ривоят қиладилар: «Мен ва Усмон ибн Аффон Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига бориб, у кишига: «Сиз Хайбар ўлжасидан Бану Мутталиб қабиласи кишиларига бердингиз, бизни эрса унутдингиз, ваҳоланки биз сизга яқинликда

улар бирлан тенг даражада-миз»,— дедик. Жаноб Расулulloх бизга: «Ҳа, албатта, Бану Ҳошим бирлан Бану Мутталиб бир нарса»,— дедилар». Жубайр: «Жаноб Расулulloх Бану Абди Шамс ва Бану Навфал қабилаларига ҳам ҳеч нарса тақсим қилмадилар»,— дейдилар. (Ғазотларда тушган ўлжанинг бешдан бир қисми Байтулмолга қолдирилиб, қолгани лашкар ўртасида тақсимланган. Байтулмол (ўша давр давлат хазинаси)га қолдирилган қисмидан муҳтожларга нафақа берилган. Жаноб Расулulloх ўшанда ҳам фақат муҳтожларга берган эрдилар).

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Биз Яманда эрканлигимизда Пайғамбар алайҳиссаломнинг йўлга чиққанлари ҳақида хабар етди. Биз ватанимизни тарк қилиб Жаноб Расулulloх томон жўнадик. Мен, биродарларим Абу Бурда ва Абу Раҳм қавмимиздан эллик икки ёки эллик уч киши бирлан бирга кемага миндик. Кемамиз бизларни Нажоший подшоҳлик қилаётган Ҳабашистонга элтди. У ерда биз Жаъфар ибн Абу Толиб бирлан учрашиб қолдик, у бирлан бирга истиқомат қилиб, кейин биргаликда қайтдик. Хайбар фатҳ қилинган куни биз Пайғамбар алайҳиссалом бирлан учрашдик. Баъзи одамлар: «Биз сизлардан олдин ҳижрат қилганмиз!» — деб бизни, яъни кема аҳлини камситар эрди. Ўшанда биз бирлан бирга Ямандан Асмо бинти Умайс исмли аёл ҳам келган бўлиб, у Ҳабашистонга ҳижрат қилган эрди. У Жаноб Расулulloх-нинг хотинлари Ҳафса разияллоҳу анҳонинг зиёратларига кирганда, Ҳазрат Умар ҳам кирдилар, Асмони кўриб: «Ким бу аёл?» — деб сўрадилар. Ҳафса: «Бу аёл Асмо бинти Умайс» — деб жавоб бердилар. Умар разияллоҳу анҳу: «Бу ҳабашистонлик аёлми, бу денгиз орқали келган аёлми?» — дедилар. Асмо ўзи: «Ҳа»,— деб жавоб берди. Умар разияллоҳу анҳу. Биз сизлардан олдин ҳижрат қилганмиз, биз Жаноб Расулulloхга сизлардан кўра ҳақлироқмиз!»— дедилар. Асмо аччиғланиб. «Йўқ, Оллоҳ ҳақи! Сизлар Жаноб Расулulloх бирлан бирга эрдингизлар, очларингизни туйғазардилар, жоҳилларингизга панду насиҳат қилардилар, биз эрсак диндан узоқ бўлган бир ерда — Ҳабашистонда эрдик. Бизнинг ислом йўлига кирганимиз Оллоҳ таоло ва унинг расули учундур. Оллоҳ таоло ҳақи, токи сен айтган гапни Жаноб Расулulloхга айтмагунимча, еб-ичмагайман! Биз доим шундай гаплардан озор чекиб, хавфда юрар эрдик, энди буни Жаноб Расулulloхга айтаман. Оллоҳ таоло ҳақи. ёлғон кўшмайман, қисқартмайман, бор гапни қандай бўлса, шундайлигича етказаман!—деди-да, Расулulloхнинг хузурларига келиб, ё Расулаллох, Умар менга бундай деди, деб шикоят қилди. «Сен нима дединг!»— дедилар Жаноб Расулulloх. Асмо ўзининг нима деганини айтиб берди. Жаноб Расулulloх: «Умар сендан ва шерикларингдан кўра менга ҳақлироқ эрмас, чунки Умар ва унинг шериклари бир ҳижрат соҳибидурлар, сизлар, яъни кема асҳоблари эрсангиз икки ҳижрат соҳибидурсизлар, яъни Ямандан Ҳабашистонгача ва ундан Мадинагача»,- - дедилар. «Абу Мусо ва бошқа кема асҳоблари тўп-тўп бўлиб олдимга келишиб мазкур ҳадисни мендан сўрашарди, кейин Жаноб Расулulloхнинг улар ҳақида айтган сўзларидан шундай қувонишардики, дунёда улар учун Жаноб Пайғамбаримизнинг ана шу гапларидан улуғроқ ва қувонарлироқ ҳеч нарса йўқ эрди!» — дейдилар Асмо. Абу Бурда: «Асмонинг гапига қараганда Абу Мусо бу ҳадисни қайта-қайта айтқизар эркан», — дейдилар. Абу Мусонинг гапига қараганда Пайғамбар алайҳиссалом бундай деган эрканлар. «Мен ашъарийлар жамоасининг овозини кечаси масжидга кириб қилган қироатларидан таниймай. Уларнинг яшайдирган жойларини кундузи кўрмаган бўлсам ҳам. кечаси Куръон ўқиган овозларидан манзилларини билиб оламан. Уларнинг ичида Ҳаким исмли бир киши бўлиб, у душманга йўлиққанда: «-Дўстларим уларни кутиб турмоғингизни сизларга амр қиладилар!» — дейди». (Бу бирлан Ҳакимнинг ниҳоятда журъатли эканига, ҳатто у йўлда кетаётган душманни тўхтатиб, шериклари келгунча якка ўзи жанг бошлайверишига ишора қилинади).

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Биз Хайбар фатҳ, этилгандан сўнг Жаноб Расулulloхнинг зиератларига келдик. Ўлжалардан бизга ҳам тақсим қилдилар. Ғазотда қатнашмаган кишиларга ўлжадан насиба бермадилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Хайбарни забт этдик. Олтин, қумуш

ўлжа олмадик. мол, туя, матоъ ва хурмозорларни ўлжа қилдик. Кейин. Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Водийул-Қурога келдик. Бану Забоб қабиласидан бир киши ул зотга бир кул ҳадя қилган бўлиб, исми Мидъам эрди Мидъам Жаноб Расулуллоҳнинг туяларини етаклаб кетаётган вақтда дайди ўқ тегиб йиқилди. Ҳамма баробарига «Шаҳидлик муборак бўлсин!» деб табрик айтишди. Шу пайт Жаноб Расулуллоҳ келиб «Йук, асло, Оллоҳ таоло ҳақи, бу кулнинг устидаги либос Хайбарда ўлжа олинган либослардан бўлиб, биз унга тақсим вақтида берган эрмасмиз, у буни ўғирлаб олган. Ана шу либос уни дўзахда куйдиргай!» — дедилар. Шунда бир киши ковуш кўтариб келиб «Мана буни топиб олган эрдим, лекин кўрсатмагандим»,— деди Жаноб Расулуллоҳ «Ундай булса бу ковуш ҳам сени дўзахда куйдиргай» - - дедилар».

Зайд ибн Аслам бундай дейдилар «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу айтар эрдиларки, «Агар келажакда одамларнинг ҳеч нарсага, фақир бўлиб қолишини ўйламаганимда, қайси қишлоқни фатҳ этсам унинг ерларини мужоҳидларга тақсимлаб берган бўлур эрдим, худди Жаноб Расулуллоҳ Хайбарни бўлиб берганларидек. Лекин, мен фатҳ этилган ерларни вақф қилиб қолдириятман ҳосилидан тенг фоидалансинлар деб»

Бу ердаги ҳадис такроран келтирилган.

Анбаса ибн Саъид бундай дейдилар «Абу Хурайра разияллоҳу анҳу Пайғамбар алайҳиссаломнинг хузурларига келиб, Хайбар ўлжасидан насиба бермоқларини сўрадилар. Шу ерда ҳозир бўлган Бану Саъид ибн ал-Ос қабиласи кишиларидан бири: «Ё Расулаллоҳ, Абу Хурайрага ҳеч нарса бермангиз!» — деди. Шунда Абу Хурайра «Бу одам Ибн Қав-қалнинг қотилидур»,— дедилар. Бояги одам: «Во ажабо, бизга тоғдан вабр (мушукка ўхшаш хайвон) тутиб келибди-да» — деди» (Абу Хурайранинг қавмлари тоғлик ерда яшаган).

Саъид ибн ал-Ос бундай деб хабар берган эрканлар. «Жаноб Расулуллоҳ Абон ибн Саъидни бир гуруҳга бош қилиб Мадинадан Нажд тарафга юбордилар. Хайбар фатҳ қилингандан кейин, Абон қайтаётиб Жаноб Расулуллоҳ бирлан учрашди. Уларнинг отларининг айили хурмо новдасидан қилинган эрди (от айилининг хурмо новдасидан қилинганлиги уларнит камбағалликларини англатади) Абу Хурайра Жаноб Расулуллоҳга «Ё Расулаллоҳ, Абонга ўлжадан улуш бермангиз» - дедилар. Абон (ғаблабаниб) «Шу гапни сен айтгансанми ' Эй тоғдан тушиб келган вабр!»— деди Жаноб Расулуллоҳ «Эй Абон, ўлтир!» — деб уни тинчлантирдилар, лекин уларга ўлжадан насиба бермадилар». *Саъид ибн Амр ривоят қиладилар:* «Абон ибн Саъид Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келиб у кишига салом берди. Уни кўриб Абу Хурайра: «Ё Расулаллоҳ, бу одам Ибн Қавқалнинг қотили-ку!»—дедилар. Абон Абу Хурайрага (аччиқланиб): «Во ажабо! Манави тоғдан тушиб келган вабрга қарангизлар! Оллоҳ таоло менинг қўлим бирлан (шаҳид қилиб), иззат-икромга сазовор этган киши хусусида менга айб қуяётир, ваҳоланки парвардигор (ўшанда) менинг унинг қули бирлан камситилмоғимга йўл бермаган эрди!»

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима Абу Бакр Сиддиққа одам юбориб, Мадина, Фадак ва Хайбарда тушган ўлжалардан, Оллоҳ таоло ўз расулига насиба қилиб берган маблағлардан ул зотдан қолган мерос сифатида берилишини талаб қилди. Шунда Абу Бакр «Пайғамбар алайҳиссалом «Биз пайғамбарлар ҳеч кимга мерос қолдирмағаймиз, биздан кейин нима қолса, у садақадур», — деган эрдилар, аммо Муҳаммад хонадони мана шу садақадан еяверади. Оллоҳ таоло ҳақи, Жаноб Расулуллоҳнинг садақалари ул зотнинг ҳаётликларида қандай тасарруф қилинган бўлса, мен ҳам худди ўшандай тасарруф қилгайман!» дедилар-да, Фотимага Жаноб Расулуллоҳдан қолган нарсалардан ҳеч нима бермадилар. Фотима Абу Бакрдан қаттиқ ранжиб борди-келдини узди, бир сўз ҳам гапирмай оламдан ўтиб кетди, Жаноб Расулуллоҳдан сўнг олти ой яшади, халос. Фотима вафот этганда эри Али ёлғиз ўзи кечаси жанозасини ўқиб дафн қилди, Абу Бакрга хабар ҳам қилмади. Али Фотима ҳаётлигида одамлардан истиҳола қилиб юрган бўлса керак, у вафот эиандан кеин улар^а лнибор бермай, Абу Бакр бирлан ярашиш, у кишига баъйат қилиш имконини қидириб қолди, шу вақтгача, яъни ўтган ойлар мобайнида ҳануз байъат қилмаган эрди. Шу

боисдан у «Ёлғиз ўзингиз уйимга келсангиз, ёнингизда бирор киши бўлмаса!» деб Абу Бакрга одам юборди, чунки Умарнинг у киши бирлан!» бирга келишини ёқтирмаган эрди. Умар бу гапдан воқиф бўлиб «Йўқ, худо ҳақи, ёлғиз ўзингиз улар олдига бормангиз!» — деди Абу Бакр «Оллоҳ таоло ҳақи, улар менга ёмонлик қилмайдилар, деган умиддаман, ўзим танҳо боравераман», — дедилар Кейин, Абу Бакр Али хузурига кириб бордилар, Али калимаи шаҳодатни айтгандан сўнг «Албатта, биз сизнинг лаёқатингизни, Оллоҳ таоло сизга ато этган неъматни тан оламиз, Оллоҳ таоло сизга инъом этган мартабага ҳасад қилмаймиз, лекин сиз бизга бир масала хусусида зулм қилдингиз, Жаноб Расулуллоҳга қариндош бўлганимиз учун ул зотдан қолган нарсалардан бизга мерос тегади, деб умид қилган эрдик», — деди Абу Бакр Сиддиқ кўзларига ёш олиб «Менинг жоним қулида бўлган зот ҳақи, Жаноб Расулуллоҳ васиятларига содиқ қолмоғим қариндошларимга ен бос-моғимдан афзалроқдур! Аммо, мен сизлар бирлан ўзим ўртамизда тортишувга сабаб бўлган мол-мулкга хиёнат қилмадим, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳаётликларида уни қандай тасарруф қилганларини кўрган бўлсам, шундай тасарруф қилдим»,— дедилар. Али Абу Бакрга «Байъатни пешин вақтига таъйин қилурмисиз?»—деди. Абу Бакр пешинни ўқиғач, минбарга чиқиб, калимаи шаҳодат айтдилар, сўнг Али ҳақида сўзлаб, унинг ханузгача байъат қилмаганлигини, унинг шул хусусда айтган узрини қабул қилганликларини маълум қилдилар. Али шаҳодат келтириб, истиғфор айтди ва Ҳазрат Абу Бакрнинг адолатли эрканликларини мактади, кейин Абу Бакрга ҳасад қилмаётгани, Оллоҳ таоло у кишига ато этган мартаба ҳақлиғ эрканлиги ҳақида гапирди Сўнг «Бизга мерос берилиши керак, Абу Бакр эрсалар зулм қиляптилар, деб ҳисоблаб юрган эрдик, қарасак ноҳақ эрканмиз» — деди. Бу гапни эшитгач, мусулмонлар хушнуд бўлишиб. «Ҳақ гапни айтдинг!» — дейишди. Мусулмонлар Али амри маъруф қилаётганда ўзларини унга яқин хис этдилар».

Ошиа онамиз. «Хайбар фатҳ қилинганда «Энди хурмога тўяр эрканмиз-да!» деб қувонганмиз»,— дейдилар.

Ибн Умар. «Хайбарни фатҳ этмагунимизча хурмога тўйган эрмасмиз»,— дейдилар.

41- боб Пайғамбар алайҳиссаломнинг Хайбар аҳлига омил таъйин қилганлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбарга бир одамни омил қилиб таъйинладилар. Ўша киши Жаноб Расулуллоҳга нуқул сараланган хурмо олиб келди. Жаноб Расулуллоҳ у одамдан «Хайбарнинг ҳамма хурмоси шундай сархил эрканми?»—деб сўрадилар. У одам: «Йўқ, ё Расулаллоҳ! Биз икки-уч соъ ёмон хурмо ўрнига бир соъ яхши хурмо олурмиз»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ундай қилмангизлар, ёмон хурмони олингиз-да, сотиб пулига яхшисини харид қилингизлар!»—дедилар».

Абу Саъид ва Абу Ҳурайра ривоят қилурларки, Пайғамбар алайҳиссалом Бану Адийнинг акасини Хайбар аҳлига омил қилиб жўнатибдилар.

42- боб Жаноб Расулуллоҳнинг аҳли Хайбарга қилган муомалалари ҳақида.

Абдуллоҳдан нақл қилинадикки, Жаноб Расулуллоҳ олинган ҳосилнинг қоқ ярмини топшириш шарти бирлан яҳудийларга Хайбар ерларида дехқончилик қилиб, экин зкишга ижозат берибдилар.

43-боб. Жаноб Расулуллоҳга Хайбарда заҳарланган қўй беришгани ҳақида

Абу Ҳурайра айтадиларки, Хайбар фатҳ қилингандан кейин, Жаноб Расулуллоҳга (яҳудийлар) гўшти заҳарланган бир қўйни ҳадя қилиишбди.

44-боб. Зайд ибн Ҳориса (учун қилинган) ғазот ҳақида

Абдуллоҳ ибн Динор ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Усома ибн Зайд ибн Ҳорисани бир қавмга амир қилиб тайинладилар. Баъзи бир одамлар

унинг амир қилинганига эътироз билдирди. Шунда Жаноб Расулulloх «Гар унинг амир бўлганига эътироз билдирурсиз, демак бундан илгари унинг отаси амир булганига ҳам эътироз билдирурсиз. Оллох таоло ҳақи гар у амир қилинмоққа муносиб кўрилган эркан, демак у менинг учун энг маҳбуб кишидур ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолгай!» — дедилар».

45-боб. Қазо (бўлган) умра ҳақида

Барро разияллоху анху бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloх Зулқаъда ойида умра қилиш учун Маккага жўнадилар. Макка аҳли икки ўртада шартнома тузилгунча, ул зотни Каъбага киритишдан бош тортди. Шартномага биноан мусулмонлар Маккада уч кун туриб қайтиб чиқиб кетишлари зарур эрди. Шартнома матни ёзилгач, мусулмонлар унинг остига «Бу Оллох таолонинг расули Муҳаммаднинг қароридур!» деб ёзиб қўйишди. Аммо, мушриклар «Биз сизни пайғамбар деб билмаймиз, агар шундай деб иқроп бўлганимизда, сизга заррача монъелик қилмаган бўлур эрдик, сиз пайғамбар эрмас, балки Абдуллохнинг ўғли Муҳаммадсиз, халос!»—дейишди. Жаноб Расулulloх «Мен Оллох таолонинг расули ҳамда Абдуллохнинг ўғли Муҳаммадурман!» — дедилар. Кейин, Ҳазрат Алига «Оллох таолонинг расули» деган сўзларни ўчириб ташлагил!»—дедилар. Ҳазрат Али «Худо ҳақи, асло ўчирмайман!» — дедилар Жаноб Расулulloх шартномани ўзлари қўлларига олиб, яхши ёзишни билмасалар-да, «Муҳаммад ибн Абдуллох бундай деб қарор қилади: кинига солинган қилич бирлангина Маккага кирилади, агар Макка аҳлидан бирор киши эргашса, уни ўзи бирлан бирга олиб чиқиб кетмайди, бирор саҳобийси Маккада қолмоқни хоҳласа, унга монъелик қилмайди» деб ёзиб қўйдилар. Жаноб Расулulloх Маккага кириб, уч кун муҳлат ўтгач, мушриклар Ҳазрат Алига келиб: «Соҳибингга айт, уч кун муҳлат тугади, бизни тарк этсин!» — дейишди. Жаноб Расулulloх Маккадан чиқиб кетаётганларида Ҳамзанинг қизи «Эй амаки, эй амаки!» деб ул зотга эргашди. Ҳазрат Али қизнинг қўлидан ушлаб туриб Фотима алайҳоссаломга: «Жиянинг сен бирла кета қолсин!»—дедилар. Фотима алайҳоссалом қизни кажавага чиқариб олдилар. Ҳазрат Али, Зайд ва Жаъфар уччалалари қизни талашиб тортишиб қолишди. Ҳазрат Али: «Қизни мен олдим, чунки у амакимнинг қизи!» — десалар, Жаъфар: «Қиз меники, чунки у менинг амакимнинг қизи, холаси эрса менинг хотиним!»—дерди. Зайд эрса: «Қиз меники, чунки у акамнинг қизи!»-- - деб талашарди. Жаноб Расулulloх қизни холасига (яъни, Жаъфарга) ҳукм қилдиларда, «Хола она ўрнидадур!» — - дедилар. Кейин, Ҳазрат Алига: «Икковимиз қариндошмиз»,— дедилар, Жаъфарга эрса: «Икковимиз қиёфада ҳам, хулқда ҳам ўхшашмиз» — деб айтдилар, сўнг Зайдга қараб: «Сен биродаримиз ва мавломизсан»,- деб қўйдилар. Ҳазрат Али ул зотдан: «Ҳамзанинг қизини никоҳингизга олмайсизми?» — деб сўраган эрдилар, «У эмишган акамнинг қизидур»,— деб жавоб бердилар».

Ибн Умардан бундай деб нақл қилинади: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам умра қилмоққа чиқиб эрдилар, Қурайш кофирлари у киши билан Каъба ўртасини тўсиб қўйишди. Шунда Жаноб Расулulloх Ҳудайбияда жонлиқларини сўйиб, сочларини олдирдилар. Кейин, келгуси йили умра қилганда қинига солинган қиличдан бўлак қурол олиб келмасликка, Қурайш хоҳлагандан ортиқ турмасликка улар бирлан шартнома туздилар. Келгуси йил умрага келганларида Маккага кирдилар. Шартномага кўра уч кун турганларидан сўнг, мушриклар чиқиб кетишни буюришди, Жаноб Расулulloх чиқиб кетдилар».

Муъжоҳид разияллоху анху бундай дейдилар: «Мен Урва ибн Зубайр бирлан масжидга кирдим, Оиша разияллоху анҳоничг хужраларида Абдуллох ибн Умар ўлтирган эркан. Урва: «Жаноб Расулulloх неча марта умра қилганлар?» — деб сўради. Абдуллох: «Тўрт марта, шундан бири ражаб ойида»,— деб жавоб берди. Шунда биз Оиша онамизнинг эътироз билдирганларини эшитдик Урва: «Эшитяпсизми, эй мўминлар онаси! Абу Абдурахмон: «Жаноб Расулulloх тўрт бор умра қилганлар, бири ражаб ойида» — деяпти»,— деди. Оиша онамиз: «Жаноб Расулulloх доим у бирлан бирга умра қилганлар, ўзи яхши билади, ражабда ҳеч қачон умра қилган эрмаслар»—дедилар».

Ибн Абу Авфо: «Жаноб Расулуллоҳ умра қилаётган пайтларида мушрик болалар озор етказмасин, деб ул зотни ҳимоя қилиб юрар зрдик»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Жаноб Расулуллоҳ сулҳ тузилган йили Маккани тавоф қилгани келганларида саҳобаларга: «Лўкиллаб югурингизлар, мушриклар куч-қувватингизни кўриб кўйсинлар!»—дедилар. Мушриклар уларни Қуъайқиён тоғи томонида туриб томоша қилур эрдилар»,— дейдилар.

Ибн Аббос: « Пайғамбар алайҳиссалом Маймуна разияллоҳу анҳога эҳромдаликларида уйланиб, эҳромдан чиққач, кўшилганлар. Маймуна онамиз Сариф деган жойда вафот этганлар»,— дейдилар.

Ато ва Мужоҳид: «Жаноб Расулуллоҳ Маймунага қазобўлган умра вақтида уйланганлар»,— дейдилар.

46- боб. Шом шаҳарларидан бири бўлмиш Мута ғазоти

(Бу ғазот ҳам ислом йўлида қилинган катта ғазотлардан бири бўлиб, унда кўплаб мусулмонлар шаҳид бўлган. Воқеа бундай бўлган: Пайғамбар алайҳиссалом Бусро вилоятининг ҳукмдорига хат ёзиб, ал-Ҳорис ибн Умайрни элчи қилиб юборадилар. У Мутага келганда шаҳар ҳокими Шарҳабил ибн Амр Ғассоний ушлаб ўлдиради. Бунинг хабари Жаноб Расулуллоҳга етгач, Зайд ибн Ҳориса бошчилигида уч минг аскарни Шарҳабилга қарши юборадилар-да, уларга: «Агар Зайдга бирор ҳодиса бўлса, Жаъфар, унга ҳам бирор ҳодиса бўлса, Абдуллоҳ ибн Рувоҳа бошлиқ бўлади. Элчимиз ўлдирилган жойгача борингизлар, аввал уларни исломга чақирингизлар, мусулмон бўлсалар, урушмангизлар, агар рад қилсалар, урушингизлар!» —дедилар. Мусулмонлар келаётганининг хабари етиши бирлан Шарҳабил уларга қарши юз минг, Шом подшоси Ҳирақл ҳам юз минг кўшин юборди, икки юз минг кофирга уч минг мусулмон юзма-юз бўлди. Натижада Зайд ҳам, Жаъфар ҳам, Абдуллоҳ ҳам ҳалок бўлиб, мусулмонлар қоча бошладилар, уларни кофирлар таъқиб қилиб, кўпларини қириб ташлади. Ниҳоят, байроқни Холид ибн Валид қўлга олиб, тадбир бирлан аскарларнинг ўрнини алмаштирди: ўнг қанотни чапга, чап қанотни ўнгга, илғор қисмни орқага, орқа қисмни илғор ўрнига олиб, душманга ташланди. Кофирлар буларни танимай мусулмонларга мадад келди, деб дилига кўрқув тушиб, қоча бошлади. Мусулмонлар уларни таъқиб қилиб, мисли кўрилмаган даражада катта талафот етказдилар, минглаб кофирлар қирилиб кетди. Бу жангда кўрсатган катта маҳорати учун Холид ибн Валидни Жаноб Расулуллоҳ «Сайфуллоҳ», яъни «Оллоҳнинг қиличи» деб номладилар).

Ибн Умар разияллоҳу анҳу шаҳидларни оралаб юриб Жаъфарнинг жасади устида тўхтадилар, санаб кўрсалар, Жаъфарнинг баданида элликта жароҳат бор эркан, лекин биронтаси ҳам орқа томондан урилган эрмас эрди»,— дейдилар Нофиъ.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ Мута ғазотида Зайд ибн Ҳорисани аскарларга амир этиб тайинладилар-да: «Агар Зайд ўлдирилса, ўрнига Жаъфар, у ҳам ўлдирилса, ўрнига Абдуллоҳ ибн Рувоҳа амир бўлади»,— дедилар. Мен ҳам шу ғазотда улар бирлан бирга эрдим. Жаъфарни қидириб ўликлар орасидан топдик, унинг жасадида тўқсондан ортиқ қилич ва наизанинг зарби бор эрди».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом Зайд, Жаъфар ва Ибн Рувоҳага не бўлажагини улар ўлдирилгани ҳақида хабар келмасидан бурун бундай деб башорат қилдилар: «Байроқни Зайд қўлига олди, шаҳид бўлди, сўнг Жаъфар олди, шаҳид бўлди, кейин ибн Рувоҳа олди, шаҳид бўлди, (шунда икки кўзларидан ёш қуйилиб кетди), сўнг байроқни Оллоҳнинг қиличларидан бири қўлига олиб эрди, мусулмонлар ғалаба қозондилар».

Оша разияллоҳу анҳо бундай дер эрдилар: «Жаноб Расулуллоҳга Ибн Ҳориса, Жаъфар ва Абдуллоҳ ибн Рувоҳанинг ўлими ҳақидаги хабар келганда юзларидан хафаликлари билиниб турарди, мен эшикнинг тиркишидан қараб тургандим. Бир одам

келиб «Эй Оллоҳнинг расули, Жаъфарнинг хотинлари йиғидан тўхтамаётир»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ унга хотинларни йиғидан тўхтатишни буюрдилар. Ҳалиги одам қайтиб келиб, улар ишидан тўхтамаётганини айтди. Учинчи бор буюрдилар, у яна қайтиб келиб, йиғидан тухташ ўрнига бадтарроқ ўқиришаётганини айтди. Жаноб Расулуллоҳ дарғазаб бўлиб: «Ундай бўлса, оғзига тупроқ тўлдиргин!»—дедилар. Шунда ўша одамни чакириб «Бурнинг тупроққа ишқалгур, нима иш қиялсан, нимага Расулуллоҳнинг ташвишларини кучайтирялсан!»—деб уришиб бердим».

Омир разияллоҳу анҳу айтадиларки, Абдуллоҳ ибн Умар қачон Жаъфарнинг ўғли Абдуллоҳни кўриб қолсалар, унга «Ассалому алайкум, эй икки қанотлининг ўғли!»—деб салом берардилар (Жаъфар Мутада шаҳид бўлганларидан кейин, Жаноб Расулуллоҳ унинг жаннатда малоикалар бирлан учиб юрганини кўрганлар)

Холид ибн Валид: «Мута ғазотида менинг кўлимда тўққизта қилич синди, фақат Яман қиличи бутун колди»,— дейдилар.

Бу ердаги ҳадис ҳам Холид ибн Валиддан марвий бўлиб, юқоридаги ҳадисни такрорлайди.

Нуъмон ибн Башир бундай дейдилар: «Абдуллоҳ ибн Рувоҳа касал бўлиб ҳушидан кетди, буни кўрган опаси Умра: «Вой ишонган тоғим, вой белимнинг қуввати!» — деб йиғлай бошлади. Абдуллоҳ ҳушига келгач «Менинг ҳақимда нима деб йиғлаган бўлсангиз, ўша ондаёқ «Ҳали сен шундаймисан?!»—деб мени мулзам қилишди»,— деди норози бўлиб»

Нуъмон ибн Башир: «(Аввалги ҳадисда айтилганидек) Абдуллоҳ ибн Рувоҳа касал бўлиб ҳушини йўқотганда опаси Умра йиғлагани учун ўзига келгач, норозилик билдирган эрди, шу боисдан ҳам Абдуллоҳ ўлганда опаси йиғламади»,— дейдилар

47- боб Пайғамбар алайҳиссаломнинг Жухайна қабиласи хурқаларига Усома ибн Зайдни юборганлари ҳақида

Усома ибн Зайд бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни Жухайна қабиласининг хурқа қавмига юбордилар, биз уларга тонгда хужум қилиб тор-мор қилдик. Мен ва бир ансорий душмандан бирининг изига тушиб, қуршаб олган пайтимизда у: «Ло илоҳа иллаллоҳ» деб иймон келтирди, шу ондаёқ ансорий ундан кўлини тортди, мен бўлсам, уни найза бирлан уриб ўлдириб қўйдим. Ғазотдан қайтганимизда Жаноб Расулуллоҳга бу ҳақда айтишиб эрди, ул зот менга «Эй Усома, «Ло илоҳа иллаллоҳ» дегандан кейин ҳам ўлдирдингми?!»—дедилар. Мен «Ахир, у жони ширинлик қилиб шундай деди-да!» — дедим Жаноб Расулуллоҳ. «Шундай қилдингми-а?»—деб шунчалик кўп такрорладиларки, «Ўша кундан олдин мусулмон бўлмаган бўлсам, қандай яхши эрдия» деб орзу қилдим»

Салама ибн ал-Акваъ: «Мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга еттита ғазотда қатнашдим. Ул зот ўзлари бормай, аскар тайёрлаб жўнатган ғазотларнинг тўққизтасида бўлдим. Бир сафар Абу Бакр. бир сафар Усома бизга бош бўлардилар»,— дейдилар.

Бу ердаги ҳадис такроран келтирилган.

Салама ибн ал-Акваъ: «Пайғамбар алайҳиссалом бирлан бирга еттита ғазотда бирга бўлдим: Хайбарда, Худайбияда, Хунайнда, Қарадда, лекин колганини унутдим»,— дейдилар.

48- боб. Фатҳ (Макка) ғазоти ва Ҳотиб ибн Абу Балтаъанинг Макка аҳлига Жаноб Расулуллоҳнинг ғазот қилажаклари ҳақида хабар юборгани

Али разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени, Зубайрни ва Микдодни жўната туриб: «Борингизлар, Хох деган боғга етганингизда бир аёлни учратасизлар, унда мактуб бор, менга олиб келингизлар!» — дедилар. Биз жўнадик, отларимизни елди-риб, боғга етиб бордик, қарасак рўпарамизда бир аёл турибди, унга: «Хатни бер!» — деб буюрдик. У: «Менда хат йўқ»,— деди. Биз унга: «Ўзинг хатни топиб берсанг, бердинг, бўлмаса кийимларингни ечиб қидирамиз!» — деб

дўқ урдик. Ноилож, аёл хатни сочлари орасидан олиб берди. Биз хатни Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб бордик, Хотиб ибн Абу Балтаъа унда маккаликларга Жаноб Расулуллоҳнинг баъзи ишлари ҳақида хабар ёзибди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Хотиб, бу нима қилганинг?!» — дедилар. Хотиб бундай деди: «Ё Расулаллоҳ, мени ҳукм қилишга шопилмангиз! Дарҳақиқат, бир вақтлар менинг Курайшга алоқам бўлган, яъни улар билан дўстлашган эрдим, лекин ўзим улардан эрмасман. Сиз бирлан бирга юрган муҳожирларнинг барчасининг улар орасида қариндошлари бўлиб, у ерда қолган мол-мулк ва бола-чақаларини ҳимоя қиладилар. Мен эрсам, у ерда қариндошим йўқ бўлгани учун ҳам, улардан таниш орттирсам, менинг ҳам яқинларимни ҳимоя қилишса, деган ниятда эрдим, халос. Лекин, бу ишни диндан қайтганимдан қилганим йўқ, асло. Мусулмон бўлгач, қайта кофир бўлмоққа сира рози бўлмагайман!». Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аммо, бу сизларга рост гапираётир!» — дедилар. Умар разияллоҳу анҳу: «Ё Расулаллоҳ, қўйиб беринг менга, бу мунофиқнинг бўйнини узиб ташлай!» — дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу Бадрда иштирок қилган, Оллоҳ таоло эрса Бадрда иштирок қилган кишиларга нисбатан ўз ҳукмини чиқариб қўйган, Оллоҳ таоло: «Истаганингизни қилингизлар, мен сизларни мағфират қилдим!» — деган», — дедилар. Шу аснода Оллоҳ таоло қуйидаги қавлини ғозил қилди: «Эй мўминлар, менинг ва ўзларингизни душманларингизни дўст тутмангизлар! Сизлар уларга дўстона муносабатда бўласизлар, ваҳоланки улар сизларга келган ҳақ динга ишонмай, кофир бўлганлар. Улар пайғамбарни ҳам, сизларни ҳам раббингиз Оллоҳга иймон Келтирганингиз учун ўз диёрингиздан ҳайдаб чиқараётирлар, агар сизлар мени деб ва менинг розилигимни истаб жиҳодга чиққан бўлсаларингиз, кофирларни дўст тутмангизлар! Сизлар уларни пинҳона дўст тутяпсизлар. Мен сизлар ошқора қилган нарсани ҳам. пинҳон тутган нарсани ҳам бўлурман. Сизлардан ким шу ишни қилган яъни, кофирлар бирлан дўст тутунган) бўлса. у тўғри йўлдан адашибди!».

49- боб Макканинг рамазон ойида фатҳ қилингани ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага рамазон ойида ғазот қилганлар», — дейдилар. Ибн Мусайяб ҳам шу мазмунда ҳадис ривоят қилганлар.

Ибн Аббос «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза тутган эрдилар, Кудайдга, яъни Қадийд бирлан Асфон ўртасидаги ариққа етганда ифтор қилдилар. Шу бўйи рамазон ойи тугагунча рўза тутмадилар», — дейдилар.

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом рамазон ойида Мадинадан чиқдилар, у киши бирлан бирга ўн минг одам йўлга тушди. Бу сафар Жаноб Расулуллоҳнинг Мадинага келганларига саккиз ярим йил бўлганда бошланди. Жаноб Расулуллоҳ ва бошқа мусулмонлар Маккага қараб юрдилар, ул зот ҳам, бошқалар ҳам рўзадор эрдилар. Асфон бирлам Қадийд оралиғидаги ариққа етиб келганларида Жаноб Расулуллоҳ оғиз очдилар, бошқалар ҳам оғиз очишди».

Зухрий: «Жаноб Расулуллоҳнинг (сафар вақтидаги рўза хусусида берган) буйруқларидан энг кейингисига амал қилинади», — дейдилар. Энг кейингиси эрса қуйидаги ҳадисда баён қилинган:

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом рамазон ойида Ҳунайнга йўлга чиқдилар. Одамларнинг баъзилари рўзадор, баъзилари оғзи очиқ эрди. Жаноб Расулуллоҳ туяларида ўлтирган ҳолларида бир идишда сутми, сувми сўрадилар, уни туялари устига қўйганларидан сўнг, одамларга қараган эрдилар, оғзи очиқлар муддаоларини билиб рўзадорларга: «оғзингизни очингизлар!» — деб буюришди».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соаллаллоҳу алайҳи ва саллам рамазонда сафар қилдилар. Асфонга етгунларига қадар рўза тутиб бордилар, сўнг бир идишда сув сўраб, наҳорда бошқаларга кўрсатиб чиқдилар, оғизлари очиқ ҳолда Маккага кириб келдилар. Ул зот сасъарда рўза ҳам тутардилар, оғизларини очиб ҳам юрардилар. Демак,

сафарда ким хоҳласа, рўза тутади, ким хоҳламаса, тутмайди».

50- боб Расулulloҳ, саллalloҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ қилинган куни байроқни ерга тикканлар?

Урва ибн Зубайр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Фатҳ йили Маккага жўнаган пайтларида, бундан хабар топган Қурайш катталари — Абу Суфён ибн Ҳарб, Ҳаким ибн Ҳизом ва Бади́л ибн Варқо ул зотни излаб юриб Марруззахрон деган жойга келганда, Арафа кунидагидек кўплаб гулхан ёқиб кўйилганини кўришди. Шунда Абу Суфён. «Худди Арафа кунидагидек кўплаб ёқилган бу гулханлар қандай гулханлар бўлди эркан» — деди. Бади́л ибн Варқо: Бу гулханлар Бану Амрники булса керак», — деди. Абу Суфён: «Бану Амрнинг гулханлари бунчалик кўп эрмас» — деди. Сўнг, уларни Жаноб Расулulloҳнинг посбонлари сезиб қолиб, ушлашди-да, ул зотнинг қошларига олиб боришди. Шу ерда Абу Суфён мусулмон бўлди. У энди кетаман деб турганда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Аббосга: Абу Суфённи тўхтатиб тургил, мусулмонлар дарадан ўтаётганда уларнинг (Кўплигини) бир кўриб кўйсин!» — дедилар. Аббос уни тўхтатиб турди, жанговор қабилалар Жаноб Расулulloҳ бошчиликларида унинг олдидан бирин-кетин ўта бошлади. Биринчи гуруҳ ўтганда Абу Суфён: «Эй Аббос, булар кимлар?» — деб сўради. Аббос «Бу Ғифор қабиласи» - деди. Абу Суфён «Ғифор бўлса, бўлар, менга нима!» — деди. Кейин, Жухайна қабиласи ўтди. Уларни кўриб ҳам бояги гапни қилди. Саъд ибн Ҳузайм қабиласи ўтганда ҳам, Сулайм қабиласи ўтганда ҳам бояги гапни такрорлад. Сўнг, шундай бир ҳарбий қисм ўтдики, Абу Суфён уларни кўриб хангуманг бўлганидан: «Булар кимлар?» — деб сўради. Аббос «Булар ансорлардур. Уларнинг етакчиси Саъд ибн Убода кўлида байроқ ушлаб кетаётир», — деди. Саъд ибн Убода уларга яқин келиб «Эй Абу Суфён, бугун қаттиқ жанг бўлиб, омонлик берилмайдирган кундир, бугун Каъба бизники бўладирган кундир!» — деди. Абу Суфён: «Эй Аббос, қандай яхши-я! Бугун ҳар ким ўзини кўрсатиб, ҳурматга сазовор бўладирган кун!» — деди. Кейин, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Абу Суфённинг олдидан ўтаётганларида, у ул зотга: «Биласизми, Саъд ибн Убода нима деди?» — деди. Жаноб Расулulloҳ «нима деди?» — деб сўрадилар. Абу Суфён Саъднинг нима деганини айтиб берди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Саъд нотўғри айтибди, бугунги кун Оллоҳ таоло Каъбани улуғлайдирган кун, Каъбага жилд кийдириладирган кун!» дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ байроқларини тепасига ўрнатишни буюрдилар (Ҳажун — Макка мақбарасига яқин машҳур тоғ)».

Жубайр ибн Мутъим бундай дейдилар: «Аббоснинг Зубайр ибн Аввомга: «Эй Абдуллоҳнинг отаси, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сенга байроқларини ўрнатиб кўйишингни буюрдилар!» — деганларини эшитганман. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўша куни Холид ибн Валидга Маккага юқори қисми орқали, яъни Кадоъдан киришни буюрдилар, ўзлари эрсалар паст томондан-- Кудодан кириб бордилар. Шу куни Холид аскарларидан икки киши — Хубайш ибн ал-Ашъар ва Қурз ибн Жобирлар шаҳид бўлдилар».

Абдуллоҳ ибн Муғаффал ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳнинг Макка фатҳи куни туялари устида «Фатҳ» сурасини баланд овоз бирлан ўқиганларини кўрдим. Кейин, ул зот: «Агар одамлар атрофимга тўпланиб олмаганда овозимни Ибн Муғаффалга ўхшаб янада кўтарур эрдим!» — дедилар».

Усома ибн Зайддан нақл қилинадики, у киши Фатҳ Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулalloҳ, эргалаб қаерда тушиб дам оламиз?» — дебдилар. Пайғамбар алайҳиссалом: «Уқайл ибн Абу Толиб бизга бирор манзил қолдирганми ўзи?» — деб айтибдилар-да, кейин: «Мўмин кофирдан, кофир мўминдан мерос олмай» — деб кўшиб кўйибдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар Оллоҳ таоло бизга зафар ато этса, иншоаллоҳ, Хайфда тушгаймиз!» — дебдилар. Хайф — мушрикларнинг Жаноб Расулulloҳ Маккадан чиқариб юбормоққа онт

ичган еридир. Бу ердаги ҳадис такроран келтирилган. *Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики*, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фатҳ куни Маккага кирибдилар, бошларида дубулға бор эркан. Дубулғани ечиб турганларида бир одам келиб «Ё Расулаллоҳ, Ибн Ҳатол Каъбанинг жилдига осилиб тортаётир!»— Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўлдир уни!» деб буюрдилар». «Фикримизча, яна Оллоҳ таоло билади, Жаноб Раоулуллоҳ ўша вақтда эҳромда бўлмасалар керак»,— дейдилар Молик.

Абдуллоҳ *ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики*, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фатҳ куни Маккага кирибдилар. Байтуллоҳ атрофида уч юз олтмишта бут турган эркан. Шунда ул зот бутларни қўлларидаги уд ёғочи бирлан турта туриб. «Ҳақиқат келди, ботил чекинди, ҳақиқат келди, энди ботил сира ҳам зоҳир бўлмайди ва қайтмайди!» — дебдилар.

Ибн Аббос *бундай дейдилар*: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида Каъбага киргилари келмади, чунки у ерда кофирларнинг маъбудалари бор эрди. Жаноб Расулуллоҳ амр қилдилар, ҳамма бутлар олиб чиқиб ташланди, У ерда Иброҳим бирлан Исмоилнинг суратлари ҳам бор бўлиб, уларнинг қўлида тарозу тасвир қилинган эрди, улар ҳам чиқариб ташланди. Жаноб Расулуллоҳ: «Хароб бўлгур, мушриклар! Яхшилик бирлан ёмонликни булар ўлчамаслигини ўзлари яхши билгайлар»,— дедилар, кейин Байтуллоҳга кирдилар-да, намоз ўқимай қайтиб чиқдилар».

51- боб Пайғамбар алайҳиссаломнинг Маккага унинг юқори томонидаги йўлдан кирганлари ҳақида

Абдуллоҳ; ибн Умар разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фатҳ куни Макканинг юқори тарафидан туяга миниб кириб келдилар, туяларига Усома ибн Зайдни мингаштириб олган эрдилар. Билол ва Усмон ибн Талҳа эрса. Жаноб Расулуллоҳни кўриқлаб келишарди. Жаноб Расулуллоҳ туяларини масжид олдига чўқтирдилар-да, Байтуллоҳнинг калидини келтиришни буюрдилар. Кейин, Байтуллоҳга кирдилар, у киши бирлан бирга Усома, Билол ва Усмон ибн Талҳа ҳам киришди. Каъба ичида узоқ вақт туриб, сўнг қайтиб чиқишди. Кейин, у ерга одамлар кира бошлади, биринчи бўлиб Абдуллоҳ ибн Умар кирди, эшик остонасида турган Билолни кўриб, ундан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қаерда намоз ўқидилар?» — деб сўради. Билол Жаноб Расулуллоҳнинг намоз ўқиган жойларини кўрсатди. Ибн Умар: «Неча ракъат намоз ўқидилар?» — деб сўраш эсимдан чиқибди»,— дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо хабар берадиларки, Фатҳ куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макканинг Кадоъ деб номланган юқори тарафидан кириб келибдилар. Бу ердаги ҳадис такроран келтирилган.

52-боб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг Фатҳ куни келиб тушган жойлари ҳақида

Ибн Абу Лайлодан нақл қилинади: «Бизга бир одамнинг хабар беришича, у Пайғамбар алайҳиссаломнинг Зуҳо намозини Умму Ҳониъдан бошқа одамнинг уйида ўқиганларини кўрибди. Умму Ҳониънинг айтишича эрса, Жаноб Расулуллоҳ Макка фатҳи куни унинг уйида ғусл қилиб, саккиз ракъат намоз ўқиганлар. «У кишининг бунчалик енгил, аммо рукуъ ва сужудлари мукамал намоз ўқиганларини илгари кўрмаган эрдим»,— дейдилар Умму Ҳониъ».

53-боб.

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одати шарифлари шундай эрдик, рукуъ ва саждада ушбу дуони ўқирдилар: «Субҳона-ка Оллоҳумма раббано ва биҳамдика Оллоҳуммағфирлий!» (яъни, «Эй Оллоҳ, эй парвардигоримиз, биз сени барча нарсадан пок эрканлигингни эътироф қилурмиз, доим

сенга ҳамд айтиш бирлан машғул бўлурмиз, ё Оллоҳ, мени мағфират қилгил!»).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Умар разияллоҳу анҳу мени Бадр улуғларининг суҳбатига олиб кирдилар. Баъзилар норози бўлиб: «Нечун бу йигитни орамизга олиб келдингиз, бунга ўхшаган йигитлар бизда ҳам бор!» — деди. Ҳазрат Умар: «Бу йигит ўзларингиз билган кишилар жумласидан»,— деб жавоб бердилар. Бир куни Ҳазрат Умар уларни ҳам, мени ҳам уйларига чақирдилар, шунда «Мени булар бирлан биргаликда уйларига чақиришдан мақсадлари мени уларга бир «кўрсатиб қўйиш» бўлса керак» деб ўйладим. Умар разияллоҳу анҳу «Изо жоа насруллоҳи вал-фатҳу ва раайтан-носа ядхулууна фий дийниллоҳи афвожан фасаббиҳ» сурасини (охиригача ўқиб): «Унинг ҳақида фикрларингиз қандай?» — деб ўлтирганларга савол ташладилар. Баъзилар: «Оллоҳ таоло бизга амр қилдики, агар нусрат топиб фатҳга эришсак, унга ҳамд айтишимиз зарур эркан»,— дейишса, баъзилар: «Билмаймиз»,— дейишди, қолганлар эрса лом-мим демади. Ҳазрат Умар менга: «Эй Ибн Аббос, сиз ҳам шундай маъно берасизми?» — деб сўрадилар. Мен: «Йўқ»,— деб жавоб бердим. Ҳазрат Умар: «Унда сиз қандай маъно берасиз?» — дедилар. Мен: «Бу Жаноб Расулуллоҳнинг умрлари поёнига етиб қолганига ишора бўлиб, Оллоҳ таоло ул зотга: «Агар сизга Оллоҳдан нусрат келиб, Макка фатҳ бўлса, бу умрингизнинг поёнига етиб қолганининг аломатидур, шунинг учун Оллоҳга ҳамд айтиб, уни улуғланг, унга истиғфор айтинг, дарҳақиқат у тавбани қабул қилгувчи зотдур!» — деб амр қилди»,— дедим. Ҳазрат Умар: «Бунинг мазмунини мен ҳам сиз каби тушунган эрдим»,— дедилар».

Абу Шурайҳдан нақл қилинадики, у киши Маккага аскар юбораётган Амр ибн Саъидга бундай дебдилар: «Эй амир, менга изн берингиз, сизга бир ҳадисни айтиб берайин, бу ҳадисни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ бўлганининг эртасига айтган эрдилар, мен уни ўз қулоғим бирлан эшитиб, қалбимга жойлаб олган эрдим, Жаноб Расулуллоҳ қай ҳолатда сўзлаганларини ҳам ўз кўзим бирлан кўрганман. Ул зот аввал Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтиб, сўнг бундай деган эрдилар: «Маккани Оллоҳ таоло муқаддас қилди, одамлар эмас! Оллоҳ таоло бирлан охиратга иймон келтирган мусулмон кишининг Маккада қон тўқмоқлиги, унинг дарахтларини кесмоқлиги ҳалол бўлмайди. Агар бирор киши: «Жаноб Расулуллоҳнинг ўзлари Маккада урушганларку?!» — деб важ кўрсатса, айтингларики «Оллоҳ ўз пайғамбарига изн берди, сизларга изн бергани йўқ, унга ҳам бир соатгагина изн берди, кейин Макканинг бугунги ҳурмати кечаги ҳурматидек аслига қайтди. Бу ерда бор кишилар бу ерда йўқларга гапимни етказсин!».

Абу Шурайҳдан: «Бу ҳадисни айтганингиздан кейин, Амр сизга нима деди?» — деб сўрашди. «Эй Абу Шурайҳ, мен бу нарсани сиздан яхшироқ билурман, лекин Ҳарам гуноҳкорни, ўғрини, ҳад урилишидан қочган жиноятчини ўз паноҳига олмайди, деб айтдилар»,— дедилар Абу Шурайҳ.

Жобир ибн Абдуллоҳ; «Расулуллоҳ Фатҳ куни Маккада: «Оллоҳ ва унинг расули арок сотишни ҳаром қилди» — дедилар»,— дейдилар.

54- боб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг фатҳ кунлари Маккада турганлари ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Биз Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Маккада ўн кун туриб, намозни қаср

ўқидик»,— дейдилар.

Ибк Аббос *разияллоҳу анҳу:* «Пайғамбар алайҳиссалом Маккада ўн тўққиз кун турдилар, шунда намозни икки рақъатдан ўқидилар»,— дейдилар.

Бу ҳадисда ҳам Ибн Аббос Жаноб Расулуллоҳнинг Маккада ўн тўққиз кун намозни қаср ўқиганларини айтиб: «Биз ўн тўққиз кунгача мусофир бўлсак, намозни қаср ўқиймиз, ундан ошса, тўла ўқиймиз»,— дейдилар.

55- боб.

Абдуллоҳ ибн Саълаба: «Расулуллоҳ Фатҳ йили юзимни силаб қўйганлар, у вақтда тўрт яшар бола эрдим»,— дейдилар.

Сунайн Абу Жамиланинг Зухрийга хабар беришларича, у киши Расулуллоҳни кўрган ва ул зот бирлан бирга Макка фатҳида иштирок қилган эрканлар.

Амр ибн Саламадан нақл қилинадик, Абу Қилоба Айюбга: «Амрга учрашмайсизми, ундан ҳадис сўрар эрдингиз!» — дебдилар. Айюб: «Мен Абу Қилобанинг гапи бирлан Амр ибн Саламага учрашиб, ундан ҳадис сўрадим, Амр бундай деб ривоят қилди»,— дейдилар: «Биз кўплаб одамлар ўтиб турган жойда, сув бўйида тургандик, олдимиздан отликлар ўтиб турарди. Биз улардан: «Одамларга не бўлди, анави одам ким?» — деб сўрадик. Улар: «Бу одам «Оллоҳ мени элчи қилиб юборди, у менга ваҳий жўнатди» деб таъкидлаётир»,— дейишди. Мен ўшанда «ваҳий» деган сўзни ёдлаб олгандим, бу сўз менинг қалбимни маҳв этаётгандек эрди. Араблар мусулмонларнинг ислом дини туфайли Макканинг фатҳ қилинишига умид қилишар ва: «Унга тегмангизлар, ўз қавми устидан ғолиб келдими, демак у ҳақиқий пайғамбар эркан!»— дейишарди. Орадан кўп ўтмай, Макка фатҳ қилинди, шунда ҳар бир қавм мусулмон бўлишга шошиб қолди, отам ҳам қавмимизни исломга киришга шоширдилар. Отам Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларидан қайтганларидан сўнг: «Мен Оллоҳга қасамёд қилурманки, ҳақ пайғамбарнинг олдидан келдим, у киши бизга мана бу вақтда мана бундай намоз ўқишга буюрдилар. «Агар намоз вақти бўлса, битталарингиз азон айтингиз, Қуръонни кўп биладирганингиз имом бўлсин!» деб амр қилдилар»,— дедилар. Кейин, намоз вақти бўлгач, Қуръонни кўпроқ биладирган одамни кидирдилар, лекин мендан кўп биладирган одам йўқ эркан, чунки мен отлик йўловчилардан кўп эшитиб ёдлаб олган эрдим. Мени олдинга ўтказиб қўйдилар, шунда мен олти ёки етти ёшда эрдим, устимда бурда, яъни калта куйлак бор эрди, саждага борсам, орқам очилиб қоларди. Шунда маҳалла аёлларидан бири: «Қориларингизнинг орқасини ёпиб қўймайсизларми?!»—деб эрди. Кейин, матоъ сотиб олиб, менга узун куйлак тикиб беришган эрди. Мен бениҳоят қувонган эрдим».

Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қилинадик, Утба ибн Абу Ваққос (ўлар чоғида) укаси Саъдга Замъа (исмли) чўрисининг боласи ўз ўғли эрканлигини айтиб, уни ўз тарбиясига олмоқни васият қилибди. Жаноб Расулуллоҳ Маккани фатҳ этмоққа келганларида Саъд болани ул зотнинг ҳузурларига олиб келибди, у бирлан бирга Замъанинг (катта ўғли) Абд ибн Замъа ҳам келибди. Шунда Саъд: «Бу бола акамнинг ўғли, бунга менга топширганлар»,— деди. Абд ибн Замъа эрса: «Ё Расулаллоҳ, бу менинг укам, чўри Замъанинг ўғли, отамнинг тўшагида туғилган»,— деди. Расулуллоҳ Замъанинг боласига қарадилар, у Утба ибн Абу Ваққоснинг ўзгинаси эрди. Расулуллоҳ: «Эй Абд ибн Замъа, бу бола сенинг укам, чунки отангнинг тўшагида туғилган»,— дедилар, кейин болани Утба ибн Абу Ваққосга ниҳоятда ўхшашлигини кўриб: «Эй Савда, бундан юзингни яширгил!» — деб амр қилдилар».

Ибн Шихоб Оиша р.з.ияллоҳу анҳодан нақл қилиб: «Жаноб Расулуллоҳ: «Бола тўшак сохибиники, зинокор эрса ундан маҳрум қилинади» — деб айтганлар, шунда Абу Ҳурайра ўзларини тутолмай ўқириб (йиғлаб) юборганлар»,— дейдилар.

Урва ибн Зубайр бундай дейдилар: «Расулуллоҳнинг даврларида, Фатҳ ғазоти вақтида бир аёл ўғрилиқ қилди. Унинг қариндошлари Усоманинг олдиларига келишиб, аёлни шафоат қилишни сўрашди. Усома Жаноб Расулуллоҳга шу ҳақида айтганларида ул зотнинг юзлари кизариб кетиб: «Оллоҳ буюрган жазони адо этмоғимга монелик қилаётирсанми?!» — дедилар. Усома дарҳол: «Ё Расулаллоҳ, мени кечирингиз!» — дедилар. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ пешин намози вақтида маъруза қилмоққа турдилар-да, Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтгач, бундай дедилар: «Аммо баъд, сизлардан илгариги қавмлар бирор улуғроқ киши ўғрилиқ қилса, кечириб, ночорроқ ўғрилиқ қилганда жазолаганлари учун ҳалокатга учраганлар. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасам ичиб айтаманки, ҳатто Фотима бинти Муҳаммад ҳам ўғрилиқ қилса, қўлини

кесардим!» — дедилар, кейин ўғрилиқ қилган аёлни келтиришни буюрдилар. Унинг қўли кесилди, сўнг чинакам тавба қилиб, турмушга чиқди». Оиша онамиз: «Ўша аёл, кейинчалиқ менинг олдимга келиб турарди, унинг ҳожатини мен Жаноб Расулulloҳга етказардим», — дейдилар.

Абу Усмонга Мужошиъ ривоят қиладилар: «Мен Макка фатҳидан кейин, Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига акамни олиб келдим-да: «Ё Расулаллоҳ, мен акамни ҳижратга байъат қилдиришингиз учун олиб келдим», — дедим. Расулulloҳ: «Ҳижрат аҳли ҳижрат савобини аллақачон олиб кетиб бўлишди», — дедилар. «Бўлмаса, нимага байъат қилдирасиз?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Мен акангни исломга, иймонга, жиҳодга байъат қилдираман», — дедилар». «Кейин, мен Абу Муъаббид (лақаби, исми Мужолид) бирлан учрашдим, у Мужошиънинг акаси эркан, укасининг гапларини тасдиқлади», — дейдилар Абу Усмон.

Бу ердаги ҳадис ҳам аввалгининг ўзгинаси бўлиб, охирида: «Мужошиънинг акасининг оти Мужолид эрди» деган ибора бsr.

Мужоҳид разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Ибн Умарга: «Шомга ҳижрат қилмоқчиман», — дедим. Ибн Умар: «Ҳижрат тамом бўлган, энди жиҳод бор, уйга боргинда, ўйлаб кўр, агар жиҳодга ўзингда қудрат сезсанг, борасан, агар қудрат сезмасанг, аҳдингдан қайтасан», — дедилар».

Мужоҳид разияллоҳу анҳу: «Мен ҳижрат тўғрисида Ибн Умарга айтган эрдим, у киши: «Бугун (ёки Жаноб Расулulloҳдан кейин) ҳижрат йўқ» — дедилар», — дейдилар.

Бу ердаги ҳадис ҳам аввалги икки ҳадисни такрорлайди.

Ато ибн Абу Рабоҳ бундай дейдилар: «Мен Убайд ибн Умар бирлан бирга Оиша онамизни кўргани бордим. Убайд Оиша онамиздан ҳижрат ҳақида сўради. Оиша онамиз: «Бугунги кунда ҳижрат йўқ, (илгари) мўминлар динларини фитнадан асрамоқ учун Оллоҳ таоло бирлан унинг расули паноҳига олиб қочар эрдилар, бугун эрса Оллоҳ таоло исломни устувор қилди, энди мўмин истаган жойда ўз раббига ибодат қила олади. Аммо, ҳижрат қилганлик савобига эришмоқни истаган киши Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоғи мумкин», — дедилар».

Мужоҳид разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Фатҳ уни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб қуйидагича маъруза қилдилар: «Албатта, Оллоҳ таоло еру осмонларни яратган кундан бошлаб Маккани муқаддас қилди. Оллоҳ таоло муқаддас қилгани сабабли бу ерда қон тўқмоқ то қиёматгача ҳаромдур, бу мендан аввал ҳам, мендан кейин ҳам бирор кишига ҳалол (рухсат) бўлмайди, Оллоҳ таоло менга бир соатгина уруш қилмоққа изн берди. Макканинг ҳайвонлари қувилмайди, дарахтлари кесилмайди, ўсимликлари ўрилмайди, бу созандадан бўлак кишига манъ қилинади». Аббос ибн Абдулмутталиб: «Ё Расулаллоҳ, изхирни ўрмоққа рухсат берсангиз, чунки у уйда ва соз учун зарур нарса», — деди. Жаноб Расулulloҳ бироз сукут қилгач: «Изхирдан бошқасини кесмангизлар, изхирни кессангизлар, майли!» — дедилар».

Бу ердаги ҳадис такроран келтирилган.

56-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳунайн уни кўп эрканлигингиз сизларни мағрур қилиб қўйди, аммо саноғингизнинг кўплиги сизларни фалокатдан қутқариб қололмади, сизларга кенг ер тор бўлиб, орқага қараб чекиндингизлар. Кейин,

Оллоҳ таоло хотиржамлик нозил қилди... («... кечирувчи раҳимдил зотдур» деган қавлигача)».

Исмоил ибн Абу Халид бундай дейдилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Абу Авфоннинг қўлларида жароҳат ўрнини кўрдим. Шунда у киши Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга Ҳунайн ғазотида бўлганларида жароҳатланганликларини айтдилар. «Ҳунайнда иштирок қилганмисиз?»--десам, «Ундан илгариги жанглarda ҳам қатнашганман»,--дедилар.

Барро разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: Бир одам у кишидан: «Сизлар Ҳунайнда чекинганмисизлар?» деб сўради. Барро: «Мен гувоҳлик бераманки, Расулulloҳ

чекинмаганлар, лекин лашкарнинг олдинги қисми илгарилаб кетиб қолиб, Ҳавозан мушриклари уларни ота бошлаганди. Абу суфён Жаноб Расулуллоҳнинг Байзо номли хачирларининг жиловидан ушлаб борар, ул зот эрсалар: «Мен пайғамбарман, ёлғончи эрмасман, мен Абдулмутталибнинг ўғлиман!»— дер эрдилар».

Абу Исҳоқ ривоят қиладилар: «Қайс қабиласидан бир киши Барродан: «Хунайнда Жаноб Расулуллоҳни ташлаб қочдиларингизми?» ўлжалардан бергаймиз»,— дедилар. Кўпчилик Расулуллоҳнинг аввалги таклифларига рози эрканлигини билдирди. Расулуллоҳ: «Бу ерда қайсиларингиз рози-ю, қайсиларингиз норози эрканлигингизни биз билмаймиз, борингизларда, бир вакил тайинлаб, унга фикрингизни айтингизлар, у эрса бизга келиб хабар берсин!» — дедилар. Одамлар ортларига қайтиб, сўнг бир неча номзод вакиллар бирлан бирга келишди. Вакиллар аввалги таклифга барча рози эрканлигини Жаноб Расулуллоҳга маълум қилишди».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, Ҳазрат Умар Ҳунайндан қайтаётганларида жоҳилият замонида эътикоф қилажакларини назр қилиб қўйганлари ҳақида Жаноб Расулуллоҳга айтибдилар, шунда ул зот: «Назрга вафо қилгил!»— деб амр қилибдилар.

Абу Қатода разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Биз Ҳунайн куни Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга йўлга чиқдик, душман бирлан юзма-юз бўлганда мусулмонлар орасида озгина саросималик содир бўлди. Мен бир мушрикнинг мусулмонлардан бирини ҳалок қилаётганини кўриб қолдим. Шунда орқасидан бориб бўйнига қилич урган эрдим, совутини қиркиб юбордим. У менга ҳамла қилиб келди-да, бўйнимдан тутиб шундай бўғдики, ўлимнинг хиди димоғимга урилди. Кейин, қўллари бўшашиб, ўлиб қолди. Сўнг, мен Ҳазрати Умарнинг олдиларига бориб: «Одамларга нима бўлди?» — дедим. Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таоло шуни буюрган», дедилар. Кейин, одамлар яна ортларига қайтишди,

Расулуллоҳ: «Кимки бир мушрикни ўлдирган бўлса, ундан қолган ўлжа ўшаники бўлмай, аммо ўлдирганига гувоҳ топмоғи лозим»,— дедилар. «Менга ким гувоҳлик беради?» — дедим-да, ўлтирдим. Жаноб Расулуллоҳ бояги гапларини уч марта такрорладилар, шунда ҳар сафар ўрнимдан турардим-да: «Менга ким гувоҳлик беради?» —деб, яна ўлтирардим. «Сенга нима бўлди, Эй Абу Қатода?» — дедилар. Мен бўлган воқеани гапириб бердим. Шу пайт бир одам ўрнидан туриб: «Рост айтяпти, у ўлдирган одамнинг нарсалари менда, мен уни рози қиламан»,— деди. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ бояги гаплари бирлан Оллоҳ таоло ва унинг расули учун жанг қилган Оллоҳ шерларидан бири бўлмиш кишидан ўлжасини олиб сенга беришни қасд қилган эрмасдилар!» — дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом: «Абу Бакр рост гапиряпти, унинг ўлжасини бер!» — деб жангчига буюрдилар. У менга ўлжамни берди. Мен бу ўлжани» сотиб, пулига Бану Саламадан бир боғ олдим. Бу менинг исломдаги дастлабки бисотим бўлди».

Абу Қатода мавлолари Абу Муҳаммадга бундай деган эрканлар. «Хунайн куни мен бир мусулмон ва бир мушрикнинг ўзаро жанг қилишаётганини кўрдим, шунда бошқа бир мушрик мусулмоннинг орқасидан келиб уни ўлдирмоқчи бўлди Мен тезда унга ҳамла қилган эрдим, у менга қилич кўтарди, лекин мен чаққонлик қилиб қўлини чопиб ташладим. У мени соғ қўли бирлан шундай бўғдики, ўлдириб қўймасайди деб кўрқиб кетдим, кейин бирдан қўли бўшашиб кетди мен уни ўлдирдим. Шу вақт мусулмонлар чекиниб қолишди мен ҳам уларга қўшилиб чекиндим. Қочиб кетаётиб Ҳазрат Умардан: «Нима бўлди?»—деб сўраган эрдим, у киши: «Оллоҳ амр қилди»,— дедилар. Кейин, одамлар Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига тўпланишди. Расулуллоҳ: «Ким мушрикни ўлдирганини исбот қилса, ундан олган ўлжаси ўзиники бўлади»,— дедилар. Мен ҳам туриб кофирни ўлдирганимга гувоҳ қидирдим, лекин менга гувоҳлик берадиган кишини тополмадим. Кейин, «Ўзим айтсам-чи?» деган фикр хаёлимга келиб қолди-да, қандай ўлдирганимни Жаноб Расулуллоҳга ўзим айтиб бердим. Шу ерда ўлтирганлардан бири: «Ўша ўлдирилган одамнинг қурол-яроғи менда мен унинг ўрнига бошқа нарса бериб рози

киламан», деди. Абу Бакр разияллоҳу анҳу: «Йўқ, асло, Расулуллоҳ Қурайш қушчасига қуролни бериб, Оллоҳ ва унинг расули учун жанг қилган Оллоҳ шерларидан бўлмиш бир шерни маҳрум қилмайдилар!» — дедилар. Расулуллоҳ ўринларидан туриб қуролни менга олиб бердилар. Мен уни сотиб, пулига хурмозор олдим. Исломдаги биринчи дастмоям мана шу бўлди».

57- боб. Автос ғазоти ҳақида

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом Ҳунайн ғазотидан фориғ бўлганларидан кейин, Абу Омирни лашкарга бош қилиб Автосга жўнатдилар. Йўлда мушрик Дурайд ибн ас-Симма йўлиқди, уни ўлдиришди шерикларини Оллоҳ таоло мағлуб этди. «Жаноб Расулуллоҳ, дейдилар Абу Мусо,— Абу Омир бирлан бирга мени ҳам жўнатган эрдилар. Ногаҳон, Абу Омир тиззаларидан ўқ едилар. Ўқни Жушамий камондан отган эрди. Мен дарҳол Абу Омирнинг олдиларига бориб: «Эй амаки, сизни ким отди?» — деб сўрадим. У киши Жушамийга ишора қилиб: «Мени отган қотил шу!» — дедилар. Мен уни қувиб кетдим, у мени кўриб қоча бошлади. Уни қуваётиб: «Қочгани уялмайсанм? — дедим. У тўхтади, баробар қилич уришиб, уни ўлдирдим. Кейин, Абу Омирнинг ёнларига келиб: «Оллоҳ таоло менинг қўлим бирлан рақибингизни ўлдирди!»— дедим. Абу Омир ўқни суғуриб олишимни илтимос қилдилар, мен суғурган эрдим, ўрнидан сув окдии. Абу Омир менга: «Эй жияним, Жаноб Расулуллоҳга салом айтгин, менинг ҳақимга истиғфор айтсинлар!» — дедилар. Кейин, мени одамларга бошлик қилдилар-да, бироздан сўнг вафот этдилар. Жангдан қайтгандан сўнг, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига кирдим, у киши уйларидаги қамиш (бўйра)дан қилинган чорпояда эрканлар. Чорпояга тўшак солинган бўлиб, Жаноб Расулуллоҳнинг орқалари ва ёнбошларида бўйранинг ботган изи кўриниб турарди. Мен ўзимиз ҳамда Абу Омир ҳақларида гапирдим, у кишининг «Менинг ҳақимга истиғфор айтсинлар!» деганларини ҳам айтдим. Расулуллоҳ бир идишда сув сўрадилар, унга таҳорат олиб, кейин дуога қўл очдиларда: «Эй Оллоҳ, бандаиғ Абу Омирни мағфират қилгин!» — дедилар. Шунда мен Жаноб Расулуллоҳнинг қўлтиқлари оппоқ эрканлигини кўрдим. Кейин: «Эй Оллоҳ, қиёматда мартабасини кўпчилик бандаларинг мартабасидан улуғ қилгин!» — деб яна дуо қилдилар. Мен ул зотга: «Мени ҳам дуо қилинғиз!» — дедим. Расулуллоҳ: «Эй Оллоҳ, Абдуллоҳ ибн Қайснинг ҳам гуноҳини кечиргин, Қиёмат куни унга ҳам фахрли жой ато этгин!» — деб дуо қилдилар».

'Абу Бурда: «Дуоларнинг бири Абу Омир учун, иккинчиси Абу Мусо учун бўлди»,— дейдилар.

58- боб. Тоиф ғазоти ҳақида

Мусо ибн Уқба: «Тоиф ғазоти ҳижратнинг 8- йили шаввол ойида бўлган эрди»,— дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ Тоифни қамал қилганларида бирор натижа бўлмади, кейин: «Худо хоҳласа, қайтамиз»,— дедилар. Бу гап кўпчиликка оғир ботди, «Қайтарканмиз, фатҳ қилмас эрканмиз»,— дейишди. Сўнг, «Эрталаб урушга чиқинлар!» — деб буюрган эрдилар, мусулмонлар жангга чиқдилар, лекин кўрғон берк, унинг тепасидан отилган ўқ ва тошлардан мусулмонларга жароҳат етди. Кейин, Расулуллоҳ: «Худо хоҳласа, эртага қайтамиз»,— деган эрдилар, ҳаммалари хурсанд бўлишди, Расулуллоҳ қулиб қўйдилар».

Оллоҳ таоло йўлида биринчи бўлиб мушрикларга қарата камондан ўқ узган Саъд ибн Абу Ваққос ҳамда Тоиф кўргонидан ошиб тушиб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келган Абу Бакра (Нофиъ ибн Масруқ) ривоят қилурларки, Жаноб Расулуллоҳ: «Кимки атайлаб ўз отасидан тониб, бошқа бировни отам деб Даъво қилса, унга жаннат ҳаромдур!»— деган эрканлар.

Осим разияллоҳу аноҳу ривоят қиладилар: «Мен ушбу ҳадисни Саъд ва Абу Бакрадан эшитганман»,— деди. Абу Усмон. Мен унга: «Сен айтган ҳадиснинг тўғрилигига икки кишининг гувоҳ эрканлиги кифоядур»,— дедим. У менга: «Ҳа тўғри! Ўша икки кишининг бири ислом йўлида биринчи бўлиб камондан ўқ узган кишидир, иккинчиси эрса қамал куни Тоиф кўрғонидан ошиб ўтиб Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келган йигирма уч мусулмоннинг учинчисидур»,— деди.

Абу Мусо ал-Ашъарий айтадилар: «Жаноб Расулуллоҳ Макка бирлан Мадина ўртасидаги Жиърона деган жойда манзил тутган эрдилар, ул зот бирлан бирга Ҳазрат Билол ва мен ўлтирган эрдим. Шу пайт бир бадавий келиб Жаноб Расулуллоҳга: «Менга берган ваъдангизни бажармайсиз-ми?»— деди. (Бадавий талаб қилган ваъда нимадан иборат эрканлиги ровийларга маълум эрмас). Расулуллоҳ: «Хурсанд бўлгил!»— дедилар. Бадавий: «Хурсанд бўлгил!»ни менга кўп айтгансиз!»— деб Абу Мусо бирлан Билолга ғазаб бирлан қаради. Расулуллоҳ уларга: «Башорат рад қилинди, икковингиз қабул қилиб олингиз!» — дедилар. Икковлари баробар: «Қабул қилдик!» — дейишди. Кейин, Расулуллоҳ қадахда сув келтиришни буюрдилар, унга икки қўллари ва юзларини ювдилар-да, қолганига дам солдилар, сўнг: «Бундан ичингиз, юзларингизга куйингиз, томоқларингизга суртингиз ва хурсанд бўлингиз!» — дедилар. Икковлари қадахни олиб, Жаноб Расулуллоҳ буюрганларидек қилишди. Парда орқасидан Умму Салама разияллоҳу анҳо: «Агар оналарингиз учун сувдан орттиролсангиз, менга ҳам узатиб юборингиз!» — дедилар».

Сафвон ибн Яъло бундай деб хабар берадилар: «(Отам) Яъло: «Кошкийди, мен Жаноб Расулуллоҳга ваҳий тушаётган пайтни кўрсам!» — деб доим орзу қилур эрдилар. Тез кунларда Пайғамбар алайҳиссалом Жиъронага тушдилар, асҳоблари атрофларида туриб бошларига бир кийим бирлан соя қилиб туришарди. Шу вақт хушбўйликлар сепилган жубба кийган бир бадавий келиб: «Ё Расулуллоҳ, бир киши жубба кийиб, унга хушбўйликлар сепгач, эҳром боғласа, нима дейсиз?»— деди. Ҳазрат Умар Яълога «Кел!» деб ишора қилдилар, Яъло келгач, бошларини Жаноб Расулуллоҳнинг тепаларига тутиб турилган кийим остига сукдилар. Қарасалар, ул зот юзлари кизарган, чукур-чукур нафас олардилар. Бу ҳолат бир соатча давом этди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ: «Мендан умра ҳақида сўраган одам қани?» — дедилар. Бояги одамни қидириб топиб келишди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «Жуббани ечиб ташла, баданингга юқиб қолган хушбўйликни уч бор ювиб кеткиз, кейин ҳажда не қилсанг, умрада ҳам шундай қилгил!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Зайд ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло Ҳунайн ғазотида Жаноб Расулуллоҳга катта ўлжа ато этгач, уни ислом динига эндигина кирганларга тақсим қилдилар, лекин ансорларга ҳеч нарса бермадилар. Шунда ансорлар ўзларига ўлжадан улуш тегмагани учун ранжигандек бўлишди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Эй ансорлар жамоаси! Мен сизларни йўлдан адашган ҳолда топмаганмидим?! Оллоҳ таоло менинг сабабим бирлан сизларни ҳидоят қилди, тарқоқ эрдингизлар, менинг сабабим бирлан сизларни бирлаштирди, камбағал эрдингизлар, менинг сабабим бирлан сизларни бой қилди. (Расулуллоҳ шунга ўхшаш гапларни айганларида, ансорлар ҳар гал: «Оллоҳ ва унинг расули ҳар қанча миннат қилса, лойиқ!» — дейишарди). Агар хоҳласангизлар, сизлар ҳам: «Ҳижрат қилиб келганингизда биз сизга жой бердик, хор бўлганингизда ёрдам бердик, кўрқиб келганингизда хотиржам қилдик!»— деб менга миннат қилингизлар!» — дедилар. Аммо, ансорлар: «Миннат ва фазл Оллоҳ таолога ва унинг пайғамбарига хос!» — деб жавоб беришди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бошқаларнинг қўй ва туяларни олиб ўз манзилларига равона бўлмоғига, ўзингизнинг эрса мени бирга олиб кетмогингизга рози бўларсизлар, ахир?! Агар ҳижрат бўлмаганда мен ансорлардан бири бўлган бўлур эрдим. Одамлар ўзга бир водий ёки ўзга бир дара бўйлаб юрсалар, мен ансорлар водийси ёки дараси бўйлаб юрардим. Ансорлар менинг учун куйлагимдек яқин бўлиб, бошқалар чопоним янглиғдурлар. Мендан кейин сизлар бойликка ружуъ қилганларнинг шохиди бўлгайсизлар, Ҳавзи Кавсар бўйида учрашгунимизча сабр қилингизлар!» — деб хитоб қилдилар».

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Оллоҳ таоло Расулуллоҳга Ҳавозан молдунёсидан кўп ўлжалар ато этгач, ул зот уни ҳар бир кишига юз туядан тақсим қила бошладилар. Шунда ансорлар: «Оллоҳ ўз расулини мағфират қилсин, Қурайшга насиба бердилар-у, бизни унутдилар, ваҳоланки ҳали мушрикларнинг қиличимиздаги қони қуригани йўқ!» — дейишди, Расулуллоҳга уларнинг бу гаплари етказилди. Жаноб Расулуллоҳ ансорларга одам юбориб, уларни теридан ёпилган бир кубба остига йиғдилар, лекин бошқаларни чақирмадилар. Ансорлар йиғилгач, Расулуллоҳ ўринларидан ^ТУрдиларда: «Сизлар ҳаққингизда менга айтишган гап Қандай гап бўлди?!»—деб сўрадилар. Ансорлар орасидаги фақиҳ кишилар: «Эй Оллоҳнинг расули! Бошлиқларимиз ҳеч нарса дейишгани йўқ, фақат ёшларимизгина: «Оллоҳ ўз расулини кечирсин. Қурайшга ўлжа бердилар-у, бизни унутдилар, ваҳоланки ҳали мушрикларнинг қиличимиздаги қони қуригани йўқ!»—дейишди»,—деб айтишди. Жаноб Расулуллоҳ- «Мен эндигина куфрдан қайтиб исломга кирганларга ўлжабера ётирман, мақсадим уларни исломга кўпроқ жалб қилмоқликдур. Улар уйларига ўлжалар бирлан қайтган чоғларида, сизлар уйларингизга пайғамбар бирлан қайтмоққа рози бўлмайсизларми?! Оллоҳ ҳақи, сизлар олиб қайтадирган нарса, улар олиб қайтадирган нарсадан яхшироқдур!»— дедилар. Ансорлар: «Ё Расулаллоҳ, албатта биз шунга розимиз!»— дейишди. Пайғамбар алайҳиссалом «Келажакда бойликка ружуъ қилганларнинг шоҳиди бўлувсизлар. Оллоҳ Таоло бирлан унинг расулига рўбарў бўлгунингизча сабр қилингизлар, мен Ҳавзи Кавсар бўйида бўлгайман» — дедилар».

Анас: «Аммо улар сабр қилишмади»,— дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом ансорларни йиғдиларда: «Қурайш яқиндагина жаҳолату бадбахтлик исканжасидан қутулгандур, мен уларни тўғри йўлга солиб, қалбларида исломга нисбатан дўстлик. Уйғотмоқчиман. Улар уйларига ўлжалар бирлан қайтган чоғда, наҳотки сизлар пайғамбарни уйингизга олиб қайтмоққа рози бўлмасангизлар?!»—дедилар. Ансорлар: «Ҳа, розимиз!» — дейишди. Расулуллоҳ: «Агар одамлар ўзга бир водий бўйлаб юрсалар, мен ансорлар водийси бўйлаб юргайман!» - - дедилар».

Абдуллоҳ Ибн Масъуд бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Ҳунайн ғазотида олинган ўлжаларни тақсим қилдилар. Шунда ансорлардан бир киши: «Оллоҳ таолони юз-хотир қилмай тақсим қилинди»,— деди. Мен бу гапни Жаноб Расулуллоҳга бориб айтдим. Бунни эшитиб, Жаноб Расулуллоҳнинг юзлари ўзгариб кетди, кейин: «Мусони Оллоҳ таоло Раҳмат қилсин, у кишига бундан кам кўп озор етказишган, аммо сабр қилган эрдилар!»— дедилар».

Абдуллоҳ Ибн Масъуд разаяллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Ҳунайн воқеасидан кейин, Пайғамбар алайҳиссалом баъзи одамларни ортиқроқ кўриб, кўпроқ ўлжа бердилар. Чунончи, Акраъга юз туя, Уяйнага ҳам шунча туя инъом қилдилар. Шунда бир Одам «Оллоҳни юз-хотир қилмай тақсим қилинди»,— деди. Мен бу гапни Жаноб Расулуллоҳга бориб айтдим. Ул зот: «Оллоҳ таоло Мусони раҳмат қилсин, у кишига бундан кўп озор етказилганда сабр қилгаи эрдилар!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Ҳунайн куни Ҳавозан, Ғатафон ва бошқа бир қанча қабилалар бола-чақаси-ю подалари бирлан келган эрди. Расулуллоҳ бирлан эрса ўн минг лашкар ва яна Маккадан келиб кўшилган ёшлар бор эрди. Ҳаммалари чекинишди, Жаноб Расулуллоҳ ёлғиз ўзлари қолдилар. Шунда икки бор алоҳида-алоҳида нидо қилдилар. Аввал, ўнг томонларига қараб: «Эй ансорлар жамоаси!» —деб нидо қилдилар. Улар: «Лаббайка, ё Расулаллоҳ! Биз сиз бирлан биргамиз, хушнуд бўлингиз!»— дейишди. Сўнг, чап томонларига қараб: «Эй ансорлар жамоаси!» — деб нидо қилдилар. Ансорлар: «Лаббайка, ё Расулаллоҳ! Хурсанд бўлингиз, биз сиз бирлан биргамиз!» — дейишди. Шунда Байзо деган ҳачирларида ўлтирган эрдилар, ундан тушдилар-да: «Мен Оллоҳнинг бандаси ва расулиман!» — дедилар. Мушриклар тор-мор бўлди, кўп ўлжа олинди. Жаноб Расулуллоҳ ўлжани муҳожирлар бирлан Макка ёшларига тақсимлаб бердилар, аммо ансорларга бермадилар. Шунда ансорлар: «Қачон қийинчилик бўлса, биз

чақириламиз, ўлжани эрса бошқаларга берадилар!» — дейишди. Бу гап Расулуллоҳга етказилди. Ул зот барча ансорларни тўплаб: «Менга сизлар ҳақингизда атишган гап қандай гап бўлди?!» — дедилар. Улар сукут сақлашди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Эй ансорлар жамоаси, бошқалар бу ердан ўлжа олиб қайтса-ю, сизлар пайғамбар бирлан қайтсангиз, рози бўлмагайсизми?» — дедилар. Ансорлар: «Ҳа, рози бўлғаймиз!» — дейишди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Агар одамлар водий бўйлаб юрса-ю, ансорлар дара бўйлаб юрса, мен ансорлар дараси бўйлаб юрган бўлур эрдим!» — дедилар».

Ҳишом Анасдан: «Эй Абу Ҳамза, шунда сиз ҳам ўша ердамингиз?» — деб сўрадилар. Анас: «Ўша ерда бўлмай, қаерда бўлардим!» — дедилар.

59-боб. Нажд тарафга лашкар юборилгани ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Нажд тарафга лашкар юбордилар, уларнинг орасида мен ҳам бор эрдим. Ўлжамиз ўн икки туя бўлди, совға-саломларимиз ҳам туя-туя бўлиб, ўн уч туя мол бирлан қайтиб келдик».

60-боб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг Холид ибн Валидни Бану Жазийма қабиласига юборганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом Холид ибн Валидни Жазийма қабиласига юбордилар Холид уларни исломга даъват қилди, улар (шошиб қолганларидан) «Исломни қабул қилдик» дейиш ўрнига «Диндан чикдик, диндан чикдик (яъни, «Мушрикликни тарк этиб, исломни қабул қилдик»)», — дейишди. Холид уларни тушунмай жанг бошлаб, кўпини кириб ташлади, қолганини асир олди. Кейин, ҳар бир кишига ўз асирини топшириб: «Ўлдиригиз!» — деди. Шунда мен: «Асиримни ўлдирмайман, шерикларим ҳам ўз асирларини ўлдиришмайди!» — дедим. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб бердик. Ул зот кўлларини кўтариб икки бор: «Ё Оллоҳ, Холид қилган гуноҳдан халос қилгин!» — дедилар».

61-боб. Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ва Алқамани ибн Мужаззининг лашкар тортиб йўлга чиққанлиги ҳақида

Али разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом (ансорлардан тузилган) лашкарни жўнатаётиб, уларга ансорлардан бирини бошлиқ қилиб тайинладиларда, унга итоат қилмоқни буюрдилар. Йўлда амирнинг (бир нарсдан) ғазаби қайнаб: «Расулуллоҳ сизларни менга итоат қилмоққа буюрдиларми?» — деди. Аскарлар: «Ҳа», — деб жавоб беришди. «Ундай бўлса, ўтин тўпланглар!» — деди амир. Улар ўтин тўплашди. «Ўт ёқинглар!» — деди у, улар ўт ёқишди. «Энди ўтга киринглар!» — деди амир. Ҳаммалари ўтга кирмоқчи бўлишди-ю, лекин бир-бирларини ушлаб тўхташди. Кейин: «Ўтдан пайғамбар олдига қочамиз!» — деб турганларида олов ўчиб қолди, амирнинг ғазаби ҳам тинди. Бу гап пайғамбаримизга етганда, у киши: «Агар ўтга кирганларида, ундан қиёматгача ҳам чиқолмасдилар, хайрли ишга буюрилгандагина итоат қилиш лозим!» — дедилар».

Абу Мусо бирлан Маознинг Ҳажжат ул-Видоъдан олдин Яманга юборилгани ҳақида

Абу Бурда разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Абу Мусо бирлан Маоз ибн Жобални Яманга юбордилар. Яманда икки вилоят бўлиб, Абу Мусо бирига, Маоз эрса иккинчисига юборилди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар, мамнун қилинглар, нафратлантирманглар!» — деб тайинладилар. Кейин, уларнинг ҳар бири ўз ишига кетди. Улардан қай бири бўлмасин, ўзига тегишли вилоят ерларида юрганида шеригининг вилоятига яқин бориб қолса, дарҳол уни излаб топиб: «Жаноб Расулуллоҳнинг ўғитлари ва ул зотга берган ваъдамиз эсингдами?» — дея у бирлан сўрашарди. Чунончи, бир куни Маоз ўз вилояти бўйлаб кетаётганида Абу Мусога тегишли ерларга яқин бориб қолди. Шунда у хаширига миниб Абу Мусони излаб кетди. Бориб қараса, Абу Мусо ўлтирибди, атрофини одамлар

ўраб олган, рўпарасида эрса икки қўли бўйнига боғлаб қўйилган бир киши турибди. Маоз Абу Мусога: «Эй Абдуллоҳ Ибн Қайс! Бу ким?»—деди. Абу Мусо: «Бу одам исломдан қайтиб, қайта кофир бўлди»,— деди. Маоз: «Бу ўлдирилмагунча, ҳаширимдан тушмагайман!»— деди. Абу Мусо: «Бу худди шу максатда келтирилгандур, ҳаширингдан тушавер!» — деди. Маоз яна: «Бу ўлдирилмагунча тушмайман!»—деди. Абу Мусо бояги одамни қатл қилмоққа амр берди, уни ўлдиришди. Маоз ҳаширидан тушиб. «Эй Абдуллоҳ! Қуръонни қандай ўқиётирсан?»—деди. Абу Мусо: «Кеча-кундуз тинмай такрор қилаётирман, эй Маоз, сен ўзинг қандай ўқиётир-сан?»—деди. Маоз: «Мен кечанинг дастлабки қисмида ухлайман, кейин тураман. Уйкуни икки қисмга бўлиб қўйганман. Оллоҳ таоло муяссар қилганча Қуръон ўқийман, бедорлигимни режалаштирганимдек, уйкумни ҳам режалаштириб қўйганман»,— деди.

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом уни Яманга юборган эрдилар, ундан Яманда қилинадирган шароб ҳақида сўрадилар. Абу Мусо: «Улар тайёрлайдирган шароб «Битаъ» ва «Мизар» деб номланади»,— деди. Ровий: «Мен Абу Бурдадан «Бигаъ» ва «Мизар» нима?»—деб сўрасам, у: «Битаъ» — асал набизи, «Мизар» — арпа набизи»,— деди. Расулуллоҳ: «Ҳар қандай маст қилувчи ичимлик ҳаромдур!»—дедилар».

Абу Бурда боболари Абу Мусодан нақл қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Абу Мусо бирлан Маозни Яманга юбораётиб, уларга: «Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар, хушнуд қилинглар, нафратлантирманглар, бир-бирингизга итоат қилинглар!» — деб тайинладилар. Абу Мусо: «Ё Расулаллоҳ! Биз кетаётган ўлкада асалдан қилинадирган «Битаъ» ичимлиги мавжуд»,— деди. Расулуллоҳ: «Ҳар қандай маст қилувчи ичимлик ҳаромдур!» —дедилар. Кейин, икковлари жўнаб кетишди. Йўлда Маоз Абу Мусога: «Қуръонни қандай ўқиётирсан?» —деди. Абу Мусо: «Туриб ҳам, ўлтириб ҳам, туямда кетаётиб ҳам ўқиғайман, кеча-ю кундуз қироатни тарк қилмагайман»,— деди. Маоз: «Мен эрсам дастлаб ухлайман, кейин туриб ўқийман, уйкумни ҳам, қироатимни ҳам режалаштириб қўйганман»,— деди. Кейин, тўхтаб чодир ўрнатишди. Икковлари бир-бирларини кўргани бориб туришадирган бўлди. Бир куни Маоз Абу Мусони кўргани борса, хузурида қўллари боғлиқ бир одам турибди. Маоз: «Бу ким?» —деб сўради. «Бу бир яҳудий бўлиб, мусулмон бўлган эрди, кейин диндан қайтди»,— деди Абу Мусо Маоз «Кел, мен бўйнини узиб ташлайин!» — деди».

Шуъбадан ҳам ушбу мазмундаги ҳадис нақл қилинган.

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом мени ўз қавмим ерига юбордилар. Бориб, қайтиб келдим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ Абтахда эрканлар. Мендан «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс, ҳаж қилдингми?» — деб сўрадилар. Мен «Ҳаж қилдим, ё Расулаллоҳ!» — дедим. Ул зот «Лаббайкани қандай айтдинг?»— дедилар. Мен «Лаббайка аҳлан, ло қоҳилан лака деб айтдим»,— дедим. Ул зот «Ўзинг бирлан бирга жонлиқ олиб келдингми?» — дедилар. Мен «Йўқ»,— дедим. Ул зот «Байтуллоҳни тавоф қил, Сафо ва Марвада саъй қил, кейин эҳромингни ечавер!» —дедилар. Мен шундай қилдим, кейин Бану Қайс аёлларидан бири менинг учун ювиниб-гаранди, биз Ҳазрат Умар халифалиги давригача бирга яшадик».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ Маозни Яманга жўнатаётиб: «Сен аҳли китоблардан бўлмиш бир қавм хузурига кетётирсан, бориб уларни исломга даъват қил, яъни «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ» деб айтсинлар, агар сенга итоат этсалар, Оллоҳ таоло бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганини уларга маълум қил, агар бул хусусда ҳам сенга итоат этсалар, Оллоҳ таоло бойлардан камбағалларга олиб бериладирган садақани ҳам фарз қилганини айтгил, агар бунга ҳам кўнсалар, унда уларнинг молларининг энг яхшисини тортиб олишдан эҳтиёт бўлгил! Мазлумнинг қарғишидан кўрқилки, Оллоҳ таоло бирлан мазлум ўртасида парда бўлма-гай!» — дедилар».

Амр ибн Маймун ривоят қиладилар: «Маоз ибн Жабал Яманга келганда яманликларга имомлик қилиб бомдод намозини ўқиди. Шунда «Ваттахазаллоҳу

Иброҳийма халийлан», яъни «Оллоҳ Иброҳимни ўзига дўст қилиб олди» деган мазмундаги оятни кироат қилганда яманликлардан бири «Иброҳимнинг онасининг кўз ёши совиди»,— деди» Қасталоний «Хурсандликдан тўкилган кўз ёши совуқ, ғамдан тўкилган кўз ёши иссиқ бўлади»,— дейдилар.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг Али ибн Абу Толиб ва Холид ибн Валидни Ҳажжат ул-Видоъдан илгари Яманга юборганлари ҳақида.

Барро *разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар*: «Пайғамбар алайҳиссалом бизни Холид ибн Валид бирлан бирга Яманга юбордилар, кейин Холиднинг ўрнига Али Ибн Абу Толибни жўнатдилар. Унга «Холиднинг асхобларига айтгилки, агар сен бирлан бирга қолмокни истасалар, қолсинлар, хоҳламаганлар қайтиб келсин!»— деб тайинладилар. Мен Али бирлан бирга қолган кишилар орасида эрдим, жуда кўп тилло ўлжа олгандим».

Бурайда разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Алини ўлжаларнинг бешдан бирини олиб келиш учун Холиднинг ҳузурига юбордилар. Мен Алини ўлжа тақсим қилганининг эртасига ғул қилгани учун ёмон кўриб қолган эрдим. Ўшанда «Мана бунинг қилган ишини кўрмайсизми?!» —деб Холидга айтган эрдим, кейин пайғамбаримизнинг ҳузурларига қайтиб келганимизда ул зотга ҳам айтдим. Расулуллоҳ «Эй Бурайда, Алини ёмон кўрасан-ми?» — деб сўрадилар. «Ҳа»,—деган эрдим, «Уни ёмон кўрмагин, чунки Али ўлжадан кўпроқ олса ҳам, ҳаққи бор эрди»,— дедилар» (Бурайданинг Алини ёмон кўриб қолишларига сабаб, Али асиралардан энг чиройли қизни ўзларига танлаб олгандилар-да, иддадан чиқишини кутмай, жинсий алоқа қилган эрдилар).

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу Ямандан Расулуллоҳга ошланган тери халтада куму туфроқдан тозаланмаган олтин жўнатди. Расулуллоҳ уни тўрт киши-га — Уяйна ибн Бадр, Акраъ ибн Ҳобис, Зайд ал-Хайл ва тўртинчиси ё Алқама ёки Омир ибн Туфайлга тақсим қилдилар. Шунда саҳобаларидан бирлари: «Бизлар бу олтинга анави тўртовлондан ҳам ҳақлироок эрдик!» деди.

Бу гап Жаноб Расулуллоҳга етгач «Менга ишонмайсизларми, ахир мен осмондаги зотнинг ишончли вакилиман-ку?! Менга эрта-ю кеч ундан хабар келиб туради»,— дедилар. Шу пайт кўзлари ботик, юз суяклари бўртиб чиққан, пешонаси дўнг, соч-соқоли олинган, иштонининг почаси ошиққача шимарилган бир одам ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳдан кўркинг!»—деди. Расулуллоҳ: Шўринг курсин! Мен ер аҳлининг Оллоҳдан кўркишга лойикроғи эмасман-ми?» —дедилар. Шунда ҳалиги одам ўрнидан туриб чиқиб кетди. Холид ибн Валид «Ё Расулаллоҳ, бўйнини чопайми?»--деди. Расулуллоҳ «Йўқ, шоядки у намозхон бўл-са!»—дедилар. «Дилида йўқ нарсани тили бирлан гапирадирган намозхонлар кўпку?»—деди. Холид ибн Валид Жаноб Расулуллоҳ «Мен одамларнинг қалбларини текширишга буюрилмадим, уларнинг қорнини ёриб кўришга буюрилмадим»,— дея бояги одамнинг ортидан қараб қолдилар-да, у чиқиб кетгач «Мана шу одамиинг зурриётидан Оллоҳ таолонинг Китобини равон, аммо бўғзидан нарига ўтказмай ўқийдирган ҳамда камондан отилган ўқдек диндан тез чиқадирган қавм пайдо бўлгайдур»,— дедилар.

Менимча, кейин «Шундайларни билиб ололсам эрди, Оллоҳ таоло Самуд қавмини ҳалок қилгандек, ҳалок қилардим! —деб айтган эрдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ «Пайғамбар алайҳиссалом Али разияллоҳу анҳуга Маккага эҳром боғлаб келишни буюрдилар»,— дейдилар.

Жобир разияллоҳу анҳу юқоридаги ҳадисга ўқшимча қилиб, бундай дейдилар: «Али ибн Абу Толиб ўлжалар бирлан қайтиб келди. Пайғамбар алайҳиссалом унга: «Эҳром боғлаб нимага ният қилдинг?»— деб сўрадилар. Али «Пайғамбар алайҳиссалом нимага ният қилган бўлсалар, мен ҳам ўшанга ният қилдим»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ «Ундай бўлса, жонлик атагил-да, эҳромдан чиқмай тургил!» — дедилар. Али Жаноб Расулуллоҳга жонликларни топширдилар».

Бакр ал-Басрий Ибн Умарга: «Анас айтган ҳадисга қараганда Расулуллоҳ

бирваракайига ҳаж ва умрага эҳром боғлаган эрканлар, шу ростми?!»—дедилар. Ибн Умар разияллоҳу анҳу «Расулуллоҳ аслида ҳажга эҳром кийган эрдилар, биз ҳам у киши бирлан ҳажга ният қилгандик. Маккага келганимизда Жаноб Расулуллоҳ «Кимнинг жонлиғи бўлмаса, умрага ният қилсин!»— дедилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳнинг жонлиқлари бор эрди. Али ибн Абу Толиб ҳам Ямандан ҳажга ният қилиб келдилар. Жаноб Расулуллоҳ унга «Нимага ният қилдинг?» — дедилар. У «Пайғамбар нимага ният қилган бўлсалар ўшанга ният қилдим»,— деди. «Ундай бўлса, эҳромдан чикмай тургил, чунки бизнинг жонлиғимиз бор!» — дедилар».

Зулхаласа (Зулхулайса) ғазоти ҳақида

Жарир разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Жоҳилият замонида бир уй бор эрди, уни «Зулхаласа», «Ал-Каъба ал-Ямонийя», «Ал-Каъба аш-Шомийя» деб аташарди. Пайғамбар алайҳиссалом менга «Мени Зулхаласадан халос қилмайсанми?» — дедилар. Мен бир юз эллик отлик бирлан бориб, уни вайрон қилдим, у ерда кимни топсам, ўлдирдим. Сўнг, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб бу ҳақда хабар бердик, ул зот бизни жасоратимиз учун дуо қилдилар».

Жарир разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом менга: «Мени Зулхаласадан халос қилмайсан-ми?» — дедилар Зулхаласа — Касъам қабиласининг ибодатгоҳи бўлиб, уни «Ал-Каъба ал-Ямонийя» деб аташарди. Мен Аҳмас қабиласидан бир юз эллик отликни олиб йўлга чиқдим, ҳаммалари чавандоз эрдилар, мен бўлсам отда маҳкам ўлтиролмас эрдим. Расулуллоҳ кўкрагимга шунчалик қаттиқ туртдилар-ки, ҳатто бармоқларининг изи тушиб қолди. Кейин, «Эй Оллоҳ, уни отда маҳкам ўлтира оладирган, ҳидоятли етакчилардан қилгин!» — деб дуо қилдилар». Кейин, Жарир Зулхаласага бориб ўт қўйиб, уни бутунлай вайрон қилди-да, Жаноб Расулуллоҳга одам юборди. У «Сизни ҳақ пайғамбар қилиб юборган зотга қасамёд қилурманки, олдингизга келаётганимизда Зулхаласа кўтир туядек бўлиб қолган эрди!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ Аҳмас чавандозлари бирлан Аҳмас қабиласига барака тиладилар»

Бу ердаги ҳадис такроран келтирилган Зотуссалосил ғазоти ҳақида

Абу Усмон ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ Амр ибн Осни лашкарга бош қилиб Зотуссалосилга юбордилар. Ўшанда Амр бундай деб эрди: «Ғазотдан қайтиб, Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига келдим-да: «Сизга одамларнинг қайси бири маҳбуброқ?» — деб сўрадим. Ул зот «Оиша»,— дедилар. «Эркалардан-чи?»—деб сўрадим. «Унинг отаси»,—дедилар «Ундан кейин ким?»—деб сўрадим «Умар»,— дедилар-да, яна бир неча кишининг исмини санадилар, шунда мени энг охирида айтишларидан кўркиб сукут сақладим»

Жарирнинг Яманга борганлиги ҳақида

Жарир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Баҳрда эрдим, Яман ахлидан икки кишини — Зукилоъ ва Зуамрни учратдим. Уларга Расулуллоҳ ҳақларида сўзлай бошлаган эрдим, Зуамр: «Сен таърифлаётган дўстинг уч кун бурун оламдан ўтди»,— деди. Иккови мен бирлан келаётган эрди, бир жойга етганимизда Мадина томондан отлиқлар кўринди, улар Жаноб Расулуллоҳнинг вафот этганлари, Абу Бакрнинг халифа бўлганлари ҳамда одамлар ҳаммаси тинч эрканлиги ҳақида хабар беришди. Икковлари, яъни Зукилоъ бирлан Зуамр: «Бизнинг (бирга) келганимизни соҳибингга айтгил, иншоаллоҳ яна қайтиб келгаймиз» — деб Яманга қайтиб кетишди. Мен уларнинг гапларини Абу Бакрга айтдим. Абу Бакр: «Уларни ўзинг бирлан олиб келмабсан-да?» — дедилар. Орадан кўп вақт ўтгандан кейин, (Ҳазрат Умар халифа лиги даврида) Зуамр менга: «Эй Жарир, сенга бир каромат қилайин! Сизлар — араб жамоаси амирингиз ҳалок бўлса, ўрнига маслаҳат бирлан амир сайлар эркансизлар, яхшилик-да давом этаверасизлар. Агар киши халифаликка қилич бирлан эришса, у одам халифа бўлмай, подшоҳдур. Чунки, у

подшоҳлар сингари ғазаб қилиб, подшоҳлар сингари таманно қилгай», — деди».

Сийфулбақр ғазоти ҳақида

Пайгамбар алайҳиссалом Абу Убайда бошчилигида денгиз соҳили томон лашкар юбордилар, улар Қурайш карвонига дуч келишади.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ Абу Убайда ибн Жарроҳни амир қилиб соҳил томонга лашкар жўнатдилар. Аскарлар сони уч юз киши эрди. Биз йўлга чиқдик, бир оз юрганимиздан кейин ғамлаган егуликларимиз тамом бўлди. Шунда Абу Убайда аскарларда қолган егуликларни бир ерга жамъ қилишга буюрди, егуликлар жам қилинди. Менинг тўрвамда ҳам хурмо бор эрди. Абу Убайда ҳар куни оз-оздан овқат бериб турди, у ҳам тамом бўлди, энди киши бошига биттадан хурмо тегадирган бўлди. Мен: «Битта хурмо нима бўлади?» — дердим. Бу ҳам тугагандан кейин, қаттиқ кийналдик, ниҳоят денгиз соҳилига етдик. Қарасак, рўпарамизда тоғдай бир наҳанг турибди. Унинг гўштини ўн саккиз кун едик. Кейин, Абу Убайда наҳангнинг иккита қовурғасини олиб келиб ерга санчиб қўйишни буюрди. Улар орасидан туя етаклаб ўтишган эрди, туянинг бўйи пастлик қилди».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулуллоҳ бизни Абу Убайда ибн Жарроҳ бошчилигидаги уч юз киши бирлан бирга Қурайш карвонини қўлга тушириш учун юбордилар. Биз соҳилда ярим ой пойлаб турдик, егуликларимиз тугаб қаттиқ оч қолдик, ҳатто дарахт япроқларини ҳам едик. Шунинг учун бу лашкар «Жайшулхабт» яъни «Барг лашкари» деб аталди. Кейин, денгиз тўлқинлари анбар деган бир ҳайвонни соҳилга чиқариб ташлади, унинг гўштини ярим ой едик, ёғи бирлан баданларимизни мойладик, шундагина ўз аслимизга қайт-дик. Абу Убайда бу ҳайвоннинг иккита қовурғасини олди-да, уни тик қилиб ерга ўрнатди, унинг орасидан одам ҳам, туя ҳам ўтди, лекин бўйи пастлик қилди. Қавмдан бир киши учта туя сўйди, кейин яна учта туя сўйди, ундан кейин яна учта туя сўйди, кейин Абу Убайда туя сўймоқни манъ қилди. Қайс ибн Саъд ушбу воқеа ҳақида отасидан сўраганда, отаси: «Мен шу лашкар ичида бор эрдим, менга: «Сўй!» — дейишди, сўйдим. Кейин, яна оч қолишди, яна «Сўй!» — дейишди, яна сўйдим, кейин, яна оч қолишди, яна «Сўй!» — дейишди, яна сўйдим. Ундан кейин, яна оч қолишиб, «Сўй!» — дейишиб эрди, Абу Убайда тарафларидан манъ этилдим», — деди».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Хабт лашкари бирлан ғазотда бўлдик, Абу Убайда амиримиз эрди. Қаттиқ оч қолдик Денгиз тўлқинлари ўлик наҳангни олдимизга чиқариб ташлади, бунақа катта балиқни умримизда кўрмаган эрдик. Унинг номи анбар эрди. Бу балиқнинг гўштини ярим ой едик. Абу Убайда унинг икки суягидан олиб, ерга тик ўрнатди, орасидан ўтган отлиқнинг бўйи пастлик қилди. (Абу Зубайрнинг Жобирдан эшитиб хабар беришига қараганда, наҳангни ейишга Абу Убайда буюрган). Мадинага келганимиздан кейин, пайгамбаримизга бу ҳақда гапирган эрдик, ул зот: «Оллоҳ таоло (денгиздан) ризқ қилиб чиқариб берган нарсани енглар, агар олиб келган бўлсангизлар, бизга ҳам егизинглар!» — дедилар. Баъзи саҳобалар олиб келишган эрканлар, Жаноб Расулуллоҳ ундан тановул қилдилар».

Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг ҳижратнинг тўққизинчи йили одамлар бирлан бирга ҳаж қилганлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ Абу Бакр Сиддик разияллоҳу анҳуни Ҳажжат ул-Видоъдан илгари бир жамоага бош қилиб ҳажга юбордилар. Шу ҳажда одамларга «Бу йилдан кейинги йилда бирор мушрик ҳаж қилмайди, яланғоч одам тавофи Байтуллоҳ қилмайди!» деб эълон қилинди

Барро разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Тўлиқ нозил қилинган энг охирги сура «Бароат» сурасидур, Қуръоннинг энг охирги нозил қилинган ояти эрса «Нисо» сурасининг хотимаси — «Ястафтунака, қулиллоҳу йуфтийкум филкалолати»дир. Мазмуни: «Эй

Муҳаммад, сиздан фатво сўрайдилар, айтинг уларга «Оллоҳ сизларга бефарзанд ўтган кишидан қолган мерос ҳақида фатво беради» деб».

Бану Тамим қабиласининг вакиллари ҳақида

Имрон ибн Ҳусайн бундай дейдилар: «Расулуллоҳнинг ҳузурларига Бану Тамим қабиласидан вакиллар келишди.

Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Башоратни қабул қилингизлар!» — дедилар. Улар: «Башорат қилдингиз, энди нақдини берингиз!» — дейишди. Бу гапдан Расулуллоҳнинг ранжиганлари юзларидан сезилди. Кейин, Ямандан вакиллар келишди. Расулуллоҳ: «Башоратни қабул қилингизлар, уни Бану Тамим қабул қилмади!» — дедилар. Яманликлар: «Ё Расулаллоҳ, қабул қилдик!» — дейишди».

62- боб. Уяйна ибн Ҳисн ғазоти ҳақида

«Пайғамбар алайҳиссалом Уяйна ибн Ҳиснни Бану Тамимга юбордилар. Уяйна бу қабилани ғорат қилиб, бир қанча эркак ва аёлларни асир қилиб олиб келди», — дейдилар Ибн Исҳоқ.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Бану Тамимни Жаноб Расулуллоҳнинг улар хусусида айтган қуйидаги уч гапларидан сўнг, абадул-абад яхши кўриб қолдим, ул зот Бану Тамим ҳақида: 1) «Улар Дажжолга қарши курашувчи энг собит умматимдур!» — дегандилар. 2) Бану тамимлик бир жория Оиша онамизнинг хизматларини қилиб юрар эрди. Шунда ул зот: «Буни озод қилгил, чунки бу Исмоил алайҳиссаломнинг авлодларидандур!» — дегандилар. 3) Бану Тамимдан закот йиғиб келинганда, Жаноб Расулуллоҳ: «Бу менинг қавмимдан йиғиб келинган закотдур!» — деб айтгандилар».

Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг хабар беришларига кўра, бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига Бану Тамимдан отликлар келибди. Шунда Абу Бакр разияллоҳу анҳу Жаноб Расулуллоҳга: «Бану Тамимга Ал-Қаъқоъ ибн Муаббад ибн Зурорани амир қилиб тайинлангиз!» — дебдилар. Ҳазрат Умар эрсалар: «Унга Ал-Акраъ ибн Ҳобисни амир қилиб тайинлангиз!» — дебдилар. Абу Бакр аччиғланиб: «Доимо менга қарши гап қилурсан!» — дебдилар. Ҳазрат Умар эрсалар: «Мен сизга қарши гапирмоқчи эрмасдим!» — дебдилар. Икковлари баланд овоз бирлаи ўзаро гап талашибди. Шу аснода Жаноб Расулуллоҳга қуйидаги ояти карима нозил бўлибди: «Эй мўминлар! Оллоҳ таоло ва унинг расули ҳузурида қуюшқондан чиқмангизлар, Оллоҳдан кўрқингизлар! Албатта, Оллоҳ таоло эшитувчи, билувчидур! Эй мўминлар! Овозларингизни пайғамбар овозидан баланд кўтармангизлар ва бир-бирларингизга баланд овоз бирлан гапирганингиз каби пайғамбарга гапир-мангизлар, ўзларингиз сезмаганингиз ҳолда қилган амали солиҳларингиз ҳабата бўлиши мумкин!».

63-боб. Абдулқайс вакиллари ҳақида

Абу Жамра ривоят қиладилар: «Мен Ибн Аббосга: «Менда бир идиш бор, шу идишда набиз қилиб, ширинлик ўрнида ичиб юраман. Агар ўша ичимликдан кўпроқ ичиб қўйиб, қавм ҳузурига келиб ўлтирсам-у, ўлтириш чўзилиб кетса, шарманда бўлиб қолишдан чўчийман», — дедим. Ибн Аббос бундай деди: «Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига Абдулқайс қабиласи вакиллари келишган эрди. Пайғамбаримиз уларни «Хуш келибсизлар, тортинмай-нетмай келаверингизлар!» деб қарши олдилар. Улар Расулуллоҳга: «Эй Оллоҳнинг расули! Биз бирлан Музар мушриклари ўртасида душманлик бор, шу сабабли сизнинг ҳузурингизга фақат уруш манъ қилинган ойлардагина кела оламиз. Бизга бир иш буюринг-ки, биз уни адо этиб жаннатга қирайлик ва ортимиздагиларни ҳам шунга даъват қилайлик!» — дейишди. Расулуллоҳ: «Сизларни тўрт нарсага буюриб, тўрт нарсдан қайтараман: аввало Оллоҳга иймон келтирингизлар,

Оллоҳга иймон келтириш нелигини билурмисизлар? Бу—«Ло илоҳа иллаллоҳу» деб шаҳодат келтиришдур. Кейин, намоз ўқингизлар, закот берингизлар, рамазонда рўза тутингизлар, жиходда олинган ўлжаларнинг бешдан бирини берингизлар! Тўрт нарса — дуббо, нақир, хинтам ва музафтда набиз тайёрлаб ичмангизлар!»—дедилар.

Бу ердаги ҳадис такроран келтирилган.

Ибн Аббоснинг мавлолари Қурайб ривоят қиладилар: «Ибн Аббос, Абдурраҳмон ибн Азҳар, Мисвар ибн Махрамалар мени Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларига юбораётиб: «Оишага ҳаммамиздан салом айтгил, кейин «Сиз асрдан кейин икки рақъат намоз ўқир эркансиз, Расулуллоҳ асрдан кейин намоз ўқишни манъ этганлар, деб эшитганмиз. Ибн Аббос: «Мен ва Ҳазрат Умар одамларни асрдан кейин икки рақъат намоз ўқишдан қайтарар эрдик»,— дейдилар, бунга нима дейсиз?» деб сўрагил!»—дейишди. Мен Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларига кириб шу гапни айтдим. Оиша онамиз: «Умму Саламадан сўрагил!» — дедилар. Кейин, Умму Саламанинг ҳузурларига бордим. Умму Салама: «Мен ҳам Жаноб Расулуллоҳнинг асрдан кейин икки рақъат намоз ўқишни манъ этганларини эшитган эрдим. Бир куни аср намозини ўқидилар-да, менинг олдимга кирдилар. Ҳузуримда ансорийларнинг Бану Ҳаром қабиласидан келган аёллар ўлтиришган эрди. Яна икки рақъат намоз ўқидилар. Мен хизматкорга: «Расулуллоҳнинг ёнларига боргин-да: «Ё Расулаллоҳ, Умму Салама «Асрдан кейин икки рақъат намоз ўқишни манъ этганингизни эшитган эрдим-ку?! Нега энди ўзингиз ўқиётирсиз?» деб айтяптилар»,— дегин, агар қўллари бирлан ишора қилсалар, четга чиқиб тур!» — дедим. Хизматкор аёл айтганимни қилди, Расулуллоҳ қўллари бирлан ишора қилиб эрдилар, четга чиқиб турди. Намозни ўқиб бўлганларидан сўнг «Эй Абу Умайянинг қизи, сен икки рақъат ҳақида сўрадинг. Ҳузуримизга Абдулқайс қабиласи вакиллари исломга кирганликлари ҳақида хабар олиб келишган эрди. Шунинг учун мен пешиндан кейинги икки рақъатни ўқиёлмай қолган эрдим. Ҳозир ўшанинг қазосини ўқидим»— деб жавоб бердилар»

Ибн Аббос «Пайғамбар алайҳиссаломнинг масжидларида ўқилган жумъадан кейинги биринчи жумъа Жувосодаги Абдулқайс масжидида ўқилди, Жувосо Баҳрайннинг бир қишлоғидур»,— дейдилар

64- боб Бану Ҳунайфа вакиллари ва Самома ибн Усол ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом Нажд тарафга отликларни юбордилар. Улар Бану Ҳунайфа қабиласидан Самома ибн Усол исмли кишини тутиб келишиб, масжид устунларидан бирига боғлаб қўйишди, Расулуллоҳ унинг олдида бориб «Эй Самома, дилингда нима гап бор?»— дедилар. Самома «Ё Муҳаммад, дилимда яхшилик мавжуд, агар ўлдирсангиз, бир тирик одамни ўлдирасиз, агар яхшилик қилсангиз, яхшиликни биладирган одамга яхшилик қилган бўласиз, башарти мол-дунё истасангиз, хоҳлаганингизча сўрангиз!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ эртанги кун келгунча уни ўз ҳолига қўйдилар. Эртасига яна «Эй Самома, дилингдагини айт!»—дедилар. Самома «Яна ўша гап, агар яхшилик қилсангиз, яхшиликка яхшилик қайтарадирган одамга яхшилик қилган бўласиз!»— деди. Жаноб Расулуллоҳ уни яна ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Эртасига яна «Эй Самома, дилингдагини айт!» — дедилар. У «Яна ўша гап!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Самомани қўйиб юборингизлар!» — дедилар, уни қўйиб юборишди. Самома масжид яқинидаги хурмозорга кириб ғул қилди-да, масжидга қайтиб кирди, сўнг «Ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳу ва-шҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳи» деб иймон келтирди, кейин «Ё Муҳаммад! Оллоҳ таоло ҳақи, ер юзида менга сизнинг юзингиздан кўра ёмонроқ кўринадирган юз йўқ эрди, энди бўлса сизнинг юзингиз мен энг яхши кўрган юзга айланди. Мен учун сизнинг динингиздан кўра ёмонроқ дин йўқ эрди, энди бўлса мен учун сизнинг динингиз энг яхши динга айланди. Оллоҳ таоло ҳақи, сизнинг шаҳарингиз менинг энг ёмон кўрган шаҳарим эрди, энди бўлса шаҳарингиз менинг учун энг яхши шаҳарга айланди. Мен умра қилмоқчи бўлиб чиққан эрдим, отликларингиз

ушлаб келишди, энди нима қилайин?»—деди. Расулуллоҳ уни хушнуд қилиб, умра қилишни амр қилдилар. Самома Маккага келганда унга бир киши «Диндан қайтган?»—деди. Самома «Худо ҳақи, ундай эрмас, мен Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларида мусулмон бўлдим. Оллоҳ таолога қасамёд қилурманки, энди ул зотнинг ижозатларисиз сизларга Ямомадан бир дона буғдой дони ҳам келмагай!»—деди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Расулуллоҳ замонларида Мусайлама ал-Каззоб деган одам пайдо бўлиб: «Агар Муҳаммад ўзидан кейин пайғамбарликни менга берса, унга эргашаман»,— дерди. Мусайлама ўз қавмига мансуб бир тўда кишилар бирлан бирга Мадинага келди. Жаноб Расулуллоҳ Собит ибн Қайс ибн Шаммосни ёнларига олиб, унинг олдига бордилар, кўлларида бир хурмо шохчаси бор эрди. Ул зот гумашталари даврасида ўлтирган Мусайлама ал-Каззобнинг рўпарасига келиб тўхтадилар-да, унга «Агар сен мана шу куруқ шохчани сўрасанг ҳам сенга бермагайман, сен ҳаргиз душманлик қилолмагайсан, Оллоҳ таоло сенинг ҳақингда ҳукм чиқариб қўйгандур. Агар ҳақдан юз ўгирсанг, Оллоҳ таоло сени албатта ҳалок қилгай! Сенинг ҳақингда тушимда аён қилинган Бошқа гапларга эрса менинг номимдан мана бу Собит жавоб қилгай»,— деб қайтиб кетдилар. Кейин, мен Жаноб Расулуллоҳнинг «Сенинг ҳақингда тушимда аён қилинган» деган гапларининг маъносини сўрадим, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу менга бундай дедилар. «Мен ухлаб ётган эрдим,— деб эрдилар Жаноб Расулуллоҳ,— тушимда кўлимда икки олтин билагузук кўрдим, уларнинг чиройи диққатимни тортди. Шунда Оллоҳ таоло менга уйқумда ваҳий юбориб «Икковини пуфлаб юборингиз!» — деди. Мен иккаласини пуфлаб юбордим. Мен бу тушумни «Ўзимдан кейин икки одам пайғамбарлик даъвосини қилиб чиқади, бири — Ал-Анасий, иккинчиси — Мусайлама» деб таъбир қилдим»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дер эрдилар: «Расулуллоҳ «Мен уйқуда эрдим, тушимда ернинг барча хазиначилари менга келтирилди. Кейин, кафтимга иккита билагузук қўйилди, иккови ҳам оғир кўринди. Сўнг, менга «Икковини пуфлаб юборингиз!» деб ваҳий қилинди. Мен икковини пуфлаган эрдим, кўлимдан учиб кетди. Мен ўша икки билагузукни рўпарамда турган манави икки каззоб — Санъо соҳиби ва Ямома соҳиби, деб таъбир қилдим»,— дедилар».

Абу Раҷо ал-Аторудий бундай дейдилар: «Бизлар тошга ибодат қилардик, агар яхшироқ тошни топсак, аввалгисини Улоқтириб, бошқасини олардик. Агар тош тополмасак, тупроқни тўплаб, унга бир қўйни олиб келиб сутини соғардик, кейин унинг атрофида тавоф қилардик. Ражаб ойи кириши бирлан найза борми, камон ўқи борми, барча тигларни қолдирмай, ташлаб қўярдик. Расулуллоҳ пайғамбар бўлган кунларда мен қавмимнинг туяларини боқиб юрадирган бир ёш бола эрдим. Ўшанда пайғамбар чиққанлигини эшитиб, жаҳаннамга, яъни Мусайлама ал-Каззоб томонга қочганмиз».

Ал-Асвад ал-Анасий қиссаси Бу ерда юқоридаги ҳадислар такроран келтирилган.

Ақли Нажрон қиссаси.

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Нажроннинг икки соҳиби — Оқиб ва Саййид Расулуллоҳнинг хузурларига мулоана қилишмоққа (ҳар бири ўзининг ҳақ эрканлигини айтиб, ўзаро бир-бирини лаънатламоққа) келиб, бири иккинчисига: «Бундай қилмайлик, агар у ҳақ пайғамбар бўлса-ю, мулоана қилишсак, нажот топмагаймиз ҳам, бизни биров оқламагай ҳам!» — деди. Кейин, улар Жаноб Расулуллоҳга: «Сиз нима сўрасангиз, берайлик, лекин сиз биз бирлан бирга бир ишончли кишини жўнатсан-гиз!»,— дейишди. Ул зот: «Сизлар бирлан бирга энг ишончли одамни жўнатаман»,— дедилар-да, асҳобларини бирма-бир назардан ўтказгач: «Эй Абу Убайда ибн Жарроҳ, турингиз ўрнингиздан!» — дедилар, Абу Убайда турганларидан сўнг: «Мана шу одам бутун умматнинг ишончли вакили»,— дедилар».

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Нажрон ақли Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб: «Бизнинг қавмимизга бир ишончли кишини жўнатсангиз!» — дейишди. Ул зот: «Қавмингизга энг ишончли одамни жўнатгайман»,— дедилар. Шунда барча саҳобалар «Мени юборсалар керак» деб умид қилишди. Лекин, Жаноб Расулуллоҳ

Абу Убайда ибн ал-Жарроҳни жўнатдилар».

Анас разияллоҳу анҳу: «Ҳар бир умматнинг ишончли вакили бўлмай, бу умматнинг ишончли вакили Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ разияллоҳу анҳудир»,— дейдилар.

Уммон ва Баҳрайн киссаси

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Менга Расулуллоҳ: «Агар Баҳрайдан мол келса, сенга шунча ва шунча берардим!» — деб уч бор айтиб эрдилар.

Лекин, Баҳрайдан мол етиб келмасдан туриб вафот этиб қолдилар. Жаноб Расулуллоҳдан сўнг, Абу Бакр халифа бўлдилар, мол шу кишининг даврида етиб келди. Абу Бакр бир киши орқали: «Жаноб Расулуллоҳ кимга шу молдан бераман, деб ваъда қилган бўлсалар, ҳузуримга келсин!» — деб эълон қилдилар. Шунда мен Абу Бакрнинг ҳузурларига келиб: «Жаноб Расулуллоҳ менга: «Агар Баҳрайдан мол келса, сенга шунча ва шунча бергайман, деб уч бор айтган эрдилар»,— дедим. Абу Бакр Жаноб Расулуллоҳ ваъда қилганларича мол бердилар. Кейин, бир мунча вақт ўтгач, Абу Бакр Сиддиқдан ўша молдан яна берингиз, деб уч бор сўрадим, бермадилар. Мен хафа бўлиб у кишига: «Ҳузурингизга уч марта келдим, лекин мол бермадингиз, менга мол берасизми ўзи ёки менга бахиллик қилаётирсизми?» — дедим. Абу Бакр: «Менга бахиллик қилаётирсизми, дединг-а?! Бахилликдан ёмонроқ нарса борми? — деб уч бор айтдилар, сўнг: «Сенга неча марта мол бермаган бўлсам, ҳаммасини олавер!»—дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ бундай дейдилар: «Мен Абу Бакрнинг ҳузурларига келиб мол сўрадим, у киши менга: «Сана!» — дедилар, мен санаб кўрсам, беш юзта эркан, «Ҳаммасини ола қол!»—дедилар».

65- боб. Ашъарийлар ва аҳли Яманнинг (Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига) келиши ҳақида

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу Пайгамбар алайҳиссалом ҳақларида ривоят қилатуриб: «Ул зот «Ашъарийлар мендан, мен эрсам уларданман» деб айтганлар»,— дейдилар.

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Мен акам бирлан бирга Ямандан келиб, (Жаноб Расулуллоҳнинг хонадонларида) анча турдик. Шунда Ибн Масъуд ва унинг онаси бирлан Расулуллоҳнинг хонадон аъзолари ўртасида кўп кирдичикди бўлиб турганигини ҳамда ул зотнинг уларга эҳтиёллари борлигини кўриб, улар ҳам пайгамбаримизнинг хонадон аъзоларидан, деб фикр қилдик».

Заҳдам ривоят қиладилар: «Абу Мусо Яманга келганда Жарм қабиласи унга иззат-ҳурмат кўрсатди. Биз Абу Мусонинг олдида ўлтирган эрдик, у товук гўшти тановул қилаётиб бир кишини таомга таклиф қилди. Лекин, у «Мен товукнинг ифлос нарса еганини кўрганман» деб унамади. Шунда Абу Мусо: «Мен Расулуллоҳнинг ҳам товук гўшти еганларини кўрганман» — деб уни яна дастурхонга таклиф қилди. «Мен буни ҳеч қачон емагайман!» деб қасам ичганман»,— деди у. Шунда Абу Мусо: «Бу ёққа келгил, қасам ҳақида сенга бир ривоятни айтиб берайин, воқеа бундай бўлганди», — деди: «Биз бир неча ашъарийлар Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бордик-да, у кишидан улов сўрадик. Жаноб Расулуллоҳ улов бера олмасликларини айтдилар. Биз яна сўрадик, шунда ул зот: «Оллоҳ ҳақи, сизларга улов бера олмайман!» — деб қасам ичдилар. Шу аснода бир неча туяларни етаклаб келиб қолишди. Жаноб Расулуллоҳ улардан бештасини бизга бермоқни амр қилдилар. Биз туяларни олгач: «Жаноб Расулуллоҳни ғафлатда қолдирдик, бизни деб қасам ичганларини унутиб қўйдилар, энди биз сира ҳам нажот топмагаймиз!» — дедик. Сўнг, мен ул зотнинг қошларига бориб: «Ё Расулаллоҳ, сиз бизга улов йўқ, деб қасам ичган эрдингиз, лекин кейин улов бердингиз-ку?!»—дедим. Расулуллоҳ: «Ҳа, тўғри, лекин мен токим аввалги қасамимни каффоратини бериб ҳалоллаб олмагунимча, бирор бошқа қасамни афзал кўрсам, қасам устига қасам ичмагайман!» — дедилар».

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Расулуллоҳнинг ҳузурларига Бану Тамим аҳли келди. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Бану Тамим, башоратни қабул қилингизлар!» —

дедилар. Бану Тамим аҳли: «Нима ҳақда башорат қилган бўлсангиз, ўшанинг ўзини берингиз!» — деди. Бу гапдан ул зотнинг юзлари ўзгариб кетди. Кейин, яманликлар кириб келди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Бану Тамим аҳли қабул қилмаган башоратни қабул қилингизлар!» — дедилар. Яманликлар: «Ё Расулаллоҳ, қабул қилдик!» — деб жавоб қилишди».

Абу Масъуддан нақл қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом «Иймон ўша ерда!» деб Яман тарафга ишора қилдилар-да: «Жафо ва бераҳмлик шайтоннинг икки шохи чиқадирган тарафда, (шарқда) яшайдирган, туяларнинг кетидан қолмайдирган бақирокларда, яъни Рабийъа ва Музар қабилаларидадур»,--дедилар.

Абу Хурайра разияллоу анху бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Яман аҳли ҳузурингизга келди, уларнинг диллари юмшоқ, қалблари мулойимдур. Мустаҳкам иймон ҳам, мукамал ҳикмат ҳам Ямандадур, такаббурлик ва худбинлик эрса туя асҳобларида, босиқлик ва виқор эрса кўй аҳлларидадур», — дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Иймон Яманда, фитна эрса мана бу ёқда бўлиб, у ердан шайтоннинг шохи чиқади», — дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Расулulloҳ: «Ҳузурингизга Яман аҳли келди. Уларнинг диллари нозик, қалблари мулойим бўлиб, фикҳ ҳам, ҳикмат ҳам Ямандадур», — дедилар».

Алқамадан нақл қилинади: «Биз Ибн Масъуд бирлан бирга ўлтирган эрдик, Хаббоб келиб Ибн Масъуддан: «Эй Абдуррахмоннинг отаси, бу йигитлар ҳам сиз қироат қилгандек қироат қила олгайларми?» — деб сўради. Ибн Масъуд: «Агар хоҳласангиз, бирортасига буюраман, сизга қироат қилиб беради», — дедилар. Хаббоб розилик билдирганларидан сўнг, Ибн Масъуд: «Эй Алқама, ўқи!» — деб буюрдилар. Шу ерда ўлтирганлардан бири — Зайд ибн Худайр эътироз билдириб: «Алқамага қироат қилишни буюраётирсиз, аммо шерикларимиз ичида менинг қироатим яхшироқ эрмасми?» — деди. Ибн Масъуд унга: «Агар хоҳласанг, Расулulloҳнинг унинг қавми ҳақида нима деганлари бирлан сенинг қавминг ҳақида нима деганларини айтиб бераман», — дедилар. Кейин, мен «Марям» сурасидан эллик оятни ўқиб бердим. Ибн Масъуд: «Қироати қандай, ёқдими?» — деб сўрадилар. Хаббоб: «Қироатни жуда боплади!» — деб хурсандлик изҳор этди. Ибн Масъуд ҳам фахрланиб: «Мен нимани қироат қилсам, бу ҳам ўшани қироат қилади», — дедилар, кейин Хаббобга қараб унинг кўлидаги тилло узукни кўриб қолдилар-да: «Бу узукни ташлаб юбориш вақти келмадими?» — деб сўрадилар. Хаббоб: «Бугундан кейин бу узукни менинг кўлимда кўрмайсиз» — деб бармоқларидан чиқариб отиб юбордилар».

Давс ва Туфайл ибн Амр ад-Давсий қиссаси

Абу Хурайра разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Туфайл ибн Амр Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб: «Давс қабиласи энди ҳалок бўлди, осийлик қилиб бу ерга келишдан бош тортди, Оллоҳ таолога илтижо қилиб уларни дуои бад қилингиз!» — деди. Расулulloҳ аксинча: «Эй Оллоҳ, Давсни Хидоят қилгин, ҳузуримизга келишга дилларини мойил қилгин!» — деб дуои хайр қилдилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келаётиб қуйидаги байтни айтдим:

Узайдинг қанчалар, эй тун, қилиб, менга машаққатлар, Ва лекин, мен куфур исканжасига тушмасам, бас!» Кейин, қарасам, қулим йўқ, орқада қолиб кетибди. Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб, ул зотга байъат қилаётган эрдим, ичкаридан қулим чиқиб келди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Абу Хурайра, мана қулинг!» — дедилар. Мен дархол: «Уни Оллоҳ ризолиги учун озод қилдим!» — дедим».

66- боб Тай қабиласи вакиллари қиссаси ва Адий ; ибн Ҳотим ҳақидаги ҳадис

Адий ибн Ҳотим ривоят қиладилар «Биз Тай қабиласи вакиллари Ҳазрат Умарнинг хузурларига келдик Шунда Ҳазрат Умар ҳар бир қабила вакилини бирма-бир номини айтиб чақирдилар. Мен Ҳазрат Умарга «Эй мўминлар амири, мени танимаётирсизми?»— дедим. Ҳазрат Умар «Ҳа, танидим. Сен буларнинг кофирлик вақтида мусулмон бўлгансан, булар исломдан юз ўгирганларида сен исломга киргансан, булар хиёнат қилганларида сен вафо қилгансан, булар тан олмаганларида сен тан олгансан!» — дедилар. Мен «Ундок эрса сиздан хафа бўлмагайман!» — дедим».

67- боб Ҳажжат ул-Видоъ (Хайрлашув ҳажи) ҳақида

Ошиа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз Ҳажжат ул-Видоъда Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга йўлга чиқдик. Ҳаммамиз умрага эҳром боғладик. Кейин, Расулуллоҳ «Кимки жонлиғ олиб келган бўлса, умра бирлан ҳажга эҳром боғласин, икковини адо қилмагунча эҳромдан чиқмасин!» — деб буюрдилар. Мен Расулуллоҳ бирлан бирга Маккага келдим, ҳайз кўрганим учун Байтуллоҳни тавоф қилолмадим, Сафо ва Марва ўртасида саъй ҳам қилолмадим. Расулуллоҳга бу ҳақда шикоят қилган эрдим, ул зот менга «Сочингни ёйиб тарагин-да, умра ўрнига ҳажга эҳром боғлагин!»— деб буюрдилар. Мен айтганларидек қилдим. Ҳажни адо қилганимиздан кейин, ул зот мени (укам) Абдурахмон ибн Абу Бакр бирлан бирга Танъимга жўнатдилар, мен у ерда умра қилдим. Расулуллоҳ: «Мана шу қазо бўлган умранг ўрнига»,— дедилар. Умрага эҳром боғлаган бошқа кишилар эрса Байтуллоҳни тавоф қилиб, Сафо бирлан Марва орасида саъй қилишди, кейин эҳромларини ечишди. Ҳаждан сўнг, Минодан қайтганларидан кейин, яна қайта Байтуллоҳни тавоф қилиб, ҳажни якунлашди. Аммо, бирваракайига ҳаж ҳам умрага ният қилганлар Байтуллоҳни бир марта тавоф қилишди».

Ато ибн Абу Рабоҳ разияллоҳу анҳу Ибн Аббос разияллоҳу анҳунинг Байтуллоҳни тавоф қилгач, эҳромдан чиққанларини ривоят қилибдилар. Ибн Журайж: «Ибн Аббос нимага асосланиб шундай қилди эркан?» — деб Атодан сўрабдилар, у киши: «Ибн Аббос Қуръони Каримнинг «Сумма маҳиллуҳо илал-байтил-атик», яъни «Эҳромли кишининг эҳромдан чиқадирган жойи улуғ Каъбадур» деган ояти мазмунига ва Расулуллоҳнинг Ҳажжат ул-Видоъда тавофдан кейин эҳромдан чиқишни амр қилганларига асосланган»,— деб жавоб берибдилар: «Эҳтимол, тавофдан кейин (Арафада вукуф қилгандан кейин) бу мумкин бўлар?»—деб сўраганларида, Ато: «Ибн Аббос буни Арафадан олдин ҳам, кейин ҳам мумкин деб ҳисоблар эрди»,— деб жавоб берибдилар.

Абу Мусо ал-Ашъарии бундай дейдилар: «Мен Пайғамбар алайҳиссаломга Батҳо деган жойда етиб олдим. Расулуллоҳ «Ҳажга ният қилдингми?»—деб сўрадилар. Мен «Ҳа»,— дедим. «Нима деб эҳром боғладинг?»—дедилар. Мен: «Расулуллоҳ нима деб эҳром боғлаган бўлсалар, мен ҳам шундай деб эҳром боғладим»,— дедим. Расулуллоҳ: «Ундай эрса, Байтуллоҳни тавоф қилгил, Сафо бирлан Марва оралиғида саъй қилгил, кейин эҳромингни ечгил!» — дедилар. Мен тавоф қилиб, Сафо бирлан Марва оралиғида саъй қилдим, кейин Қайс қабиласидан бир аёл бошимни боқиб, битларини тозалаб кўйди».

Пайғамбар алайҳиссаломнинг жуфти ҳалоллари Ҳафса разияллоҳу анҳонинг айтишларига қараганда, Расулуллоҳ Ҳажжат ул-Видоъ йили (тавоф ва Арафа вукуфидан кейин) ҳамма хотинларига эҳромдан чиқишни буюрибдилар. Шунда Ҳафса онамиз «Ўзингизнинг эҳромдан чиқмоғингизга нима монъелик қилаётир?» — деб сўраганларида, ул зот «Сочимни ёпиштириб олганман, туямга қурбонлик аломатини осиб кўйганман, уни сўймасдан туриб эҳромимни еча олмайман»,— деб айтибдилар.

Ибн Аббос ривоят қиладилар «Ҳажжат ул-Видоъда Расулуллоҳдан Хасъам қабиласидан бўлган бир аёл фатво сўради. Шунда Фазл ибн Аббос Жаноб Расулуллоҳнинг туяларига мингашиб олган эрди. Аёл «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолонинг ҳажни фарз қилган вақти отамнинг кексайиб туяда ўлтиролмайдирган бўлиб колган пайтларига тўғри келиб колди, мен у кишининг ўринларига ҳаж қилсам бўлурми?» — деди. Расулуллоҳ «Албатта,

бўлур!» — дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ Фатҳ йили Маккага кириб келдилар. Қасво номли туяларига Усомани мингаштириб олган эрдилар, Билол, Усмон, Ибн Талҳа ҳам бирга келишаётган эрди. Туя Байтуллоҳнинг ёнгинасида чўктирилди. Расулуллоҳ Усмонга калитни келтиришни буюрдилар. Байтуллоҳнинг эшиги очилиб, Расулуллоҳ Усома, Билол ва Усмон бирлан биргаликда ичкарига кирдилар. Эшикни ичкарисидан беркитиб олишиб, узоқ муддат туришди Кейин, Жаноб Расулуллоҳ чикдилар, одамлар шошилиб ичкарига киришди. Мен ҳаммадан олдин кирдим-да, эшик орқасида турган Билолдан: «Расулуллоҳ қаерда намоз ўқидилар?»—деб сўрадим. Билол «Расулуллоҳ олдинги мана бу икки устун ўртасида, орқаларини эшикка, юзларини эрса эшик рўпарасидаги деворга қаратиб намоз ўқидилар»,— деди. Байтуллоҳнинг ичида олтига устун бор эрди. Ўшанда мен Билолдан ул зотнинг қанча намоз ўқиганларини сўрашни унутибман. Жаноб Расулуллоҳнинг ўша намоз ўқиган жойларига қизил мрамар ётқизиблиб белгилаб қўйилган».

Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжалари Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Ҳажжат ул-Видоъда ул зотнинг бошқа хотинлари Сафийя бинти Ҳуяй ҳайз кўриб қолди. Расулуллоҳ: «Сафийя бизни йўлдан қолдирадиган бўлди-да!» —дедилар. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ! Сафийя Арафа вуқуфидан кейин Байтуллоҳни тавоф қилган»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ундоқ бўлса, ҳечқиси йўқ!» —дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Биз Ҳажжат ул-Видоъда суҳбатлашиб ўлтирар эрдик, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам орамизда эрдилар, аммо Ҳажжат ул-Видоънинг ўзи нима эрканлигини билмас эрдик. Жаноб Расулуллоҳ минбарга чиқиб, Оллоҳ таолога ҳамду сано айтдилар, кейин Масих Дажжол ҳақида узоқ гапириб, сўнг: «Оллоҳ таоло қайси пайғамбарни юбормасин, у ўз умматини Дажжолдан эҳтиёт бўлмоққа чорлаган. Нуҳ ҳам, ундан кейинги пайғамбарлар ҳам ўз умматларини огоҳлантирганлар. Дажжол сизларнинг орангиздан чиқади. Унинг ҳақидаги гапларни билиб қўймогингиз лозим. Раббингиз, такрор айтаман, раббингиз бир кўзи кўр эрмас, Дажжолнинг эрса ўнг кўзи кўр бўлиб, сўлинқираган узум донаси кабидир. Огоҳ бўлингизларки, Оллоҳ таоло бугунги кунни, ушбу шаҳарни ва ушбу ойни муқаддас қилгани янглиғ бир-бирларингизнинг қонингизни тўкмоғингизни, мол-мулкингизга кўз олайтирмоғингизни ҳаром қилди, буни тушунтира олдими?» — дедилар. Саҳобалар: «Ҳа, тушунтира олдирми!»— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ яна гапларида давом этиб: «Эй Оллоҳ, гувоҳ бўл, эй Оллоҳ гувоҳ бўл, эй Оллоҳ гувоҳ бўл! Билиб қўйингизлар, мендан кейин бир-бирингизнинг бўйнин-гизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангизлар!» — дедилар». Зайд *ибн Арқам:* «Пайғамбар алайҳиссалом ўн тўққиз марта ғазот қилганлар. Ҳижратдан кейин, Ҳажжат ул-Видоъ йили бир марта ҳаж қилганлар, бошқа ҳаж қилмаганлар»,—дейдилар.

Жаррир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Ҳажжат ул-Видоъда менга одамларни тинчлантиришни буюрдилар-да: «Мендан кейин бир-бирингизнинг бўйнингизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангизлар!» — дедилар».

Ибн Абу Бакра ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Ҳажжат ул-Видоъда: «Замон Оллоҳ таоло еру осмонларни яратган кундагидек айланиб турибди. Йил ўн икки ойдан иборат бўлиб, шундан тўрт ойи муқаддас ойлардур. Учтаси кетма-кет: Зулқайда, Зулҳижжа, Муҳаррам, тўртинчиси эрса Жумод ва Шаббон ойларининг ўртасига жойлашган Ражаб — Музар ойдур»,— дедилар, сўнг: «Ҳозир қайси ой?» —деб сўрадилар. «Оллоҳ ва унинг расули билувчироқ!» — дедик. Шунда Расулуллоҳ сукут қилдилар, биз ҳозирги ойнинг номини бирор бошқа ном бирлан атайдилармикин, деб ўйладик. «Зулҳижжа эрмасми?» — дедилар. Биз: «Ҳа»,— дедик. «Бу қайси шаҳар?» — деб сўрадилар. Биз: «Оллоҳ ва унинг расули билувчироқдур!»—дедик. «Бу муқаддас шаҳар эрмасми?»—дедилар. Биз: «Ҳа, шундоқ!» — дедик. «Бугун қандай кун?» — дедилар. Биз: «Оллоҳ ва унинг расули билувчироқдур!» — дедик. Ул зот бироз сукут қилдилар, биз бу куннинг бирор бошқа номини айтсалар керак, деб хаёл қилдик. «Наҳр куни эрмасми?» — дедилар. Биз: «Ҳа, шундоқ!» — дедик. Шундан сўнг, ул зот: «Мана шул муқаддас ойдаги

кунингиз ва мана шул муқаддас шахрингиз ҳаққи-хурмати, бир-бирингизнинг қонингизни тўкмоқ, мол-мулкингизни таламоқ, ор-номусингизни поймол этмоқ сизлар учун ҳаромдур! Бир куни Оллоҳ таолога рўбарў бўлгайсизлар, ўшанда қилган амалларингиз ҳақида сўрагайдур, мендан кейин бир-бирингизнинг бўғзингизга тиғ урадирган гумроҳ бўлиб кетмангизлар, бу ерда ҳозир бўлганлар, бўлмаганларга гапларимни етказинглар, чунким ўзи эшитган кишидан кўра, бировдан эшитган киши ёдида сақловчанроқ бўлгай!»— дедилар».

Ториқ ибн Шиҳоб ривоят қиладилар: «Яҳудийлардан бири Ҳазрат Умарга: «Агар ўша оят бизга нозил бўлганида эрди, биз ўша кунни байрам қилиб олар эрдик!»—деди. Ҳазрат Умар: «Қайси оят?»—дедилар. «Бугун мен сизларга динингизни мукамал қилиб бердим, неъматларимни бисёр қилдим ва исломнинг сизлар учун дин бўлмоғини ирода қилдим» деган оятдир»,— деди. яҳудий. Ҳазрат Умар: «Бу оятнинг қайси жойда нозил бўлганини аниқ билмайман, лекин у нозил бўлганда Жаноб Расулуллоҳ Арафотда турган эрдилар»,— дедилар».

Ошиа разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Биз Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга йўлга чикдик, баъзимиз умрага ва баъзимиз ҳажга ва яна баъзимиз бирваракайига ҳам умра, ҳам ҳажга талбия айтган эрдик. Жаноб Расулуллоҳ ҳажга талбия айтган эрдилар. Лекин, ҳажга ёки бирваракайига ҳам умра, ҳам ҳажга талбия айтганлар Наҳр кунига қадар эҳромларини ечмадилар».

Омир ибн Саъд оталари ҳақида нақл қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ Ҳажжат ул-Видоъ пайтида мени кўргани кирдилар, мен хасталаниб, ўлим тўшагида ётган эрдим. Шунда ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, ўзингиз кўриб турганингиздек, оғир ётиб қолдим, мен эрсам бадавлат кишиман, биргина қизимдан бўлак меросхўрим йўқ, молимнинг учдан иккисини садақа қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Йўқ»,— дедилар. Мен: «Ярмини садақа қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Йўқ»,— дедилар. Мен: «Ундай эрса учдан бирини садақа қилаверай»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Учдан бир... учдан бир ҳам кўплик қилади, меросхўрингни тиламчи қилиб қолдирганингдан кўра бойроқ қилиб қолдирганинг маъкулроқдур. Оллоҳ таолонинг ризолиги учун қилган ҳар бир садақанг учун ажру савоб олгайсан, ҳаттоки хотинингнинг оғзига солиб қўйган бир лукма таоминг учун ҳам!» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, ўртоқларимдан кейин қолармиканман?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ўртоқларингдан кейин қолиб Оллоҳ таолонинг розилиги учун амали солиҳлар қилолмасанг керак, эҳтимол қоларсан ва сенинг хайрли амалларингдан мусулмонлар наф кўриб, кофирлар зарар топар?! Ё Оллоҳ, саҳобаларимнинг ҳижратларини беҳатар қилиб, ортларига қайтармагайсан!»— дедилар. Аммо, афеуски, Саъд ибн Хавла Маккада вафот этиб қолиб, Жаноб Расулуллоҳ унга кўп ачиндилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳажжат ул-Видоъда сочларини олдирдилар»,— деб айтган эрканлар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъда сочларини олдирдилар, саҳобаларидан айримлари эрса сочларини қисқартиришди. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳунинг айтишича, у эшакка миниб келаётганида Жаноб Расулуллоҳ одамлар бирлан бирга Минода намоз ўқиб турган эрканлар, эшак намозхонлар сафини оралаб ўтиб кетибди. Сўнг, Абдуллоҳ эшакдан тушиб намозхонлар сафига бориб турибди».

68- боб. Табук, яъни Ал-Усра ғазоти ҳақида

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ўртоқларим мени Жаноб Расулуллоҳдан улов сўрамоққа юборишди, ул зо т Ал-Усра кўшини, яъни Табук ғазоти ҳақида ташвишланиб ўлтирган эрканлар. Мен: «Ё Расулаллоҳ! Ўртоқларим мени улов сўраб келгил, деб хузурингизга юборишди»,— дедим. Ул зот: «Оллоҳ таоло ҳақи, бирорта ҳам улов бера олмайман!» — дедилар ғазабланиб, лекин нега ғазабланганларини

билолмадим. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳнинг рад этганларидан хафа бўлиб ҳамда «Ул зот мандан бирор нарса хусусида хафа бўлганмиканлар?» деб хавотир олиб ортимга қайтдим-да, бўлган воқеани уларга сўзлаб бердим. Ҳеч қанча вақт ўтган йўқ эрди, Билолнинг: «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс!»—деб чақирганини эшитиб қолдим. Мен унга: «Ҳа»,— дедим. У: «Жаноб Расулуллоҳ сени чорлаётирлар»,—деди. Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига бориб эрдим, менга: «Манави туяларни ўртоқларингга олиб бор-да, «Буларни Оллоҳ таоло (ёки Расулуллоҳ) миниб кетишингиз учун сизларга берди» деб айтгил, сўнг миниб кетаверингизлар!»— дедилар. Туяларнинг сони олтита бўлиб, уларни ҳозиргина Саъддан сотиб олган эрдилар. Мен туяларни ўртоқларимнинг олдига олиб бордим-да, уларга: «Буларни Жаноб Расулуллоҳ миниб кетишингиз учун сизларга бердилар, лекин мен, худо ҳақи, бирортангизни Жаноб Расулуллоҳнинг ҳақиқатан ҳам менга шундай деганларини эшитган одамнинг олдига олиб бормоқчиман, тагин ул зот айтмаган гапни бизларга айтди, деб ўйламангизлар!»— дедим. Улар: «Биз сени ҳақгўй, деб би-лурмиз, аммо, майли, сен айтганингча бўла қолсин!»— дейишди». Абу Мусо бир неча ўртоқларини Жаноб Расулуллоҳнинг аввал «Улов йўқ» деб, сўнг улов берганларининг шоҳиди бўлган кишилар қошига олиб борди, улар Абу Мусо ўз ўртоқларига айтган гапларни айнан такрорлашди.

Мусъаб ибн Саъд оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук ғазотига кетаётиб Ҳазрат Алини ўринбосар қилиб қолдирмоқчи бўлдилар. Шунда Ҳазрат Али: «Мени болалару хотинларга бош қилиб қолдирмоқчимисиз?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Мусо алайҳиссалом (ўз биродарлари) Ҳорунни (Фиръавн хузурига ишончли) вакил қилиб юборганлари каби, сен ҳам бу ерда менинг ишончли кишим бўлиб қолмоғингга рози эрмасмисан? Бу ерда ишончли вакилим бўлибгина қолмоғинг мумкин, чунки мандан кейин пайғамбар бўлмагай!»— дедилар».

Сафвон ибн Яъло оталаридан нақл қиладиларки, у киши: «Мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Ал-Усра ғазотида иштирок қилдим»,— дебдилар. Ато айтадиларки, Яъло: «Ўшал ғазот менинг энг умидбахш амалларимдандур!» — дер эрканлар. Ато Сафвонга айтган эрканларки, Яъло: «Менинг бир ёлланма хизматкорим бўлар эрди, у бир киши бирлан уришиб қолиб, бири иккинчисининг қўлини тишлаб олган эрди»,— дер эрканлар. Ато: «Менга Сафвон ким кимнинг қўлини тишлаб олганини айтган эрди, мен эсимдан чиқарибман»,— дейдилар. Сафвон бундай дейдилар: «Қўли тишланган киши тишлаб олган кишининг оғзидан, қўлини тортиб олганда унинг курак тиши тушиб кетди, шунда иккаласи Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига боришди, тиши тушиб кетган кишининг оғзидан қон оқиб турарди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «Айғир каби чайнагин, деб қўлини оғзингга тикибдими?!» — дедилар».

69- боб. Каъб ибн Молик ҳадиси ва Оллоҳ таолонинг «(Ғазотдан) қолиб кетган уч киши (Каъб ибн Молик, Мурора ибн ар-Рабиъ ва Ҳилол ибн Умаййа)га ҳам...» деган қавли ҳақида

Каъб ибн Молик бундай дейдилар: «Мен Табук ва Бадр ғазотидан ташқари, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иштирок қилган ғазотларнинг бирортасига бормай қолмаганман. Ўшанда Бадр ғазотига бормагани учун бирор кишига дашном бермаган эрдилар, чунки Жаноб Расулуллоҳ Қурайш карвонини қўлга туширмак бўлиб чиққан эрдилар, Оллоҳ таоло эрса уларни кутилмаганда душманга рўбарў қилиб қўйган эрди. Мен, Лайлат ул-Ақаба кечаси исломга садоқат билдириб аҳду паймон қилганимизда, Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга бўлганман ва мен бу фазлни Бадрда иштирок этишдан кўра афзалроқ деб билурман, гарчи Бадрни одамлар кўпроқ тилга олсалар-да!

Табук ғазоти хусусига келсак, озиқ-овқатим, уловим ҳамда қувватим ҳам етарли бўлиб, ундан қолмоғимга ҳеч бир узрли сабабим йўқ эрди. Илгарилари ҳеч қачон менинг қўлимда бир вақтнинг ўзида иккита туя бўлган эрмас, ғазот вақтида эрса доимо иккита туям жиҳози бирлан тайёр турар эрди. Жаноб Расулуллоҳ, одатда, бундан илгариги ғазотларда кўп нарсаларни сир тутар эрдилар, бу гал эрса ҳавонинг иссиқлиги, йўлнинг

узоқлиги ва душманнинг беҳисоб эрканлигини мусулмонларга очиқ айтиб, яхшироқ тайёргарлик кўрмоқни амр қилган эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга йўлга чиққанларнинг сони ҳам кўп эрди, уларнинг сонини ҳатто ҳисобчилар ҳам билмас эрди (тахминан, етмиш минг). Одамнинг кўплигидан, агар улардан бирортаси ғазотдан ўзини олиб қочишни хоҳласа, «Оллоҳ таоло ваҳий бирлан расулига хабар қилсагина менинг қочганимни билишлари мумкин» деб ўйлар эрди. Жаноб Расулуллоҳнинг мазкур ғазотга чиққан пайтлари мевалар ғарқ пишган ва дарахтлар сояси роҳатижон бўлган бир пайт эрди.

Жаноб Расулуллоҳ мусулмонларга сафар тараддудини кўрмоқликни амр қилдилар, мен ҳам эрталаб улар бирлан бирга тайёргарлик кўриб, кечки пайт уйга қайтдим, аммо ҳеч нарсага қўлим бормади. Ўзимга-ўзим: «Тайёргарлик кўр, сен сафар қилмоққа ҳаммадан кодирроксан!»—деб юрган чоғимда мусулмонларнинг сафар тадорики тугаб, Жаноб Расулуллоҳ тезда йўлга чиқдилар. Менинг тайёргарлигим эрса ҳамон битмас эрди. «Майли, бир-икки кун кечиксам ҳам уларга етиб олгайман» — деб ўзимга далда берар эрдим. Яна бир-неча кун шу аҳволда юрдим, сўнг «Энди жўнайин, лашкарни топайин!» деб азм қилдим-у, аммо ўзимни мажбур қилолмадим.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жўнаб кетганларидан кейин кўчаларга чиқиб, одамлар аро кездим, аммо минг надоматлар бўлсинким, ўзимни хафа қиладирган ҳолатдан бўлак ҳолатга, яъни гуноҳкорлигидан бўйни ҳам ёки Оллоҳ таоло маъзур тутган заиф кишилардан бўлак одамга кўзим тушмас эрди.

Жаноб Расулуллоҳ йўлда мени эсламабдилар, фақат Табукка етиб олганларидан сўнг, кўпчилик олдида: «Каъб нечун бундай қилди эркан?» — деб сўрабдилар. Шунда Бану Салама қабиласидан бир киши: «Ё Расулаллоҳ, у ғазотга бормоқчи бўлганида чопонининг икки ёни икки биқинига маҳлиё бўлиб, маҳкам ушлаб қолган!»—дебди. Маоз ибн Жабал унга жавобан: «Қандай ёмон гап айтдинг! Оллоҳ таоло ҳақи, биз Каъбни фақат яхши одам деб билурмиз!» — дебдилар. Жаноб Расулуллоҳ буни эшитиб сукут қилибдилар.

Бир куни мен Жаноб Расулуллоҳнинг қайтиб келаётганларини эшитиб, «Эртага ул зотнинг ғазабларидан қандай қутилсам эркан?» деган ўй бирлан ёлғон-яшиқ гапларни тўқий бошладим, уйимдагилардан ҳам менинг гапларимни тасдиқламоқларини сўрадим. «Жаноб Расулуллоҳ қайтиб келиб, сояи муборақларини солибдилар» деган хабарни эшитишим бирланок, тўқиб қўйган бор ёлғон-яшиқ гапларим миямдан чиқиб кетди ва мен ул зотнинг ғазабларидан ёлғон-яшиқ гаплар бирлан қутула олмасли-гимни тушуниб ётдим-да, ҳақиқатни айтмоққа қарор қилдим. Одатда, ул зот сафардан қайтсалар, аввал масжидга кириб, сафардан омон-эсон қайтганлари шукронасига икки ракъат намоз ўқир эрдилар, сўнг одамларга ўгирилиб ўлтирардилар. Бу гал ҳам шундай қилганларида ғазотдан қолганлар ҳузурларига келишиб, ул зотдан узр сўраб онт ича бошлашди, бундайлар саксон нечта эрди. Жаноб Расулуллоҳ уларнинг кўпчилик олдида айтган узрларини қабул қилдилар, сўнг уларни байъат қилдириб, гуноҳларини Оллоҳ таолодан сўрадилар, қалбларидаги сир-асрорларини эрса яратганнинг ўзига ҳавола қилдилар. Кейин, мен ҳам қошларига бориб салом берган эрдим, ғазаб аралаш табассум қилдилар-да, «Бери кел!»—дедилар. Мен рўпараларига бориб ўлтирдим. Ул зот: «Нечун ғазотга бормадинг, бунинг учун туя ҳам сотиб олган эрдинг-ку!» — дедилар. Мен: «Ҳа, шундай! Оллоҳ таоло ҳақи, агар мен сиздан бўлак одамнинг қошида бўлганимда, узр айтибгина қутилиб кетгайман, деб ўйлаган бўлур эрдим, аммо мен бундай қилмоқчи эрмасман. Лекин, худо ҳақи, агар ҳозир сизга ёлғон важ кўрсатсам-у, сиз ишониб мени кечирсангиз, Оллоҳ таоло мени деб сиздан дарғазаб бўлмай ва агар ҳақиқатни айтсам, менинг ҳақимда ёмон фикрда бўлмайсиз, аммо мен Оллоҳ таолонинг мағфиратидан умидворман. Худо ҳақи, менинг ҳеч бир узрли важим йўқ эрди, сиз бирлан бормай, бу ерда қолган чоғимда мендан кучли ва бойроқ одам йўқ эрди!» — дедим. Ул зот: «Ҳақ гапни айтдинг, энди Оллоҳ таоло сенинг хусусингда ҳукм чиқаргунча бу ердан нари кет!»— дедилар. Мен ўрнимдан турдим. Шунда Бану Салама қабиласи кишилари кетимдан эргашиб келаётиб:

«Худо ҳақи, биз сенинг илгари бундай гуноҳ қилмаганингни билурмиз, сен ҳам бошқалар сингари узр айтиб қўя қолганингда, ул зот қабул қилиб, Оллоҳ таолога сенинг учун истиғфор айтар эрдилар» — дея менга шу қадар танбиҳ беришдики, ҳатто ул зотнинг қошларига қайтиб бориб, аввалги ёлғон-яшиқ ваҷимни айтмоқчи бўлдим. Мен улардан: «Мендан бўлак бирор киши ҳам ўз гуноҳини бўйнига олдимми?» — деб сўрадим. Улар: «Ҳа, икки киши сен каби гуноҳини тан олиб эрди, уларга ҳам сенга айтган гапларини айтдилар»,— дейишди. «Ким ўша икки киши?» — деб сўрадим. Улар: «Мурора ибн ар-Рабиъ ва Ҳилол ибн Умаййа»,— дейишди. Булар солиҳ кишилар бўлиб, Бадр қатнашчиси ва бошқаларга намуна бўларли фазилатга эга кишилар эрди. Менга бу иккисининг номини зикр қилишгач, бояги муддаомдан қайтдим. Жаноб Расулulloҳ Табуқ ғазотидан қолган биз уччаламиз бирлан мусулмонларнинг гаплашмоқларини манъ қилдилар. [Оллоҳ таоло булар тўғрисида қуйидаги оятни нозил қилган: «(Жиходдан) қолган мунофиқлар Оллоҳнинг расулига осийлик қилиб (уйларида) қолганларидан хушнуд бўлдилар ва улар Оллоҳ йўлида молу жонларини тикиб жиҳод қилмоқни истамадилар ва (ўзаро): «Бундай иссиқда урушга бормангизлар!» — дедилар. Сиз айтингизки, «Агар уларнинг фаҳмлари етса, жаҳаннам оташи (бундан) беҳад иссиқроқ-дур!】. Одамлар биздан юз ўгиришиб, гаплашмай қўйишди, ҳатто мен дунёга келганимдан пушаймон бўлиб кетдим. Бу ахвол эллик кун давом этди. Менинг икки шеригим (Мурора ва Ҳи-лол) уйларида ташқарига чиқолмай қолишди, тинмай йиғлашарди. Мен бўлсам, қавмни соғиниб, улар бирлан гаплашмоққа интилар, масжидга чиқиб биргаликда намоз ўқир ва бозорларни айланиб юрар эрдим, аммо ҳеч ким мен бирлан гаплашмас эрди. Ҳар сафар намозга борганимда Жаноб Расулulloҳга салом берардим-да, ичимда «Саломимга алик олиб лабларини қимирлатармиканлар» деб умидвор бўлар эрдим, сўнг ёнларига яқинроқ бориб намоз ўқиётиб, муборак юзларига ўғринча тикилар эрдим. Бир куни намозга келсам, олдимдан чиқиб қолдилар, у кишига қараган эрдим, мендан юзларини ўгириб олдилар, бу менинг жон-жонимдан ўтиб кетиб, амакимнинг ўғли бўлмиш Абу Қатоданинг уйига томон равона бўлдим, у менинг учун бошқалардан кўра маҳбуброқ эрди. Уйига киргач, унга салом бердим, лекин у, худо ҳақи, алик олмади. Шунда мен унга: «Эй Абу Қатода, Оллоҳ таолога ёлбориб сўрайман, менинг Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини яхши кўришимни биласанми, ўзи?!» — дедим. Мен бояги гапимни яна такрорладим, яна индамади, яна такрорладим, яна индамади. Сўнг, шундай деб қайта мурожаат қилган эрдим, у: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билгай!» — деб қўйди. Шунда кўзимдан ёш тирқираб кетди, уйдан отилиб чиқиб кетдим. Сўнг, Мадина бозорида кетаётган эрдим, бу ерга таом сотгани келган Шом аҳлидан бўлмиш бир кишини кўриб қолдим, у одамларга: «Ким менга Каъб ибн Моликни топиб бера олади?» — дер эрди. Одамлар мен томонга ишора қила бошлашди, у олдимга келиб Ғассон подшоҳи йўллаган бир мактубни менга топширди, унда «Аммо баъд, менга маълум бўлдики, соҳибинг сенга жафо қилаётган эрмиш, Оллоҳ таоло сени инсон камситиладирган ва унинг ҳақ-ҳуқуқи топталадирган даргоҳ учун яратган эрмас, келгил, ҳақиқат биз тарафдадур, биз сенга ҳамдурдмиз! Ғассонийлар подшоҳи бўлмиш камина сен Каъбни, барчани сендан юз ўгиртирган пайғамбарга «бир дарс» бўлмоғи учун, исломдан қайтади, деган фикрдаман» деб ёзилган эрди. Мактубни ўқиғач: «Бу ҳам балолардан биридур!» — дедим-да, у бирлан тандирни таяммум қилдим, яъни тандирга тутантириқ қилдим. Эллик кундан қирқ куни ўтгач, ул зот бир одам орқали: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлингдан ўзингни четга олмоғингни амр қиладилар»,— дедилар. Мен: «Уни талоқ қилайинми, нима қилайин?»— дедим. Ул зот: «Йўқ, аксинча, ундан ўзингни олиб қочиб юргил, унга қўшилмай тургил!» — дедилар, икки шеригимга ҳам шундай деб одам юбордилар. Мен хотинимга: «Отанангнинг уйига боргил, Оллоҳ таоло бу иш юзасидан ўз ҳукмини чиқаргунча улар бирлан бирга тура тургил!» — дедим. Ҳилол ибн Умаййанинг хотини Жаноб Расулulloҳнинг хузурларига бориб: «Ё Расу-лаллоҳ, Ҳилол ибн Умаййа ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган бир кекса одамдур, унинг (мендан бўлак) қараб турадирган кишиси йўқдур, унга хизмат қилмоғимни манъ қилурмисиз?»—деди Ул зот «Йўқ, лекин у бирлан ётмагил!» —

дедилар. Аёл «Худо ҳақи унинг бирор нарса қилмоққа мажоли келмайди, худо ҳақи, уша кундан шу вақтгача тинмай йиғламоқда!»— деди. Оила аъзоларимдан бири менга «Ҳиллол ибн Умайянинг хотини Жаноб Расулуллоҳдан эрига хизмат қилмоққа ижозат олгани каби сиз ҳам ўз хотинингизга ижозат сўрасангиз-чи!» — деди. Мен «Худо ҳақи, мен Жаноб Расулуллоҳдан хотиним менга хизмат қилмоғи учун рухсат сўрамагайман, агар ижозат сўрасам, ул зотнинг қандай жавоб қилмоқлари менга қоронғудир!» — дедим. Мен ўшанда кучга тулган йигит эрдим Ниҳоят, Жаноб Расулуллоҳнинг одамларнинг биз бирлан гаплашмоғини манъ қилганларига эллик кун бўлди. Бомдод намозини ўқиб бўлганимда эллигинчи куннинг тонгги ҳам отди, мен эрсам уйларимиздан бирининг орқасида, Оллоҳ таоло зикр қилганидек, жоним ҳам, жаҳон ҳам кўзимга кўринмаган бир ҳолда ўлтирар эрдим, ногаҳон Саль тоғининг чўккисидан «Эй Каъб ибн Молик, хурсанд бўлгил!» деган баланд овозни эшитдим. Дарҳол, мукка тушиб сажда қилдим Билдимки, хурсанд бўладирган кун ҳам келибди, демак Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллом бомдод намози вақтида Оллоҳ таолонинг бизни мағфират қилганининг хабарини маълум қилибдилар. Шундан кейин, намозхонлар бизни мамнун қилмоққа отланиб, икки шеригимга хушxabар етказгали одам юборишибди. Менинг ҳузуримга ҳам бир киши от чоптириб келиб қолди, лекин чопар қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир овоз отдан тезлик қилганди. Ҳузуримга келган чопарнинг хушxabар айтган овозини эшитишим бирланок, кийимимни ечдим-да, унга кийдириб қўйдим. Худо ҳақи, менинг ўша кийимимдан бўлак кийимим йўқ эди, кейин бировдан қарзга кийим олдим-да, уни кийиб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига ошиқдим. Одамлар йўл-йўлакай мени Оллоҳ таолонинг мағфирати бирлан табриклашар ва менга «Оллоҳ таолонинг мағфирати сенга муборак бўлсин!»— дейишар эрди. Ниҳоят, мен масжидга кириб бордим, Жаноб Расулуллоҳ ўлтирган эрканлар, атрофларида тумонат одам Талха ибн Убайдуллоҳ ўрнидан туриб тезда олдимга келди-да, қўл бериб мени табриклади. Худо ҳақи, ундан бўлак муҳожирлардан бирортаси ўрнидан туриб мени табрикламади, мен абадул-абад Талханинг бу мурувватини унутмагайман! Кейин, мен Жаноб Расулуллоҳга салом берганимда, ул зот мамнунликларидан чехралари балкиган ҳолда «Онадан туғилганингдан бери ўзингга муяссар бўлмаган бугунгидек хайриятдан хурсанд бўлгил!» — дедилар. Мен «Бул хушxabар сизданми ёки Оллоҳ таолоданми?» — дедим. Ул зот «Йўқ, аксинча, Оллоҳ таолодандур!» — дедилар. Агар Жаноб Расулуллоҳ хурсанд бўлсалар, юзлари ой парчасидек балқиб кетар эрди, биз буни яхши билар эрдик Рўпараларига келиб ўлтиргач «Ё Расулаллоҳ, мағфират қилинганим шукронасига Оллоҳ таоло бирлан унинг расули саллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлига мол-мулкимдан садақа қилайинми?»— дедим. Ул зот «Мол-мулкингнинг бир қисмини олиб қол, бу сенга яхши бўлгай!»— дедилар. «Бўлмаса, мен Хайбардаги мулкимни олиб қолгайман» деб хаёлимдан ўтказдим-да, ул зотга «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло рост сўзлаганим ҳамда дилдан тавба қилганим учун менга нажот берган эркан, мен ўла-ўлгунимча фақат рост гапиргайман!» — дедим. Худо ҳақи, Жаноб Расулуллоҳга шундай деганимдан буен Оллоҳ таолонинг мусулмонлардан бирор кишини рост сўзлагани учун балога гирифтор қилганини билмайман! Жаноб Расулуллоҳга шу гапларни айтган кунимдан ҳозиргача ёлғон гапирмоққа қасд қилмадимки, ёлғон сўзламаганим Оллоҳ таолонинг мени балога гирифтор қилганидан яхшироқдур! Дарҳақиқат, мен қолган умрим давомида Оллоҳ таолодан мени ёлғон гапирмоғимдан асрамоғини илтижо қилгайман. Оллоҳ таоло ўз расулига «Оллоҳ пайғамбарни, муҳожиру ансорларни мағфират қилди (ростгўйлар бирлан бирга бўлингизлар!» деган қавлигача)» деган ояти каримасини нозил қилгандур. Оллоҳ таоло ҳақи раббим мени исломга ҳидоят қилганидан буёнги энг улуғ неъмат ул зотга садоқатимдур! Жаноб Расулуллоҳга ёлғон гапирмасликка дилдан азм қилурман, акс ҳолда, билурманки, Оллоҳ таоло ёлғон гапирганларни ҳалок қилгани янглиғ ҳалок бўлгайман. Оллоҳ таборак ва таоло «Сизлар (ғазотга бормаган мунофиқларнинг) олдига (ғазотдан) қайтиб келганингизда улар «Энди биздан юз ўгиришса керак» деб ҳузурингизда Оллоҳ таолога қасам ичурлар. Аммо, сизлар улардан юз ўгирингизлар, улар нопок бўлиб, жойлари жаҳаннамдурки, бу қилмишлари

учун жазодур. Улар сизларни рози қилмоқ учун қасам ичурлар, лекин сизлар рози бўлсангизлар ҳам, Оллоҳ таоло фосиқ қавмдан сира рози бўлмас!» — дегандур. Биз уч киши улардан, яъни қасам ичган, ул зотга байъат қилган ва байъатлари ул зот тарафларидан қабул қилинган ҳамда Оллоҳ таолога истиғфор айтган кишилардан ажраб, хилоф иш қилдик. Шунда ул зот бизнинг масаламизни Оллоҳ таолонинг ҳукмига топширдилар. Шул боисдан Оллоҳ таоло «Ва алас-салосатиллазийна хуллифуу», яъни «Хилоф қилдирилган уч кишига ҳам» деб бизни алоҳида зикр қилди. Бу ердаги «Хилоф» сўзи ғазотдан қолиш эрмас, балки ул зотнинг бизни қасам ичиб узр айтган ва узри қабул қилинган кишилардан ажратиб кўйишлари ва масаламизни Оллоҳ таолога ҳавола қилишлари эрди».

Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (Мадина бирлан Шом ўртасидаги) Ҳижрга борганликлари ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳижрдан ўтиб кетаётди: «Ўзларига зулм қилганларнинг уйларига кира кўрмангизларки, улар гирифторм бўлган, фалокатга сизлар ҳам гирифторм бўлиб, йиғлаб қолгайсизлар!» — дедилар. Сўнг, бошларини ўраб олиб, туяларини водийга чиққунча чоптириб кетдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳижрга бирга борган саҳобаларига: «Оллоҳ таолонинг азобига дучор бўлган анавиларнинг уйларига кира кўрмангизлар, акс ҳолда улар гирифторм бўлган фалокатга сизлар ҳам дучор бўлиб, йиғлаб қолгайсизлар!» — дедилар».

70-боб.

Муғира ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи-бир ҳожатларини чиқармоқ учун нари кетдилар. Қайтиб келганларидан кейин, қўлларига сув кўйиб бермоққа ўрнимдан турдим. Бу Табук ғазотида бўлган эрди, шекилли. Юзларини ювгач, билакларини юваман, деб эрдилар, чопонларининг энги торлик қилиб қолиб, қўлларини энг ичидан чиқариб олдилар. Билакларини ювгач, маҳсиларига масҳ тортдилар».

Абу Ҳумайд бундай дейдилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Табук ғазотидан қайтдик, Мадинага яқинлашганимизда ул зот: «Бу Тобадур (яъни, Мадина), мана бу эрса Уҳуд тоғидур, у бизни севади, биз ҳам уни севамиз!»—дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай деб хабар берадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук ғазотидан қайтдилар, Мадинага яқин қолганда: «Мадинада шундай қавмлар борки, улар сизлар каби кўп йўл юриб, сизлар каби водийларни кесиб ўтишмаган, акс ҳолда улар сизлар бирлан бирга бўлган бўлур эрдилар!» — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, Мадинадек бир табаррук жойда шундай қавмлар борми?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, Мадинада шундай қавмлар бор, улар қандайдир важга кўра (ғазотдан) қолганлар»,— дедилар».

Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (Эрон подшоҳи) Хусрав бирлан (Византия подшоҳи) Қайсарга мактуб юборганликлари ҳақида

Ибн Аббос бундай деб хабар берадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ас-Саҳмийга мактуб бериб, уни Баҳрайн бошлиғига топширмоқни амр қилдилар, Баҳрайн бошлиғи мактубни Хусравга берди. Хусрав уни ўқиб кўргач, йиртиб ташлади. Менимча, Ибн Мусайяб айтгандики, Жаноб Расулуллоҳ хусравийларни дуои бад қилиб, Оллоҳ таолодан уларнинг ўзларини ҳам бурда-бурда қилиб йиртиб ташламоқни илтижо қилибдилар».

Абу Бакра ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло мен Жаноб Расулуллоҳдан эшитган бир

сўз бирлан менга манфаат етказган эрди. Мен Жамал кунлари Жамал асҳоблари бирлан урушмоқ учун йўлга чиқиб, уларга етиб олай деганимда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Форс аҳли Хусрав кизини ўзларига подшоҳ қилиб олибдилар, ўз ишини хотин кишига топшириб қўйган қавм сира муваффақият қозонмагай!» — деб эрдилар».

Соиб ибн Язид бундай дейдилар: «Эсимда, бир куни мен ғуломлар бирлан бирга Жаноб Расулуллоҳни кутиб олмоқ учун Саният ул-Видоъга чиқиб эрдим. Шунда Суфён менга: «Болалар бирлан бирга қайққа кетаётирсан?»—деб эрди».

Соиб яна бундай деган эрканлар: «Эсимда, бир куни мен болалар бирлан бирга Табук ғазотидан қайтиб келаётган Жаноб Расулуллоҳни кутиб олмоқ учун Саният ул-Видоъга чиқиб эрдим».

71-боб. Жаноб Расулуллоҳнинг касалланиб вафот этганлари ва Оллоҳ таолонинг «Сен маййитсан ва улар ҳам маййитдурлар, сўнг сизлар Қиёмат куни раббингизнинг хузурда хусуматлашгайсизлар» деган қавли хусусида

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотлари арафасида касал бўлиб ётган вақтларида: «Ё Оиша! Хайбарда тановул қилган таомимнинг дардини шу вақтгача тортаётирман, ҳозир нафасимнинг Қисилаётганини ўшал заҳардан, деб биламан»,— дедилар».

Уммулфазл бинти ал-Харс ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шом намозида

«Ва-л-Мурсалоти урфан»ни ўқиганларини эшитдим, сўнг то вафот этгунларига қадар биз бирлан намоз ўқимадилар».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу Ибн Аббосни бир гуруҳ кексалар даврасига олиб борган эрдилар, уларнинг орасида ўлтирган Абдуррахмон ибн Авф Ҳазрат Умарга: «Бу болани бизнинг даврамизга олиб келмангиз, ўзимизда ҳам бундай болалар етарли!» — деди. Ҳазрат Умар: «Унинг билимини бир синаб кўрсангизлар!» — дедилар-да, Ибн Аббосдан «Изо жоа насруллоҳи вал-фатҳу...» сурасининг маъносини сўрадилар. Ибн Аббос: «Бу сурада Оллоҳ таоло Жаноб Пайғамбаримизга умрлари тугаб қолганлигини маълум қилаётир»,— деди. Ҳазрат Умар: «Бунинг маъносини мен ҳам сен каби тушунган эрдим»,— дедилар».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Панжшанба куни Ибн Аббос: «Панжшанба куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дардлари оғирлашганда нималар деган эрдилар, биласизларми?» — деди, сўнг ўз саволига ўзи бундай деб жавоб қилди: «Жаноб Расулуллоҳ: «Менга қоғоз-қалам келтирингизлар, мен сизларга бир васият ёзиб берайки, уни ўқигач, сира йўлдан адашмагайсизлар!»— дедилар. Шунда саҳобалар, ул зотнинг хузурларида тортишиш одобдан бўлмаса-да, ўзаро тортишиб қолишиб: «Қўяверингизлар, ул зот алаҳлаяптилар!»— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Менга қаршилиқ қилмангизлар, айтадирган васиятимни айтиб олай, бу сизларга яхшироқ бўлгай!» — дедилар-да, «Арабистондан мушрикларни қувиб чиқарингизлар, меҳмонни мен сийлагандек сийлангизлар...» деб васият қилдилар, сўнг жимиб қолдилар. Учинчи васиятларини ҳам айтган бўлишлари керак, лекин мен унутдим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолонинг омонатини топширмакка ҳозир бўлганларида уйда бир қанча кишилар бор эрди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Бери келингизлар, сизларга бир васиятнома ёзиб берайки, уни ўқигач, сира йўлдан адашмагайсизлар!» — дедилар. Шунда баъзилар: «Жаноб Пайғамбаримизни дард енгиб қўйибди, ахир сизларда Қуръони Карим мавжудку, бизга Оллоҳнинг Китоби кифоя қилгай!»— дейишди. Натижада, уйдаги кишилар ўртасида ихтилоф чиқиб, ўзаро тортишиб қолишди. Улардан бири «Тепаларига яқинроқ борингизлар, сизларга васиятнома битиб бергайлар, кейин йўлдан адашмагайсизлар!» деса, яна бири бунинг аксини айтар эрди. Худа-беҳуда гаплар кўпайиб, тортишув кучайгач, Жаноб Расулуллоҳ: «Турингизлар, чиқиб кетингизлар!»— деб амр қилдилар».

Убайдуллоҳ бундай дейдилар: «Ибн Аббос: «Бу қандай кулфат бўлдики, уларнинг худа-беҳуда гаплари ва ихтилофлари Жаноб Расулуллоҳнинг васиятнома битиб бермоқларига имкон бермади!»—деб айтар эрди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотима алайҳоссаломга дилларидаги бир гапни айтиб эрдилар, ул мухтарама йиғлаб юбордилар, кейин яна бир гапни айтиб эрдилар, кулиб юбордилар. Шунда биз ул мухтарамадан бунинг боисини сўрадик. Ул мухтарама: «Жаноб Расулуллоҳ аввал менга вафотлари арафасидаги хасталик чоғларида оламдан ўтажакларини айтдилар, мен йиғлаб юбордим, кейин ўз аҳлларида биринчи бўлиб ул кишига эргашажагимни маълум қилдилар, мен кулуб юбордим»,— дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Пайғамбар икки дунёдан бирини ихтиёр қилмагунча, ўлмайди, деб эшитган эрдим. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ вафотлари арафасида хасталаниб ётган чоғларида буни ўзларидан эшитиб, ҳақиқат эрканлигига амин бўлдим. Ул зот «Маъал-лазийна анъамаллоҳу алайҳим» деган ояти каримани ўқидилар, шунда «У дунёни ихтиёр қилибдилар» деб ўйладим».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ ўзларини у дунёга олиб кетган хасталик чоғларида нукул «Фи-р-Рафиқ-ил-аъло!» дер эрдилар» (Қасталонийнинг айтишларича, «Ар-Рафиқ ал-аъло» иборасини бир неча маънода талқин қилиш мумкин бўлиб, баъзи уламолар: «Османийлардан ҳам юқорироқда маскан тутган анбиёлар жамоаси назарда тутилган»,— дейишса, баъзилари: «Ўз бандаларининг дўсти бўлмиш Оллоҳ таоло назарда тутилган»,— дейишади).

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам соғ-саломат юрган кезларида: «Пайғамбарлар, жаннатдаги жойи кўрсатилмай туриб, вафот этмайди, аввал унга жаннатдаги жойи кўрсатилади, сўнг у бу дунёдан воз кечиб, охират дунёсини ихтиёр қилади»,— дер эрдилар. Ул зот хасталаниб, Азроил хузурларига келганда, бошлари менинг тиззамда бўлиб, хушларидан кетган эрдилар. Ўзларига келгач, кўзларини уйнинг шифтига тикканларича: «Оллоҳумма, фи-р-Рафиқ-ил-аъло» («Ё Ол-лоҳ, мени Буюк дўст бўлмиш ўзингга етиштиргил!») — дедилар. Мен: «Демак, бизни кўнгиллари хушламаётир, соғ-саломат юрган кезларида айтган гаплари шу эркан-да!»— деб хаёлимдан ўтказдим».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Абдуррахмон ибн Абу Бакр Расулуллоҳнинг хузурларига кирди. Шунда мен ул зотнинг бошларини кўкрагимга суяб ўлтирган эрдим, Абдуррахмон эрса кўлидаги мисвок бирлан тишини тозалар эрди. Жаноб Расулуллоҳ унга бир назар ташлаб эрдилар, мен ундан мисвокни олиб, учини синдириб ташладим, сўнг сувини силкитиб покизаладим-да, ул зотга узатдим, у бирлан тишларини тозаладилар. Мен ул зотнинг шунга қадар бунчалик ўта хафсала бирлан тиш тозалаганларини кўрмаган эрдим. Жаноб Расулуллоҳ тишларини тозалаб бўлишлари бирланок қўлларини кўтариб уч бор «Ё Оллоҳ, мени Буюк дўст бўлмиш ўзингга етиштиргил!» — дедилар-да, оламдан кўз юмдилар, бошларини бағримга босганча қолдим».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлсалар, муаввизотни ўқиб ўзларига ўзлари дам солар, қўлларига ҳам дам солиб баданларига суртар эрдилар. Дардлари оғирлашиб қолганда эрса, мен ўзим муаввизотни ўқиб ул зотга дам солар, нафи тегсин, деб ўзларининг қўллари бирлан баданларини силар эрдим».

Ибод ибн Абдуллоҳ иби аз-Зубайр бундай дейдилар: «Оиша разияллоҳу анҳо Жаноб Расулуллоҳнинг хасталанган вақтларида орқаларига суяниб туриб «Ё Оллоҳ, мени мағфират қилгил, менга раҳм қилгил ва мени дўстга етиштиргил!» — деб айтганларини кулоқ тутиб эшитган эрканлар»

Урва ибн аз-Зубайр ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам у дунёга олиб кетган хасталик вақтларида «Оллоҳ таоло ўз пайғамбарлари қабрларини масжид қилиб олган яхудийларни лаънатласин!»— деб эрдилар, агар шундай

демаганларида эрди, мен ул зотнинг қабрларини ҳашаматли қилиб қўйган бўлур эрдим, аммо ул зот айнан шундай қилинишидан хавотир олганлар»,— дедилар Оиша разияллоҳу анҳо»

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хасталаниб, дардлари оғирлашиб қолганда барча жуфти ҳалолларидан менинг хужрамда ётмоқлари учун ижозат сўрадилар, улар рози бўлишгач, икки киши — Аббос ибн Абдулмутталиб ва яна бир одам қўлтиқлаган ҳолда оёқларини зўр-базўр судраб менинг хужрамга чикдилар»

Убайдуллоҳ бундай дейдилар: «Мен Оиша разияллоҳу анҳо айтган гапларни Абдуллоҳга айтгандим, у мендан «Оиша разияллоҳу анҳо номини тилга олмаган ўшал иккинчи одамнинг кимлигини биласанми? — деб сўради. Мен «Йўқ»,— дедим Абдуллоҳ ибн Аббос «Ўшал одам Али ибн Абу Толиб эрдилар. Оиша разияллоҳу анҳо «Жаноб

Расулуллоҳ хужрамга кирганларида дардлари яна ҳам оғирлашди. Шунда «Еттита оғзи очилмаган мешда устимдан сув қуйингизлар!»—деб амр қилдилар, ул зот одамлар қошига чиқиб, уларга панд-насихат қилмоқни ирода қилдилар, шекилли. Биз ул зотни ўзлариниш жуфти ҳалолларидан бири бўлмиш Ҳафсанинг тоғорасига ўтказиб қўйдик, сўнг «Бўлди, етарли!» демагунларича ўшал еттита мешда устиларига сув қуя бошладик Кейин, туриб одамлар қошига чикдилар, уларга имомлик қилиб намоз ўқидилар ва хутба қилдилар» — деб айтар эрдилар» — деди».

Ибн Шиҳоб «Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба менга бундай деб айтган эрди»,— дейдилар «Оиша ва Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳум айтишларича, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига дард теккан кунлари гоҳ хамиса (кийим) ларини юзларига тортиб қўяр, гоҳ сиқилиб кетиб очиб ташлар эрканларда «Ўз пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олган яҳудиилару насороларга Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!»—дея мусулмонларни улар қилган ишдан огоҳлантирар эрканлар».

Оиша разияллоҳу анҳо Убайдуллоҳга бундай деган эрканлар: «Мен Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бул хусусда кўп марта мурожаат қилдим ва бу менга сира ҳам малол келмайди, зеро одамларнинг ул зотдан кейин ул кишининг мақомларини эгаллаган бошқа бирор кишини севмоғи мумкинлигини қалбимга сира ҳам жо қилолмайман, чунки ҳеч кимса ул зотнинг мақомларини эгаллай олмас, акс ҳолда одамлар ул зотни севмаган, ул зотдан ёмонлик кўрган бўлурлар!»

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бағримда эрканликларидеда жон таслим қилдилар, мен Жаноб Расулуллоҳдан кейин барча мўминларга ҳам шундай тез (осон) жон таслим қилмоқлик насиб бўлмоғини раво кўргайман!»

Абдуллоҳ ибн Аббос бундай дейдилар: «Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларидан (ул зот хасталаниб ўлим тушагида ётган эрдилар) ташқарига чикдилар. Шунда одамлар ул кишидан «Эй Абулҳасан, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳволлари қандай?»—деб сўрашди. Ҳазрат Али: «Оллоҳ таолога шукур, соғайиб қолдилар!» — дедилар. Шунда, Аббос ибн Абдулмутталиб қўлларидан тутиб, ул кишига: «Сиз, худо ҳақи уч кундан сўнг, асонинг қули бўлурсиз (яъни, қўлингизга асо тутиб, тобут олдида боргайсиз) Мен эрсам, худо ҳақи, Жаноб Расулуллоҳни мана шу дардлари олиб кетади, деб ўйлайман, мен Абдулмутталиб авлодларининг ўлим олдидаги қиёфасини яхши билурман. Биз бирлан бирга ул зотнинг ҳузурларига юрингиз, сўрайликчи, ўзларидан кейин кимни халифа қилиб қолдирмоқ ниятида эрканлар. Агар бизни халифа қилмоқчи эрсалар, буни билиб қўяйлик, башарти биздан бошқаларни тайи нламоқни ирода қилган эрсалар, бундан ҳам воқиф бўлиб қўяйликки, бизга бу ҳақда васият қилсинлар!» — деди. Ҳазрат Али унга: «Биз, худо ҳақи, агар ул зотдан халифалик хусусида сўрасак, бизга жавоб қилмайдилар-да, одамлар ул зот вафот қилганларидан сўнг, бизга халифаликни беришмагай, мен бундай деб сўрамагайман!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Душашба куни мусулмонлар бомдод намозини ўқишаётган, Абу Бакр Сиддиқ эрсалар уларга имомлик қилаётган эрдилар, ногаҳон Жаноб Расулуллоҳ Оиша разияллоҳу анҳонинг хужраси эшиги пардасини очиб уларга қарадилар-да, табассум қилдилар. Буни кўриб Абу Бакр биринчи саф орасига кирмоқчи бўлиб, ортларига тисарилдилар, чунки Жаноб Расулуллоҳ чиқиб имомлик қиладилар, деб ўйлаган эрдилар. Намозхонлар ҳам Жаноб Расулуллоҳнинг эшик олдига чиққанларини кўриб, хурсанд бўлганларидан намозларини бузиб қўяй дейишди. Ул зот «Намозингизни ўқиб тугатингизлар!» деган маънода қўллари бирлан ишора қилдилар-да, хужрага қайтиб кириб, пардани ёпиб қўйдилар».

Оиша онамизнинг мавлолари Заковн ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бундай дер эрдилар: «Оллоҳ таолонинг менга ато этган неъматларидан бири — Жаноб Расулуллоҳнинг менинг уйимда, менинг хузуримда бўладирган кунларида ва менинг бағримда вафот этг-анларидур! Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳ вафот этаётган чоғларида менинг тупугимни (сўлагимни) ул зотнинг тупукларига қўшди. Бу бундай бўлган эрди. (укам) Абдурраҳмон қўлида мисвок ушлаган ҳолда кириб келди, мен эрсам Жаноб Расулуллоҳнинг бошларини бағримга босиб ўлтитрган эрдим. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг укамнинг қўлидаги мисвокка қараётганларини кўриб, ул зотнинг мисвок бирла тиш тозаламоқни хушлашларини эсладим-да: «Ҳозир, мен уни сизга олиб бергайман». — дедим. Ул зот «майли» деб бош ирғаб қўйдилар. Мен мисвокни укамдан олдим. Шу аснода дардлари зўрайди. Мен ул зотга «Мисвокнинг учини юмшатиб берайми?» — деб эрдим, «майли» деб бош ирғаб қўйдилар. Мен мисвокнинг учини тишларим бирланан юмшатиб бердим, Олдиларида Ҳазрат Умар сув солиб қўйган бир идиш турган эрди, қўлларини унга тикиб, юзларини сув бирлан арта бошладилар, сўнг «Ло илоҳа иллаллоҳу, ўлимнинг талвасалари мавжуд» дея қўлларини кўтариб: «Фир-Рафиқ-ил-аъло!» — дедилар-да, жон таслим қилдилар, қўллари пастга шилқ этиб тушди».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хасталаниб, ўлим тўшагида ётганларида: «Эртага мен қаерда бўлишим лозим, эртага мен қаерда бўлишим лозим?» — деб сўрайвердилар» («Эртага Оишанинг хузуринида бўладирган кунимми?») деб айтмоқчилар. Шунда барча хотинлари: «Кўнглингиз тусаган хотинингизнинг уйида ётмоғингиз мумкин» деб ул зотга розилик беришди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ сўнгги кунларигача Оишанинг уйида бўлдилар. «Ул зот,— деб давом этадилар. Оиша онамиз,— айнан менинг уйимда бўладирган кунлари менинг уйимда вафот этдилар, Оллоҳ таоло бошлари бағримда, тупуклари (сўлақлари) тупугимга қоришиқ эрканлигида ўз омонатини олди. Бу бундай бўлган эрди: (укам) Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ичкарига кириб келди, қўлида мисвок бор эрди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ унинг қўлидаги мисвокка қарадилар. Мен: «Эй Абдурраҳмон, мисвокни менга бер!» — дедим, у берди. Мен мисвокнинг учини синдириб, тишим бирлан юмшатдим-да, уни Жаноб Расулуллоҳга узатдим. Ул зот бошларини бағримга қўйганларича мисвок бирлан тишларини тозаладилар» («Тупуклари тупугимга қоришиқ», яъни Оиша онамиз мисвокнинг учини оғизларига солиб, юмшатиб берганлар, Жаноб Расулуллоҳ эрсалар ўша мисвок бирлан тиш тозалаганлар. Шунда Оиша онамизнинг мисвокка теккан тупуклари ул зотнинг тупуклари бирлан қоришгандур).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг уйимда, менинг уйимда бўладирган кунларида ва менинг қучоғимда вафот этдилар. Ул зот хасталаниб қолсалар, хотинларидан биримиз тепаларида муъаввизотни ўқиб, Оллоҳ таолодан сиҳат тилаб турар эрдик. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Мен муъаввизотни ўқий бошлаган эрдим, ул зот бошларини тепага кўтариб, «Фир-Рафиқ-ил-аъло, фир-Рафиқ-ил-аъло!» — дедилар. Шу аснода (укам) Абдурраҳмон ибн Абу Бакр қўлида мисвок ушлаган ҳолда ичкарига кириб келди. Жаноб Расулуллоҳ мисвокка қарадилар, мен «Мисвок бирлан тиш тозаламоқчи бўляптилар» деб уни укамдан олдим, сўнг учини синдириб, тишларим бирлан юмшатдим-да, ул зотга узатдим. Жаноб Расулуллоҳ у бирлан ўта хафсала қилиб тиш тозаладилар, сўнг мен уни қўлларидан олдим.

Оллоҳ таоло бу дунёдаги сўнги ва охирадаги биринчи кунларида менинг тупугимни ул зотнинг тупукларига кориштирди».

Абу Салама бундай дейдилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу Сунҳдаги ҳовлиларидан от миниб келдилар-да, ундан тушиб масжидга кирдилар, сўнг одамларга гапирмай тўғри Оишанинг ҳужрасига кириб, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тепаларига бордилар. Жаноб Расулуллоҳ устларига яманий мато ташлаб қўйилган ҳолда ётар эрдилар. Абу Бакр разияллоҳу анҳу матони кўтариб ул зотнинг юзларини очдилар, сўнг эгилиб юзларидан ўпдилар-да, йиғлаб туриб: «Ота-онам сизга фидо бўлсинлар, Оллоҳ таоло ҳақи, парвардигор сизга икки ўлим бермайди, аммо пешонангизга ёзилган бир ўлимни кўрдингиз»,— дедилар».

Абдуллоҳ ибн Аббос бундай дейдилар: «Абу Бакр Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларидан чиққанларида Умар ибн ал-Хаттоб одамларга сўзлаб турган эрдилар. Абу Бакр Ҳазрат Умарга: «Ўлтирингиз!» — дедилар. Ҳазрат Умар ўлтирмадилар. Одамлар Ҳазрат Умарни тарк этиб, Абу Бакрнинг олдиларига келишди. Абу Бакр уларга: «Аммо баъд, сизлардан қайси бирингиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ибодат қилган бўлса, ул киши вафот этдилар ва кимки Оллоҳ таолога ибодат қилган бўлса, Оллоҳ таоло ҳамиша тирик бўлиб, ҳеч қачон ўлмагайдур! Оллоҳ таоло: «Муҳаммад ҳаммангизга ўхшаган инсондур, сизлардан фарқи шулдурким, ул Оллоҳнинг бандаларига юборган элчисидур»,— деган»,— дедилар (сураи «Оли Имрон» нинг «аш-Шокирин» деган жойигача ўқидилар). Оллоҳга қасамёд қилиб айтурманким, одамлар Оллоҳ таолонинг ушбу ояти каримани нозил қилганидан беҳабар кишилардек, Абу Бакр Сиддиқ тиловат қилганларида ўрганиб олишди. Мен Абу Бакрдан бошқа бирор кишининг бу оятни тиловат қилганини эшитмагандим. Саъид ибн ал-Мусайяб Ҳазрат Умарнинг «Худо ҳақи, бу оятни Абу Бакр тиловат қилганларидагина эшитдим. Жаноб Расулуллоҳ вафот этдилар, деб айтганларини эшитганимда оёқларим бўшашиб кетиб, ерга кулаб тушдим»,— деганларини менга айтиб берди».

Оиша разияллоҳу анҳо ва Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлганларида юзларидан ўпдилар»,— дейишади.

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлганларида оғизларининг бир четидан дори томиздик. Ул зот бизга «Дори томизмангизлар!» деб ишора қилдилар. Биз: «Одатда, касал дорини хушламайди»,— дедик. Хушларига келганларида: «Менга дори томизмангизлар, деб ишора қилмабмидим?!» — дедилар. Биз: «Одатда, касал дорини ёқтирмайди, деб ўйладик»,— дедик, Ул зот: «Бу уйда менга дори томизганларнинг барисининг бошига шу кун тушгайдир, лекин кўриб турибманки, Ибн Аббос бундай қилмаган!» — дедилар».

Асвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларида Жаноб Расулуллоҳнинг Ҳазрат Алига васият қилганлари ҳақида гапиришди. Шунда Оиша разияллоҳу анҳо: «Ким шундай деб айтди? Жаноб Расулуллоҳ менинг кучоғимда эрдилар, тос олиб келмоқла-рини амр қилдилар, сўнг бирдан беҳол бўлиб жон таслим қилдилар, мен сезмай қолдим. Қандай қилиб Алига васият қилган бўлишлари мумкин?!» — дедилар».

Талҳа разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам васият қилдиларми?»—деб сўрадим. У: «Йўқ»,— деди. «Ундай эрса, одамлар қандай васиятга амал қиладилар ёки қандай васиятга кўра иш тутадилар?»—дедим. У: «Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ!»—деди».

Амр ибн ал-Ҳарс бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари миниб юрадирган «Ал-Байзо» исмли туялари, қуроллари ҳамда мусофирларга садақа этган ерларидан бўлак на бирор динор, на бирор дирҳам, на бирор кул ва на бирор чўри (жория) қолдирмадилар».

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оғирлашиб қолганларида хушларидан кета бошладилар. Шунда Фотима алайҳоссалом

оталарига ачиниб йиғладилар. Жаноб Расулуллоҳ Фотимага: «Бир кун ўтгач, отанга аза тутишни бас қилгил!» — дедилар. Фотима алайҳоссалом ул зот вафот этганларида: «Оллоҳ таоло чақирганда лаббай, деб жавоб берган вой отажоним. жойингиз жаннатда бўлгур, вой отажоним, Ҳазрат Жаброилга ўлганингизни маълум қиламиз, вой отажоним!» деб йиғладилар. Фотима алайҳоссалом Жаноб Расулуллоҳ дафн қилинганларида: «Ой Анас, Жаноб Расулуллоҳнинг устларига туфроқ ташлаб кўнгилларингиз ором олдимиз?!» — дедилар».

72- боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг охирги айтган гаплари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар. «Жаноб Расулуллоҳ соғ юрган вақтларида: «Бирор пайғамбар, жаннатдаги жойи кўрсатилмай туриб, жон таслим қилмайди, жаннатдаги жойини кўргачгина икки дунёдан бирини ихтиёр Қилади»,— дедилар. Дардлари оғирлашгач, хушларидан Кетдилар, шунда бошлари тиззамга қўйиғлик эрди. Кейин, ўзларига келиб, уйнинг шифтига термулганларича: «Ё Буюк дўст бўлмиш Оллоҳ!» — дедилар. Мен буни эшитиб: «Демак, бизни хушламаяптилар»,— деб хаёлимдан ўтказдим. Билдимки, ул зотнинг соғлик вақтларида айтган гаплари шу эркан (яъни, жаннатдаги жойлари кўрсатилиб, у дунёни ихтиёр қилибдилар). Жаноб Расулуллоҳнинг энг сўнгги айтган сўзлари «Ё Буюк дўст бўлмиш Оллоҳ!» бўлди».

73-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотлари ҳақида

Оиша ва Иби Аббос разияллоҳу анҳум бундай дейишади: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига Қуръон нозил бўлган (20) йил давомида, яъни ўн йил Маккада ва ўн йил Мадинада яшадилар».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олтмиш уч ёшда вафот этдилар»,— дейдилар.

74- боб.

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида қалқонлари ўттиз соғ арпа учун яхудийга гаровга қўйилган эрди»,— дейдилар.

75- боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хасталаниб ўлим тўшагида ётганларида Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳуни бир ерга жўнатганлари ҳақида

Салим оталаридан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Усомани (бир гуруҳ) кишиларга бош қилиб бир ерга жўнатдилар. Шунда баъзилар бунга эътироз билдиришди. Ул зот: «Мен воқиф бўлдимки, сизлар Усоманинг бошлиқ қилинганига эътироз билдирибсизлар, лекин шуни билиб қўйингизларки, у менинг учун энг маҳбуб кишидур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир гуруҳ одамларни (бир ерга) жўната туриб, уларга Усома ибн Зайдни бошлиқ қилиб тайинладилар. Баъзилар унинг бошлиқ қилинганига эътироз билдиришди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ ўринларидан туриб: «Гар унинг бошлиқ қилинганига эътироз билдирурсизлар, демак унинг отаси бошлиқ бўлганда ҳам норози бўлгансизлар. Оллоҳ таолога касамёд қилурманки, у бошлиқ бўлмоққа муносиб ва менга энг маҳбуб киши эркан, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолгай!» — дедилар».

76- боб.

Абулхайр ривоят қиладилар: «Санобжий мандан: «Қачон ҳижрат қилдинг?» — деб

сўради. Мен: «Ямандан ҳижрат қилиб, Жухфага етиб келганимизда олдимиздан чопар чиқиб қолди. Мен унга: «Қандай хабар олиб келаётирсан?» — дедим. У: «Жаноб Расулуллоҳни дафн қилдик, беш кун бўлди»,— деди. Мен: «Лайлат ул-Қадр хусусида бирор нарса эшитганмисан?» — дедим. У: «Ҳа, менга Жаноб Расулуллоҳнинг муаззинлари Ҳазрат Билол айтиб эрдилар, Лайлат ул-Қадр рамазон ойининг охириги ўн кунлигининг еттинчи кунда» — деди».

77-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам неча мартаба ғазот қилганлар?

Абу Исҳоқ ривоят қиладилар: «Мен Зайд ибн Арқамдан: «Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга неча марта ғазот қилгансан?» — деб сўрадим. У: «Ўн етти марта»,— деди. Мен: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам неча бор ғазот қилганлар?»—дедим. У: «Ўн тўққиз марта»,— деди».

Барро разияллоҳу анҳу: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ўн беш марта ғазот қилганман»,— дейдилар.

Ибн Бурайда оталари ҳақида: «Отам Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга ўн олти марта ғазот қилганлар»,— дейдилар.



ҚУРЪОН ТАФСИРИ КИТОБИ

«Ар- Раҳмон ур-раҳийм» икки сўздан иборат бўлиб, «Ар-Раҳма» («рахмдиллик, меҳрибонлик») сўзидандур. «Ар-Раҳийм» ва «Ар-Роҳим» («Раҳмдил», «Меҳрибон») сўзлари эрса «Ал-Алийм» ва «Ал-Олим» («Билувчи», «Билимдон») сўзлари каби бир маънога эгадур.

1- боб. Китоб (Қуръон)нинг «Фотиҳа» сураси ҳақидаги ҳадислар

«Фотиҳа» сураси «Умм ул-Китоб» («Китобдаги сураларнинг онаси») деб аталади, чунки барча Қуръон китоблари

аввал шул сурадан бошлаб ёзилади ҳамда намоз ҳам айнан ана шул сурани қироат қилиш бирлан бошланади. Дийн (Дин) бўлса, яхшилик учун мукофот ва ёмонлик учун жазо бўлиб, «тадийну ва тудону» (феъл-атворинг ва қилган амалингга яраша мукофотланасан ва жазоланасан) кабидур.

Муъжоҳид: «Фотиҳа сурасидаги «Ал-Дин» сўзи «Ал-Ҳисоб» сўзига мувофиқ келади, «Мадинууна» сўзи «Муҳосибууна» сўзига мувофиқ келгани каби»,— дейдилар.

Абу Саъид ибн Муъалло айтадилар: «Мен намоз ўқиётган эрдим, Пайғамбар алайҳиссалом чақириб қолдилар. Мен жавоб бермадим. Кейин, қошларига бориб: «Эй Оллоҳнинг расули, мен намозда эрдим»,— дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ахир, Оллоҳ таоло: «Агар сизларни Оллоҳ ва пайғамбар чақирса, уларга жавоб берингизлар!» — демаганми?!» — дедилар. Кейин, яна: «Сиз масжиддан чиқиб кетмасингиздан аввал, мен сизга Қуръоннинг энг улуғ сурасини ўргатайинми?»— дедилар-да, қўлимдан ушладилар. Сўнг, масжиддан чиқмоқчи бўлганимизда: «Эй Оллоҳнинг расули, сиз менга: «Қуръоннинг энг улуғ сурасини ўргатайинми?» — деган эрдингиз»,— деб эслатдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Етти оятдан иборат «Алҳамду лиллоҳи раббил-олабийн» бўлиб, менга берилган улуғ Қуръон (сура) шудир!» — дедилар».

2- боб. «... ғайрил-мағзууби алайҳим ва ло-з-золлий-на» («... ғазабингга дучор бўлмаган ва йўлдан озмаган кишиларга»)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар имом «... ғайрил-мағзууби алайҳим ва ло-з-золлийна» деса, «Омин!» деб айтингизлар, кимнинг «Омин!» деб айтгани малоикаларнинг «Омин!» деб айтганига мувофиқ келиб қолса, унинг илгариги гуноҳлари мағфират қилинган!» — дедилар».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ «БАҚАРА» СУРАСИ

Оллоҳ таоло Одамга барча исмларни ўргатгандур!

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Мўминлар Қиёмат куни тўпланишиб «Агар раббимиздан шафоат тиласак, (у бизни бу турган еримиздан ўзга яхшироқ жойга кўчирмасмикан?)» дея Одам алайҳиссаломнинг қошларига боришга-да, ул кишига: «Сиз одамларнинг отасисиз, Оллоҳ таоло сизни ўз

қўли бирлан яратган, сизга малоикаларини сажда қилдирган ва сизга ҳар бир нарсанинг исмини ўргатгандур, раббингиздан бизга шафоат сўрангиз, токи у бизни бу турган еримиздан ўзга яхшироқ жойга кўчирсин!» — дейишгай. Одам алайҳиссалом: «Менинг сизларга фойдам тегмагай» деб қилган гуноҳларини эслагайлар-да, уялиб кетгайлар. Сўнг, уларга: «Нух алайҳиссаломнинг қошларига борингизлар, ул киши Оллоҳ таоло Ер аҳлига юборган пайғамбарларнинг энг биринчисидурлар!» — дегайлар. Улар Нух алайҳиссаломнинг қошларига боришгач, ул киши ҳам «Менинг сизларга фойдам тегмагай» дея ақллари етмаган нарса хусусида парвардигорларига савол берганларини эслаб, уялиб кетгайлар-да: «Ар-Раҳмоннинг дўстининг қошига борингизлар!» — дегайлар. Улар Иброҳим алайҳиссаломнинг қошларига боришгай. Ул киши ҳам: «Менинг сизларга фойдам тегмагай, Оллоҳ таоло сўзлашган ва Таврот ато этган банда бўлмиш Мусонинг қошларига борингизлар!» — дегайлар. Улар Мусо алайҳиссаломнинг қошларига боришгай. Ул киши ҳам «Менинг сизларга фойдам тегмагай» дея қилган гуноҳларини эслагайлар-да, парвардигорларидан уялиб кетгайлар. Сўнг, уларга: «Оллоҳ таолонинг бандаси ва пайғамбари, Оллоҳ таолонинг калимаси ва руҳи бўлмиш Исонинг қошларига борингизлар!» — дегайлар. Исо алайҳиссалом ҳам: «Менинг сизларга фойдам тегмагай, яхшиси Оллоҳ таоло собиқ ва келгуси гуноҳларини мағфират қилган банда Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига борингизлар!» — дегайлар. Улар менинг хузуримга келишгай, сўнг мен раббимнинг хузурига бориб изн сўрагайман, менга ижозат берилгай, парвардигоримни кўришим бирланоқ сажда қилиб тургайман, ул мени ўзи истаганча вақт саждада қолдиргай, сўнг менга: «Бошингни кўтаргил, сўрагил, сўраганингни ато этгай, сўзлагил, сўзингни эшитгай, шафоат тилагил, шафоат этгай!» — дейилгай. Мен бошимни саждадан кўтариб, ўзи бизга ўргатган ҳамду санолар бирлан уни мадҳ қилгайман, кейин ундан шафоат тилагайман, у менга муайян кишиларни жаннатга олиб кирмоғимга ижозат бергай, мен уларни жаннатга олиб киргайман, сўнг унинг қошига қайтиб бориб, уни кўришим бирланоқ аввалгидек сажда қилиб тургайман, кейин ундан шафоат тилагайман, У менга бу гал ҳам муайян одамларни жаннатга олиб кирмоғимга рухсат бергай, мен уларни жаннатга олиб киргайман, сўнг унинг хузурига учинчи ва тўртинчи бор қайтиб бориб: «Дўзахда Қуръон банди этиб, унда абадий қолмоғи лозим бўлганларгина қолди!» — дегайман.

Абу Абдуллоҳ: «Қуръон банди этганларгина», яъни Оллоҳ таолонинг «Унда абадий қоладилар» деган ҳукмига биноан дўзахда қолган одамларгина», — дейдилар.

3-боб.

Мужоҳид разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «(Сураи «Бақара» даги) «ила шайотийниҳим» ибораси «мунофиқ ва мушрик бўлмиш ўз шериклари бирлан» дегани, «Муҳийтун бил-кофирийна» жумласи «Оллоҳ таоло кофирларни Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам уммату дини бирлан қуршаб олгандур» деган мазмунда, «алал-хошибийна» — «мўминларга», «би-қувватин» эрса «бор кучи бирлан» демакдур».

Абулолия бундай дейдилар: «(Сураи «Бақара» даги) «маразун» сўзи «шак» демакдур, ундан кейинги («фа-зодахумуллоҳу маразан» — «Оллоҳ таоло уларнинг шакларини янада зиёда қилди» деган) жумла эрса қолганларга бир ибратдур. «Ло шийата» дегани «доғсиз, айбсиз» деганидур»

Мужоҳиддан бўлак бир тафсирчи бундай дейдилар: «Йасуумуунакум» дегани «Сизларга хўжайинлик қилур эрдилар» деган маънодадур».

Баъзи муфассирлар: «Ейиладиган донлар (Ал-Хубу-уб)нинг барчаси буғдойдур», — дейдилар.

Қатода: «Фа-боуу» дегани «қайтдилар» дегани», — дейдилар.

Бошқа бир муфассир: «Йастафтихууна» дегани «мадад сўрайдилар» дегани, «шаруу» дегани «ўйламай-нетмай сотдилар» дегани», — дейдилар.

Оллоҳ таоло: «Била туриб Оллоҳга ширк келтирмангизлар!» — дейди.

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламдан «Қандай гуноҳ Оллоҳ таоло даргоҳида энг оғир гуноҳ?» деб сўрадим. Ул зот: «Ўзингни яратган Оллоҳ таолога ширк келтирмоғингдур»,— дедилар. Мен: «Дарҳақиқат, бу гуноҳи азимдур!» — дедим-да, «Ундан сўнг қайси?» деб сўрадим. Ул зот: «Овқатимга шерик бўлмасин, деб ўз болангни ўлдирмоғингдур»,— дедилар. Мен: «Дарҳақиқат, бу гуноҳи азимдур!»— дедим-да, «Ундан кейинчи?»— дедим. Ул зот бундай дедилар: «Қўшнингнинг жуфти ҳалоли бирлан зино қилишмоғингдур. Оллоҳ таоло бул хусусда: «Биз сизларга булутни соябон қилиб бердик ва биз ўзларингизга ризқ қилиб берган неъматларнинг покизасидан енгизлар, деб манн ва салвони (осмондан) сизларга туширдик ва улар бизга зулм қилмадилар ва лекин ўзларига зулм қилур эрдилар»,— деган».

Муъжоҳид: «Манн — кўриниши лимонга ўхшаш ширин мева, салво — қуш»,— дейдилар.

Саъид ибн Зайд бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Манн замбуруғи ва унинг суви кўзга даводур» деб айтдилар».

3- боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз сизларга: «Мана бу шаҳарга (қишлоққа) кирингизлар!» — дедикми, бас, ул ерда хоҳлаган жойингизда истаганингизча енгизлар ва сажда қилган ҳолда эшикка (дарвозага) кирингизлар-да, «Мағфират қил!» деб айтингизлар, биз хатоларингизни мағфират қилурмиз ва яхшиларга зиёда қарам қилурмиз!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Сажда қилган ҳолда дарвозага кирингизлар-да, «Мағфират қил!» деб айтингизлар!» деб Бану Исроилга айтилди, шунда улар кетларини ерда судраб кириб боришди-да, мағфират тилаш ўрнига, яъни «ҳитта» дейиш ўрнига «ҳинта» (буғдой) деб айтишди».

Оллоҳ таолонинг қавли: «Жаброилга душман бўлганларга «Ўшал зот (яъни, Жаброил) Оллоҳ, таолонинг ҳукми бирлан Қуръонни сизларнинг қалбингизга туширган бўлиб, Қуръон ўздан аввалги китобларни тасдиқ этур ва у мўминларга ҳидоят ҳамда башоратдур!» деб айтгил!»

Икрима: «Жабр, Мик ва Асроф (Жаброил, Микойил ва Асрофийл) — Ийл (яъни, Оллоҳ) нинг қуллари»,— дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Салом кузги шудгор қилаётиб, Жаноб Расулulloҳнинг келаётганларининг дарагини эшитди. Жаноб Расулulloҳ келиб, унга: «Мен сендан пайғамбарларгина биладирган уч нарса ҳақида сўрайман Қиёматнинг дастлабки аломатлари қандай? Жаннат аҳли ейдирган дастлабки таом қайси? Нима сабабдан фарзанд отаси ёки онасига тортади (ўхшаб қолади)?»— дедилар. Абдуллоҳ ибн Салом: «Ҳа, биламан, фаришталардан бўлмига ва яхудийларга душман ўшал зот (яъни, Ҳазрат Жаброил).» дея «Жаброилга душман бўлганларга «Ўшал зот (яъни, Жаброил) Оллоҳ таолонинг ҳукми бирлан Қуръонни сизларнинг қалбингизга туширган бўлиб, Қуръон ўздан аввалги китобларни тасдиқ этур ва у мўминларга ҳидоят ҳамда башоратдур!» деб айтгил!» деган ояти каримани тиловат қилди. Сўнг, у: «Қиёматнинг дастлабки аломати шулки, аланга кўтарилиб, Машрикдан Мағрибгача бўлган одамларни тўплагай, жаннат аҳлининг дастлабки таоми эрса, наҳангнинг жигар ўсимтасидир, фарзанднинг отаси ёки онасига тортиб қолишининг боиси — агар эркакнинг суви аёлнинг сувидан илдамлик қилса, онасига тортади»,— деди. Кейин, у: «Оллоҳдан бўлак тангри йуқлигига, сизнинг Оллоҳ таолонинг расули эрканлигингизга шаҳодат келтираман! Ё Расулalloҳ, яхудийлар бетайин қавм бўлиб, агар улар менинг исломга кирганимни сиз улардан менинг ҳақимда сўрамасингиздан илгари сиздан билиб олишса, мени бадном қилгайлар»,— деди. Шул аснода яхудийлар келиб қолишди. Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам улардан «Абдуллоҳ (ибн Салом) ораларингизда қандай мавкега эга?» — деб сўрадилар. Улар: «У бизнинг энг яхши одамимиз ва энг яхши одамимизнинг фарзандидур ҳамда у бизнинг улуғимиз ва улуғимизнинг фарзандидур!»— дейишди. Жаноб Расулulloҳ:

«Абдуллоҳ ибн Саломнинг исломни қабул қилганини билдингизларми» — дедилар. Улар: «Оллоҳ таоло уни бундан ўз паноҳида асрасин!» — дейишди. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом чиқиб келиб: «Ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан расулуллоҳи!»—деди. Улар «У бизнинг энг ёмон одамимиз ва энг ёмон одамимизнинг фарзандидур!» — деб уни бадном қилишди. Абдуллоҳ ибн Салом: «Ё Расулаллоҳ, мен мана шундан чўчиган эрдим!» —деди».

5-боб. Оллоҳ таолонинг «Биз қайси оятни бекор қилурмиз ё унутдиурмиз...» деган қавли хусусида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар «Убай бизга («Бақара» сурасини) кироат қилмоқни ўргатди. Шунда Ҳазрат Али бизнинг хаю ўқиганимизни айтдилар. Убай «Мен бу сурани Жаноб Расулуллоҳнинг ўзларидан тула ўрганиб олганман, уни чала ёд олган эрмасман, Оллоҳ таоло «Биз қайси оятни мансух (бекор) қилурмиз ё унутдиурмиз» деган»,— деди»

6-боб. Оллоҳ таолонинг «Ва улар: «Оллоҳ таолонинг фарзанди бордур»,— дерлар» деган қавли хусусида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ «Оллоҳ таоло бунда: деди»,— дедилар. «Одам боласи менга тухмат қилди, у бундай қилмаслиги лозим эрди, (Одам боласи) мени ҳақораг қилди, у бундай қилмаслиги лозим эрди! Аммо, менга тухмат қилгани хусусига келсак, у мени илгариги ҳолига қайтаролмайди, деб таъкидлайди Аммо, мени ҳақорат қилгани хусусига келсак, «Оллоҳ таолонинг боласи бор, у ўзига жуфт ва бола қила олади»,— дейди».

7-боб. Оллоҳ таолонинг «Иброҳим Мақомини доимий ибодатгоҳ қилиб олингизлар!» деган қавли хусусида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Умар разияллоҳу анҳу бундай дедилар: «Оллоҳ таоло менинг уч илтижомни рўбга чиқарди. 1) «Ё Расулаллоҳ, Иброҳим Мақомини ибодатгоҳ қилиб олсангиз эрди!» деб айтганимда 2) «Ё Расулаллоҳ, ҳузурингизга яхши ҳам, ёмон ҳам кириб туради мўминларнинг аёлларини ҳижоб (чочвон, парда) кийишга амр қилсангиз эрди!» деб айтганимда Оллоҳ таоло «Ҳижоб оятини нозил қилди 3) Кейин, мен Жаноб Расулуллоҳнинг баъзи аёлларига дашном берганларини эшитиб қолиб, уларнинг ҳузурига кирдим-да «Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини ўзларингиздан афзал, деб билсангизлар эрди!» — дедим. Шунда ул зотнинг аёлларидан бири келиб, меша «Эй Умар ҳатто Жаноб Расулуллоҳнинг оғизларидан аёлларига нисбатан сен айтган сўзлар чиқмаган эрди!» — деди. Шунда Оллоҳ таоло: «Унинг парвардигори, агар у сизларни талоқ қилса, ўрнингизга сизлардан яхшироқ муслима хотинларни унга жуфт қилиб қўйишга кодирдур!» деган ояти каримасини нозил қилди»

Оллоҳ таолонинг қавли: «Иброҳим ва Исмоил Каъба деворларини кўтараётганда «Эй бизнинг парвардигоримиз, қабул этгил бизлардан (бу хизматни), дарҳақиқат сенгина эшитгувчи, билгувчидурсан!» деб айтур эрдилар»

Оиша разияллоҳу таоло анҳо бундай деб хабар берадилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қавмингнинг Каъбани (қайта) қуришаётиб, Иброҳим алайҳиссалом қўйиб кетган пойдеворларни пасайтириб қўйишганини курмайсанми!» — дедилар. Мен «Ё Расулаллоҳ, Иброҳим алайҳиссаломнинг пойдеворларини аслига келтириб қўймайсизми?»—дедим. Ул зот: «Қавминг куфрдан қайтиб, эндигина исломга кирмаган бўлганида, шундай қилган бўлур эрдим!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар «Оиша разияллоҳу анҳо бу ҳадисни Жаноб Расулуллоҳдан эшитган булсалар-да, мен «Жаноб Расулуллоҳ Каъба деворлари Иброҳим алайҳиссалом қурганларидек қилиб қайта қурилмагани учунгина хижр (девор) ёнидаги икки устунни силаб тавоф қилмаганлар»,— деёлмайман»

8-боб. Оллоҳ таолонинг «Оллоҳга ва у бизга нимаики нозил қилган бўлса, ўшанга

иймон келтирдик!» деб айтингизлар!» деган қавли хусусида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Китоб ахли Тавротни ибронийча кироат қилиб, уни ислом аҳлига арабча тафсир қилишар эрди. Жаноб Расулуллоҳ «Китоб аҳлига ишонмангизлар ҳам, уларни ёлғончи демангизлар ҳам, уларга «Оллоҳ таолога ва у бизга нимаики нозил қилган бўлса, ўшанга иймон келтирдик!» — деб айтингизлар!» — дедилар»

Оллоҳ таолонинг қавли: «Аҳмоқлар: «Мусулмонларни доимо ибодат қилиб келган қиблаларидан юз ўгирмоқларига нима мажбур қилди?» — деб айтгайлар. Шунда сиз: «Мағриб ҳам, Машриқ ҳам Оллоҳ таолонинг ўз мулкидур, у истаган бандасини тўғри йўлга ҳидоят қилур!» — деб айтингиз!»

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи саллам Байтулмақаддасга қараб ўн олти ёки ўн етти ой намоз ўқидилар, аммо, аслида Байтуллоҳнинг ўзларига қибла бўлмоғини хоҳлар эрдилар. Бир куни ул зот Байтуллоҳга қараб намоз ўқидилар, қавм ҳам биргалашиб ўқиди. Кейин, ул зот бирлан бирга намоз ўқиган кишилардан бири намоз ўқиб турган бир гуруҳ одамлар олдига бориб «Оллоҳ таолони гувоҳ қилиб айтурманки, мен ҳозиргина Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Маккага қараб намоз ўқидим»—деди. Шунда бояги намозхонлар Байтуллоҳ томонга қараб ўгирилиб олишди. Қибла Байтулмақаддасдан Байтуллоҳ томонга ўзгартирилмасидан илгари шаҳид бўлганлар ҳам бор эрди, биз улар хусусида нима демоғимизни билмас эрдик. Оллоҳ таоло «Ва Оллоҳ таоло сизларнинг иймонларингизни зое кетказувчи эрмас, Оллоҳ таоло одамларга кўп меҳрибон, ниҳоятда раҳмлидур!», «Ва шул тариқа биз сизларни шундай бир адолатли уммат қилдикки, токи сизлар гувоҳ бўлингизлар бошқа одамларга ва расул ҳам сизларга гувоҳ бўлсинлар!» деган оятларни нозил қилди»

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қиёмат куни " Оллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломни даъват қилганда ул киши «Лаббай, эй раббим, хизматингга ҳозир нозирман!» деб жавоб бергайлар. Оллоҳ таоло «Менинг ҳукмларимни ўз умматингга етказдингми?» — деб сўрагай. Нуҳ алайҳиссалом «Ҳа»,— дегайлар. Кейин, ул кишининг умматларига «Менинг ҳукмларимни сизларга етказганмиди?»—дейилгай. Улар «Бизнинг ҳузуримизга бирор огоҳлантирувчи одам келган эрмас!»—дейишгай. Оллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломга «Менинг ҳукмларимни умматингга етказганингга ким гувоҳлик бера олади?» —дегай. Нуҳ алайҳиссалом «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ул зотнинг умматлари гувоҳлик беришгай»,— дегайлар. Шунда улар Нуҳ алайҳиссаломнинг Оллоҳ таоло ҳукмларини ўз умматларига етказганликларига гувоҳлик беришгай ва расул ҳам сизларга гувоҳлик бергай. Бу Оллоҳ таолонинг қавлидур. Оллоҳ таоло «Ва шул тариқа биз сизларни шундай бир адолатли уммат қилдикки токи сизлар гувоҳ бўлингизлар бошқа одамларга ва расул ҳам сизларга гувоҳ бўлсинлар ва биз сиз илгари юзингизни қаратиб намоз ўқиб юрган томонни кимлар расулга эргашажагини ва кимлар орқасига қайтажагини билмоқ учунгина қибла қилган эрдик ва албатта бу муомала оғир бўлиб, уни Оллоҳ таоло ҳидоят қилган бандаларгина кўтаргайлар ва Оллоҳ таоло сизларнинг иймонларингизни зое кетказувчи эрмас, Оллоҳ таоло одамларга кўп меҳрибон, ниҳоятда раҳмлидур!» — дейди»

Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар Қубо масжидида бомдод ўқиб туришган эрди, бир одам келиб « Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳга Қуръон (вахий) тушириб, Каъбани қибла қилмоқни амр қилди»,— деди. Намозхонлар дарҳол Оллоҳ таолонинг амрига буйин эгишиб, юзларини Каъбага ўгиришди».

9- боб Оллоҳ таолонинг «Юзингизни осмонга қарата-ётганингизни кўриб турибмиз, энди биз юзингизни ўзингизга марғуб булган қиблага қараттирурмиз, юзингизни Масжид ал-Ҳаром тарафига қаратингиз!» деган қавли хусусида

Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу ривоят қиладилар: «Икки қиблага қараб намоз ўқиганлардан менадан бўлак ҳеч ким қолмади. Оллоҳ таоло «Ва агар сиз китобийларга барча далилларни келтирсангиз ҳам, улар сизнинг қиблангизни тан олмаслар ва сиз ҳам уларнинг қибласини қабул қилмасиз ва улар ҳам баъзилари баъзиларин қиблаларин қабул этмаслар ва агар сиз ўзингизда ваҳий илми ҳосил бўла туриб, уларнинг хоҳишларига тобиъ бўлсангиз, ул ҳолда сиз албатта золимлардан булурсиз!» — дейди».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир пайт одамлар Кубо масжидида бомдод ўқиб туришган эрди, бир киши келиб «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ушбу кеча Қуръон (ваҳий) нозил бўлди. Ул зот Каъбага қараб намоз ўқимокни амр қилдилар сизлар ҳам каъбага қараб намоз ўқингизлар!»—деди. Шунда одамлар Шом тарафга қараб туришган эрди, дарҳол юзларини Каъбага ўгиришди. Оллоҳ таоло «Биз Китоб берган бандалар Расулуллоҳни ўғилларини таниганларидек танирлар ва улардан бир гуруҳи ҳақиқатни билиб турсалар ҳам яширурлар, бу (нарса) парвардигорингиздан (туширилган) ҳақиқатдур, бас шак қилгувчилардан бўлмангиз!» — дейди»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир пайт одамлар Кубо масжидида бомдод ўқиб туришган эрди, бир одам келиб: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бу кеча Қуръон (ваҳий) нозил бўлди. Ул зот Каъбага қараб намоз ўқимоғимизни амр қилдилар, сизлар ҳам ўша томонга юзларингизни бурунгизлар!»—деди. Шунда намозхонлар Шом томонга қараб туришган эрди, дарҳол Каъбага ўгирилишди. Оллоҳ таоло «Ва ҳар бир кимса учун юзини қаратадирган ўзига хос томон бордур, шундай эркан, сизлар хайрият томон юз бурунгизлар, сизлар қаерда бўлсангизлар ҳам, Оллоҳ таоло барчангизнинг қошингизга келгай, Оллоҳ таоло ҳамма ишга қодирдур!» - дейди».

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам би ан бирга Байтулмуқаддасга қараб ўн олти ёки ўн етти ой намоз ўқидик, сўнг ул зот қиблани Каъба томонга ўзгартирдилар. Оллоҳ таоло: «Ва сиз қаердан чиқиб келсангиз ҳам, юзингизни Масжид рл ал-Ҳаромга қаратингиз ва бу парвардигорингиз тарафидан туширилган ҳақ ҳукмдур ва Оллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан ғофил эрмасдур!» — дейди».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир пайт одамлар Кубо масжидида бомдод ўқиб туришган эрди, бир киши келиб: «Бул кеча Оллоҳ таоло Қуръон (ваҳий) нозил қилиб, Каъбага қараб намоз ўқимокни амр қилди, сизлар ҳам ўша томонга қарангизлар!» — деди. Намозхонлар дарҳол юзларини Каъбага буришди, улар аввал Шом тарафга қараб намоз ўқишаётган эрди. Оллоҳ таоло: «Дарҳақиқат, Сафо ва Марва Оллоҳ таолонинг нишонларидандур, бас кимики Байтуллоҳга ҳаж қилса ёки умра қилса, бу иккисин (Сафо ва Марва) оралиғида саъй қилмоқ унга гуноҳ эрмас ва кимики ўз рағбати ила яхшилиқ қилса, Оллоҳ таоло албатта тақдирловчи, билувчидур!» — дейди».

Ҳишом ибн Урванинг оталари бундай деган эрканлар: «Мен ёш бола бўла туриб, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари Оиша разияллоҳу анҳога: «Оллоҳ таолонинг «Дарҳақиқат, Сафо ва Марва Оллоҳ таолонинг нишонларидандур (удумларидандур), бас кимики Байтуллоҳга ҳаж қилса ёки умра қилса, бу иккисин оралиғида саъй қилмоқ унга гуноҳ-«эрмас» деган ояти ҳақида нима дейсиз? Мен Сафо ва Марвани тавоф қилмаган одам гуноҳкор бўлмайди, деб ҳисоблайман»,— дедим. Оиша онамиз: «Асло ундай эрмас, агар бу оятнинг тафсири сен айтганингча бўладирган бўлса, унда Сафо ва Марвани тавоф қилмаса ҳам, гуноҳкор бўлмас эркан-да?! Аммо, бу оят ансорлар хусусида нозил бўлган бўлиб, улар (мусулмон бўлмоқларидан аввал) Манот деган бутга таҳлил айтишар эрди. Шу боисдан улар Сафо ва Марвани тавоф қилмоққа ботинишмас эрди. Ислом жорий бўлиб, мусулмон бўлганларидан сўнг, Жаноб Расулуллоҳга шул ҳақда савол беришди. Шунда Оллоҳ таоло «Дарҳақиқат, Сафо ва Марва Оллоҳ таолонинг нишонларидандур, бас кимики Байтуллоҳга ҳаж қилса ёки умра қилса, бу иккисин оралиғида саъй қилмоқ унга гуноҳ эрмас» деган ояти каримани нозил қилди»,— дедилар».

Осим ибн Сулаймон ривоят қиладилар: «Мен Анас ибн Моликдан Сафо ва Марва ҳақида сўрадим. Шунда, у: «Биз бу иккисини тавоф қилмоқни жоҳилият давридан қолган удум, деб ҳисоблаб юрар эрдик. Ислом жорий бўлгач, уларни тавоф қилмай қўйдик. Шунда, Оллоҳ таоло «Дарҳақиқат, Сафо ва Марва Оллоҳ таолонинг нишонларидандур, бас кимики Байтуллоҳга ҳаж қилса ёки умра қилса, бу иккисин оралиғида саъй қилмоқ унга гуноҳ эрмас» деган ояти каримасини нозил қилди»,— деди».

10- боб. Оллоҳ таолонинг «Ва баъзи одамлар борки, улар Оллоҳ таолодан бўлақларни унга шерик қилурлар» деган қавли хусусида

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сўз айтдилар, мен ҳам бир сўз айтдим. Ул зот: «Оллоҳ таолодан бўлақларни унга шерик қилган одам ўлса, жаҳаннамга тушгай»,— дедилар. Мен: «Оллоҳ таолодан бўлақларни унга шерик қилмаган одам ўлса, жаннатга тушгай»,— дедим. Оллоҳ таоло: «Эй мўмин-лар, ўлдирилган озод одам бадалига озод одамни, кул бадалига кулни, хотин бадалига хотинни ўлдирмоқ сизларга фарз қилинди. Бас, кимки ўлдирилган одамнинг ворислари тарафидан афв қилинса, ул бунинг учун қоидага мувофиқ яхшиликлар қилсин ва бул сизларга парвардигорингиз тарафидан ато этилган енгиллик ва марҳаматдурким, кимки бундан буён ҳам қотиллик қилмоқда давом этса, ул аламли азоб-уқубатга дучор қилингайдур!»— дейди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бану Исроилда ўлдирилган одам учун қасос олишар, хун ҳақи олишмас эрди. Оллоҳ таолонинг (юқоридаги) ояти ўшалар хусусида нозил қилингандур».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Оллоҳ таолонинг Китоби — қасосдур!» — дедилар».

Ҳумайд разияллоҳу анҳу Анас разияллоҳу анҳу ҳақларида бундай дейдилар: «Унинг чўриси бир жориянинг тишини уриб синдириб қўйди. Одамлар уни афв қилмоқларини илтимос қилишди. Тиши синдирилган жориянинг эгалари бунга ҳам, хун ҳақи олмоққа ҳам кўнишмади. Кейин, ҳаммалари биргалашиб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига боришди, жориянинг эгалари ул зотнинг қошларида ҳам «Фақат қасос» деб туриб олишди. Шунда, Жаноб Расу-луллоҳ қасос олмоқни (яъни, тиш учун тиш синдирмоқни) амр қилдилар. Анас: «Ё Расулаллоҳ, унинг тиши синдириладими? Сизни ҳақиқат ила юборган зот ҳақи, тиши синдирилмасин!» — деди. Ул зот: «Ё Анас, Оллоҳ таолонинг Китоби — қасосдур!» — дедилар, шундан сўнг жориянинг эгалари қасос олмасликка кўнишиб, чўрини афв қилишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таолонинг бандаларидан кимки Оллоҳ таолонинг номини айтиб қасам ичса, қасамига вафо қилмоғи лозим!»--дедилар.

11- боб. Оллоҳ таолонинг «Эй мўминлар, рўза тутмоқ ўзингиздан аввалгиларга фарз қилингани янглиғ, сизларга ҳам фарз қилинди, шояд сизлар парҳезгор бўлсангизлар!» деган қавли хусусида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жоҳилият аҳли ашуро ойида рўза тутур эрди, рамазон ойида рўза тутмоқ ҳақида оят нозил бўлгач, Жаноб Расулуллоҳ: «Ашуро ойи рўзасини хоҳлаганлар тутсин, хоҳламаганлар тутмасин!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу таоло анҳо ривоят қиладилар: «Рамазондан илгари ашуро ойида рўза тутилар эрди. Рамазонда рўза тутмоқ ҳақида оят нозил бўлгач, ашуро рўзасини истаган тутди, истамаган тутмади».

Алқама разияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ҳақларида бундай дейдилар: «Абдуллоҳ овқатланиб ўлтирган эрди, ҳузурига Ашъас кириб келиб: «Ахир, бугун ашуро ойи-ку?!» — деди. Абдуллоҳ: Ашуро ойида рамазон ҳақида оят нозил бўлмасидан бурун рўза тутилар эрди, рамазон рўзаси ҳақида оят нозил бўлгач, бу ойда рўза тутмоқлик тарк этилган, бери кел, овқатлан!» — деди».

Ошиа разияллоҳу таоло анҳо ривоят қиладилар: «Биз Курайш аҳли жоҳилият даврида ашуро ойида рўза тутар эрдик, Жаноб Расулуллоҳ ҳам тутар эрдилар. Мадинага келганларида ашуро рўзасини тутдилар, бошқаларга ҳам тутмоқни амр қилдилар. Оллоҳ таоло рамазон рўзаси ҳақида оят нозил қилиб, уни фарз қилгач, ашуро ойида рўза тутилмайдирган бўлди. Ашуро рўзасини хоҳлаганлар тутиб, хоҳламаганлар тутмас эрди».

12-боб. Оллоҳ таолонинг «Бир неча санокли кунлар сизлардан кимки бемор бўлса ёки сафарда бўлса, бошқа кунлар ҳисобига (рўзани) тўлдиргайсиз, (рўза тутмоққа) қодир кишилар эрса, бир мискинни тўйдирарлик таом фидя қилгайлар, кимки ўз рағбати ила яхшилик қилса, бу унинг ўзи учун яхшидур ва агар билсангизлар, рўза тутмоқларингиз ўзларингиз учун яхшидур» деган қавли ҳусусида

Ато разияллоҳу анху. «Оллоҳ. таоло айтганига биноан, киши касал бўлиб, силласи қуриганда рўзасини бузгай»,— дедилар.

Ҳасан ва Иброҳим бола эмизувчи ҳамда ҳомиладор аёл ҳиқиди сўзлаб: «Агар улар иккиси ўзларидан ёки болаларидан хавотирлансалар, рўзаларини бузиб, кейин қазосини тутаверадилар, аммо кекса одам рўза тутмоққа қудрати етмаса.. Масалан: Анас кексайиб қолгач, бир-икки йил давомида ҳар куни бир мискинга нон, гўшт бериб, Оллоҳ ааолонинг «(Рўза тутмоққа) қодир кишилар .» деган қавлини қироат қилиб, руза тутмай юравердилар, бундайлар эрса кўп эрди»

Ато разияллоҳу анху Ибн Аббосниг «(Рўза тутмоққа) қодир кишилар эрса, бир мискинни тўйдирарлик таом фидя қилгайлар» деган иятни қироат қилганини эшитдилар. Ибн Аббос: «Бу оят бекор қилинган эрмас. агар кекса киши еки кекса аёл рўза тутмоққа қодир бўлмасалар, ҳар бир рўза тутилмаган кун бадалига бир мискинни чўйдирмоғи лозим бўлади, Оллоҳ таоло «Сизлардан қайси бирингиз (рамазон) ойининг шоҳиди бўлсангиз, унинг рўзасини тутингиз!» деб айтган»,— дедилар.

Нофиъ бундай дейдилар. «Ибн Умар разияллоҳу анху «...бир мискинни тўйдирарлик таом фидя қилгайлар...» деб қироат қилдилар-да, «Бу оят мансух қилинган»,— дедилар».

Салама иби ал-Акваъ ривоят қиладилар: «(Рўза тутмоққа) қодир кишилар эрса, бир мискинни тўйдирарлик таом фидя қилгайлар» деган оят нозил бўлганда фидя бериб рўза тутмай юрадиганлар чиқиб қолди, шунда мазкур оятдан кейинги оят нозил бўлиб, аввалгисини мансух қилди».

Абу Абдуллоҳ: «Букайр Язиддан илгари вафот қилди»,— дейдилар.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Рўза кечаларида хотинларингизга яқинлик қилмоқларингиз сизларга ҳалол қилинди, улар сизларга либосдурлар ва сизлар ҳам уларга либосдурсизлар (яъни, эркагу аёл тунда суҳбат қурганда либос янглиг бир-бирларининг бўйинларидан кучоклайдилар), Оллоҳ таолога маълумдурки, сизлар ўзларингиз ўзларингизга хиёнат қилур эрдингизлар, бас у тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди, энди сизлар уларга яқинлик қилаверингизлар ва Оллоҳ таоло ўзларингизга ёзган нарсани (фарзандларни) сўрангизлар!».

Барро разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло рамазон рўзаси ҳақида оят нозил қилгач, одамлар рамазон давомида эъллари бирлан жимоъ қилмасликлари лозим эрди, шундаи бўлсада баъзилар ўзларига хиёнат қилишар эрди. Кейин, Оллоҳ таоло «Оллоҳ таолога маълумдурки, сизлар ўзларингиз ўзларингизга хиёнат қилур эрдингизлар, бас у тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди» деган қавлини нозил қилди».

13- боб Оллоҳ таолонинг «... ва тонгнинг оқ ип қора ипдан аниқ фарқланадирган пайтигача еб-ичингизлар, сўнг кечгача рўза тутингизлар ва уларга (аёлларга) масжидларда эътикофда ўлтирганингизда яқинлик қилмангизлар, булар Оллоҳ таолонинг таъқиқловчи чегаралари бўлиб, зинҳор уларга яқин бора кўрмангизлар, Оллоҳ таоло шу тариқа одамларга ўз кўрсатмаларини баён қилур, шояд улар такво қилсалар деб» деган қавли ҳақида

Шаъбий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Адий баъзи кечалар бир чатим оқ ва бир чатим қора ипни олиб, уларга назар ташлаб қўяр, лекин сира ҳам ажрата олмас эрди. Бир куни тонг отгач, Жаноб Расулulloҳга «Ё Расулаллоҳ, ёстигим остига оқ ва қора ип қўйиб қарайман, лекин сира ҳам уларни ажрата олмайман!» — деди. Ул зот «Агар ёстигинг кенг (катта) бўлса-ю, остига оқ ва қора ип қўйиб қарасанг, фарқлай олмагайсан (оқ ва қора ипдан мақсад, тонг ва кечкурундур)», — дедилар»

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, «оқ ипу қора ип» нима дегани, бу ерда ҳақиқатан ҳам оқ ва қора ип ҳақида гапирилаяптими?» — дедим. Ул зот «Агар ип деб ўйлаган бўлсанг, каллаварам эркансан!» — дедилар, сўнг «Асло ундай эрмас, улар тун қоронғулиги-ю, кун ёруғлигидур» — деб айтдилар»

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар «Оллоҳ таолонинг «Оқ ипни қора ипдан ажратадирган бўлгунча еб-ичингизлар» деган қавли нозил бўлди, лекин «тонгдан бошлаб (тонгнинг оқ ип қора ипдан фарқланадирган пайтигача)» деган қавли ҳануз нозил бўлмаган эрди. Шунда, одамлар рўза тутмоқчи бўлсалар, оёқларига оқ ва қора ип боғлаб олиб, то уларни бир-биридан ажратадирган бўлгунларича еб-ичавердилар. Кейин, Оллоҳ таоло «тонгдан бошлаб (тонгнинг оқ ип қора ипдан фарқланадирган пайтигача)» деган қавлини нозил қилди. Бундан одамлар билдиларки оқ ип ва қора ипдан мақсад, субҳдан кечкурунгача эркан. Оллоҳ толо Уйларга орқа томондан (ёки томдан ошиб) кирмоқларингиз яхши амал эрмас, балки кишининг Оллоҳ таолодан тақво қилгани яхши амалдур, уйлариингизга эшик орқали кириингизлар, Оллоҳ таолодан тақво қилиннгизлар, шояд нажот тоисангизлар!» — дейди (қадимги араблар эҳромга киргандан сўнг, яна уйларига кирмоқчи бўлсалар, эшик қолиб, томдан ошиб тушар ёки уйнинг орқа томонидан кирар эрдилар ва буни яхши амал, деб эътиқод қилар эрдилар)»

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладияр: «Араблар жоҳилият даврида эҳром боғласалар, уйларига томдан ошиб тушар эрдилар Кейин, Оллоҳ таоло «Уйларга орқа томондан (ёки томдан ошиб) кирмоқларингиз яхши амал эрмас, балки кишининг Оллоҳ таолодан тақво қилгани яхши амалдур, уйлариингизга эшик орқали кириингизлар», шунингдек «Ва фасод қолмагунча ҳамда Оллоҳ таолонинг дини қоим бўлмагунча уларга қарши урушингизлар, агар улар душманлик қилмоқдан қайтсалар, золимларга нисбатангина адоват бордур!» деган қавлини нозил қилди»

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар- «Икки киши Ибн аз-Зубайр фитнаси вақтида Ибн Умарнинг ҳузурига келиб «Одамлар қандай ишлар қилишди сиз бўлсангиз, пайғамбаримизнинг дўстлари бўла туриб индамай ўлтирибсиз, уларга қарши курашишингизга сизга нима монъелик қилади?» — дейишди. Ибн Умар «Оллоҳ таолонинг ўз биродарларим қонини тўқмоқни манъ қилгани монъелик қилади!» — деди. Улар «Оллоҳ таоло «Ва фасод қолмагунча уларга қарши урушингизлар!» деб айтмаганми, ахир?» — дейишди. Ибн Умар «Биз фитна қолмагунча ва Оллоҳ таоло дини қоим булгунча урушдик, нима, энди сизлар яна фитна содир бўлиб, Оллоҳ таолонинг дини барбод булгунча уруш қилмоқчимисизлар?!» — деди.»

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Ибн Умарнинг қошига келиб «Эй Абу Абдурахмон, Оллоҳ таоло йулида жиҳод қилмай бир йил ҳаж ва бир йил умра қилганиннгизнинг боиси нима? Бу ҳақда Оллоҳ таоло нимани ирода қилганини биламан!» — деди. Ибн Умар «Эй жияним, ислом беш нарса асосида қурилган. Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига иймон келтирмоқ, беш вақт намоз ўқимоқ, рамазон рўзасини тутмоқ, закот бермоқ ва Байтуллоҳга ҳаж қилмоқ», — деди. Бояги киши: «Эй Абу Абдурахмон, Оллоҳ таоло ўз Китобида «Агар икки гуруҳ мўминлар ўзаро урушсалар, ораларини келиштириб қўйингизлар, башарти ўшал гуруҳлардан бири иккинчисига тажовуз қилса, тажовуз қилган гуруҳга қарши Оллоҳ таолонинг амрига итоат қилгунларигача ва фитна қолмагунча уруш қилиннгизлар!» деб айтганини эшитмаганмисиз?» — деди. Ибн Умар: «Биз Жаноб Расулulloҳнинг замонларида шундай қилган эрдик, ўша вақтларда ислом ҳали заиф бўлиб, одам ўз дини хусусида фитна қилса, ё уни ўлдиришар ёхуд унга азоб беришар эрди. Энди бўлса, ислом куч-қувватга тўлган бўлиб, фитна содир бўлмайди», —

деди. Бояги одам: «Али ва Усмон ҳақида нима дейсиз?» — деди. Ибн Умар: «Усмон хусусига келсак, Оллоҳ таоло ул кишини афв қилди, аммо сизлар уни афв қилмоқдан бош тортдингизлар. Али тўғрисида гапирадирган бўлсам, у Жаноб Расулуллоҳнинг амакиларининг ўғли бўлиб, унга ўз қизларини берганлар»,— деди-да, қўли бирлан бир томонга ишора қилиб: «Мана бу кўриб турганингиз ўшанинг уйи бўлади!» — деб айтди.

14-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Молларингизни Оллоҳ йўлида сарфлангизлар, бахиллик қилиб ўзларингизни ҳалокатга ташламангизлар, яхшилик қилингизлар, зеро Оллоҳ таоло яхшилик қилгувчиларни севгай»

Ҳузайфа: «Молларингизни Оллоҳ йўлида сарфлангизлар, бахиллик қилиб ўзларингизни ҳалокатга ташламангизлар ..» деган ояти карима нафақа тўғрисида нозил бўлган»,— дейдилар.

15-боб. Оллоҳ таолонинг «Бас, сизлардан бирортангиз касал бўлса ёки унинг бошида озор етказувчи нарса бўлса...» деган қавли ҳақида

Абдуллоҳ ибн Маъқил разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Куфа масжидида Каъб ибн Ужранинг ҳузурда ўлтириб, рўза фидяси тўғрисида сўрадим. Каъб бундай дедилар: «Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига бир хизмат бирлан борган эрдим. Шунда бошимдаги битлар юзимга тўкилиб турган эрди. Буни кўриб Жаноб Расулуллоҳ: «Битлар сенга бунчалик азоб бераётганини билмаган эрканман, бир қўй топа оласанми?»— дедилар. Мен: «Йўқ»,— дедим. «Ундай бўлса, сочингни олдири-да, кейин уч кун рўза тутгил ёки олти мискинни тўйғазгил, ҳар бир мискинга ярим соъ таом бергил!»— дедилар. Қуйидаги «Кимки умра бирлан ҳаж ҳам қилиб савоб топмоқчи бўлса, ўзи муяссар бўлган қурбонликни сўйсин» деган оят менинг ҳақимда нозил бўлган бўлса ҳам, барчангизга тааллуқлидур»-

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг Китобидаги «Мутъа ояти» нозил қилинди. Биз Жаноб Расулуллоҳ бирлан шунга амал қилиб юрдик. Кейин, мутъани манъ қилгувчи оят нозил бўлмади, Расулуллоҳ ҳам то вафотларигача буни манъ этмадилар. Бир киши, ўзбо-шимчалик қилиб, оғзига келганини айтган эрди (яъни, мутъа қилмоқни манъ этган эрди). Муҳаммад (ибн Башор): «Бу Ҳазрат Умар эрдилар»,— дейдилар. Оллоҳ таоло: «Парвардигорл»рингиздан ризқ сўрамоғингиз сизлар учун гуноҳ эмасдур!»— дейди». (Мутъани ният қилган одам Маккага борганда умра қилиб, сочини қисқартириб, кейин эҳромдан чиқади ва Макка аҳлига ўхшаб барча нарсалардан фойдаланиб юраверади, фақат аёли бирлан бирга бўлмайди. Арафотдан бир кун аввал яна ғусл қилиб, ҳажни ният қилиб эҳром кияди ва ҳажни охирига етказди. Сўнг, умра бирлан ҳаж орасида эҳромдан чиқиб бошқа нарсалардан фойда-лангани учун бир қўй сўйиб қурбонлик қилади).

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Жоҳилият даврида арабларнинг Укоз, Мажанна ва Зулмажоз номли бозорлари бўларди. Мусулмонлар ҳаж мавсумида шу бозорларда тижорат қилмоқни гуноҳ, деб ҳисоблашди. Шундан сўнг, «(Ҳаж мавсумида ҳам) Оллоҳ таолодан ризқ сўрамоғингиз сизлар учун гуноҳ эмасдур!» деган оят нозил бўлди».

16- боб, Оллоҳ таолонинг «Сўнгра, одамлар тушиб келган томондан тушингизлар!» деган қавли ҳақида

Ошша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Қурайш ва унинг динига эътиқод қилувчилар Муздалифада вуқуф қилардилар, уларни хумс деб аташарди. Бошқа араблар Арафотда вуқуф қилардилар. Ислом келгандан сўнг, Оллоҳ таоло пайғамбарга Арафотга келиб, шу ерда вуқуф қилишни, кейин Муздалифага тушишни амр қилди. Оллоҳнинг «Сўнгра, одамлар тушиб келган томондан тушингизлар!» деган оятининг мазмуни шунга далолат қилади».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «(Мутъани ният қилиб эҳром боғлаган)

киши (умрадан сўнг) эҳромдан чиққан пайтида ҳам, то ҳажга янгитдан эҳром боғлагунча Байтуллоҳни тавоф қилаверади. Арафотда вуқуфга тайёргарлик кўраётган вақтда Оллоҳ таоло қурбонлик учун туя, мол ёки қўйдан қайси бирини насиб этган бўлса, шунинг тадорикини қилади. Агар қурбонликка жонлик тополмаса, арафадан аввал уч кун рўза тутати, рўзасининг учинчи куни арафага тўғри келиб қолса ҳам гуноҳи йўқдур. Кейин, Арафотга бориб, аср намозидан то қоронғу гушгунча вуқуф қилади. Сўнгра кечаси тунаш жойига, яъни Муздалифага қайтади. Унда субҳгача Оллоҳга зикр тасбеҳ ва таҳлил айтиб чиқади Сўнгра, одамлар бирлан бирга Минога тушади. Оллоҳ таоло «Сўнгра, одамлар тушиб келган томондан тушингизлар, Оллоҳга истиғфор аитингизлар, албагта Оллоҳ гуноҳларни кечувчи ва меҳрибондур!» - деган. Ниҳоят, Минода шайтонга тош отади.

17- боб Оллоҳ таолонинг «Улар орасида «Парвардигор, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгил, охиратда ҳам ахшилик ато қилгил ва бизни дўзах азобидан сақлагил!» деб айтувчилар ҳам мавжуд» деган қавли ҳақида

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом «Эй Оллоҳ, парвардигоримиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгил охиратда ҳам яхшилик ато қилгил ва бизни дўзах азобидан сақлагил!» - деб илтижо қилар эрдилар»

18-боб. Оллоҳ таолонинг «...ҳолбуки, у адовати кучли одамдур» деган қавли ҳақида

Ато «Ан-Насл»сўзи «Ал-Ҳайвон» маъносида» — дейдилар.

Оиша *разияллоҳу анҳо:* «Пайғамбар алайҳиссалом «Оллоҳ энг ёмон кўрадиган одам адовати қаттиқ кишидур» — деб айтганлар», — дейдилар.

19-боб

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, аввалги қавмларга келган синовлар сизларга келмасдан туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга шундай қаттиқчилик ва машаққатлар келдики, улар шундай ларзага тушдиларки, ҳатто пайғамбардек зот ва ул кишига иймон келтирганлар «Оллоҳ таоло ваъда қилган нажот қачон булгай?» деб юборишди, шунда Оллоҳ таоло «Огоҳ бўлингизлар, Оллоҳнинг ёрдами яқиндур!» деб жавоб қилди»

Абу Мулайка бундай деб айтар эрдилар: «Ибн Аббос разияллоҳу анҳу «Хаттоки ўтган пайғамбарлар ноумид бўлишиб»,— дедилар-да, «Юсуф» сурасининг «Бизлар алдандикмикин» деб ўилай бошлаганларида» деган оятини ўқиб, унга «Бақара» сурасининг қуйидаги 214-оятини улаб тиловат қилдилар: «Хатто пайғамбардек зот ва ул кишига иймон келтирганлар «Оллоҳ таоло ваъда қилган нажот қачон бўлгай?» деб юборишди, шунда Оллоҳ таоло «Огоҳ бўлингизлар, Оллоҳнинг ёрдами яқиндур!» деб жавоб қилди. Сўнг, мен Урва ибн Зубайр бирлан учрашганимда унга шу гапни айтдим. Урва менга «Оиша: «Маозаллоҳ, Оллоҳга қасамёд қилурманки, агар Оллоҳ пайғамбарига бирор ваъда берса, пайғамбар ўзининг ўлимидан олдин шу нарса амалга ошишини билади. Лекин, аввалги пайғамбарларга бало ва мусибатлар узлуксиз келавергани учун, улар ўз атрофларидагилардан «Булар бизни ёлғончига чиқариб қуйишмаган эрди!» деб хавотир олур эрдилар»,— дедилар»,— деб айтди. Оиша разияллоҳу анҳо оятдаги «куззибуу» феълени «кузибуу» деб ўқир эрдилар. (Оишанинг «Маозаллоҳ» деб Ибн Аббосдан аччиқланишларига сабаб, мазкур оятдаги «куззибуу» феълени «кузибуу» деб ўқилса, маъно бузилади, деб тушунишларидадур. Аслида, маъно бузилмайди).

20- боб «Хотинларингиз сизларнинг зироатгоҳингиздур. Бас, зироатгоҳингизга (Оллоҳ ижозат қилган тарафдангина) хоҳлаган пайтингизда яқинлик қилаверингизлар ва ўзларингизнинг келажакингизнинг ғамини енгизлар!»

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Қуръон ўқисалар, ундан бўшамагунларича биров бирлан гаплашмас эрдилар. Бир куни мен хузурларига кирдим, у киши «Бақара» сурасини қирот қилиб, бир ерига келганларида тўхтадилар-да «Биласанми, бу оят нима ҳақида нозил бўлган?» — дедилар. Мен «Йўқ»,— дедим. Ибн Умар: «Бу оят мана бу ва мана бу ҳақда нозил қилинган»,— дедилар-да, кироатда давом этдилар»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу «Зироатгоҳингизга хоҳлаган пайтингизда яқинлик қилаверингизлар» деган оятга «Аёлларнинг фақат олдида яқинлик қилинганлар» деб мазмун берган эрканлар (Аёлга яқинлик қилиш хусусидаги мазкур оятнинг мазмуни тўғрисида уламолар ихтилоф қилганлар «Анна шиътум» иборасини «қаерига хоҳласангиз» деб таржима қилиб, баъзи уламолар аёлнинг орқасига яқинлик қилишга ҳам ижоат берганлар. Муҳаммад ибн Каъб, Саъид ибн Ясор ва Имом Молик ана шулар жумласидандур. Оятдаги «Анна шиътум» иборасини хоҳлаган пайтингизда» деб тушунмоқ керак, бу ерда орқага яқинлик қилмоқ тўғрисида умуман ҳеч қандай гап йўқ. Кўпчилик уламолар, жумладан Имом Шофиъий, Имом Аҳмад, Имом Аъзам, Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, Имом Исҳоқ ва бошқалар аёлнинг орқасига яқинлик қилиш ҳаром эканлигини айтиб, кўплаб ҳадислар бирлан буни исботлаганлар. Масалан, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар! Расулulloҳ «Кимки хотинининг орқасига яқинлик қилса, унга Оллоҳ таоло назар қилмайди!» деб айтганлар»).

Жобир разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Яҳудийлар: «Агар аёлнинг орқасидан яқинлик қилинса, туғиладирган бола ғилай бўлади»,— дердилар Шунинг учун «Хотинларингиз сизларнинг зироатгоҳингиздур. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган пайтингизда яқинлик қилаверингизлар!» деган оят нозил бўлди».

21-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар хотинларингизни талок қилсаларингиз, уларнинг идда муддатлари тугаган бўлса, ўз эрлари бирлан қайта никоҳланишларига монъелик қилмангизлар!»

Ҳасан Басрий ривоят қиладилар: «Муъаққал ибн Ясорнинг синглисини эри талок қилди, сўнг идда муддати тугагунча ташлаб қуйди-да, яна ярашиш истагини билдирди. Лекин, Муъаққал ибн Ясор яраштиришдан бош тортди. Шунда «Талок қилинган аёлни ўз эри бирлан ярашишга тўсқинлик қилмангизлар!» деган оят нозил бўлди».

22- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдириб кетган бўлсалар, улар тўрт ой-у ўн кун идда муддатини ўтказадилар. Иддалари тугагач, улар ўзлари ху-сусларида қоидага мувофиқ бир иш қилсалар (яъни, эрга тегсалар), сизлар учун (яъни, аввалги эрнинг қариндошлари учун) ҳеч қандай гуноҳ йўқдир».

Абдуллоҳ ибн Зубайр бундай дейдилар: «Мен Усмон ибн Аффонга Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдириб кетган бўлсалар» деган оятни бошқа бир оят бекор қилган. Нима учун сиз бу оятни яна Қуръонга ёзясиз?» — дедим. Усмон «Эй жияним, мен Қуръон оятларининг бирортасининг ҳам ўрнини ўзгартиролмаман»,— дедилар».

Муъжоҳид разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдириб кетган бўлсалар» деган ояти каримада айтилишича, хотин иддани марҳум эр уйида ўтказиши вожиб эрди, кеин Оллоҳ таоло тўрт ой-у ўн кун идда муддатига етти ой-у йигирма кунни васият маъносида қўшиб тўла бир йил қилди ва хотинга ихтиёр бердики, агар у хоҳласа, бир йил марҳум эр уйида туради хоҳламаса, чиқиб кетаверади, бу маънони Оллоҳнинг «Уйдан чиқмасдан турсин, агар чиқиб кетса сизларда гуноҳ йўқ, хотинга эрса идда вожиблигича қолади» деган каломи қувватлайди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Эри вафот этган аёл тўрт ой-у ўн кун идда сақлайди» деган оят « Эри ўлган хотин бир йил эрининг уйидан чиқмасдан ўлтиради» деган оятни бекор қилди».

Ато разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: Хотин, агар хоҳласа марҳум эрининг уйида унинг васиятига биноан идда сақлайди хоҳламаса, чиқиб кетаверади» деган оятни Оллоҳ таолонинг «Улар ўзлари хусусларида қилган ишлари учун сизлар гуноҳкор бўлмайсизлар» деган қавли қувватлайди. Кейин, мерос ҳақида оят нозил бўлиб хотиннинг марҳум эр уйида идда сақламоғининг вожиблигини бекор қилди, энди у ўзи истаган жойда идда сақлайдирган бўлди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: « Эри вафот этган аёл тўрт ой-у ўн кун идда сақлайди» деган оят «Эри ўлган хотин бир йил эрининг уйидан чиқмасдан ўлтиради» деган оятни бекор қилади, аёл хоҳлаган жойда иддасини ўткази, чунки Оллоҳ таоло «Уйдан чиқмасдан турсин, агар чиқиб кетса, сизларда гуноҳ йўқ, хотинга эрса идда вожиблигича қолади» — деган».

Муҳаммад ибн Сирин бундай дейдилар: «Мен бир мажлисда бўлдим. Унда ансорларнинг улуғлари иштирок қилиб, улар орасида Абдуррахмон ибн Абу Лайло ҳам бор эрдилар. Мен Абдуллоҳ ибн Утбанинг Субайъа бинти Ҳорис ҳақидаги ҳадисини зикр қилдим. (Субайъа бинти Ҳорис Саъд ибн Хавланинг хотини эрди. Эри Маккада вафот қилгач, унга Абу Санобил ибн Баъкак «Сен тўрт ой-у ўн кун идда сақлашинг керак»,— деди. Ваҳоланки, Субайъа эрининг вафотидан йигирма беш кун кеин фарзанд тукқан эрди. Абу Санобилнинг гапидан кейин, Субайъа Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига борди-да, бор гапни айтди. Расулуллоҳ унга «Сен ҳалол бўлибсан, хоҳлаган одамингга эрга тегишинг мумкин»,— дедилар) Шунда, Абдуррахмон Ибн Абу Лайло таажжубланиб «Абдуллоҳнинг амакиси (яъни, Абдуллоҳ ибн Масъуд) бу ҳақда ҳеч нима демаган эди-ку!» —дедилар. «Куфа тарафда яшовчи кишини ёлғончи дейишга ҳаё қиламан!»—дедим. Ибн Сирин овозларини кўтариб «Мен Молик ибн Омирни (ёки Молик ибн Авни) учратиб: «Эри ўлиб, ҳомиладор қолган хотин ҳақида Абдуллоҳ ибн Масъуд қандай фикр билдирадилар?»— деб сўрадим. Ибн Омир бундай деди: «Ибн Масъуд «Эри ўлган хотинга («Ҳомиладор аёлларнинг иддаси бола туккунча» деган) рухсатни айтмай, унга машаққатли иддани буюрасизларми? «Бақара» сурасидаги идда ҳақидаги оятдан кейин «Талок» сурасидаги «Ҳомиладор аёлларнинг иддаси бола туккунча» детан оят ҳам нозил бўлган»,— дердилар»

23- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Барча намозларни, хусусан вусто намозини (яъни, аср намозини) ўз вақтида адо қилингизлар!»

Али разияллоҳу анҳу ривоят қилдилар: « Пайғамбар алайҳиссалом Хандақ куни «Бизларни (мушриклар) вусто намозидан қолдирди, кун ботиб қолди, Оллоҳ таоло уларнинг қабрлари бирлан уйларини (ёки қоринларини ўтга тўлдирсин)— дедилар»

24- боб Оллоҳ таолонинг «Оллоҳга бўйинсунган ҳолда тулингизлар!» деган қавли ҳақида.

Зайд ибн Арқам бундай дейдилар. «Бизлар гаплашаверар эрдик, биримиз иккинчимизга бемалол ўз ҳо жатини баён қилаверар эрди, тоинки Оллоҳ таочо. «Барча намозларни, хусусан вусто намозини ўз вақтида адо қилингизлар ва Оллоҳга бўйинсунган ҳолда тулингизлар деган оятни нозил қилди. Биз намозда сукут қилишга буюрилдик».

25- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар хавфда қолсангиз, пиёда ёки отлик ҳолда намоз ўқийверингизлар, хотиржам бўлганингизда Оллоҳ ўзин-гизга ўргатган ва илгари ўзингиз билмаган ҳам-ду саноларни айтиб Оллоҳни улуғлайверингизлар!»

Нофиъ бундай дейдилар: «Агар Ибн Умардан хавф намозини ўқиш тартиби ҳақида сўралса: «Қавм икки тоифага бўлиниб, бир тоифа имом бирлан намоз ўқийди, иккинчи тоифа эрса душман бирлан намозхонлар орасида туради. Имом биринчи тоифага бир ракъат ўқиб бергандан кейин, улар туриб душман рўпарасига боради ва иккинчи тоифа имомга иқтидо қилади. Иккинчи ракъатдан сўнг, имом салом бериб намоздан чиқади, аммо иккинчи тоифа салом бермай, ўрнидан туриб биричи тоифа бирлан ўрин алмашади. Шул тарика улар навбат бирлан имомсиз намозни охирига етказдилар. Агар душмаи хавфи кучайса, пиёда киши юриб кетаётган ҳолда, отлиқ эрса от устида, хоҳ қиблага қараб келаётган бўлсин, хоҳ қиблага тескари томонга, намозни ўқиб кетаверади», дердилар. Мен ўйлайманки, Абдуллоҳ ибн Умар бу ҳадисни Жаноб Расулуллоҳдан эшитиб ривоят қилганлар.

Ибн Жубайр разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Курсиюҳу»нинг маъноси— «илмуҳу», яъни «Оллоҳнинг илми», «бастаганинг маъноси— «зиёда ва фазл , яъни «серобчилик» «афраға» нинг маъноси - «анзала», яъни «туширди», ва ло йаудуху»нинг маъноси — “ло йусқилуҳу», яъни «Оллоҳга оғирлик қилмайди», «оданий» — «асқаланий», яъни «менга оғирлик қилди» маъносида, «ал-айд» — «қувват» дегани, «синатун» --«мудроқ» маъносида, «лам йатасаннаҳ» -- «лом йатағайяр», яъни «ўзгармайди» маъно-сида, «фа-буҳита» -- «заҳаба хужжатуху», яъни «далилсиз қолди», «ховияҳ» — «кимсасиз», «уруушуҳо» — «бинолари» маъносида, нуншируҳо» — «нухрижуҳо», яъни «чиқарамиз». «иъсор» - «шамол» маъносида, «осиф»нинг маъноси — ердан осмонга чўзилган тўзонли қуюн».

Ибн Лббос разияллоҳу анҳу: «Салдан»нинг маъноси — «беҳуда нарса» деганидур», - дейдилар.

Иқрима: «Вобил»нинг маъноси — «кучли ёмғир», «тал» эрса «нидо»дур»,— дейдилар (Юқоридаги сўзлар «Бақара» сурасининг оятларида учрайдиган, арабларда унутилиб кетган луғаларнинг маъноларидур)

26- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Бир куни Иброҳимнинг «Парвардигоро, менга ўликларни қандай тирилтиришингчи кўрсатгил!» деганини эслангиз, эй Мухаммад!»

Абу Хурайра ривоят қиладалар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Иброҳимдан кўра кўпроқ шубҳа қилишга биз ҳақлироқмиз, чунки ул киши: «Парвардигоро менга ўликларни қандай тирилтирмоғингни курсатгил!» -- дедилар. Оллоҳ таоло: «Сен бунга ишонасанми!» — деб сўради. Иброҳим: «Йўқ, албатта ишонаман, лекин қалбимни таскин топтириш учун ўз кўзим бирлан кўрмоқчиман», — дедилар»

27- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Тагидан дарёлар оқиб турадирган, хурмо-ю узум ва яна ҳар турли меваларга тўла боғингиз бўлса-ю, кексайиб, нимжон болаларингиз бирлан қолган пайтингизда уни ўтли бўрон ёндириб, вайрон қилиб кетмоғини бирортангиз истайсизми? Оллоҳ тафаккур қилингизлар, деб ўз оятларини шул тарзда баён қилур».

Убайд ибн Умайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар разияллоҳу анҳу бир куни Жаноб Расулуллоҳнинг асҳобларига «А йвадду аҳадукум ан такуна лаҳу жаннатун» ояти ҳақида фикрларингиз қандай?» деб савол бердилар, шунда улар «Оллоҳ билувчирокдур!» деб жавоб беришди. Ҳазрат Умар ғазабланиб: «Биламиз еки билмаймиз, деб айтингизлар!» — дедилар. Ибн Аббос: «Эй мўминлар амири! Шу оят ҳақида дилимда бир фикр пайдо бўлди», - деди. Ҳазрат Умар: «Эй жиян, ўзингни камтар тутмай, билганингни гапир!» — дедилар. Ибн Аббос: Бу оятда бир амал қиёсланяпти»,— деди.

Ҳазрат Умар! «Қандай амал?» — дедилар. Ибн Аббос. «Қандайдир бир амал (иш) қиёс қилиняпти»,— деди. Ҳазрат Умар: «Бу оятда умр бўйи Оллоҳ таолога ибодат қилиб савоб орттирган ва пировардида барча амали солиҳларини шайтонга бой бериб қўйган одам умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб боғ-роғ қилган ва кексайган вақтида офатли шамол келиб, барча меҳнатини кўкка совурган бадавлат кишига таққосланыпти»,— дедилар».

28-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Улар одамлардан тиланиб туриб олмайдилар»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулulloҳ: «Сизлар битта-иккита хурмо, бир-икки луқма таом берадирган киши мискин эрмас, ҳақиқий мискин одамларга ёпишиб олиб тиланишдан сақланадирган одамдур, агар истасангиз, Оллоҳнинг «Улар одамлардан тиланиб туриб олмайдилар» деган оятини ўқингизлар»,— дедилар».

29-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ тижоратни ҳалол қилиб, судхўрликни қаром қилгандур»

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Бақара» сурасининг судхўрлик ҳақидаги охириги оятлари нозил бўлганда Расулulloҳ масжидга чиқиб, тик турган ҳолда уларни одамларга ўқиб бердилар, кейин ароқ савдосининг ҳаромлигини айтиб, «Ва агар шундай қилмасангизлар, Оллоҳ бирлан унинг расули сизларга уруш эълон қилгай» деган оятни тиловат қилдилар».

30-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳнинг ҳузурига қайтариладиган кундан кўрқингизлар!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Бақара» сурасининг Пайғамбар алайҳиссаломга нозил бўлган охириги ояти судхўрлик ҳақидаги оятдур»,— дейдилар (Бу оят суранинг охирига жойлаштирилмаган бўлса-да, охириги оятдур).

31-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор, хоҳ махфий тутинг, Оллоҳ барибир уларни ҳисоб-китоб қилиб қўйгай. Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишини мағфират қилгай ва хоҳлаганини азоблагай, Оллоҳ ҳамма нарсага кодирдур»

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор, хоҳ махфий тутинг» деган оят мансухдур»,— дейдилар.

32- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Пайғамбар парвардигоридан ўзига нозил қилинган нарсага иймон келтирди»

Ибн Аббос: «Оятдаги «исран» сўзи—«мажбурият», «ғуфронака» сўзи «мағфиратингни» маъносида, яъни «Бизнинг гуноҳларимизни кечиргин!» деганидур»,— дейдилар.

Марвон ал-Асфар бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан бўлмиш бир киши, менимча Абдуллоҳ ибн Умар: «Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор, хоҳ махфий тутинг» деган оятни кейинги оят бекор қилади»,— дейдилар»

**БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ
«ОЛИ ИМРОН» СУРАСИ**

1- боб. («Оли Имрон» сурасида учрайдиган айрим сўзлар тафсири)

«Тукотун» ва «такиййатун» сўзлари бир маънода бўлиб, :эхтиеткорлик, сақланиш» демакдур. «Сиррун» — «совук», «шафо ҳуфратин» — «чуқурнинг лаби», «тубаввиу» —

«жанг майдонига тартиб бирлан жойлаштирар эрдингиз», «ал-мусаввам» эрса «қашқадор, холдор» деган маънодадур. Мужоҳид: «Ал-Хайл ал-мусаввам» — «Гўзал, ажойиб отдур»,— дейдилар. «Риббийуун» сўзи «риббийун» сўзининг кўплиги бўлиб, «художўилар» демакдур. «Тахуссуунаҳум» сўзи «Уларни кўпориб ташлар эрдингизлар, яъни ўлдирур эрдингизлар» деган маънодадир. «Ғузун» сўзи «ғозин»сўзининг кўплиги бўлиб, «ғозийлар» демакдур. «Са-Накту-бу» — «Ёзиб сақлаб қўйгаймиз» дегани, «нузулун» — «савоб, яъни Оллоҳ таоло тарафидан нозил қилинган мукофот»дур. Ибн Жубайр: «Ҳасуурун» сўзи «Хотинга яқинлик қилолмайдирган киши»,— дейдилар. Икрима: «Мин фавриҳим» — «ғазаб(лари) бирлан» дегани»,— дейдилар. Мужоҳид: «Тухрижу-л-ҳаййа» ибораси «(Ўликдан) тирикни пайдо қилурсан» деган маънода бўлиб, «нутфа» — «эркак манийси» ўлик ҳолда чиқади, ундан Оллоҳ таоло тирик жонни пайдо қилади»,— дейдилар. «Ал-Ибкор»—«субҳ, тонг», «ал-аший» — “шом” демакдур.

2- боб. Қуръондаги ўзи равшан (тугал), бошқа оятлар ёрдамида тўлдирилмайдирган оятлар хусусида

Мужоҳид Қуръондаги, жумладан «Оли Имрон» сурасидаги тугал оятлар хусусида фикр юритиб, бундай дейдилар: «Бундай оятлар Оллоҳ таолонинг ҳалол ва ҳаром тўғрисидаги аҳкомлари бўлиб, қолганлари ўхшаш оятлардур. Оллоҳ таолонинг қуйидаги «Оллоҳ таоло (Қуръонда пашша, ўргимчак каби нимарсаларни мисол қилиш бирлан) фосиклар-нигина гумроҳ қилур» («Бақара» сураси), «Оллоҳ ақлсиз бандаларини кофирлик қазорати бирлан булғагай» («Юнус» сураси), «Оллоҳ ҳидоят топган бандаларига ҳидоятини янада зиёда қилгай» («Муҳаммад» сураси) каби қавллари шулар жумласидандур. «Зайғун» сўзи «шак» маъносида бўлиб, «Оли Имрон» сурасининг «Дилларида шак бўлганлар фитна чиқармоқ учун ўхшаш, кишини иккилантирадирган оятларга риоя қиладилар» деган оятида мавжуд. «Илмда собитқадам бўлганлар (эрса). «Бизлар бу (Китобга) иймон келтирдик, унинг барча оятлари парвардигоримиз тарафидан нозил қилинғандур»,— дерлар. «Оли Имрон» сураси)»,

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ «-Ул ўшал зотдурки, сизга Китоб туширди, ундан баъзи оятлар маъноси равшан бўлиб, улар Китобнинг асосини ташкил қилади, бошқалари эрса маъноси ойдин бўлмаган оятлардур. Бас, қалбида шубҳаси бўлган кишилар фитна чиқариш учун маъноси равшан бўлмаган оятларга риоя қиладилар, ҳолбуки бундай оятларнинг Оллоҳ таолонинг ўзигина билади. Илмда собитқадам бўлганлар (эрса): «Бизлар бу (Китобга) иймон келтирдик, унинг барча оятлари парвардигоримиз тарафидан нозил қилинғандур»,— дерлар. Ақлли кишиларгина панду насиҳатни қабул қиладилар» деган оятни тиловат қилгач «Агар маъноси равшан бўлмаган оятларга риоя қилувчи кишиларни кўрсанг, билгилки, Оллоҳ таоло «Улардан ҳазар қилинғизлар!» деб айтгандур»,— дедилар»

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, мен бу қизни ва унинг зурриётини мардуд шайтон ёмонлигидан асрагил, деб сенинг паноҳингга топширгайман»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ: «Ҳар қандай чақалокни туғилаётган» пайтида шайтон чимчилайди, шундан чақалок чирқираб йиғлайди, аммо Марям ва унинг ўғлини шайтон чимчилай олмаган»,— дедилар. Агар хоҳласангизлар «Дарҳақиқат, мен бу қизни ва унинг зурриётини мардуд шайтон ёмонлигидан асрагил, деб сенинг паноҳингга топширгайман» деган оятя каримани ўқингизлар».

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, Оллоҳга берган аҳду қасамларини арзимас пулга сотиб юборадирган кимсалар учун охиратда ҳеч бир насиба йўқдур... улар учун аламли азоб бордур»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ: «Кимки мусулмон кишининг молини тортиб олиш мақсадида ёлғон қасам ичса, Оллоҳ таоло киёматда уни дарғазаб бўлиб қаршилагай», деб эрдилар, Оллоҳ таоло бунинг тасдиқи учун «Дарҳақиқат, Оллоҳга берган аҳду қасамларини арзимас пулга сотиб юборадирган кимсалар учун охиратда ҳеч бир насиба йўқдур, киёмат куни Оллоҳ уларга гапирмайди ҳам, раҳмат назари бирлан қарамайди ҳам, гуноҳларини кечирмайди ҳам, улар учун аламли азоб бордур» деган оятни нозил қилди. Шу аснода Ашъас ибн Қайс ичкарига кириб келди-да: «Абу Абдурраҳмон сизларга не деётир? – деб сўради. Биз: «Шундай ва шундай деди, деб айтдик. Ашъас: «Бу оят менинг ҳақимда нозил бўлган. Амакиваччамнинг ерида менга қарашли қудуқ бор эрди. Биз бу қудуқни таллашиб қолдик. Расулуллоҳ: «Ё сенинг далилинг бўлиши керак ёки амакиваччагн қасам ичсин!» - дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, ундай бўлса, у қасам ичсин!» - дедим. Пайғамбар алайҳиссалом: «Кимки мусулмон кишининг молини тортиб олиш учун ёлғон қасам ичса, ўзи фожир бўлиб, киёмат куни Оллоҳ унга ғазаб қилади», - дедилар», - деди».

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ривоят қиладилар: «Бозорда бир одам бир матони ўлчатиб олиб, сотувчига пулни бермай «Матонинг пули берилди» деб қасам ичиб туриб олди, ҳолбуки матонинг пулини бермаган эрди. Бу бирлан у бир мусулмонни чув туширмоқчи бўлди. Шунда «Дарҳақиқат, Оллоҳга берган аҳду қасамларини арзимас пулга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч бир насиба йўқдир» деган оят нозил бўлди».

Ибн Абу Мулайка бундай дейдилар: «Бир уйда икки хотин ямоқчилик қиларди. Бир куни улардан бири кафтига игна санчилган ҳолда одамлар олдига чиқиб, «Буни дугонам қилди» деб даъво қилди. Бу ҳусусида тафтиш юрутмоқни Ибн Аббосга топширишди. Ибн Аббос: «Жаноб Расулуллоҳ «Агар одамларнинг даъвосига таянибгина чора кўрилса, қавмнинг қони ҳам моли ҳам зое кетади» деганлар. Аёлга «Дарҳақиқат Оллоҳга берган аҳду қасамларини арзимас пулга сотиб юборадиган кимсалар» деган оятни ўқиб берингизлар!»-деди. Одамлар аёлга Оллоҳни эслатиб, мазкур оятни ўқиб беришди, шунда аёл айбини эътироф қилди».

Ибн Аббос: «Жаноб Расулуллоҳ «Айбланувчига қасам ичирилмоғи лозим» деб айтганлар», - дейдилар.

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй аҳли китоблар, бизга ҳам сизга ҳам тенг бўлган сўзга келингизлар, Оллоҳнинг ёлғиз ўзигагина ибодат қилайлик!» деб айтгил.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қуйидагини Абу Суфён менга ўз оғзи билан гапириб берди: «Расулуллоҳ бирлан менинг ўртамда тузилган сулҳ вақтида Шомга бордим. У ердалигимда Ҳирақлга Пайғамбар алайҳиссаломдан мактуб келтирилди. Бу мактубни Дихя Ал Калбий Бусро хокимига, хоким эрса уни Ҳирақлга етказган эрди. Ҳирақл хатни олгач, ўз одамларидан «Бу ерда ўзини пайғамбар, деб даъво қилаётган кишининг қавмидан бирор одам борми?» деб сўради. Унга: «Бор» деб жавоб беришди ва мен бирлан бир неча қурайшликларни саройга олиб киришди. Биз Ҳирақлнинг ҳузурига кирдик, бизни унинг рўпарасига олиб келишди. Ҳирақл «қайси бирингиз ўзини пайғамбар деб даъво қилаётган кишига насаб жиҳатдан яқинроқсиз?» деб сўради. Шунда мен ўзимнинг яқинроқ эканлигимни айтдим. Кейин, мени Ҳирақл бирлан юзма-юз, шерикларимни эрса менинг орқа томонимга ўтирғиздилар. Ҳирақл таржимонини чақириб, унга «Шерикларига айт, мен мана бу одамдан ўзини пайғамбар деб даъво қилаётган киши тўғрисида сўрайман, агар у менга ёлғон гапирса, шериклари унинг ёлғон гапирётганини айтислар!» деб амр қилди. Мен ўзимга ўзим «худо ҳақи, агар шерикларим менинг ёлғон гапирганимни фош қилмаслар эрди, ёлғон гапирган бўлардим!» деб кўйдим. Сўнг, Ҳирақл ўз таржимонига: «Ўзини пайғамбар деб даъво қилаётган киши ораларингизда қандай насабга эга деб ундан сўрагил!» деди. Мен: «Ул киши ормизда баланд насаб эгасидир», -

дедим. Ҳирақл: «Унинг ота-боболари ичида подшоҳ бўлганлар борми?» - деди. Мен: «Йўқ» дедим. Ҳирақл: «Пайғамбарликни даъво қилмасдан илгари уни ёлғончиликда айблар эрдингизларми?»-деди. Мен: «Йўқ» -дедим. Ҳирақл: «Унга зодагонлар эргашяптими ёки заифларми?» -деди. Мен: «Заифлар эргашяпти»,- дедим. Ҳирақл: «Уларнинг сони кўпайяптими ёки озайяптими?»-деди. Мен: «Кўпайяпти» дедим. Ҳирақл: «Унинг динига кирганлардан бирор киши ундан қайтяптими?»-деди. Мен: «Йўқ» -дедим. Ҳирақл: «Унга қарши жанг қилдингизларми?» - деди. Мен: «Ҳа» дедим. Ҳирақл: «Унга қарши қилган жангингиз қандай бўлган эрди?» деди. Мен: «Ўртача, гоҳ улар бизга, гоҳ биз уларга шикаст етказар эрдик, баъзан улар баъзан биз ғалаба қилар эрдик»,- дедим. Ҳирақл: «Ҳиёнат қилармиди?» - деди. Мен: «Йўқ,, биз у кишидан олисларда юрибмиз, бир қанча вақтлардан бери не ишлар бирлан банд, беҳабармиз», - дедим. Худо хақи, Ҳирақл бундан бошқа гап айтишимга имкн бермади-да: «Бу гапни ундан илгари бирор киши айтганмиди?» - деди. Мен: «Йўқ», - дедим. Сўнг, Ҳирақл (таржимони орқали) менга бундай деди: «Унинг насабини сўрасам, насаби баланд, деб айтдинг, пайғамбарлар айнан шундай бўлади. Унинг ота-боболари ичида подшоҳ бўлганлар борми, деб сўрасам, йўқ дединг. Агар ота-боболари ичида подшоҳ ўтган бирор киши бўлганида эрди, мен у ўшанинг мулкани талаб қияпти, деган бўлур эрдим. Кейин, мен сендан унга зодагонлар эргашяптими ёки заифларми, деб сўрадим. Сен унга заифлар эргашяпти, дединг. Пайғамбарларга доимо заифлар эргашади. Уни илгари ёлғончиликда айиблаган эрдингизларми, деб сўрасам, сен йўқ, деб айтдинг. Мен билдимки, у илгари ҳам одамларга ёлғон гапирмаган, бундай одам Оллоҳ таоло хақида ёлғон сўзламайди. Унинг динига кирганлар ундан ғазаб қилиб диндан қайтяптими, деб сўраганимда ҳам, сен йўқ, деб айтдинг. Иймон қалбларга ҳузур бахш этганда худди шундай бўлади. Улар кўпайяптими ёки озайяптими, деб сўрасам, сен кўпайяпти, деб жавоб қилдинг. Иймон ана шундай тобора баркамоллашиб боргай. Унга қарши жанг қилдингизларми, деб сўраганимда, сен жанг қилганингизни, баъзан улар, баъзан сизлар устун келганингизни айтдинг. Пайғамбарлар ҳам ана шундай мағлубиятга учраб тургайлар, аммо пировардида уларнинг кўли баланд бўлгай. Кейин, у хиёнат қиладими. деб сўрадим. Сен унинг хиёнат қилмаслигини айтдинг. Пайғамбарлар ана шундай хиёнат қилмагайлар. У пайғамбарлик даъвосини қилмасидан бурун бошқа бирор киши шундай даъво бирлан чиққанмиди, деб сўрасам, сен йўқ дединг. Агар ундан илгари бирор киши шундай деб даъво қилиб чиққан бўлганида эрди, мен у илгариги одамнинг гапига тақлид қияпти, деган бўлур эрдим». Сўнг, Ҳирақл мендан «У сизларни нима қилмоққа буюради?» деб сўради. Мен: «У бизни намоз ўқимоққа, закот бермоққа, силаи раҳм (қариндошларга оқибат) қилмоққа ва покликка буюради»,— дедим. Ҳирақл: «Сенинг гапларинг чин бўлса, шубҳасиз у пайғамбардур. Мен пайғамбар чиқишини билар эрдим-у, лекин сизларнинг орангиздан чиқишини билмас эрдим. Агар имкон топсам, у бирлан жон деб учрашган бўлар эрдим. Агар унинг ҳузурда бўлсам, оёқларини ювиб кўйган бўлар эрдим. Унинг мулки (давлати) менинг оёқларим остидаги ергача етиб келгай!»—деди-да, Жаноб Расулуллоҳнинг мактубларини олиб келишни буюрди. У хатни ўқиб кўрди, унда «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми. Оллоҳ таолонинг расули бўлмиш Муҳаммаддан Рум бошлиғи Ҳирақлга. Ҳидоят топганларга салом! Аммо баъд: сени исломга даъват этаман, исломни қабул қил, тинч бўлурсан. Оллоҳ бунииг учун сенга икки баробар кўп ажру савоб ато этгай. Агар бош тортсанг, барча арийсийлар (деҳқонлар)нинг (яъни, барча фуқароларингнинг гуноҳи) сенинг бўйнингдатур. Оллоҳ таоло: «Эй аҳли китоблар, бизлар бирлан сизларнинг ўртангизда баробар бўлган сўзга келингизлар, Оллоҳ таолодан ўзгага ибодат қилмайлик ва унга ҳеч кимни шерик қилмайлик, ва Оллоҳ таолони кўйиб баъзимиз баъзимизни тангри деб билмайлик, деб айт ва агар улар юз ўгирсалар, сизлар гувоҳ бўлингизларки, биз албатта худонинг итоаткор бандаларимиз, деб айтингизлар!»—дегандур» деб ёзилган эрди. Ҳирақл мактубни ўқиб бўлиши бирлан унинг ҳузурда ғала-ғовур кўтарилиб, бақир-чақирлар кучайди. Сўнг, у бизни чиқиб кетишимизни амр қилди.

Ташқарига чиққандан сўнг, мен шерикларимга: «Абу Кабша ўғлининг (яъни, Жаноб

Расулуллоҳнинг) иши жуда кучайиб кетди, ҳатто ундан румликлар подшоҳи ҳам кўрқяпти»,— дедим. Дилимда ярса «Расулуллоҳнинг ишлари яқинда рўёбга чиқади» деган ишонч пайдо бўлди ва ниҳоят Оллоҳ таоло мени исломга киргизди».

Зухрий бундай дейдилар: «Ҳирақл бутун Рум улуғларини чақириб, ўз саройига тўплади-да, уларга: «Эй румликлар, мулкингиз қўлингизда собит бўлган ҳолда замон ниҳоясида (қиёматда) сизлар учун нажот борми?»—деб хитоб қилди. Шунда, йиғилганлар хуркак ёввойи эшаклардек ўзларини эшикларга урдилар, бироқ кулфланган эшиклардан чиқиб кетолмадилар. Ҳирақл: «Менга яқинроқ келинглар!»—деб уларни қайта жамъ қилди-да, уларга: «Мен сизларнинг ўз динингизга бўлган садоқатингизни синаб кўрдим, сизларга муҳаббатим зиёда бўлди» — деди. Ҳаммалари унга сажда қилишди ва ундан мамнун бўлишди».

5- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Яхши кўрган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизча ҳаргиз хайриятга эринмагайсиз ва Оллоҳ нимаики эҳсон қилсангиз, уни билиб тургай»

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Мадинадаги ансорийлардан энг хурмозори кўп киши Абу Талҳа эрдилар. Ўшал хурмозор боғларнинг Абу Талҳага маҳбуброғи «Байруҳо» эрди, чунки бу боғ Расулуллоҳнинг масжидлари рўпарасида бўлиб, Расулуллоҳ унга кириб, покиза сувидан ичардилар. Оллоҳнинг «Яхши кўрган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизча ҳаргиз хайриятга эришмагайсиз» деган ояти каримаси нозил бўлганда Абу Талҳа ўринларидан туриб: «Эй Оллоҳнинг расули, Оллоҳ таоло: «Яхши кўрган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизча ҳаргиз хайриятга эришмагайсиз»,— деяпти. Менинг энг яхши кўрган мулким эрса Байруҳодур. Уни Оллоҳ таоло йўлида садақа қилдим. Бунинг учун Оллоҳ таолодан ажру савоб умид қилгайман. Ё Расулаллоҳ, бу боғни ўзингиз истаган кишига инъом қилиниз!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Жуда савобли иш қилдинг, бу боғ туфайли охиратинг обод бўлгай. Айтган гапингни англадим, уни қариндошларингга берсанг!» — дедилар. Абу Талҳа: «Ё Расулаллоҳ, айтганингиздек қилгайман!»—дедилар. Кейин, Абу Талҳа ўша боғни яқинлари «бирлан амакиваччалари ўртасида тақсим қилиб бердилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Боғни Ҳассон бирлан Убайга бўлиб бердилар. Мен Абу Талҳага улардан кўра яқинроқ эрдим, лекин менга ҳеч нарса бермадилар»,— дейдилар.

6- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, «Агар ростгўй бўлсангизлар, Тавротни келтириб ўқиб кўрингизлар!»—деб айтингиз!»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Яхудийлар Пайғамбар алайҳиссалом хузурларига зино қилган бир эркак ва аёлни олиб келишди. Расулуллоҳ улардан: «Сизларда зино қилган кишига қандай жазо берилади?» — деб сўрадилар. Улар: «Икковининг ҳам юзига қора суртиб, кейин дарра урамиз!»—дейишди. Расулуллоҳ: «Тавротдан тошбўрон қилиб ўлдириш ҳақидаги ҳукмни топмадингизларми?»—дедилар. Улар: «Тавротдан бу ҳақда ҳеч нарса тополмаяпмиз»,—деб жавоб беришди. Абдуллоҳ ибн Салом уларга: «Ёлғон айтдингиз, агар ростгўй бўлсаларингиз, Тавротни келтириб ўқиб кўрингизлар!»—деди. Таврот мударрисларидан бири атайлаб кафтини «Ражм ояти» устига қўйиб туриб, атрофдаги оятларни ўқий бошлади, «Ражм ояти»ни эрса ўқимай ташлаб ўтди. Абдуллоҳ ибн Салом буни сезиб, унинг қўлини «Ражм ояти» устидан олиб ташлади-да: «Бу нима?!» —деб сўради. Ҳаммалари Тавротга қараб, унда «Ражм ояти» борлигини кўришди ва: «Бу Ражм ояти-ку!» — дейишди. Расулуллоҳ икки зинокорни ражм (тошбўрон) қилмоққа буюрдилар, уларни масжид олдидаги жаноза ўқиладирган жойнинг яқинида тошбўрон қилиб ўлдиришди. Шунда мен зинокор яхудийнинг ўз гавдаси бирлан аёлни тошдан ҳимоя қилганини кўрдим».

8-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сизлар одамларни (ҳидоятга етакламоқ) учун юборилган энг яхши умматсизлар»

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Сизлар одамларни (ҳидоятга етакламоқ) учун юборилган энг яхши умматсизлар» деган оятнинг мазмуни шуки, мусулмонлар бошқаларни ҳидоятга етаклаб, уларни бўйинларидаги куфр кишанларидан халос қилиб, исломга киритадилар».

9-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Орангиздан икки гуруҳ умидсизликка тушиб номардлик қилмоқчи бўлганда...»

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Орангиздан икки гуруҳ умидсизликка тушиб номардлик қилмоқчи бўлганда, ваҳоланки Оллоҳ уларнинг мададкори эрди...» деган ояти карима бизнинг ҳақимизда нозил бўлган. Ўша икки тоифа биз, яъни Бану Ҳориса ва Бану Салама кишилари эрдик. Бу оят нозил бўлмаганда биз қувонмас эрдик, чунки унда Оллоҳнинг биз тўғримизда «... ваҳоланки Оллоҳ уларнинг мададкори эрди» деган қавли бор!»

10- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, сиз учун бу ишда бирор нарса йўқдур»

Солим оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ бомдод намозининг иккинчи ракъатида рукуъдан бош кўтариб «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах» дедилар-да, «Ё Оллоҳ, фалончи, фалончи ва фалончини лаънатлагил!» деб айтдилар. Шунда Оллоҳ таоло: «Сиз учун бу ишда бирор нарса (ихтиёр) йўқ, Оллоҳ уларнинг тавбаларини ё қабул қилади ёки зolimликлари учун уларни азоблайди» деган оятни нозил қилди». Бу ҳадисни Исҳоқ ибн Рошид ҳам Зухрийдан нақл қилиб айтиб берганлар.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ агар бировни дуои бад ёки дуои хайр қилмоқни хоҳласалар, Қунутни ўқиб, рукуъдан кейин «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах, раббано ва лакал-ҳамд» дердилар, сўнг: «Эй Оллоҳ, Валид ибн Валидга, Салама ибн Ҳишомга ва Иёш ибн Абу Рабийъага нажот бер! Эй Оллоҳ, Музар қабиласига нисбатан қаҳрингни кучайтир, уларга Юсуф замонидagi қаҳатчиликдек қаҳатчилик юбор!»—деб овоз чиқариб айтдилар. Яна баъзи намозларида, масалан бомдод намозида: «Ё Оллоҳ, араб қабилаларидаги фалон ва фалонни лаънатлагил!»—дердилар. Пировардида Оллоҳ таоло: «Сиз учун бу ишда бирор нарса йўқдур» деган оятини нозил қилди».

11-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳолбуки, пайғамбар ортингиздан чақираётган эрди»

Оятдаги «ухрокум» сўзи «охарукум» сўзининг муаннасидур. Ибн Аббос: «Оятдаги икки хайриятдан бири ё фатҳ ёки шаҳид бўлмоқлик эрди»,— дейдилар.

Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом пиёдаларга Абдуллоҳ ибн Жубайрни амир этиб тайинлаган эрдилар. Ҳаммалари душмандан чекина бошлаганда Расулуллоҳ уларнинг ортидан чақирган эрдилар. Пайғамбаримиз ёнларида ўн икки кишидан бошқа ҳеч ким қолмаган эрди».

12-боб. Оллоҳнинг «аманатан нуъосан» («ширин мудроқ») деган қавли хусусида

Абу Талҳа: «Ухуд куни жанг майдонида эрканлигимизда бизларни шундай бир уйқу элитдики, қўлимдан қиличим тушиб кетди. Мен уни қўлимга олсам, яна тушиб кетар эрди»,— дейдилар.

13-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ўзларига жароҳат етганига қарамай, Оллоҳ ва унинг расули ҳукмларига бўйинсуниб амали солихлар қилган ва Оллоҳдан тақво қилганлар учун катта савоблар бордур»

14- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, Қурайш сизларга қарши лашкар тўплади»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар. «Бизга Оллоҳнинг ўзи кифоя қилади, у нақадар яхши чорасоз!» деган қавлни Иброҳим алайҳиссалом ўзларини оловга ташлашганда айтган эрдилар. «Дарҳақиқат, Қурайш сизларга қарши лашкар тўплади, улардан кўркингизлар!» дейишганда Жаноб Расулуллоҳ ҳам шундай деган эрдилар. Шунда мусулмонларнинг иймонлари янада мустаҳкамланиб, улар ҳам: «Бизга Оллоҳнинг ўзи кифоя қилади, у нақадар яхши чорасоз!»—деб жавоб қилишган эрди».

Ибн Аббос: «Иброҳим алайҳиссаломнинг ўтга ташлашганда айтган охириги гаплари: «Менга Оллоҳнинг ўзи кифоя қилади, у нақадар яхши чорасоз!» деган гаплари эрди».

15- боб, Оллоҳ, таолонинг қавли: «Оллоҳ ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладирган кишилар бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик, деб ҳисобламасинлар, балки бу уларга ёмонлик бўлиб, қиёмат куни ўзлари бахиллик қилган мол бўйинларига бўйинтуруқ қилиб солинмай, осмонлару ернинг мероси Оллоҳгагина хосдур ва қилиб турган ишларингиз Оллоҳга маълумдур!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло мол-дунё ато этган киши мол-дунёсининг закотини бермаса қиёматда ўшал бойлиги икки кўзининг устида қора доғи (ҳоли) бўлган, боши сип-силлик аждаҳога айлантиради кейин, у эгасига: «Мен сенинг молингман, мен сенинг хазинангман»,— дейди-да, унинг танасига ўралиб, икки лунжидан тишлайди»,— дедилар. Сўнг, «Оллоҳ ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладирган (қизғанадирган) кишилар бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик, деб ҳисобламасинлар, балки бу уларга ёмонлик бўлиб...» деган ояти каримани охиригача тиловат қилдилар».

16- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, ўзингиздан илгари Китоб берилган кимсалар ва мушриклардан кўп азият чекиб, кўп маломатлар эшитасизлар»

Усома ибн Зайд бундай деб хабар берадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом устларига дағал матодан тўқилган фадакий либосларини кийиб олиб, эшакка миндилар, сўнг Усома ибн Зайдни мингаштирдилар-да, Бану Ҳарс ибн ал-Хазраж қабиласидан бўлган Саъд ибн Убодани кўргани равона бўлдилар, у бетоб ётган эрди. Бу воқеа Бадр кунидан аввал содир бўлган эрди. Жаноб Расулуллоҳ мажлис қилаётган бир жамоа олдидан ўтдилар, у ерда Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳам бўлиб, у ҳануз исломга кирмаган эрди. Турли тоифа — мусулмонлар, бутпарастлар ва яҳудийлардан иборат бу мажлисда Абдуллоҳ ибн Рувоҳа ҳам бор эрди. Мажлис аҳлини эшакнинг туёғидан чиққан чанг-ғубор ўрагандан сўнг, Абдуллоҳ ибн Убай бурнини ридоси бирлан тўсди-да: «Бизга чангитманглар!»—деди. Расулуллоҳ ўлтирганларга салом бердилар, сўнг тўхтаб эшакдан тушдилар-да, одамларни Оллоҳга иймон келтирмаққа даъват қилдилар ва Қуръон ўқиб бердилар. Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул: «Эй киши, агар гапинг рост бўлса, бундан афзал нарса йўқ, аммо мажлисимизни бузиб, бизга озор берма, йўлингдан қолма, олдинга қим борса, ўшанга хикоянгни айтaver!» — деди. Шунда, Абдуллоҳ ибн Рувоҳа туриб: «Йўқ, кетмангиз, ё Расулаллоҳ, мажлисимизга қўшилингиз, биз шуни истаймиз!» — деди. Пировардида мусулмонлар, мушриклар ва яҳудийлар бир-бирлари бирлан сўкишиб кетишди, жанжал урушга айланиб кетай деди. Пайғамбар алайҳиссалом уларни Ҳовуридан туширдилар-да, эшакларига миниб Саъд ибн Убодани кўргани бордилар. «Эй Саъд,— дедилар ул зот,— Абу Ҳаббон (Абдуллоҳ ибн Убайнинг лақаби) нинг менга нималар деганини эшитганингда эрди! У менга бундай ва бундай деди». Саъд ибн Убода: «Ё Расулаллоҳ, уни кечиринг, сизга Қуръон нозил қилган зот ҳақи, Оллоҳ таоло сизга Ҳақиқатни юборгандур».

Бу юрт аҳли Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулни ўзларига подшоҳ қилмоққа, бошига тож кийдирмоққа келишган эрдилар, лекин Оллоҳ сизга йўллаган ҳақиқат сабабли у бундан маҳрум бўлди, шу боисдан ҳам у сизга ўзингиз шоҳиди бўлган муомалани қилди»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ уни афв этдилар. Пайғамбар алайҳисса-ломнинг ва ул зот асҳобларининг одати шарифлари шундай эрдик, улар аҳли китоблар ва мушриклардан ўтган беадабликни Оллоҳ таоло буюргани учун ҳам афв қилар, улардан етган озорларга сабр этар эрдилар. Оллоҳ таоло: «Дарҳақиқат, ўзингиздан илгари Китоб берилган кимсалар ва мушриклардан кўп азият чекиб, кўп маломатлар эшитасизлар» ҳамда «Аҳли китобларнинг кўпчилиги, дилларида ҳасад бўлганлигидан, сизларни яна динларингиздан қайтмоқларингизни ва кофир бўлмоқларингизни яхши кўради»,— дейди. Пайғамбар алайҳиссалом Оллоҳ таоло кофирларга қарши урушишга ижозат бергунга қадар, унинг ўзи буюрганига биноан афв қилмоқни одат қилиб олган эрдилар. Бадр уруши бўлганда Оллоҳ таоло Қурайш кофирларининг етакчиларини ҳалок қилди. Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ва унинг шериклари — мушриклар ва бутпарастлар: «Бу ғолиб бўлди!» деб Расулуллоҳнинг ҳузурларида исломга байъат қилдилар ва мусулмон бўлдилар».

17-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, бировларни йўлдан адаштириб хурсанд бўладирган ва қилмаган ишлари учун мақтов эштишни яхши кўрадирган кишиларни, улар азобдан нажот топадилар, деб ўйламангиз!»

Абу Саъид Ал-Худрий разияллоҳу анҳу бундай дейдилар «Пайғамбар алайҳиссаломнинг замонларида, ул зот ғазотга чиққанларида мунофиқлар хиёнат қилиб, урушга бормай уйларида қолганларидан хурсанд бўлдилар. Жаноб Расулуллоҳ қайтганларида эрса, ҳузурларига бориб узр-маъзур айтдилар, қасам ичдилар, ул зотдан қилмаган ишлари учун мақтов эшитишни кутдилар. Шунда Оллоҳ таолонинг (юқорида зикр қилинган) ояти каримаси нозил бўлди»

Алқамма ибн Вақҳос бундай деб хабар берадилар: «Марвон ибн Ҳакам дарвозабонига: «Эй Рофиъ, Ибн Аббоснинг олдида боргил-да, унга «Агар ҳар бир қилган ёмон ишларидан хурсанд бўладирган, қилмаган ишига мақтов эшитишни яхши кўрадирган киши азобга дучор қилинадирган бўлса, унда биз ҳаммамиз ҳам азобланар эрканмизда?!» деб айтгил!» — деди. Шунда Ибн Аббос бундай деб жавоб қилди: «Бу оятнинг сизларга тааллуқли ери йўқ. Пайғамбаримиз алайҳиссалом яҳудийларни чақириб, улардан бир масаланинг ҳукмини сўрадилар. Яҳудийлар ҳақиқатни беркитиб, бошқа ҳукм айтдилар. Улар мана шу нотўғри жавоблари учун ҳам Жаноб Расулуллоҳдан мақтов эшитмоқни кутдилар, ўалари эрса ул зотдан ҳақиқатни яширганлари учун ичларида қувондилар. Оллоҳ таоло: «Эсланг, эй Муҳаммад, Оллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта сизлар бу Китобни яширмай одамларга очик баён қилурсизлар» деб аҳд-паймон олган эрди. Сўнг, улар бу аҳд-паймонга хиёнат қилиб, уни арзимас пулга сотдилар. Уларнинг бу савдоси қандай ёмон бўлди! Эй Муҳаммад, бировларни йўлдан адаштириб хурсанд бўладирган ва қилмаган ишлари учун мақтов эшитишни яхши кўрадирган кимсаларни, улар азобдан нажот топадилар, деб ўйламангиз, улар учун аламли азоб бордур!»—деган».

18- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Албатта, осмонлар ва Ернинг яралиганда, кеча ва кундузнинг алмашинишида ақл эгалари учун аломатлар бордур!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен бир кеча холам Маймунанинг уйларида тунадим. Расулуллоҳ холам бирлан анчагача суҳбатлашиб ўлтирдилар. Кейин, уйкуга ётдилар. Кечанинг учдан бири қолганда туриб ўлтирдилар, осмонга қараб: «Албатта, осмонлар ва Ернинг яралишида, кеча ва кундузнинг алмашинишида ақл эгалари учун аломатлар бордур!»—дедилар, кейин туриб таҳорат олдилар, мисвок бирлан оғизларини тозаладилар, сўнгра ўн бир ракъат намоз ўқидилар. Билол азон айтганларидан сўнг, икки ракъат суннат ўқиб масжидга чиқдилар ва бомдод намозини ўқидилар»

19- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Улар турганда ҳам, ўлтирганда ҳам, ётганда ҳам Оллоҳни эслайдилар ва осмонлару Ернинг яратилишини тафаккур қиладилар»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен бир кеча холам Маймунанинг уйларида тунадим, Расулуллоҳнинг намоз ўқишларини кўраман дегандим. Мен Жаноб Расулуллоҳга болиш ташладим, узун тарафига бош қўйиб ухладилар. Кейин, юзларини ишқалаб уйқуни қочирдилар-да, «Оли Имрон»нинг охирги ўн оятини ўқидилар, ўқиб бўлганларидан сўнг, осифлиқ турган эски мешни олиб таҳорат олдилар, кейин туриб намоз бошладилар. Мен ҳам туриб Жаноб Расулуллоҳ сингари таҳорат олдим Кейин, Расулуллоҳнинг ёнларига келиб турдим. Расулуллоҳ қўлларини бошимга куйдилар, сўнг қулоғимдан ушлаб бурадилар. Кейин, икки ракъат намоз ўқидилар, кейин яна икки ракъат намоз ўқидилар, кейин яна икки ракъат намоз ўқидилар, кейин яна икки ракъат намоз ўқидилар, кейин яна икки ракъат намоз ўқидилар, кейин яна икки ракъат намоз ўқидилар, сўнг бир ракъат ўқидилар»

20- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Парвардигор, сен кимни дўзахга киритсанг, албатта уни шармандан шармисор қиласан ва бундай золимларга ҳеч қандай мадад бергувчи йўқ».

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу бир куни пайгамбаримизнинг хотинлари Маймуна онамизнинг уйларида тунаб қолибдилар. У киши ўша куни бўлгаи воқеани бундай деб ривоят қиладилар: «Мен ёстикнинг ён томонига бош қўйиб ётдим, Расулуллоҳ бирлан хотинлари бўлмиш холам Маймуна узунасига бош қўйиб ётдилар. Расулуллоҳ кечанинг ярмигача ухладилар, эҳтимол бундан аввалроқдур, эҳтимол кейинроқдур, кейин уйғондилар, юзларини қўллари бирлан ишқаб уйқуларини қочирдилар, кейин «Оли Имрон» сурасининг охирги ўн оятини ўқидилар Сўнг, туриб осифлиқ мешни олдилар-да, яхшилаб таҳорат қилдилар, кейин намоз ўқимоққа тутиндилар. Мен ҳам туриб, ул зот нима қилган бўлсалар, шундай қилдим-да, ёнларига бориб турдим. Жаноб Расулуллоҳ ўнг қўлларини бошимга қўйиб, ўнг қулоғимни бураб қўйдилар Кейин, ул зот икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, кейин бир ракъат намоз ўқидилар. Кейин, муаззин келгунча ёнбошладилар, сўнг туриб икки ракъат енгилгина намоз ўқидилар, кейин масжидга чиқиб, бомдод ўқидилар».

21- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй бизнинг парвардигоримиз, «Парвардигорингизга иймон келтирингизлар!» деб нидо қилувчининг нидосини эшитдик»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ўз мавлолари Қурайбга бир куни пайгамбаримизнинг хотинлари бўлмиш холалари Маймунанинг уйларига бориб ётиб қолганлари бундай деб ривоят қилган эрканлар: «Мен ўшал кеча ёстикнинг кўндаланг томонига бош қўйиб ётдим, Жаноб Расулуллоҳ бирлан хотинлари эрса унинг узун томонига бош қўйиб ётишди. Жаноб Расулуллоҳ тун ярим бўлгунча ётиб ухладилар, балким бундан барвактроқ, балким кечроқдур, уйғондилар-да, қўллари бирлан юзларини ишқаб уйқуларини қочирдилар, кейин «Оли Имрон» сурасининг охирги ўн оятини тиловат қилдилар, кейин туриб осифлиқ мешни олдичар-да, яхшилаб таҳорат қилдилар, сўнг туриб намоз ўқимоққа тутиндилар. Мен ҳам туриб, ул зот нимаики қилган бўлсалар, шундай қилдим, кейин ёнларига бориб турдим. Жаноб Расулуллоҳ ўнг қўлларини бошимга қўйиб, ўнг қулоғимни бураб қўйдилар Сўнг, икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, сўнг яна икки ракъат, кейин бир ракъат намоз ўқидилар. Кейин, ёнбошладилар, муаззин келгач, икки ракъат енгилгина намоз ўқидилар, сўнг масжидга чиқиб бомдод ўқидилар».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ «АН-НИСО» СУРАСИ

1-боб. («Ан-Нисо» сурасида учрайдиган айрим сўзлар тафсири)

Ибн Аббос: «(Лан) йастанкифа» дегани «Сира ор (катталиқ) қилмас» маъносида, «қийоман» («қивоман», «қивомақум») сўзи «Сизларнинг маъийшатларингизга сабаб, восита» деганидур «Лаҳунна сабийлан» — «Уларни (аёлларни) йўлга солиш воситаси» дегани бўлиб, бу восита фаҳш йўлга кирган жувонларни тошбўрон қилмоқ ва боқираларга дарра урмоқдур», — дейдилар.

Яна бошқа биров (яъни, Абу Убайд): «Масно ва сулоса ва рубоъа» нинг маъноси «иккита, учта ва тўртта» дегани, араблар эрса (хотинни) тўрттадан оширмайдилар», — дейдилар.

2- боб. Оллоҳ, таолонинг қавли: «Агар сизлар етим қизларга нисбатан ноинсофлик қилиб қўймоқдан қўрқсангизлар...»

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Бир одамнинг қўл остида бир етимча қиз бўлар эрди, у ўша қизни ўзига никоҳлаб олди. Етимча қизга қарашли бир хурмозорнинг қўлдан кетмаслиги учунгина у шундай қилди, аммо у қизга яқинлик қилмас эрди. Оллоҳ таолонинг «Агар сизлар етим қизларга нисбатан ноинсофлик қилиб қўймоқдан қўрқсангизлар...» деган ояти ана шу киши хусусида нозил бўлган эрди. «Менимча, ўшал қиз хурмозорга ҳам, унинг молига ҳам шерик бўлса, керак», — дейдилар. Ҳишом ибн Урванинг оталари».

Ибн Шихоб ривоят қиладилар: «Урва ибн Зубайр Оиша онамиздан Оллоҳ таолонинг «Агар сизлар етим қизларга нисбатан ноинсофлик қилиб қўймоқдан қўрқсангизлар...» деган ояти каримаси ҳақида сўради. Оиша онамиз: «Эй жияним, бу оят бир етим қиз хусусида нозил бўлган, у ўз валийси (чўриликдан озод қилиб, ўз қарамоғида олиб қолган киши) нинг уйида турар эрди. Валийнинг мол-мулки бирлан қизга тегишли хурмозор ўртада бўлиб, иккаласи бир-бирининг молига шерикчилик қилишар эрди. Валий қизнинг хурмозори бирлан жамолини ёқтириб қолди ва унга қонуний маҳрни бермасдан уйланмоқчи бўлди. Шунда, Оллоҳ таоло ўз ояти орқали валийлар ўз қарамоғларидаги етимча қизларга шаръий маҳр бермасдан уйланмасинлар, уларнинг тенгдошларига қанча маҳр берилиши лозим бўлса, шунча маҳр берсинлар, етимча қизларга ноинсофлик қилгандан кўра, яхшиси ўзлари хоҳлаган бошқа аёлларга уйлансинлар, деб амр қилди. Шундан сўнг, одамлар Жаноб Расулulloҳдан аёллар хусусида тез-тез фатво сўрайдиган бўлишди. Шу боисдан Оллоҳ таоло: «Сиздан аёллар хусусида фатво сўрайдилар...» деган ояти каримасини нозил қилди. Оллоҳ таолонинг «Уларга уйланишга рағбат қиласизлар» деган қавлидан мурод шуки, Оллоҳ таоло етим қизларга уларнинг моли ва жамоли учун уйланишни манъ қилади, яъни етим қизлар агар гўзал бўлсалар, уларга шаръий маҳр бермасдан уйланишдан, агар хунук бўлсалар, уларнинг моли қўлдан кетмасин, деб ўзлари ҳам уйланмай, бировга ҳам эрга бермай зулм қилишдан қайтаради».

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «... қайсики одам (валий) фақир бўлса, (етим қизнинг молидан) инсофу адолат бирлан есин, бас қачон уларга молларин бермоқчи бўлсангизлар, гувоҳ келтирингизлар, ҳисоб учун эрса худо кифоя қилур»

«Бидоран» — «шошилиб», «аътадно» — «тайёрлаб қўй-дик» деган маънодадур.

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Оллоҳнинг! «Қайсики одам (валий) бой бўлса, (адолатсизликдан) парҳез қилсин, борди-ю камбағал бўлса, инсофу адолат бирлан есин» деган ояти етимларнинг моли ҳақида тушган бўлиб, агар валий фақир бўлса, унинг молидан меҳнатига яраша инсофу адолат бирлан ейиши мумкин, деганидур».

5- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар мерос тақсимида қариндошлар, етим ва мискинлар ҳозир бўлсалар, уларга ҳам меросдан насиба берингизлар!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Агар мерос тақсимида қариндошлар, етим ва мискинлар...» деган оят ҳукм оятларидан бўлиб, мансух (бекор қилинган) эрмасдур».

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ сизларга бола-чақаларингиз (мероси) ҳақида ҳукм қилурки...»

Жобир ибн Абдуллоҳ бундай дейдилар: «Мен Бану Салама қабиласи манзилида бетоб ётганимда Жаноб Расулуллоҳ Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу бирлан бирга пиёда мени кўргани келдилар. Ул зот келганларида мен беҳуш эрдим. Бир идишда сув сўраб, таҳорат қилдилар, кейин менга сепдилар. Мен ўзимга келдим-да, Жаноб Расулуллоҳдан: «Молимни не қилмоғимни буюрасиз?» — деб сўрадим. Шунда Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ сизларга бола-чақаларингиз (мероси) ҳақида ҳукм қилурки...» деган ояти нозил бўлди».

6-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Хотинларингиз қолдирган мероснинг ярми сизларга тегади...»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар бўлмоқларидан мукаддам қиз болаларга, хоҳ улар катта бўлсинлар ва хоҳ норасида бўлсинлар, мерос берилмас эрди. Ўғил болаларга ҳам, агар улар балоғатга етган бўлсалар, мерос тақсим қилинмас эрди. Оллоҳ таоло бу қонидани бекор қилиб, ўзи хоҳлаганча миқдорда мерос фарз қилди: ўғил боланинг хиссаси икки қизнинг хиссасига тенг. Ота-онанинг ҳар бирига олтидан бир хисса, агар фарзандлари бўлмаса, учдан бир хисса. Марҳумнинг хотинига саккиздан бир хисса, агар ўртада фарзанд бўлмаса, тўртдан бир хисса. Марҳуманинг эрига, агар фарзанд бўлмаса, мероснинг ярми, агар фарзанд бўлса, тўртдан бир хисса (тегади)».

7 боб Оллоҳ таолонинг қавли: «... хотинларни зўрлик ила мерос қилиб олмоқларингиз сизларга ҳалол эрмас ва берган нарсаларингиздан баъзисини олмоқ учун уларни мажбуран олиб қолмангизлар!»

(Исломдан аввалги даврда вафот қилган кишининг аёлини эрининг қариндошлари мажбуран ўзларига хотин қилиб олар эрдилар. Ислом келгандан сўнг аёлларга зулм бўлган бу одат манъ этилди)

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Оятдаги «Ло гаъзулуҳун-на» ибораси «Уларни мажбуран олиб қолмангизлар» деганидир «Хуубан» сўзи эрса «гуноҳ» демакдур «Таъуулуу» сўзи «хоҳлайсизлар» маъносида, «наҳлатун» сўзи— «махр» дур».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Оллоҳнинг «Эй мўминлар, хотинларни зўрлик ила мерос қилиб олмоқларингиз сизларга ҳалол эрмас ва берган нарсаларингиздан баъзисини олмоқ учун уларни мажбуран олиб қолмангизлар!» деган ояти каримаси шул ҳақда нозил бўлганки, исломдан илгари оилада эркак кити ўлса, унинг қариндошлари ундан қолган мерос қаторида хотинига ҳам зғалик қилишар эрди. Хоҳлашса, уни ўзларидан бирига никоҳлаб қўйишар, хоҳлашса, бировга эрга бериб юборишар ёки эрга бермай олиб қолишар эрди. Эрнинг қариндошлари марҳумнинг хотинига унинг ота-онасадан ҳам кўпроқ ҳақли эрдилар. Оллоҳ таоло мазкур оятни нозил қилиб, аёлларни зулмдан халос этди».

8-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳар бир инсон учун ота-она ва қариндошлар қолдириб кетган меросга меросхўрлар таъйин қилиб қўйдик

Оятдаги «маволий» сўзи «меросхўрлар» маъносида, «Сизлар аҳду паймон қилган

кишилар» дейишдан мурод, «қасам ичиб дўст бўлганлар»дур Амакивачча, озод қилинган кул, озод қилувчи қулдор, подшо, шарият ўргагувчи устоз ҳам «мавило» дейилади.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Оллоҳнинг «Ҳар бир инсон учун маволий таъйин қилиб қўйдик» деган қавлидаги «маволий» сўзи меросхурлардир «бизлар аҳду паймон қилган кишилар» деган қавли эрса муҳожирларни англатади. Муҳожирлар Мадинага келганда Расуллул-лоҳ уларни ансорлар бирлан аҳду паймонли биродар қилиб қўйган эрдилар. Мана шу аҳдга биноан, муҳожир марҳум ансор биродарига меросхўр бўлар эрди. Мазкур оят нозил бўлгач, муҳожирлар бирлан ансорларнинг ўзаро меросхўрлиги бекор қилинди, энди улар васиятга биноан ўз насибаларини оладирган бўлдилар».

Мазкур ҳадисни Абу Усома Идрисдан, Идрис эрса Талҳадан эшитган эрканлар

9- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Албатта, Оллоҳ заррача ҳам зулм қилмайди»

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг замонларида саҳобалар «Эй Оллоҳнинг расули, қиёмат куни Оллоҳни кўраимизми?» — деб сўрашди. Пайғамбар алайҳиссалом «Ҳа албатта кўрасизлар. Айтинглари, кундузи булутсиз осмондаги қуёшга қараб зарар кўрурмисизлар?»— дедилар. Саҳобалар «Йўқ»,— дейишди. Расуллуллоҳ «Булутсиз осмондаги ўн тўрт кунлик ойга боқиб зарар кўрурмисизлар?»— дедилар. Саҳобалар «Йўқ»—деб жавоб беришди. Пайғамбар алайҳиссалом бундай деб айтдилар: «Худди шундай қиёмат куни ҳам сизлар қуёш ва ойга боқиб зарар кўрмаганингиздек, Оллоҳнинг жамолини кўриб зарар кўрмайсизлар. Қиёмат куни бўлганда муаззин азон айтади. Ҳар бир уммат ўзи ибодат қилган нарсага эргашади. Оллоҳга ибодат қилмай, санам ва бутларга сиғинганларнинг барчаси дўзахга ташла-надилар, маҳшарда фақат Оллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилиб, амали солиҳлар қилган ва қилолмаган кишилар бирлан аҳли китобларгина қоладилар. Яҳудийлар чақирилиб улардан «Кимга ибодат қилардингизлар?»—деб сўралади. Улар: «Биз Оллоҳнинг ўғли Узайрга ибодат қилар эрдик» — деб жавоб берадилар. Уларга: «Ё5:46 лғон айтяпсизлар, Оллоҳнинг хотини ҳам, ўғли ҳам бўлмаган»,— дейилади. Кейин «Нимани хоҳлайсизлар?»—деб сўралади. Улар «Эй раббимиз, биз ташнамиз, бизга, сув бергин!»—дейишади. Уларга: «Тилагингиз бажарилади»,— дейилгай. Сўнг, улар дўзах олдида жамланади. Ундаги олов ҳарорати бамисоли саробдек Яҳудийлар бир-бирларини итариб, суришиб дўзахга қулайдилар. Кейин, насаролар чақирилади. Улардан «Нимага ибодат қилардингиз?» — деб сўралади Улар: «Оллоҳнинг ўғли Масихга ибодат қилардик»,— дейдилар. Уларга «Ёлғон айтяпсизлар, Оллоҳнинг хотини ва боласи бўлган эрмас»— деб жавоб берилади Кейин «Нима хоҳлайсизлар?» — деб сўралади Улар сув сўрайдилар, сув ичишгач, дўзахга қулайдилар. Сўнг, Оллоҳ таоло маҳшарда танҳо қолган солиҳ ва гуноҳкор мусулмон бандаларининг қошига таниб оларли қиёфада келиб «Ҳамма уммат ўзи сиғинган нарсасига эргашиб кетди, сизлар нимани кутиб турибсизлар?»— дейди. Мусулмонлар «Бизлар, душманла-ринг бўлмиш аҳли китоблардан сени деб юз ўгирган эрдик, энди нечун уларга эргашайлик? Биз ўзимиз ибодат қилган раббимизни кутягшиз»,— дейдилар. Оллоҳ таоло «Мен раббингизман!» —дейди. Мусулмонлар: «Биз Оллоҳга ҳеч кимни шерик қилмаймиз!» — деб ккки ёки уч бор айтадилар»

10-боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, биз ҳар бир умматдан гувоҳ чақирган пайтимизда ва сизни уларга гувоҳ қилганимизда (у умматларнинг) холи не кечгай?!»

Ал-Мухтол» ва «ал-хитол» бир маънода бўлиб, «такаббур ва мақтанчок» деганидур. «Натмису вужухан» — «Бир қанча юзни тескари қилиб қўйгаймиз» деган маънода саъийр» эрса, «ўт оташ» деганидур.

Амр ибн Мурра бундай дейдилар: «Менга Жаноб Расулуллоҳ «Қироат қил!» деб буюрдилар. Мен «Ё Расулаллоҳ, Қуръон сизга нозил бўлган-ку мен сизга қироат қилиб ; берайинми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Уни ўзимдан бошқа одамдан эшитишни яхши кўраман!» -- дедилар. Мен «Нисо» сурасини ўқий бошладим ва унинг «Эй Муҳаммад, биз ҳар бир умматдан гувоҳ чақирган пайтимизда ва сизни уларга гувоҳ, қилганимизда (у умматларнинг) ҳоли не кечади деган жойига келганимда, Жаноб Расулуллоҳ «Тўхта!» деб буюрдилар. Мен тўхтаб қарасам, ул зотнинг икки кўзларидан ёш қуйилаётир».

11-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар касал бўлсангиз ё сафарда бўлсангиз ёки хожатдан қайтгандан ёхуд аёл бирлан яқинлик қилгандан сўнг, сув тополмасангиз, тоза тупроққа таяммум қилингиз!»

Жобир разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Кофирларнинг ҳукм сураб мурожаат қиладирган шайтонларидан бири Жухайнада ва яна бири Асламда эрди ҳамда ҳар бир маҳаллада биттадан фолбин бўлиб, уларга шайтон келиб хабар етказиб турар эрди».

Умар разияллоҳу анҳу «Ал-Жибт» — «сеҳр» ва «ат-тоғут» — «шайтон»,— дейдилар.

Икрима «Ал-Жибт» ҳабаш тилида «шайтон» ва «тоғут» — «фолбин»,— дейдилар.

Ошиа разияллоҳу анҳо «Асмонинг маржони йўқолди Пайғамбар алайҳиссалом уни топиб келиш учун бир неча кишини юбордилар. Улар йўлдалигида намоз вақти бўлиб қолди, таҳорат олай, десалар, сув йўқ эрди, таҳоратсиз намоз ўқийвердилар. Шунда, Оллоҳ таоло «Таяммум» оятини нозил қилди»,— дейдилар

12-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳга итоат қилингизлар ва унинг расулига итоат қилингизлар ҳамда ўзларингиздан (мусулмонлардан) бўлган ҳокимга итоат қилингизлар!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Оллоҳга итоат қилингизлар ва унинг расулига итоат қилишизлар ҳамда ўзларингиздан бўлган ҳокимга итоат қилингизлар!» деган оят Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ҳақида нозил бўлган, чунки Расулуллоҳ у кишини бир гуруҳга бош қилиб жиҳодга юборган эрдилар»,— дейдилар.

13-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Бас, парвардигорингиз номига қасамки, улар ўз ораларида чиққан жанжалга сизни ҳоким қилмагунларига қадар мўмин бўлмайдилар...»

Урва ибн Зубайр бундай дейдилар: «Зубайр экин суғораётиб ансорлардан бир киши бирлан сув талашиб жанжаллашиб қолдилар. Пайғамбар алайҳиссалом «Эй Зубайр, ерингни суғориб бўлгач, сувни кўшинингнинг ерига очиб юбор!» — дедилар. Ансорий норози бўлиб «Ё Расулаллоҳ, аммаваччангизнинг фойдасига ҳал қилдингиз!» — деди. Шунда, Жаноб Расулуллоҳнинг юзлари жаҳдан қизариб кетди ва «Эй Зубайр, ерингни суғориб бўлгин-да, сувни боғла, сўнг сув кўрғон деворига етгандагина кўшинингнинг ерига очиб юбор!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ, ансорий ғаблабарини келтирганда, Зубайрнинг ҳуқуқини унитмаган ҳолда иккаларига ҳам мақбул бўладирган аниқ ҳукм чиқардилар «Бас, парвардигорингиз номига қасамки, улар ўз ораларида чиққан жанжалга сизни ҳоким қилмагунларига қадар мўмин бўлмайдилар» деган оят ана шул воқеа хусусида нозил бўлган, деб ўйлайман»,— дейдилар Зубайр».

14- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Бас, улар Оллоҳ таоло инъомига сазовор бўлган пайғамбарлар... бирлан бирга бўлурлар»

Ошиа разияллоҳу анҳо бундай дейдилар «Мен Расулуллоҳнинг «Ҳар бир пайғамбарга касаллик вақтида дунё бирлан охиратдан бирини танлаш ихтиёри берилади» деганларини эшитган эрдим. Ул зотни олиб кетган касаллик пайтларида қаттиқ хириллаш пайдо бўлди. Шунда, мен Жаноб Расулуллоҳнинг «... улар Оллоҳ таоло инъомига сазовор бўлган пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар бирлан бирга бўлурлар» деб тиловат қилганларини

эшитдим ва бундан охиратни ихтиёр қилганларини билдим».

15- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Оллоҳ йўлида ва ул ночор, мазлум эрлар ва хотинлар... учун жанг қияпсизлар...»

Убайдуллоҳ ибн Абу Язид: «Ибн Аббосдан эшитгандим, у «Мен ва онам бечоралардан эрдик» деб айтар эрди»,— дейдилар.

Ибн Абу Мулайка айтадилар: «Ибн Аббос «... магар ул эрлар ва хотинлар ва болаларки, ҳақиқатда ночордурлар...» деган оятни тиловат қилгач: «Мен ва онам Оллоҳ узрли санаган кишилардан эрдик»,— дедилар».

Ибн Аббос: «Ҳасират» сўзи «тор бўлди» маъносида, «талву» сўзи «Тилларингиз шаҳодат калимасини айтса» дегани»,— дейдилар.

Бошқа бир муфассир: «Ал-Мурогим» сўзи «муҳожир» маъносида, «роғамат» дегани «ҳожарат», яъни «ҳижрат қилдм» маъносида, «мавқутан» сўзи эрса «вақти муъайян» маъносидадур»,— дейдилар.

16- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, нега сизлар мунофиқлар хусусида икки гуруҳга бўлиниб олдингизлар? Ахир, Оллоҳ уларни қилмишига яраша ортларига қайтарди-ку!»

Зайд ибн Собит мазкур оят ҳақида ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг асҳобларидан кўпчилик кишилар Уҳуд жангига бормай, йўлдан қайтдилар. Уҳуд жангидан кейин, мусулмонлар иккига бўлиниб, улардан бир гуруҳи жангдан қочган мунофиқларни ўлдиришни, иккинчи гуруҳи эрса, ўлдирмасликни талаб қилдилар. Оллоҳ таоло шу боисдан «Эй мўминлар, нега сизлар мунофиқлар хусусида икки гуруҳга бўлиниб олдингизлар?...» деган оятни нозил қилди. Жаноб Расулуллоҳ: «Дарҳақиқат, Мадина покиза шаҳардур, у олов кумуш таркибидаги бегона ифлос моддаларни эритиб чиқариб юборгани янглиғ, ўзидан ифлос (мунофиқларни) чиқариб ташлагай»,— дедилар».

17- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Қачон уларга тинчлик ёки хавф-хатар хабари келса, уни атрофга тарқатадилар...»

Оятдаги «ястанбитунаҳу» сўзи «уни ташқарига чиқарадилар» маъносида, «ҳасийбан» сўзи «қудрати етарли» маъносида, «илло иносо» лафзидан мурод, тош, тупроқ каби жонсиз нарсалардур. «Марид» сўзи «итоатсиз» маъносида, «фалайу-баттиқунна» сўзи «кесадилар» маъносида, «қийлан» ва «қавлан» сўзларининг маъноси бир бўлиб, «муҳрли, рост сўз» дур.

18-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Кимки қасдан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдур!»

Саъид ибн Жубайр бундай дейдилар: «Юқоридаги оят ҳақида Куфа уламолари тортишиб қолишиб, Ибн Аббоснинг хузурларига боришди. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу «Ушбу «Кимки қасдан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдур!» деган ояти карима шу ҳақда нозил бўлган энг охирги оятдур. Бу оятни бошқа бир оят бекор қилган эрмас» деб жавоб бердилар».

19- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сизларга салом берган одамга: «Сен мўмин эмассан» — демангизлар»

«Ас-Силм» ва «ас-салм» ҳамда «ас-салом» сўзларининг маъноси бирдур.

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Бир одамнинг кўлида ўлжа бор эрди. Унга

мусулмонлар дуч келиб қолишди. Шунда, у уларга салом берди. Улар унинг саломига эътибор бермай, уни ўлдириб, ўлжасини тортиб олишди. Шунда Оллоҳ таоло «Бу дунё ўлжасини истаб, сизларга салом берган одамга: «Сен мўмин эмассан» — демангизлар» деган оятни нозил қилди».

20- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ўз уйларида ўлтир-гувчи мўминлар ила Оллоҳ, таоло йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмаслар»

Саул ибн Саъд ривоят қиладилар: «Мен Марвон ибн Ҳакамни масжидда кўриб, ёнларига бориб ўлтирдим. У киши бизга Зайд ибн Собитнинг куйидаги гапларини айтиб бердилар: «Жаноб Расулulloҳ менга «Ўз уйларида ўлтир-гувчи мўминлар ила Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмаслар» деб ёздирдилар. Шу пайт, Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келиб қолиб: «Ё Расулаллоҳ, худо ҳақи, агар жиҳод қилмоққа яраганимда, жиҳод қилган бўлур эрдим!» — дедилар, чунки у киши кўр эрдилар. Дарҳол, Оллоҳ таоло ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга «... иллатсиз бўлган ҳолда (ўз уйларида ўлтир-гувчилар)...» деган қавлини нозил қилди. Шунда ул зотнинг тиззалари менинг тиззам устида эрди, мен шундай юк сездимки, ҳатто тиззам эзилиб кетмасайди, деб кўрдим».

Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Ўз уйларида ўлтир-гувчи мўминлар ила Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмаслар» деган оят нозил бўлганда, Жаноб Расулulloҳ Зайдни чақириб уни ёздирдилар. Шу пайт Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келиб, ўзининг иллатли (кўр) эрканлигини айтиб, шикоят қилди. Шунда, Оллоҳ таоло «... иллатсиз бўлган ҳолда (ўз уйларида ўлтир-гувчилар)...» деган қавлини нозил қилди».

Барро разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Ўз уйларида ўлтир-гувчи мўминлар ила Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмаслар» деган оят нозил бўлганда, Жаноб Расулulloҳ: «Фалончини чақирингизлар!»— дедилар. Чақирилган киши сиёҳ, лавҳ ёки хайвон кураги олиб келди. Ул зот унга: «Ўз уйларида ўлтир-гувчи мўминлар ила Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмаслар» деб ёзгил!» — дедилар. Шунда, Жаноб Расулulloҳнинг ортларида Ибн Умму Мактум турган эрди, у: «Ё Расулаллоҳ, мен иллатли (кўр) одамман!» — деди. Оллоҳ таоло шу ондаёқ аввалги қавли ўрнига «Иллатсиз бўлган ҳолда ўз уйларида ўлтир-гувчилар ила Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмаслар» деган қавлини нозил қилди».

Ибн Аббос: «Мазкур оят Бадр жангига борган ва бормаган кишилар ҳақида нозил бўлган эрди»,— дейдилар.

21- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, ўз жонларига зулм қилганларнинг жонларини малоикалар олаётган пайтда: «Қай ахволда эрдингизлар?»— деб сўрасалар, улар: «Бизлар бу мулкда бечоралар эрдик»,— дедилар. Малоикалар уларга: «Агар ҳижрат қиламан десангизлар, Оллоҳнинг ери кенг эрди-ку!» — деб айтдилар»

Муҳаммад ибн Абдурраҳмон бундай дейдилар: «Мадина аҳлидан аскар тўплаб Шом аҳлига қарши урушга юборишга қарор қилинди (Бу воқеа Маккада Абдуллоҳ ибн Зубайр халифа бўлиб турган вақтда содир бўлган). Мен Ибн Аббоснинг хизматкори Икристимага учраб, унга мазкур қарорни айтдим. Икристима мени бу жангда қатнашишдан қайтариб, бундай деди: «Менга Ибн Аббос хабар бердиларки, мусулмонларнинг баъзилари пайғамбаримизнинг душманлари бўлмиш кофирлар бирлан бирга бўлиб, уларнинг сонини кўпайтиришда ёрдам берганлар. Жангда уларга номаълум еққан ўқ келиб тегиб (ёки қилич тегиб) ҳалок бўлганларида, Оллоҳ таоло ушбу «Дарҳақиқат, ўз жонларига зулм қилганларнинг жонларини малоикалар олаётган пайтда...» деган оятни нозил қилди».

22- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳижрат қилмоққа бирор чора топишга қодир бўлмай, чорасиз қолган эркак, аёл ва болаларгина...»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу лазкур оятни ўқиб: «Менинг онам узрини Оллоҳ қабул қилганлар жумласидан эрди»,— дедилар.

23-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Бундайларни Оллоҳ шояд афв қилса, чунки Оллоҳ афв қилувчи ва гуноҳларни кечирувчидир!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бир куни хуфтон намозини ўқиётган эрдилар, Самияллоҳу лиман ҳамидах» деб тик турганларидан сўнг, саждага бормасдан: «Ё Оллоҳ, Иёш ибн Абу Рафиъага нажот бергин, ё Оллоҳ, Салама ибн Ҳишомга нажот бергин, ё Оллоҳ, Валид ибн Валидга нажот бергин, ё Оллоҳ, мўминларнинг бенажотларига нажот бергин, ё Оллоҳ, Музар авлоди бошига қаҳатчилик солгин, уларга Юсуф алайҳиссалом даврларидагидек қаҳатчилик юборгин!»—деб илтижо қилдилар».

24- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар ёгиндан азият чексангизлар ёки бемор бўлсангизлар, қуролларингизни қўйиб қўйсангизлар, гуноҳ эмасдур»

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Оллоҳнинг «Агар ёгиндан азият чексангизлар ёки касал бўлсангизлар...». деган ояти Абдуррахмон ибн Авф ҳақида нозил бўлган, чунки у киши ярадор эрдилар».

25-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, сиздан аёллар ҳақида фатво сўрайдилар. Улар тўғрисида сизларга Оллоҳ ҳамда Қуръонда тиловат қилинадирган етим қизлар ҳақидаги оятлар фатво беради, деб айтинг!»

Ошша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Эй Муҳаммад сиздан аёллар ҳақида фатво сўрайдилар. Улар тўғрисида сизларга Оллоҳ («уларга уйланмоқчи бўласизлар» деган қавлигача)» деган оят қарамоғида бир етим қиз бор киши ҳақида нозил бўлган эрди. Ўша киши қизга валийлик (ҳомийлик) қилар, ҳатто унга тегишли хурмозор ҳам унинг қўлида эрди, шунинг учун у арзонгаров қизни ўз никоҳига олмоқчи бўлди. Қиз ўзи ёқтирган ва молига эга бўлишига ҳам рози бўлган бошқа кишига турмушга чиқай деса, қизганиб рози бўлмади ва қизга зулм қилиб, уни эрга бермай ушлаб турди. Мазкур оят шу ҳақда нозил бўлган».

26-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар бирор аёл эри томонидан кўнгилсизлик ёки юз ўгириш содир бўлишидан кўрқса...»

Ибн Аббос «Шикок» — «бузилиш», «ва уҳзират ил-анфус-уш-шухҳа» — «ва дилларда мол ҳирси мавжуд-дур», «ка-л-муъаллақати» — «на эрли ва на тул хотин каби», «нушузан» — «кўнгилсизлик» демакдур»,— дейдилар.

Ошша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Агар бирор аёл эри томонидан кўнгилсизлик ёки юз ўгириш содир бўлишидан кўрқса» деган ояти карима шундай киши ҳақидаки, у хотинидан кўнгилсиз бўлиб, ажралмоқни истайди, шунда хотин хушёрлик қилиб: «Мен сизни ўзим хусусимда озод қиламан»,— дейди (яъни, эрини ўзига мойил қилмоқ учун маҳрини бироз камайтирилишига ёки кундошларига нисбатан камроқ еб, камроқ киймоқликка розилик билдиради ва бу бирлан икки ўртада келишув юз беради, чунки Оллоҳ таоло «ва дилларда мол ҳирси мавжуддур»,— дегандур) Мазкур оят шу ҳақда нозил бўлган».

27- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Мунофиқлар албатта дўзахнинг энг чуқур жойида бўлурлар...»

Ибн Аббос «Ад-Дарк ул-асфалу» дўзахнинг энг тагидур»,— дейдилар.

Иброҳим Асвад ибн Язиддан нақл қиладилар: «Биз Абдуллоҳ ибн Масъуднинг давраларида (сухбатларида) эрдик, Ҳузайфа келиб бизга салом бердилар-да «Сизлардан кўра яхшироқ қавмга (яъни, саҳобаларга) нифоқ туширилган эрди»,— дедилар. Асвад «Субҳоналлоҳ, Оллоҳ таоло «Мунофиқлар албатта дўзахнинг энг чуқур жойида бўладилар»—дейди-ку!»—дедилар. Буни эшитиб, Абдуллоҳ кулиб куйдилар. Сўнг, Ҳузайфа масжиднинг бир четига бориб ўлтирдилар Абдуллоҳ эрса, ўринларидан туриб кетдилар, асҳоблари ҳам тарқалишди. Ҳамма кетгандан кейин, Ҳузайфа менга бир кичик тош отиб чақирдилар, мен ёнларига бордим Ҳузайфа менга: «Мен Абдуллоҳнинг гапига тушунган бўлсам ҳам, кулганидан ажабландим. Сизлардан яхшироқ қавмга нифоқ туширилгани рост. Кейин, улар тавба қилишди, тавбаларини Оллоҳ таоло қабул қилди»,— дедилар».

28- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз Нух ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик ва биз Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Яъқубнинг авлоди, Исо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонга ваҳий юбордик...»

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бирор киши «Мен Юнус ибн Маттодан яхшироқман» деб айтмаслиги лозим!» — дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Кимки «Мен Юнус ибн Маттодан яхшироқман» деса, ёлгон гапирган бўлади»,— дедилар».

29-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Одамлар сиздан фатво сўрарлар, сиз айтингки, Оллоҳ таоло сизларга меросхўри бўлмаганлар ҳақида қуйидаги ўз ҳукмини баён қилур: агар бир киши ўлса-ю, унинг фарзандлари бўлмай, фақат бир синглиси қолган эрса, унга барча мероснинг ярмиси берилур. Фарзанди бўлмаган сингилга эрса, унинг биродари ворислик қилур..-»

«Калола» меросхўри бўлмаган ота ёки ўғилдур. *Барро разияллоҳу анҳу* «Энг охири нозил бўлган сура «Бароат» сурасидур ва энг охири нозил бўлган оят «Сиздан фатво сўрарлар» деган оятдур»,— дейдилар.

**БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ
«АЛ-МОИДА» СУРАСИНING ТАФСИРИ**

1- боб («Ал-Моида» сурасида учрайдиган айрим сўзлар тафсири)

«Ҳурумун» кўплик бўлиб, бирлиги «ҳаромун», яъни «эхром кийган, эхром боғлаган ҳолат» «Фа-би-мо нақзиҳим мийсоқаҳум»—«Аҳдларини бузганлари сабабли», «алла-ти катабаллоҳу»—«Оллоҳ тақдир қилган», «табуа» — «ўз устингга олмоғингни», «доиратун» — «ёмон ҳодиса, кулфат» демакдур. «Ал-Иғро» — «ундаш», «ужуруҳунна» — «махрларини», «ал-муҳаймин» — «Қуръонга ҳамда ундан бурунги барча китобларга иймон келтирган шахс» деган маънода-дур»,— дейди бир муфассир. Суфён «Менинг учун

Қуръонда «ластун ало шайъин ҳатто туқиймуу-т-таврота вал-инжийла ва мо унзила илайкум мин раббикум» — «токи Таврот ва Инжилга ҳамда парвардигорингиздан ўзларингиз-га нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмас эркансизлар, (тўғри) йулда бўлмайсизлар» деган оятдан кўра кучлироқ оят иўқ «Махмаса» — «очлик», «ман аҳиоҳо», яъни «кимки бир кишини ноҳақ ўлдирилмоғидан сақлаб қолса, (гўё барча одамларни ноҳақ ўлдирилмоғидан асраб қолгандек бўлади)», «ширъатан ва минҳожан» — «шариъат ва суннат (бергандур)», «Фа-ин усира» — «Агар хабар топилса агар маълум бўлиб қолса», «ал-авлайони» — «иккиси ҳаммадан яқинроқ» демакдур»,— дейдилар.

2- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Бугун мен сизларга дийнингизни мукаммал қилиб бердим»

Ибн Аббос: «Махмаса—очлик» дегани дейдилар.

Ториқ ибн Шихоб ривоят қиладилар «Яхудийлар Ҳазрат Умарга «Сизлар бир оятни қироат қилурсизлар, агар ўшал оят бизга нозил бўлганида эрди, биз ўшал кунни байрам қилиб олур эрдик!»—дейишди. Ҳазрат Умар: «Мен бу оятнинг қачон ва қаерда нозил бўлганидан бехабарман»,— дедилар. Яхудийлардан бири: «Худо ҳақи, мен арафа куни бу оят нозил бўлганида Жаноб Расулуллоҳнинг қаерда турганларини биламан!» — деди. Суфён: «Ўшал кун жумъамиди, йўқмиди, аниқ билмайман»,— дейдилар.

3- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар сув тополмасангизлар, ул ҳолда пок тупроққа тайаммум қилингизлар...»

«Тайаммуму» — «(астойдил) ният қилингизлар» «Оммийна» — «келиб турурлар» деганидур «Амамту» ва «тайаммумту» бир маънода

Ибн Аббос «Ломастум», «тамассуухунна», «валлотий дахалтум бихинна» ва «ал-ифзо» сўзларининг барчаси аёлга яқинлик қилишни англатади»,— дейдилар.

Пайғамбаримизнинг хотинлари Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар «Расулуллоҳнинг сафарларидан бирида у кишига ҳамроҳ бўлдик. Байдоъ номли жойга етганимизда менинг маржоним узилиб, тушиб қолди. Расулуллоҳ уни қидириш учун тўхтадилар. Одамлар ҳам тўхташди. Қақраган чўл бўлиб, одамларда ҳам сув йўқ эрди. Кўпчилик Абу Бакр Сиддиқнинг олдиларига бориб «Кўрмайсизми қизингиз Оишанинг қилган ишини, Расулуллоҳни ва одамларни тўхтатиб, йўлдан қолдирди?»—деб шикоят қилишди. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу тепамга келганларида Расулуллоҳ бошларини тиззамга қўйиб ухлаб ётар эрдилар. Абу Бакр «Сен Расулуллоҳни ҳам, бошқаларни ҳам сувсиз чўлда йўлдан қолдирдинг, одамларнинг ўзларида ҳам сув йўқ» — деб менга дашном бериб, кўксимга турта бошладилар. Расулуллоҳ тиззамда ухлаб ётганлари учунгина мени йиқитиб юбормадилар. Тонг отганда Расулуллоҳ уйғондилар, аммо сув йўқ эрди. Шунда Оллоҳ таоло «Тайаммум» оятини нозил қилди. Усайд ибн Ҳазир менга: «Эй Абу Бакр зурриёти, бу мурувват сизнинг шарофатингиз бирлан бўлди!» — деб хурсандчилик изҳор этди. Кейин ўзи минган туяни жойидан қўзгатган эрдик, маржоним унинг тагидан чиқди».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Байдоъда менинг маржоним узилиб, тушиб қолди. Мадинага етай деб қолган эрдик. Пайғамбар алайҳиссалом туяни чўқтирдилар. Туядан тушиб, менинг кучоғимда ухлаб қолдилар. Абу Бакр келиб менинг кўкрагимга қаттиқ туртдилар-да «Маржонингни деб одамларни йўлдан қолдирдинг!»—дедилар. Жоним қаттиқ оғриди, лекин Расулуллоҳнинг уйғониб қолишларидан хавотир олиб, кимирламадим. Ниҳоят, Расулуллоҳ уйғондилар субҳ намози яқинлашган эрди, сув тополмадилар. Шу пайт «Эй мўминлар, намоз ўқимоқчи бўлсаларингиз» деган оят нозил бўлди Шунда Усайд ибн Ҳазир менга «Оллоҳ таоло сиз туфайли одамларга мурувват қилди, эй Абу Бакр зурриёти! Сизлар Оллоҳ таоло одамларга ато этган бир марҳаматдурсизлам!» — деди».

4-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ўзингиз раббингиз бирлан бирга бориб жанг қилиб келаверингиз, биз эрсак шу ерда ўлтириб турамиз»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Бадр куни Миқдод: «Эй Оллоҳнинг расули, Бану Исроилнинг Мусо алайҳиссаломга «Ўзингиз раббингиз бирлан бирга бориб жанг қилиб келаверингиз, биз эрсак шу ерда ўлтириб турамиз» деган гапини биз сизга айтмаймиз, аксинча бизни етаклангиз, биз сиз бирлан биргамиз!» — деди. Бу гап Жаноб Расулуллоҳни мамнун қилди. Миқдоднинг Жаноб Расулуллоҳга шундай деганини Ториқ ҳам ривоят қилиб тасдиқлайдилар».

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ ва унинг расулига қарши уруш олиб борувчи ва мамлакатда бузғунчилик қилувчи одамларнинг жазоси шулдурким, улар қатл қилинсинлар ёким дорга осилсинлар ёхуд қўлу оёқлари қарама-қарши тарафидан кесилсин ё улар мамлакатдан бадарға қилинсинлар»

«Ал-Муҳораба лиллоҳи» — «Оллоҳга ишонмаслик»дур.

Салмон Абу Раҷо ривоят қиладилар: «Абу Қилоба бир куни халифа Умар ибн Абдулазизнинг тахтлари орқасида ўлтирган эрдилар. Сарой аъёнлари турли нарсалар ҳақида сўзлашишди. Сўнг, қасам ҳақида гап кетди, шунда барча халифалар ҳам қасамга биноан қасос олмоқни амр қилганлар, деб айтишди. Халифа ўз орқаларида ўлтирган Абу Қилобага қараб: «Эй Абдуллоҳ ибн Зайд, бу масалада сизнинг фикрингиз қандай?» — деб сўрадилар. «Шунда мен,— дейдилар Абу Қилоба,— уйлангандан кейин зино қилган киши, бировни ноҳақ ўлдирган киши ва Оллоҳ бирлан унинг расулига қарши уруш қилган кишигина ўлдирилиши керак, деб билурман»,— дедим. Анбаса ўрнидан туриб: «Анас бу ҳақда бизга ундай ва бундай деб ривоят қилиб берган эрдилар»,— деди. Мен (яъни, Абу Қилоба): «Анас ибн Молик менга ҳам шул ҳақда бундай деб ривоят қилган эрдилар, яъни: «Бир қавм Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, исломни қабул қилди. Сўнг, улар: «Бу ернинг ҳавоси бизни илғади»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Чўлда бизнинг туяларимиз бор, у ерга бориб, туя сути ва сийдигидан ичиб даволанингизлар!»—дедилар. Улар чўлга бориб, туя сути ва сийдигидан ичиб шифо топишди. Кейин, исломни қабул қилиб ичган қасамларини бузишиб, туябонни ўлдиришди-да, туяларни ҳайдаб кетишди. Айтингизларчи, уларнинг исломдан қайтиб, одам ўлдириб, ўғрилик қилганларидан ҳам оғирроқ гуноҳ борми?!»—дедим. Анбаса: «Субҳоналлоҳ!»—деди. «Мени ёлғончи, деб ўйлаяпсанми? Анас худди шундай ривоят қилиб берганлар»,— дедим мен. Анбаса ўлтирганларга: «Эй Шом аҳли, модомики мана шу одам (Абу Қилоба) ораларингизда бор эрканлар, хайриятга эришаверасизлар!» — деди».

6-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Етказилган жароҳатлар учун қасос олинад»

Хумайд разияллоҳу анҳу Анас ибн Моликдан нақл қиладилар: «Анас ибн Моликнинг аммалари Рабиъ бир ансория қизнинг тишини синдириб қўйди. Қиз томондагилар қасос олмоқни талаб қилиб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келишган эрди, ул зот қасос олмоқни буюрдилар. Анас ибн Моликнинг амакилари Анас ибн ан-Назр: «Ё Расулаллоҳ, худо ҳақи, синглимнинг тишини синдирмангиз!» — деди. Расулуллоҳ: «Эй Анас, Оллоҳнинг буюргани қасосдур!» — дедилар. Кейин, қизнинг қариндошлари ўзаро маслаҳатлашиб, синган тиш эвазига товон олишга рози бўлишди. Расулуллоҳ: «Оллоҳнинг шундай бандалари борки, қасам ичсалар, унга вафо қиладилар!»—дедилар».

7-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй расул, раббингиздан ўзингизга нозил қилинган нарсаларни (умматингизга) етказингиз!»

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Кимки сизга: «Муҳаммад Оллоҳ нозил қилган нарсалардан бирортасини яширди»,— деса, шубҳасиз, у ёлғон гапирибди, чунки Оллоҳ: «Эй расул, раббингиздан ўзингизга нозил қилинган нарсаларни етказингиз!» — дегандур».

8- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ сизларни бил-май оғзингиздан чиқиб кетган қасамларингиз учун гуноҳкор қилмайди»

Оиша разияллоу анҳо бундай дейдилар: «Мана бу «Оллоҳ сизларни билмай оғзингиздан чиқиб кетган қасамларингиз учун гуноҳкор қилмайди» деган оят кишининг «Йўқ, худо ҳақи!», «Ҳа, шундай, худо ҳақи!» деб қасам ичиши ҳақида нозил қилингандур».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Отам Абу Бакр Сиддик, Оллоҳ таоло қасам каффорати ҳақидаги оятини нозил қилгунча, бир марта ҳам қасамларини бузмаган эрдилар. Оят нозил бўлгач: «Мен бўлар бўлмасга қасам устига қасам ичмагайман, агар илгари ичган қасамим устига қасам ичмоғим зарур бўлса, Оллоҳ таолонинг рухсатини қабул қилгайман-да, сўнг бошқа қасам ичгайман»,— дер эрдилар».

9-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, Оллоҳ сизларга ҳалол қилиб қўйган покиза нарсаларни ҳаром қилмангизлар!»

Абдуллоҳу ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Биз Расулуллоҳ бирлан бирга ғазотга чиқур эрдик. Хотинларимиз уйда қолур эрди. Шунда биз: «Ўзимизни бичиб қўймаймизми?»—деб ўзаро сўзлашдик. Жаноб Расулуллоҳ бизни бундан қайтардилар. Шундан кейин, (бегона) аёлларга (улар рози бўладирган) маблағ эвазига (вақтинчалик) уйланишга ижозат бердилар. Кейин, ушбу «Эй мўминлар, Оллоҳ сизларга ҳалол қилиб қўйган покиза нарсаларни ҳаром қилмангизлар!» деган оятни кироат қилдилар». (Бу ҳадисда ривоят қилинган воқеа исломнинг бошида бўлган бўлиб, аёлларга муваққат уйланишга рухсат жиҳодда юрган мусулмонлар учун енгиллик тариқасида берилган эрди. Бундай вақтинчалик никоҳни Расулуллоҳ кейинроқ ҳаром, деб манъ этганлар. Ҳозирда ҳам бундай никоҳ мавжуд бўлиб, у «сийға!» никоҳ, деб аталади, унга фақат шийъа мазҳабидагилар амал қиладилар).

10-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, шароб, қимор, бут ва фол ўқлари нопок бўлиб, барчаси шайтон амалидан бўлган ҳаром ишлардур!»

Ибн Аббос: «Ал-Азлом» фол очишда қўлланиладиган ўқлардур. «Ан-Нусуб» эрса «бутлар» бўлиб, бутпарастлар уларга қурбонлик қиладилар. Баъзилчр: «Залам» «азлом»нинг бирлиги бўлиб, пат (пар)сиз камон ўқидур «Истиқсом» патсиз камон ўқлари бирлан фол очишдур»,— дейишади»,— дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Шаробнинг ҳаромлиги тўғрисида оят нозил бўлган пайтда Мадинада узумдан тайёрланадирган шаробдан ташқари яна беш хил ичимлик мавжуд эрди»,— дейдилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Бизда сизлар «Фазийх» деб айтайдирган ичимликдан бошқаси йўқ эрди. Мен тик туриб Абу Талҳага ва фалончи бирлан пистончига шу ичимликдан қуйиб бераётган эрдим. Шу пайт, бир киши кириб келди-да: «Сизларга ҳам хабар етдимми?» — деб сўради Ўлтирганлар: «Нима бўлди?» — деб саволга савол бирлан жавоб қайтаришди. Келган одам: «Ароқ ҳаром қилинди»,— дейиши бирланок ҳаммалари: «Эй Анас, манави хумни ағдариб ташла!» — деб буюришди. Улар бояги одамнинг хабаридан кейин, «Нима учун?» деб сўрашмади ҳам, қайта шаробни оғизларига олишмади ҳам».

Жобир разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мусулмонлардан бир нечаси Ухуд ғазоти тонгида шароб истеъмол қилишган эрди. Кейин, барчалари ғазотда шаҳид бўлишди. Бу вақтда ҳали шароб ҳаром қилинмаган эрди».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Умар разияллоҳу анҳунинг Пайғамбар алайҳиссаломнинг минбарларига чиқиб: «Аммо баъд. Эй одамлар, шаробнинг ҳаромлиги тўғрисида оят нозил бўлган. У беш нарсдан: узумдан, хурмодан, асалдан, буғдойдан ва арпадан тайёрланади. Ақлни кетказадирган ичимлик «шароб» деб айтилади»,— деганларини эшитганман».

11-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Иймон келтириб, яхши амаллар қилган бандалар, агар тақво қилиб, иймон ва яхши амалларида собит қолсалар, истеъмол қилган нарсалари учун гуноҳкор бўлмагайлар, Оллоҳ амали солиҳ қилувчиларни севади»

Анас разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Абу Талҳанинг уйида одамларга шароб куйиб бераётган эрдим. Шаробнинг ҳаромлиги ҳақида оят нозил бўлиб, бир жарчи шул тўғрида эълон қилди. Абу Талҳа менга: «Бор, нима гап эрканлигини билиб кел!»— дедилар. Мен чиқиб қарасам, жарчи: «Огоҳ бўлингизлар, шароб ҳаром қилинди!» — деб бақирарди. Кейин, Абу Талҳа: «Бор, шаробни кўчага тўкиб кел!» — деб буюрдилар. Мен шаробни Мадина кўчаларидан бирига олиб чиқиб тўқдим. Мадиналикларнинг асосий шароби фазих эрди. Баъзилар: «Шароб ичиб жангда ҳалок бўлганларнинг ҳоли нима кечаркин?» — деб айтишди. Шун-да, Оллоҳ таоло «Иймон келтириб, яхши амаллар қилган бандалар, агар тақво қилиб, иймон ва яхши амалларида собит қолсалар, истеъмол қилган нарсалари учун гуноҳкор бўлмагайлар...» деган мазмундаги оятни нозил қилди»

12- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «... ўзингизни ранжитиб қўймоғи маълум қилинган нарсалар хусусида сўрамангизлар...»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Бир куни Расулуллоҳ хутба ўқидилар, ундай хутбани илгари эшитмаган эрдим. Ул зот «Агар мен биладирган нарсани сизлар ҳам билганларингизда эрди, озроқ кулиб, кўпроқ йиғлардингизлар!» — дедилар. Шунда барча саҳобалар юзларини беркитишиб, пиқиллаб йиғлай бошлашди. Шу пайт ўлтирганлардан бири «Менинг отам ким?» — деб сўраб қолди. Жаноб Расулуллоҳ «Отанг фалончи»—деб жавоб бердилар. Шунда Оллоҳ таолонинг «ўзингизни ранжитиб қўймоғи маълум қилинган нарсалар хусусида сўрамангизлар» деган ояти нозил бўлди» Бу ҳадисни Назр ва Руҳ ибн Убода ҳам Шуъбадан нақл қилиб ривоят қилганлар

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар «Қавм Жаноб Расулуллоҳни мазах қилиб, бўлар-бўлмас саволлар бера бошлади. Бир киши «Менинг отам ким?» — деса, иккинчиси йўқолган туясини сўраб «Менинг туям қаерда?» — деб савол берар эрди. Шунда Оллоҳ таоло «Эй мўминлар, ўзингизни ранжитиб қўймоғи маълум қилинган нарсалар хусусида сўрамангизлар ва агар Қуръон нозил бўлаётган пайтда шундай саволлар берган бўлсангизлар, маълумингиз бўлсинким, Оллоҳ бунинг учун сизларни афв этди, Оллоҳ мағрифатли раҳимдил зотдур!» деган оятни нозил қилди»

13-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ таоло муқаррар қилмади баҳийрани ва на соибани ва на васийлани ва на ҳомийни...»

«Моида» сўзи луғатда «дастурхон солиб тузаб қўйилган хонтахта» бўлиб, шаклан исми фобил бўлса ҳам, маънан исми мафъулдур, яъни «тузаб қўйилган»деганидур. Худди «Ийшатун розиятун» ва «татлийқатун боинатун» сўзларига ўхшайди. Булар ҳам исми фоил шаклида, аммо «фаровон, киши рози бўладирган ҳаёт» ва «талок қилинган (аёл)» маъноларини англатади.

Саъид ибн Мусайяб бундай дейдилар: «Баҳийра» — сути бутларга аталган туя бўлиб, бирор киши уни соғиши мумкин бўлмаган «Соиба» ҳам бутларга аталган туя бўлиб, касалликдан тузалган киши уни ўз ҳолига қўйиб юборар эрди, унга юк ортиш мумкин эрмас эрди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман: «Мен Амр ибн Омирни дўзахда кўрдим, у ўз қурбонлигини судраб юрибди чунки у бутга атаб туясини қўйиб юборган биринчи одам эрди». «Васила» — урғочи бўталоқ туғадиган туя бўлиб, қурбонлик тарзида уни бутларга атаб қўйиб юборишган. «Ҳомий» — эркак туя бўлиб, унинг пуштидан бир қанча бўталоқ туғилгач, бутларга атаб қуйиб юборишган унга юк ортиш манъ қилинган».

Ошша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ «Мен жаҳаннамни кўрдим,

ловиллаган алангалари бир-бирини ютяпти. Унга биринчи бўлиб кирган Амрни ҳам кўрдим, у ўз қурбонлигини судраб юрибди, чунки у бутга атаб туясини кўйиб юборган биринчи одам эрди»,— дедилар»

14- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Мен уларнинг ораларида бўлган пайтимда улардан хабардор бўлиб турдим. Мени ҳузурингга чорлаганингдан сўнг, сен ўзинг уларни кузатиб турган эрдинг. Сен ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдирсан!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ бир куни хутба ўқидиларда «Эй одамлар, албатта ҳаммангиз Оллоҳ таоло ҳузурини яланг оёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолда тўпланасизлар»,— дедилар, кейин. «Аввал қандай яратган бўлсак, ўша ҳолга қайтарамиз, бу зиммамиз-даги ваъдадур, уни албатта бажарувчидурмиз» деган оятни тиловат қилдилар. («Ал-Анбиё» сураси, 104-оят) Сўнг, бундай дедилар: «Огоҳ бўлингизлар, Қиёмат куни инсонлардан биринчи бўлиб Иброҳим алайҳиссаломга либос кийдирилади. Огоҳ бўлингизлар, умматларимдан бир неча кишини чап тарафларидан маҳкам ушлаган ҳолда олиб келишади. Мен «Эй раббим, булар менинг асҳобларим-ку!» — дейман. Шунда «Албатта, сиз ўзингиздан кейин буларнинг қандай фитналар содир қилганларини билмассиз»,— дейилгай. Мен Оллоҳнинг солиҳ бандаси (Исо ибн Марям) айтганларидек «Мен уларнинг ораларида бўлган пайтимда улардан хабардор бўлиб турган эрдим. Мени ҳузурингга чорлаганингдан сўнг, сен ўзинг уларни кузатиб турган эрдинг. Сен ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдирсан (хабардордурсан)»—дейман. «Дарҳақиқат, буларни тарк этганингиздан буён, булар муртадлиқ қилурлар» деб айтилгай».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: «Албатта сизлар Оллоҳ таоло олдида жамъ қилинасизлар. Одамларнинг баъзилари чап томонларидан ушланадилар. Шунда мен солиҳ банда (Исо ибн Марям) айтганларидек: «Мен уларнинг ораларида бўлган пайтимда улардан хабардор бўлиб турдим. Мени ҳузурингга 15- боб. **Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар сен уларни азобласанг, улар ўзингнинг бандаларингдурлар, агар уларни мағфират қилсанг, албатта сен қудрат ва ҳикмат эгасисан»**чорлаганингдан сўнг, сен ўзинг уларни кузатиб турган эрдинг. Сен ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдурсан. Агар сен уларни азобласанг, улар ўзингнинг бандаларингдурлар, агар уларни мағфират қилсанг, албатта сен қудрат ва ҳикмат эгасисан»,— дейман».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ «АЛ-АНЪОМ» СУРАСИ

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Оллоҳ таолонинг «Сумма лам такун фитнатухум» деган қавлидаги «фитнатухум» сўзи «алдов, ўзини оқлаш» маъносидадур (23-оятда). «Маъруушот» — ишқомга кўтариб кўйилган ток ва бошқа ўсимликлардур (141-оятда). «Ҳамуула» — юк ортиладиган хайвонлардур (142-оятда), «Ла-лабасно» сўзи «адаштирган бўлур эрдик» маъносида (9- оятда). «Ва янавна» сўзи «узоклашадилар, қочадилар» маъносида (26-оятда). «Тубсала» сўзи «шарманда бўлиш» маъносида (70-оятда). «Боситуу айдийҳим» — «қўлларини чўзиб» деганидур (93- оятда). «Истаксартум» сўзи «қўпчиликни адаштирдингиз» маъносида (128-оятда). «Зараа минал-ҳарси» («Оллоҳ таоло) яратган экиндан» деганидур (136-оятда). «Аммаш-тамалат» сўзи «ичидаги боласи» маъносида (143- оятда). «Акиннатун» сўзининг бирлиги «кинон» бўлиб, маъноси «парда» дур (25- оятда). «Масфууҳан» сўзи «оқиб турган» маъносида (145-оятда). «Содафа» сўзи «юз ўгиртириш» маъносида (157-оятда). «Мублисууна» сўзи «ноумид қилиндилар» деганидур (44- оятда). «Убсилуу» сўзи «азобга гирифтор қилиндилар» маъносида (70-оятда). «Сармадан» сўзи «доимо» деганидур. «Истаҳватху» сўзи «йўлдан оздирди» маъносида (71- оятда). «Вақрун» сўзи «гаранглик» маъносида (25- оятда), агар «Викрун»

бўлса, «юк» деганидур. «Асотийр» сўзининг бирлиги «устуура» ёки «истора» бўлиб, маъноси «чўпчак, ҳикоядур (25- оятда). «Ал-Баъсоу» сўзи агар «баъс»дан бўлса, «қийинчилик, машаққат», агар «буъс» дан бўлса, «фалокат,офат» деганидур (42- оятда).«Жаҳратан» сўзи «очиқ, ошкора» маъносида (47-оятда) «Ас-Суур» сўзи «суурат» сўзининг кўплиги (бўлиб, «карнай» маъносида, 73-оятда). «Малакуут» сўзи «мулк» маъносида (75- оятда). «Жанна» сўзи «коронғу бўлмоқ» демакдур (76-оятда). «Таъоло» сўзи «юксак, буюк, улуғ» (100-оятда). «Ва ин таъдил кулла адлин, ло йуъхаз минҳо» — «агарчи ҳар қанча тавба қилмасин (товон бермасин), қабул қилинмас» деганидур (70- оятда). «Алаллоҳи ҳусбонуху» дейилганда «Унинг ҳисоб-китоби Оллоҳнинг зиммасида» деб тушинилади. Баъзан «Ҳусбонун» шайтонга отиладирган тош маъносида ҳам қўлланилади. «Мустақаррун (фис-сулби)» ва «мустав-даъун (фир-рахми)» сўзлари «Оллоҳ шундай зотки, сизларни бир жондан пайдо қилиб, сизларга она қорнида қароргоҳ ва ота пуштида вақтинча турадирган жой қилди» деган оятда мавжуд (98-оят). «Ал-Қинву» сўзи «ғужум» маъносида, иккилиги ҳам, кўплиги ҳам «қинвони», худди «синвун» ва «синвони»га ўхшайди (99- оятда).

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Парвардигор ҳузурда ғайбнинг калитлари бор, уни ёлғиз унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди»

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулulloҳ: «Ғайбнинг калитлари бешта»,— дедилар-да, «Луқмон» сурасининг қуйидаги 34- оятини қироат қилдилар: «Қиёматнинг қачон бўлишини Оллоҳнинг ўзигина билади, ёмғирни Оллоҳ ёғдиради, она қорнидаги ҳомиланинг ўғилми қизлигини Оллоҳ билади, ҳеч бир одам эртага нима иш қилишини билмайди ва ҳеч бир одам қаерда ўлишини билмайди, албатта Оллоҳ ҳамма нарсани билувчи ва ҳамма нарсадан хабардор зотдур».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, «У сизларга тепангиздан ёки оёқларингиз остидан азоб юборишга ёки сизларни гуруҳ-гуруҳ қилиб бўлиб юбориб, бирингизнинг зарарингизни иккин-чингизга тотдиришга қодирдур» деб айтингиз!»

Жобир разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таолонинг «Эй Муҳаммад, «У сизларга тепангиздан... азоб юборишга... қодирдур» деб айтингиз!» деган қавлини ўқиб «Ўз паноҳингда асра» — дедилар, «ёки оёқларингиз остидан» деган қавлини ўқиб ҳам «Ўз паноҳингда асра!» — дедилар, «ёки сизларни гуруҳ-гуруҳ қилиб бўлиб юбориб, бирингизнинг зарарингизни иккинчингизга тотдиришга қодирдур» деган қавлини ўқигач эрса, «Бу осонроқ!»—деб қўйдилар»

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Иймон келтирган ва иймонларини зулм бирлан булғамаган кишилар омонлик топгайлар ва улар ҳидоятга эришган бандалардур»

Абдуллоҳ ибн Масъуд бундай дейдилар «иймонларини зулм бирлан булғамаганлар» деган оят нозил бўлганда саҳобалар «Қайси биримиз зулмдан холимиз?» — дейишди, шунда «Албатта, ширк энг катта зулмдур!» деган оят нозил бўлди»

4-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва Юнусга ва Лутга ҳидоят қилиб, ҳаммаларини бутун олам ахлидан афзал қилдик»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом «Ҳеч бир банда «Мен Юнус ибн Маттодан яхшироқман» демаслиги лозим»,— дедилар»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом «Ҳеч бир банда «Мен Юнус ибн Маттодан яхшироқман» демаслиги лозим»,— дедилар»

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ана ўшалар Оллоҳ ҳидоят қилган кишилардур, ўшаларнинг йўлларигагина юрингиз!»

Сулаймон ал-Аҳвал Мужоҳид разияллоҳу анҳу ҳақларида бундай дейдилар: «Мужоҳид Ибн Аббосдан «Сод» сурасида сажда борми?» — деб сўрадилар. Ибн Аббос «Ҳа» — деб жавоб бердилар-да, («Ал-Анъом» сурасидаги) куйидаги оятларни ўқидилар. «Биз Иброҳимга Исҳоқ ва Яъқубни ҳада этдик. Буларнинг барчаларига ҳидоят қилдик. Илгари Нухга ҳам ҳидоят қилган эрдик. Унинг зурриётидан бўлмиш Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунга ҳам ҳидоят қилдик. Амали солиҳ қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз Закарийе, Яҳё, Илёс ва Исога ҳам ҳидоят қилдик. Улар барчалари ҳам солиҳ бандалардандур. Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутга ҳам ҳидоят қилдик ва ҳаммаларини бутун олам аҳлидан афзал қилдик. Уларнинг ота-боболари, зурриётлари ва биродарларидан баъзиларини танлаб олиб, уларни ҳам тўғри йўлга ҳидоят қилдик. Оллоҳнинг ҳидояти шундайдур, у ўзи хоҳлаган бандасига ҳидоят қилгай. Агар улар мушрик бўлганларида эрди, қилган амаллари беҳуда кетган бўлур эрди. Ана ўша зотларга Китоб, ҳикмат ва пайғамбарлик ато этганмиз Бас, бу оятларни (сўзларни) анавилар инкор этсалар, уларни инкор қилмайдирган қавмга топшириб қўйганмиз. Ана ўшалар Оллоҳ ҳидоят қилган кишилардур. Бас, ўшаларнинг йўлларигагина юрингиз!» (84—90- оятлар). Кейин (Ибн Аббос) «Довуд ҳам ўша пайғамбарлардандурлар, пайғамбарингиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга эргашишга буюрилгандурлар», — дедилар».

6- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Яҳудийларга ҳар бир туёқли ҳайвонни ҳаром қилдик, мол-қўйларнинг ёғларини ҳам уларга ҳаром қилдик».

Ибн Аббос «Ҳар бир туёқли ҳайвон — бу туя бирлан туя қуш», — дейдилар.

Бошқалар «Ҳодуу», яъни «яҳудий бўлганлар» дегани, аммо «Инно худно» нинг маъноси — «Албатта, бизлар тавбақилдик», «Ҳоид» эрса «Тавба қилувчи»дур», — дейишади.

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Оллоҳ яҳудийларни ҳалок қилсин, уларга Оллоҳ ҳайвонлар ёғини ҳаром қилган вақтда, улар ёғларни тўплаб, пулга сотиб, пулини едилар», — дедилар».

7- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Бузук ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг!»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бундай дейди: «Бирор киши Оллоҳдан кўра рашклироқ эрмас, шунинг учун у яширин ҳам, ошкора ҳам бузуклик қилишни ҳаром қилди. Бирор киши мақтовни Оллоҳчалик яхши кўрмайди. Шунинг учун у ўзини мақтади»

Амр ибн Мурра бундай дейдилар: «Мен Абу Воилдан «Сиз бу ҳадисни Абдуллоҳдан эшитдингизми?» — деб сўрадим. У киши «Ҳа», — деб жавоб бердилар. Мен «Абдуллоҳ Расулуллоҳга нисбат бердиларми?» — деб сўрадим. Абу Воил «Ҳа», — дедилар»

«Вакил» сўзи «сақловчи, ихота қилувчи» маъносида Қубулан» «қабийл» сўзининг кўплиги, маъноси — «навъ, тур» бўлиб, азобларнинг ҳам тури бор, ҳар бир азоб тури «қабийл» дейилади. (Бу сўз 111-оятда мавжуд) «Зухру-фа-л-қавли» — «усти ялтироқ — ичи қалтироқ сўз», яъни ярамас, қабих нарсани ўраб, безаб кўрсатилса, «зухруф» дейилади (Бу сўз 112-оятда бор).

8- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Қиёмат куни келтирган иймони фойдасиздур!»

«Ҳалумма шуҳадоакум»нинг маъноси «гувоҳларингизни (уламоларингизни) чақирингизлар» бўлиб, «ҳалумма» сўзи ҳижозликлар тилида ишлатилади, унинг бирлиги, иккилиги ва кўплиги ҳам бир хил кўринишдадур (бу сўз 150-оятда бор).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу хабар берадилар: «Расулуллоҳ «Токи Қуёш ўзи ботадирган томондан чиқмас эркан, қиёмат қоим бўлмайди. Қуёшнинг мағрибдан чиққанини кўрган одамлар дарҳол иймон келтира бошлайдилар, аммо эндиги иймон, аввалроқ келтирмаганлари учун, ҳеч кимга фойда бермайди», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу хабар берадилар: «Расулуллоҳ: «Қуёш мағрибдан чиқмагунча қиёмат бўлмайди. Унинг мағрибдан чиққанини кўрган одамлар дарҳол иймон келтирадилар, аммо бу вақтда келтирилган иймон наф қилмайди», — дедилар. Сўнг (158-)

оятни тиловат қилдилар».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ «АЛ-АЪРОФ» СУРАСИ.

Ибн Аббос разияллоху анху бундай дейдилар: «Рийошан» — «мол» маъносида, (Осим қироатида бу сўз «рийшан» шаклида ўқилади, 26- оят). «Дарҳақиқат, Оллоҳ ҳаддан ошувчиларни яхши кўрмайди» деган жумла (55- оят) дуо ва бошқа нарсалар хусусидадур «Афав» сўзи «кўпайсинлар» маъносида бўлиб, мол ёки фарзандларнинг кўпайиши назарда тутилади. (95- оят). «Ал-Фаттоҳ» — «Хукм қилувчи» бўлиб, «Ифтоҳ байнано (ва байна қавмино)» — «Биз бирлан қавмимиз ўртасида хукм қил» деганидур. (89- оят). «Натақно» сўзи «кўтардик» маъносида (171-оят). «Инбажасат» сўзи «отилиб чиқди» демакдур (160- оят). «Мутаббарун» — «барбод бўлгучи» маъносида (139-оят) «Осо» «ачинаман» маъносида, «таассо» «ачинди» дегани (93-оят)»

Ибн Аббосдан бошқа уламолар бундай дейишади: «Мо манаъака алло тасжуда» жумласидаги «ло» ортикча бўлиб, маъноси «Сажда қилмоқлигинга нима монелик қилди» деганидур (12- оят) «Йахсифони» — иккаласи ўрай бошлади», яъни «(Одам ва Ҳаво) иккалалари ўз авратларини жаннатдаги барглар бирлан ўраб, беркита бошладилар» деган маънода (22-оят) «Савотухумо»нинг маъноси — «иккалалари ўз авратларини» деганидур (22-оят) «Матоъун» — «фойдаланиш» маъносида (24- оят) «Қабийлуху» — «унга ўхшашлар» деганидур (27- оят). «Иддоракуу» — «бир-бирлари бирлан топишурлар демакдур (38- оят). Инсон ва ҳайвон аъзоларининг ҳаммаси «сумуум» дейилади, бирлиги эрса «саммун» бўлиб, кўзи, бурни, оғзи, қулоғи, кети, олатининг учини англатиши мумкин (40- оят). «Ғавош» сўзи «тўшак»дур (41- оят). «Нушран» — «ёйилган» деган маънода (Осим қироатида бу сўз «бушран» деб ўқилиб, «башорат, башорат келтирувчи» деган маънодадур (57- оят). «Накидан» «оз» ёки «қийин» деганидур (58-оят) «Йағнав» сўзи «яшаганлар» маъносида (92-оят). «Ҳақийқун» — «чин, рост» дегани (105- оят). «Истарҳабуухум» — «рахбатун» сўзидан бўлиб, «қўрқитдилар» деганидур (116-оят) «Талқа-фу» — «юта бошлади» маъносида (117-оят) «Тоирухум» — «шумликлари, бахтиқароликлари» деганидур (131-оят) «Туфон» — «сел» дегани, баъзида кўп ўлимга ҳам «туфон» дейилади (133-оят). «Қуммал» — «бит» маъносида (133-оят). «Урууш» ва «арийш» — «иморат» бўлиб, «йаъришууна» — «баланд (иморат) қураддилар» деган маънода (137- оят). «Сукита» — «пушаймон бўлдилар» дегани (149-оят) «Ал-Асбот» — «Бану Исроил қабилалари» (159- оят) «Йаъдууна фис-сабти» — «Шанба куни (хусусида) ҳаддан ошдилар» дегани (163-оят) «Шурраъан» — «очиқ, (сув бетида) кўринган ҳолда» маъносида (163-оят) «Баййсун» — «қаттиқ» дегани (165-оят) «Ахлада илал-арзи» «ер-га (мол-дунегга) муккасидан кетди» маъносида (176- оят) «Санастадрижухум» — «охиста, охиста (ҳалокат ёқасига) олиб келамиз» дегани (182-оят) «Мин жиннатин» — «жиннилик (дан)» демакдур (184- оят) «Фа-маррат биҳи» — «уни (ҳомилани) олиб юрди, яъни ҳомиладор бўлиб юрди» дегани (189-оят) «Йанзағаннака» — «(шайтон) васваса қилса» маъносида (200-оят). «Тоифун» — «васваса»дур (201-оят). «Йамуддуунахум» — «ёрдам берадилар» маъносида (202- оят) «Хийфатан» — «қўрқиб» деганидур (205-оят) «Ал-Осол» сўзининг бирлиги «асийл» бўлиб, аср ва шом оралиғидаги пайтни билдиради (205-оят)»

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Парвардигорим, хоҳ ошкор, хоҳ яширин бўлсин, бузуқликларни ҳаром қилди»

Амр ибн Мурра бундай дейдилар: «Мен Абу Воилдан: «Бу ҳадисни сен Абдуллоҳ ибн Масъуддан эшитдингми?» — деб сўрадим. Абу Воил: «Ҳа, ўзим эшитдим» — деб Абдуллоҳга нисбат берди-да: «Оллоҳдан кўра рашклироқ зот йўқ, шунинг учун ҳам Оллоҳ бузуқликнинг ошкорини ҳам, яширинини ҳам ҳаром қилди. Оллоҳдан кўра мақтовни ёқтирадирганроқ зот ҳам йўқ, шунинг учун у ўзини мақтади», — деди».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мусо ваъдалашган вақтимизда Тур тоғига келгач, парвардигори унга сўзлади, шунда у: «Парвардигорим, менга жамолингни (тухфа эт) кўрсат, мен сени бир кўрай!» — деди. Оллоҳ: «Сен мени ҳаргиз кўролмассан ва лекин тоғ тарафига бокгил, агар ул ўз жойида саломат қолса, сен мени кўра олурсан»,— деди. Бас, парвардигори тоғга жамолин жилвасин тушириб эрди, тоғни ер бирла яксон қилди ва Мусо беҳуш бўлиб йиқилди, сўнг ўзига келиб:» (Эй поко-парвардигоро, мен сенга тавба қилдим ва мен мўминларнинг аввалидурман»,— деди»

Ибн Аббос: «Ариний» — «Менга ато эт, менга тухфа эт» деган маънодадир,— дейдилар.

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳнинг хузурларига бир яҳудий келиб, юзига шапалоқ еганидан шикоят қилди-да: «Эй Муҳаммад! Сизнинг ансорий асҳобларингиздан бири юзимга шапалоқ урди»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ яҳудийни урган ансорийни чақиртирдилар ва: «Нима учун юзига урдинг?» — деб сўрадилар. Ансорий: «Ё Расулаллоҳ, мен яҳудийлар олдидан ўтиб кетаётган эрдим. Шунда улардан бирининг «Мусони бутун инсониятдан улуғ қилган зотга қасам ичаманки...» деганини эшитиб қолдим. Мен бориб: «Муҳаммаддан ҳам улуғми?»— деган эрдим, у: «Муҳаммаддан ҳам»,— деди. Жаҳлим чиқиб, мен унинг юзига шапалоқ тортиб юбордим»,— деди. Расулуллоҳ: «Мени бошқа пайғамбарлардан яхшироқ, деб ажратмангизлар. Қиёмат куни одамларнинг ҳаммаси беҳуш бўлиб йиқилади. Биринчи бўлиб мен ҳушимга келаман. Қарасам, рўпарамда Мусо Арш устунларидан бирини ушлаб турган бўладилар. Ҳазрат Мусо мендан аввал ўзларига келдиларми ёки Тур тоғида беҳуш бўлиб йиқилганликлари эвазига бу гал беҳуш қилинмадиларми, буни билмагайман»,— дедилар».

«Ал-Манну вассалво» — кўриниши лимонга ўхшаган ширин мева ва беданадур.

Пайгамбар алайҳиссалом: «Кўзикорин ҳам Оллоҳ таоло осмондан туширган неъматлардандур. Унинг суви кўз оғриғига шифодур»,— дедилар.

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй одамлар, еру осмонларнинг эгаси бўлмиш Оллоҳнинг сизларга юборилган расулиман, деб айтинг!»

Абу Дардоъ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Абу Бакр бирлан Умар ўзаро тортишиб қолишди. Абу Бакр бир нарса хусусида Умарнинг аччиқларини чиқарган эрдилар, у киши ғазабланиб туриб кетдилар. Шунда Абу Бакр Умарнинг орқаларидан кечирим сўраб қолдилар, аммо Умар кечирмай, Абу Бакрнинг юзларига дарвозани тарақлатиб ёпиб чиқиб кетдилар. Абу Бакр Сиддиқ Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига келдилар, биз ул зот бирлан бирга ўлтирган эрдик. Расулуллоҳ воқеадан хабар топганларидан сўнг: «Аммо, биродарларингиз (яъни, Абу Бакр) хайриятга биринчи бўлиб эришгандур!»—деб айтдилар. Жаноб Расулуллоҳнинг бу гаплари Умар разияллоҳу анҳуга етиб боргандан сўнг, у киши ўзларидан содир бўлган ишга кўп надомат чекдилар. Сўнг, пайғамбаримизнинг олдиларига келиб салом бердилар-да, ул зотнинг рўпараларида ўлтириб бўлган воқеани айтиб бердилар. Жаноб Расулуллоҳ Ҳазрат Умардан ғазабландилар. Буни кўриб, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу: «Ё Расулаллоҳ, худо ҳақи, айб ўзимдан ўтган эрди»,— деб ёлвора бошладилар. Лекин, Расулуллоҳ: «Ҳали сизлар менинг дўстимдан (яъни, Абу Бакрдан) юз ўгирадирган бўлдингиз-ларми?! Эй одамлар, мен барчангизга: «Оллоҳнинг расулиман»,— деганимда, сизлар: «Ёлғон айтдинг!» — дегансизлар, Абу Бакр эрса: «Рост айтдингиз!» — деб биринчи дафъадаёқ мўмин бўлган»,— дедилар».

4- боб. Оллоҳ таолонинг «ҳиттатун» деган қавли ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ бундай деб айтдилар: «Бану Исроилга «Эшикдан сажда қилиб киришганлар ва бизнинг гуноҳимизни афв эт, деб айтишганлар, биз сизларнинг гуноҳларингизни афв этурмиз» дейилганда, улар Оллоҳ таоло тайинлаган сўзларни ўзгартириб, эшикдан орқалари бирлан судралиб киришди ва «хиттатун — гуноҳларимизни афв эт» дейиш ўрнига, «хиттатун — арпа бер» деб айтишди»

5- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, марҳаматли бўлингиз, яхши амалларга буюрингиз ва жоқиллардан юз ўгирингиз!»

«Ал-Урф» — «яхши амаллар» маъносида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Уяйна ибн Ҳисн Мадинага келиб, жияни Ҳур ибн Қайсининг уйига тушди. Ҳур ибн Қайс халифа Умар разияллоҳу анҳунинг яқин кишиларидан эрди, чунки Ҳазрат Умар қориларни яхши кўрар, уларни хоҳ ёш, хоҳ кекса булсин, доим мажлис ва машваратларига таклиф қилиб, суҳбат қурар эрдилар. Ҳур ибн Қайс ҳам қорилардан бири эрди. Уяйна ибн Ҳисн Ҳурга «Эй жиян, сенинг Ҳазрат Умар олдида ҳурматинг бор, ҳузурларига киришга ижозат олиб бергин!» — деди. Ҳур ибн Қайс «Мен сизга ижозат олиб бераман»,— деб ваъда қилди. Ҳур амакисига Ҳазрат Умардан ижозат сўради, ул киши киришга ижозат бердилар. Уяйна Ҳазрат Умар ҳузурларига киргандан сўнг «Эй Ибн ал-Хаттоб, сиз бизга катта-катта ҳадялар бермаяпсиз, бизга нисбатан адолат бирлан ҳукм қилмаяпсиз!»—деди. Ҳазрат Умар қаттиқ ғазабланиб, уни жазолашга қасд қилдилар. Ҳур ибн Қайс Ҳазрат Умарга «Эй мўминлар амири, Оллоҳ таоло ўз пайғамбарига «Марҳаматли бўлингиз, яхши амалларга буюрингиз ва жоқиллардан юз ўгирингиз!» — дегандур, Уяйна эрса, ана шундай жоқиллардан»,— деди. Худо ҳақи, Ҳур бу оятни тиловат қилганида Ҳазрат Умар Оллоҳ таолонинг қавлига бош эгиб, ўзларини босдилар. Ҳазрат Умар Оллоҳ таолонинг Китоби олдида таъзим этувчи киши эрдилар»

Абдуллоҳ ибн Зубайр «Оллоҳ таоло «Марҳаматли бўлингиз, яхши амалларга буюрингиз» деган оятини одамлар ахлоқи хусусида нозил қилди»,— дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Зубайр «Оллоҳ таоло ўз пайғамбарига инсоний фазилат (ахлоқ) бўлмиш кечиримлиликка одат қилмоқни амр қилди»,— дейдилар.

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ «АЛ-АНФОЛ» СУРАСИ.

«Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар, айтингизки, ўлжалар Оллоҳ ва унинг расулиникидур. Бас, Оллоҳдан кўркингизлар ва ўзаро сулҳ қилингизлар!».

Ибн Аббос «Ал-Анфол»— «ўлжалар» дегани»,— дейдилар.

Қатода «Рийҳукум»— «қувватингиз» маъносида»,— дейдилар («Ал-Анфол» — 1- оят, «рийҳукум» — 46- оят)

«Нофила»— «ўлжа» демакдур.

Саъид ибн Жубайр бундай дейдилар: «Мен Ибн Аббосдан «Анфол» сураси ҳақида сўрадим, у киши «Бу сура Бадра нозил бўлган»,— дедилар».

«Аш-Шавкат»— «тиғ» (тиғли қурол) маъносида (7- оят) «Мурдифийна» сўзи «кетмакет, гуруҳ-гуруҳ» маъносида, масалан «радафаний» ёки «ардафаний» дейилади, маъно-си — «мендан кейин келди» деганидур (9- оят) «Зукуу» — «жисман татиб кўрингизлар» дегани, «оғизда татиб кўрингизлар» дегани эрмас (14- оят) «Фа-йаркумаху» — «токи тўпласин» маъносида (37- оят) «Фа-шаррид»— «ажрат, қочир, кўрқит» деганидур (57- оят) «Ва ин жанаҳуу» — «ва агар улар мойил бўлсалар» демакдур (61- оят) «Йусхина» — «мағлуб этмоғи, кўп қон тўкмоғи» деганидур (67- оят).

Мужоҳид «Мукоан ва тасдийатан» (35- оят)— «қўлларини оғизларига тиқиб ҳуштак

чалишдан ва қарсак уришдан иборат бўлди» деган маънодадур»,— дейдилар.

«Ли-Йусбитуука» — «сени ҳибсга олмоқ учун» дегани (30- оят)

Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таолонинг даргоҳидаги махлуқларнинг энг ёмони кару гунглар бўлиб, улар ҳеч тушунмаслар» (22- оят).

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таолонинг даргоҳидаги махлуқларнинг энг ёмони кару гунглар бўлиб, улар ҳеч тушунмаслар» деган ояти карима Абдуддор қабиласига мансуб бир гуруҳ одамлар тўғрисида бўлиб, Оллоҳ таоло «Эй мўминлар, Оллоҳ таоло бирлан унинг расули сизларни ўзлари яроқли (муносиб) қилган нарсага даъват қилишса, қабул қилингизлар ва билиб қўйингизларки, Оллоҳ таоло банди бирлан унинг қалби ўртасида тўсиқ бўлур ва албатта сизлар унинг даргоҳига бориб тўпланурсизлар»,— дейди (24-оят) «Истажийбуу» — «жавоб қилингизлар, қабул қилингизлар» дегани, «лимо йухйикум» — «сизларни ўзлари яроқли (муносиб) қилган нарсага» деган маънодадур»

Абу Саъид ибн ал-Муъалло разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Намоз ўқиб турган эрдим, Жаноб Расулуллоҳ ёнимдан ўтиб кетаётиб мени чақирдилар. Мен намозимни тугатгунимга қадар олдиларига бормадим, кейин намозимни тугатиб бўлиб, қошларига борган эрдим, менга: «Чақирганимда ҳузуримга келмоғингга нима монелик қилди, ахир Оллоҳ таоло «Эй мўминлар, Оллоҳ таоло бирлан унинг расули сизларни.. даъват қилишса, қабул қилингизлар (жавоб берингизлар)!» — «деб айтган-ку?» — дедилар. Сўнг, яна : «Мен сенга масжиддан чиқмасимдан бурун Қуръондаги энг буюк сурани ўргатиб қўяман»,— дедилар-да, масжиддан чиқмоқчи бўлиб илгари юрдилар, шунда мен ул зотга ўзлари менга айтган гапларини эслатдим».

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бири ўшал энг буюк сура хусусида сўзлаб: «Бу етти оятдан иборат «Фотиҳа» сурасидур»,— дейдилар.

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Парвардигоро, агар бу (Қуръон) ҳақиқатан ҳам сенинг Китобинг бўлса, ул ҳолда бизга осмондан тош ёғдиргил ёки бошқа бирор дардли азоб юборгил!» (32- оят)

Ибн Уяйна бундай дейдилар: «Оллоҳ таоло Қуръонда «матар» деганда, фақат (ўзи осмондан нозил қиладирган) азобни назарда тутаяди, араблар буни «ғайс» дейишади. Масалан, Оллоҳ таоло. «Улар ноумид қилинган, (тепаларидан) ғайс (бало, азоб) юборадирган унинг (Оллоҳ таолонинг) ўзидур»,— дейди».

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Абу Жаҳл: «Парвардигоро, агар бу (Қуръон) ҳақиқатан ҳам сенинг Китобинг бўлса, ул ҳолда бизга осмондан тош ёғдиргил ёки бошқа бирор дардли азоб юборгил!»—деди. Шунда Оллоҳ таоло «(Эй Муҳаммад), сиз ораларида бўла туриб, Оллоҳ таоло ҳаргиз уларга азоб бермас ва Оллоҳ таоло улар истиғфор айтган ҳолда ҳаргиз уларга азоб бергувчи ҳам эрмас, Оллоҳ таоло қайси амаллари учун уларга азоб бермасин?! Ваҳоланки, улар ўзлари мутаваллиси бўлмасалар-да, мусулмонларнинг Ал-Масжид ул-Ҳаромга кириб ибодат қилмоқларига монелик қилурлар, унинг мутаваллилари бўлса, фақат такводор кишилардурлар, лекин уларнинг кўплари буни фаҳмламаслар» деган ояти каримасини нозил қилди (33— 34- оятлар).

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй Муҳаммад), сиз ораларида бўла туриб, Оллоҳ таоло ҳаргиз уларга азоб бермас ва Оллоҳ таоло улар истиғфор айтган ҳолда ҳаргиз уларга азоб бергувчи ҳам эрмас»

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Абу Жаҳл: «Парвардигоро, агар бу (Қуръон) ҳақиқатан ҳам сенинг Китобинг бўлса, ул ҳолда бизга осмондан тош ёғдиргил ёки бошқа бирор дардли азоб юборгил!» — деди. Шунда Оллоҳ таоло «(Эй Муҳаммад), сиз ораларида бўла туриб, Оллоҳ таоло ҳаргиз уларга азоб бермас ва Оллоҳ таоло улар истиғфор айтган ҳолда ҳаргиз уларга азоб бергувчи ҳам эрмас, Оллоҳ таоло қайси

амаллари учун уларга азоб бермасин? Ваҳоланки, улар... мусулмонларнинг Ал-Масжид ул-Ҳаромга кириб ибодат қилмоқларига монелик қилурлар...» деган ояти каримасини нозил қилди».

Оллоҳ таолонинг қавли: «Дунёда фасод қолмагунча ва дин буткул Оллоҳ таоло учун бўлмагунча уларга қарши уруш қилингизлар!» (39- оят)

Нофиъ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Бир киши Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг қошларига келиб: «Эй Абу Абдурахмон, Оллоҳ таоло ўз Китобида «Агар икки тоифа мўминлар урушсалар...» деб зикр қилганини эшитмаганмисиз, Оллоҳ таоло ўз Китобида зикр қилгани каби уруш қилмоғингизга нима монелик қилади?»—деди. Ибн Умар: «Эй жияним, бу оятнинг ҳукмига учиб уруш қилмайман, бу оятнинг ҳукмига учганимдан кўра, Оллоҳ таолонинг «Кимки бир мўминни қасддан ўлдирса...» деган оятига риоя қилганим афзал!»—дедилар. Бояги одам: «Ахир, Оллоҳ таоло «Фитна (фасод) қолмагунча уларга қарши уруш қилингизлар!» деб айтган-ку?!—деди. Ибн Умар: «Жаноб Расулуллоҳнинг замонларида шундай қилганмиз, у вақтда Ислоҳ ҳали заиф эрди, агар киши ўз дини хусусида фитна қилса, уни ё ўлдирар ёки қишанбанд қилишар эрди. Ҳозир эрса, Ислоҳ мустаҳкамланди, энди фитна содир бўлмайди»,— дедилар. Ибн Умарнинг ўз фикрларидан қайтмаётганларини кўрган бояги одам: «Али ва Усмон ҳақида фикрингиз қандай?»—деди. Ибн Умар: «Али ва Усмон хусусида нима ҳам дердим, сизлар афв қилмоқдан бош тортганларингизда Оллоҳ таоло Усмонни мағфират қилган эрди, Али хусусига келсак, у Жаноб Расулуллоҳнинг амакиларининг ўғли ва куёвларидур»,— дедилар-да, қўллари бирлан ишора қилиб: «Мана бу кўриб турганингиз уйлари бўлади»—деб айтдилар».

Саъид ибн Жубаир ривоят қиладилар «Ибн Умар ҳузуримизга чикдилар, шунда бир киши «Фитнага қарши уруш қилмоқ хусусида фикрингиз қандай?» —деб у кишидан сўради. Ибн Умар «Сен фитнанинг нима эрканлигини биласанми ўзи? Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларга қарши уруш қилган эрдилар, мушрикларга қўшилмоқликнинг узи фитнадур, ул зотнинг қилган урушлари сизларнинг мол-мулк учун қилган урушларингиз каби эмасдур!» — дедилар».

икки юз (кофирни) мағлуб қилурлар» деган ояти каримасини нозил қилди. Оллоҳ таоло уларнинг жиҳодга ҳозирлигини енгиллаштириш бирлан бирга сабр-тоқатини ҳам камайтирди, жиҳодга ҳозирлигини қанча енгиллаштирган бўлса, сабр-тоқатини ҳам шунчалик камайтирди (яъни, илгариги оятда бир мусулмон ўнта кофирни мағлуб этмоғи фарз қилинган булса, кейинги оятда Оллоҳ таоло бир мўминнинг икки кофирни мағлуб этмоғини фарз қилиб, мусулмонларга енгиллик туғдирди)»

3- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, сиз мўминларни жиҳодга қизиқтирингиз, агар сизлардан йигирмата сабрли мужоҳид бўлса, улар икки юз (кофирни) мағлуб қилурлар ва агар сизлардан юзта мужоҳид бўлса, улар кофирлардан минг кишини мағлуб қилурлар, чунки улар (кофирлар) бефаҳм қавмдурлар» (65- оят)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Оллоҳ таолонинг «агар сизлардан йигирмата сабрли мужоҳид (жиҳод қилувчи) булса, улар икки юз (кофирни) мағлуб қилурлар» деган ояти каримаси нозил бўлганда бир мусулмоннинг ўн кофирга бас келмоғи тақдир қилинди. Суфён «йигирмата (сабрли) мужоҳид бўлса, улар икки юз (кофирни) мағлуб қилурлар» деган оят нозил бўлди, кейин «Энди Оллоҳ таоло сизларга енгиллик туғдирди» деган ояти карима (66- оят) нозил булиб, юз мусулмоннинг икки юз кофирни мағлуб этмоғи тақдир қилинди» — деб кўп марта айтар эрдилар. Суфён «мўминларни жиҳодга қизиқтирингиз, агар сизлардан иигирмата сабрли мужоҳид бўлса» деган ояти карима нозил булди» — деб ҳам кўп такрорлар эрдилар. Суфён ва Ибн Шубрума «мўминларни жиҳодга қизиқтирингиз» деган қавл хусусида сўзлаб «Шу каби амри маъруф ва наҳий мункар қилмоқлигимиз лозим, деб ҳисоблайман»,— дейишади.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Энди Оллоҳ таоло сизларга енгиллик туғдирди ва билдики,

сизларда заифлик бордур...»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «агар сизлардан йигирмата сабрли мужоҳид бўлса, улар икки юз (кофирни) мағлуб қилурлар» деган ояти карима нозил қилиниб, бир мусулмоннинг ўнта кофирдан қочмаслиги фарз қилинганда, мусулмонлар (тушунмай) «Бу оғир,вазифа» деб норози бўлдилар, шунда Оллоҳ таоло «Энди Оллоҳ таоло сизларга енгиллик туғдирди ва билдики, сизларда заифлик бордур, агар сизлардан юзта (сабрли) мужоҳид бўлса, улар

«БАРОАТ» СУРАСИ

«Валийжатан» (16- оят) — «бир нарсанинг ичига киритилган ҳар қандай нарса (яъни, махфий тутилган нарса), «аш-шукқату» (42-оят) — «сафар», ал-хабол» (47-оят)—«фасод» («ўлим» деган маъноси ҳам бор), «ва ло тафтинний» — «мени ҳақорат қилма, мени уришма, менга таҳдид қилма» (49- оят), «карҳан» ва «курҳан» бир маънода булиб, «нохуш, истамай» (53-оят) деганидур. «Мудаххалан» (57-оят) — «бош суқадирган, беркинадирган жойни», «йажмаҳууна» (57- оят) — «югуришиб кетадилар», «ал-муътафикот» (70- оят) — «чаппа қилинган, остин-устин қилинган (шаҳарлар)», «адн» (72- оят)— «абადий, ҳамиша турадирган», «ал-хаволиф» (87- оят) — «хонанишин, уйда ўлтирадиган хотинлар», «ал-хайроту» (88- оят) — «яхшилиқлар, афзаллиқлар», «муржавна» (105-оят)—«орқага сурилдилар, кечиктирилдилар», «шафо» (108-оят)— «қирғоқ, лаб», «журуф» (108-оят)—«арик, сой», «ҳор» (108-оят)—«ўпирилган» «лаввоҳун» (114-оят) — «ачинувчи, раҳмдил» деган маънодадир. Агар қудук бузилиб кетса, «қудук ўпирилиб кетди» дейилади»

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ таоло ва унинг расули тарафидан сизлар ила шартнома тузган мушрик қабилаларга нафрат эълон қилинур!» (1- оят)

«Азонун» (2- оят) — «эълон» демақдур.

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Узунун» (61- оят) — «рост сўзлайди» маъносида, «тутаҳхируҳум ва тузаккийҳим биҳо» (103-оят) ҳар иккаласи бир маънода бўлиб, «пок қилурсиз» деганидур. Закот — тоат ва ихлосдур, чунки закот бермасалар, Оллоҳ таолодан бўлак тангри йўқлигига шаҳодат келтирмаган бўладилар «Йузоҳиууна» — «ўхшайдилар» (30-оят)»

Барро разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Энг кейин нозил бўлган оят — «Сендан фатво сўрайдилар, сен уларга: «Оллоҳ таоло сизларга кимсасиз қолганлар хусусида фатво берур» — деб айтгил» деган оятдур ва энг кейин нозил бўлган сура — «Бароат» сурасидур».

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Энди, эй мушриклар, бу мамлакатда тўрт ой юриб олинглар ва билингларики, сизлар Оллоҳ таолони ожиз (заиф) қилолмассизлар, Оллоҳ таоло кофирларни албатта расво қилгувчи зотдур!» (2- оят)

«Сийҳуу» — «юринглари» деганидур.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу мени («Ҳажжат ул-Видоъ» дан олдинги) ўша ҳаж вақтида икки жарчига бош қилиб жўнатдилар. Улар Наҳр куни Минода туриб «Келаси йили мушрик ҳаж қилмайди, яланғоч одам Байтуллоҳни тавоф этмайди» деб овоза қилмоқлари лозим эрди».

Ҳумайд ибн Абдурраҳмон бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Яъло ибн Абу Толибни уловларига мингаштириб олдилар-да, унга «Бароат» сурасини эълон қилмоқни амр қилдилар».

Абу Ҳурайра: «Наҳр куни Ҳазрат Али ҳам биз бирлан биргаликда Мино аҳлига «Бароат» сурасини эълон қилиб, «Келаси йили мушрик ҳаж қилмайди, яланғоч одам Байтуллоҳни тавоф этмайди» деб жар солдилар»,— дейдилар.

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва (бу оятлар) буюк ҳаж кунида Оллоҳ таоло бирлан унинг расули тарафидан одамларга (қилинган) эълондурки, Оллоҳ таоло ва унинг расули мушриклардан безордур (нафратланур), бас агар сизлар тавба қилсангизлар, бу ўзингизга яхшидур ва агар бош тортсангизлар, билингизларки, сизлар Оллоҳ таолони ожиз (заиф) қилолмассизлар, (эй Мухаммад), кофирларга дардли азоб борлигидан дарак берингиз!» (3- оят)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу мени ўша ҳаж вақтида икки жарчига қўшиб жўнатдилар. Улар Наҳр куни Минода туриб «Келаси йили мушрик ҳаж қилмайди ва яланғоч одам Байтуллоҳни тавоф этмайди» деб овоза қилмоқлари лозим эрди».

Хумайд ибн Абдурраҳмон бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ Яъло ибн Абу Толибни уловларига мингаштириб олдилар-да, унга «Бароат» сурасини эълон қилмоқни амр қилдилар».

Абу Хурайра: «Наҳр куни Ҳазрат Али ҳам биз бирлан биргаликда Мино аҳлига «Бароат» сурасини эълон қилиб, «Келаси йили мушрик ҳаж қилмайди ва яланғоч одам Байтуллоҳни тавоф этмайди» деб жар солдилар»,— дейдилар.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Мушриклардан сизлар бирлан шартнома тузганларнинггина (муҳлатларини поёнига етказингиз)» (3- оят)

Хумайд ибн Абдурраҳмон бундай дейдилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу Ҳажжат ул-Видоъдан илгариги ҳаж вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Келаси йили мушрик ҳаж қилмайди ва яланғоч одам Байтуллоҳни тавоф этмайди» деб одамларга эълон қилмоқни амр қилган кишиларга Абу Хурайрани ҳам қўшиб жўнатдилар».

4-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Қасамларига вафо қилмаган куфр раҳнамоларига қарши уруш қилингизлар!» (12- оят)

Зайд ибн Ваҳб ривоят қиладилар: «Биз Ҳузайфанинг хузурларида эрдик. Шунда ул киши: «Бу оят асҳобларидан фақат уч киши, мунофиқлардан эрса, фақат тўрт киши қолди, холос»,— дедилар. Бир бадавий: «Сизлар Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бизларга хабар бергувчи асҳобларисизлар, уйларимизни вайрон қилувчи ва қимматбаҳо мол-дунёмиздан ўғирловчи анавиларнинг оқибати не бўлғай, билмагаймиз»,— деди. Ҳузайфа: «Улар фосиқдурлар, ҳа, тўғри, улардан фақат тўрттасигина қолди, холос. Улардан бири кексайиб қолган бўлиб, агар совуқ сув ичса, ўша захотиёқ қайт қилади»,— дедилар».

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Олтин ва кумуш тўплаб, уни Оллоҳ таоло йўлида сарф қилмайдирганларга дардли азоб борлигидан дарак берингиз!» (34- оят)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни қайси бирингизнингдир тўплаган бойлигингиз боши силлиқ илонга айланади»,— дедилар».

Зайд ибн Ваҳб ривоят қиладилар: «Мен Абу Заррнинг ёнидан ўтиб кетаётиб, унга: «Бу ерга қўнганингизнинг боиси недур?» — дедим. Абу Зарр: «Шомга борган эрдик»,— деди. Мен «Олтин ва кумуш тўплаб, уни Оллоҳ таоло йўлида сарф қилмайдирганларга дардли азоб борлигидан дарак берингиз!» деган оятни тиловат қилдим. Муовия: «Бу оят бизнинг хусусимизда эрмас, китоб аҳллари тўғрисидадур»,— деди. Мен «Бу оят бизнинг ҳамда уларнинг ҳақидадур»,— дедим».

6- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ул куни тўплаган бойликлари жаҳаннам ўтида қиздирилиб, пешоналари, икки биқинлари ҳамда орқаларига босилади ва «Ўзларингиз учун ғамлаган бойлигингиз мана шу-дир! Энди, ғамлаган бойлигингизнинг мазасини бир тотиб кўрингиз-чи!» дейилади» (35- оят)

Холид ибн Аслам бундай дейдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар кошимизга чиқиб: «Бу

(яъни, юқоридаги) оят закот ҳақида оят нозил бўлмасидан илгариги оятдур, закот ҳақидаги оят нозил қилинган, Оллоҳ таоло закотни мол-дунёни ҳалолловчи (покловчи) восита қилди»,— дедилар».

7- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳақиқатан ҳам ойларнинг сони Оллоҳ таоло қошида ўн икки ойдур, Оллоҳ таоло Китобида, осмонлар бирлан ерни яратган кундан эътиборан, улардан тўрттаси муқаддас ойлардур» (36- оят)

«Ал-Қаййиму» (36- оят) — «тўғри, ҳақиқий» деган маънода.

Абу Бакра бундай дейдилар: «Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам: «Замон осмонлар бирлан ер яратилган кундагидек (бир маромда) алмашиниб (айланиб) турибди. Ўн икки ойдан иборатдур, улардан тўрттаси муқаддас бўлиб, учтаси кетма-кет келади, булар — зулқайда, зулҳижжа ва муҳаррам ойларидур, биттаси, яъни ражаб ои жумодий бирлан шаъбон ойлари оралиғида»,— дедилар».

8- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «... улар иккаласи ғорда эрканликларида, ул йўлдошига: «Хафа бўлма, Оллоҳ таоло биз бирландур!» — деб айтганида...» (40- оят)

Абу Бакр разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Биз, яъни Жаноб Расулulloҳ ва мен иккаламиз ғорда (мушриклардан қочиб беркиниб олган) эрдик, мен мушрикларнинг изларини кўриб: «Ё Расулalloҳ, агар улардан бирортаси (ғорга) қадам қўйганида, бизни кўриб қолган бўлур эрди!»— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «(Бу ерда) иккимиз ёлғиз, деб хаёл қилдингми, учинчимиз Оллоҳ таолонинг ўзидур!» — дедилар».

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Ибн Аббос бирлан Абдуллоҳ ибн Зубайр ўрталарида келишмовчилик юз берганда, Ибн Аббос Абдуллоҳ ибн Зубайр хусусида: «Унинг отаси Зубайр ибн Аввом, онаси Асмо бинти Абу Бакр, холаси Оиша разияллоҳу анҳо, бувиси эрса Сафийядур» — деб айтдим»,— дейдилар».

Ровий Абдуллоҳ ибн Муҳаммад бундай дейдилар: «Мен Суфъндан мазкур ҳадиснинг иснодини сўраганимда, ул киши: «Ибн Журайж бизга ҳадис ривоят қилди, шу аснода бир одам Ибн Журайжнинг хаёлини бўлди, натижада у ҳадиснинг иснодини айтишни унутди»,— деди» (Мазкур ҳадиснинг маъноси мужмалроқ бўлиб, Ибн Аббоснинг Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳақидаги таърифлари билангина кифояланади. Аслида воқеа мана бундай бўлган эрди: халифа Муовия вафот этгандан сўнг, унинг ўрнига ўғли Язид ибн Муовия ўлтирди. Аммо, Абдуллоҳ ибн Зубайр унга байъат қилмади. Язид ибн Муовия ўлгандан кейин эрса, Абдуллоҳ ибн Зубайр ўзини халифа деб эълон қилди. Ҳижоз, Миср, Ироқ, Хуросон ва Шом аҳолисининг кўпчилиги унга байъат қилди. Бу вақтда Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб ва Абдуллоҳ ибн Аббос Имом Ҳусайн вафотларидан буён Маккада яшашар эрди. Абдуллоҳ ибн Зубайр уларнинг иккаларини ҳам ўзига байъат қилмоққа даъват қилди. Лекин, Ибн Аббос ва Ибн Али: «Биз, токи бутун аҳоли бирлашиб, ягона халифалик барпо қилинмас эркан, бирор халифага байъат қилмасмиз!» — деб бундан бош тортишди. Шунда кўпгина кишилар уларнинг бу фикрига қўшилишди. Бундан ғабланган Ибн Зубайр уларни ҳибсга олди. Бунинг хабари Куфани ишғол қилиб, ул ердаги ҳокимиятни ўз қўлига олган Мухтор ибн Абу Убайдга етгач, у Ибн Зубайрга қарши қўшин тортиб бориб, Ибн Аббос бирлан Муҳаммад ибн Алини озод қилди, сўнг Ибн Зубайрга қарши уруш қилишга улардан изн сўради. Аммо, улар бунга розилик беришмади. Худди ана шу вақтда Ибн Аббос Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг насабини таърифлаб, унга қарши уруш қилмоқнинг гуноҳ эрканлигини айтган эрдилар).

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Ибн Аббос бирлан Ибн Зубайр ораларида келишмовчилик юз берган эрди. Шунда мен Ибн Аббоснинг ҳузурларига бориб «Ибн Зубайрга қарши уруш қилмоқчимисиз? Оллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилмоқчимисиз?» — дедим. Ибн Аббос бундай дедилар: «Худо сақласин! Оллоҳ таоло ҳаром қилинган нарсани ҳалол қилмоқликни Ибн Зубайр бирлан Бану Умайяга тақдир

қилган. Оллоҳ таолога қасамёд қилурманки, мен парвардигор ҳаром қилган нарсани ҳеч қачон ҳалол қилмасман. Одамлар менга «Ибн Зубайрга байъат қилингиз» — дейишди. Шунда мен «Ибн Зубайр халифаликка муносиб киши. Унинг отаси Зубайр ибн Аввом Жаноб Расулуллоҳнинг доимий дастёрлари бўлган, онаси Асмо — «Зотун-нитоқ» (яъни, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳижрат қилмоқлари учун ҳозирланган йўл жиҳозлари бирлан егуликлар солинган қопнинг оғзини боғлашга нарса топилмаганда, Асмо белбоғларини узиб, унинг оғзини боғлаганлар. Шунда Жаноб Расулуллоҳ Асмони «Зотун-нитоқ» — «Камарбаста, камар-банд» деб атаганлар), холаси — мўминларнинг онаси Оиша, аммаси — пайғамбаримизнинг хотинлари Хадича, бувиси эрса пайғамбаримизнинг аммалари бўлмиш Сафийядур» — дейдим. Ибн Зубайрнинг ўзи хусусига келсак, у исломда собитқадам ва Куръон қорисидур. Бану Умайя ҳақида сўзлрйдирган бўлсак, улар қариндош бўлгани учунгина мен бирлан борди-келди қилурлар. Мени Бану Умайя тарбия қилган бўлса ҳам, уларнинг саховатли, фазилатли кишилари тарбия қилган. Ибн Зубайр эрса Бану Тавит, Бану Усома ва Бану Ҳумайд қабилаларини Бану Умайядан устун қўйди, натижада Абдулмалик ибн Марвон ғолибона юриш қилиб, Ибн Зубайр думини хода қилиб қочди».

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Биз Ибн Аббоснинг ҳузурларига кирдик. Шунда Ибн Аббос бундай дедилар: «Ибн Зубайрнинг қилаётган ишини кўрмайсизларми? Мен Ибн Зубайрни йўлга солиш учун жон-жаҳдим бирлан курашдим, Абу Бакр ва Умар халифалик қилишганда бул қадар жон кўйдирмаган эрдим, чунки улар Ибн Зубайрга нисбатан барча яхши хислатларга бойроқ, кишилар эрдилар. Мен ўзимга-ўзим «Ибн Зубайр пайғамбаримизнинг аммаваччалари, Зубайр ибн Аввомнинг ўғиллари, Абу Бакрнинг ҳам (набира) ўғиллари, Хадичанинг жиянлари, Оишанинг ҳам жиянлари-ку! Демак, Ибн Зубайр мени менсимаётир, мени ўзининг хос одамларидан қилишни истамаётир. У мени ўзидан узоқлатиб, яхши иш қилмади. Агар Бану Умайя менинг ғамимни ейдирган бўлса, емай қўя қолсин, менинг ғамимни улардан кўра, бошқалар егани маъқулроқдур!» — дедим».

9- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва кўнгилларини олмоқ зарур бўлган кишиларга...» (60- оят)

Мужоҳид «туҳфа (инъом) лар бирла кўнгиллари олинади»,—дейдилар.

Абу Саъид разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир нарса юборишди, ул зот уни тўрт кишига тақсимлаб бердилар-да «Мен уларнинг кўнглини оламан»,— дедилар. Шунда бир киши «Адолат қилмадингиз!»—деди. Жаноб Расулуллоҳ «Мана шу одамнинг пуштикамаридан диндан ўқ янглиғ отилиб чиқиб кетувчи қавм дунёга келади!»—дедилар»

10-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ўз ихтиёрлари бирлан садақа бергувчи мусулмонларни айб қилгувчилар...»(79- оят)

«Йалмизууна» — «айб қилурлар», «жухдухум» — «кучлари» деганидур (79- оят).

Абу Масъуд бундай дейдилар: «Садақа қилмоғимиз амр қилинганда, биз ҳаммоллик (қилиб топган пулимиздан садақа) қилур эрдик. Абу Уқайл ярим соъ, бошқа бир киши ундан кўпроқ садақа қилди. Шунда мунофиқлар «Оллоҳ таоло бойдур, у манави бирлан анавининг қилган садақасига зор эрмасдур, буларнинг қилган иши риёкорликдан бошқа нарса эрмас!» — дейишди. Шундан сўнг, Оллоҳ таоло «Ўз ихтиёрлари бирлан садақа бергувчи мусулмонларни айб қилгувчилар ҳамда ўз кучидан бўлак нарсага эга бўлмаганларни» деган ояти каримани нозил қилди».

Абу Масъуд ал-Ансорий бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ садақа қилмоғимизни амр қилур эрдилар. Баъзи биримиз бир муддгача садақа қилмоққа муваффақ бўлур эрдик. Бугун эрса, айримларимизда юз минг пул бўлиб, гўе ўзини кўрсатмоқчи бўлади»

11- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Сиз улар учун хоҳ мағфират талаб қилинг ва хоҳ талаб қилманг, (барибир бефойда) ва агар сиз етмиш марта улар учун мағфират талаб қилсангиз ҳам, Оллоҳ таоло сира уларни мағфират қилмагай...» (80- оят).

Абдуллоҳ Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, отасини кафанламоқ учун ул зотнинг кўйлақларини сўради. Жаноб Расулуллоҳ унга кўйлақларини бердилар. Кейин, Абдуллоҳнинг ўғли ул зотдан отасига жаноза ўқимоқларини илтимос қилди. Жаноб Расулуллоҳ жанозага бормоқчи бўлиб ўринларидан турган эрдилар, Ҳазрат Умар ҳам туриб, ул зотнинг кийимларидан ушладилар-да: «Ё Расулаллоҳ, раббингиз унга жаноза ўқимоғингизни манъ қилган бўлса ҳам, унга жаноза ўқийсизми?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ. «Оллоҳ таоло менга танлаш ихтиёрини бериб, «Сиз улар учун хоҳ мағфират талаб қилинг ва хоҳ талаб қилманг, (барибир бефойда) ва агар сиз етмиш марта улар учун мағфират талаб қилсангиз ҳам, Оллоҳ таоло сира уларни мағфират қилмагай ..» деб айтгандур, мен етмиш мартадан ҳам оширгайман, чунки у мунофиқдур»,.— дедилар. Сўнг, ул зот Абдуллоҳ ибн Убайга жаноза ўқидилар Шунда, Оллоҳ таоло «Улардан (яъни, мунофиқлардан) бирортаси ўлса, ҳеч қачон унга жаноза ўқимангиз ва қабри тепасига бормангиз!» деган ояти каримасини (84- оят) нозил қилди».

Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул вафот этганда, Жаноб Расулуллоҳни унга жаноза ўқимоққа чақиришди. Ул зот жанозага ҳозирланганларида, мен. «Ё Расулаллоҳ, Абдуллоҳ ибн Убайга жаноза ўқийсизми, ахир у фалон куни шундай ва шундай гапларни айтиб эрди-ку?»—дедим. Жаноб Расулуллоҳ табассум қилдилар-да, сўнг кўп гапириб юборганимдан безор бўлиб: «Эй Умар, нарироқ тургил!» — дедилар. Кейин, яна: «Менга танлаш ихтиёри берилган, мен танладим. Агар унинг учун етмиш мартадан зиёд мағфират талаб қилсам, Оллоҳ таоло уни мағфират қилмоғини билганимда эрди, етмиш мартадан кўпроқ талаб қилган бўлур эрдим!»—деб айтдилар. Жаноб Расулуллоҳ унга жаноза ўқиб бўлиб, эндигина йўлга тушиб эрдилар ҳамки, «Бароат» сурасининг кўйидаги икки ояти нозил бўлиб қолди-«Улардан бирортаси ўлса, ҳеч қачон унга жаноза ўқимангиз ва қабри тепасига бормангиз. ..» («улар фосиқдурлар» деган қавлигача) Кейин, мен Жаноб Расулуллоҳга эътироз билдирмоққа журъат қилганимдан таажжубланиб юрдим. Оллоҳ таоло ва унинг Расули энг билгувчидур!».

12- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Улардан бирортаси ўлса, ҳеч қачон унга жаноза ўқимангиз ва қабри тепасига бормангиз...» (84- оят)

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Абдуллоҳ ибн Убай вафот қилганда, унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди, ул зот унга ўз кўйлақларини бериб, отасини шу бирлан кафанламоқни амр қилдилар. Кейин, Абдуллоҳ ибн Убайга жаноза ўқимоқчи бўлиб ўринларидан туриб эрдилар, Ҳазрат Умар кийимларидан ушлаб: «Ё Расулаллоҳ, у мунофиқ бўлса ҳам жаноза ўқийсизми, ахир Оллоҳ таоло улар учун мағфират талаб қилмоғингизни манъ қилган-ку!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло менга танлаш ихтиёрини берган (ёки хабар берган) ва «Сиз улар учун хоҳ мағфират талаб қилинг ва хоҳ талаб қилманг, (барибир фойдасиз) ва агар сиз улар учун етмиш марта мағфират талаб қилсангиз ҳам, Оллоҳ таоло уларни сира мағфират қилмагай» деб айтган. Мен унинг учун етмиш мартадан зиёд мағфират талаб қилгайман»,.— дедилар. Сўнг, ул зот Абдуллоҳ ибн Убайга жаноза ўқидилар, биз ҳам бирга ўқидик. Кейин, Оллоҳ таоло «Улардан бирортаси ўлса, ҳеч қачон унга жаноза ўқимангиз ва қабри тепасига ҳам бормангиз, чунки улар Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига кофир бўлдилар ва фосиқликларича ўлдилар» деган ояти каримасини нозил қилди».

13- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сизлар улардан юз ўғирмоқ бўлиб (ғазотдан)

улар томон қайтганингизда, энди улар ҳузурларингизда Оллоҳ таолога қасам ичурлар, улардан юз ўғирингизлар, чунки улар нопокдурлар ва уларнинг жойи жаҳаннамдурки, (бу) қилмишлари учун жозо бўлсин!» (95- оят)

Абдуллоҳ ибн Каъб Табук газотидан қолиб кетган Каъб ибн Моликнинг бундай деб айтганларини эшитган эрканлар: «Худо ҳақи, Оллоҳ таоло мени исломга ҳидоят қилгандан кейинги неъматларнинг энг улуғи Жаноб Расулуллоҳга бўлган садоқатимдур, агар ул зотга ўзгалар сингари ёлғон важ кўрсатганимда эрди. Оллоҳ таоло «Сизлар улардан юз ўғирмоқ бўлиб (ғазотдан) улар томон қайтганингизда, энди улар ҳузурларингизда Оллоҳ таолога қасам ичурлар, улардан юз ўғирингизлар, чунки улар нопокдурлар ва уларнинг жойи жаҳаннамдурки, (бу) қил-мишлари учун жазо бўлсин! (95- оят). Улар сизларни ўзларидан рози қилмоқ учун ҳузурларингизда қасам ичурлар, агар сизлар улардан рози бўлсангизлар ҳам, Оллоҳ таоло фосиқ қавмдан рози бўлмас! (96- оят)» деган оятларини ваҳий қилиб юборганда ёлғон сўзлаб ҳалок бўлганлар янглиғ ҳалок бўлмай эрдим».

14-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Улар сизларни ўзларидан рози қилмоқ учун ҳузурларингизда қасам ичурлар, агар сизлар улардан рози бўлсангизлар ҳам, Оллоҳ таоло фосиқ қавмдан рози бўлмас!» (96- оят). «Ва бошқа бир қанча кишилар бордурларки, улар ўз гуноҳларини эътироф қилдилар ва амали солиҳларини ҳамда бошқа ёмон ишларини омухта қилдилар, шоядки Оллоҳ таоло уларни мағфират қилса, дарҳақиқат Оллоҳ таоло мағфиратли меҳрибон зотдур! (102- оят)»

Сумра ибн Жундуб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бундай деб айтдилар «Бу кеча менинг ҳузуримга икки киши (икки фаришта) келиб, мени уйғотишди-да, олтин ва кумуш ғиштлардан бунёд этилган бир шаҳарга олиб боришди. У ерда бизга ярми сен кўриб юрган хушнамо одамлардан ҳам гўзалроқ ва ярми сен кўриб юрган баднамо одамлардан ҳам хунуқроқ кишилар дуч келди. Ҳамроҳларим уларга «Борингизлар, анави дарёга тушиб чўмилиб чиқингизлар!»— дейишди. Улар дарёда чўмилиб чиққач, қиёфаларидаги баднамолик йўқолиб, жуда гўзал сурат касб этишди. Ҳамроҳларим менга «Бу — Адн жаннатидур, анави эрса, сенинг жойингдур»,— дейишди. Сўнг «Аmmo ярми гўзал ва ярми баднамо қавм хусусига келсак, улар амали солиҳларини ҳамда бошқа ёмон ишларини омухта қилган кишилар бўлиб, Оллоҳ таоло уларни мағфират қилгандур» — деб айтишди».

15-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Пайғамбар ва бошқа мўминларнинг мушриклар учун мағфират талаб қилмоқлиги дуруст эмасдур...» (113- оят)

Саъид ибн Мусайяб оталаридан нақл қиладилар: «Ўлим тўшагида ётган Абу Толибнинг ҳузурини эрканлигимда Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кириб келдилар. Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ҳам шу ерда эрди. Пайғамбар алайҳиссалом «Эй амаки, «Ло илоҳа иллаллоҳ» деб калима келтирингиз, бу Оллоҳ таолонинг даргоҳида сиз учун мағфират талаб қилмоғим учун зарурдур! — дедилар. Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя эрса, Абу Толибга «Эй Абу Толиб, Абдулмутталиб миллатидан юз ўғирасизми?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ «Агар Оллоҳ таоло сиз учун мағфират талаб қилмоғимни рад этмаса, албатта сиз учун мағфират талаб қилгайман!» — дедилар. Шунда Оллоҳ; таоло «Пайғамбар ва бошқа мўминларнинг мушриклар учун, гарчи улар қариндошлари бўлса-да, дўзахий эрканликларини била туриб мағфират талаб қилмоқлари дуруст эмасдур» (113-оят) деб ваҳий нозил қилди.

16- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло пайғамбарга ҳамда

ул мухожиру ансорларга меҳрибонлик қилдики, улар ўзларига мансуб бир фирканинг қалблари бузилай деганда юз берган қийинчилик онларида пайғамбарга итоат этдилар, кейин Оллоҳ таоло уларга меҳрибонлик қилди, дарҳақиқат у уларга мушфиқ меҳрибондур!» (117- оят)

Абдуллоҳ ибн Каъб ривоят қиладилар: «Мен Каъб ибн Моликнинг «Ул кейинга қолдирилган уч кишига ҳам» деган оят хусусидаги ҳадисларини эшитдим. Ул киши ўз ҳадисларининг охирида «Ўзимнинг мағфират қилинганим учун Оллоҳ таоло ва унинг расули йўлида молимдан садақа қилмоғим лозим»,— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Баъзи молингни олиб қолгин, бу ўзинг учун яхшидур»,— дедилар».

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Оллоҳ таоло) ул кейинга қолдирилган уч кишига ҳам меҳрибонлик қилдики, уларга бунга қадар кенг ер юзи тор бўлган ва жонлари сиқилган эрди ва улар ўзларига Оллоҳ таолодан ўзга паноҳ йўқ, деб билган эрдилар, кейин Оллоҳ таоло улар тавба қилсинлар, деб уларга меҳрибонлик қилди, дарҳақиқат Оллоҳ таоло тавба қабул қилгувчи меҳрибон зотдур!» (118-оят)

Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Молик оталаридан нақл қиладилар: «Мен Оллоҳ таоло афв этган уч кишидан бири бўлмиш отам Каъб ибн Моликнинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлган ғазотларнинг, Табук ва Бадр ғазотларидан ташқари, бирортасидан қолмаганликларини эшитганман. Отам бундай деб эрдилар: «Мен тонг отгач, Жаноб Расулуллоҳга бор ҳақиқатни айтмоққа жазм қилдим. Ул зот, одатда, сафардан эрталаб қайтар ва дастлаб масжидга кириб икки ракъат намоз ўқир эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ одамларга мен ва икки шеригим (Ҳилол ва Мурора) билан гаплашмоқни манъ қилдилар, лекин биздан бўлак ғазотдан қолганлар билан сўзлашмоқни манъ қилмадилар. Одамлар биз билан гаплашмай қўйишди. Бу аҳвол узоқ давом этиб, мен ҳатто ўлмоғимни афзал кўрдим Лекин, агар ўлсам, Жаноб Расулуллоҳ менга жаноза ўқимайдилар ёки ўзлари вафот этиб қолсалар, мен ўшал ёлғон важ кўрсатганлар қаторида қолиб кетиб, бирор киши мен билан сўзлашмайди ҳам, ўлсам, жаноза ўқимайди ҳам, деб чўчидим. Ниҳоят, Оллоҳ таоло тунлардан бирининг охириги учдан бир қисми қолганда бизни афв этганлиги хусусида ўз расулига ваҳий нозил қилиб қолди, шунда ул зот Умму Саламининг ҳузурларида эрдилар. Умму Салама мен билан яхши муносабатда бўлиб, менга ёрдам қилиб турар эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Умму Салама, Каъб афв қилинди»,— дедилар. Умму Салама: «Унинг ҳузурига одам юбориб, хушхабардан воқиф қилайинми?»—дедилар, Жаноб Расулуллоҳ: «Агар одамлар сизларни безовта қилиб, кечанинг қолган қисмидаги уйқуни бузмоғини истасангизлар, майли»,— дедилар. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ бомдод намозини ўқиб бўлгач, Оллоҳ таолонинг бизни афв этганини намозхон-ларга эълон қилдилар. Одатда, ул зот башорат қилсалар. юзлари ой парчасидек кизариб, товланиб кетар эрди. Жаноб Расулуллоҳ қошларида кечирим сўраганларнинг узрини қабул қилиб, биз ғазотдан қолган уч кишига нисбатан ҳукм чиқармоқни Оллоҳ таолонинг ўзига ҳавола қилдилар. Оллоҳ таоло биз уч кишининг тавбасини қабул қилганлиги ҳақида ваҳий нозил қилиб ҳамда ғазотдан қолган бошқа кишилар-нинг ёлғон важ кўрсатиб, Жаноб Расулуллоҳни алдаганини зикр қилганда ул зот шул ҳақда гапирдилар ва бизнинг афв этилганимизни башорат қилдилар, аммо бирор киши бу ҳақда лом-мим демади. Оллоҳ таоло субҳонаху бундай деди: «Улар сизларнинг қошларингизда узр айтурлар, уларнинг олдига (ғазотдан) қайтганингизда «Узр сўрамангизлар, биз ҳаргиз сизларга ишонмагаймиз, Оллоҳ таоло бизга сизлар ҳақингизда маълум қилгандур, Оллоҳ таоло билан унинг расули сизларнинг амалларингизни кўргай ва кейин сизлар ғоибий ва ошкор нарсаларни билгувчи зотнинг даргоҳига қайтарилгайсизлар, бас ул сизларга қилиб турган ишларингизни маълум қилгай» деб айтингиз!» (94-оят)».

17-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, Оллоҳ таолодан кўрқингизлар ва ростгўйлар билан бўлингизлар!» (119- оят)

Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Молик ривоят қиладилар: «Мен Каъб ибн Моликнинг Табук

ғазотидан қолган кезларида бундай деб айтганларини эшитдим: «Худо ҳақи, мен Оллоҳ таоло бирор кишини ростгўйлиги учун балога гирифтор қилганини билмайман, Жаноб Расулуллоҳга шул ҳақда айтганимдан буён ҳозирги кунга қадар ёлғон гапирмоққа қасд қилмаганим Оллоҳ таолонинг мени балога гирифтор қилганидан афзалдур! Оллоҳ таоло ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло пайғамбарга ҳамда ул муҳожиру ансорларга меҳрибонлик қилдики...» («ростгўйлар бирлан бўлингизлар» деган қавлигача, 117,118,119- оятлар) деган ояти каримасини нозил қилди».

18- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй инсонлар, сизларга ўзларингиздан бўлмиш пайғамбар келди, сизлар тортган кулфат унга оғирдур, у сизларга ниҳоятда яхшилиқни раво кўргувчи бўлиб, мўъминларга мушфиқ меҳрибондур» (128- оят)

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий келганда ёзиб олувчилардан бири бўлмиш Зайд ибн Собит ал-Ансорий разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу Ямома аҳли қилган қотиллик сабабидан менга одам юборганларида ҳузурларида Ҳазрат Умар ўлтирган эрдилар. Абу Бакр менга: «Ҳазрат Умар ҳузуримга келиб: «Ямома қотиллиги содир бўлган куни Қуръон қориларининг бир қанчаси ўлдирилди, агар қорилар шул тариқа қирилиб кетаверса, Қуръоннинг кўп қисми унутилиб кетмаса эрди, деб кўрқаман. Шул боисдан Қуръон (сураларини) жамлаб китоб қилдирсангиз!» — деди. Мен: «Жаноб Расулуллоҳ қилмаган ишни мен қандай қилгум?» — дедим. Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таоло ҳақи, бу хайрли ишдур!» — деб мендан қайта-қайта илтимос қилавердики, ҳатто Оллоҳ таоло Умарнинг қалбини мойил қилган ишга менинг қалбимни ҳам мойил қилиб қўйди ва мен Умарнинг фикрига қўшилдим. (Эй Зайд), сен ақлли йигитсан, шул вақтга қадар бирор айб қилганингни билмаймиз, сен Жаноб Расулуллоҳга келган ваҳийларни ёзиб олур эрдинг, энди Қуръон (сураларини қорилардан) суриштириб топиб, жамлагил!» — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло ҳақи, менга Қуръонни жамламоқдан кўра бирор тоғни турган еридан бошқа жойга кўчириб қўймоқни буюрсангиз, осонроқ бўлур эрди, ахир Жаноб Расулуллоҳ қилмаган ишни сизлар қандай қилиб уйдалагайсизлар?!» — дедим. Абу Бакр Сиддиқ: «Оллоҳ таоло ҳақи, бу хайрли ишдур!» — дея илтимос қилмоқларини қўймадилар, ҳатто Оллоҳ таоло Абу Бакр Сиддиқ бирлан Ҳазрат Умарнинг қалбларини мойил қилган ишга менинг ҳам қалбимни мойил қилиб қўйди ва мен Ҳазрат Умарнинг фикрларига қўшилиб, Қуръоннинг хурмо япроқларига, тери парчаларига, сопол ва ясси тошларга битилган ҳамда қорилар зехнида сақланган оят ва сураларини суриштириб топиб, жамлашга киришдим. «Тавба» сурасининг «Эй инсонлар, сизларга ўзларингиздан бўлмиш пайғамбар келди, сизлар тортган кулфат унга оғирдур, у сизларга ниҳоятда яхшилиқни раво кўргувчи бўлиб» деган ояти бирлан ундан кейинги оятни Хузаймадан топдим, уларни ўзгалардан топмаган эрдим. Қуръон жамланган саҳифалар, аввал Абу Бакр Сиддиқнинг, ул киши вафот этганларидан сўнг, Ҳазрат Умарнинг, ул киши вафот этганларидан кейин, (Ҳазрат Умарнинг) қизлари Ҳафсининг қўлларида сақланди».

**БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ
«ЮНУС» СУРАСИ**

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Фа-хталата» (24- оят) — «хар турли (гиёҳлар) сув бирлан унди», «Қолуу «Итгаха-заллоҳу валадан, субҳонаҳу ҳувал-ғаниййу» (68- оят) — «Кофирлар «Оллоҳнинг боласи бордур»,— дейишди, ваҳоланки Оллоҳ таоло бойдур, унинг бунга ҳеч эҳтиёжи йўқдур» деган маънодадур»

Зайд ибн Аслам бундай дейдилар «Анна лаҳум қадама сидқин» (2- оят) дегани «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам» демақдур»

Муҷсоҳид бундай дейдилар: «Хайрун» (58- оят) деганда ўшал оятлар, яъни Қуръон ҳукмлари назарда тутилади «ҳатто изо кунтум фил-фулки ва жарайна биҳим (22-оят)

«хаттоки сизлар кемаларда бўлурсизлар ва юрур кемалар улар ила» деган жумладаги «улар ила» «сизлар ила» демакдур. «Даъвоҳум» (10-оят)—«дуолари», «ухийта бихим» (22-оят)—«халокат ёқасига яқин бордилар», «фа-атбаъаҳум» (90-оят)—«ва орқаларидан келди», «адван» (90- оят) — «душманлик қилмоқ бўлиб» деган маънодадур. «Ва лав йуъажжилуллоҳу лин-носиш-шаррас-тиъжолахум бил-хайри ла кузийа илайҳим ажалухум» (11-оят)—«Ва агар Оллоҳ таоло одамлар яхшилиқни шошиб (ошиқиб) талаб қилганлари каби уларга ёмонликни тездан юборса эрди, уларнинг ҳаётлари муддати тамом қилинур эрди» деган маънода бўлиб, агар инсон фарзандидан ёки бирор бошқа яқин кишисидан ғазабланганида «Парвардигоро, унга мурувват қилмагайсан, уни лаънатлагайсан!» деб қарғаса-ю, Оллоҳ таоло тездан ижобат қиладирган бўлса, ул ҳолда уларнинг ҳаётлари муддати тамом қилинган бўлур эрди. «Лиллазийна аҳсануул-хусно ва зийодатун» (26- оят) — «Яхшилиқ қилганлар учун яхшилиқ (яхши мақом) ва ҳам мағфират бордур» деган маънодадур.

Бошқа бир тафсирчи «Зийодатун» (26- оят) — «Оллоҳ таолонинг дийдорига боқмоқликдур»,— дейдилар.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва биз Бану Исроилни дарёдан ўтказдик, Фиръавн бирлаи унинг лашкарлари зулм ва душманлик қилмоқ учун уларнинг ортларидан келди ва ғарк бўла бошлаган вақтида: «Мен Бану Исроил иймон келтирган тангридан бўлак тангри йўқ, деб иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман»,— деди» (90- оят)

«Нунажжийка» (92- оят) — «Сени баланд ерга (тепаликка) чиқариб ташлагаймиз» деганидур.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яҳудийлар Ошуро рўзасини тутаётган вақтда Мадинага келдилар. Шунда улар «Бу кун Мусо алайҳиссалом Фиръавн устидан зафар топган кундур»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ саҳобаларига «Сизлар Мусо алайҳиссаломга улардан ҳам ҳақлироқдурсизлар, Ошуро рўзасини тутингизлар!»—дедилар»

«ХУД» АЛАЙҲИС-САЛОТ ВАС-САЛОМ СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Ибн Аббос «Асийбун» (77 оят) — «Оғир, қаттиқ», «Ло жарама» (22-оят)— «албатта» деган маънодадур»,— дейдилар.

Бошқа бир тафсирчи «Ва ҳоқа» (8- оят) — «Ва ўраб (қамраб) олур» деган маънодадур»—дейдилар.

Мужоҳид бундай дейдилар: «Фа-ло табтаис» (36-оят) — «Хафа бўлма», «Йаснууна судуурахум» (5- оят) — «Ҳақ хусусида шак ва бўҳтон қилмоқлик»дур. «Ли-йастахфуу минҳу» (5- оят) — «Оллоҳ таолодан яширинмоқ учун» деганидур»

Абу Майсара «Аввоҳун» (75- оят) ҳабашча сўз бўлиб, «раҳимдил» демакдур»,— дейдилар.

Ибн Аббос «Бодийар-раъйи» (27-оят)—«Бизга кўринган, бизга туюлган нарса»,— дейдилар.

Мужоҳид «Ал-Жуудиййу» (44-оят)— «(Ибн Умар) жазийрасидан, яъни шу ном билан аталувчи Суриядаги шаҳардан тахминан 40 км шимоли шарққа жойлашган тоғ»,— дейдилар.

Ҳасан: «Иннака ла-антал-ҳалийму» (87- оят) — «Албатта, сен сабр-тоқатлидурсан» дейиш билан Шуъайбни қавми масҳара қилди»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Ақлийй» (44-оят)—«тўхта», «асийбун» (77-оят)— «оғир, қаттиқ», «ло жарама» (22-оят) — «албатта», «Ва форат-таннууру» (40- оят) — «Сув отилиб чиқди» деган маънодадур»,— дейдилар.

Икрима: «А-ло иннаҳум йаснууна судуурахум ли-йастахфуу минҳу, а-ло ҳийна йастағшууна сийобаҳум йаъламу мо йусиррууна ва мо йуълинууна, иннаҳ алиймун бизотис-судуури» (5- оят) — «Огоҳ бўлинсин, улар Оллоҳ таолодан яширинмоқ бўлиб унинг

хусусида шак ва бўҳтон қилурлар, огоҳ бўлинсин, улар кийимлари бирлан бошларини ёпиб олганларида Оллоҳ таоло уларнинг махфий ва ошкора қилиб турган нарсаларини билиб турур, ул албатта диллар сирларини билгувчи зотдур» деган оят бутун ер юзи (аҳлига) қаратилгандур»,— дейдилар.

Бошқа бир тафсирчи: «Ва ҳоқа» (8-оят)—«Ва ўраб (қамраб) олур, (бошига) фалокат бўлиб тушур» деган маънода»,— дейдилар.

Мужоҳид «Фа-ло табтаис» (36- оят) — «Хафа бўлма», «Йаснууна судуурахум» (5- оят) — «Ҳақ хусусида шак ва бўҳтон қилмоқлик», «Ли-йастахфуу минху» (5-оят) — «(Агар кўлларида келса), Оллоҳ таолодан яширинмоқ учун» деганидур»,— дейдилар.

Муҳаммад ибн Убод ибн Жаъфар Ибн Аббоснинг «А-ло иннаҳум йаснууна судуурахум...» деб кироат қилаётганларини эшитиб, шу оят хусусида сўрабдилар. Ибн Аббос: «Одамлар ҳожатга боришса ҳам, хотинлари бирлан жимов қилишса ҳам уялишиб осмонга қарашар эрди, шунда ушбу оят ўшалар ҳақида нозил бўлган»,— дебдилар.

Бу ерда юкоридаги ҳадис такроран келтирилган.

Ҳазрат Умар бундай дейдилар: «Ибн Аббос «А-ло иннаҳум йаснууна судуурахум...» деб кироат қилди».

Бошқа бир ровий бундай дейдилар: «Йастағшууна» (5- оят) — «бошларини ёпадилар», «Сиъа биҳим» (77- оят) — «қавмидан хафа бўлди», «ва зоқа биҳим» (77- оят) — «улардан (хафа бўлиб) юраги сикилди», «би-қитъин минал-лайли» (81- оят) — «кечқурун», «унийбу» (88- оят) — «қай-турман» деган маънодадур».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Унинг Арши сув устида эрди» (7- оят)

Абу Ҳурайра разилллоҳу анху ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Оллоҳ азза ва жалла: «Нафақа қил (эҳсон қил), мен ҳам сенга нафақа қилгайман!»—дейди. Оллоҳ таолонинг қўли неъматларга тўла бўлиб, кеча-кундуз уни бандаларига инъом қилгани бирлан сира камаймагай. Кўрдингизми, Оллоҳ таоло осмон(лар) бирлан ерни яратгандан буён қўлидаги неъматларидан қанча инъом қилмасин, заррача камайгани йўқ! Унинг Арши сув устида эрди ва қўлида тарозу бўлиб, уни дам тушириб, дам кўтариб туради».

«Иътароқа» (53-оят)—«сенга зиён-заҳмат етказибди», «Охизун бино сийатиҳо» (56- оят)—«Биз унинг мулки бўлиб, тамоман унинг ҳукми остидамиз», «анийдун» (59- оят) — «жабр-зулм қилгувчи, саркаш», «истаъмаракум» (61-оят)— «сизларни жойлаштирди», «накирахум» (69- оят) — «улардан ётсиради, уларни тан олмади», «ҳамий-дун мажийдун» (73- оят) — «таъриф этилган улуғ зотдур», «сижжийл» (82-оят)—«сополтошлар» деган маънодадур. Тамим ибн Муқбил бундай деган

«Ҳамак ёрганлари янглиғ тухумларни увол айлаб, Урурлар қанча бўлса, тандаги бор кучларин тўплаб, Бу қадар куч бирла ҳеч ким отолмайди сополтошни, Паҳлавонлар учун бу бир муаммоли эрур матлаб». «Ва ила Мадъана аҳоҳум Шуъайбан» (84- оят) — «Ва биз биродарлари Шуъайбни Мадъан аҳлига юбордик», «вароакум зихриййан» (92-оят)—«унга эътибор бермадингизлар», «арозилуно» (27- оят) — «тубанларимиз, пастларимиз», «ижромий» (35-оят)—«гуноҳларим», «ал-фулк» (37-оят) — «кема», «мажроҳо» (41- оят) — «юриши, сузиши», «мурсоҳо» (41- оят) — «тўхташи» деган маънодадур

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва гувоҳлар: «Мана шулардурлар парвардигорлари хусусида ёлгон сўзлаганлар»,— деб айтурлар, эшитингизлар, Оллоҳ таолонинг лаънати золимларга бўлсин...» (18- оят)

«Ал-Ашҳоду» (18- оят) — «гувоҳлар», бирлиги — «шоҳид».

Сафвон ибн Муҳриз бундай дейдилар: «Ибн Умар тавоф қилиб турганларида бир киши келиб: «Эй Абу Абдурраҳмон (балким, «Эй Ибн Умар» деб айтгандур), Жаноб Расулulloҳнинг Оллоҳ таоло бирлан банда ўртасида бўладирган ўзаро (юзма-юз) суҳбат

хақида не деганларини эшитганмисиз?» — деб сўради. Ибн Умар: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг бундай деганларини эшитганман»,— дедилар: «Мўъмин банда ўз раббига шул қадар яқин боргайдурким, ҳатто ул орага пардасини ташлаб олгай-да, «Бундай ва бундай гуноҳ ишларингни эътироф қиласанми?»—деб бандасини ўз айбига иқроф қилдиргай. Банда: «Ё раббим, ҳа, мен эътироф қилурман!» — деб икки бор айтгай Оллоҳ таоло. «Мен сенинг ўшал гуноҳ ишингни ул дунёда яширган эрдим, энди бугун уни мағфират қилдим!»—дегай. Сўнг, ўшал банданинг амали солиҳлари саҳифаси варақлаб чиқилади. Аммо, қолганлар (ёки кофирлар) гувоҳлар томонидан «Мана шулардурлар парвардигорлари хусусида ёлғон сўзлаганлар» деб овоза қилинади».

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Парвардигорингизнинг жазоси мана шундайдур, агар у золимлик қилган мамлакатни жазоласа, жазоси ниҳоятда дардлидур» (102-оят)

«Ар-Рифдул-марфууду» (99-оят)—«қилинган ёрдам», «таркануу» (113-оят)—«мойил бўлдилар», «фа-лав-ло-кона» (116-оят)—«бас, нима учун бўлмади?», «утрифуу» (116-оят) — «айш-ишратга берилдилар» деган маънодадур.

Ибн Аббос: «Зафийрун ва шахийқун» (106-оят) — «қаттиқ ва паст овоз»,— дейдилар.

Абу Мусо разияллоҳу таоло анху ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло агар золимга жазо берса, унинг осонгина қутилиб кетишига йўл қўймай, албатта умрини узайтиради»,— дедилар, сўнг «Парвардигорингизнинг жазоси мана шундайдур, агар у золимлик қилган мамлакатни жазоласа, жазоси ниҳоятда дардлидур» деган ояти каримани кироят қилдилар».

4- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва (эй ҳабиб), адо қилинғиз намозни кундузнинг ҳар икки тарафида (яъни, эрта-ю кеч намози бомдод, пешин ва асрни) ва туннинг баъзи хиссаларида (яъни, туннинг дастлабки соатларида шом ва хуфтонни), албатта яхшилиқлар кеткизур ёмонликларни, бу сўз насихатдур насихат қабул қилгувчилар учун» (114- оят)

«Ва зулафан» (114-оят)— «(туннинг бошланғич) соатларида» деган маънода бўлиб, ҳожилар тўққизинчидан ўнинчига ўтар кечаси тунайдирган «Муздалифа» деган жой номи шундан олингандур.

Ибн Масъуд разияллоҳу таоло анху ривоят қиладилар: «Бир киши бир хотиндан қибланинг қайси томонда эрканлигини сўраётган эрди, шу пайт Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб қолдилар-да, унга қиблани кўрсатиб қўйдилар Шунда ул зотга «Ва (эй ҳабиб), адо қилинғиз намозни кундузнинг ҳар икки тарафида ва туннинг баъзи хиссаларида, албатта яхшилиқлар кеткизур ёмонликларни, бу сўз насихатдур насихат қабул қилувчилар учун» деган ояти карима нозил бўлди. Бояги киши: «Бу оят менинг хусусимдами?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Шу оятга амал қилган умматим учун»,— дедилар»

**«ЮСУФ» АЛАЙҲИС-САЛОТ ВАС-САЛОМ СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Муъжоҳид: «Муттакаан» (31- оят) — «Ал-Утружжу», яъни «лимон» дегани»,— дейдилар. Фузайл: «Ал-Утружжу» ҳабаш тилида «лимон» демақдур» — дейдилар. Ибн Уяйна: «Ал-Муттакаан — пичоқ бирлан кесилган ҳар қандай нарсадир»,— дейдилар. Ибн Аббос: «Туфаннидууни» (94-оят) — «Мени жоҳил деб биласизлар, мени нодон деб биласизлар» деган маънодадур»,— дейдилар. Бошқа бир муфассир бундай дейдилар: «Ғайоба» (15- оят) — «қаър», «Ал-Жубб» (15- оят) — «қудук», «би-муъминин лано» (17-

оят) — «бизга ишонмайсиз», «ашаддуху» (22-оят)— «камолига (етганда)», «асбу» (33-оят) — «мойил бўлурман», «азгосу ахломин» (44- оят) — «таъбирсиз, таъбири номаълум тушлар», «намий-ру» (65-оят)—«ғалла, озуқа келтирайлик», «ва наздоду кайла баъийрин» (65-оят) — «яна бир туя ғалла келтирурмиз», «ово илайҳи» (69- оят) — «ўз ёнига олди, ўз ёнидан жой берди» «ас-сиқойа» (70- оят) — «сувидиш», «истайъасуу» (80- оят) — «ноумид бўлдилар», «ва ло тайъасуу мин руҳил-лоҳи» (87-оят)—«ва ноумид бўлмангизлар Оллоҳ таолонинг раҳматидан», «халасуу нажиййан» (80-оят)— «алоҳида бир ерга боришиб маслаҳатлашиб ўлтиришди», «тафтаъу» (85- оят) — «ҳамиша (истайсан)» деган маънодадур». Қатода: «Ла-зу илмин» (68-оят) — «Илмига амал қилгувчи» деганидур,— дейдилар. Ибн Жубайр: «Сувоъ» (72-оят)— «форсларда қўлланилган ўлчов идиши бўлиб, ундан (сув ёки бошқа бирор ичимлик) ичишган», дейдилар.

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва бутун қилур ўз инъомини санга ва Яъқуб авлодига қам чуноники бутун қилиб эрди уни икки бобонг бўлмиш Иброҳим ва Исҳоқга» (6- оят)

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Саховатли саховатлининг ўғли, саховатлининг ўғли саховатлининг ўғли, Юсуфдур Яъқубнинг ўғли, у эрса Исҳоқнинг ўғли, у эрса Иброҳимнинг ўғли».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг биродарлари қиссаларида савол қилгувчилар учун ишора (аломат)лар бордур» (7- оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қандай одам кадрлироқ?»—деб сўрашди. Ул зот: «Одамларнинг Оллоҳ таолонинг даргоҳидаги энг кадрлиси — энг тақводоридур»,— дедилар. Улар: «Сиздан бу ҳақда сўраётганимиз йўқ»,— дейишди. Ул зот: «Одамларнинг энг саховатлиси (энг олижаноби) — (Иброҳим) халилуллоҳ ўғли (Исҳоқ) набиййуллоҳнинг фарзанди бўлмиш (Яъқуб) набиййуллоҳнинг ўғли Юсуф набиййуллоҳдур»,— дедилар. Улар яна: «Сиздан бу ҳақда ҳам сўраётганимиз йўқ»,— дейишди. Ул зот: «Мендан энг олижаноб хулкли араблар хусусида сўраётирсизларми?»—дедилар. Улар: «Ҳа»,— дейишди. Ул зот: «Агар билсангизлар, жоҳилият давридаги энг яхшиигиз — исломдаги энг яхшингиздур»,— дедилар».

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Яъқуб) деди: «Йўқ, балки бу дилларингизнинг сизлар учун зийнатлаб берган бир тадбиридур, энди сабр (қилмоғим) яхшироқдур» (18- оят)

«Саввалат» (18- оят) — «зийнатлаб» демақдур.

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ; Жаноб Расулуллоҳнинг завжалари Оиша онамиздан нақл қиладилар: «Тухматчилар Оиша онамиз хусусларида оғизларига келган гапларни айтиб, иғво қилганларида ул муҳтарама онамизни Оллоҳ таолонинг ўзи (оят нозил қилиб) оқлади. «Ўшанда,— дейдилар Оиша онамиз,— менинг ҳақимда ҳар ким турли гапларни айтди. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар покдомон бўлсанг, сени Оллоҳ таолонинг ўзи оқлайди, башарти гуноҳ қилган бўлсанг, Оллоҳ таолога истиғфор айтгил, унга тавба қилгил!» — дедилар. Мен: «Худо ҳақи, Абу Юсуф қиссасидаги «Энди сабр (қилмоғим) яхшироқдур, сизларнинг бу тухматларингиздан халос бўлмоғим учун Оллоҳ таолодангина мадад тиларман» деган гапдан бўлак ўзимга бирор таскин тополмайман»,— дедим. Кейин, Оллоҳ таоло «Сизлардан бир гуруҳ тухмат қилган кишилар...» деб бошланадирган ўнта оят нозил қилди».

Масруқ ривоят қиладилар: «Оиша онамизнинг волидаи муҳтарамалари Умму Румон

бундай дейдилар: «Бир маҳал мен ва Оиша бирга ўлтириб эрдик, Оишанинг аъзои баданини титроқ босди». Жаноб Расулуллоҳ: «Сиз унинг ҳақидаги гапларни айтиб берганингиз учун шундай бўлаётгандур?» — дедилар. Умму Румон: «Ҳа» — деб айтдилар. Оиша ўлтирди-да: «Мен бирлан сизлар Яъқуб бирлан унинг ўғилларига ўхшайсизлар»,— деди, сўнг «... йўқ, балки бу дилларингизнинг сизлар учун зийнатлаб берган бир тадбиридур, энди сабр (қилмоғим) яхшироқдур, сизларнинг бу тухматларингиздан холос бўлмоғим учун Оллоҳ таолодангина мадад тиларман» деган ояти каримани айтди».

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ўзига мойил қилмоқчи бўлди уни ўзидан беҳуд қилиб ул хотин, вақтики ул унинг уйида эрди ва ёпди эшикларни ва деди: «Яқин кел!» (23- оят)

Икрима: «Ҳайта лака» (23- оят) — ҳавронликлар тилида «Яқин кел!» деганидур»,— дейдилар (Ҳаврон Шомдаги бир мавзе). *Ибн Жубайр:* «Ҳайта лака»—«Бери кел!» демақдур»,— дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Қолат ҳайта лака» (23- оят)— «Деди: «Яқин кел!» деган жумлани биз билганимизча ўқиймиз»,— дейдилар. «Масвойа» (23-оят)—«масканим», «ва алфайо» (25- оят)— «топдилар» деган маънодадур.

Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: «Қурайш қабиласи исломга кирмай Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга саркашлик қилганларида, ул зот: «Ё парвардигоро, Юсуф алайҳиссалом қавмига етти йил қурғоқчилик юборганинг каби буларга ҳам етти йил қурғоқчилик юборгайсан!» — деб дуои бад қилдилар. Шунда Қурайш қурғоқчилик балосига гирифтор қилиниб, ҳамма нарса қуриб битди, ҳатто улар суякларни ҳам ейишди, киши осмонга тикилса, ўзи бирлан осмон оралиғи тутун бўлиб кўринадирган бўлиб қолди. Оллоҳ таоло «Осмон аниқ бир тутун келтирадирган кунни кутгил!», «Дарҳақиқат, биз бу азобни бир оз енгил қилурмиз, албатта сизлар яна қайтгувчидурсизлар» деб ваҳий нозил қилди. Қиёмат куни уларга бериладирган азоб енгил бўлармикан?! Мана, «Осмон аниқ бир тутун келтирадирган кун» ҳам, «каттик жазолаб (уриб) қасос олинадирган кун» ҳам бўлиб ўтди».

5- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Юсуфнинг) қошига элчи келганда, (Юсуф) унга: «Хожангнинг ҳузурига қайт, ундан сўрагилки, қўлларин кесган хотинларнинг ҳоллари нечук эркан, дарҳақиқат менинг раббим уларнинг макрларин яхши билур»,— деди. (Подшоҳ) хотинларга: «Юсуфни ўзидан беҳуд қилиб, ўз-ларингизга мойил қилмоқчи бўлган вақтингизда не аҳволда эрдингизлар?» — деди. (Хотинлар): «Худо покдур! Биз Юсуфнинг ёмонлигини билмадик»,— дейишди (50—51- оятлар)

«Ҳоша лиллоҳи» (51-оят)—«Худо покдур», «Ҳоша» — «поклик, софлик» деган маънодадур.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло Лут алайҳиссаломни раҳмат қилсин! Ул киши куч-қудратга таянар эрдилар. Агар мен Юсуф алайҳиссалом сингари зиндонга тушиб қолсам-у, олдимга биров юринг, деб чақириб келса, дарҳол кўнган бўлур эрдим. Биз Иброҳим алайҳиссаломдан кўра ҳақлироқмиз, чунки (Оллоҳ таоло): «Ёки ишонмадингизми?»— деганда, ул киши: «Ҳа, ишондим, лекин қалбим таскин топсин!»—деб айтганлар».

6- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Шунга қадарки, ноумид бўлдилар пайғамбарлар (110- оят)

Ибн Шиҳоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Урва ибн Зубайр Оиша онамизга «Шунга қадарки, ноумид бўлдилар пайғамбарлар» деган оятдаги сўз «жузибуу» деб ўқилгайми е

ёки «казибуу» деб ўқилгайми?»—деди. Оиша онамиз унга: «Казибуу» деб ўқилади»,— дедилар. Урва: «Пайғамбарлар ўз қавмларининг алдаганликларига амин бўлганлар, бу гумон эмас»,— деди. Оиша онамиз: «Ҳа, ҳаётим ҳақи, улар бунга амин бўлганлар!» — дедилар. Урва: «Улар гумон қилган бўлсалар-чи?»—деди. Оиша онамиз: «Оллоҳ ўз паноҳида асрасин, пайғамбарлар (ўз қавмларидан гумон қилганлар), парвардигорларидан эмас!» — дедилар. Урва: «Ундай бўлса, бу оятнинг мазмуни қандай?»—деди. Оиша онамиз: «Ул қавмлар парвардигорга иймон келтириб, пайғамбарларга ишониб эргашган кишилардур. Кейин, улар узок вақт балоларга гирифтор қилиниб, ҳадеганда уларга Оллоҳ таолодан нажот бўлмагач, пайғамбарлар: «Қавмимиз бизга ёлгон ваъда берган эркан-да, (шу боисдан Оллоҳдан нажот бўлмаётир)»—деб гумонсираганлар. Шунда Оллоҳ таолонинг нажоти (мадади) етиб келгандур»,— дедилар».

АР«-РАЪД» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Ка-босити каффайҳи» (14- оят) — «икки кафтин (ҳовучин) сувга узатган одам каби», яъни Оллоҳ таолодан бўлак маъбудга ибодат қилган мушрик бўлиб, у узокдан туриб сувга термулган чанқоқ кишига ўхшайди, ҳарчанд турган еридан сувга ҳовучин узатмасин, барибир ичолмайди».

Бошқа бир муфассир бундай дейдилар: «Саххара» (2- оят) — «ром қилди, бўйсундирди», «мутажовирот» (4- оят) — «бир-бирига яқин», «ал-масулот» (6- оят) — «азоб-укубатлар», «муъаққибот» (11- оят) — «Оллоҳ таоло тарафидин ҳар бир бандага ҳамроҳ қилиб қўйилган фаришталар бўлиб, улар уни кузатиб, ҳимоя қилиб ҳамда аъмолларини ёзиб юрурлар», «робийан» (17-оят)—«кўпикни», «ав ма-тоъин забадун мислуҳ» (17- оят) — «ёки (бирор маъданни) асбоб (ясамоқ учун ўтга қўйганда) ҳам сув кўпиги каби кўпик ҳосил бўлур», «жуфоан» (17- оят) — «қуриб (буғланиб кетар)», яъни агар қозондаги сув қайнайверса, охири қуриб кўпик қолади, кейин у ҳам фойдасиз ҳавога учиб кетиб, ҳеч вақо қолмайди, Оллоҳ таоло ҳақдан ботилни ана шу тариқа ажратиб (фарқлаб) олади. «Ал-Миҳод» (18- оят) — «жой», «йадрауна» (22- оят) — «даф қилурлар», «саломун алай-кум» (24- оят), яъни «Сизларга саломатлик бўлсин, дерлар», «ва илайҳи матобий» (30-оят) — «унгадур тавбам», «а фа-лам йайъас?» (31-оят)—«маълум, равшан бўлмадимиз», «қориъатун» (31-оят)—«балло», «фа-амлайту» (32-оят) — «узайтирдим, чўздим, яъни муҳлат бердим», «ашакку» (34- оят) — «қаттигроқ», «муъаққиб» (41- оят) — «кейинга сургувчи ўзгартиргувчи».

Мужоҳид бундай дейдилар: «Мутажовирот» (4- оят) — «(ерларнинг) яхшиси ҳам, ёмони ҳам (шўрхоки ҳам) ёнма-ён», «синвонун» (4-оят)—«илдизи бир бўлган икки ёки ундан ортиқ хурмо дарахти», «ва ғайру синвонин» (4- оят) — «илдизи бир бўлмаган хурмо дарахтлари бўлиб, илдизи бир бўлган хурмо дарахтлари каби бир хил сув ва бир хил ҳаводан озукаланурлар. Бу отаси бир бўлган солиҳ (яхши) ва ёмон одамзодга ўхшайди», «ас-саҳобас-сиқола» (12-оят) — «(бағрида суви бор) оғир булутларни», «ка-босити каффай-ҳи» (14- оят) — «тили бирлан узокдаги сувга тамшанади, кўлини унга чўзади, аммо сира ҳам ичолмайди», «фа-солат авдийатун би-қадариҳо» (17- оят) — «водийнинг бағри селга тўлди», «забадан робийан» (17-оят) — «сел кўпиги, темир кўпиги (куйиндиси) ва сут кўпиги».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ таоло ҳар бир хотин кўтариб юрган ва бачадонлар ўз ичига яширган нарсани яхши билур» (8- оят)

Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ғайбнинг бешта калити мавжуд бўлиб, уларни Оллоҳ таолонинг ўзигина билади. Эртага нима бўлишини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч кимса билмас, бачадонлар ўз ичига нимани яширганини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч кимса билмас, қачон

ёмғир (ёғин) ёғишини Оллоҳ таолодан бўлак бирор киши билмас, бирор кимса қаерда ўлишини билмас, қиёмат қачон қоим бўлишини Оллоҳ таолонинг ўзигина билур».

«ИБРОҲИМ» АЛАЙҲИС-САЛОТ ВАС-САЛОМ СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМИ

Муҷоҳид: «Садийд» (16- оят) — «йиринг суви» демакдур»,— дейдилар.

Ибн Уяйна: «Узкуруу ниъматаллоҳи алайкум» (6- оят) — «Оллоҳ таолонинг сизларга ато этилган неъматини эсда тутингизлар», яъни “Оллоҳ таолонинг сизларни қўллаб нажот берганини ҳамда Оллоҳ таолонинг сизларни душмандан қутқарган кунларини ёдингизда тутингизлар” деган маънодадир”, дейдилар.

Муҷоҳид бундай дейдилар: «Йабғуунаҳо иважан» (3- оят) — «уни тилган неъматини эсда тутингизлар», яъни «Оллоҳ таолонинг сизларни қўллаб нажот берганини ҳамда Оллоҳ таолонинг сизларни душмандан қутқарган кунларини ёдингизда тутингизлар» деган маънодадир»,— дейдилар (Оллоҳ таолонинг тўғри йўлини одамларга) эгри қилиб кўрсатадилар», «ва из тааззана раббукум» (7- оят) — «вақтики хабар берди парвардигорларингиз. «фа-раддуу айдийаҳум фи афвоҳихим» (9-оят) — «қайтардилар ўз қўлларин пайғамбарларнинг оғизларига», яъни сўзлай олмасинлар, деб қўллари бирлан пайғамбарларнинг оғизларини тўсдилар», «мақомий» (14- оят) — «менинг ҳузуримда туриши(дан кўркур)», «мин вароихи» (11-оят)— «ортидан, яъни бу дунё азобидан сўнг, олдинда уни бўйи) баргини тўкмагай ва ҳар вақт мева бериб тургай?» — дедилар. жаҳаннам азоби кутмоқда», «лакум табаъан» (21- оят) — «сизларга тобиъ, итоаткор (эрдик), мадад сўраб сизларга ёлборар (эрдик), «ва ло хилолун» (31- оят) — «ва на дўстлик».

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Илдизи собит ва шоҳи осмонда бўлган бир яхши дарахтга ўхшарки, ул ҳар вақт мева бериб турур»

Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эрдик, ул зот бизга: «Айтингизлар-чи, қайси дарахт (доимо иймони мустаҳкам ва доимо амали солиҳлар қилгувчи) мусулмон одам каби (йил Шунда кўнглимга «Бу хурмо дарахти бўлса керак» деган фикр келди-ю, аммо Абу Бакр Сиддиқ бирлан Ҳазрат Умарнинг индамай туришганини кўриб, бирор сўз айтишга ботинмадим. Бу саволга ҳеч ким жавоб бермагач, ул зотнинг ўзлари: «Бу хурмо дарахтидур!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларидан ташқарига чиққанимизда мен отам Ҳазрат Умарга: «Эй отажон, худо ҳақи, кўнглимга «Бу хурмо дарахти бўлса керак» деган фикр келган эрди»,—дедим. Ҳазрат Умар: «Нима учун айтмадинг?»— дедилар. Мен: «Сизларнинг индамай турганингизни кўриб, бирор сўз айтишга журъат қилмадим»,—дедим. Ҳазрат Умар: «Агар айтганингизда, фалон ва фалон нарсалар хусусида менга яхшироқ бўлган бўлур эрди!»—дедилар».

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ таоло мустаҳкам сўз (калимаи тавҳид) баракотидан мўминларни (бу дунёда ҳам, охиратда ҳам) барқарор сақлар (саодатга муяссар қилур) (27- оят)

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Мусулмон банда қабрда сўроқ қилинса, «Ло илоҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан расулуллоҳи» деб шаҳодат айтади. Бул хусусда Оллоҳ таоло: «Оллоҳ таоло мустаҳкам сўз (калимаи тавҳид) баракотидан мўминларни (бу дунёда ҳам, охиратда ҳам) барқарор сақлар (саодатга муяссар қилур)»— дейди».

4-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ таолонинг неъматини куфрга алмаштирганларни кўрмадингизми?» (28-оят)

«А лам тара?» (28- оят), яъни «кўрмадингизми?» (билмадингизми?) деган маънода

бўлиб, Оллоҳ таолонинг бошқа суралардаги «А лам тара кайфа?», «А лам тара илаллазийна...» деган қавллари кабидур.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Оллоҳ таолонинг неъматини куфрга алмаштирганларни кўрмадингизми?» деган оятдаги кишилар Макка аҳлининг кофир бўлганларидур»,— дейдилар.

«АЛ-ҲИЖР» СУРАСИ

Мужоҳид бундай дейдилар: «Сиротун алайя мустақиймун» (41- оят) — «Ҳақиқат Оллоҳ таолога олиб боради ва унинг йўли ҳам худди шундайдур», «Ла-би-имомин мубийнин» (79- оят) — «равшан йўлда» демакдур».

Ибн Аббос: «Ла-ъамрука» (72- оят) — «Ҳаётингиз ҳаққиҳурмати, қасам ичаманки...», «қавмун мункарууна» (62- оят) — «Лут инкор қилган қавм» деган маънодадур»,— дейдилар.

Бошқа бир муфассир: «Китобун маълумун» (4- оят) — «ажал», «лав мо таътийно» (7- оят) — «бизга юбормайсанми?» (келтирмайсанми?), «шийъ» (10- оят) — «жамоалар» деган маънодадур»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Лил-мутавассимийна» (75- оят) — «кузатувчиларга, ибрат олувчиларга», «суккират» (15-оят) — «(кўзларимиз) боғланибдур», «буруужан» (16- оят) — «Қуёш ва ой учун буржларни», «лавоқиҳа» (22-оят)— «(булутларни) сувга тўйдирсин деб», «ҳамаъ» (26- оят) — «кора лой», «маснуун» (26- оят) — «қўйилган», «ло тавжал» (53- оят) — «қўркма», «добира» (66- оят) — «охири, томири», «Ла-би-имомин мубийнин» (79- оят), «ал-имом — сени тўғри йўлдан эргаштириб борувчи, тўғри йўлга солиб қуувчи ҳар бир нарса», «ас-сайҳату» (83- оят) — «ҳалокат», «илло ман-истарақас-самъа фа-атбаъаху шихобун мубийнун» (18-оят)—«магар улки, ўғринча эшитиб қочса, унинг орқасидан равшан шуъла тушур» деган маънодадур»,— дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло осмонда бирор ишни ҳукм қилса, малоикалар итоаткорона қанотларини қоқгайлар». Ҳазрат Али ва бошқалар: «Шул хусусда Оллоҳ таолонинг қуйидаги қавли мавжуд»,— дейдилар: «(Оллоҳ таоло осмондан содир қилган овознинг) кўрқинчи (фаришталар) дилларидан йўқолиб, улар таскин топганларидан сўнг, бир-бирларига: «Раббингиз не деди?» — дерлар. (Шунда): «Ҳақиқатни (айтди) ва ул энг буюк улуғ зотдур!» — дерлар. «Бу гапни,— дейдилар Суфён,— бири иккинчисидан баландда турган осмондаги гап пойловчи ўғринча эшитиб олиб, пастрокдаги шеригига етказмоқчи бўлганида, орқасидан бир шуъла тушиб, уни қуйдириб юборади ёки бўлмаса, у шеригига етказиб улгуради, шериги эрса, ўз навбатида ўғринча эшитиб олган гапга юз турли ёлғон-яшиқ гапларни қўшиб, ердаги сохир оғзига етказди. Одамлар эрса сохирга: «Сен фалон ва фалон кунларда ундай ва бундай бўлади, деб айтиб эрдинг, дарҳақиқат осмондан эшитган гапинг тўғри бўлиб чикди»,— дейишади».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва албатта ҳижрликлар пайғамбарларни: «Ёлғончилар»,— дейишди» (80- оят)

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ҳижрга келган ўз саҳобаларига: «Анави қавм ерига (Оллоҳ таоло жазолаган Самуд қавмининг Мадина бирлан Шом оралиғидаги ерига) кирмангизлар, акс ҳолда йиғлаб қола-сизлар, йиғлаб қолмайлик десангизлар, уларнинг ерига мутлақо кирмангизлар, бўлмаса уларга етган мусибат сизларга ҳам етгайдур»,— дедилар».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, бердик биз сизга етти оятники («Фотиҳа» сурасиники), у намозда қайта-қайта такрор қилинур ҳамда Буюк Қуръонни» (87- оят)

Абу Саъид ибн ал-Муъалло ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом намоз ўқиб турганимда ёнимдан ўтиб кетаётиб мени чақирдилар, лекин мен намозни тугатмагунимга қадар қошларига бормадим, сўнг олдиларига бордим. Ул зот менга: «Олдимга келмоғинга нима монъелик қилди?» — дедилар. Мен: «Намоз ўқиётган эрдим», — дедим. Ул зот: «Оллоҳ таоло «Эй мўминлар, Оллоҳ бирлан унинг расули (даъватига) жавоб берингизлар!» деб айтмаганми?!» — дедилар. Сўнг: «Масжиддан чиқмасимдан бурун сенга Қуръондаги энг буюк сурани ўргатиб кўяйинми?» — деб айтдилар. Кейин, ул зот масжиддан чиқмоқчи бўлиб илгари қадам ташлаб эрдилар, менга айтган гапларини эслатдим. Шунда ул зот: «(Менга берилган) «Алҳамду лиллоҳи раббил-оламийн» деб бошланадирган етти оятли (сураи «Фотиҳа») ва Буюк Қуръон», — дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Менга) етти оятдан иборат Қуръон онаси ва Буюк Қуръон (берилган)», — дедилар».

Оллоҳ таолонинг қавли: «Китобни пора-пора қилган (муқтасимларга)» (91- оят)

«Ал-Муқтасимийна» (90- оят) — «қасам ичганлар» бўлиб, шунга биноан «қосамаҳумо» деганда «улар иккисига қасам ичди, лекин улар бунга қасам ичмадилар» деган маъно келиб чиқади.

Муъжоҳид: «Тақосамуу — ўзаро онт ичиб, аҳду паймон қилдилар» деганидур», — дейдилар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Китобни пора-пора қилган (муқтасимларга)» деган оятдаги кишилар китоб аҳлларидадан бўлиб, улар уни пора-пора қилдилар ва баъзисига ишониб, баъзисига куфр келтирдилар».

Абу Забйон Ибн Аббосдан нақл қиладилар: «Муқтасимларга (азоб) тушурганимиз каби» (90- оят) деган оятдаги (ўзлари пора-пора қилган Китобнинг) баъзисига ишониб, баъзисига куфр келтирганлар яҳудий ва христианлардур».

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва машғул туринг парвардигорингиз ибодатига то ўлим сизга келгунча» (99- оят)

Солим разияллоҳу анҳу: «Ал-Йақийну—ўлимдур», --дейделар.

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ «АН-НАҲЛ» СУРАСИ

«Рухул-Қудуси» (102-оят)—«Жаброил алайҳиссалом бўлиб, чин ваҳий шу киши орқали нозил қилинган», «фий зайқин» (127- оят) — «сиқикда» деган маънода бўлиб, «амрун зайқун ёки заййикун» (тор шароит, танг аҳвол) дейилади. Бу сўз «ҳайнун ва ҳаййинун» (осон, енгил) ҳамда «майтун ва маййитун» (ўлик, мурда) каби сўзлар шаклидадур.

Ибн Аббос: «Йатафаййау зилолуҳ» (48- оят) — «соёлари тайёр туради», «субула раббика зулулан» (69-оят)— «Раббингнинг йўлларидаки, текисдур» деган маънодадур», — дейдилар.

Ибн Аббос: «Фий тақаллубихим» (46-оят)—«ихтилоф қилганларида» демақдур», — дейдилар.

Муъжоҳид: «Гамийда» (15-оят)—«тебранмасин (деб)», «муфратууна» (62- оят) — «унутилиб қолгувчилар» демақдур», — дейдилар.

Бошқа бир муфассир: «Фа-изо караътал-Қуръона фас-таъиз биллоҳи» (98- оят) — «Қачон Қуръон ўқимоқчи бўлсангиз, энг аввало Оллоҳдан паноҳ тилангиз, яъни «Аъузу бил-лоҳи минаш-шайтонир-ражийм» деб айтингиз», бу (Оллоҳ таолонинг ажру савобидан маҳрум қилгувчи шайтоннинг ёмонлигидан) Оллоҳнинг ҳимоясига ўзни олмоқликдур», — дейдилар.

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Тусиймууна» (10-оят) — «ўтлатурсизлар», «дифъун» (5- оят) — «нимаики сени (баданингни) исинтирса, ўша, яъни иссиқ кийим», «турийҳууна (бил-ашийи) ва тасраҳууна (бил-ғадоти)» — «шом вақтида олиб келурсизлар ва эрталаб кўйиб юборурсизлар», «би-шиққи» (7- оят) — «машаққати ила», «тахаввуф» (47- оят) — «кўрқитиш, яъни банданинг ўзини ҳам, мол-дунёсини ҳам секин-аста нуқсли қилиш бирлан кўрқитиш (кўрқитиб кўйиш)», «ал-анъом ла-ибратан» (66-оят) — «чорва хайвонларда ибрат бордур», «акнонан» (81-оят) — «ғорларни», «саробийла» (81-оят) — «кўйлақларни», «такийкумул-ҳар-ра» (81- оят) — «сизларни иссиғдан сақлар», «саробийла такийкум баъсакум» (81-оят) — «сизларни уруш зараридан сақловчи кўйлақларни, яъни совутларни», «дахалан байна-кум» (92- оят) — «соғ бўлмаган, носоғ ҳар қандай нарса, яъни ёмон ният».

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Ҳафадатан» (72- оят) — «набираларни», «ассакар (сакаран)» (67-оят) — «маст қилгувчи ичимликлар», «ар-ризқул-ҳасану (ризқан ҳасанан)» (67- оят) — «Оллоҳ ҳалол қилган неъматлар».

Ибн Уяйна: «Анқосан» (92-оят) — «аҳмоқлик, ақлсизлик қилиб» дегани, яъни бир тентак хотин бўлиб, кун бўйи эшган ипини кечга бориб бузиб ташлар эрди», — дейдилар.

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва баъзиларингиз ярамас (тубан) умргача етқизилурсиз» (70- оят)

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ё парвардигоро, мени бахилликдан, ялқовликдан, тубан умрдан (кексайиб, нотавон бўлиб қолмоқдан), қабр азобидан, Дажжол фитнасидан ва тириклик ҳамда ўлим чоғида бўладирган фитналардан ўзинг асагил!» — деб илтижо қилур эрдилар».

«БАНИЙ ИСРОИЛ» СУРАСИ

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу «Баний Исроил», «ал-Каҳф» ва «Марям» суралари хусусида: «Бу суралар мен Қуръондан кўчириб олган энг қадимги суралардур», — дейдилар.

«Фа-са-йунғизууна илайка руъусаҳум» (51- оят) — «қимирлатурлар бошларини сиз тарафга».

Ибн Аббос: «Йаҳуззууна — (бош) ирғайдилар, (бошларини) сарак-сарак қиладилар», — дейдилар.

Бошқа бир муфассир: «Нағазту минка — сендан таажжуб қилиб бош чайқадим», — деганидур», — дейдилар.

«Ва қазайно ила Баний Исроийла» (4- оят) — «Ва биз хабар қилдик Баний Исроилгаки, (сизлар албатта фасод қилурсизлар, деб)» деган маънодадур. «Ва изҳум најво» (47- оят) — «вақтики улар махфий сўзлашурлар», «руфотан» (49-оят) — «парча-парча, пора-пора», «вастафизиз» (64-оят) — «кўзгот», «би-хайлика» (64-оят) — «отлиғ», «ва ражилика (64- оят) — «пиёда», «ҳосибан» (68- оят) — «кучли шамол», «ал-ҳосиб» — «шамол аралаш ёғадирган майда тош» деган маънога ҳам эга, жаҳаннамда отиладирган «жаҳаннам тошлари» ҳам шу сўздан. «Торатан» (69-оят) — «иккинчи марта», «ла-аҳтаниканна» (62- оят) — «албатта тағ-томири бирлан суғириб ташлагайман, уруғини курутгайман», «тоирах» (13- оят) — «бахтсизлигини, ёмон қисматини» демақдур.

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Олиб кетди ўз бандаси (Муҳаммад)ни тунда ал-Масжид ал-Ҳаромдан» (1- оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Фаришталар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Исроъ кечаси икки қадаҳ келтиришди, бирида (маст қилгувчи) ичимлик, иккинчисида сут бор эрди. Шунда, ул зот қадаҳларга бир назар ташлаб, сутни

олдилар. Жаброил алайҳиссалом: «Сизни табиатга (бутун борлиққа) ҳадя қилган Оллоҳ таолога шукр! Агар ичимликни олганингизда, умматингиз гумроҳ бўлур эрди!»— дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қурайш мени ёлғончига чиқарганда ал-Ҳижрда (ал-Масжид ал-Ҳаромда) турдим, кейин Оллоҳ таоло мени Байтул-Макдис (ал-Масжид ал-Ақсо)га жўнатди, мен масжидни ўз кўзим билан кўриб, у ердагиларни Оллоҳ таолонинг оятларидан хабардор қилмоққа тутиндим» — деб айтганларини эшитдим».

Ибн Шихоб амакиларидан нақл қилиб, юқоридаги ҳадисга: «Қурайш мени ёлғончига чиқарганда... Оллоҳ таоло мени Байтул-Макдисга жўнатганда» каби жумлаларни қўшимча қиладилар.

«Қосифан» (69-оят)—«кучли шамолни», «каррамно»

(70- оят) ва «акрамно» бир бўлиб, «иззатли қилдик» деганидур, «зийфал-ҳайоти» (75- оят) — «ҳаёт азоби, ти-рикликда бериладирган азоб», «зийфал-мамоти» (75- оят) — «ўлим азоби, ўлгандан кейин бериладирган азоб», «хилофака» (76- оят) — «сендан кейин», «шокилатиҳи» (84- оят) — «ўз томонида, ўз тариқасида», «саррафно» (89-оят) — «баен қилдик, йўлладик», «қабийлан» (92- оят) — «юзма-юз», «хаш-йатал-инфоқи» (100- оят) — «сарф бўлиб кетиш хавфи» деган маънода бўлиб, киши «молимни сарф қилсам, камбағал бўлиб қоламан» деб хасислик қилади. «Қатууран» (100- оят) — «хасис, зикна (эрди)», «лил-азқони» (107- оят) — «ияклари ила».

Мужоҳид: «Мавфууран» (63- оят) — «тўла, мўл, мукамал, қакшатгич» деганидур»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Насийран» (75-оят)—«мадакдор», «хабат» (97-оят)— «ўчди» деган маънодадур»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Ло тубаззир» (26- оят) — «беҳуда сарф қилма», «ибтиғоа раҳматин» (28-оят) — «Оллоҳ таолонинг ризқи умидида», «масбууран» (102-оят)—«малъун», «ло тақфу» (36-оят) — «дема, гапирма», «фа-жосуу» (5-оят) — «қасд, ният қиладилар», «йузжи лакумул-фулка» (66- оят) — «юргизур сизлар учун кемаларни», «йахиррууна лил-азқони» (107- оят) — «юзлари ила йиқилурлар» демакдур»,— дейдилар.

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва қачон биз хоҳласакки ҳалок қилайлик бир шаҳарни, амр қилурмиз унинг майишатга берилган кишиларига, (кейин улар ул ерда фикс қилурлар)» (16- оят)

Абдуллоҳ; бундай дейдилар: «Биз жоҳилият даврида, агар бирор маҳалла аҳли майишатга берилиб кетса, Бану фалон ҳаддидан ошди, деб айтар эрдик».

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй ул жамоанинг авлодики, миндирдик биз уларни Нух ила, албатта ул шукргузор банда эрди», яъни «Биз Нух алайҳиссалом билан бирга кемага миндириб қўйган кишиларнинг авлодлари, Оллоҳ таоло томонидан аждодингизга қилинган иноятни унутмангизлар, чунки улар шукр қилгувчи банда эрдилар»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир бўлак пишган гўшт келтиришди, ул зот кўнгиллари тусагани учун ҳам уни олиб бир лукма едилар. Сўнг, бизга бундай деб айтдилар: «Мен Қиёмат куни барча инсонларнинг саййиди бўлурман, бунинг негалигини билурмисизлар? Қиёмат куни, дастлабки инсондан тортиб то охирги инсонга қадар, барча одамлар бир ялангликка тўпланадилар. Жарчи уларга овозини эшиттира олади ва уларнинг ҳаммасини кўра олади. Қуёш (Ерга) яқин келади. Натижада, одамларни тоқат қилиб бўлмас даражада ғам-ғусса босади, улар ўзаро «Кўрдингизларми, қандай кулфатга қолдик, энди гуноҳларимизни ким Оллоҳ таолодан сўраб бизга шафоат қилади? — дейишади. Шунда, баъзи одамлар баъзисига «Сизлар Одам алайҳиссаломнинг қошларига бормоғингиз лозим»—деб маслаҳат беришади. Улар Одам алайҳиссаломнинг қошларига боришиб, ул кишига «Сиз

инсонлар отасисиз, Оллоҳ таоло сизни ўз (қудрат) қўли билан яратиб, танангизга ўз руҳидан жон ато этган ва фаришталарга буюрган, улар сизга сажда қилишган Парвардигорингиздан гуноҳимизни сўраб, бизга шафоат қилингиз бизнинг ҳолимизга бир қаранг, не аҳволга тушиб қолдик!» — дейишгай. Одам алайҳиссалом «Парвардигорим бугун ҳарқачонгидан кўра қаттиқроқ ғазабланганки, илгари бунчалик ғазабланган эрмас. У менга жаннатдаги дарахт мевасини емоқни таъқиқ қилганида, мен унга осийлик қилганман, ўша осий мен... мен... мен! Мендан бўлак одамнинг — Нух алайҳиссаломнинг қошларига борингизлар!» — дейдилар. Улар Нух алайҳиссаломнинг қошларига бориб «Эй Нух алайҳиссалом, сиз дунё аҳлига юборилган биринчи пайғамбарсиз, Оллоҳ таоло сизни шукргузор бандда, деб атаган, парвардигорингиздан гуноҳимизни сўраб, бизга шафоат қилингиз, бизнинг ҳолимизга бир қаранг, не аҳволга тушиб қолдик!» — дейишгай. Нух алайҳиссалом «Парвардигорим азза ва жалла бугун ҳарқачонгидан кўра қаттиқроқ ғазабланганки, илгари сира бунчалик ғазабланмаган. Мен бирвақтлар, қавмимни дуои (бад) қилган эрдим, ўша мен... мен... мен! Мендан бўлак одамнинг — Иброҳим алайҳиссаломнинг қошларига борингизлар!» — дегайлар. Улар Иброҳим алайҳиссаломнинг қошларига бориб «Эй Иброҳим алайҳиссалом, сиз Оллоҳ таолонинг элчиси ва инсонлар орасидан ўзига танлаган дўстисиз, парвардигорингиздан гуноҳимизни сўраб, бизга шафоат қилингиз, бизга бир қаранг, не аҳволга тушиб қолдик!» — дейишгай. Иброҳим алайҳиссалом уларга «Парвардигорим бугун ҳарқачонгидан кўра қаттиқроқ ғазабланганки, илгари сира бунчалик ғазабланмаган. Мен уч бор ёлғон сўзлаганман, ўша мен... мен... мен! Мендан бўлак одамнинг — Мусо алайҳиссаломнинг қошларига борингизлар!» — дегайлар. Улар Мусо алайҳиссаломнинг қошларига бориб «Ё Мусо алайҳиссалом, сиз Оллоҳ таолонинг элчисидурсиз, у сизни ўз элчиси қилиб ҳамда сиз билан сўзлашиб, бошқа инсонлардан юқори қўйган, парвардигорингиздан гуноҳларимизни сўраб, бизга шафоат қилингиз, бизга бир қаранг, не аҳволга тушиб қолдик!»—дейишгай. Мусо алайҳиссалом «Парвардигорим бугун ҳарқачонгидан кўра қаттиқроқ ғазабланганки, илгари сира бунчалик ғазабланмаган. Мен ўлдирилмоғи буюрилмаган одамни ўлдирганман, ўша мен... мен... мен! Мендан бўлак одамнинг — Исо алайҳиссаломнинг қошларига борингизлар!»—дегайлар. Улар Исо алайҳиссаломнинг қошларига бориб «Ё Исо алайҳиссалом, сиз Оллоҳ таолонинг элчиси, унинг Биби Марямга айтган сўзи ҳамда унинг ўзидан бунёдга келган руҳдирсиз, сиз бешикдаги чақалоқлигингиздаёқ одамларга сўзлагансиз, парвардигорингиздан гуноҳимизни сўраб, бизга шафоат қилингиз, бизга бир қаранг, не аҳволга тушиб қолдик!» — дейишгай. Исо алайҳиссалом «Парвардигорим бугун ҳарқачонгидан кўра қаттиқроқ ғазабланганки, илгари бунчалик ғазабланмаган эрди»,— дегайлар, аммо қилган гуноҳларини эслатмагиларда: «Ўша мен... мен... мен!» — деб айтгайлар. Кейин, уларга «Мендан бўлак одамнинг — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига борингизлар!» — дегайлар. Улар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига бориб: «Ё Муҳаммад, сиз Оллоҳ таолонинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисисиз Оллоҳ таоло сизнинг собиқ ва келгуси гуноҳларингизни мағфират қилган, парвардигорингиздан гуноҳимизни сураб, бизга шафоат қилингиз, бизга бир қаранг, не аҳволга тушиб қолдик!» — дейишгай. Шунда мен парвардигорим ҳузурга йўл олгайман-да, Арш остонасига бориб, парвардигорим азза ва жаллага сажда қилгайман. Сўнг, Оллоҳ таоло менга илгари ҳеч кимга ошкор қилмаган ўзига нисбатан айтиладирган ҳамду саноларни ошкор қилгай. Кейин «Эй Муҳаммад, бошингни кўтаргил, сўрагил, сўраганинг ато этилгай, шафоат қилгил, шафоатинг қабул қилингай!»—дейилгай. Мен бошимни саждадан кўтаргайман-да «Эй парвардигорим, (булар) менинг умматим, эй парвардигорим, (булар) менинг умматим!» —деб айтгайман. Шунда «Эй Муҳаммад, ҳисоб-китоб қилинмайдиган умматларингни жаннат эшикларидан бўлмиш ўнг эшикдан киритгил!» — дейилгай. Булар жаннатга фақат шу эшикдангина киритиладирган кишилардур. Жоним қўлида (ихтиёрида) бўлган зот ҳақи, жаннат эшиклари тавақаларининг оралиғи Макка билан Ҳимйар ёки Макка билан Бурсо оралиғича келади»

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва бердик Довудга Забурни» (55-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Довуд алайҳиссаломга Забурни тиловат қилмоқлик Оллоҳ таоло томонидан енгиллаштирилган эрди (яъни, қисқа вақт ичида Забурни хатм қила олиш имконини ато этган эрди). Довуд алайҳиссалом, ҳатто уловларини эгарлашни буюриб, уни эгарлаб бўлгунларигача ҳам Забурни хатм қилиб улгурар эрдилар»,— дедилар».

5- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сиз айтинг: «Чақирингизлар ул жамоаники, сизлар уларни Оллоҳдан бўлак маъбуд, деб таъкидлайсизлар, улар қодир эрмасдурлар на балодан сизларни халос этмакка ва на бирор нарсани ўзгартирмакка» (56- оят)

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу «... парвардигорларига яқин бўлмакни...» (57- оят) деган ибора хусусида бундай дейдилар: «Баъзи одамлар жинларга ибодат қилур эрдилар, кейин жинлар мусулмон бўлдилар, боягилар эрса, ўз динларига маҳкам ёпишиб олиб, ундан воз кечмадилар».

Аъмаш: «... чақирингизлар ул жамоаники, сизлар уларни Оллоҳдан бўлак маъбуд, деб таъкидлайсизлар...» деб юқоридаги ҳадисга қўшимча қиладилар.

6- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ана шул жамоаки, булар уларни чақирурлар, ўзлари талаб қулурлар парвардигорларига яқин бўлмакни...» (57- оят)

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу шу оят хусусида гапириб: «Баъзи одамлар жинларга ибодат қилур эрдилар, кейин жинлар мусулмон бўлдилар»,— дейдилар.

7- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва биз ул кўрсатишни одамларни синаш учунгина сизга кўрсатган эрдик» (60- оят)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу юқоридаги оят хусусида бундай дейдилар: «Оятда айтилган «кўрсатиш» пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Исроъ кечаси» Оллоҳ таоло томонидан марҳамат қилинган «руъйю» бўлиб, «аш-Шажара ал-малъууна» — «Заққум дарахтидур».

8-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, тонгдаги Қуръон қироати фаришталар ҳозир бўладирган вақтдадур» (78- оят)

Мужоҳид: «Тонгдаги Қуръон қироати — бомдод намозидур»,— дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар. «Жамоат бирлан ўқилган намознинг фазли якка ўқилган намознинг фазлидан йигирма беш марта ортиқдур. Бомдод намозида тунда навбатчилик қиладирган фаришталар бирлан кундузи навбатчилик қиладирган фаришталар тўпланишгай». Абу Ҳурайра: «Агар истасангизлар, «Ва Қуръонал-фажри инна Қуръонал-фажри кона машхуудан» деган (78- оятни) ўқингизлар!» — дейдилар.

9-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Парвардигориингиз сизни Мақоми Маҳмудда тургизса, ажаб эмас!» (79- оят)

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Қиёмат куни одамлар тиз чўккан ҳолда турадилар, ҳар бир уммат ўз пайғамбари ортидан эргашади ва унга: «Эй фалончи, шафоат қилингиз!» — дейишади, ялина-ялина, ниҳоят шафоат тилаб пайғамбаримиз саллаллоҳу

алайҳи ва саллам-нинг қошларига боришади. Ўшал кун — Оллоҳ таоло пайғамбаримизни Мақоми Маҳмудда турғизадирган кундур».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки азон овозини эшитгач, «Ушбу мукамал даъват ва абдий намоз соҳиби бўлмиш эй парвардигорим, Муҳаммад алайҳиссаломга василат ва фазилат ато этгил ва ул зотни ўзинг ваъда қилган Мақоми Маҳмудда турғизгил!» деб айтса, қиёмат куни унга шафоат қилмоғим мумкин бўлади».

10- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва айтингки, келди ҳақ дин ва гумдон бўлди ботил дин, албатта ботил дин гумдон бўлгувчидур (81- оят)

«Заҳуукан» (81- оят), «йазҳақу» — «гумдон ҳалок бўлади» деган маънодадур.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага кирдилар, шунда Байтуллоҳ атрофида уч юз олтмишта бут бор эрди. Ул зот уларни қўлларида калтак (таёқ) бирлан нуқиб «келди ҳақ дин ва гумдон бўлди ботил (ёлғон) дин, албатта ботил дин гумдон бўлгувчидир!» — дедилар. Ҳақ дин келди, энди ботил дин янгидан бошланмайди ҳам, эскиси қайта тикланмайди ҳам!»

11-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сиздан руҳ хусусида сўрагайлар» (85- оят)

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга далада турган эрдим, ул зот бир таёққа суяниб (тиралиб) турган эрдилар. Шунда бир гуруҳ яҳудийлар ўтиб кетаётиб ўзаро «Руҳ ҳақида сурангизлар!»—дейишди. Яҳудийлардан бири: «Уни ўз ҳолига қўйингизлар!»—деди. Яна айримлари «Сизлар инкор қилган нарса хусусида жавоб бермайди»,— дейишди. Қолганлари «Сўрайверингизлар!»—дейишди. Ниҳоят, улар Жаноб Расулуллоҳдан руҳ ҳақида сўрашди. Ул зот жим бўлиб қолиб, уларга лом-мим демадилар. Мен ул зотга ваҳий келаётганини англадим-да, турган еримдан кўзғолмадим. Ваҳий нозил бўлгач, ул зот «Сиздан руҳ хусусида сўрагайлар, сиз айтингки, «Руҳ раббимнинг ишларидан (ҳукмларидан) биридир ва сизларга (бу ҳақда) озгинагина илм берилгандур» деб қироат қилдилар»

12- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва кўп баланд овоз ила ўқимангиз намозингизни ва на кўп паст овоз ила» (110- оят)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу Оллоҳ, таолонинг «Ва кўп баланд овоз ила ўқимангиз намозингизни ва на кўп паст овоз ила» деган қавли хусусида гапира туриб бундай дедилар: «Бу ояти карима Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада яшириниб юрган чоғларида нозил бўлган эрди. Ўшанда ул зот саҳобалари бирлан намоз ўқисалар, баланд овоз бирлан қироат қилардилар, буни мушриклар эшитиб Қуръонни ҳам, уни нозил қилган Оллоҳ таолони ҳам у бирлан юборилган Оллоҳ таолонинг расулини ҳам ҳақорат қилар эрдилар. Шунда Оллоҳ таоло ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Ва кўп баланд овоз ила ўқимангиз намозингизни (яъни, баланд овоз ила қироат қилмангизки, мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилурлар) ва на кўп паст овоз ила (яъни, жуда паст овоз ила қироат қилсангиз, саҳобаларингизга эшит тира олмагайсиз) ва танлангиз бунинг ўртасида бир йўлни (яъни, ўртача овоз бирлан қироат қилингиз)»,— деди».

Ошша разияллоҳу анҳо «Бу ояти карима дуо хусусида нозил бўлган»—дейдилар.

«АЛ-КАҲФ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг «Инсон (ўзи азалдан шундоқ) айтишқоқ эрди» деган қавли ҳақида

Хусайн ибн Али ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда Али бирлан Фотима ётган хужра эшигини тақиллатиб «Намоз ўқимайсизларми?» — дедилар. (Шунда Ҳазрат Али «Ё Расулаллоҳ, жонимиз Оллоҳ таолонинг қўлидадир, агар бизни уйғотмоқни хоҳласа, ўзи уйғотгайдур!»—дедилар. Жаноб Расулulloҳ хафа бўлдилар, қўлларини сонларига уриб «Инсон ўзи азалдан шундоқ айтишқоқ эрди!»—дея қайтиб кетдилар)

2-боб. Оллоҳ таолонинг «Эсланг, эй Муҳаммад! Бир куни Мусо ўз ғуломига: «То икки денгиз қўшиладирган ерга етмагунимча ёки узоқ муддат кезмагунимча юришдан тўхтамайман» — деб айтганини» деган қавли ҳақида

Саъид ибн Жубайр хабар берадилар: «Мен ибн Аббосдан «Навфал ал-Баколий «Хизр алайҳиссаломга ҳамсухбаг бўлган Мусо Баний Исроилга пайғамбар бўлган Мусо эрмас» — деб таъкидлади, шу тўғрими?» — деб сўрадим. Ибн Аббос (ғазабланиб) «Оллоҳнинг душмани ёлғон гапирибди, менга Убай ибн Каъб Жаноб Расулulloҳнинг қуйидаги ривоятларини айтиб берган эрди»,— дедилар: «Мусо алайҳиссалом Баний Исроилга хутба ўқиб турган эрканлар, шунда у кишидан «Одамларнинг орасида энг билимдони ким?»— деб сўрашди. Мусо алайҳиссалом «Мен» — деб жавоб бердилар. Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга танбиҳ берди, чунки у киши «Оллоҳ билимдонроқ» демадилар. Кейин, Оллоҳ таоло «Икки денгиз қўшилган жойда менинг бир бандам яшайди, у сиздан билимдонроқдур» — деб ваҳий қилди. Мусо алайҳиссалом «Эй парвардигорим, мен ул зотни қандай топурман?»—дедилар. Оллоҳ таоло «Бир балиқни саватга солиб, кўтариб оласиз, қаерда ўша балиқни йўқотсангиз, шу жойда Хизрни кўрасиз»,— деди. Мусо алайҳиссалом бир балиқни саватга солиб, йўлга тушдилар, хизматкорлари Йушаъ ҳам бирга эрди. Юра-юра бир тепалик ёнига келиб, бошларини ерга қўйдилар-да уйқуга кетдилар. Саватдаги балиқ эрса тирилиб, ҳаракатга келди-да, денгизга тушиб, сузиб кетди. Оллоҳ таоло балиқ сузиб ўтган йўналишдаги сувни оқишдан тўхтатиб бинонинг йўлагига ўхшатиб қотириб қўйди. Хизматкор йигит Мусо алайҳиссалом уйғонганларида балиқнинг йўқолганини айтишни унутди. Улар яна бир кеча-кундуз йўл юришди. Эртаси куни Мусо алайҳиссалом ҳамроҳларига «Егулигимизни келтир, сафаримизда бироз машаққат тортдик!» — дедилар. Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом Оллоҳ таоло бормоқни буюрган ўша балиқ йўқолган жойгача ҳеч машаққат чекмаган эрдилар, аммо кейинги бир кечаю-кундузда қаттиқ қийналдилар. Мусо алайҳиссаломнинг ҳамроҳлари «Эсингиздами, бир тепалик олдида ухлаган эрдик. Ўша ерда мен балиқни йўқотган эрдим, лекин сизга айтишни унутибман Албатта, буни менга шайгон унутдирган»,— деди Балиқ эрса сирли суратда денгизга тушиб ғойиб бўлган эрди. Мусо алайҳиссалом ва ул кишининг хизматкорлари унинг қандай қилиб ғойиб бўлганини билолмай таажжубда қолишди. Кейин, Мусо алайҳиссалом «Мана шу биз истаган нарсадур»,— дедилар-да, Хизр алайҳиссаломни излаб хизматкорлари бирлан орқаларига қайтдилар. Улар юра-юра ниҳоят икки денгиз бирлашган жойдаги тепалик ёнига келишди. Шу ерда кийимига ўралиб олган бир кишини учратишди Мусо алайҳиссалом салом бердилар. Хизр алайҳиссалом ул кишига жавобан «Сизнинг ерингизда қаердан ҳам тинчлик (салом) бўлсин?!»—дедилар. «Мен Мусоман»,— дедилар. Мусо алайҳиссалом «Баний Исроилнинг Мусосимисиз?»— дедилар. Хизр алайҳиссалом «Ҳа, ўзингиз билган илмдан менга ҳам ўргатсангиз деб келдим»,— дедилар. Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссалом «Сиз мен бирлан сабр қилиб юра олмайсиз Эй Мусо, менда Оллоҳ таоло билдирган шундай илм борки, уни сиз билолмайсиз ва сизда Оллоҳ таоло билдирган шундай илм борки, уни мен билолмайман!»—дедилар. Мусо алайҳиссалом «Худо хоҳласа, менинг сабрли эрканлигимни кўргайсиз, сизга осийлик қилмагайман!» — дедилар. Хизр алайҳиссалом «Ундай эрса мен бирлан юрингиз-да, то ўзим айтмагунимча бирор нарсанинг сабабини сўрамангиз!» — дедилар. Сўнг, икковлари денгиз соҳили бўйлаб юриб кетишди. Иттифоқо бир кема соҳилга келиб тўхтади. Улар дарға бирлан гаплашиб, ўзларини бирга олиб кетишга уни кўндиришди Аммо, кемадагилар Хизр алайҳиссаломни

таниб қолиб, бепул олиб кетишга рози бўлишди. Кема йўлга чикқач, кўп ўтмай Хизр алайҳиссалом болта бирлан кеманинг бир ёғочини кўчириб олдилар. Мусо алайҳиссалом ул кишига «Бу қавм-ку, бизни бепул кемаларига чиқариб олдилар, сиз бўлсангиз кема аҳлини чўктириш учун уни тешиб қўйдингиз, таажжуб иш қилдингиз?!—дедилар. Шунда Хизр алайҳиссалом «Мен сизга айтувдим-ку, мен бирлан бирга сабр қилиб юра олмайсиз, деб!»—дедилар. Мусо алайҳиссалом дархол узр айтиб «Унутган нарсам учун менга танбих бериб, кўзлаган ишимни қийинлаштирмангиз!» —дедилар. (Жаноб Расулуллоҳ «Мусо алайҳиссаломдан содир бўлган дастлабки хато эсдан чиқариш сабабли эрди»,— дейдилар) Кейин, бир чумчуқ келиб кема четига кўнди-да, тумшуғи бирлан денгиздан бир томчи сув олди. Шунда Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга «Оллоҳнинг илми олдида мен бирлан сизнинг илмингиз мана шу чумчуқ денгиздан олган бир катрачалиқдур, холос!»—дедилар. Кейин, икковлари кемадан тушиб соҳил бўйлаб кетаётган эрдилар, ногаҳон Хизр алайҳиссаломнинг кўзлари ўртоқлари бирлан ўйнаб юрган бир болага тушиб, уни бориб ўлдирдилар. Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломга «Беғуноҳ бир покиза болани ўл-дирдингиз, қандай ёмон иш қилдингиз!»—дедилар. Хизр алайҳиссалом «Мен сизга айтмаганмидим, мен бирлан юришга ҳеч тоқат қилолмайсиз, деб!» — дедилар. Бу танбих аввалгисидан қаттиқроқ ва таҳдидлироқ эрди. Мусо алайҳиссалом «Агар яна бирор нарса ҳақида сиздан сўрасам, майли мени ўзингиз бирлан олиб юрмангиз, унда айб ўзимда бўлади»—деб илтимос қилдилар.

Икковлари йўлда давом этиб бир қишлоққа киришди, қишлоқ аҳлидан таом сўрашган эрди, улар меҳмон қилишдан бош тортишди. Хизр алайҳиссалом ўша ерда йиқилай деб турган бир деворни кўриб, қайта тиклаб қўйдилар. Буни кўриб Мусо алайҳиссалом «Бу қавмнинг ҳузурига келиб таом сўрадик, беришмади, меҳмон ҳам қилишмади, агар хоҳласангиз, мана шу ишингизга ҳақ олмоғингиз мумкин» — деб қуюндилар. Хизр алайҳиссалом «Мана бу энди сиз бирлан менинг ажралмоғимизга сабабдур! Лекин мен, сизга ўзим айтиб бергунимгача сиз сабр қилолмаган ишларнинг маъносини айтиб берайин: бояги кема хусусига келсак, У бечораҳол кишиларники бўлиб, улар борадирган жойда яроқли кемаларни тортиб оладирган золим подшоҳ бор эрди. Ҳалиги боланинг ота-онаси эрса мўмин кишилар бўлиб, бола куфр ва осийлик бирлан уларга кўп озор берар эрди. Шу сабабдан Оллоҳ таоло унинг ўрнига покиза ва меҳрибон фарзанд ато қилишни ирода қилди. Мана бу девор масаласига келсак, унинг остида ха зина бор, у икки етим болага тегишли. Уларнинг марҳум оталари солиҳ киши бўлган бўлиб, ундан қолган ушбу хазинани Оллоҳ таоло улар вояга етгач, юзага чиқармоқни ирода қилди. Мен бу ишларни ўзим учун қилганим йўқ. Мана шулар сиз сабр қилишга тоқатингиз етмаган нарсаларнинг таъвилдур»,— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Қани энди, Мусо алайҳиссалом сабр қилган бўлсалар, Оллоҳ таоло бизга икковлари ҳақидаги қиссаларни баён қилиб берган бўлур эрди» — деб эрдилар»

3- боб Оллоҳ таолонинг «Икковлари икки денгиз бирлашган ерга етганларида балиқларини унутдилар. Балиқ денгиз бўйлаб ўз йўлига равона бўлди» деган қавли хусусида

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Мен Ибн Аббоснинг ҳузурларида эрдим, ул киши «Саволлар бўлса, сўрангизлар!» —деб қолдилар. Мен «Эй Ибн Аббос, Оллоҳ таоло мени сизга фидо қилсин! Куфада бир қиссагўй киши бўлиб, унинг исми Навфдур. Ўшал одам «Хизр алайҳиссалом бирлан ҳамсуҳбат бўлган Мусо Баний Исроил паиғамбари бўлган Мусо эрмас»,— дейди, сиз бунга нима дейсиз?» —дедим»

Ушбу ҳадисни икки киши — Амир ибн Динор ва Яъло ибн Муслим Саъид ибн Жубаирдан нақл қилиб ривоят қилган Амрнинг ривоятида «Оллоҳнинг душмани ёлғон гапирибди» деган жумла мавжуд. Яълонинг Ибн Аббосдан нақл қилган ривояти куйидагича: «Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Мусо Оллоҳнинг расулидурлар. Ул

киши бир куни одамларга шундай ваъз қилдиларки, ҳатто эшитганларнинг кўзларидан ёшлар куйилиб, диллари мўмдек эриди. Шунда бир одам Мусога яқин келиб: «Эй Оллоҳнинг расули, ер юзида сиздан билимдонроқ одам борми?» — деб сўради Мусо алайҳиссалом «Йўқ» — деб жавоб бердилар. Оллоҳ таоло ул кишига танбиҳ берди, чунки ул киши «Оллоҳ билимдонроқдур!» демадилар. Сўнг, Мусо «Эй парвардигор, мендан билимдонроқ банданг қаерда?»—дедилар. Оллоҳ таоло «Икки денгиз кўшилган жойда»,— деди. Мусо «Эй парвардигор, менга ўша бандангдан илм ўрганишни насиб этгин!» — деб илтижо қилдилар. (Ҳадиснинг шу ери Амрнинг ривоятида «Ўша бандамни балиқни йўқотган ерда топасан» деган жумла бирлан, Яълонинг ривоятида эрса «Бир ўлик балиқни ўзингиз бирлан олиб олингиз, қаерда унга жон киргизилса, ўша жойда мазкур бандам бирлан учрашасиз» деган жумла бирлан ривоят қилинган). Мусо бир балиқни олиб, уни саватга солдилар-да, ўз хизматкорларига «Сендан биргина илтимос, қачон балиқни йўқотиб қўйсанг, менга хабар қилгин»—дедилар. (Ибн Журайж «Оллоҳ таолонинг «Мусо ўз хизматкор йигитига деди» деган оятидан кейин ҳадисда тилга олинган Йушаъ ибн Нун исмини Саъид ривоят қилган эрмас»,— дейдилар) Вақтики хизматкор бир нам жойда тош соясида дам олаётган эрди, балиққа жон кириб, ҳаракатга келди. Шунда Мусо ухлаб ётган эрдилар. Хизматкор «Ҳозир уйғотмайин, турганларида айтарман»,— деди, аммо уйғонганларида хабар қилишни унутди. Балиқ эрса ҳаракатланиб денгизга кирди. Оллоҳ таоло денгиз оқимини тўхтатди, тошларда балиқнинг изи қотиб қолди. (Ровий айтадики, Амр менга «Балиқнинг изи тошда мана бундай қотиб қолди» деб бош бармоғи бирлан кейинги икки бармоғини ҳалқа қилиб кўрсатди) Мусо ҳамроҳларига «Овқатни келтир бугунги сафаримиз жуда машаққатли бўлди!» — дедилар. Сўнг, икковлари орқаларига қайтиб, Хизр алайҳиссаломни топишди. Ул киши балиқ териси янглиғ палос устида бўлиб, бошдан оёқ либосларига бурканиб олган эрдилар, либоснинг бир учи оёқларини, иккинчи учи эрса бошларини беркитиб турарди. Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломга салом бердилар. Хизр алайҳиссалом юзларини очиб «Менинг еримда тинчлик (салом) борми? Сиз кимсиз?»—дедилар. Мусо «Мен Мусоман»,— дедилар. Хизр «Баний Исроилнинг Мусосими?»—дедилар. Мусо «Ҳа»,— дедилар. Хизр «Нима истайсиз?»— дедилар. Мусо «Ўзингизга ўргатилган илмдан менга ҳам ўргатсангиз, деб келдим»— дедилар. Хизр алайҳиссалом «Кўлингизда Таврот бор, бундан ташқари сизга ваҳий ҳам келади, шу сизга кифоя қилмайдими? Эй Мусо, Оллоҳ таоло менга шундай илм берганки, уни сизнинг билишингиз дуруст эрмас, Оллоҳ таоло сизга ҳам шундай илм берганки, уни менинг ҳам билишим дуруст эрмас!» — дедилар. Шу пайтда бир қуш учи келиб денгиздан тумшуғи бирлан сув ича бошлади. Шунда Хизр «Менинг илмим бирлан сизнинг илмингиз Оллоҳнинг илми олдида мана шу қуш тумшуғи бирлан денгиздан олган сувчалик, холос!» — дедилар. Кейин, икковлари денгиз бўйида туришиб эрди, соҳилдан соҳилга одам ташувчи бир кема келиб қолди. Кемадагилар Хизр алайҳиссаломни таниб «Оллоҳнинг солиҳ бандаси келаётир, ундан ҳақ олмай ўтказиб қўйгаймиз»,— дейишди (Ровий айтадилар «Мен Саъиддан «Улар Хизрни танишдими?» — деб сўрадим. Ул киши «Ҳа»,— дедилар) Кемага ўлтирган-л ридан кейин, Хизр алайҳиссалом кемани тешиб қўйдилар Мусо алайҳиссалом «Кемани тешиб қўйдингиз, унинг одамларини чўктирмоқчимисиз, қандай нотўғри иш қилдингиз?!»—дедилар. Хизр алайҳиссалом «Айтмадимми сизга, мен бирлан сабр қилиб юролмайсиз, деб» — дедилар. Бу Мусо алайҳиссаломнинг Хизр алайҳиссалом шартларини биринчи бор унутишлари эрди (Ул кишининг иккинчи эътирозлари шартли, яъни Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломнинг шартларини биринчи бор унутганларида «Агар бандалик қилиб шартингизни унутиб қўйсам, менга дашном бермай маъзур тутингиз!» деб ўзлари шарт қуйган эрдилар, учинчиси эрса қасддан бўлди) Мусо «Ваъдани унутиб сўраганим учун мени айбламангиз, мени мушкул аҳволга солмангиз» — деб узр айтдилар. Сўнг, йўлда бир болага дуч келишди, Хизр алайҳиссалом уни ўлдирдилар. Яъло Саъиддан нақл қилишларига кўра, «Икковлари йўлда ўйнаб юрган болаларга дуч келишди. Хизр алайҳиссалом улардан бир шўхроғини ушлаб, ерга етқиздиларда, пичоқ бирлан

бўғизладилар. Мусо алайҳиссалом «Бу бегуноҳ болани нега ўлдирдингиз, ахир у бировни ўлдирмаганку?!» — дедилар. Кейин, икковлари юра-юра бир деворга дуч келишди, девор йиқилай деб турган эрди. Хизр алайҳиссалом ўша деворни тиклаб қўйдилар. Шунда Мусо алайҳиссалом «Агар хоҳласангиз, мана шу хизмат учун ҳақ олмоғимиз мумкин эрди» — деб учинчи бор эътироз билдирдилар» (Воқеаълар аввалги ҳадисда тўла баён қилингани учун бу ерда қисқароқ ривоят қилинаётир Хизр алайҳиссаломнинг кемани тешиб қўйганларининг сабаби шуки, кема аҳли йўл олган томонда бир золим подшоҳ бўлиб, у барча яроқли кемаларни тортиб олаётган эрди. Унинг номи Худад ибн Йудад эрди. Ўлдирилган боланинг исмини эрса Жайсур деб тахмин қилишади. Хизр алайҳиссалом «Золим подшоҳ барча яроқли кемаларни тортиб олаётган эрди. Мен уни айбли қилиб қўйдим, чунки подшоҳнинг одамлари уни кўриб «яроқсиз эркан» деб тегишмайди. Улар кетгандан кейин, кема эгалари уни тузатиб яна фойдаланаверишади. Кема тешилгандан кейин, баъзилар тешиқни шиша бирлан тўсиб олишни маслаҳат беришди. Ўлдирилган бола эрса кофир бўлиб, ота-онаси мўминлардан эрди Биз боланинг туғени ва куфри ота-онасини йўлдан чиқармаса эрди, улар болага бўлган муҳаббатлари туфайли унинг динига эргашиб кетмасалар эрди, деб кўркдик, шояд парвардигор уларга осий ўғил ўрнига диёнатли ва меҳрибон фарзанд берса!» — кеб айтибдилар. Саъиддан бўлак барча ровийлар айтадиларки, ўлдирилган бола эвазига Оллоҳ таоло уларга бир қиз ато этибди. Ул қиз шундай солиҳа бўлибдики, унинг зурриётидан бир қанча пайғамбар туғилибди)

4- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Икковлари икки денгиз туташган жойдан ўтиб, кўп юрганларидан кейин, Мусо алайҳиссалом хизматкор йигитларига: «Овқатни келтир, бугунги сафаримиз кўп машаққатли бўлди»,— дедилар. Йигит эрса: «Бизнинг қоя олдида дам олганимиз эсингиздами? Ўша жойда мен балиқни йўқотган эрдим, бул ҳақда сизга хабар қилмоқчи бўлдим-у, лекин мени шайтон эсимдан чиқартирди»,— деди. Балиқнинг сирли равишда денгизга тушиб сузиб кетганлиги буларни таажжубга солган эрди»

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар «Мен Ибн Аббосга «Навфал Баколий «Баний Исроил Мусоси Хизр алайҳиссалом бирлан учрашган Мусо эрмас» деб айтди»,— дедим. Шунда Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дедилар: «Оллоҳнинг душмани ёлғон айтибди. Менга Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳу айтган эрдик, Жаноб Расулуллоҳ бул ҳақда қуйидагича ривоят қилган эрканлар «Бир куни Мусо алайҳиссалом Баний Исроилга хутба ўқидилар, шунда бир одам туриб ул кишидан «Энг билимдон одам ким?» —деб сўради. Мусо алайҳиссалом «Мен» — деб жавоб бердилар. Билимдонлик Оллоҳ таологагина хос фазилят эрканлигини таъкидлаб, «Энг билимдон Оллоҳ таолодур¹» деб айтма-ганлари учун парвардигор ул кишига танбиҳ берди, сўнг ваҳий юбориб «Икки денгиз туташган ерда бир бандам бор, ўша сиздан билимдонроқдур»,— деди Мусо алайҳиссалом «Эй раббим, унинг ҳузурига қандай боргайман?» —дедилар. Оллоҳ таоло «Бир балиқни саватга солиб, ўзингиз бирлан олиб кетасиз, қаерда ўша балиқни йўқотсангиз, ўша жойда мазкур бандамни топасиз»,— деди. Мусо алайҳиссалом хизматкор йигитлари Йушаъ ибн Нун бирлан бирга бир балиқни олиб йўлга тушдилар, улар юра-юра бир катта тош енига келиб тўхташди. Мусо алайҳиссалом ўша тош ёнида бошларини ерга қўйиб ухлаб қолдилар. Амрдан бошқа ровийларнинг айтишларига кўра, ўша тош тагида бир булоқ бўлиб, уни «Ҳаёт булоғи» деб аташар эркан. Унинг бир томчиси ҳар қандай ўликка тегса, қайта тирилар эркан. Саватдаги ўлик балиққа ўша булоқ сувидан сачради-да, у тирилиб, ҳаракатга келди ва саватдан сирғалиб тушиб, денгизга шўнғиди. Мусо алайҳиссалом уйғонгач, хизматкор йигитга «Егулигимизни келтир!»—деб буюрдилар. Бутун машаққат Хизр алайҳиссалом бирлан учрашиш буюрилган жойдан ўтганларидан кейин бўлди. Йушаъ ибн Нун «Дам олган жойдаги тош эсингиздами, ўша жойда мен балиқни йўқотган эрдим»,— деди Сўнг, икковлари ортларига қайтишиб, йўл-йулакай кўрган-кечирганларини сўзлашиб бо ришди. Ниҳоят, балиқ сувга шунғиган жоига етиб келиб

карашса, у ерни Оллоҳ таоло гумбазга ўхшатиб қотириб қўйган эркан. Бу ҳолатни кўрган хизматкор кўп таажжубда қолди. Тош ёнига келишганда либосига ўралиб олган бир кишини учратишди, Мусо алайҳиссалом ул кишига салом бердилар. Хизр алайҳиссалом Ерингизда қаердан ҳам тинчлик (салом) бўлсин — дедилар. Мусо алайҳиссалом: Мен Мусоман»,— дедилар Хизр алайҳиссалом «Баний Исроил Мусосимисиз?» — дедилар. Мусо алайҳиссалом «Ҳа шундай, сизга эргашиб юрсам Оллоҳ, таоло ўзингизга ўрганган илмдан менга ўргатсангиз! — дедилар. Хизр алайҳиссалом «Эй Мусо, Оллоҳ таоло сизга шундай бир илм ўргатганки, уни мен билолмайман ва Оллоҳ таоло менга ҳам шундай бир илм ато этганки уни сиз билолмайсиз!» - дедилар. Мусо алайҳиссалом «Шундай эрса-да, мен сизга эргашавераман!»— дедилар. Хизр алайҳиссалом «Бўлмаса келишиб олайлик, токи ўзим сабабини айтмагунимча бирор нарса ҳақида сўрамайсиз!»— дедилар. Кейин, икковлари соҳил бўйлаб кетаётган эрдилар, уларнинг олдиларидан бир кичик кема ўтиб қолди. Кемачилар Хизр алайҳиссаломни таниб, уларни кемага ҳақ олмай чиқаришди. Икковлари кемага минган пайтларида кема четига бир чумчуқ келиб қўнди-да, тумшугини денгизга ботириб сув ичди. Шунда, Хизр алайҳиссалом «Сизнинг, менинг ва бутун халойиқнинг илми Оллоҳнинг илми олдида мана шу чумчуқ тумшугини денгизга ботириб олган бир томчи сувчалиқдур!» — дедилар. Кўп ўтмай, Хизр алайҳиссалом бир тешани кулларига олиб кемани тешиб қўйдилар. Мусо алайҳиссалом бундан ажабланиб «Булар бизни кемага бепул чиқардилар, сиз эрсангиз ҳаммаларини чўктириш учун кемани тешиб қўйдингиз қандай номаъкул иш қилдингиз!»— дедилар. Сўнг улар йўлда давом этиб, бир болага дуч келишди, бола ўз ўртоқлари бирлан ўйнаб юрарди. Хизр алайҳиссалом уни ўлдирдилар. Мусо алайҳиссалом хуноб бўлиб «Беғуноҳ покиза бир болани ўлдириб, қандайин ёмон иш қилдингиз»— дедилар. Хизр алайҳиссалом «Айтиб эрдим-ку, сиз мен бирлан сабр қилиб юролмайсиз, деб!» — дедилар. Сўнг икковлари яна йўл юриб йиқилай деб турган бир кўрғонга дуч келишди, Хизр алайҳиссалом уни қўллари бирлан тиклаб қўйдилар. Мусо алайҳиссалом «Биз қишлоққа кирдик, қишлоқ аҳли эрса бизни меҳмон қилмади, таом ҳам бермади, агар хоҳласангиз, мана шу ишингизга ҳақ олсангиз бизга егулик бўлур эрди!»— дедилар. Шунда, Хизр алайҳиссалом «Мана бу гапингиз мен бирлан сизнинг ажралмоғимизга сабабдур! Энди, сиз сабр қилолмаган нарса ларнинг тафсилотини айтиб бераман»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ шул ҳақда «Кошки эрди, Мусо алайҳиссалом яна сабр қилганларида, Оллоҳ таоло бизга икковларининг қилган ишларини қисса қилиб берган бўлур эрди!»— деган эрканлар»

5-боб. Оллоҳ таолонинг «Қилган ишлари туфайли жуда кўп зиён кўрган кишилар ҳақида сизларга хабар берайинми, деб айтингиз!» деган қавли хусусида

Мусъаб ибн Умайр ривоят қиладилар: «Қилган ишлари туфайли жуда кўп зиён кўрган кишилар ҳақида сизларга хабар берайинми деб айтингиз» деган оят ҳарурийлар хусусида бўлса керак»— деб отамдан сўрадим (Ҳарурийлар — Ҳазрат Алига қарши чиққан хаворижлардан бўлиб, уларнинг номи Куфа шаҳри яқинидаги Ҳаруро қишлоғига нисбат берилади. Улар Ҳазрат Алига бўйсунмаган биринчи исёнчилар эрди) Отам «Йук, бу яҳудий ва насоролар ҳақида бўлиб яҳудиилар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончи қилдилар, насоролар эрса «Жаннатда овқат ҳам, ичимлик ҳам йўк» деб куфр келтирдилар. Ҳарурийлар хусусига келсак, улар Оллоҳга берган аҳдларини буздилар. (Ислом халифасига байъат қилгандан сўнг, унга қарши исён қилиш Оллоҳга берган аҳдни бузиш, деб юритилади) Шунинг учун Саъд ибн Абу Ваққос уларни «фосиқлар» деб атаган эрдилар»

6-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Улар парвардигорнинг оятларига ва (охиратда) унга юзма-юз бўлишга куфр келтирган кимсалардур, бас уларнинг ҳамма амаллари ҳабата бўлди!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ «Қиёмат куни гавдали, семиз бир одам (маҳшарга) кириб келган, аммо у Оллоҳ таолонинг ҳузурини

пашша қанотичалик тош босмагай» — деб айтдилар Ўқингизлар, Оллоҳ таоло «Қиёмат куни улар учун ҳеч қандай вазн бор қилмаймиз!» — дейди»

«МАРЯМ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Уларни ҳасрат кунидан огоҳ қилингиз!»

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар «Ўлим ола-була кўчқор қиёфасида келтирилади Шунда, бир жарчи «Эй аҳли жаннатлар!»— деб нидо қилади. Аҳли жаннатлар бошларини кўтариб қарашади Жарчи «Мана буни танияпсизларми?» — дейди Улар «Ҳа, бу ўлимдур» — деб жавоб беришади, чунки ҳаммалари уни кўрган бўлишади. Сўнг, жарчи «Эй аҳли дўзахлар!» — деб нидо қилади. Аҳли дўзахлар бошларини кўтариб қарашади Жарчи «Мана буни танияпсизларми?» — дейди. Улар «Ҳа, бу ўлимдур»,— дейишади, чунки улар ҳам ўлимни кўрган бўлишади. Кейин, кўчқор қиёфасидаги ўлим шу ернинг ўзида бўғизланади. Шундан сўнг, жарчи «Эй аҳли жаннатлар, бундан буён ўлмайсизлар, энди ўлимни кўрмайсизлар, эй аҳли дўзахлар, бундан буён ўлмайсизлар, энди ўлимни кўрмайсизлар!» — дейди». Кейин, Жаноб Расулulloҳ қуйидаги ояти каримани тиловат қилдилар «Уларни ҳасрат кунидан огоҳ қилингиз, Оллоҳнинг амри шубҳасиз амалга ошгувчидур, ҳолбуки улар иймон келтирмай ғафлатда юрибдурлар!»

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва биз фаришталар тушмасмиз магар парвардигорингиз амри ила, анинг ихтиёридадур нима нарсаки олдимиздадур ва нима нарсаки кейинимиздадур»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Жаноб Расулulloҳ Жаброил алайҳиссаломга «Менинг ҳузуримга кўпроқ келиб турсангиз! Бунинг учун сизга нима монъелик қилади!»— дедилар. Шунда «Ва биз фаришталар фақат раббингизнинг амри бирлангина (ерга) тушурмиз, нимаики олдимизда ва нимаики ортимиздадур, барчаси Оллоҳ, таолонинг ихтиёридадур» деган оят нозил бўлди»

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй Муҳаммад), бизнинг оятларимизга куфр келтириб, «Менга ул дунёда ҳам мол-дунё ва бола-чақа берилур» дегувчи кимсани кўрдингизми?!»

Хаббоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Мен Ос ибн Воил ас-Саҳмийнинг олдида унга берган қарзимни талаб қилиб бордим У менга «Муҳаммадга куфр келтирмагу-нингча олган қарзимни бермайман!» — деди. Мен «Йўқ, асло, сен ўлиб, қиёматда қайта тирилтирилгунингга қадар ҳам куфр келтирмайман!» — дедим. Ос ибн Воил «Мен ўлсам, қайтатириламани?»— деди Мен «Ҳа»,— дедим Ос ибн Воил «Ундай бўлса, ўша жойда ҳам менинг бола-чақам ва мол-дунём бўлади, қарзимни ўшанда тўлайман»,— деди. Шунда юқоридаги ояти карима нозил бўлди».

4- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Аё, ул (кофир) ғайбдан хабар топибдурми ёки Оллоҳ унга (ул дунёда ҳам мол-дунё ва бола-чақа ато қилурман, деб) ваъда берибдурми?!»

Хаббоб разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Маккада темирчилик қилур эрдим, Ос ибн Воилга бир қилич ясаб берган эрдим, унинг ҳақини олиш учун уйига келдим. Ос ибн Воил «Агар Муҳаммадга куфр келтирмасанг, ҳақингни бермайман!»— деди. Мен: «Сени Оллоҳ ўлдириб, қиёматда қайта тирилтиргунгача ҳам кофир бўлмайман!» — дедим. Ос ибн Воил «Агар Оллоҳ мени ўлдириб, кейин тирилтурса, ўша жойда ҳам менинг бола-чақам ва молу дунём бўлади»,— деди. Шунда Оллоҳ таоло «(Эй Муҳаммад), бизнинг оятларимизга куфр келтириб, «Менга ул дунёда ҳам мол-дунё ва бола-чақа берилур» дегувчи кимсани

кўрдингизми? Аё, ул (кофир) ғайбдан хабар топибдурми ёки Оллоҳ унга (ул дунёда ҳам мол-дунё ва бола-чақа ато қилурман, деб) ваъда берибдурми?» деган ояти каримани нозил қилди»

5- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Йўқ, ундай эрмас, биз унинг айтган гапини ёзиб кўюрмиз ва унга узок муддат азоб берурмиз!»

Хаббоб разияллоҳу анҳу «Жоҳилият даврида мен темирчи эрдим. Мендан Ос ибн Воил қарздор эрди»,— дейдилар. Кейин, Хаббоб Оснинг олдига ўша қарзни сўраб борибдилар. Ос ибн Воил эрса «Муҳаммадга куфр келтирмагунингча олган қарзимни бермайман!»—дебди. Хаббоб «Оллоҳга қасамёд қилурманки, Оллоҳ сени ўлдириб, киёматда қайта тирилтиргунгача ҳам кофир бўлмайман!» — дебдилар. Ос ибн Воил «Ундай бўлса, қуявер, ўлиб, кейин қайта тириладирган бўлсам, ул дунёда ҳам менга бола-чақа, мол-дунё берилади, ўшанда ҳақингни бераман!» — дебди. Шунда Оллоҳ таоло «Эй Муҳаммад, бизнинг оятларимизга куфр келтириб, «Менга ул дунёда ҳам мол-дунё ва бола-чақа берилур» дегувчи кимсани кўрдингизми? Аё, ул (кофир) ғайбдан хабар топибдурми ёки Оллоҳ унга (ул дунёда ҳам мол-дунё ва бола-чақа ато қилурман, деб) ваъда берибдурми? Йўқ, ундай эрмас, биз унинг айтган гапини ёзиб кўюрмиз ва унга узок муддат азоб берурмиз ва олиб кўюрмиз ундан айтиб турган нарсасини ва келур ул хузурумизга ўзи ёлғиз!» деган оятни нозил қилди»

Бу ерда юкоридаги ҳадис такроран келтирилган

**«ТОҲО» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мен сени хос ўзим учун бино қилдим (танладим)»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Одам алайҳиссалом ва Мусо алайҳиссалом учрашишди. Шунда Мусо алайҳиссалом Одам алайҳиссаломга «Инсонларни бахтсиз қилиб жаннатдан қувилишига сабаб бўлган киши сизмисиз?» — дедилар. Одам алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга «Оллоҳ хос ўзи учун бино қилган (танлаган) зот сизмисиз, таврот сизга нозил қилинганмиди?»— дедилар. Мусо алайҳиссалом «Ҳа»,— дедилар. Одам алайҳиссалом «Ундай бўлса, Оллоҳ таоло мени яратишдан аввалроқ тақдиримни белгилаб қўйганлиги ҳақида тавротдан билиб олган бўлсангиз керак?!»— дедилар. Мусо алайҳиссалом «Ҳа» — деб жим қолдилар, чунки Одам алайҳиссаломнинг далиллари кучли эрди»

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз ваҳий юбордик Мусога «Олиб кетгил тунда менинг бандаларимни ва денгизга (дарёга) асо уриб, уларга бир қурук йул қилиб бергил, (шунда) на (душман) қўлига тушишдан ва на ғарқ бўлишдан хавф қилурсан!» деб. Кейин, уларнинг ортларидан Фиръавн ўз лашкари бирлан таъқиб қилди, аммо уларни денгиз ўз гирдобига олди, Фиръавн ўз қавмини гумроҳ қилди, тўғри йўлга солмади»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида яҳудийлар Ошуро куни рўза тутар эрди. Жаноб Расулуллоҳ улардан бунинг сабабини сўраганларида «Бу кун Мусо алайҳиссалом Фиръавн устидан ғалаба қозонган кун бўлиб, биз унинг шукронасига рўза тутамиз»,— дейишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ саҳобаларга «Биз Мусо алайҳиссаломга яҳудийлардан кўра ҳақлироқмиз, шу куни (сизлар ҳам) рўза тутингизлар!» — дедилар»

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Одам, шайтон сиз ва хотинингизга душмандур, у сизни ва хотинингизни жаннатдан чиқармасин, кейин бадбахт бўлиб қолмангиз!»

АбуХурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Мусо алайҳиссалом Одам алайҳиссаломга далил келтириб: «Эй Одам, гуноҳ қилиб одамийзодни жаннатдан чиқарган ва уларни бадбахт қилиб қўйган киши сизмисиз?» — дедилар. Одам алайҳиссалом «Эй Мусо, Оллоҳ таоло ўз бандаларига пайғамбар ва ўзига суҳбатдош қилиб танлаган зот сизмисиз? Оллоҳ таоло мени яратмасидан илгари келгусида қиладирган ишимни аввалдан тақдир қилиб қўйган бўлса, нечун сиз мени Оллоҳ таолонинг иродаси учун маломат қиласиз?»—дедилар. Одам алайҳиссалом бу далил бирлан Мусо алайҳиссаломни мағлуб қилдилар»

«АЛ-АНБИЁ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз дунёни дастлаб қай тариқа осонлик бирлан яратган бўлсак, қиёматда ҳам худди шундай осонлик бирлан қайта пайдо қилурмиз, бу бизнинг ваъдамиздур!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ одамларга хутба қилаётиб бундай дедилар: «Албатта сизлар қиёматда ялангоёқ, яланғоч, яъни асл ҳолатингизда Оллоҳ таоло ҳузурида тирилтириласизлар. Оллоҳ таоло «Биз дунёни дастлаб қай тариқа осонлик бирлан яратган бўлсак қиёматда ҳам худди шундай осонлик бирлан қайта пайдо қилурмиз, бу бизнинг ваъдамиздур, албатта биз буни қилгувчидурмиз»— дейди. Қиёматда биринчи бўлиб Иброҳим алайҳиссаломга кийим кийдирилади. Шу вақт умматимдан бир гуруҳи келтирилиб, дўзахга ҳайдалади. Мен «Эй парвардигор, булар менинг асҳобларим-ку!»—дейман. Менга «Ўзингиздан кейин буларнинг нималар қилганини билмайсиз!» — дейилади. Шунда мен Оллоҳнинг солиҳ бандаси (Исо) айтганларидек «Мен уларнинг ораларида бўлган вақтимда уларга гувоҳ бўлиб турдим. Лекин, мени ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эрса, сен ўзинг уларни кузатиб турдинг. Сен ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдирсан!»—деб жавоб бераман. Менга «Дарҳақиқат, бу одамлар, сиз уларни ташлаб (охиратга) кетган вақтингиздан бошлабоқ ўз йўлларида орқаларига қайтганлар!»—деб айтилади».

«ҲАЖ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Одамларни мастдек ҳолда кўргайсиз»

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: «Қиёмат куни Оллоҳ таоло «Эй Одам!» — дейди. Одам алайҳиссалом «Лаббайка ва саъдайка» — деб жавоб берадилар. Оллоҳ таоло баланд овоз бирлан «Зурриётларингиздан дўзахга тушадирганларини ажратингиз!» — деб буюради. Одам алайҳиссалом «Дўзахийлар қанчадур?»—дейдилар. Оллоҳ таоло «Ҳар минг кишидан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси тушади»,— дейди. Шунда одамлар ҳомиладор аёл бола ташлагудек ва гўдак қариб, соч-соқоли оқариб кетгудек ҳолга тушадилар, барчанинг куркувдан мастдек аҳволга тушганларини кўргайсиз, аммо улар маст эмаслар, балки Оллоҳнинг азоби ниҳоятда қаттиқ бўлажагидан хавфдадурлар» Саҳобаларга бу гап жуда қаттиқ таъсир қилиб, ранглари ўчди. Пайғамбар алайҳиссалом «Яъжуж ва Маъжуждан тўққиз юз тўқсон тўққизта, сизлардан битта. Сўнг сизлар одамлар орасида оқ ҳўкизнинг биқинидаги қора ёки қора ҳўкизнинг биқинидаги оқ туклар монанд ажралиб тургайсизлар, мен умидворманки, сизлар аҳли жаннатларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этгайсизлар!» — дедилар Буни эшитиб, биз енгил тортдик-да, Оллоҳ таолога такбир айтдик Кейин, ул зот яна «Аҳли жаннатларнинг учдан бирини ташкил этсангиз ҳам ажаб эрмас!» — дедилар. Биз яна такбир айтдик. Кейин, яна «Аҳли жаннатларнинг ярми сизлардан иборат бўлмоғидан умидворман!»—деб қўйдилар. Биз яна такбир айтдик»

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Одамлар орасида Оллоҳга шак бирлан ибодат қиладирганлари бор. Агар шундай киши яхшиликка эришса, дили ором олур ва агар бирор бахтсизлик етса, диндан юз ўгириб олур. У бу дунёю охиратда зиён кўрур. Бу эрса очич-ойдин зиёндуру. У Оллоҳни қўйиб, ўзига зиён ҳам, фойда ҳам бера олмайдирган бутларга илтижо қилур. Ана шулдир узок гумроҳлик»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамларнинг баъзиси Оллоҳга шак бирлан ибодат қилур. Яъни баъзи бадавий Мадинага келганда, агар хотини ўғил туғса ва отлари кулунласа, «Бу жуда солиҳ дин эркан» деб мақтарди, агар хотини туғмаса ва отлари кулунламаса, «Бу ёмон дин эркан!» деб айбларди»

3- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Мана шу икки ғаним — мусулмонлар бирлан кофирлар парвардигорлари хусусида талашди»

Абу Зарр ал-Ғифорийдан нақл қилинадики, «Мана шу икки ғаним — мусулмонлар бирлан кофирлар парвардигорлари хусусида талашди» деган ояти карима Ҳамза ва ул кишининг икки шериклари ҳамда Утба ва унинг икки шериги ҳақида нозил бўлган, булар Бадр куни яккама-якка жанг қилган эрдилар»

*Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу «Қиёмат куни мен Раҳмон ҳузурида тиз чўкиб, (китобийлар бирлан юзма-юз) хусуматлашувчиларнинг биринчиси бўлурман»—*дедилар Қайс «Мазкур оят Бадр куни юзма-юз жанг қилган кишилар — Али, Ҳамза, Убайда, Шайба ибн Рабиъа, Утба ибн Рабийъа, Валид ибн Утбалар ҳақида эрди»,— дейдилар

«МЎМИНЛАР» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу «Сурадаги «Ҳайҳота-хайҳота» сўзининг маъноси «узок-узок» демакдур»,— дейдилар

«НУР» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган ҳолда ўз хотинларини бузук, деб бадном қиладирган кишилар (билсинки), бундай одам тўрт марта Оллоҳ таолога: «Албатта, мен рост айтаётирман»,— деб қасамёд қилур»

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Уваймир исмли киши Баний Ажлоннинг улуғи Осим ибн Адийнинг олдига келиб «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мен учун сўраб берингиз, агар бир киши ўз хотини ҳузурида бегона эркакни кўрса-ю, уни ўлдирса, кейин қотилни ҳам ўлдирасизларми ёки нима қиласизлар?»—деди. Осим Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига келиб, «Ё Расулаллоҳ!» — дея бояги саволни берди Аммо, ул зот бундай масала хусусида жавоб бермоқни истамадилар. Осим уйига қайтиб борганда, Уваймир берган саволининг жавобини сўради. Шунда Осим «Жаноб Расулуллоҳ бундай саволни номаъқул кўриб, айбладилар»,— деди. Уваймир «Жаноб Расулуллоҳдан бу ҳақда сўраб билиб олмагунимча тинчимагайман!» — деди. Кейин, у ўзи Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб «Эй Оллоҳнинг пайғамбари, агар бир киши хотини бирлан бегона эркак турганини кўрса уни ўлдирадими? Агар ўлдирса, қотилни ҳам ўлдирасизларми ёки нима қилинади? — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ «Оллоҳ таоло сен ва хотининг ҳақида Куръон (оят) нозил қилди»,— дедилар-да, Оллоҳ таоло оятда буюргандек икковини лиён қилмоқни буюрдилар. Мулоъанадан сўнг, Уваймир Жаноб Расулуллоҳга «Эй Оллоҳнинг расули, бу хотинни ушлаб турсам, унга зулм қилган бўлурман!»—деб хотинини талоқ қилиб юборди. Шу-шу бўлди-ю, мулоъана қилишган эр

учун хотинини талоқ қилиб юбориш суннат бўлиб қолди. Кейин Жаноб Расулуллоҳ «Кузатиб юрингизлар, агар ўшал хотин болдири йўғон бола туғса, демак Уваймирнинг хотинига қилган даъвоси рост бўлади. Мободо, туғилган боланинг ранги қизғиш бўлса, Уваймир хотинига туҳмат қилган бўлади»,— дедилар. Қарангки, ҳақиқатан ҳам ўшал хотин тукқан бола Уваймирнинг даъвосини тасдиқлади. Шундан сўнг, бола онасига мансуб қилинадирган бўлди»

2- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва (эр) бешинчи марта дерки, худонинг лаънати менга бўлсин агар ёлғончи бўлсам!»

Саҳл ибн Саъд *разияллоху анху бундай дейдилар* «Бир одам Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб «Эй Оллоҳнинг расули! Нима дейсиз, бир одам ўз хотинининг ёнида бир бегона эркакни кўрса, уни ўлдирадими, агар ўлдирса, қотилни ҳам ўлдирасизларми ёки унга нима қиласизлар?» — деб сўради. Шунда Оллоҳ таоло улар ҳақида мулоъана оятини нозил қилди Кейин, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам савол берган одамга «Оллоҳ сен ва хотининг ҳақида ҳукм туширди»,— дедилар. Эр ва хотин бир-бирларини мулоъана қилишди. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг ёнларида туриб бу воқеъага гувоҳ бўлдим. Жаноб Расулуллоҳ икковини ажратиб юбордилар. Шундан сўнг, бир-бирини лаънатлаган эр-хотинни ажратиб юбориш суннатга айланди. Ўша аёл ҳомиладор эрди. Унинг эри болани ўзидан эрканлигини инкор қилди. Шундан эътиборан, туғилган бола онасига нисбат бериладирган бўлди. Кейин, она бирлан боланинг ўртасидаги меросхўрлик ҳуқуқи ҳам суннат қилинди. Онанинг ўз боласига, боланинг эрса онасига ва у тарафдан бўлган қариндошларга меросхўрлик қилиши Оллоҳ амр қилган йул бирлан жорий бўлди»

3- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Эрим шак-шубҳасиз ёлғончилардандур!» деб Оллоҳ таолога тўрт марта қасамёд қилмоқлик аёлдан жазони даф қилгай»

Ибн Аббос разияллоху анху ривоят қиладилар: «Ҳилол ибн Умайя Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларида ўз хотинини Шарик ибн Самҳо бирлан зино қилганликда айблади. Пайғамбар алайҳиссалом унга «Айтган сўзингнинг ростлигининг исботи учун далил келтирасан ёки туҳмат учун орқангга саксон дарра урилади!»—дедилар. Ҳилол «Эй Оллоҳнинг расули, бирортамиз ўз хотинимизнинг устида бегона эркакнинг ётганини кўрсаг-у, аммо у қочиб кетса далил сўраладим» — деди. Пайғамбар алайҳиссалом «Айтган сўзингга далил келтирасан ёки саксон дарра орқангга урилади» —деб туриб олдилар. Ҳилол ибн Умайя «Сизни ҳақ дин бирлан юборган зотга қасамёд қилурманки менинг сўзим ростдур! Оллоҳ таоло менинг орқамни дарра урилмоғидан қутултирадиргай оят нозил қилса, ажаб эрмас!»—деб чиқиб кетди. Бироздан сўнг, Жаброил алайҳиссалом «Ўз хотинларини зинода айблаган эркаклар» деб бошланадирган оятни Жаноб Расулуллоҳга ваҳий қилиб келтирдилар. Жаноб Расулуллоҳ ваҳий қабул қилиб бўлганларидан кейин, Ҳилол ва унинг хотинига одам юбордилар. Улар келиб, ҳар бири ўзини оқлаб қасам ичди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ «Албатта, Оллоҳ таоло икковингиздан бирингиз ёлғончи эрканлигингизни билур, бас қайси бирингиз гуноҳингизга иқрор бўлиб, тавба қилгайсиз?» — деб сўрадилар. Кейин, хотин туриб, тўрт бор ўзини оқлаб қасам ичди. Жаноб Расулуллоҳ унинг бешинчи бор қасам ичишига қаршилиқ қилиб «Азоби қаттиқ бўлур!»—деб огоҳлантирдилар. Шунда аёлнинг тили каловланиб сўзга келмай қолди. Бироқ у барибир бешинчи бор қасам ичиб юборди. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга «Аёлни кузатиб юрингизлар, агар у кўзи қора, думбалари тўла, болдири йўғон бола туғса, демак у Шарик ибн Самҳонинг боласи булур» — дедилар. Кейин, хотин айтганларидек қиёфада бола туғди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом «Агар Оллоҳнинг Китоби ҳукм қилмаганда эрди, мен бу аёлни тошбўрон қилмоққа буюрган бўлур эрдим!»—дедилар»

4- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва (хотин) бешинчи марта дерки, Оллоҳнинг ғазаби менга бўлсин агар бу эр ростгўй бўлса!»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Бир одам Жаноб Расулуллоҳнинг замонларида ўз хотинини зинокорликда айблаб, унинг ҳомиласидан тонди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ буюрдилар, икковлари бир-бирларини мулоъана қилишди. Кейин, Оллоҳ таоло Қуръонда амр қилганидек, туғилган бола онасига мансуб қилинди, эр-хотин ажратиб юборилди»

5-боб. Оллоқ таолонинг қавли: «Албатта, бўхтон тўқиганлар ўзларингиздан бўлган бир тўдадур. Буни сизлар ўзларингиз учун ёмон, деб ўйламангизлар, балки бу сизлар учун яхшироқдур. Бўхтончиларнинг ҳар бири учун ўзлари касб қилганча гуноҳ бордур. Улардан гуноҳнинг энг катта ҳиссасини кўтарган киши учун улуг азов бордур!»

Оиша разияллоҳу анҳо «Ўзига энг катта гуноҳ орттирган киши Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулдура»,— дейдилар»

6- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Мўмин эрлар ва мўмина аёллар, бу бўхтонни эшитган пайтингизда на учун ўзларингиз ҳақингизда яхшилиқни ўйлаб: «Бу очикдан-очик бухтон-ку!»— демадингизлар? На учун бўхтончилар тўртта гувоҳ келтирмадилар? Энди, тўртта гувоҳ келтира олмасалар, у ҳолда Оллоҳ наздида ёлғончилар!»

Пайгамбарилиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг одати шарифлари шундай эрдик, қачон сафарга чиқмоқчи бўлсалар, хотинлари ўртасида қуръа ташлар эрдилар. Қуръа кимнинг номига чиқса, ўшани ўзлари билан бирга олиб кетар эрдилар. Бу гал ҳам худди шундай қилиб эрдилар, қуръа менинг номимга чиқди. Мен ул зот билан бирга сафарга чиқадирган бўлдим. Бу вақт аёлларга ҳижоб (чочвон) кийиш буюрилган вақт эрди. Мен кажавамга чиқиб жойлашиб олдим. Сўнг, сафарга жўнаб кетдик. Жаноб Расулуллоҳ ғазот тугагач, ортга қайтдилар. Кечаси Мадинага яқинлашиб қолганимизда, дам олишга рухсат бердилар. Мен кажавамдан тушдим-да, аскарлардан четроққа бордим, ишимни битириб, яна туямнинг ёнига келдим. Шу пайт билдимки, бўйнимдаги маржоним узилиб, тушиб қолибди.

Уни кидириб ушланиб қолдим. Шунда хизматкорлар келиб, кажавамни туяга ортиб жўнаб кетишибди, чунки улар мени кажавода, деб ўйлашибди. Дарвоқе, ўша вақтда аёллар фақат атала ичганлари учун ортиқча семирмай енгил бўлар эрдилар. Шу боисдан ҳам кажавани кўтарганда унинг енгиллигини фарқ қилишмаган. Бунинг устига мен ёш кизалоқман. Улар туяни ҳайдаб жўнаб кетаверишибди. Аскарлар кетиб бўлган пайтда мен маржонимни кидириб топдим. Сўнг, улар турган жойга келсам, бирор чақирувчи ҳам, жавоб берувчи ҳам йўқ. Жойимдан қимирламасликка аҳд қилдим, чунки улар йўлда менинг йўқолиб қолганимни билишгач, излаб қайтиб келиб қолишса керак, деб ўйладим. Ўлтирган жойимда мендан уйқу қолиб кела бошлади ва мен ухлаб қолдим.

Сафвон ибн Муъаттал ас-Сулабий аз-Заквоний аскарларнинг кетидан назорат қилиб юрадирган киши эрди. У кечаси билан йўл юриб, мен турган жойга етиб келиб қараса, бир одам ухлаб ётибди, яқинроқ келиб, дарҳол мени танибди, чунки чочвон кийиш жорий қилинмасидан бурун у мени кўрган эрди. Мени танигач, хайрон бўлиб «Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун» деганидан уйғониб кетдим. Шу ондаёқ юзимни чочвон билан тўсиб олдим. Оллоҳга қасамёд қилурманки, у менга бир оғиз ҳам сўз гапирмади, мен унинг «Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун» деган сўзинигина эшитдим, холос. Кейин, у туясини чўқтирди, шунда мен унга чиқиб олдим. У туяни етаклаганча юриб кетди, биз аскарлар Мадинага етиб олгандан сўнг, куннинг қаттиқ иссиғида шаҳарга кириб келдик.

Шу воқеа бўлди-ю, барчанинг ороми бузилди. Бўхтончиларга бош бўлган киши Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул эрди. Мадинага келганимиздан сўнг, мен бир ой касал бўлиб ётиб қолдим. Шунда бўхтончилар тарқатган гапни одамлар ҳамма жойда гапира бошлабди. Мен эрсам бу гаплардан мутлақо беҳабар эрдим. Илгарилари касал бўлсам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга кўп меҳрибончиликлар кўрсатур эрдилар, энди бўлса ундан асар ҳам йўклиги дилимни ғаш қилур эрди. Шу кунларда ул зот хузуримга кириб «Тузукмисан?» дер эрдилар-да, индамай чиқиб кетар эрдилар. Мана шу ҳолат менинг шубҳамни орттитар эрди-ю, аммо мен ёмонлик айнан менинг хусусимда бўлаётганини билмас эрдим. Бироз ўзимга келганимдан сўнг, бир куни ташқарига чиқдим. Мен бирлан бирга ҳожатга Умму Мистаҳ ҳам чиқди. Ташқарида бизнинг ҳожатхонамиз бўлиб, тунлари ҳожатга ўша ерга борур эрдик. Бу воқеа уйимиз яқинига чуқур кавлаб ўраб олганимиздан аввал бўлган эрди. Биз араблар илгарилари ҳожатга узоқроқ ерга борур эрдик, чунки ҳожатхонанинг уйга яқинлиги бизга озор берур эрди. Умму Мистаҳ Абу Раҳм ибн Абду Манофнинг қизи бўлиб, онаси Абу Бакрнинг холалари — Саҳр ибн Омирнинг қизи эрди. Мистаҳ ибн Усоса эрса Умму Мистаҳнинг ўғли эрди. Ўшанда мен Умму Мистаҳ билан уйимиз томон ҳожатдан қайтаётган эрдим, Умму Мистаҳ ўзининг тупугига тойилиб кетиб «Ноумид булгур Мистаҳ!»—деб қарғанди. Мен унга «Қандай бемаъни гапни айтдингиз, Бадра иштирок қилган кишини ҳам шундай ёмон қарғайсизми?!»—дедим. Умму Мистаҳ «Вой соддаей, унинг нималар деб юрганини эшитмадингизми?»—деди. Мен «У нималар дебди?»—дедим. Шунда Умму Мистаҳ менга бўхтончилар тарқатган гапларни айтиб берди. Бундан дардимга дард кўшилди. Кейин, мен уйга қайганимда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хузуримга кириб салом бердилар ва одатдагидек «Тузукмисан?» деб сураб эрдилар, мен «Эй Оллоҳнинг расули, менга изн берсангиз, ота-онамнинг олдиларига борсам!»—дедим, чунки мен ота-онамдан аниқроқ бир гап билмоқчи эрдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга изн бердилар, мен ота-онамнинг олдиларига келдим. Онамга «Эи онажон, одамлар нималар дейишаётир?»—дедим. Онам «Эй қизим, ўзингга олма, бирор аёл чиройли бўлса-ю, эри уни яхиш кўрса, кундошлари албатта рашқдан иғво тўқишади-да!» - дедилар. Мен онамга «Субҳоналлоҳ, ахир одамлар мен ҳақимда бўхтон қилишяпти-ку!»—дедим, кейин шу кеча кўзимга уйку илинмади, йиғлаб тонг оттирдим.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ваҳий келавермаганидан кейин, Али ибн Абу Толиб ва Усома ибн Зайдни чақириб, хотинларидан (мендан) ажраш тўғрисида маслаҳат қилдилар. Шунда Усома ибн Зайд мени пок эрканлигимни айтиб: «Эй Оллоҳнинг расули, биз оилангизни фақат яхши, деб билурмиз!»—дедилар. Аммо Али ибн Абу Толиб эрсалар «Эй Оллоҳнинг расули! Оллоҳ сизни аёллар борасида қисиб кўймаган-ку, ундан бошқа хотинларингиз ҳам кўпку, ҳатто хизматкор аёлдан ҳам сўрашингиз мумкин, у ҳам бизнинг гапимизни тасдиқлайди»,—дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жория Барийрани чақирдилар-да, ундан: «Эй Барийра, сени шубҳага солган бирор нарса Оишадан содир бўлганми?» деб сўрадилар. Барийра «Эй Оллоҳнинг расули! Сизни ҳақ дин бирлан юборган зотга қасамёд қилурманки, содир бўлган эрмас! Унинг бор-йўғ айби, у ҳам бўлса, унинг ёш қизчалигидур, агар унга хамирни ишониб топширсангиз, ухлаб қолиб кўзичоқ келиб хамирни еб кетади»,—деди. Шундан сўнг, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулдан қилган бўхтони учун узр сўрашни талаб қилдилар. Ул зот минбарда туриб бундай дедилар: «Эй мусулмонлар жамоаси, менинг оиламга бўхтон қилиб, менга озор етказган кишини ким менга узр айттира олур? Оллоҳ таолога қасамёд қилурманки, мен оиламни фақат яхши, деб билурман! Бўхтон қилинаётган эркак ҳақида ҳам мен фақат яхши фикрдаман. У қачон менинг оилам олдига кирса, фақат мен бирлан бирга кирур эрди!» Шунда Саъд ибн Маоз разияллоҳу анҳу ўринларидан туриб «Эй Оллоҳнинг расули, у одамни сизга мен узр аттирурман, агар у Авс қабиласидан бўлса, бўйинини узурман, мобоодо Хазраж қабиласидан бўлса, ул ҳолда сиз нима буюрсангиз, шуни қилурмиз!»—дедилар. Буни эшитиб Саъд ибн Убода дик этиб ўрнидан турди, у Хазраж қабиласининг

бошлиғи бўлиб, илгари солиҳ киши бўлган эрди, ҳозир эрса ҳамияти кўзғолиб Саъд ибн Маозга «Оллоҳга қасамед қилурманки, уни ўлдиролмагайсан, ўлдириш кўлингдан келмагай¹» — деди. Шунда Усайд ибн Ҳазир (Саъд ибн Маознинг амакиваччалари) Саъд ибн Убодага «Бекор айтибсан, Оллоҳга қасамед қилурманки, албатта уни ўлдиргаймиз, аммо сен эрсанг мунофиқсан, чунки мунофиқларнинг ёнини олурсан!» — деб бақирдилар. Шу тариқа Авс бирлан Ҳазраж жанжаллашиб, ҳатто бир-бирларини ўлдиришга қасд қилиб қолишди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб уларни жаҳлдан туширишга кўп уриндилар. Ниҳоят барча жим бўлди, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳам сукут қилдилар.

Мен ота-онамнинг уйида шу куни ҳам қолдим, кўз ёшим сира тўхтамади, кўзимга уйку илинмади, ота-онам бу кеча ҳам ёнимда тонг оттиришди, икки кеча ва бир кундуз тинмай йиғладим. Ота-онам эрсалар, йиғлайверганидан жигари эзилиб кетди, деб дилпора эрдилар. Шу аснода бир ансория аёл ичкарига киришга рухсат сўраб қолди. Ижозат берганимдан кейин, кириб ўлтирди-да, у ҳам мен бирлан бирга йиғлашга тушди. Биз шу ҳолда ўлтирган эрдик, Жаноб Расулulloҳ кириб ёнимга ўлтирдилар, ваҳоланки ул зот бўҳтон гаплардан кейин ёнимга ўлтирмай кўйган эрдилар. Менинг ҳақимда эрса, мана бир ой бўлибдики, ҳануз ваҳий келмас эрди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ёнимга ўлтираётиб Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар, сўнг «Эй (Оиша, сенинг ҳақингда менга турли гапларни айтишди. Агар пок бўлсанг, Оллоҳ таолонинг ўзи сени тезда оқлайди, башарти сендан гуноҳ содир бўлган бўлса, ул ҳолда Оллоҳга истиғфор айтгин унга тавба қилгин¹ Чунки, банда ўз гуноҳини эътироф қилиб Оллоҳга тавба қилса, Оллоҳ УНИНГ тавбасини қабул қилгай»,— дедилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам гапларини тугатганларидан кейин, кўз ешим тинди, ҳатто бир қатра ҳам чиқмади. Мен отамга «Расулulloҳнинг гапларига жавоб берингиз!» — дедим. Отам «Оллоҳга қасамед қилурманки, бул зотга не демоғимни билмасман!»—дедилар. Сўнг, онамга ҳам «Расулulloҳнинг гапларига жавоб берингиз!»—дедим. Онам ҳам «Оллоҳга қасамед қилурманки, бул зотга не демоғимни билмасман!»— дедилар. Шундан сўнг, мен бундай дедим: «Мен Куръондан кўп нарсаларни ўқий олмайдирган бир норасида қизалоқмен, сиз катталар эрсангизлар, менинг хусусимдаги бўҳтонни эшитибок, ўйлаб-нетиб ўлтирмай, унга ишондингизлар, уни дилларингизга жо ҳам қилдингизлар Шунинг учун ҳам мен «покман» деганим бирлан сизлар менга ишонмайсизлар, ваҳоланки Оллоҳ таоло менинг поклигимни билиб турибдир. Башарти, мен бирор гуноҳни эътироф қилсам, сизлар дарҳол бунга ишонгайсизлар, ваҳоланки Оллоҳ таоло менинг поклигимга ўзи гувоҳдир, Оллоҳ таолога қасамед қилурманки, сизларга Юсуфнинг отаси айтган гапдан бўлак айтадирган гапим йўқ! Ул киши «Энди, сабр қилмоғим яхшидур, сизларнинг бу гапларингиздан халос бўлмоғим учун Оллоҳ таолодангина мадад тиларман!»— деган эрдилар» Мен шундай дедим-да, тескари қараб тўшагимга ётиб олдим. Мен ўзимнинг поклигимни яхши билур ва «Оллоҳ таоло албатта мени оқлагай!» — деб ишонур эрдим. Аммо, мен «Оллоҳ таоло менинг ҳақимда тиловат қилинадирган ваҳий нозил қилгай» — деб сира ҳам ўйламаган эрдим, Оллоҳ таолонинг менинг хусусимда тиловат қилинадирган оятлар орқали сўзламоғидан орланур эрдим. Мен фақат «Жаноб Расулulloҳ туш кўрсалар-у, тушларида ул зотга менинг поклигим аён қилинса!»— деб умид қилур эрдим, холос Оллоҳ таолога қасамлар ичурменки, на Жаноб Расулulloҳ ва на уйдагиларнинг бирортаси ташқарига чиқмоққа хезланиб улгурмади, тўсатдан ул зотга ваҳий нозил бўлиб қолди. Жаноб Расулulloҳни қаттиқ иситмадан кейин бўладирган безгақдек қалтироқ босди, баданларидан маржондек тер қуйилди. Бироздан сўнг, Жаноб Расулulloҳ табассум қилган ҳолда ўзларига келдилар. Ул зотнинг дастлаб айтган гаплари—«Эй Оиша, сени Оллоҳ таоло оқлади!» деган жумла бўлди. Шунда онам менга «Тур, Расулulloҳга куллуқ қил!» — дедилар. Мен «Оллоҳга қасамед қилурманки, Расулulloҳга таъзим қилмагайман, ташаккур ҳам айтмагайман, мен фақат Оллоҳга куллуқ қилгайман ва Оллоҳга ҳамд айтгайман!» — дедим.

Ўшанда Оллоҳ таоло «Албатта, бўҳтон тўқиганлар ўзларингиздан бўлган бир

тўдадур» деб бошланадирган ўнта оят нозил қилган эрди. Оллоҳ таоло менинг поклигим тўғрисидаги мазкур оятларни нозил қилгандан сўнг, отам Абу Бакр Сиддик разияллоҳу анху камбағаллиги ва қариндошлиги сабабли ўзлари ёрдам қилиб турган Мистаҳ ибн Усоса ҳақида «Оллоҳга қасамёд қилурманки, Оиша ҳақида бўхтон қилгани учун Мистаҳга ҳеч қачои ҳеч нарса бермагайман!»—деб онт ичдилар. Шунда Оллоҳ таоло: «Сизлардан фазлу давлат эгалари бўлмиш кишилар қариндошлари, мискинлар ва муҳожирларга Оллоҳ йулида эҳсон қилмасликка қасам ичмасинлар, аксинча уларни кечирсинлар. Оллоҳнинг сизларни мағфират қилмоғини истамайсизларми? Оллоҳ мағфиратли меҳрибондур!» — деган оятни нозил қилди. Шундан сўнг, отам Абу Бакр Сиддик: «Ҳа, ё Оллоҳ, албатта мағфиратингни истарман!»—дедилар-да, илгаригидек Мистаҳга нафақа бера бошладилар. «Оллоҳха қасамёд қилурманки Мистаҳнинг нафақасини заррача ҳам камайтирмагайман!»—деб эрдилар ўшанда отам. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мен ҳақимда Зайнаб бинти Жаҳшдан ҳам сўраган эрдилар. У «Эй Оллоҳнинг расули, мен қулоғим бирлан кўзимни (қабохатдан) эҳтиёт қилурман, мен Оиша ҳақида фақат хайриятни билурман! — деган эрди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари ичида мана шу Зайнабгина мени ҳимоя қилган эрди, Оллоҳ таоло уни ҳамиша тақвода сақлади. У бирлан жанжаллашган синглиси Ҳанна эрса ҳалок бўлган бухтончилар қаторида ҳалок бўлди»

7-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар сизларга дунё ва охиратда Оллоҳнинг фазлу марҳамати булмаганда, албатта сизларни тинмай сўзлаган гапларингиз (бўхтонларингиз) сабабли буюк азоб ушлаган бўлур эрди!»

Оиша разияллоҳу анҳонинг оналари Умму Румон «Оишага бўхтон қилинганда, у ҳушдан кетиб йиқилди»,— дейдилар

8-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сизлар уни тилларингиз ила нақл қилиб, оғизларингиз ила аниқ билмаган нарса хусусида сўйлаганингизда, буни бир арзимас иш, деб ҳисобладингизлар. Ҳолбуки, Оллоҳ наздида бу улуг гуноҳдир!»

Ибн Абу Мулайка: «Мен Оишанинг мазкур оятни ўқиётганларини эшитганман»,— дейдилар.

9-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Уни (бўхтонни) эшитган пайтингизда, «Бу бухтонни сўзлаш бизлар учун жоиз эрмас, эй парвардигор, бу очикдан-очик бўхтон-ку!» деб айтсангизлар бўлмасмиди?!»

Ибн Абу Мулайка разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Ибн Аббос разияллоҳу анху ниҳоятда толиққан, ўлим тўшагида ётган Оиша онамизнинг вафотлари арафасида ул муҳтарамани кўриш учун ижозат сўрадилар. Шунда Оиша онамиз «Қўрқаманки, у мени мактаб қўйгай», —дедилар. Уйдагилар «Ибн Аббос Жаноб Расулуллоҳнинг амакиваччалари, бунинг устига ул киши кўплаб мусулмонлар номидан келганлар — дейишди. «Майли у кишига ижозат берингизлар!»—дедилар. Оиша онамиз Ибн Аббос (кириб) «Ўзингизни қандай сезаётирсиз?»—деб сўрадилар. Оиша разияллоҳу анҳо «Оллоҳ таолонинг даргоҳига комил иймон бирлан боролсам, яхши бўлур эрди!» —дедилар. Ибн Аббос разияллоҳу анху «Худо хоҳласа охиратингиз бахайр булгай, чунки сиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалолларисиз, ул зот сиздан бошқа бирорта бокира қиз олмаганлар. Оллоҳ таоло сизнинг поклигингиз ҳақида осмондан оят нозил қилган!» — дедилар. Ибн Аббосдан кейин Ибн Зубайр кирдилар. Оиша разияллоҳу анҳо ул кишига «Ибн Аббос кириб, мени мактади Мен эрсам, умуман унутилиб кетмоғимни истар эрдим!» —

дедилар» Қосим, яъни Муҳаммад ибн Абу Бакр «Ибн Аббос разияллоҳу анху Оишанинг зиёратларига кириш учун изн сўрадилар» деган ҳадисни ривоят қиладилар, аммо унинг охирида «Умуман унутилиб кетсам эрди!» деган жумла йўқ»

10-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар мўмин бўлсангизлар, шунга ўхшаш

нарсаларни харгиз қайтармасликларингизни Оллоҳ сизларга панд-насихат қилур!»

Масруқ ривоят қиладилар: «(Оиша разияллоҳу анҳо «Ҳассон ибн Собит менинг зиёратимга келиб, киришга изн сўради»,— дедилар. Шунда мен «Бундай одамларнинг киришига ҳам изн бераверасизми?» — дедим. Оиша онамиз «Ахир, у Оллоҳ таоло ваъда қилган буюк азобни тортаётирку!» — дедилар».

Суфённинг айтишларича, Оиша онамиз айтган азоб Ҳассоннинг кўзлари кўр бўлиб қолганлигидир. Ўшанда Ҳассон Оиша онамизнинг хузурларига кирганда «Пок ва ақли етук кишилар бўхтон қилмайдилар ва покдомонлар гўштини ейишга мушток бўлмайдилар» деган мазмунда ғазал ўқибди. Оиша онамиз унга: «Лекин, сен ўзинг ундайлардан эмассан!» — дебдилар».

11-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилур, Оллоҳ илм ва ҳикмат соҳибидур!»

Масруқ ривоят қиладилар: «Ҳассон ибн Собит Оиша онамизнинг хузурларига кирди ва бундай деб ғазал ўқиди « Пок ва ақли етук кишилар бўхтон қилмайдилар ва покдомонлар гўштини ейишга мушток булмайдилар» Оиша онамиз унга жавобан: «Лекин, сен ўзинг ундайлардан эмассан!» — дедилар. Мен Оиша онамизга « Бундай кишиларнинг хузу-рингизга киришга нечун рухсат берасиз? Ахир Оллоҳ таоло улар ҳақида «Аммо, гуноҳнинг энг катта хиссасини кўтарганлар учун улуғ азоб бордур!» деб оят юборган-ку?» — дедим. Оиша разияллоҳу анҳо: Кўзи кўр бўлиб қолишдан ҳам қаттиқроқ дунёда азоб борми?» — дедилар, кейин яна «Илгари у Жаноб Расулulloҳни душманлар ҳажвдан сақлаб турарди»—деб қўшиб қуйдилар».

12-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Албатта, иймои келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини истайдирган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордур. Оллоҳ билур, аммо сизлар билмассиз! Агар сизларга дунё ва охиратда Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганда (азобни ўша заҳоти юборган бўлур эрди). Орангиздаги фазл ва катта бойлик эгаси бўлган кишилар қариндошларига, мискинларга ва муҳожирларга Оллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасинлар, балки уларни кечирсинлар. Оллоҳ сизларни мағфират қилмоғини истамайсизларми? Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондур!»

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Менинг ҳақимда бўхтон тарқатилиб, бундан мен ҳам хабардор бўлганимдан кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг ҳақимда хутба ўқишга турдилар. Аввал калима келтириб Оллоҳга муносиб ҳамду санолар айтганларидан сўнг «Эй мўминлар, менинг оилам ҳақида бўхтон қилган кишилар хусусида менга маслаҳат берингизлар. Оллоҳ таолога қасамёд қилурманки, мен оилам ҳақида ҳам, у бирлан бирга туҳмат қилинаётган киши ҳақида ҳам бирор ёмонликни билмасман. Ўша одам мен борлигимдагина уйимга кирур эрди. Мен қачон сафарда бўлсам, у ҳам мен бирлан сафарда булур эрди»,— дедилар. Шунда Саъд ибн Маоз разияллоҳу анҳу ўринларидан туриб: «Эй Оллоҳнинг расули, менга изн берингиз, бу бўхтончиларнинг бўйнини узиб ташлай!»—дедилар. Буни эшитиб, Ҳазраж қабиласидан бир киши ўрнидан турди-да, дағдага бирлан «Бекор айтибсан, Оллоҳга қасамки, агар бўхтончилар Авс қабиласидан бўлса ҳам, уларнинг бўйнига сенинг қилич урмоғингга йул қуймагаиман!»—деди. Шулар тариқа масжидда Ҳазраж бирлан Авс кишилари ўртасида жанг бўлишига оз қолди. Аммо, мен бунинг сабабидан беҳабар эрдим. Кейин, ўшал куни кечқурун уйдан ҳожат учун чиқдим. Мен бирлан Умму Мистаҳ ҳам бирга эрди. Оёғи тойилиб кетиб, «Ноумид бўлгур, Мистаҳ!» деб қарғанди. Мен унга «Эй она, ўз ўғлингизни қарғайсизми?»—дедим. У индамади. Сўнг, яна тойилиб кетиб, яна «Ноумид бўлгур Мистаҳ» деб қарғанди, учинчи бор тойилиб кетганда ҳам шу гапни акрорлади. Мен унга нафрат бирлан қараб эрдим, у «Оллоҳга қасамки, сени деб уни қарғаётирман!»—деди. Мен «Нечун мени деб уни қарғаётирсиз?» — дедим. Шунда у менга бор гапни сўзлаб берди. Мен «Ие, ҳали шундай гаплар бўлдими?»—дедим. У «Ҳа» — деб жавоб берди.

Хушим оғиб, ташқарига нима учун чикқанам ёдимда йўк, уйга қайтиб кирдим, мени қаттиқ иситма олди. Мен Жаноб Расулуллоҳдан отамнинг уйларига юборишларини сўрадим ул зот менга бир хизматкор болани кўшиб юбордилар. Мен уйга кириб келганимда, отам Абу Бакр томда Қуръон тиловат қилар, онам Умму Румон эрсалар, пастда турган эрдилар. Онам менга: «Нечун келдинг, қизим?» — дедилар. Мен онамга бўлган воқеани айтдим. Аммо, бундан онамнинг юзларида ўзгариш сезилмади. Онам менга «Эй қизим, секинроқ гапиргил, номусингни сақлагил, чунким кўпинча эр бирор чиройли хотинини яхши кўрса, унинг кундошлари хасад қилиб, бўҳтон таркатаверишади»,— дедилар. Мен: «Бу ҳақда отам ҳам биладиларми?»—деб сўрадим. Онам «Ҳа»,— дедилар. Мен «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам биладиларми?»—дедим. Онам «Ҳа, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам биладилар»,— дедилар. Буни эшитиб, кўзимдан тиркираб ёш қуйилди, «дод» деб йиғладим. Отам Абу Бакр разияллоҳу анҳу овозимни эшитиб тепадан, Қуръон ўқиётган ерларидан тушдилар. Сўнг, онамдан «Унга не бўлибди?» —деб сўрадилар. Онам «Ўзи ҳақидаги бўҳтонни эшитиб қолибди»,— дедилар. Отам менга «Эй қизалоғим, уйингга қайтишингни маслаҳат бергайман!» — дедилар. Мен уйга қайтдим. Шу аснода Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйга кириб, ходимамдан мен ҳақимда сўраётган эрканлар. Ходима «Оллоҳга қасамки, унинг бирор айби борлигини билмасман! Унинг бор-йўғ айби, у ҳам бўлса, унинг норасида қизчалигидур, агар унга бир хамирни ишониб топширсангиз, болалик қилиб ухлаб қолгай-да, хамирни кўзичоқ еб кетгай»,— деди. Шунда саҳобалардан бири унинг гапини бўлиб, сўралган мақсадни тушунтирдилар-да «Жаноб Расулуллоҳга ҳақиқатни айтасанми, йўқми?»—деб дағдаға қилдилар. Ходима «Субҳоналлоҳ, заргар соф олтинни қандай ажрата олса, мен ҳам Оишанинг поклигини шундай яхши билурман!» — деди.

(Бу бўҳтон ҳақидаги хабар Оиша бирлан бирга қораланаётган кишининг ҳам қулоғига етганда, у «Субҳоналлоҳ, мен умримда бирор аёлнинг кўкрагини ҳам очиб кўрмаганман!» — деди. Кейинчалик, ўша киши Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлди)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам асрни ўқиб бўлганларидан кейин, ҳузуримга кириб келдилар. Шунда ота-онам ёнимда ўлтиришган эрди. Улардан бирлари ўнг ва бирлари чап ёнимда эрдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамду сано айтгач «Эй Оиша, агар ёмонлик (ёки ўзингга зулм) қилган эрсанг, Оллоҳ таолога тавба қилгил, чунки Оллоҳ таоло бандалардан тавба қабул қилгувчидур!» — дедилар. Уйда ансория бир аёл ҳам бўлиб, у эшик ёнида ўлтирар эрди, мен ул зотга «Менга айб қўйгани мана бу аёлдан уялмайсизми?»—дедим. Лекин, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга панд-насихат қилмоқда давом этавердилар. Мен отамга қараб: «Расулуллоҳнинг гапларига жавоб берингиз!» — дедим. Отам «Мен нима ҳам дердим»,— дедилар. Шунда онамга қараб «Бўлмаса, сиз жавоб берингиз!»—дедим. Онам ҳам «Мен нима ҳам дердим»,— дедилар. Икковлари жавоб бермагач, мен калимаи шаҳодат бирла Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтдим-да, сўнг «Оллоҳ таолога қасам ичурманки, ҳатто «Мен покман» деб айтганим бирлан сизлар ишонмагайсизлар, чунки бўҳтонни дилларингизга жо қилиб олгансизлар. Агар мен «Ҳа, гуноҳ қилдим»,— десам, ваҳоланки қилмаганимни Оллоҳ таоло билур, сизлар «Ана энди ростини айтдинг»,— дейсизлар. Шу боисдан ҳам Яъқуб алайҳиссаломнинг «Энди сабр қилмоғим яхшидур, сизлар айтаётган бўҳтондан халос бўлмоғимда менга Оллоҳ таолонинг ўзигина мадакордур!» деган гапларини айтишдан бўлак иложим йўк!» — дедим. Шу аснода Жаноб Расулуллоҳга ваҳий нозил бўлиб қолиб, орага жимлик чўкди. Ваҳий нозил бўлгач, мен ул зотнинг юзларидан хурсандлик аломатини пайқаб олдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешоналарини арта туриб «Эй Оиша, хурсанд бўлгил, Оллоҳ таоло сенинг поклигинг ҳақида хабар нозил қилди!»— дедилар. Бу кун эрса, менинг учун умримда энг қаттиқ ғазабланган кун бўлди. Ота-онам «Тургил, Жаноб Расулуллоҳга қуллуқ қилгил!»— дейишди. Мен «Оллоҳга қасамки, Расулуллоҳдан миннатдор бўлиб ўрнимдан турма-

гайман ҳам, раҳмат айтмагайман ҳам, шунингдек сизларга ҳам раҳмат айтмасман, лекин менинг поклигим ҳақида хабар юборган Оллоҳ таологагина ҳамд айтгумдур. Сизлар эрсангизлар, бўҳтонга қулоқ солиб, уни инкор қилмадингизлар ҳам, куюнмадингизлар ҳам!»—дедим.

Ўшанда Зайнаб бинти Жаҳш менинг ҳақимда нукул яхши гаплар айтган эрди, Оллоҳ таоло уни диёнатли қилди, унинг синглиси Ҳамна эрса, бўҳтончилар тарафини олиб, ўшалар бирлан бирга ҳалок бўлди. Бўҳтончилар — Мистаҳ, Ҳассон ва мунофиқ Абдуллоҳ ибн Убай эрди. Абдуллоҳ ибн Убай янгидан янги иғволар тарқатар эрди. «Гуноҳнинг энг катта хиссасини кўтарган» кишилар мана шу Абдуллоҳ ибн Убай бирлан Ҳамна эрди. Отам Абу Бакр илгарилари Мистаҳга ёрдам қилиб турур эрдилар, ул менга бўҳтон қилгач «Мен энди сира ҳам Мистаҳга эҳсон қилмайман»—деб онг ичдилар. Шунда Оллоҳ таоло «Ораларингиздаги фазл ва бойлик соҳиби бўлганлар қариндошлари, мискинлар ва муҳожирларга Оллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасинлар, балки уларни афв қилсинлар, Оллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизларми? Оллоҳ меҳрибон ва мағфиратлидур!» деган оят нозил қилди. Отам Абу Бакр Сиддик дарҳол»Ҳа, эй парвардигорим, биз мағфират истармиз!» — деб илгаригидек Мистаҳга эҳсон қила бошладилар»

13- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Кўкракларини ёпинғичлари бирлан тўссинлар!»

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Аввалги муҳожирларнинг хотинларини Оллоҳ таоло раҳмат қилсин! Оллоҳ таоло «Кўкракларини ёпинғичлари бирлан тўссинлар!» деган оятни нозил қилганда улар чойшаб-ларидан йиртиб олиб, кўкракларини ёпиб юрган эрдилар»

«АЛ-ФУРҚОН» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Юзлари бирлан юриб бориб жаҳаннамда тўпланувчилар — ана ўшалардур (охиратда) энг жойи ёмон ва бутунлай йўлдан озганлар!»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Бир киши Жаноб Расулуллоҳдан «Эй Оллоҳнинг пайғамбари, қиёмат куни кофирлар қандай қилиб юзлари бирлан юрадирган қилиб тирилтирилади?»—деб сўради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу дунёда икки оёқ бирлан юрадирган қилиб қўйган зот қиёматда юзи бирлан юрадирган қилиб қўймоққа қодир эрмасми?»—дедилар. Шунда Қатода разияллоҳу анҳу: «Ҳа, раббимизнинг улуғлиги ҳақи, албатта қодирдур! — дедилар».

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва Оллоҳга ширк келтирмайдирганлар, Оллоҳ ўлдирмоқни таъқиқ қилган бирор жонни ноҳақ ўлдирмайдирганлар ва зино қилмайдирганлар ва кимки буни қилса (яъни, Оллоҳга ширк келтирса, ноҳақ ўлдирса ва зино қилса), уқубатга мубтало бўлур»

Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Восил ибн Хаббон разияллоҳу анҳумо ривоят қилишади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Оллоҳнинг наздида энг катта гуноҳ қайдур?»—деб сўрашди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳ сени яратган бўла туриб, унга бирор нарса шерик қилмоқлигингдур»,— дедилар. «Кейин, қайси?» — деб сўрашди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Таомингга шерик бўлишидан кўрқиб, ўз болангни ўлдирмоқлигингдур»,— дедилар. «Ундан кейинчи? — деб сўрашди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Қўшнингнинг жуфти ҳалоли бирлан зино қилмоқлигингдур»,— дедилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳнинг гапларининг тасдиқи учун

«ва Оллоҳга ширк келтирмайдирганлар, Оллоҳ ўлдирмоқни таъқиқ қилган бирор жонни ноҳақ ўлдирмайдирганлар ва зино қилмайдирганлар» деган оят нозил бўлди».

Қосим ибн Абу Бузза ривоят қиладилар: «Мен Саъид ибн Жубайрдан «Мўмин кишини қасддан ўлдирган қотил учун тавбага имкон борми?» — деб сўрадим-да, «Оллоҳ ўлдирмоқни таъқиқ қилган бирор жонни ноҳақ ўлдирмайдирганлар» деган оятни тиловат қилдим. Шунда Саъид бундай деб жавоб қилдилар: «Мен ҳам бу оятни худди сиз менга ўқиб берганингиздек Ибн Аббосга ўқиб берган эрдим. Ибн Аббос разияллоҳу анху: «Бу оят Маккада нозил бўлган бўлиб, уни Мадинада нозил бўлган «Ан-Нисо» сурасидаги оят бекор қилган»,— деб эрдилар».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Куфа аҳли мўмин кишини қасддан ўлдирган қотилга берилмайдирган жазо ҳақида ихтилоф қилишди. Шунда мен бу масала ҳақида сўрагани Ибн Аббоснинг ҳузурларига бордим. У киши «Мазкур оят энг кейин нозил бўлган оятлардан ҳисобланур, уни бошқа бир оят бекор қилган эрмас»,— дедилар»

Саъид ибн Жубайр разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Ибн Аббосдан «Қотилнинг жазоси жаҳаннамдур» деган оятнинг мазмунини сўрадим. Ул киши «Қотилнинг тавбаси қабул қилинмайди»,— дедилар. Кейин, «Оллоҳга ширк келтирмайдирганлар» деган оят хусусида сўраб эрдим, ул киши «Бу оят жоҳилият даври (кишилари) хусусида эрди»,— дедилар».

3- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Қиёмат куни унга икки карра кўп азоб берилур ва ул ўшал жойда хорланган ҳолда мангу қолур!»

Ибн Абзий ривоят қиладилар: «Ибн Аббосдан «Кимки мўминни қасддан ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдур» ҳамда «Оллоҳ ўлдирмоқни таъқиқ қилган бирор жонни ўлдирмайдирганлар» деган оятлар ҳақида сўрадим Ибн Аббос разияллоҳу анху бундай дедилар «Бу оят нозил бўлганда, Макка аҳли «Биз Оллоҳга ширк келтириб бўлак тангрига илтижо ҳам қилганмиз, Оллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ҳам ўлдирганмиз, фаҳш ишларни ҳам қилганмиз»,— дейишди. Шунда Оллоҳ уларнинг дилини ҳидоятга чорлаш учун «Кимки гуноҳларига тавба қилса, иймон келтирса ва яхши ишлар қила бошласа, Оллоҳ уларнинг гуноҳларини савобга айлантириб қўюр, Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондур!» деган оятни нозил қилди».

4- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Кимки гуноҳларига тавба қилса, иймон келтирса ва яхши ишлар қила бошласа, Оллоҳ уларнинг гуноҳларини савобга айлантириб қўюр, Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондур!»

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Абдурраҳмон ибн Абзий икки оят хусусида Ибн Аббосдан сўрамоғимни буюрдилар. Аввал мен «Кимки мўминни қасддан ўлдирса...» деган оят ҳақида сўрадим. Шунда Ибн Аббос: «Бу оятни бошқа бирор оят бекор қилгани йўқ,— дедилар. Кейин, мен «Оллоҳга ширк келтирмайдирганлар» деган оят ҳақида сўраб эрдим, Ибн Аббос «Бу оят мушриклар ҳақида нозил бўлган»,— дедилар».

5- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Энди сизларга (албатта сазо бермоқ) лозим булур!»

Масруқ ривоят қиладилар: « Абдуллоҳ ибн Масъуд бундаи дедилар: «Беш аломат— «Тутун», «Ой», «Рум», «Ҳужум» ва «Сазо» бўлиб ўтди»

(«Тутун» Қурайш кофирларининг куфри. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан тобора кучая боргандан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳдан Юсуф алайҳиссалом замонларида бўлган қаҳатчиликдан юборишни сўраган эрканлар. Бир неча йил давом этган қаҳатчилик ва курғоқчиликдан кофирлар дарахт ва кўкатларнинг томирини ейишга мажбур бўлган эркан. Қуриб-қакшаб кетган ердан

кўтарилган чанг-тўзон уларнинг кўзига тутундек бўлиб кўринган эркан Шундан сўнг, улар Оллоҳга илтижо қила бошлабдилар-у, аммо бало кетиши бирланок Пайғамбаримизга яна осийлик қилишда давом этибдилар.

«Ой»: Қурайш кофирлари Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан одатдан ташқари мўъжизалар кўрсатишни талаб қилишарди. Уларнинг талабига биноан, кечаларнинг бирида Жаноб Расулуллоҳ барчанинг кўз олдида Ойни бир ишора билан иккига бўлиб, бирини Машрикқа, иккинчисини Мағрибга жўнатдилар, сўнг яна бир ишора билан бирлаштирдилар. Буни кўриб кофирлар Жаноб Расулуллоҳни сеҳргар дейишди. Бу воқеага Куръондаги «Қиёмат яқинлашди ва Ой тенг иккига бўлинди» деган оят далилдур.

«Рум»: Пайғамбаримиз алайҳиссалом башорат қилиб «Форс мамлакати ҳозирча Рум устидан ғолиб бўлиб турибди, кўп ўтмай Рум форслар устидан зафар кучади»,— деган эрдилар. Орадан етти йил ўтгач, башорат зоҳир бўлиб, Рум мамлакати форслар устидан ғалабага эришди. Бунга Оллоҳ таолонинг «Жуда яқин жойда румликлар мағлуб бўлди, лекин улар бу мағлубиятидан сўнг, яқин йиллар ичида албатта ғалаба қиладилар» деган ояти далилдур.

«Хужум»: Оллоҳ таоло уз ояти каримасида «Тез фурсатда уларни ҳалок қилурмиз» —деб айтган эрди. Бадр куни мусулмонлар мушриклар устига ташланиб, Оллоҳ таолонинг иродаси билан улардан 70 тасини ҳалок қилдилар.

«Сазо»: Оллоҳ таоло ўз ояти каримасида. «Энди сизларга (албатта сазо бермоқ) лозим бўлур!» — деб айтган эрди. Бадр жангида 70 мушрик ўлдирилди, юздан ортиғи асир олинди, бир қанчаси ярадор бўлди, ўлдирилган мушриклардан 24 тасининг жасади энг ифлос чоҳга ташлаб юборилди).

«АШ-ШУЪАРО» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва барча қайта тириладирган кунда мени шарманда қилмагил!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ: «Дарҳақиқат, Иброҳим алайҳиссалом қиёмат кунда оталарини қора тутун босганини кўргайлар»,— дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ: «Қиёмат куни Иброҳим алайҳиссалом оталарини учратгайлар. Шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Эй парвардигор, дарҳақиқат сен ҳамма қайта тириладиган кунда мени шарманда қилмасликка ваъда бергансан!» —дегайлар. Оллоҳ таоло эрса: «Дарҳақиқат, мен жаннатни кофирларга ҳаром қилгандурман!»—деб жавоб бергай»,— дедилар».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Аввал) ўзингизнинг яқин қариндошларингизни кўрқитингиз (охират азобидан огоҳлантирингиз) ва мусулмонлардан ўзингизга эргашганларига хайрихоҳлик қилингиз!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ўзингизнинг яқин қариндошларингизни кўрқитингиз. .» деган оят нозил бўлганда Жаноб Расулуллоҳ Сафо тоғи устига чиқиб, Қурайш қабиласидаги уруғларга «Эй Баний Фихр, эй Баний Адий!» деб нидо қилиб эрдилар, ҳамма жамланди, ўзи келишга кодир бўлмаган кишилар эрса, «Бориб келчи, нима гап эркан» деб одам жўнатди. Абу Лаҳаб ва Қурайшнинг катталари ҳам келишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Нима дейсизлар, агар мен сизларга «Мана бу водийда душман отлиқлари бостириб келишга шайланиб турибди» деб хабар берсам, сизлар менга инонасишларми?»—дедилар. Кўпчилик: «Ҳа, чунки бирор марта ҳам сиздан ростдан бўлак гап эшитмаганмиз!» — дейишди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундай эркан, мен сизларни келгусида бўладирган каттиқ азобдан огоҳлантирурман»,— дедилар.

Абу Лаҳаб: «Сен ҳалок ва барбод бўлгил, шунинг учун бизларни жамладингми?» — деб масхара қилди. Шунда «Абу Лаҳабнинг икки қўли қуриди, моли ва касб қилган нарсаси уни бундан қутултира олмади...» деган сура нозил бўлди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳнинг «Ўзингизнинг яқин қариндошларингизни қўрқитингиз» деган ояти нозил бўлганда, Жаноб Расулуллоҳ ўринларидан туриб: «Эй Қурайш жамоаси, охиратингиз ғамини ўзларингиз енгизлар, мен (охиратда) сизлар учун Оллоҳ таолодан бирор енгиллик сўраб бермагайман! Эй Баний Абду Маноф, охиратингиз ғамини ўзларингиз енгизлар, мен сизлар учун Оллоҳ таолодан бирор енгиллик сўраб бермагайман! Эй Аббос ибн Абдулмутталиб, охиратингиз ғамини ўзингиз енгиз, мен сиз учун Оллоҳ таолодан бирор енгиллик сўраб бермагайман! Эй Расулуллоҳнинг аммаси бўлмиш Сафийя, мен сиз учун Оллоҳ таолодан бирор енгиллик сўраб бермагайман! Эй Фотима бинти Мухаммад, менинг молимдан хоҳлаганингча сўра, аммо Оллоҳ таолодан сенинг учун бирор енгиллик сўраб бермагайман!» — дедилар».

«АЛ-ҚАСАС» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Албатта, сиз ўзингиз яхши кўрган кишини ҳидоят қила олмагайсиз, аммо Оллоҳ ўзи хоҳлаган бандасини ҳидоят қилур!»

Саъид ибн Мусайяб оталаридан нақл қиладилар: «Абу Толибнинг вафот қиладирган куни яқинлашганда Жаноб Расулуллоҳ унинг ҳузурига келдилар. Шунда ул зот Абу Толибнинг олдида Абу Жаҳл, Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ибн Муғйрани кўрдилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй амаки, «Ло илоҳа иллаллоҳ» деб калима келтирингиз, мен ул дунёда Оллоҳ таолога калима келтирганингизни далил қилурман!» — дедилар. Абу Жаҳл бирлан Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ибн Муғйра эрса нуқул: «Абдулмутталибнинг динидан юз ўгирасизми?» — дейишар эрди. Жаноб Расулуллоҳ ҳам «Калима келтирингиз» деб кистайвердилар. Аммо, Абу Толиб калима келтирмай, «Абдулмутталиб миллатида қолурман» дея жон таслим қилди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Худо ҳақи, агар манъ этилмасам, сиз учун истиғфор айтурман!» —деб эрдилар, Оллоҳ таоло «Пайғамбар ва мўминларнинг мушриклар учун истиғфор айтмоқлиги дуруст эмасдур!» деган оятни ҳамда «Албатта, сиз ўзингиз яхши кўрган кишини ҳидоят қила олмагайсиз, аммо Оллоҳ ўзи хоҳлаган бандасини ҳидоят қилур!» деган оятни нозил қилди».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Мухаммад, сизга Қуръонни фарз қилган зот, албатта сизни аввалги мақомга (яъни, Маккага) қайтаргучидур!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Сизни аввалги мақомга қайтаргучидур» дейилганда Макка назарда тутилган», — дейдилар.

«АР-РУМ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Масруқ ривоят қиладилар: «Кинда қабиласидан бир киши бундай деди: «Қиёмат куни бир тутун келиб, мунофиқларнинг қулоғу кўзларини қоплагай. Мўминга эрса тумовдай енгилгина таъсир қилгай». Бу сўзни эшитиб биз қўрқувга тушдик. Мен Ибн Масъуднинг олдларига келиб, шул ҳақда сўрадим. Ибн Масъуд суяниб турган эрканлар, менинг гапимни эшитиб, ғазабландилар-да, сўнг ўлтириб бундай дедилар' «Ким билса, гапирсин, билмаса, Оллоҳ таоло билувчироқ!» десин. Чунки, билмайдирган нарсасини «билмайман» дейиш ҳам илмдандур. Оллоҳ таоло: «Эй Мухаммад, «Мен сизларни даъват қилганим учун ҳақ сўрамайман ва мен қийин аҳволга тушиб қолганлардан ҳам эрмасман!» деб айтингиз!» — дегандур. Бир вақтлар Қурайш исломга киравермади. Шунда Жаноб

Расулulloҳ: «Эй парвардигор, уларга Юсуф алайҳиссалом давридагидек қаҳатчилик юбориб, менга мадад бергил!»—дедилар. Тез фурсатда уларга қаҳатчилик келиб, ўлимтик ва суякларни ейишга мажбур бўлдилар, очликдан бирин-кетин ҳалок бўла бошладилар. Кейин, улар еру осмон оралиғини тутунга ўхшаш нарса қоплаганини кўрдилар Абу Суфён Жаноб Расулulloҳнинг қошларига келиб: «Эй Муҳаммад, ўзингиз бизга қариндошларга яхшилик қилишни буюрасиз, аммо ўз қавмингиз ҳалок бўлаётир-ку?! Оллоҳ таолога дуо қилингиз (мусибатни тўхтатсин!)»—деди».

Кейин, Ибн Масъуд Оллоҳ таолонинг қуйидаги «Сиз кутингиз ул кунники, осмон аниқ бир тутун келтирур («албатта сизлар яна қайтгучидурсизлар» деган сўзигача) оятини кироат қилдилар-да, бундай дедилар: «Улар, ўзларига пайғамбар келиб огоҳлантирганлигига қарамай, куфр келтиришди, шундай бўлгач, нечук улар охира азобидан ҳалос қилинсинлар?! Оллоҳ таолонинг «Ул кунки, биз буюк (қаттик) тутиш қилурмиз» деган қавли ҳам, «Энди, тез фурсатда ул сазо сизларга лозим бўлур» деган қавли ҳам Бадр куни бўлиб ўтди. Оллоҳ таоло: «Мағлуб бўлдилар румликлар яқин бир ерда ва улар мағлуб бўлганларидан кейин, оз фурсатда ғолиб бўлурлар»,— деган эрди, маълумингизки, бу ҳам бўлиб ўтди».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «...Оллоҳнинг яратганини ўзгартиб бўлмас, будур тўғри дин!»

(Яъни, Оллоҳ таоло одамизоднинг хилқатин шундоғ пайдо қилгандурки, агар ул ҳақни тушунмоқ ва қабул қилмоқчи бўлса, қила олур ва ё бошқалар, агар уни аслий табиатига қўйиб берсалар, албатта ул ўзича ҳақ динни қабул этур).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ҳар бир туғиладирган гўдак, албатта, исломда туғиладир. Кейин, уни ота-онаси яҳудий, насоро ёки мажусий қилур. Шунингдек, Оллоҳ таолонинг қудрати ила ҳайвондан ҳам мукамал ҳайвон туғиладур. Айтингчи, ҳайвон боласининг (агар кейин ўзингиз кесмасангиз) бирор аъзоси кесик ҳолда туғилганини кўрганмисизлар? Оллоҳ таоло: «Оллоҳ одамларни яратишда уларнинг табиатига жо қилган хилқатни ўзгартиб бўлмас, будур тўғри дин!» — дейди».

«ЛУҚМОН» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳга ширк келтирма, дарҳақиқат ширк катта зулмдур!»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Иймон келтирган кишилар иймонларини зулмга омукта қилмасалар, уларга хотиржамлик бўлур ва улар ҳидоят топган кишилардурлар» деган оят нозил бўлганда Жаноб Расулulloҳнинг саҳобалари дилларига ташвиш тушди. Улар «Қайси биримиз иймонимизни зулм бирлан булғамадик?!»—дея куюнишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Албатта, бу оятнинг маъноси сизлар тушунгандек эрмас, Луқмоннинг ўз ўғлига «Дарҳақиқат, ширк катта зулмдур¹»—деганини эшитмагансизларми?»— дедилар». (Зулмдан мақсад, мусулмонлар билиб-билмай қилиб кўядирган гуноҳлар эрмас, балки Оллоҳ таолога ширк келтирмоқликдур).

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, қиёматнинг қачон бўлмоғини фақат Оллоҳ билгайдур!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни одамлар бирлан мубоҳаса қилиб ўлтирган эрдилар, шу пайт бир нотаниш киши келиб Жаноб Расулulloҳга «Эй Оллоҳнинг расули, иймон недур?»— деб савол

берди. Жаноб Расулulloх «Иймон Оллоҳга, унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Оллоҳ бирлан қиёматда юзма-юз бўлишга, охиратда қайта тирилишга ишонмоқликдур»,— дедилар. Бояги киши яна «Эй Оллоҳнинг расули, ислом недур?» — деб сўради. Жаноб Расулulloх «Ислом — Оллоҳга ибодат қилмоқлигингиз, унга бирор нарсани шерик қилмаслигингиз, намоз ўқимоқлигингиз, фарз қилинган закотни бермоқлигингиз ва рамазон ойи рўзасини тутмоқлигингиздур»,— дедилар. Бояги киши яна «Эй Оллоҳнинг расули, эҳсон недур?» — деди. Жаноб Расулulloх Эҳсон — парвардигорингизга худди уни кўриб турганингиздек ибодат қилмоқлигингиздур, чунки сиз уни кўрмаётган бўлсангиз ҳам, у сизни кўриб турадур»,— дедилар. Бояги киши яна «Эй Оллоҳнинг расули, қиёмат қачон бўлгай?» — деди. Жаноб Расулulloх «Бу ҳақда сўралгучи сўровчидан билимдонроқ эрмас, лекин сизга қиёматнинг шартларини гапириб берайин: аёл ўз хожасини (яъни, гапига итоат қилмайдиган, аксинча ўзига буйруқ қиладирган фарзанд) туғса, бу қиёмат белгиларидандур, агар ялангоёқ, яланғоч одамлар элга бошлиқ бўлсалар, бу ҳам қиёмат белгиларидандур. Беш нарса хусусида фақат Оллоҳ таолонинг ўзи билур қиёматнинг қачон бўлмоғини, қачон ёгин ёғмоғини, она қорнидаги ҳомиланинг на эрканини, эртага кимнинг қаерда қандай ризки борлигини ва ким қаерда, қай ҳолатда ўлмоғини»,— дедилар. Шундан сўнг, бояги киши чиқиб кетди. Жаноб Расулulloх уни зудлик бирлан қайтариб келмоқни буюрдилар, аммо одамлар ташқарига чиқишганда ҳеч ким йўқ эрди. Жаноб Расулulloх «Бу Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом эрдилар, одамларга уларнинг динларини ўргатиш учун келган эрдилар»,— дедилар».

Абдуллох ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloх «Ғайбнинг калити бештадур»,— дедилар, кейин «Дарҳақиқат, қиёматнинг қачон бўлмоғини фақат Оллоҳнинг ўзи билур» деган оятни ўқидилар».

«ТАНЗИЙЛУС-САЖДА» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Бас, уларнинг қилган амаллари учун қандай кўзни қувонтирадирган неъматлар мукофот тариқасида асраб қўйилганини бирор жон билмас!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloх «Оллоҳ таборак ва таоло «Мен солиҳ бандаларим учун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон кўнглига келмаган нарсаларни тайёрлаб қўйдим»,— деб айтди»,— дедилар. Агар хоҳласангизлар, «Бас, уларнинг қилган амаллари учун қандай кўзни қувонтирадирган неъматлар мукофот тариқасида асраб қўйилганини бирор жон билмас!» деган оятни ўқингизлар!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом «Оллоҳ таоло «Мен солиҳ бандаларим учун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, бирор инсоннинг хаёлига келмаган неъматларни тайёрлаб қўйганман, бу неъматлар бандаларим ўзлари билган мукофотлар-дан ташқаридур!»— деди»,— дедилар. Сўнг, «Бас, уларнинг қилган амаллари учун қандай кўзларни қувонтирадиган неъматлар мукофот тариқасида асраб қўйилганини бирор жон билмас!» деган оятни тиловат қилдилар»

«АЛ-АҲЗОБ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақдорроқдур!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мен ҳар қандай, мўминга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бошқалардан кўра ҳақдорроқман. Агар хоҳласангизлар, Оллоҳ таолонинг «Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақдорроқдур!» деган оятини ўқингизлар! Қайси мўмин ўзидан кейин мол қолдирса,

агар унинг қариндошлари бўлса, молига меросхўр бўлсинлар, агар у қарз ёки қаровсиз бола қолдирган бўлса, ул ҳолда менинг ҳузуримга келсинлар, мен унинг мавлосиман (яъни, қарзини узиб, боласига ҳомийлик қилурман!)»— дедилар».

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Уларни ўз оталари исми бирлан чақирингизлар, бу Оллоҳ наздида тўғрироқдур!»

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, «Уларни ўз оталари номи бирлан чақирингизлар!» деган оят нозил бўлгунча, биз Жаноб Расулуллоҳнинг куллари Зайд ибн Ҳорисани Зайд ибн Муҳаммад деб чақирар эрдик. (Мазкур оят ва ҳадис ҳукмига биноан, асранди бола ҳеч қачон ўз пушти камаридан бўлган фарзанд ўрнида бўлмайди. Чунончи, Жаноб Расулуллоҳ ўз куллари бўлмиш Зайд ибн Ҳорисани қулликдан озод қилиб, ўғил қилиб олган эрдилар. Шунинг учун ҳам саҳобаи киромлар Зайдни Зайд ибн Муҳаммад деб чақирар эрди. Мазкур оят бунга яқун ясади)».

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мўминлар орасида (жиход қилиш ва шаҳид бўлиш ҳақида) Оллоҳга берган ваъдаларига вафо қилган кишилар мавжуддур. Уларнинг баъзилари шаҳид бўлдилар, баъзилари шаҳодатни кутиб турибдилар. Улар мунофиқлар сингари ахдларини ўзгартирганлари йўқ!»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Ушбу «Мўминлар орасида Оллоҳга берган ваъдаларига вафо қилган кишилар мавжуддур...» деган оят Анас ибн Назр ҳақида нозил бўлган»,— дейдилар.

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Қуръонни мусҳаф қилиб жамлаётганимизда «Ал-Аҳзоб» сурасидан бир оятни йўқотиб қўйдим, уни Жаноб Расулуллоҳнинг кироат қилганларини эшитган эрдим. Аммо, уни ҳеч кимдан топа олмадим. Қидира-қидира, ниҳоят уни Жаноб Расулуллоҳ бир ўзига икки киши ўрнида гувоҳлик бериш ҳуқуқини инъом қилган Хузайма ал-Ансорийдан топдим. Бу оят — «Мўминлар орасида Оллоҳга берган ваъдаларига вафо қилган кишилар мавжуддур» деган оят эрди».

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй пайғамбар, хотинларингизга: «Агар сизлар бу дунё ҳаёти бирлан унинг зебу зийнатларини истайдирган бўлсангизлар, ул ҳолда келингизлар, мен сизларни ўша нарсалардан бироз баҳраманд қилайин-да, сўнг яхшилик ила қўйиб юборай!»—деб айтингиз!»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳга ваҳий юбориб, хотинларига икки нарсадан бирини танлаш ихтиёрини бериш лозимлигини айтганда, ул зот биринчи бўлиб менинг ҳузуримга кирдилар-да, «Мен сенга бир нарса хусусида сўзлагайман, ота-онангга маслаҳат солмай туриб, менга жавоб бермоққа ошиқма!» — дедилар. Ваҳоланки, Жаноб Расулуллоҳ яхши билур эрдиларки, ота-онам ҳеч қачон менга ул зотдан ажрамоғимни буюрмагай! Жаноб Расулуллоҳ гапларида давом этиб: «Оллоҳ таоло менга «Эй пайғамбар, хотинларингизга «Агар сизлар бу дунё ҳаёти бирлан унинг зебу зийнат-ларини истайдирган бўлсангизлар, ул ҳолда келингизлар, мен сизларни ўша нарсалардан бироз баҳраманд қилайин-да, сўнг яхшилик ила қўйиб юборай» деб айтингиз!» деб буюрди»,— дедилар. Шунда мен: Бунинг учун ота-онамнинг буйруғини кутмоғимга ҳожат йўқ, чунки мен албатта Оллоҳни, унинг расулини ва охиратни танлагайман!» — дедим».

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар Оллоҳни, унинг расулини ва охират уйини истайдирган бўлсангизлар, ул ҳолда шак-шубҳасиз Оллоҳ сизларнинг орангиздаги солиҳ амаллар қилгувчилар учун улуғ мукофот бўлмиш жаннатни тайёрлаб қўйгандур!»

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг хотинлари Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ хотинларига танлаш ихтиёрини беришга буюрилганларидан кейин, дастлаб менинг ҳузуримга кирдилар-да, менга: «Ҳозир мен сенга бир гапни айтаман, ота-онангнинг фикрларини олмай туриб, менга жавоб беришга шошилма!»—дедилар. Ваҳоланки, Жаноб Расулуллоҳ ота-онамнинг менга ул зотдан ажрашимни буюрмасликларини яхши билур эрдилар. Ул зот Оллоҳ таолонинг «Эй пайғамбар, хотинларингизга айтингизки, агар сизлар бу дунё ҳаёти бирлан унинг зебу зийнатларини истайдирган бўлсангизлар, ул ҳолда келингизлар, мен сизларни ўша нарсалар бирлан бироз баҳраманд қилайин-да, сўнг яхшилик ила қўйиб юборай. Агар Оллоҳни ва унинг расулини ҳамда охират уйини истайдирган бўлсангизлар, ул ҳолда шакшубҳасиз Оллоҳ сизларнинг орангиздаги солиҳ амаллар қилувчиларга улуғ мукофот бўлмиш жаннатни тайёрлаб қўйгандур!» деган оятини ўқидилар. Шунда мен Жаноб Расулуллоҳга: «Бунинг нимасини ота-онамдан сўрагайман, албатта мен Оллоҳни, унинг расулини ва охират уйини истарман!» — дедим Кейин, Жаноб Расулуллоҳнинг бошқа хотинлари ҳам худди мен қилган ишни қилишди» (Шу вақтда Жаноб Расулуллоҳнинг никоҳларида тўққизта хотин бор эрди, улар: «Оиша бинти Абу Бакр, Ҳафса бинти Умар, Умму Ҳабиба бинти Абу Суфен, Савда бинти Замъа, Умму Салама бинти Абу Умайя, Сафийя бинти Ҳуяй, Маймуна бинти Ҳорис, Зайнаб бинти Жаҳш ва Жувайрийя бинти Ҳорис.

Мазкур оятнинг нозил бўлиш сабаблари: 1) Оллоҳ таоло ўз расулига бу дунёни ёки охиратни танлашни буюрганда, ул зот охиратни афзал билган эрдилар. Шунинг учун Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳнинг ёстикдошларини ҳам фақат охиратни ўйлайдирган ва уни бу дунёдан устун қўядирган аёллар бўлмоғини хохлади. 2) Жаноб Расулуллоҳнинг хотинлари ўзаро суҳбатда: «Қанийди, ул зотдан бошқа эрга текканимизда бизнинг ҳам орзу-ҳавасларимиз рўёбга чиқиб, тақинчоқларимиз кўп бўлган бўлур эрди!» — деб ҳаётларидан нолишган эрди. 3) Жаноб Расулуллоҳнинг хотинларидан бири Миср матосидан, яна бири Яман матосидан қўйлак, бошқа бири эрса тақинчоқ олиб беришни талаб қилди, аммо ул зот, маълумки хотинларининг барча айтганларини олиб беришга қодир бўлган аҳли дунёлардан эрмас эрдилар. Ёлғиз Оиша разияллоҳу анҳогина борига шукр қилиб, Жаноб Расулуллоҳдан ҳеч нарса талаб қилмаганлар. Шул боисдан ҳам Оллоҳ таоло охират мукофоти бўлмиш жаннатнигина хоҳлаган аёлнинг ул зот бирлан қолмоғини, бу дунё зебу зийнатларини хоҳлаган аёлнинг эрса ул зотдан ажраб, бўлак эрга тегмоғини ирода қилди. Шунда ул зот хотинларининг ҳаммаси охират мукофотига рози эрканликларини, қалблари Жаноб Расулуллоҳнинг қалблари бирлан ҳамоҳанг эрканлигини изҳор қилишди. Мазкур оналаримизнинг ҳаммаларидан Оллоҳ таоло рози бўлсин!»).

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва махфий тутур эрдингиз дилингизда ул сўзники, Оллоҳ уни ошкор қилмакчи эрди ва сиз одамлардан қўрқдингиз ва Оллоҳ зиёда ҳақлироқдурки, сиз ундан қўрқинг!»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «... ва махфий тутур эрдингиз дилингизда ул сўзники, Оллоҳ уни ошкор қилмакчи эрди .» деган ояти карима Зайнаб бинти Жаҳш ва Зайд ибн Ҳориса ҳақларида нозил бўлган эрди» (Пайғамбаримиз алайҳиссалом аммаларининг қизи Зайнаб бинти Жаҳшни ўзларининг асраб олган ўғиллари Зайд ибн Ҳорисага хотинликка сўраб борганларида, Зайнаб эътироз билдириб: «Эй Оллоҳнинг расули, ахир мен Қурайш қабиласининг энг олийнасаб аёлларидан бириман-ку, Зайд эрса кун кеча қулликдан озод бўлган бир йигитдур, мен қандайин унга хотин бўлурман?» — деди. Пайғамбар алайҳиссаломга «Ким Оллоҳ ва унинг расулига осий бўлса, бас у очикдан-очик йўлдан озибди» деган оят нозил бўлгандан кейингина, Зайнаб ноилож розилик берди. Лекин, Зайд бирлан Зайнабнинг ҳаётлари яхши бўлмади. Чунки, Зайнаб Зайдга ўзининг олийнасаб эрканлигини нуқул пеш қилаверар эрди. Ниҳоят, Зайд пайғамбаримизга шикоят қилиб келди. Бу вақтда Оллоҳ таоло томонидан Жаноб

Расулуллоҳга ваҳий нозил қилинган бўлиб, унда Зайднинг Зайнабдан ажралмоғи ва Жаноб Расулуллоҳнинг ўзлари унга уйланмоқлари ҳақида хабар қилинган эрди. Аммо, ул зот «Муҳаммад ўзи асраб олган ўғлининг хотинига уйланди» деб таъна қилишларидан чўчиб, мазкур ваҳийни ошкор қилмай яшириб келардилар, шунинг учун ҳам Зайд Зайнабдан ажралишмоқчи эрканини айтганда, унга сабр қилишни буюрдилар).

6-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сиз аёлларингиздан қайси бирининг навбатини қолдириб, қайси бирининг навбатини илгарига сурмакчи бўлсангиз, жоиздур. Шунингдек, қайси бир аёлингизни (вақтинча) ўзингиздан четлатган бўлсангиз, уни яна ўзингизга ҳам-хона қилсангиз, гуноҳи йўқдур»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ўзини ўзи Жаноб Расулуллоҳга тортиқ қилган аёлларни кўриб ғашим келур ва. «Аёл ҳам ўзини ўзи эркакка тортиқ қилгайми?» — дер эрдим. Оллоҳ таоло «Сиз аёлларингиздан қайси бирининг навбатини қолдириб, қайси бирининг навбатини илгарига сурмакчи бўлсангиз, жоиздур. Шунингдек, қайси бир аёлингизни (вақтинча) ўзингиздан четлатган бўлсангиз, уни яна ўзингизга ҳамхона қилсангиз, гуноҳи йўқдур» деган ояти каримани нозил қилганда, мен ул зотга: «Раббингизнинг сизнинг хоҳишингизнигина тезда рўебга чиқараётганини кўриб турибман!»—дедим».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло (юқоридаги) оятни нозил қилгандан сўнг, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўнгиллари тусаган хотинларининг ҳузурига навбатдан ташқари ташриф буюрмоқчи бўлсалар. аввал навбати келган хотинларидан бунга изн сўрар эрдилар»

Маоз ривоят қиладилар: «Мен Оиша разияллоҳу анҳодан "Сизнинг навбатингиз келганда бошқа хотинлари ҳузурига кирмоқ учун сиздан изн сўрасалар, не дер эрдингиз?" - деб сўрадим. Оиша «Агар шундай десалар, «Ё Расулаллоҳ, мен ёлғиз ўзим сизга эга бўлиб олмоқни истамайман!» — дер эрдим», — дедилар».

7- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, пайғамбарнинг уйларига изн сўраб, таомга таклиф қилинсангизларгина киришар. Таомнинг пишишига кўз тутиб ўлтирмангизлар, балки чақирилган пайтингизда кириб, таомланиб бўлгач, тарқалингизлар ва эзмаланиб ул ерда қолиб кетмангизлар. Чунки, бу ишларингиз пайғамбарга озор берур, у эрса сизларни чиқариб юборишдан тортингай. Аммо, Оллоҳ ҳақиқатни айтишдан тортинмас. Қачонки сизлар пайғамбарнинг хотинларидан бирор нарса сўрамоқчи бўлсангизлар, парда ортида туриб сўрангизлар. Мана шу сизларнинг дилларингизни ҳам, уларнинг дилларини ҳам покиза сақлагайдур. Оллоҳнинг пайғамбарига озор бермоқлик ва ул ўтгандан сўнг, унинг аёлларига уйланмоқлик сизларга дуруст эрмас, чунки бу қилмишингиз Оллоҳ наздида улкан гуноҳдур!»

Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳга- «Ё Расулаллоҳ, уйингизга яхши одам ҳам, ёмон одам ҳам киргай, мўминларнинг оналарига ҳижоб (парда) тутмоқни буюргангизда эрди!» — дедим, шунда Оллоҳ таоло «Ҳижоб» оятини нозил қилди»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнаб бинти Жаҳшга уйланганларида қавмни чақириб, уларни зиёфат қилдилар. Зиёфатдан сўнг, қавм гаплашиб ўлтириб қолди. Жаноб Расулуллоҳ туришга ишора қилган бўлсалар ҳам, қавм ўлтира берди. Буни кўриб, ул зотнинг ўзлари ўринларидан туриб ташқарига чиқдилар. Шунда кўпчилик чиқиб кетди, аммо уч киши қимирламай ўлтираверди. Жаноб Расулуллоҳ ичкарига кирмоқчи бўлганларида бояги уч киши ҳануз суҳбатлашиб ўлтирар эрди. Ниҳоят, улар ҳам туришди, мен кузатиб қўйгач, уларнинг чиқиб кетганлигини айтдим. Жаноб Расулуллоҳ ичкарига кирдилар, мен ҳам кирмоқчи бўлган эрдим, ул зот мен бирлан ўзлари ўрталарига парда тортиб қўйдилар.

Шунда Оллоҳ таоло «Эй мўминлар, пайғамбарнинг уйларига изнсиз кирмангизлар .» деган оятни нозил қилди».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бу оятнинг, яъни «Ҳижоб» оятининг нозил бўлиш сабабини мен бошқалардан кўра яхшироқ билурман. Зайнаб бинти Жаҳш Жаноб Расулуллоҳга никоҳ қилинганларидан кейин, ул зотнинг уйларида биргаллашиб таом тайёрладилар. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ қавми зиёфатга чақирдилар. Зиёфат тугагандан сўнг, қавм гаплашиб ўлтираверди. Жаноб Расулуллоҳ ташқарига чиқиб қайтиб келсалар ҳам ҳануз гаплашиб ўлтиришар эрди. Шунда Оллоҳ таоло «Эй мўминлар, пайғамбарнинг уйларига изнсиз кирмангизлар .» деган оятни нозил қилди. Кейин, ўртага парда тортилиб эрди, қавм туриб чиқиб кетди».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом Зайнаб бинти Жаҳшга уйланганларида нон ва гўштдан иборат зиёфат тайёрланди. Шунда қавми зиёфатга таклиф қилишга юборилдим. Қавм бирин-кетин зиёфатга келиб, таомдан еб чиқиб кета берди. Ниҳоят, барча келиб бўлди. Мен Жаноб Расулуллоҳга. «Эй Оллоҳнинг пайғамбари, зиёфатга чақиришга одам тополмай қолдим!» — дедим. Ул зот: «Таомдан олиб кир, уйда яна уч нафар одам гаплашиб ўлтирибди!» — дедилар-да, ташқарига чиқиб, Оиша разияллоҳу анҳонинг хужраларигача юриб бордилар. Сўнг, Оишага: «Ассалому алайкум, эй аёлим, сенга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!» — дедилар. Оиша разияллоҳу анҳо: «Сизга ҳам Оллоҳнинг салом ва раҳмати бўлсин! (Янги) аёлингиз кўнглингиздагидек эрканми? Оллоҳ сизга муборак қилсин!» — деб жавоб бердилар. Шу тарих ул зот барча аёлларининг хужраларига кириб, Оишага айтган гапларини айтдилар, улар ҳам Оиша каби ширин тил бирлан кўнгил сўрашди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ қайтиб келдилар ҳамки, уйдаги одамлар ҳануз гаплашиб ўлтиришар эрди. Пайғамбар алайҳиссалом ниҳоятда ҳаёли эрдилар. Яна қайтиб чиқиб, Оишанинг хужраларига кириб турдилар. Одамлар кетганини мен хабар қилдимми ёки бошқа биров айтдими, билмайман, ул зот яна қайтиб келдилар. Бир оёқларини эшик остонасига қўйиб, иккинчисини ташқарида қолдириб турган ҳолларида мен бирлан ўзлари ўрталарига парда тортиб қўйдилар. Шунда «Ҳижоб» ояти нозил бўди».

Анас ибн Мойик разияллоҳу анҳу айтадилар: «Жаноб Расулуллоҳ Зайнаб бинти Жаҳшга уйланганларида тўй зиёфати қилиб бердилар. Одамлар нон бирлан гўштга тўйди. Сўнг, ул зот мўминлар оналарининг хужраларига бирма-бир кириб, ҳар сафар уйланганларида эртасига эрталаб чиқиб салом берганларидек, уларга салом бердилар, уларни дуо қилдилар, улар кам алик олиб, ул зотнинг ҳақларига дуо қилишди. Жаноб Расулуллоҳ уйларига қайтганларида икки кишининг ҳануз суҳбатлашиб ўлтирганини кўрдилар. Шунда ул зот яна қайтиб чиқиб эрдилар, бояги икки киши ирғиб ўрнидан турди. Уларнинг чиқиб кетганини мен ўзим хабар қилдимми ёки бошқа биров айтдими, билмайман, Жаноб Расулуллоҳ яна уйга қайтиб кирдилар. Сўнг, мен бирлан ўзлари ўрталарига парда тортиб қўйдилар. Шунда «Ҳижоб» ояти нозил бўлди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳижоб (парда) тортиш буюрилгандан сўнг, Савда ҳожат учун ташқарига чиқдилар, бўйлари барваста бўлгани учун кўрган одам дарҳол таниб олар эрди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Савдани кўриб: «Эй Савда, худо ҳақи, биздан яширинмайсизми, қандай чиққанлигингизга бир қарангиз?!» — деб уялтирдилар. Шунда Савда уялиб қайтиб кетдилар. Шу пайтда Жаноб Расулуллоҳ менинг хужрамда бўлиб, таом тановул қилаётган эрдилар, қўлларида гўштли суяк бор эрди. Савда ичкарига кириб: «Эй Оллоҳнинг расули, мен ҳожатимга чиққан эрдим. Умар менга ундай-бундай гапларни айтиб уялтирди!» — дедилар. Шу пайт Оллоҳ таоло ул зотга ваҳий юборди. Жаноб Расулуллоҳ ваҳий қабул қилиб бўлгач, қўлларидаги бояги суякни ушлаган ҳолларида: «Оллоҳ таоло сизларга ҳожатларингиз учун ташқарига чиқмоқларингизга ижозат берди», — дедилар».

8- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар сизлар бирор нарсани ошкор қилсангизлар ёки яширсангизлар, албатта Оллоҳ билур, zero Оллоҳ барча нарсани

билувчи зотдур! Пайғамбар хотинларининг ўз оталари, ўғиллари, ака-укалари, ака-укаларининг ўғиллари, опа-сингилларининг ўғиллари, ўз жинсларидан бўлмиш аёллар ва чўриларга юзлари очик ҳолда кўрин-моқлари гуноҳ эмасдур, Оллоҳдан қўрқингизлар, Оллоҳ барча нарса устида гувоҳ бўлиб турган зотдир!»

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Ҳижоб тортиш буюрилгандан кейин, Абулқуъайсининг укаси Афлаҳ менинг олдимга кириш учун изн сўради. Мен: «Жаноб Расулуллоҳдан сўрамагунимча изн бермайман, чунки мени Абулқуъайсининг укасининг хотини эрмас, балки Абулқуъайсининг хотини эмизган»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ келганларида: «Ё Расулаллоҳ, Абулқуъайсининг укаси Афлаҳ ҳузуримга киришга изн сўраган эрди, мен унга изн бермадим, чунки сиздан изн олмаган эрдим»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Амакингга изн беришга сенга нима тўскинлик қилди?» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, ахир мени Афлаҳнинг хотини эрмас, балки Абулқуъайсининг хотини эмизган-ку?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Афлаҳга изн бергил, чунки у амакинг эрур!» — дедилар».

Урва бундай дейдилар: «Оиша шунга кўра: «Туғишганлар бир-бирига маҳрам бўлгани каби, эмишганлар ҳам ўзаро маҳрам бўлгайдир»,— дер эдилар».

9- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Шубҳасизки, Оллоҳ ва унинг фаришталари раҳмат юборурлар бу пайғамбарга, эй иймон келтирганлар, сизлар ҳам унга раҳмат юборингизлар ва эзгу салом йўллангизлар!»

Абулолия бундай дейдилар: «Оллоҳ таолонинг салавоти — унинг ўз пайғамбарини фаришталари олдида мақташидур. Фаришталарнинг салавоти эрса, уларнинг Жаноб Расулуллоҳ ҳақларига қилган дуоларидур».

Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Эй Оллоҳнинг расули, биз «Ассалому алайка»нинг маъносини билурмиз, аммо «Ассалоту» сўзи қандай сўз?» — деб Жаноб Расулуллоҳдан сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Оллоҳ, Иброҳим алайҳиссаломга раҳмат юборганингдек, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ва ул кишининг оилаларига ҳам раҳмат юборгил, дарҳақиқат сен мақтовга лоиқ ва шарафли зотдурсан! Эй Оллоҳ, Иброҳим алайҳиссаломнинг оилаларига баракот берганингдек, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ва ул кишининг оилаларига баракот бергил, дарҳақиқат сен мақтовга лоиқ ва шарафли зотдурсан!» деб дуо қилингизлар!» — дедилар».

10- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мусога озор берган кимсалардек бўлмангизлар!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Дарҳақиқат, Мусо ниҳоятда ҳаёли одам эрдилар. Бу куйидаги оятда бор бўлиб, Оллоҳ таоло: «Эй мўминлар, Мусога озор берган кимсалардек бўлмангизлар! Оллоҳ Мусони тухматдан қутултирди. У Оллоҳнинг ҳузуринида шарафли инсон эрди»,— дейди».

«САБАЪ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Фаришталар), дилларидан кўркув кетказилгандан кейин, бир-бирларига: «Раббингиз не деди?» — деганларида, «Ҳақни айтди»,— деб жавоб қилгайлар. Оллоҳ таоло улуғ ва буюк зотдур!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Осмонда Оллоҳ таоло бир ишни ҳукм қилса, фаришталар дарҳол итоаткорона қанотларини қоқгайлар. (Оллоҳ таоло ўз ҳукмини ваҳий ила изҳор қилганда тошга урилган занжирнинг овозидек овоз чиқгай. Шунда фаришталар кўркинчга тушгайлар),

кўрқинчлари босилгандан сўнг, бир-бирларидан: «Раббингиз не деди?» — деб сўрагайлар. Сўралганлар: «Ҳақни айтди ва ул энг буюк, улуг зотдур!»— деб жавоб бергайлар. Оллоҳ таолонинг ҳукмини «хабар ўғрилари» ўғринча эшитиб олишгай, улар мана бундай устма-уст туришгай. Дастлабки «хабар ўғриси» ўзи эшитган хабарни пастроқдагисига, ул эрса ундан пастроқдагисига етказгай ва шул тариқа бул гап сеҳргарга ёки фолбинга етиб боргай. Кўпинча, «хабар ўғриси»га учар юлдуз етиб боради-да, гапни етказгунча уни куйдириб ҳалок қилади. Баъзида эрса, олов етиб боргунча, ўзидан пастдагига етказиб улгуради, шунда фолбинлар унга юзта ёлғонни кўшиб гапиришади. Одамлар эрса: «Фолбин фалон куни ундай деган эрди, тўғри чикмадими, пистон куни бундай деган эрди, тўғри чикмадими?»—деб осмондан ўғринча эшитилган гап сабабли фолбинга инонадилар».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ул (пайғамбар) келгуси қаттиқ азобдан сизларни огоҳлантирувчи бир зотдур!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бир куни Сафо тоғига чикиб: «Эй қавм огоҳ бўлингизлар!»—деб нидо қилдилар. Шунда барча Қурайш аҳли йиғилиб, Расулуллоҳдан: «Не бўлди?»—деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Айтингизларчи, агар сизларга «Эрталаб ёки кечқурун душман устингизга хужум қилмоқ ниятида» деб айтсам, сизлар менга ишонурсизларми ёхуд йўқми?»—дедилар. Ҳаммалари: «Албатта, ишонурмиз!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ундай эрса, мен сизларни келгуси қаттиқ азобдан огоҳлантирурман!» — дедилар. Шунда Абу Лаҳаб: «Қуриб кетгур, шунга чақирдингми бизни?!»—деб қарғаб эрди, Оллоҳ таоло «Таббат ядо Абий Лаҳаб» сурадини нозил қилди».

**«ЁСИН» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Оллоҳ таолонинг қавли: «Қуёш ўз қароргоҳи томон бетиним ҳаракат қилиб турур. Бу қудратли ва ҳамиша билгувчи зотнинг тақдиридур!»

Абу Зарр ал-Ғифорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен қуёш ботаётган пайтда Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга масжидда эрдим. Шунда ул зот: «Эй Абу Зарр, айтчи, ҳозир қуёш қаерга ботаётир?»— дедилар. Мен: «Оллоҳ ва унинг пайғамбари билувчирокдур!» — дедим. Ул зот бундай дедилар: «Қуёш Оллоҳ таолога сажда қилмоқ учун Арш ости томон йўл олган. Оллоҳ таоло: «Қуёш ўз қароргоҳи томон бетиним ҳаракат қилиб турур. Бу қудратли ва ҳамиша билгувчи зотнинг тақдиридур!»—дейди».

Абу Зарр ал-Ғифорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қуёш ботаётган пайтда мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга масжидда эрдим. Ул зот бундай дедилар: «Эй Абу Зарр, айтчи, Қуёш қаерга ботаётир?» Мен: «Оллоҳ ва унинг пайғамбари билувчирокдур!» — дедим. Ул зот: «Қуёш Оллоҳ таолога сажда қилмоқ учун Арш ости томон йўл олган. Оллоҳ таоло: «Қуёш (азалдан белгилаб қўйилган) ўз қароргоҳи томон бетиним ҳаракат қилиб турур. Бу қудратли ва ҳамиша билгувчи зотнинг (азалдан белгилаб қўйган) тақдиридур!» — дейди»,— дедилар».

Абу Зарр ал-Ғифорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қуёш ўз қароргоҳи томон бетиним ҳаракат қилиб турур. Бу қудратли ва ҳамиша билгувчи зотнинг тақдиридур!» деган оятнинг мазмунини сўрадим. Жаноб Расулуллоҳ: «Қуёшнинг қароргоҳи Аршнинг тағидур»,— дедилар».

**«ВАС-СОФФОТИ» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва албатта Юнус ҳам пайғамбарлардандур»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч бир киши ўзини Ибн Маттодан яхшироқ деб ҳисобламаслиги лозим!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ: «Кимки «Мен Юнус ибн Маттодан яхшироқман» деса, ёлғон айтибди», — дедилар».

«СОД» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Аввом ривоят қиладилар: «Мен Мужоҳиддан «Сод» сурасидаги сажда ояти ҳақида сўрадим. Мужоҳид: «Бу ҳақда ибн Аббосдан сўралганда, ул киши: «Улаикаллазийна ҳадаллоҳу фабиҳудоҳим иқтадиҳ» деган оятдур» — деб айтдилар», — дедилар. Ибн Аббоснинг ўзлари ҳам шу оятда сажда қилар эрканлар».

Аввом ривоят қиладилар: «Мен Мужоҳиддан «Сод» сурасидаги сажда ояти ҳақида сўрадим. Мужоҳид: «Мен Ибн Аббосдан «Сод сурасининг қайси оятида сажда қилурсиз?» деб сўраган эрдим, ул киши: «Ва мин зуррийятиҳи Довуда ва Сулаймона улаикаллазийна ҳадаллоҳу фабиҳудоҳим иқтадиҳ» деган оятни ўқимасмисиз? Довуд пайғамбар шундай кишилардан эрдиларки, пайғамбарингиз унга иқтидо қилишга буюрилган эрдилар, бас Жаноб Расулуллоҳ ҳам шу оятда сажда қилур эрдилар» — деб жавоб бердилар» (мазкур оят «Ал-Анъом» сурасида).

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Менга ўзимдан кейин ҳеч кимга муяссар бўлмайдирган бир салтанат ато этгин, дарҳақиқат ҳадя этгувчи ёлғиз сен ўзингдурсан!»

Абу Қурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: «Жинларнинг каттаси бўлмиш Ифрит ўтган кеча келиб, менинг намозимни бузишга уринди. Оллоҳ таоло менга имкон берди, мен уни масжид устунларидан бирига боғлаб қўйдим, чунки эрталаб сизларнинг кўришларингизни хоҳладим. Лекин, кейин мен Сулаймон биродаримнинг «Эй раббим, менга ўзимдан кейин ҳеч кимга муяссар бўлмайдирган бир салтанат ато этгин!» деганларини эслаб қолдим». Рух: «Кейин, Жаноб Расулуллоҳ Ифритни ҳайдаб юбордилар», — дейдилар. (Бир куни Ҳазрат Сулаймон пайғамбар бир аёлни имтиҳон қилмай никоҳларига оладилар. Ўша аёл жин бўлиб, яширинча бутга сиғиниб юради, аммо бундан ул киши беҳабар бўладилар. Натижада, Оллоҳ таоло ул кишига ато этилган салтанатни қирқ кун муҳлат бирлан олиб қўяди. Шунда, ул киши «Эй раббим, менга ўзимдан кейин ҳеч кимга муяссар бўлмайдирган бир салтанат ато этгин!» — деб ёлборадилар, Оллоҳ таоло мағфират айлаб, ул кишини аввалги ҳолларига қайтаради. Жаноб Расулуллоҳнинг Сулаймон пайғамбарнинг ана шу гапларини эслаб, масжид устунига ўзлари боғлаб қўйган Ифритни ҳайдаб юборганларининг боиси ҳам шунда бўлса керак).

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва мен пайғамбарликни даъво қилувчи сохтакорлардан эрмасман!»

Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига кирдик, ул киши бизга бундай дедилар: «Эй одамлар, ким бир нарсани билса, гапирсин, билмаса, «Оллоҳ таоло билувчироқдур» десин! Чунки, ўзи билмаган нарса хусусида гапирмай, «Оллоҳ таоло билувчироқдур» дейиш ҳам илмдандур. Оллоҳ таоло ўз пайғамбарига: «Мен Қуръони Каримни ёки рисолатимни етказганим учун сизлардан ҳақ сўрамайман, мен пайғамбарлик даъво қилувчи сохтакорлардан эрмасман!» — деб айтмоқни буюрди. Мен сизларга «Тутун» воқеаси тўғрисида гапириб берайин: Пайғамбар алайҳиссалом Қурайш қабиласини исломга чақирдилар. Аммо, улар

сусткашлик қилаверишди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом" «Эй Оллоҳ, менга ёрдам бергил, уларга Юсуф алайҳиссалом даврларида юборган етти йиллик қаҳатчилик каби қаҳатчилик юборгил!»—деб дуойи бад қилдилар. Уларга шундай қаҳатчилик йили келдики, ҳамма нарса қуриди, ҳатто ўлимтикларни ва териларни едилар, очликнинг зўридан ўзлари бирлан осмон ўртасида тутун сингари нарсани кўрдилар. Ўшанда Оллоҳ таоло ояти каримада' «Кўз тутингиз бир кунгаки, осмондан тутун келур ва одамларни чулғаб олур, бу аламли азобдур!» — деган эрди. Кофирлар:

«Эй раббимиз, биз мўмин бўлдик, бизлардан азобингни аритгин!» — деб илтижо қилдилар. Ваҳоланки, улар Оллоҳ таолони юз-хотир қилмаган ва ўзларига юборилган ҳақ пайғамбардан юз ўгириб «Бу ғирт жинни-ку!»—деган эрдилар. Шундай эрсада, Оллоҳ таоло «Биз сизлардан азобни бир оз аритамиз, лекин сизлар яна диндан қайтурсизлар»,— деди. Лекин, қиёматда азоб аритилгайми?! Кейин, улардан азоб аритилди, аммо улар яна куфрга қайтдилар. Оллоҳ таоло бунинг учун уларни Бадр куни ҳалокатга дучор қилди. Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Биз бир куни уларни қаттиқ қўлга тушиурмиз, дарҳақиқат биз интиқом олувчидурмиз!» - - деган»

«АЗ-ЗУМАР» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй ўз жонларига жафо қилган бандалар, Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангизлар, албатта Оллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур, чунки у мағфиратли ва меҳрибон зотдур!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Баъзи мушриклар жуда кўп одам ўлдирди, беҳад зино қилди. Кейин, улар Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига келиб. «Сиз гапираётган ва даъват қилаётган нарса жуда яхши нарса эркан! Биз кўп ёмон ишлар қилганмиз, қилган гуноҳларимизга каффорат бўладирган бирор нарса хусусида бизга хабар қилсангиз эрди!» — дейишди. Шунда «Оллоҳ бирлан бирга яна бошқа илоҳга сиғинмайдирган, Оллоҳ ўлдиришни манъ қилган жонларни ноҳақ ўлдирмайдирган ва зино қилмайдирган кишилар» ҳамда «Эй Муҳаммад, айтингиз: «Эй ўз жонларига жафо қилган бандалар, Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангизлар. » деган оятлар нозил бўлди».

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳни ўзига муносиб қадрламадилар»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Яҳудий уламоларидан бири келиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Эй Муҳаммад, китобларимиздан бизга маълумки, Оллоҳ осмонларни бир бармоғи (қудрати) бирлан, ерларни бир бармоғи бирлан, дарахтларни бир бармоғи бирлан, сув ва тупроқни бир бармоғи бирлан ва бошқа махлуқотни бир бармоғи бирлан ушлаб туриб «Мен подшоҳман!» — дейди»,—деди. Пайғамбар алайҳиссалом яҳудийнинг гапини тасдиқлаб қаттиқ кулдилар, ҳатто озик тишлари кўриниб кетди. Кейин, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳни ўзига муносиб қадрламадилар» деган оятни ўқидилар»

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳолбуки, бутун Ер қиёмат куни унинг кафтида бўлур, осмонлар эрса унинг ўнг қўлида ўралган ҳолда турур, покдур ул ва юқоридур уларнинг ширкларидан!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таоло Ерни кафтига қуяди, ўнг қўли бирлан эрса осмонларни ўраб ташлаб, сўнг «Мен подшоҳман, қани ер юзининг подшоҳлари?» — дейди»,— деганларини эшитганман».

4-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва сур чалинур, бас беҳуш бўлур кимики осмонлардадур ва кимики ердадур, Оллоҳ истаганларгина беҳуш бўлмаслар. Сўнг, иккинчи бор сур чалинур, бас бирдан беҳуш бўлганлар ўринларидан туриб, Оллоҳнинг амрига кўз тутарлар»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ «Иккинчи бор сур чалинганда мен биринчи бўлиб бошимни кўтаргайман. Шунда мен Мусо алайҳиссаломнинг Аршни ушлаб турганларини кўргайман, аммо ул киши аввалдан шу ҳолатда турибдиларми ёки сур чалинган, турдиларми, буни билмагайман»,— дедилар»

Аъмаш ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ. «Икки бор сур чалинишининг ораси қирқдур»,— деб айтган эрканлар. Одамлар Абу Ҳурайрадан: «Эй Абу Ҳурайра, қирқ кунми?»—деб сўрашди. Абу Ҳурайра: «Билмайман»,— деди. Кимдир: «Қирқ йил бўлса керак», — деди. Абу Ҳурайра «Билмайман»,— деди. Кимдир «Қирқ ойдур».— деди. Абу Ҳурайра: «Билмайман, лекин инсоннинг ҳамма аъзоси чириб думғазасигина сақланиб қолур, инсоннинг қайта таркиб топдирилмоғига шу думғазасос бўлур», — деди»

«АЛ-МУЪМИН» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Ало ибн Зиёд бир куни дўзах ҳақида гапириб эрдилар, бир одам Алога «Нечун сиз одамларни умидсизликка тушираётирсиз?» — деб эътироз билдирди. Шунда Ало бундай дедилар: «Мен умидвор қилишга ҳам қодирдурман, Оллоҳ таоло бир оятида «Эй ўз жонларига жафо қилган бандалар, Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангизлар!»— деган бўлса, иккинчи бир оятида «Дарҳақиқат (гуноҳ қилиб) ўз жонларига жафо қилгувчилар дўзах аҳллари дур»,— дейди. Сизлар бўлсангиз, қилган амалларингиз эвазига жаннатдан жой ато этилмоғи ҳақида олдиндан хушхабар эшитмоқни хоҳлайсизлар, Оллоҳ таоло эрса, ўз Расулини итоат этганларнинг жаннатга ва осийлик қилганларнинг дўзахга тушмоғини хабар қилиш ҳамда келгуси дўзах азобидан огоҳлантириш учун юборгандур»

Урва ибн Зубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осга «Мушрикларнинг Жаноб Расулulloҳга нисбатан қилган энг қабиҳ иши ҳақида айтиб берингз!»—дедим. Ул киши бундай дедилар: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба ҳовлисида намоз ўқиётган эрдилар, шунда Ўқба ибн Абу Муъайт келиб, ул зотнинг ёқаларидан ушлади-да, кийимларини бўйинларига ўраб, қаттиқ бўғди. Шу аснода Абу Бакр келиб қолиб, Ўқбанинг ёқасидан тортиб Жаноб Расулulloҳни унинг чангалидан халос қилдилар-да, унга «Раббим Оллоҳ деган кишини ўлдирурсизларми, ваҳоланки бул киши сизларга раббингиздан далиллар келтиргандур!» — дедилар»

«ҲО-МИМ АС-САЖДА» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Саъид ибн Жубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Ибн Аббосдан бундай деб сўради: «Қуръонни ўқиганимда ундаги баъзи бир оятлар менга ихтилофли кўринди. Масалан «Кейин, сур чалинган вақтда уларнинг ораларида на насл-насаб қолур ва на улар бир-бирлари ила савол-жавоб қила олурлар» деган оятга «Ва улар бир-бирларига боқишиб савол-жавоб қилурлар» деган оят ихтилофлидур. «Бирор сўзни Оллоҳдан яшира олмаслар» деган оятга эрса, «Парвардигоро, бизлар мушрик эмас эрдик» деган оят ихтилофли бўлиб, кейинги оятда мушриклар Оллоҳдан ҳақиқатни яшираётирлар. Мана бу «Оллоҳ осмонни яратди, шифтини баланд қилиб кўтарди ва уни баробар қилиб, тунини қоронғу ва ёруғлигини зоҳир қилди ва шундан сўнг, Ерни ёйиб текис қилди» деган оятларда Оллоҳ таоло осмонни Ердан илгари яратганлигини зикр қилса, «Сиз айтингизки, «Эй (мушриклар), ҳақиқатан ҳам сизлар шундоғ худога мункир бўлурсизлармики, ул яратибдур Ерни икки кунда ва унга ширк келтиурсизларми?! Будур жамики оламларнинг парвардигори ва ул пайдо қилибдур. Ерда тоғлар ва баракот ато этибдур. Ерга ва муҳайё қилибдур унда емаклар тўрт кунда тамоман. Бу (тафсилотлар) сўрагувчилар учундур. Кейин, (парвардигор) юзланди осмон тарафига ва ул тутун каби эрди, бас деди унга ва Ергаки, «Ҳар иккингиз келингизлар яхшилик ила ё зўрлик ила!» деган оятларда осмонни Ердан кейин яратгани зикр қилинур. Айрим оятларда «Оллоҳ

мағфиратли, меҳрибон эрди, қудратли, хикматли яратгувчи эрди, эшитгувчи ва кўргувчи эрди» дейилурки, бундан «Оллоҳ таоло илгари шундай бўлган, ҳозир эрса ундай эрмас» деб тушунмоқ мумкин»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу юкоридаги саволларга бундай деб жавоб қилдилар 1) «Биринчи бор сур чалинганда барча кўркувдан насл-насабини (уруғ-аймоғини) унутиб, бир-бирини танимагай ва савол-жавоб қила олмагай, беҳуш бўлиб йиқилгай. Иккинчи бор сур чалинганда эрса, ҳамма қайта ўзига келиб, савол-жавоб қилмоққа тушгай 2) Оллоҳ таоло ихлос аҳлининг гуноҳларини кечади, буни кўриб кофирлар: «Келингизлар, бизлар ҳам мушрик эрмас эрдик, деб айтгаймиз!»—дейишур. Аммо, Оллоҳ таоло уларнинг оғизларини муҳраб кўйгай, шунда қўллари сўзлаб гувоҳлик бергай-да, Оллоҳдан бирор гапни яшириб бўлмаслиги аён бўлгай 3) Оллоҳ таоло (дастлабки) икки кунда Ерни яратди, сўнг осмонларни яратди, кейин осмонларга юзланиб, охирги икки кунда уларни текислади, сўнг сув юргизиб ўтлоқлар барпо қилмоқлик учун Ерни ҳам текислади, тоғлару тоғ тизмаларини, тепаликларни ва уларнинг оралиғидаги жой-ларни ҳам охирги икки кунда яратди 4) Оллоҳ таоло ўзини «Оллоҳ мағфиратли эрди»,— дебди, бу ҳам ва унинг «У доимо шундай бўлиб қолур» деган қавли ҳам унинг ўзининг қавлидур, зеро Оллоҳ таоло ўзи ирода қилган нарсасидан сира ҳам воз кечмагандур. Демак, Қуръон сен ўйлаганингдек ихтилофли эрмас, чунки «эрди» ва «шундай бўлиб қолур» деган сўзлар унинг ўзиникидур!»

1- боб. Оллоҳ, таолонинг қавли: «Сизлар қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингизнинг ўзларингизга қарши гувоҳ бўлмоғидан яширина олмас эрдингизлар. Лекин, сизлар Оллоҳ қилган амалларингиздан кўпини билмас, деб ўйладингизлар»

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қурайш қабиласига мансуб икки киши бирлан уларнинг Сақиф қабиласига мансуб икки қариндоши ёки Сақиф қабиласига мансуб икки киши бирлан уларнинг Қурайш қабиласига мансуб икки қариндоши Байтуллоҳда суҳбатлашиб ўлтирар эрди. Улардан бири: «Оллоҳ таоло суҳбатимизни эшитиб турибди, деб ўйлайсизларми?!»—деб сўради. Бошқаси: «Қисман эшитади»,— деди. Яна бири: «Қисман эшитадирган бўлса, демак ҳаммасини эшитади»,— деди. Шунда «Сизлар қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингизнинг ўзларингизга қарши гувоҳ бўлмоғидан яширина олмас эрдингизлар...» деган оят нозил бўлди».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва бу нарса сизларнинг ўз парвардигорингизга қилган гумонларингиздур, ул гумон сизларни ҳалок қилди, бас сизлар зиён (зарар) кўрганлардан бўлдингизлар»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қурайш қабиласидан икки ва Сақиф қабиласидан бир киши ёки Сақиф қабиласидан икки ва Қурайш қабиласидан бир киши Байтуллоҳ олдида тўпланди. Қоринларида ёғ мўл ва қалбларида билим оз бўлмиш ўшал кишилардан бири: «Нима дейсизлар, Оллоҳ таоло бизнинг гапимизни эшитаётганмикан?» —деди. Бошқаси: «Агар овозимизни баландроқ чиқарсак, эшитгай, пичирлашсак, эшитмагай»,— деди. Яна бошқаси: «Агар баланд овоз бирла гапирсак, эшитадирган эрса, демак пичирлашсак ҳам эшитгай»,— деди. Шунда Оллоҳ таоло «Сизлар қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингизнинг ўзларингизга қарши гувоҳ бўлмоғидан яширина олмас эрдингизлар...» деган оятни нозил қилди».

«ҲО-МИМ-АЙН-СИЙН-ҚОФ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «... Қариндошларга нисбатан муҳаббатнигина (талаб

қилурман)»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу «Қариндошларга нисбатан муҳаббатнигина...» деган оят тўғрисида сўрадилар. Саъид ибн Жубайр: «Қариндошлар — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оила аъзоларидур»,— дедилар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дедилар: «Шошилдингиз, Қурайш қабиласининг барча кимсалари ҳам Пайғамбар алайҳиссаломга қариндошдурлар. Оят «Мен бирлан ўзларингиз ўртангиздаги қариндошлик муносабатларини мустаҳкамла-моғингизнигина (талаб қилурман)» деган мазмунда».

**«ЗУХРУФ» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва фарёд қилурларки, «Эй Молик, парвардигоринг бизларни ўлдирсин қўйсин!». Молик дерки, «Сизлар бу азобда мангу қолурсизлар!»

Сафвон ибн Яълонинг оталари ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб: «Эй .Молик, парвардигоринг бизларни ўлдирсин қўйсин...» деган оятни ўқиганларини эшитдим».

**«АД-ДУХОН» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам, осмондан аниқ тутун келадирган кунга кўз тутингиз!»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло бўлажаги хақида хабар берган беш воқеа бўлиб ўтди, улар «Тутун», «Рум», «Ой», «Хужум»ва «Сазо».

1-боб. Оллоҳ таолоинг қавли: «Тутун одамларни чулғаб олғай, бу эрса дардли азобдур»

Абдуллоҳ; ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Осмондан тутун келганининг сабаби шулки, Қурайш Қабиласи Жаноб Расулуллоҳга осийлик қилиб, қаршилик қилаверганидан сўнг, ул зот уларни дуойи бад қилдилар ва уларга Юсуф алайҳиссалом даврларида келган қаҳатчилик сингари қаҳатчилик юборишни Оллоҳ таолодан сўрадилар. Тез фурсатда Қурайш аҳли қаҳатчилик балосига гирифтор бўлиб, ҳатто очликдан суякларни ҳам ейишди. Бирор киши осмонга қараса, азбаройи очлигидан ўзи бирлан осмон ўртасида тутун янглиғ нарса кўрадиган бўлди. Оллоҳ таолонинг «Кўз тутингиз шундай бир кунгаки, осмондан тутун келиб одамларни ўрар, бу эрса дардли азобдур» деган хабари шул эрди. Пировардида, Қурайшнинг катталари Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келиб: «Эй Оллоҳнинг Расули, Музар аҳли учун Оллоҳдан сув сўраб берингиз, чунки улар ҳалок бўлаётирлар!» — деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Музар аҳлининг каттасига (яъни, Абу Суфёнга): «Сен журъатли одамдурсан, (ўзинг мушрик бўла туриб, Оллоҳдан сув сўраётирсан)!» — дедилар. Кейин, ул зот Оллоҳ таолодан сув сўрадилар, Оллоҳ таоло уларни сувга сероб қилди. Сўнг, ушбу «Албатта, сизлар яна куфрга қайтурсизлар» деган оят нозил бўлди. Дарҳақиқат, серобчилик бўлгандан кейин, улар дарҳол яна куфрга қайтдилар. Оллоҳ таоло шунда «Яқин кунда катта (қаттиқ) тутиш қилурмиз, дарҳақиқат биз интиком олувчидурмиз» деган оятни нозил қилди».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй раббимиз, бизлардан азобни аритгил, бизлар мўминлармиз!»

Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ибн Масъуднинг олдиларига

кирган эрдим, ул киши бундай дедилар: «Албатта, ўзинг билмайдирган нарса ҳақида «Оллоҳ билувчирок» дейиш ҳам илмдандур. Оллоҳ таоло ўз Расулига: «Эй Муҳаммад, «Мен даъватим учун сизлардан ҳеч қачон ҳақ сўрамагайман ва мен пайғамбарликни даъво қилувчи сохтакорлардан эрмасман!» деб айтингиз!» — деди. Қурайш Жаноб Расулulloҳга тажовуз қила бошлагандан кейин, ул зот: «Ё Оллоҳ, Қурайшга Юсуф алайҳиссалом давридаги етти йиллик қаҳатчилик сингари қаҳатчилик юбориб, менга ёрдам бергил!»— дедилар. Улар шундай қаҳатчиликка дучор бўлдиларки, ҳатто очликдан ўлимтиқларни, суякларни едилар, азбаройи очликдан бирортаси осмонга қараса, ўзи бирлан осмон ўртасида тутунга ўхшаш нарса кўрадирган бўлиб қолди. Кейин, улар: «Эй раббимиз, бизлардан азобни аритгил, бизлар мўминлармиз!»—деб илтижо қилишди. Шунда Оллоҳ таоло: «Биз улардан азобни аритсак, кейин улар яна куфрга қайтурлар»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилганларидан кейин, улардан азоб ариди. Аммо, улар дарҳол ўз куфрларига қайтдилар. Бунинг учун Оллоҳ таоло улардан Бадр куни қасос олди. Чунки, у қасос олмоғи ҳақида илгари оят нозил қилган эрди».

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Нечук насиб бўлур уларга насиҳат, ҳолбуки уларга ҳақ пайғамбар келгандур» (яъни, бало келганда насиҳатга амал қилмоқдан фойда йўқдур)

Масруқ ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳнинг олдиларига кирдим. Абдуллоҳ бундай дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайшни динга чақирган вақтларида, Қурайш ул зотни ёлғончига чиқариб, зўравонлик қила бошлади. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Оллоҳ, буларга Юсуф алайҳиссалом даврларидагидек қаҳатчилик юбориб, менга мадад бергайсан!» -дедилар. Кейин, уларга шундай қаҳатчилик келдики, ҳамма нарса қуриб, ҳатто ўлимтиқларни ейишди, бирортаси ўрнидан туриб осмонга қараса, азбаройи силласи қуриганидан ўзи бирлан осмон ўртасида тутунга ўхшаш нарса кўрар эрди». Кейин, Абдуллоҳ «Кўз тутингиз осмондан тутун келадирган кунга!» деган оятни ўқий бошладилар, унинг «Биз улардан азобни аритсак, кейин улар яна куфрга қайтурлар» деган жойига етганда: «Қиёмат куни улардан азоб аритилармиди?!» — дедилар ва яна «Яқин кунда уларни катта (қаттиқ) тутиш қилурмиз» деган оятни ўқидилар».

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сўнг, ундан юз ўгириб, уни ғирт жинни дейишди»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар қилиб юборди. Ул зот: «Мен даъватим учун сизлардан ҳақ олмагайман ва мен пайғамбарликни даъво қилувчи сохтакор ҳам эрмасман!» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайшни динга даъват қилганларида, улар бўйин товлашди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳга: «Эй Оллоҳ, Қурайшга Юсуф алайҳиссалом даврларидагидек етти йиллик қаҳатчилик юбориб, менга мадад бергил!» — дедилар. Кейин, уларга қаҳатчилик йили келди, ҳамма нарса қуриди, ҳатто суякларни ва териларни ейишди. Қурғоқчиликнинг зўридан ердан тутунга ўхшаш нарса кўтарилар эрди. Мушрикларнинг каттаси Абу Суфён Жаноб Расулulloҳнинг ёнларига келиб:

«Эй Муҳаммад, қавмингиз ҳалок бўлди, Оллоҳга дуо қилингиз, улардан азобни аритсин!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилдилар. Аммо, улар кейин яна куфрга қайтишди».

5- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Яқин кунда уларни катта (қаттиқ) тутиш қилурмиз, дарҳақиқат биз интиқом олурмиз»

Абдуллоҳ: «Беш аломат –“Сазо”, “Рум”, Ҳужум”, “Ой” ва “Тутун” бўлиб ўтади”, дейдилар.

«АЛ-ЖОСИЯ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ҳалок этмиш бизни фақат замона»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Одабийзод замонни сўкиб, менга озор берур, ваҳоланки замон мен ўзимман, барча ишлар менинг қўлимда бўлиб, кеча бирлан кундузни алмаштирурман»,— дейди».

«АЛ-АҲҚОФ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ул одамики, дер ўз ота-онасига: «Туф сизларга, ваъда қилурсизларми мангаки, ман қабрдан чиқарилурман? Қолбуки, ҳар қанча жамоат ўтдилар, мандан аввал». Иккиси фарёд қилурлар Оллоҳга, (дерлар): «Афсус ҳолингга, иймон келтиргил, Оллоҳнинг қайта тирилмоқ ҳақидаги ваъдаси албатта қақдур!», кейин ул дерки, «Бу аввалгилардан қолган бир афсоналардур»

Юсуф ибн Молик ривоят қиладилар: «Марвон Муъовия томонидан Ҳижозга ҳоким этиб тайинланган эрди. У бир кунл одамларни йиғида, уларга хутба ўқиб Язид ибн Муъовия ҳақида яхши сўзларни гапирди, отаси ўрнига энди унга байъат қилишга даъват қилди. Шунда Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Марвонга гапираётди Язид ҳақида ҳақоратли сўзларни айтди. Марвон уни ушлашга буюрган эрди, у қочиб Оиша онамизнинг уйларига кириб олди, Марвон уни тута олмай: «Бу бола шундайки, унинг ҳақида Оллоҳ таоло ва ул одамики, дер ўз ота-онасига: «Туф сизларга, ваъда қилурсизларми мангаки, ман (ул дунёда қайта) қабрдан чиқарилурман?...» деган оятни нозил қилган»,— деди. Буни эшитиб, Оиша разияллоҳу анҳо ҳижоб (парда) орқасидан: «Оллоҳ таоло менинг покликим хусусидагина оят нозил қилгандур, бундан бўлак бизнинг ҳақимизда ҳеч нарса нозил қилмагандур!» — дедилар».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Кейин, вақтики улар кўрдилар ул азобники, булут суратида келур ўз водийлари томон, дедилар: «Бу бир булутдурки, бизларга ёгин берур». Йўк-йўк, бу ўзларингиз тезроқ келишини хоҳлаган бир бўрондурки, унда дардли азоб бордур!»

Оиша разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кичик тиллари кўринадирган даражада қаттиқ кулганларини сира ҳам кўрмаганман, ул зот фақат табассум қилиб кўярдилар, холос. Агар шамол эсса ёки булутни кўрсалар, юзларида хавотирлик сезилар эрди. Бир куни мен: «Ё Расулаллоҳ, одамлар булутни кўрсалар, ёмғир ёғур деган умидда хурсанд бўлурлар, сизнинг эрса булутни кўрганингизда хавотир бўлганингизни кўрурман»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Эй Оиша, келаётган булут ўзи бирлан азоб олиб келмаётганмикан, деб хавотир олурман, чунки бир қавм бўрон (шамол) юборилиб азобланган, улар эрса азобни кўриб: «Бу бир булутдурки, бизларга ёмғир берур»,— деганлар».

«АЛЛАЗИЙНА КАФАРУУ» ЁКИ «МУҲАММАД» СУРАСИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва қирқурсизлар (узурсизлар) қариндошлик алоқаларингизни»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло яратиш ишидан фориғ бўлгач, бачадон Оллоҳ таолонинг белбоғидан тутди. Оллоҳ таоло унга: «Қўйиб юбор!» — деди. Бачадон: «Қон-қариндошлик алоқаларининг узулмоғидан асрамоғингни тилайдирганнинг жойи ҳали шу бўлдимми?» — деди. Оллоҳ таоло «Агар мен қон-қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлаганларни ярлақасам-у, уни узганлардан эрса, раҳматимни фориғ тутсам, рози булгаймисан?» — деди. Бачадон «Ҳа, ё парвардигорим, розидурман!» — деди Оллоҳ таоло «Шундай қилгумдур!» — деди»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ қариндошлик муносабатлари ҳақида сўзладилар, сўнг «Агар истасангизлар, мана бу «Бас, агар сизлар ҳукуматга эга бўлсангизлар, (амалу бойликка хирс қўйиб) мамлакатда бузғунчилик қилурсизлар ва қирқурсизлар қариндошлик алоқаларингизни» деган оятни ўқингизлар!» — дедилар»

«АЛ-ФАТҲ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, биз ато этдик сизга бир равшан фатҳни (зафарни)…»

Зайд ибн Аслам ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарларидан бирида кечаси йўлда кетаётган эрдилар, Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ҳам ул зот бирлан бирга эрдилар. Шунда Ҳазрат Умар Жаноб Расулуллоҳдан бир савол сўрадилар, аммо ул зот жавоб қилмадилар. Ҳазрат Умар иккинчи бор сўрадилар, ул зот яна жавоб бермадилар, учинчи бор сўраганларида ҳам индамадилар Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу хаёлан «Онанинг сендан ажраб қолгур, эй Умар! Жаноб Расулуллоҳдан уч бор сўрадинг, аммо ул зот сенга жавоб қилмадилар»,— деб қўйдилар. Ҳазрат Умар бундай дейдилар «Кейин, мен туямни тезлатиб одамлар томон илгарилаб кетдим, «Менинг ҳақимда оят нозил бўлиб қолмаса эрди!» деб хавотирландим Кўп ўтмай, хабарчининг мени чақирганини эшитдим «Ўзим ҳақимда оят нозил булишидан қўрққан эрдим-а!» — дедим-да, Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келиб салом бердим. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бу кеча менга шундай бир сура туширилдики, бу сура мен учун қуёш чарақлаб турган бу дунёдан маҳбуброқдур!»— дедилар, кейин «Дарҳақиқат, биз сизга бир равшан фатҳ (ғалаба) ато қилдик» деб тиловат қилдилар»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу «Дарҳақиқат, биз сизга бир равшан фатҳ (ғалаба) ато қилдик» деган оят Ҳудайбийя ғалабаси ҳақидадур»,— дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Музаффал ривоят қиладилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳи куни «Ал-фатҳ» сурасини чиройли овоз бирлан қироат қилдилар»

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «(Дарҳақиқат, биз сизга бир равшан фатҳ ато қилдик), токи Оллоҳ таоло сизнинг ўтган ва келгуси хатоларингизни мағфират қилсин ва сизга ўз неъматини мукамал қилиб, сизни сироти мустақимга ҳидоят қилсин…»

Мугийра бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси намозда шунчалик узоқ турардиларки, ҳатто оёқлари шишиб кетар эрди. Одамлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Оллоҳ таоло сизнинг ўтган ва келгуси хатоларингизни мағфират қилган-ку, нечун ўзингизни бунчалар қийнайсиз?» — дейишганда, ул зот «Оллоҳ таолонинг шу меҳрибончилигига шукр қилгувчи банда бўлмайинми?»— дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси намозда шу қадар кўп қиёмда турардиларки, ҳатто оёқлари ёрилиб кетарди. Мен «Ё Расулаллоҳ, нечун бундай қилурсиз, ахир Оллоҳ таоло сизнинг ўтган ва келгуси хатоларингизни мағфират қилган-ку!» — деганимда, ул зот «Шукр қилгувчи банда

бўлмайинми?» — дедилар. Ул зот вазминлашиб қолганларидан кейин, ўлтириб намоз ўқийдирган бўлдилар, рукуъ қилмоқчи бўлганларида туриб қироат қилардилар, кейин рукуъга эгилардилар»

2- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, биз сизни гувоҳ, хушхабар етказувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик...»

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Қуръондаги «Дарҳақиқат, биз сизни гувоҳ, хушхабар етказувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик» деган оят Тавротда қуйидагича «Эй пайғамбар, дарҳақиқат биз сизни гувоҳ, хушхабар етказувчи, огоҳлантирувчи ва уммийларга ҳимоя қилиб юбордик, сиз менинг бандам ва расулимсиз, мен сизни «вакилим» деб атадим, (менинг вакилим эрса) дағал ва кўпол сўз эрмас, бозорларда бақириб-чақириб юрмагай, ёмонликка ёмонлик бирлан жавоб бермагай, балки афв этгучи ва кечиргучидур, Оллоҳ унинг жонини олмагайдур, токим ул йўлдан озган миллатни «Ло илоҳа иллаллоҳ» дегизиб, тўғри йўлга солмагунча ва бу сўз ила сўқир кўзларни, кар кулокларни ва кулф қалбларни очмагунча».

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мўминларнинг дилларига ором туширган зот Оллоҳ таолодур»

Барро *разияллоҳу анҳу айтадилар:* «Пайғамбар алайҳиссаломнинг асҳобларидан бири Қуръон ўқир эрдилар, ҳовлида ул кишининг отлари боғлиқ турган эрди. Ногаҳон, от безовта бўла бошлади. Саҳобий чиқиб қарасалар, ҳеч нарса йўқ, аммо от безовталанаверди. Эрталаб ул киши Жаноб Расулуллоҳга воқеани айтган эрдилар, ул зот. «Бу Қуръон бирлан тушган оромдур (сакинатдур)»,— дедилар («Сакинат» — ўшал отми хуркитиб юборган «ором» бўлиб, айтишларича у юзи инсон юзи сингари бўлмиш бир енгил шабода ёки мўминлар қалбига ором берувчи фаришта эркан)».

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мўминлар дарахт тагида сизга байъат қилаётганларида Оллоҳ улардан рози бўлди»

Жобир ибн Абдуллоҳ: «Биз Ҳудайбийя куни бир минг тўрт юзта эрдик»,— дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Музаффал разияллоҳу анҳу: «Мен дарахт остида байъат қилганлардан эрдим. Ўшанда Пайғамбар алайҳиссалом тош отиш ва ғулгоҳда сийишдан қайтардилар»,— дейдилар (Тош отишнинг фойдасидан кўра зарари кўпдир. Чунки, у бирлан овни уриб бўлмайди, душманни ўлдириб ҳам бўлмайди. Аммо, у одамнинг бирор ерини ёриши, кўзини кўр қилиши мумкин. Жаноб Расулуллоҳ инсонга зарар етказиш эҳтимолидан тош отишни наҳий қилдилар. Ғул қиладирган жойга бавл қилишдан қайтарганларининг боиси шулки, агар ер қаттиқ бўлса, сийдик кишининг ўзига сачрайди).

Собит ибн Заҳҳокнинг айтишларича, ул киши дарахт асҳобларидан эрканлар (Ҳудайбия водийсидаги бир дарахт тагида ҳозир бўлган мусулмонлар, яъни, бир ярим минг саҳоба Пайғамбар алайҳиссаломга кўл беришиб, то бошларига ўлим соати келгунига қадар ул зотга содиқ бўлишга қасамёд қилдилар. Қуръон эрса уларнинг пайғамбар орқали Оллоҳ таолога байъат қилганларини уқдиради ва бу байъат ислом тарихида «Байъатуриривон», яъни Оллоҳ мўминлардан рози бўлган байъат, деб номланган).

Ҳабиб ибн Абу Собит: «Мен бир нарсани сўраш учун Абу Воилнинг олдида борган эрдим, у: «Биз Сиффайн деган жойда эрдик»,— деди (Сиффайн — Фурот дарёсининг водийси бўлиб, шу жойда Ҳазрат Али бирлан Муовия ўртасида катта жанг бўлган). Бир киши келиб Али разияллоҳу анҳудан: «Оллоҳнинг Китобига даъват қиладирган кишиларнинг гапига не дейсиз?» — деб сўради. Ҳазрат Али: «Қуръон оятига даъват қилган кишининг гапини дарҳол қабул қилурман»,— дедилар. Шунда Саҳл ибн Ҳаниф: «Нафсингиз йўлига юрмангизлар, яъни ақл бирлан иш тутингизлар, бизнинг

Худайбийядаги ишимизни, яъни Пайғамбар алайҳиссалом бирлан мушриклар ўртасида сулҳ тузилганини билурсизлар. Агар уруш қилмоқни истаганимизда эрди, урушган бўлур эрдик»,— деди. Шул аснода Ҳазрат Умар келиб, Жаноб Расулуллоҳга. Бизнинг ишимиз ҳақ, уларнинг иши эрса ботил эрмасми? Биздан ўлганлар жаннатда, улардан ўлганлар дўзахда бўлмайдиларми?»—дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, шундай бўлгай!» — дедилар. Ҳазрат Умар: «Унда нечун Оллоҳ таоло бизга ҳукм қилиб турган бир пайтда ортга қайтгаймиз?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Хаттобнинг ўғли, мен Оллоҳнинг расулидурман, Оллоҳ эрса мени ҳеч қачон мағлуб қилмагай!»— дедилар. Шундан сўнг, Ҳазрат Умар алам бирлан Абу Бакрнинг олдиларига келдилар-да, ул кишига: «Эй Абу Бакр, бизлар ҳақ, улар эрса ботил эрмасми?» — дедилар. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу аиҳу: «Эй Умар ибн ал-Хаттоб, ул зот Оллоҳнинг расулидурлар, Оллоҳ эрса ул кишини сира мағлуб қилмагай!» -- дедилар. Шунда «Ал-Фатҳ» («Зафар») сураси нозил бўлди».

«АЛ-ҲУЖУРОТ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Овозларингизни пайғамбар овозидан баланд кўтармангизлар!»

Ибн Абу Мулайка разияллоҳу аиҳу ривоят қиладилар: «Икки яхши одам, яъни Абу Бакр бирлан Умар ҳалок бўлишларига оз қолди. Икковлари Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларида овозларини баланд кўтариб юборишди. Сабаби, ул зотнинг ҳузурларига Бану Тамим қабиласидан отлиқлар келишган эрдилар. Абу Бакр Сиддиқ Ақраъ ибн Ҳобисни, Ҳазрат Умар эрсалар бошқа бир кишини уларга амир этиб тайинлашни таклиф қилдилар. Шунда Абу Бакр Сиддиқ Ҳазрат Умарга: «Доим сиз менга қарши иш тутурсиз!» — дедилар. Ҳазрат Умар: «Сизга қарши иш тутмоқни хоҳлаганим иўқ!» — дедилар. Натижада, икковлари ҳам баланд овоз бирлан тортишиб кетишди. Шул аснода Оллоҳ таоло «Эй мўминлар овозларингизни пайғамбар овозидан баланд кўтармангизлар!» деган оятни нозил қилди»

Ибн Зубайр « Мана шу оят нозил бўлгандан кейин, Умар разияллоҳу аиҳу Жаноб Расулуллоҳга пичираб гапирадирган бўлиб қолдилар, ҳатто ул зот кўпинча тушунмай қолиб, қайга-қайта сўрар эрдилар»,— дейдилар. Аммо, Ибн Зубайр боболари Абу Бакр ҳақларида бундай гапни гапирма-дилар»

Анас ибн Молик разияллоҳу аиҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Собит ибн Қайсни қидириб қолдилар. Шунда бир киши «Ё Расулаллоҳ, мен у ҳақда билиб келгайман!» — деб чиқиб кетди-да, Собитнинг уйига борди. Собит уйда бошини куйи эгганича ўлтирган эрди. Бояги киши Собитдан «Не бўлди?»—деб сўради. Собит: «Ёмон бўлди»— деб, ўзининг Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларида баланд овоз бирлан гапириб юборганини, шу сабабли бутун амаллари ҳабата бўлганини, ўзи эрса дўзах аҳлидан бўлиб қолганини айтди. Кейин, ҳалиги одам Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, бор гапни хабар қилди. Жаноб Расулуллоҳ ҳалиги одамни яна Собитнинг уйига жунатаётиб «Сиз дўзах аҳлидан эрмас, балки жаннат аҳлидан эркансиз, деб унга айт!»—дедилар».

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, ҳужралар ортидан туриб сизни чақирадирган кимсаларнинг кўплари албатта ақлсиз кимсалардур»

Абоуллоҳ ибн Зубайр разияллоҳу аиҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига Бану Тамимдан отлиқлар келган эрди. Шунда Абу Бакр Сиддиқ «Буларга Қабқоъ ибн Муъаббадни амир қилсангиз!»— дедилар. Умар разияллоҳу аиҳу эрсалар «Ақраъ ибн Ҳобисни амир қилсангиз!» — дедилар. Абу Бакр разияллоҳу аиҳу Ҳазрат Умарга эътироз билдириб: «Доим менга қарши иш қилурсиз!»—дедилар.

Умар разияллоҳу анҳу «Мен сизга қарши иш қилишни хоҳлаганим йў!»— дедилар. Натижада, иккоалари гап талашиб, овозлари баланд кўтарилиб кетди. Шу ҳаққа Оллоҳ таоло «Эй мўминлар, Оллоҳ ва унинг пайғамбари ҳузурида (улардан илгари) гапирмангизлар!» деган оятни нозил қилди».

2- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар улар, сиз ўзингиз уларнинг қошларига чиққунингизгача сабр қилганларида эрди, ўзлари учун яхши бўлган бўлур эрди

«ҚОФ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Жаҳаннам: «Яна (қўшимча) борми?» — дейди»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Жаҳаннамга «Тўлдингми?» — дейилгай, шунда у «Яна (қўшимча) борми?» — дегай. Парвардигор («Бўлди, қолмади» деган маънода) қадамани жаҳаннам устига қўйгачгина, у «Етарли, етарли!» — деб айтгай».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: «Жаннат бирлан дўзах ўзаро гап талашиди. Дўзах «Мен такаббуру зўравонлар учун яратилганман»,— деди. Жаннат эрса «Менга фақат одамларнинг кучсизлари-ю мазлумлари киргай»,— деди. Оллоҳ таоло жаннатга «Сен менинг раҳматимсан, сенинг воситанг ила истаган бандамга раҳмат қилурман»,— деди. Сўнг, дўзахга «Сен менинг азобимсан, истаган бандамга сенинг воситанг ила азоб берурман»,—деб айтди. Жаннатнинг ҳам, дўзахнинг ҳам ўз тўлдиргувчилари бордур. Аммо, дўзах, токи Оллоҳ таоло унинг устига қадамани қўймас эркан, тўлмагай Оллоҳ таоло оёғини қўйгач, дўзах «Етарли, етарли!» — дегай-да, оғзини ёпиб олгай. Оллоҳ таоло бирор махлуқига ортиқча азоб бериб зулм қилмагай. Аммо, жаннат хусусига келсак, (у солиҳ бандаларга тўлиб-тошиб кетса ҳам, қабул қилавергай), ҳатто Оллоҳ таоло қўшимча яна бир жаннат барпо қилгай».

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Кун чиқишидан илгари ҳам, кун ботишидан илгари ҳам парвардигорингга тасбиҳу ҳамд айтгил!»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз кечаси Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўлтирган эрдик. Шунда ул зот ўн тўрт кечалик ойга қараб бундай дедилар: «Албатта, сизлар ул дунёда раббингизни худди мана шу ойни кўргандек кўрурсизлар. Уни кўришда бир-бирингизга халал бермагайсизлар. Агар куёш чиқишидан ва ботишидан илгариги намозларни шайтонга бой бермасликка кодир бўлсангизлар, ўқингизлар!». Кейин ул зот «Кун чиқишидан илгари ҳам, кун ботишидан илгари ҳам парвардигорингга тасбиҳу ҳамд айтгил!» деган оятни тиловат қилдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулуллоҳ менга ҳамма намозлардан сўнг тасбиҳ айтмоқни буюрдилар»,— дейдилар».

«АТ-ТУР» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳга касаллигимдан шикоят қилиб эрдим, «Уловда одамларга эргашиб Каъбани тавоф қилавер!» деб буюрдилар. Шунда мен тавоф қилдим, ул зот эрсалар Байтуллоҳнинг бир чеккасида «Ват-Тур ва китобим мастур» сурасини қироат қилиб намоз ўқидилар».

Жубайр ибн Мутъимнинг оталари ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг шом намозидида «Ват-Тур» сурасини қироат қилганларини эшитдим. Ул зот «Балки улар ҳеч нарсадан (ўз-ўзидан) яралиб қолгандирлар-а?! Балки улар ўзлари яратгувчимиканлар-а?! Балки осмонлар бирлан Ерни улар яратгандирлар-а?! Балки улар ишонмаслар? Балки

парвардигорингизнинг хазиначиси уларнинг қошларидадур-а?! Ёки улар бутун борлиқни бошқариб тургувчимиканлар-а?!» деган оятга келганларида қалбим учиб чиқиб кетишига оз қолди!»

Суфён разияллоҳу анҳу «Жаноб Расулуллоҳнинг шомда «Ват-Тур» сурасини ўқиганларини Зухрийдан мен ҳам эшитганман, аммо қолган гапларни эшитмаганман»,— дейдилар.

«ВАН-НАЖМ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Масруқ ривоят қиладилар «Мен Оиша онамиздан «Эй онажон, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам парвардигорларини кўрганмилар?»—деб сўрадим. Оиша онамиз «Сенинг гапингдан сочим тикка бўлди. Учта гапдан хабаринг йўқ эрканда? Ким сенга: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам парвардигорларини кўрганлар»,— деса, ғирт ёлғон айтибди!»—дедилар, кейин ушбу «Энг ўтқир кўзлар ҳам уни кўрмагай, аммо ул уларни кўриб тургай ва ул ҳар қандай тўсиқдан ўтгувчи ва ҳар қандай ишдан хабардор зотдур» деган оятни, сўнг «Бирор инсон Оллоҳ бирлан юзма-юз гаплаша олмас, у фақат ваҳий орқалигина гаплашур ёки хижоб (парда) орқасидан туриб гаплашур» деган оятларни ўқидилар. Сўнг, сўзларида давом этиб «Кимки сенга «Жаноб Расулуллоҳ эртага бўладирган ишни билурлар»,— деса ҳам ғирт ёлғон айтибди!»—дедилар-да, «Бирор жон эртага не иш қилмоғини билмас» деган оятни ўқидилар. Кейин, яна сўзларида давом этиб: «Кимки сенга «Жаноб Расулуллоҳ Оллоҳ буюрган нарсани яширган»,— деса ҳам ғирт ёлғон айтибди!» — дедилар-да, «Эй пайғамбар, раббингиздан ўзингизга етказилган нарсаларни етказингиз!» деган оятни ўқидилар. «Лекин,— дедилар Оиша онамиз, — ул зот Ҳазрат Жаброилни икки бор асл қиёфаларида кўрганлар»

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Бас, пайғамбарга икки камон оралиғида, балки ундан пастроқ яқин келди»

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Ҳазрат Жаброилни кўрганлар, ул кишининг олти юзта қанотлари бор эркан».

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, пайғамбар ўз парвардигорининг буюк оятларини (белги, аломатларини) кўрди»

Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Дарҳақиқат, пайғамбар ўз парвардигорининг буюк оятларини кўрди» деган оятни тафсир қилиб «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Жаброилнинг) яшил қанотларини кўрдилар, у бутун уфқни тўсиб турарди»,— дейдилар.

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Лот ва Уззо... (номли бутлар) хусусида ҳеч ўйлаб кўрдингизларми?»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Кимки Лот ва Уззони тилга олиб қасам ичган эрса, (дарҳол) «Ло илоҳа иллаллоҳ» деб айтсин, кимки шеригига «Кел, қимор ўйнайлик!» деган эрса, (дарҳол) садақа қилиб юборсин!» — дедилар».

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва бошқа учинчи (бут) Манот...»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мушаллал деган ердаги Манотга сиғинувчи кишилар Сафо ва Марва ўртасини тавоф қилмас эрдилар. Оллоҳ таоло «Албатта, Сафо бирлан Марва Оллоҳ буюрган ибодатгоҳлардандур» деган оятни нозил қилгач, Жаноб Расулуллоҳ ва мусулмонлар ул ерни тавоф қила бошладилар».

Суфён: «Манот Кадид деган жойнинг Мушаллал мавзесига ўрнатилган эрди»,— дейдилар.

Оиша *онамиз*: «Сафо ва Марва ҳақидаги оят ансорлар хусусида нозил бўлган. Улар ва ғассонликлар мусулмон бўлишларидан аввал Манотга ният қилиб эҳром боғлар эрдилар»,— дейдилар.

Оиша *онамиз*: «Ансорлар илгари Манотга ният қилиб эҳром боғлар эрдилар. Манот — Макка бирлан Мадина орасидаги бир бутнинг номи бўлиб, ансорлар: «Ё Расулаллоҳ, биз илгари Манотни улуғлаб, Сафо ва Марвани тавоф қилмас эрдик»,— дейишган эрди»,— дейдилар.

5- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Бас, сизлар Оллоҳга сажда ва ибодат қилингизлар!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом «Ван-Нажм» сурасини ўқиб сажда қилдилар, ул зот бирлан бирга мусулмонлар ҳам, мушриклар ҳам, жинлару одамлар ҳам сажда қилишди»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Энг биринчи нозил бўлган сажда оятли сура— «Ван-Нажм» сурасидир. У нозил бўлганда Жаноб Расулulloҳ дарҳол сажда қилдилар, шунда ул зотга эргашиб ортларида турган кишилар ҳам сажда қилди, аммо бир киши сажда қилмади. Ўшал киши ердан бир сиким тупроқ олиб ўшанга сажда қилди. Кейинчалик, мен унинг кофир ҳолда ўлдирилганини кўрдим. Унинг номи Умайя ибн Халаф эрди».

«ИҚТАРАБАТИС-СОЪАТУ» ЁКИ «АЛ-ҚАМАР» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ой иккига бўлинди ва агар кофирлар кўрсалар ҳам бирор мўъжизани, юз ўгурурлар»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳнинг даврларида Ой алоҳида-алоҳида икки қисмга бўлинди. Бир қисми тоғ устида, иккинчи қисми эрса унинг рўпарасида турди. Шунда Жаноб Расулulloҳ барчага: «Гувоҳ бўлингизлар!»—дедилар».

Абдуллоҳ бундай дейдилар: «Ой иккига бўлинди, шунда биз Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга турган эрдик. У алоҳида-алоҳида икки қисмга ажралди. Жаноб Расулulloҳ бизларга: «Гувоҳ бўлингизлар, гувоҳ бўлингизлар!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг замонларида Ой иккига бўлинди»,— дейдилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Аҳли Макка Жаноб Расулulloҳдан мўъжиза кўрсатишни талаб қилишди. Шунда ул зот мўъжиза тариқасида Ойни иккига бўлиб кўрсатдилар».

Анас: «Ой тенг иккига бўлинди»,— дейдилар.

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Кема) сузар эрди кўз олдимизда бир интиқом сифатида ул одам учунки, кадрланмади ва батаҳқиқ қолдирдик ул воқеани ибрат қилиб, борми насихат олгувчи?»

Қатодо разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Оллоҳ таоло Нуҳнинг кемасини саломат сақладики, ҳатто уни мана шу умматнинг дастлабки кишилари ҳам кўрдилар».

Абдуллоҳ «Жаноб Расулulloҳ «Фа-ҳал мин муддакир» («насихат олгувчи борми?») деб кироат қилур эрдилар»,— дейдилар.

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз Қуръонни насихат (ибрат) олмоқ учун осон қилиб қўйдик, (ундан) насихат олгувчи борми?»

Абдуллоҳ «Жаноб Расулulloҳ «Фа-ҳал мин муддакир» деб кироат қилур эрдилар»,—

дейдилар.

4-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Томири ила суғурилган хурмо дарахтлари каби (одамларни учуриб кетар эрди), бас нечук бўлибдур менинг азобим ва огоҳлантиришим?!»

Абу Исҳоқ бундай дейдилар: «Бир одам Асваддан «Фа-ҳал мин муддакир»ми ёки «муззакир»ми?»— деб сўради. Асвад «Мен Абдуллоҳнинг «мин муддакир» деб ўқиганларини эшитганман, ул киши «Пайғамбар алайҳиссаломнинг «мин муддакир» деб ўқиганларини эшитган эрканлар»,— деди»

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Улар тикондан қўра ясовчининг санчилган ёғочлари каби бўлиб қолдилар. Биз Қуръонни насихат олмоқ учун осон қилиб қўйдик, (ундан) насихат олгувчи борми?»

Абдуллоҳнинг ривоятларига қараганда, Пайғамбар алайҳиссалом «Фа-ҳал мин муддакир»—деб «дол» бирлан қироат қилганлар»

6-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳақиқатан, эрта тонгда уларга барқарор азоб етиб келди. Энди менинг азобимни ва огоҳлантиришимни бир татиб кўрингизлар!»

Абдуллоҳ ривоят қиладиларки, Пайғамбар алайҳиссалом «Фа-ҳал мин муддакир» — деб «дол» ҳарфи бирлан қироат қилган эрканлар

7-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз сизларга ўхшашларни ҳалок қилдик, бундан бирор ибрат олгувчи борми?»

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳга «Фа-ҳал мин муззакир» — деб «зол» ҳарфи бирлан ўқиб бердим. Шунда ул зот «Фа-ҳал мин муддакир» — деб дол бирлан ўқи!»—дедилар».

8-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Яқинда ўшал жамоа енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бадр куни чодирда турган ҳолларида бундай дедилар: «Ё Оллоҳ, ваъданга вафо қилмоғингни илтижо қилурман! Ё Оллоҳ, агар истасанг, бугундан кейин ибодат қилинмагайсан (яъни, агар истасанг, эртагаёқ бутун бандаларингни ҳалок қилгайсан, ўзингга ибодат қилгувчиларни қолдирмагайсан)!» Шунда Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу қўллари бирлан Жаноб Расулуллоҳни тортиб «Эй Оллоҳнинг расули, бўлди, кифоя, раббингиздан кўп илтижо қилдингиз!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ эрсалар совутда бўлсалар ҳам, ирғиб турдилар-да «Яқинда ўшал жамоа енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар!»—дея ташқари чикдилар»

9- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Балки қиёмат уларга ваъда қилинган вақтдур ва қиёмат (азоби) қаттиқроқ ва аччиқроқдур!»

Юсуф ибн Молик ривоят қиладилар: «Мен мўминларнинг онаси Оишанинг олдларида эрдим. Шунда, ул муҳтарама «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга Маккада «Балки қиёмат уларга ваъда қилинган вақтдур ва қиёмат (азоби) қаттиқроқ ва аччиқроқдур!» деган оят нозил бўлганда мен ёш қизалоқ эрдим, ўйнаб юрар эрдим»,— дедилар»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Бадр куни чодирда туриб бундай дедилар: «Эй Оллоҳ, ваъданга вафо қилмоғингни илтижо қилурман! Эй Оллоҳ, агар хоҳласанг, бугундан кейин бутунлай ибодат қилинмайсан!» Шунда Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу қўллари бирлан Жаноб Расулуллоҳни тортиб «Эй Оллоҳ-нинг расули, бўлди, етарли, раббингизга кўп илтижо қилдингиз!»—дедилар»

Кейин, Жаноб Расулulloх совут кийган ҳолда ташқарига чиқаётиб, «Яқинда ўшал жамоа енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар, балки қиёмат уларга ваъда қилинган вақтдур ва қиёмат қаттиқроқ ва аччиқроқдур!» деган оятларни ўқидилар».

«АР-РАҲМОН» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ул икки жаннатдан пастроқда яна икки жаннат бордур»

Абдуллоҳ ибн Қайс разияллоҳу анҳунинг оталари ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloх бундай дедилар: «Икки жаннат бор, уларнинг идишлари-ю бошқа нарсалари кумушдан ясалган ва яна икки жаннат бор, уларнинг идишлари-ю бошқа нарсалари тилладан ясалган. Адн жаннатида қавм бирлан парвардигорлари ўртасида унга назар солмоқларига улуғлик пардасигина монъелик қилиб тургай».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Чодирларда асралган хурлар бор»

Абдуллоҳ ибн Қайснинг оталари ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатда ичи ғовак марвариддан қилинган чодирлар бор, унинг кенглиги олтмиш милдур. Ул чодирларнинг ҳар бир бурчида истикомат қилгувчи (хурлар) бўлиб, бири иккинчисини кўрмайди, уларни мўминлар тавоф қилиб юрадирлар. Икки жаннат бор, уларнинг идишлари ва бошқа нарсалари кумушдан ясалган, яна икки жаннат бор, уларнинг идишлари ва бошқа нарсалари эрса олтиндан ясалган. Адн жаннатида қавм бирлан парвардигорлари ўртасида унга назар солмоқларига улуғлик пардасигина монъелик қилгай».

«АЛ-ВОҚИЪА» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

«... ва узун соя остида...»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатда бир дарахт бор, отлиқ унинг соясида юз йил юриб ҳам поёнига етолмайди. Агар хоҳласангизлар: «Узун соя остида» деган оятни ўқингизлар!»—дедилар». Ундаги «Одамлар орасида шундай кишилар борки... Одамлар орасида шундай кишилар борки...» деган оятлар шундай кетма-кет нозил бўла бошладики, ҳатто одамлар: «Бу сура биттаминизни ҳам қолдирмай бирма-бир зикр қилса керак» — деб ўйлашди»,— дедилар. Мен ул кишидан «Анфол» сураси ҳақида ҳам сўрадим, унинг Бадр жангги ҳақида нозил бўлганини айтдилар. Кейин, «Ал-Ҳашр» сураси хусусида ҳам сўраган эрдим, унинг Баний Назир қабиласи тўғрисида нозил бўлганини айтдилар».

Саъид бошқа бир ҳадисда: «Ал-Ҳашр» сураси бу «Назир» сурасидур»—деб айтганлар.

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ул хурмо дарахтики, кесдингизлар...»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам Баний Назир хурмозорларини ёндирдилар, кесдилар. Бу хурмозорлар Бувайрада эрди. Шунда Оллоҳ таоло «Ул хурмо дарахтики, кесдингизлар ё қолдирдингизлар уни ўз томирларида турган ҳолда, ҳар иккиси ҳам Оллоҳнинг изни ила нофармонларни расво қилмоғи учун бўлди» деган оятни нозил қилди».

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ул молники, беуруш берди Оллоҳ ўз расулига»

Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Баний Назирнинг моллари Оллоҳ таоло ўз пайғамбарига улардан урушсиз олиб берган моллар бўлиб, унга мусулмонлар на от ва на

туяларини чоптириб эришган эрмас эрдилар. Шунинг учун ҳам бу моллар Жаноб Расулуллоҳга хос бўлиб, ундан ўз аҳлларига бир йиллик нафақа бердилар. Қолган қурол-яроғ ва отларни Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ учун асраб қўйдилар».

«АЛ-ҲАШР» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Мен Ибн Аббос разияллоҳу анхуга «Тавба» сураси ҳақида гапирдим. Шунда Ибн Аббос: «Бу сура ошкор (шармисор) қилгувчи сурадур.

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Пайғамбар сизларга нимаики келтирса, олингизлар!»

Алқама ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху: «Оллоҳ таоло хусн учун баданига (игна бирлан) сурат чиздирган ва чизган аёлларни, юзининг мўйларини кирдирган аёлларни, курак ва қозик тишлари орасини эговлатиб кенгайтирган аёлларни, яъни Оллоҳ яратганини ўзгартирган аёлларни лаънатлади»,— дедилар. Бу гап Баний Асад қабиласидан бўлган бир аёлга етиб борди Уни Умму Яъқуб дейишар эрди. Ўшал Умму Яъқуб Абдуллоҳнинг хузурларига келди-да, ул кишига «Мен эшитдимки, сиз ундай ва бундай аёлларни лаънатлабсиз, тўғрими?»—деди. Абдуллоҳ: «Жаноб Расулуллоҳ лаънатлаганларни нечун мен лаънатламайин, ахир Оллоҳ таоло ҳам ўз Китобида уларни лаънатлаган-ку!» — дедилар. Умму Яъқуб «Оллоҳ таоло ҳақи, икки лавҳ (ер ва осмон) оралиғидаги жамики ёзувларни ўқиб чиқиб ҳам бундай гапни тополмадим!» —деди. Абдуллоҳ: «Оллоҳ таоло ҳақи, агар ҳақиқатан ҳам ахтариб кўрганингда эрди, «Расулуллоҳ Оллоҳ таолодан сизларга нимаики келтирган эрса, барчасини қабул қилингизлар ва нимадан қайтарган эрса, ўша ишни қилмангизлар!» деган сўзларни ўқиган бўлур эрдинг!» — дедилар. Умму Яъқуб «Ҳа, буни ўқиганман»,— деди. Абдуллоҳ: «Жаноб Расулуллоҳ Оллоҳ таолонинг айтган шу қавлига кўра ўша ишлардан қайтарганлар»,— дедилар. Умму Яъқуб «Лекин, ўзингизнинг хотинларингиз шу ишларни қилишса керак, деб ўйлайман»,— деди. Абдуллоҳ «Ундай эрса, уйимга бориб хотинларимни кўргил!» — дедилар. Умму Яъқуб Абдуллоҳнинг уйларига бориб хотинларини кўрди, уларнинг баданларида ўзи истаган нарсани топмади».

Абдуллоҳ «Агар аёллар мазкур ишларни қилсалар, биз уларни талоқ қилар эрдик»— дейдилар.

Абдуллоҳ; «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сочига улама таққан аёлларни лаънатлаган эрдилар»,— дейдилар

4-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Муҳожирлардан илгари Мадинага келиб ўрнашган ва иймон-эътиқодни маҳкам ушлаган кишилар...»

Умар разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Халифа дастлабки муҳожирларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмоқни ҳамда Жаноб Расулуллоҳ ҳижрат қилмасларидан илгари Мадинага келиб жойлашган ва иймонларини маҳкам ушлаган ансорийларга, агар муҳожирлардан бирор яхшилик бўлса, қабул қилмоқни ва агар бирор хатолик бўлса, афв этмоқни васият қилдилар»

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ўзларида эҳтиёж бўлатуриб ўзгаларни ортиқ билурлар»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар «Бир киши Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келиб «Эй Оллоҳнинг расули, мен жуда очман!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ хотинларига одам юбориб, бирор егулик сўратдилар, лекин уйларида ҳеч нарса топилмади. Шунда ул зот «Бу кеча бирор киши меҳмонни зиёфат қила олурми? Зиёфат қилган одамни Оллоҳ таоло

ярлақасин!»—дедилар. Буни эшитиб, ансор-лардан бир киши урнидан турди-да «Эй Оллоҳнинг расули, мен меҳмон қилурман!»—деди, сўнг уйига бориб «Жаноб Расулуллоҳнинг меҳмонларига бирор егулик борми?» —деб хотинидан сўради. Аёл «Худо хақи, болаларнинг овқатидан бўлак ҳеч нарса йўқ!» - деди. Ансорий «Агар болалар овқат тиласа, уларни ухлатиб кўйигил-да, чирокни ўчиргил, ўзимиз бу кеча қорнимизни танғиб боғлаб кўя қолурмиз!»—деди. Аёл эри айтганидай қилди. Эрталаб мезбон Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига борганида, ул зот «Оллоҳ таоло фалон аёлнинг қилган ишларидан таажжуб қилиб, «Ўзларида эҳтиёж бўлатуриб ўзгаларни ортиқ билурлар» деган оят нозил қилди»,— дедилар».

«АЛ-МУМТАҲИНА» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўмиилар, менинг ва ўзларингизнинг душманларингизни дўст тутмангизлар!»

Али разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мен, Зубайр ва Микдодни жўнатаётиб «Борингизлар, «Хох» деган боғчага етганларингизда тахтиравонда ўлтирган бир аёлни учратгайсизлар, унда мактуб бор, олиб келингизлар!» — деб бурдилар. Сўнг, биз отларимизни чоптириб боғчага етиб келдик. Ҳақиқатан, ўша ерда тахтиравонда ўлтирган бир аёлни учратдик. Унга «Мактубни бер!»— деб буюрдик. У «Менда мактуб йўқ!» — деб қаршилиқ қилди. Мен унга «Ё мактубни берасан ёки ётқизиб кийимларингни ечурмиз!» — дедим. Ниҳоят, у сочлари орасидан мактубни чиқариб берди. Биз уни Жаноб Расулуллоҳга келтириб бердик. Не кўз бирлан кўрайликки, мактуб Ҳотиб ибн Абу Балтаъадан Макка мушрикларининг катталарига юборилган бўлиб, унда ул зотнинг режалаштирган айрим ишлари тўғрисида хабар қилинган эрди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Эй Ҳотиб, бу нима қилга-нинг?» —деб сўрадилар. Ҳотиб ибн Абу Балтаъа «Ё Расулаллоҳ, менга (жазо беришга) шошилмангиз, мен Қурайшдан бўлмасам ҳам, у бирлан қасам ичиб дўстлашганман. Сиз бирлан бирга хижрат қилганларнинг Маккада қариндошлари бўлиб, улар буларнинг у ердаги бола-чақа ва молларини ҳимоя қилурлар. Менинг Маккада қариндошим бўлмаса-да, ул ерда ўзимга бир дўст пайдо қилай, улар бола-чакам ва молимни ҳимоя қилсинлар, деб шу ишни маъкул кўрдим. Лекин, буни куфр ёки диндан қайтишим сабабли қилмадим!»—деди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Албатта, бу ҳақ гапни айтди!» — дедилар. Умар разияллоҳу анҳу: «Менга изн берингиз, ё Расулаллоҳ, бўйинини узиб ташлайин!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Ахир, у Бадрда иштирок қилганлардан-ку! Оллоҳ таоло аҳли Бадрнинг қиладирган ишларидан ўзи воқифдур, у: «Хохлаган ишларингизни қилингизлар, сизларни батаҳқиқ мағфират қилдим!» — деб айтган»,— дедилар».

Амр разияллоҳу анҳу: «Кейин, Ҳотиб ҳақида «Эй мўминлар, менинг ва ўзларингизнинг душманларингизни дўст тутмангизлар!» деган оят нозил бўлди»,— дейдилар.

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар сизларга мўминалар хижрат қилиб келсалар...»

Ошша разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар мўминалар хижрат қилиб келсалар, мазкур оят сабабли уларни имтиҳон қилиб кўрар эрдилар. Имтиҳон шартлари қуйидаги оятда зикр қилинган: «Эй пайғамбар, агар сизга мўминалар хижрат қилиб келсалар, Оллоҳга бирор нарсани шерик қилмасликка, ўғрилик қилмасликка, зино қилмасликка, болаларини ўлдирмасликка, ўзаро бўхтон ва иғво тўқимасликка ва бирор яхши ишда сизга итоатсизлик қилмасликка сизга байъат қилсинлар, агар қасамёд қилсалар, сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилингиз ва улар

ҳақларига Оллоҳдан мағфират талаб қилингиз, дарҳақиқат Оллоҳ мағфиратли ва меҳрибон зотдур!» Мўминалардан қайси аёл шу шартларга иқрор қилса, унга Жаноб Расулуллоҳ оғзаки: «Батаҳқиқ, мен байъатингни қабул қилдим!» — дердилар, Оллоҳга қасамки, кўллари аёлнинг кўлига тегмас эрди! Байъатда фақат: «Байъатингни қабул қилдим мазкур шартларга биноан», — дердилар»

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, агар сизга байъат қилиш учун мўмина аёллар келсалар...»

Умму Атийя разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз Жаноб Расулуллоҳга байъат қилдик. «Оллоҳга бирор нарсани шерик қилмасинлар» деган оятни ўқиб бердилар, сўнг азада баланд овоз бирлан йиғлашдан бизни қайтардилар. Орамиздаги бир аёл бармоғини тишлаб: «Фалончи менинг уйимда азада йиғлашган эрди, мен ҳам қарзимни узиб унинг уйида азада йиғлашим керак», — деди. Жаноб Расулуллоҳ унга ҳеч нарса демадилар. Аёл бориб, кейин қайтиб келди, ул зот унинг байъатини қабул қилдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Оллоҳнинг «Аёллар сизга яхши ишларда осий бўлмасинлар!» деган оятининг мазмуни Оллоҳ таоло шахсан аёлларга буюрган шартлардур», — дейдилар (Бу шартлар, муфассирларнинг гапларига қараганда, баланд овоз бирлан йиғламаслик, бегона эркак бирлан танҳо қолмаслик, юзни бўямаслик, кўкракларни очиб юрмаслик, қарғамаслик, шеър ўқимаслик ва ҳар қандай ишда Оллоҳ ва унинг расулига итоат этмоқлик).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга ўлтирган эрдик. Шунда ул зот: «Оллоҳга бирор нарсани шерик қилмасликка, ўғрилиқ қилмасликка, зино қилмасликка менга байъат қилгаймисизлар?» — дедилар, кейин аёллар байъати тўғри-сидаги оятни ўқидилар»

Суфён ўз ривоятларида бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ оятни ўқидилар, кейин бундай дедилар. «Сизлардан қайсинингиз ўз байъатига вафо қилса, ажрини Оллоҳ таоло бергай. Кимки мазкур шартлардан бирини бузса, муайян жазо тортувсидур, унга шу каффорат бўлур. Кимки бир гуноҳ қилиб қўйса-ю, Оллоҳ уни яширган бўлса, бу Оллоҳга хавола, агар хоҳласа, гуноҳкорга азоб бергай, агар хоҳласа, уни мағфират қилгай».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен рамазон ҳайити куни Жаноб Расулуллоҳ бирлан ҳам, Абу Бақр разияллоҳу анҳу бирлан ҳам, Умар ва Усмон разияллоҳу анҳумолар бирлан ҳам ийд намозини ўқиганман. Уларнинг ҳаммалари ҳам ийд намозини хутбадан аввал ўқиб, кейин хутба қилур эрдилар. Ўшал куни Жаноб Расулуллоҳ минбардан тушдилар, одамларнинг шундоқ рўпараларида ўлтирганларини ҳозир ҳам кўриб тургандекман. Жаноб Расулуллоҳ уларга ёнларини ўгириб ўлтирдилар-да, хузурларига Билол разияллоҳу анҳу ва аёллар келгунларига қадар одамларга қарата қуйидаги оятни қироат қилдилар «Эй пайғамбар, агар хузурингизга мўмина аёллар Оллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасликка, ўғрилиқ қилмасликка, зино қилмасликка, болаларини ўлдирмасликка, ўз қўлу оёқлари ўртасида бўҳтон тўқимасликка (яъни, ўшал пайтда аёл фарзанд кўрмаса, бировнинг боласини олиб унинг оёқлари орасига қўядилар-да, «туғди-туғди» қилиб, сўнг уни «ўзи туғди» деб эълон қилардилар. Буни Оллоҳ таоло қоралаб, манъ этди) байъат қилиш учун келсалар, уларнинг байъатини қабул қилингиз ва уларга Оллоҳдан мағфират сўрангиз!», кейин «Сизлар мана шу шартларни бажаришга мажбурсизлар!» — дедилар. Шунда бир аёл «Эй Оллоҳнинг расули, биз розимиз!» — деди, аммо бошқа аёллар жавоб беришмади Сўнг, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам садақа бермоқни буюрдилар, аёллар Билол разияллоҳу анҳунинг этакларига узук ва билакузук каби зийнатларини садақа қилиб ташлашди»

«АС-САФ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонит қавли: «Мендан кейин Аҳмад исмли пайғамбар келур»

Муҳаммад ибн Жубайр разияллоҳу анхунинг оталари ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман: «Дарҳақиқат, менинг бир неча исмларим бор мен Муҳаммадман, мен Аҳмадман, мен Моҳийман, яъни мен бирлан Оллоҳ таоло куфрни маҳв қилур. Мен Хоширман, яъни маҳшар куни юриб одамларни йиғурман. Мен Оқибман, яъни ўзимдан олдин ўтганларнинг яхшилигини давом этдиргувчиман».

«АЛ-ЖУМЪА» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ бу пайғамбарни бошқа тоифаларга ҳам юбордики, улар хануз буларга қўшилмадилар»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Биз Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирган эрдик, шунда «Жумъа» сураси нозил қилинди, унда «Оллоҳ бу пайғамбарни бошқа тоифаларга ҳам юбордики, улар хануз буларга қўшилмадилар» деган оят бор эрди. Мен «Эй Оллоҳнинг расули, улар кимлар?»— деб сўрадим. Жаноб Расулуллоҳ саволимга жавоб бермадилар, ҳатто мен уч бор саволимни қайтардим. Орамизда Салмон Форсий ҳам бўлиб, Жаноб Расулуллоҳ кўлларини унинг елкасига қўйдилар-да, сўнг, «Башарти иймон Сурайё юлдузида бўлса ҳам мана бу (атрофимдаги) кишилар уни олган бўлур эрдилар!» — дедилар».

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва қачон кўрсалар мусулмонлар бир тижоратни...»

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Жумъа куни карвон келди. Одамлар Жаноб Расулуллоҳнинг бирга турганликларига қарамай, карвон томон тарқаб кетишди, фақат ўн икки кишигина ул зотнинг қошларида қолди. Шунда Оллоҳ таоло «Ва қачон кўрсалар мусулмонлар бир тижоратни ё бир тамошони, унинг тарафига тарқалиб кетурлар» деган оятни нозил қилди»

«АЛ-МУНОФИҚУУН» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, агар мунофиқлар ҳузурингизга келсалар: «Гувоҳлик берурмизки, албатта сиз Оллоҳнинг расулисиз»,— дейдилар. Ҳолбуки, Оллоҳ сизнинг пайғамбарлигингизни билур ва Оллоҳ гувоҳлик берурки, албатта мунофиқлар ёлғон гапирувчидурлар»

Зайд ибн Арқам айтадилар: «Мен ғазотда эрдим. Шунда Абдуллоҳ ибн Убайнинг «Расулуллоҳнинг ёнидаги кишиларга нафақа (ёрдам) бермасангизлар, улар унинг атрофидан тарқаб кетгайлар. Зиёда иззатли кишилар Мадинага борганимиздан кейин, албатта бул хорларни ҳайдаб чиқаргайлар» деганини эшитдим. Мен бу гапни амакимга (ёки Ҳазрат Умарга) айтдим, ул киши Жаноб Расулуллоҳга етказдилар. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ мени чақирдилар, мен бор гапни ул зотга сўзлаб бердим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг шерикларига одам юбордилар. Улар келгач, айтган гапларидан тониб қасам ичишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ мени ёлғончига чиқариб, уларнинг гапига ишондилар. Мени шул қадар ғам чулғаб олдиким, илгари сира ҳам бундай аҳволга тушмаган эрдим! Амаким менга «Жаноб Расулуллоҳга ёлғон сўзлаб, ул зотнинг ғаблабларига дучор бўлмоғингга сени не мажбур қилди?»—деб дашном бердилар. Шул аснода Оллоҳ таоло «Эй Муҳаммад, агар мунофиқлар ҳузурингизга келсалар» деган (юқоридаги) оятни нозил қилди. Кейин, Пайғамбар алайҳиссалом мени чақиртириб оятни ўқиб бердилар-да: «Эй Зайд, Оллоҳ таоло сенинг гапингни тасдиқ қилди»,— дедилар».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Улар ичган қасамларини сипар қилиб олурлар»

Зайд ибн Арқам айтадилар: «Мен амаким бирлан бирга эрдим. Абдуллоҳ ибн Убайнинг «Расулуллоҳнинг атрофидаги кишиларга нафақа қилмасангизлар, улар уни ташлаб кетгайлар, биз Мадинага борганимизда зиёда иззатли кишилар бул хорларни албатта ҳайдаб чиқаргайлар» деганини эшитиб қолдим. Бу гапни дарҳол амакимга айтдим, амаким Жаноб Расулуллоҳга етказдилар. Жаноб Расулуллоҳ Абдуллоҳ ибн Убай бирлан унинг шерикларини чақиртирдилар. Улар келиб айтмаганликлари тўғрисида қасам ичишди. Шунда ул зот уларга инониб, мени ёлғончи қилдилар, мени мислсиз ғам чулғаб олди. Мен уйимдан чиқолмай ўлтириб қолдим. Кейин, Оллоҳ таоло «Эй Муҳаммад, агар мунофиқлар ҳузурингизга келсалар... («... зиёда иззатли кишилар Мадинага борганимизда бул хорларни ҳайдаб чиқаргайлар» деган қавлигача)» деб бошланадирган оятларни нозил қилди. Жаноб Расулуллоҳ мени чақиртириб: «Оллоҳ таоло сенинг гапингни тасдиқлади»—дедилар».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Бу шунинг учундур-ки, улар иймон келтирдилар, сўнг яна кофир бўлдилар, бас муҳр урилди дилларига, энди улар тушунмаслар»

Зайд ибн Арқам айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Убай «Расулуллоҳнинг ёнида юрган кишиларга (муҳожирларга) нафақа (ёрдам) қилмангизлар» ва «Мадинага қайтиб борганимизда» деган гапларни айтганида, мен бундан Пайғамбар алайҳиссаломни хабардор қилдим. Шунда ансорлар мени маломат қила бошлашди, Абдуллоҳ ибн Убай эрса «Бундай деб айтмадим» деб қасам ичди. Кейин, мен уйга қайтдим, ухладим. Ногаҳон, Жаноб Расулуллоҳ мени чақиртирдилар, мен бордим, ул зот менга: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло сенинг гапингни тасдиқ қилди»,— дедилар. Чунки, шул ҳақда оят нозил бўлган эрди».

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар уларга боқсангиз, жисмлари сизни ҳайратга солгай, сўзлаганларида қулоқ солурсиз. Улар деворга суяб қўйилган қурук ёғочга ўхшарлар, ҳар бир қичқириқовозни устларига тушаётган бало, деб ўйлайдилар. Улар душмандирлар, улардан эҳтиёт бўлингиз...»

Зайд ибн Арқам айтадилар: «Биз Пайғамбар алайҳиссалом бирлан бирга сафарга чиққан эрдик, одамлар қаттиқ қийналишди. Абдуллоҳ ибн Убай шерикларига: «Расулуллоҳнинг ёнларидаги кишиларга ёрдам қилмангизлар, токи улар Расулуллоҳни ташлаб қайтиб кетсинлар! Мадинага қайтайлик, зиёда иззатлилар бул хорларни ҳайдаб чиқаргайлар»,— деди. Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб бўлган гапни айтдим. Жаноб Расулуллоҳ Абдуллоҳ ибн Убайга одам юбордилар. У келиб бундай деб айтмаганлиги тўғрисида қасам ичди. Одамлар: «Зайд Расулуллоҳни алдабди»—деб гап тарқатишди. Уларнинг гапидан дилим қаттиқ ғам чекди. Кейин, Оллоҳ таоло менинг рост гапирганим тўғрисида оят нозил қилди. Жаноб Расулуллоҳ уларни истиғфор айтишга даъват қилдилар, аммо улар юзларини ўгириб тескари қараб кетишди».

4- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар уларга «Келингизлар, сизлар учун Расулуллоҳ истиғфор айтсинлар» дейилса, улар бошларини бурурлар ва сиз уларнинг кибру қаво қилган ҳолда юз ўгирганларини кўрурсиз».

Бу ерда юкоридаги ҳадис такроран келтирилган.

5- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад, сиз улар учун мағфират сўрадингизми, сўрамадингизми, уларга нафи йўқдур, Оллоҳ уларни харгиз мағфират қилмас, чунки Оллоҳ бундай фосиқ қавмни ҳидоят қилмагай».

Суфён разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни биз лашкар орасида турган эрдик. Шунда муҳожирлардан бири ансорлардан бирининг орқасига тепди. Ансорий: «Эй ансорлар, ёрдам берингизлар!» деб чақирди. Бундан кўрқиб кегган муҳожир ҳам «Эй муҳожирлар, ёрдам берингизлар!»—деб ёрдамга чақирди. Жаноб Расулуллоҳ буни эшитиб «Не бўлди сизларга, жоҳилият даъвосини қияпсизлар?!»—дедилар. Одамлар «Эй Оллоҳнинг расули, бир муҳожир бир ансорийни тепди»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ, «Кўй, бундай қабих гапларни гапирма!»— дедилар. Бу гапни Абдуллоҳ ибн Убай эшитиб: «Шундай қилишдими? Оллоҳга қасамки, агар Мадинага қайтсак, зиёда иззатлилар бул хорларни ҳайдаб чиқаргай!» — деди. Бу гап Пайғамбар алайҳиссаломга етди. Умар разияллоҳу анҳу ўринларидан туриб: «Эй Оллоҳнинг расули, менга кўйиб берингиз, бу мунофиқнинг буйнини қилич бирлан чопиб ташлайин!» - дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом. «Кўявер, тагин одамлар Муҳаммад ўз асҳобини ўлдираётир!» дейишмасин!»— дедилар. Муҳожирлар Мадинага келган пайтларида ансорларнинг сони кўпроқ эрди. Кейинчалик муҳожирларнинг сони кўпайиб кетди».

6 боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Мунофиқлар «Пайғамбарнинг асҳобларига ёрдам қилмангизлар, токи улар уни тарк этиб тарқалиб кетсинлар!» — дейишур. Ваҳоланки, еру осмон хазиналари ёлғиз Оллоҳ никидур, лекин мунофиқлар буни била олмаслар!»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Ҳаррада мусибат етган (шаҳид бўлган) ансорийларга қаттиқ ачиндим, бул ҳақда менга Зайд ибн Арқам ёзиб юборган эрди. Менит уларга қаттиқ ачинганим хусусида Зайд ҳам хабар топди. У кейинги хатида Жаноб Расулуллоҳнинг ансорлар ҳақида «Эй Оллоҳ, ансорларни ҳамда уларнинг болалари ўзинг мағфират қилгил!» деб дуо қилганларини эшитганини ёзибди».

Абдуллоҳ ибн ал-Фазл айтадиларки, «Анас ибн моликнинг ёнида ўлтирган кишилар «Зайд ким эрди? — деб сўрашди. Анас ибн Молик «Бу шундай одамки, Жаноб Расулуллоҳ ул ҳақда «Бу Оллоҳ кулоқ солган зот» дер эдилар» дедилар».

7 боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Мунофиқлар: «Мадинага қайтсак, зиёда иззатлилар бул хорларни ул ердан ҳайдаб чиқаргайлар»,— дегайлар. Ваҳоланки, улуглик Оллоҳники, унинг пайғамбариники ва мўминларникидур ва лекин мунофиқлар буни билмаслар»

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтадилар «Биз бир ғазотда эрдик. Муҳожирлардан бири ансорлардан бирини тепди. Ансорий «Эй ансорлар, ёрдам берингизлар!»—деди. Муҳожир ҳам «Эй муҳожирлар, ёрдам берингизлар!» — деди. Оллоҳ таоло бу хабарни ўз расулига етказди. Жаноб Расулуллоҳ «Не гап?»—деб сўрадилар. Одамлар «Муҳожирлардан бири ансорийлардан бирини тепиб эрди, ансорий ансорийларни, муҳожир эрса муҳожирларни ёрдамга чақирди»,— дейишди. Пайғамбар алайҳиссалом «Кўйингизлар, бундай ярамас гапларни айтмангизлар!» — дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом Мадинага келган пайтларида ансорлар кўпроқ эрди, кейин муҳожирлар кўпайиб кетди. Абдуллоҳ ибн Убай «Шундай қилишдими, Оллоҳга қасамки, Мадинага қайтсак, зиёда иззатлилар бул хорларни ул ердан ҳайдаб чиқаргай!»—деди. Умар разияллоҳу анҳу: «Эй Оллоҳнинг расули, кўйиб берингиз менга, бу мунофиқнинг буйнини ўзиб ташлайин!»—дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом «Кўявер, тагин одамлар «Муҳаммад ўз асҳобларини ўлдираётир!» демасинлар!»—дедилар»

«АТ-ТАЛОҚ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳунинг хабар беришларича, ул киши ўз хотинларини ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилдилар. Ҳазрат Умар бул ҳақда Жаноб Расулуллоҳга айтганларида, ул зотнинг аччиклари келди-да, бундай деб айтдилар: «Хотини бирлан қайтиб ярашсин, ушлаб турсин, кейин талоқ қилиш ниятидан воз кечмаса, у бирлан қўшилмасдан туриб, ҳайздан пок ҳолида талоқ қилсин, мана шу Оллоҳ таоло буюрган ҳайздан пок бўлиб, яна бир ҳайз кўриб, ундан ҳам пок бўлгунча уйида иддадур!»

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳомиладор аёлларнинг иддаси ҳомидаларини туғишларидур. Ким Оллоҳдан кўрқса, Оллоҳ унинг ишини осон қилур!»

Абу Салама разияллоҳу анҳу айтадилар: «Бир одам Ибн Аббоснинг олдиларига келди, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Ҳам шу ерда ўлтирган эрдилар. Бояги одам Ибн Аббосга «Эри ўлгач, қирқ кундан кейин фарзанд туққан аёлнинг иддаси тўғрисида менга фатво берсангиз!»—деди. Ибн Аббос «Ҳомиладор аёлнинг иддаси икки муддатнинг охири, яъни тўрт ой-у ўн кундур»,— дедилар. Шунда мен: «Ҳомиладор аёлнинг иддаси боласини туққинчадур»,— деб гапга аралашдим. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Мен бирлан бирга биродаримнинг ўғли ҳам келган эрди»,— деб мени таништирдилар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу шу масалани сўраб келиш учун хизматкорлари Курайбни Умму Салама разияллоҳу анҳонинг ҳузурига юбордилар. Умму Салама: «Субайъа Асламийя эри вафот қилганда ҳомиладор эрди. Эрининг ўлимидан қирқ кун кейин бола туғди. Кейин, унга совчи қўйилган эрди, Жаноб Расулуллоҳ никоҳлаб қўйдилар. Абу Санобил ҳам унга совчи қўйган кишилардан эрди», - - деб хабар бердилар».

Муҳаммад ибн Фазл айтадилар: «Мен бир даврада ўлтирган эрдим, Абдурраҳмон ибн Абу Лайло ҳам шул ерда бўлиб, ул кишини асҳоблари ниҳоятда ҳурмат қилишарди. Шул ерда икки муддатнинг охири (идда) тўғрисида гап очилди. Мен Субайъа бинти Ҳорис воқеъасини Абдуллоҳ ибн Утбадан эшитганимдек ривоят қилиб эрдим, ул кишининг асҳобларидан баъзилари жим бўлмогимга ишора қилишди. Шунда мен тушунтиришга ҳаракат қилиб: «Демак, мен Абдуллоҳ ибн Утбадан эшитганларимни бузиб ривоят қилишга журъат қилибман-да?! Ул киши Куфанинг бир ноҳиясида яшаб турибдилар, мен ул кишини ёлғончига чиқармоққа ҳаё қилурман!» — дедим. Бу ҳақда Абдурраҳмон ибн Абу Лайлонинг амакилари Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳам ҳеч нарса демаган эрканлар. Сўнг, мен гапимни исботлаш учун Абу Атийя Молик ибн Омирга учрашдим. Ул кишидан мазкур ҳадис ҳақида сўрадим. Шунда Абу Атийя менга Субайъа воқеъасини гапира бошладилар. Мен Абу Атийядан: «Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Масъуддан бирор нарса эшитганмисиз?» — деб сўрадим. Абу Атийя бундай дедилар: «Аёлларга машаққат қилмокни истаб, уларга енгилик туғдирмокни истамайсизларми? Ахир, аёллар иддаси хусусида «Бақара» сурасидан сўнг «Нисо» сураси ҳам нозил бўлган-ку! Унда «Ҳомиладор аёлларнинг иддаси ҳомидаларини туғишларидур» деган оят мавжуд»,— дедилар».

«АТ-ТАҲРИМ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй муҳтарам пайғамбар, не учун сиз Оллоҳ ҳалол қилган нарсани ўзингизга ҳаром қилурсиз? Хотинларингизнинг ризолигини истарсизми? Оллоҳ мағфиратли ва меҳрибон зотдур!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Сизлар учун Жаноб Расулуллоҳда чиройли намуна (ибрат) бордур!» — дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнаб бинти Жаҳшнинг хужраларига кириб асал ичдилар-да, ул ерда узоқ қолиб кетдилар. Шунда: «Агар Жаноб Расулуллоҳ қайси биримизнинг ёнимизга келсалар, «Эй Оллоҳнинг расули, мағфир едингизми? Сиздан мағфирнинг ҳиди келаётир, деймиз» — деб Ҳафса бирлан келишиб олдим. Жаноб Расулуллоҳ: «Йўк, мағфир еганим йўк, лекин Зайнабнинг ҳузурда асал ичган эрдим, Оллоҳга қасамки, энди ҳеч қачон асал емайман, бул ҳақда ҳеч кимга айтма!» — дедилар».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Хотинларингизнинг ризолигини истарсизми? Оллоҳ таоло мағфиратли ва меҳрибон зотдур! Батаҳқиқ, Оллоҳ таоло каффорат бериб қасамингиздан қутулишингизни буюрур, у билувчи ва ҳикматли зотдур!».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳудан бир оят ҳақида сўраш учун бир йил пайт пойладим, чунки ул кишининг салобатлари сабабли сўрай олмасдим. Бир куни ул киши ҳаж сафарига чиқдилар, мен ҳам бирга чиқдим. Ҳаждан қайтаётганимизда анча йўл юрганимиздан сўнг, Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб бир мисвок дарахтининг ёнига ҳожат учун бордилар, Мен кутиб турдим, бўшаганларидан сўнг, бирга юриб кетдик, йўлда у кишига: «Эй мўминларнинг амири, Жаноб Расулуллоҳга қайсарлик қилган ўшал икки хотинлари кимлар эрди?»—деб савол бердим. Умар разияллоҳу анҳу: «Улар Ҳафса бирлан Оиша эрдилар»,— дедилар. Мен: «Оллоҳга қасамки, сиздан шул ҳақда сўрайман, деб роса бир йил имкон пойладим, чунки сиздан ҳайкиб сира сўрашга ботинолмас эрдим»,— дедим. Ҳазрат Умар: «Ундай қилмангиз, агар мени бирор нарсадан хабардор, деб ўйласангиз, дарҳол сўрайверингиз, агар мен билсам, сизга хабар қилгайман»,— дедилар. Кейин, бундай дедилар: «Худо ҳақи, биз жоҳилият вақтида Оллоҳ таоло аёллар ҳақида оят нозил қилиб, уларга ўзи тақсим қилган ҳуқуқни тақсим қилмагунча, уларни камситур эрдик. Бир куни мен бир иш ҳақида фикрлаб турган эрдим, хотиним менга: «Бу ишни мана бундай қилсангиз!» — деб ақл ўргата бошлади. Шунда мен унга: «Сен қайда-ю, менинг ишим қайда! Менинг қилмоқчи бўлган ишимнинг сенга нима оғирлиги тушаётир? — дедим. Хотиним: «Таажжуб, эй Хаттобнинг ўғли, сизга ҳеч гап қайтариб бўлмас! Қизингиз

Ҳафса эрса Жаноб Расулуллоҳнинг гапларини қайтариб, кун бўйи ул зотнинг ғазабларини келтираётир»,— деди». Айтишларича, Ҳазрат Умар дарҳол ўринларидан туриб, ридоларини судраган холда Ҳафсанинг уйларига кирибдилар-да, қизларига' «Эй қизалоғим, сен Жаноб Расулуллоҳга гап қайтариб, кун бўйи ул зотнинг дилларини оғритган эрмишсан!» — дебдилар. Ҳафса разияллоҳу анҳо: «Оллоҳга қасам-ки, албатта биз ҳаммамиз ҳам Жаноб Расулуллоҳга гап қайтарурмиз!» — дебдилар. Ҳазрат Умар айтадилар: «Мен Ҳафсага: «Биласанми қизим, албатта мен сенинг Оллоҳ таолонинг азобидан ва Жаноб Расулуллоҳнинг ғазабларидан эҳтиёт бўлмоғингни хоҳларман. Эй қизалоғим, ғўзаллиги бирлан Жаноб Расулуллоҳнинг муҳаббатларини қозонган анави (Оиша) сени мағрур қилиб қўймасин!» — дедим. Кейин, чиқиб, Умму Салама разияллоҳу анҳонинг ҳузурларига кирдим-да, Ҳафса ва Оиша ҳақида гапирдим. Умму Салама. «Таажжуб, эй Хаттобнинг ўғли, ҳамма ишга аралашиб юрурсиз, ҳатто Жаноб Расулуллоҳ бирлан ул зотнинг хотинларининг ўртасига ҳам тушмоқчи бўлиб турибсиз!» — дедилар. Оллоҳга қасамки, Умму Саламанинг бул гаплари ғазабимни босди, мен ташқарига чиқиб кетдим. Менинг бир ансорий дўстим бор эрди, агар мен Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларида бўлмасам, у менга хабар келтириб турарди, агар у бўлмаса, мен унга хабар келтирардим. Ўшал кунлари биз Ғассон подшоларининг бирдан хавфланиб турган эрдик, чунки келган хабарга кўра у бизнинг устимизга юриш бошламоқчи эрди. Шунинг учун қалбимиз тўла ваҳима эрди. Ногаҳон, менинг ўшал ансорий дўстим эшикни тақиллатиб «Очинг, очинг!» — деб қаттиқ овоз қилди. Мен унга: «Нима, Ғассон бостириб келдими?» — десам, у менга: «Бундан ҳам бадтарроқ бўлди, Жаноб Расулуллоҳ барча хотинларидан аразладилар!» — деди. Мен: «Оиша бирлан Ҳафсанинг бурни ерга ишқалсин!» — дедим-»

да, кийиниб олиб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига йўл олдим. Келсам, ул зот болохонада ўлтирган эрканлар. Зинанинг тепасида эрса қора куллари турибди, унга: «Умар ибн ал-Хаттоб келди, деб айт!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ менга изн бердилар, мен ҳузурларига кириб бўлган воқеъани батафсил гапириб бердим. Умму Саламанинг гапларини айтганимда Жаноб Расулуллоҳ табассум қилдилар. Ул зот ёлғиз бўйра устида ёнбошлаб ётар, бошлари остида эрса хурмо барглари тўлдирилган, теридан қилинган ёстиқ қўйилган эрди. Оёқлари орасида терини ошлаш учун ишлатиладирган дарахт барглари тўпланиб ётарди, деворда эрса ошланмаган тери осиглиқ бўлиб, мен бўйранинг биқинларига ботиб кетган изини кўриб, йиғладим. Жаноб Расулуллоҳ: «Нечук йиғлаётирсан?» — дедилар. Мен: «Эй Оллоҳнинг расули, албатта Кисро ва Қайсар юмшоқ жойларда ётибди, сиз эрсангиз Оллоҳнинг расули бўла туриб.», - дедим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Дунё улар учун, охират эрса биз учун эрканлигига рози эрмасмисан?» — дедилар».

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли:

ўз жуфтларидан бирига (Ҳафсага) бир сирни айтганини эслангиз! Қачонки, Ҳафса ул сир «Оишага хабар берганда ва Оллоҳ Жаброил орқали пайғамбарни бундан воқиф қилганда пайғамбар Ҳафсага бунинг баъзисини билдирди, баъзисини билдирмади. Буни Ҳафса эшитиб: «Ким сизга бу хабарни етказди?» — деганда, пайғамбар: «Менга билгучи ва хабардор зот хабар берди», — деди»

Ибн Аббос разияллоҳу анху бундай деб айтар эдилар: «Мен Умар разияллоҳу анхудан: «Эй мўминларнинг амири, Жаноб Расулуллоҳга қарши тил бириктирган икки аёл ким эрди?» — деб сўрадим. Ул киши дархол «Оиша бирлан Ҳафса эрди», — дедилар».

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Оиша ва Ҳафса, агар сизлар бу қилмишларингиз учун Оллоҳга тавба қилсангизлар, қалбларингиз мойил бўлибдур ва агар пайғамбарга қарши тил бириктирсангизлар, ул ҳолда, шак-шубҳасиз, Оллоҳ ҳам, Жаброил ҳам, солиҳ мўминлар ҳам унинг мадакоридурлар, шунингдек фаришталар ҳам ёрдамчидурлар»

Бир куни Жаноб Расулуллоҳ хотинларидан бири бўлмиш Ҳафсага: «Мен чўрим Марияни ўзимга ҳаром қилмоқчиман», — деб сир айтдилар. Қалбийнинг ривоят қилишларича, Жаноб Расулуллоҳ: «Мендан кейин сенинг отанг Абу Ҳафса, яъни Умар ибн Ал-Хаттоб ва Абу Оиша, яъни Абу Бакр Сиддиқ мўминларга халифалик қиладилар», — деб сир айтдилар. Ҳафса бу сирни Оишага айтиб қўйди, Оллоҳ таоло бундан пайғамбарни воқиф қилиб, мазкур оятни нозил қилди.

Ибн Аббос разияллоҳу анху айтадилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг сирларини фош қилишда ўзаро тил бириктирган икки аёл тўғрисида Ҳазрат Умардан сўрашни истагандим, аммо бунга имкон тополмай бир йил юрдим Ниҳоят, Умар разияллоҳу анху бирлан бирга ҳаж сафарига чикдим. Заҳрон деган жойга етганимизда Умар разияллоҳу анху ҳожат учун четга чикдилар. Менинг қўлимда таҳорат учун сув бор эрди, ул киши сув кидириб юрган эрканлар, мен қўлимдаги сувни қуйиб бердим Сўнг, пайт топиб: «Эй мўминлар амири, Жаноб Расулуллоҳнинг сирларини фош қилган икки аёл ким эрди?» — деб сўрадим. Ул киши дархол «Оиша бирлан Ҳафса эрди» — деб жавоб бердилар»

4- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар пайғамбар сизларни талоқ қилса, оз фурсатда унинг рабби сизлардан яхшироқ хотинларни унга ўринларингизга берурки, улар фармонбардор, иймонлик, намозхон, тавба қилгучи, ибодат қилгучи, уй кўрган ва уй кўрмаган аёллар бўлурлар»

Умар разияллоҳу анху айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари ул зотга қарши тил бириктиришди. Шунда, мен уларга: «Агар Жаноб Расулуллоҳ сизларни талоқ қилсалар, парвардигорлари ўрнингизга сизлардан яхшироқ

хотинларни ул зотга ато этса, ажаб эрмас!» — дедим, шул аснода Оллоҳ таоло мазкур оятни нозил қилди»

«НУН ВАЛ-ҚАЛАМ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: “бадхулқнинг, бунинг устига ҳаромзоданинг...”

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: «Бадхулқ, бунинг устига ҳаромзода» дейилганда Қурайш қабиласига мансуб бир киши назарда тутилган бўлиб, унинг қулоғида кўйнинг қулоғида бўладирган белги (тамға) каби белги бор эрди»

Ҳориса ибн Ваҳб ал-Хузобий айтадилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг бундай деганларини эшитдим: «Ое, сизларга аҳли жаннат ҳақида хабар берайинми? Ҳар бир заъиф ва бечораҳол инсондур. Бундайлар Оллоҳга қасам ичсалар, қасамларига вафо қилурлар Оё, сизларга аҳли дўзахлар ҳақида хабар берайинми? Ҳар бир бадхулқ, дилозор, такаббур инсондур»

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Соқ очиладурган кунни ...»

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг бундай деганларини эшитганман. «Парвардигор соқини очганда ҳар бир мўмин ва мўмина унга сажда қилур. Кимки бу дунёда риё учун намоз ўқиган эрса, ҳарчанд ҳаракат қилмасин, бели қотиб қолиб сира саждага эгилмас» («Соқ»нинг луғавий маъноси «илик ёки болдир» бўлиб, бундан Оллоҳ таолонинг жисми бор, деб тушунмаслик лозим. Чунки, бу сўз «Оллоҳ таолонинг қўли, юзи» дейилгандаги каби бир сифатдур)

«ИННО АРСАЛНО НУҲАН» СУРАСИ.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар. «Нух алайҳиссаломнинг қавмларида бўлган бутлар кейинчалик арабларда бўлган эрди. «Вад» деган бут Давматул-Жандал деган жойга қўйилган бўлиб, Калб қабиласига қарашли эрди, «Сувоъ» деган бут Ҳузайл қабиласиники, «Яғус» — аввал Мурод қабиласиники, кейин Баний Ғатиф қабиласиники бўлган эрди. У Жавф деган жойда эрди «Яъук» деган бут Ҳамдон қабиласиники, «Наср» эрса Оли Зил-Калоъ подшолигидаги Ҳимяр қабиласиники эрди. Мазкур бутларнинг номи Нух қавмидаги солиҳ кишиларнинг исмлари бўлиб, улар ҳалок бўлганларидан кейин, шайтон Нух қавми дилларига: «Авлиёларингиз ўлтирган жойларга уларнинг ҳайкалларини курунгизлар ва ҳайкалларни уларнинг исмлари бирлан атангизлар!» — деб васваса солган Қавм шайтоннинг айтганини қилиб, уларни улуғлаб турган Қавм оламдан ўтгач, мазкур солиҳ кишиларнинг асли ким бўлганликлари унутилиб кетиб, кейинги авлодлар ўшал ҳайкалларга ибодат қиладирган бўлишган».

«ҚУЛ УХИЯ ИЛАЙЯ» ЁКИ «ЖИН»СУРАСИ

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларидан бир нечасини олиб ўртасида тўсиқ пайдо бўлиб, шайтонларга оловли юлдузлар отилгач, улар кўрқиб ерга тушган эрди. Шунда шайтонларнинг сардорлари «Сизларга не бўлди» — деб сўрашди. Улар «Биз бирлан осмондан хабар келадирган йўл ораси тўсилиб қолди. Бизга қарши оловли юлдузлар отилмоқда» — деб жавоб беришди. «Сизлар бирлан осмондан хабар келадирган йўлнинг ораси тўсиб қўйилганига дунёда содир бўлган бирор ҳодиса сабаб бўлган бўлса керак»,— дейишди шайтонларнинг сардорлари. Шундан сўнг, шайтонлар мағрибу машрикни кезиб чиқишди, чунки улар бунга нима сабаб бўлганини ўз кўзлари бирлан кўрмоқчи бўлдилар. Уларнинг бир гуруҳи Тихома томонга келаётиб, Нахла деган жойда Жаноб Расулуллоҳга дуч келди. Расулуллоҳ

саллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари бирлан Укоза бозорига кетаётган эрдилар. Шунда ул зот Нахлада тўхтаб бомдод намозини ўқидилар. Шайтонлар Қуръон қироатини эшитиб ва ёдлаб олишга ҳаракат қилишиб: «Бизлар бирлан осмондан хабар келадирган йўл орасини тўсган нарса айнан мана шу!» — деб орқаларига қайтишди. Улар ўз қавмлари олдига бориб «Эй қавмимиз, бир ажойиб, кишини ҳидоятга бошлайдирган Қуръон қироатини эшитдик, биз иймон келтирдик, энди раббимизга ҳеч кимни шерик қилмаймиз!» — дейишди. Оллоҳ таоло пайғамбаримизга «Эй Муҳаммад, «Менга ваҳий қилиндики, жинларнинг бир гуруҳи Қуръонни эшитди» деб айтингиз!» деган оятни нозил қилди. Дарҳақиқат, Оллоҳ, таоло ул зотга жинларнинг гапларини ваҳий қилган эрди».

«АЛ-МУДДАССИР» СУРАСИ

Яҳё ибн Абу Касир айтадилар: «Мен Абу Салама ибн Абдурахмондан Қуръондан биринчи бўлиб нима нозил бўлгани ҳақида сўрадим. Ул киши «Ё айюҳал-муддассир» — деб жавоб бердилар. Мен «Ахир, кўпчилик «Икраъ бисми раббикаллазий халақа» деб айтишади-ку?!»—дедим. Абу Салама бундай дедилар: «Мен ҳам Жобир ибн Абдуллоҳдан шул ҳақда сўраганимда сиз айтган гапни айтган эрдим, шунда Жобир «Мен сизга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам не деган бўлсалар, шуни гапириб берурман, ул зот бундай деган эрдилар»,— дедилар: «Мен Ҳироъ тоғидаги ғорда эътикофга ўлтирдим. Эътикофимни тугатганимдан сўнг, пастга тушдим. Шунда қулоғимга бир овоз чалинди, ўнг ёнимга қарадим, ҳеч кимни кўрмадим, чап ёнимга қарадим,

346ҳеч кимни кўрмадим, рўпарамга қарасам ҳам ҳеч ким йўқ, кейин ортимга бурилдим, ҳеч ким йўқ. Ниҳоят бошимни тепага кўтарган эрдим, бир нарсани кўрдим. Хадичанинг олдига келдим-да, унга «Мени ўраб қўйингизлар, устимдан совуқ сув қуйингизлар!»—дедим. Мени ўраб қўйишди ва устимдан совуқ сув қуйишди. Сўнг, «Эй ўралиб ётувчи, турингиз ўрнингиздан, огоҳлантирингиз ва раббингизни улуғлангиз!» деган оят нозил бўлди».

Оллоҳ таолонинг «... турингиз ўрнингиздан, огоҳлантирингиз...» ҳамда «ва раббингизни улуғлангиз!» деган қавли ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва кийимингизни пок тутингиз...»

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан дастлабки ваҳийнинг нозил бўлиши хусусидаги қуйидаги ҳадисларини эшитдим. «Бир вақт мен юриб кетаётган эрдим, осмондан келаётган бир овозни эшитдим. Бошимни кўтариб қараб эрдим, Ҳироъ тоғида ҳузуримга келган фаришта ер бирлан осмон ўртасида курсида ўтирганини кўрдим. Ундан қўрқиб тезда уйга қайтдим-да «Мени ўраб қўйингизлар, мени ўраб қўйингизлар!» — дедим, мени ўраб қўйишди. Шунда Оллоҳ таоло «Эй ўралиб ётувчи, турингиз ўрнингиздан, огоҳланти-рингиз ва раббингизни улуғлангиз ва кийимингизни пок тутингиз ва нопокликдан йироқ бўлингиз!» деган оятларни нозил қилди»

2- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «... ва нопокликдан йироқ бўлингиз...»

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган

«АЛ-ҚИЁМА» СУРАСИ

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон ваҳий нозил бўлса, унинг сўзларини такрорлаб тилларини ҳаракатлантирар эрдилар. Оллоҳ таоло «Тезроқ ёдлаб олмоқ учун ваҳий сўзларини такрорлаб тилингизни ҳаракатлантирмангиз!» деган оятни нозил қилди».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Зеро уни дилингизда жамлаш ҳам, тилингизда қироат қилдириш ҳам бизнинг зиммамиздадир»

Мусо ибн Абу Оиша Саъид ибн Жубайрдан «Тезроқ ёдлаб олмоқ учун ваҳий сўзларини такрорлаб тилингизни ҳаракатлантирмангиз» деган оят ҳақида сўрадилар. Саъид ибн Жубайр: «Ибн Аббос бундай дер эрдилар»,— дедилар: «Қачон Жаноб Расулуллоҳга ваҳий нозил қилинса, ул зот тезроқ ёдлаб олмоқ учун унинг сўзларини такрорлаб икки лабларини ҳаракатлантирар эрдилар. Шунда Оллоҳ таоло ул зотга. «Тезроқ ёдлаб олмоқ учун ваҳий сўзларини такрорлаб тилингизни ҳаракатлантирмангиз, зеро уни дилингизда жамлаш ҳам, тилингизда қироат қилдириш ҳам бизнинг зиммамиздадир. Биз уни фаришта тили орқали ўқиганимизда унинг ўқишига тобеъ бўлингиз, кейин уни равшан баён қилиб бермоқлик бизнинг зиммамиздадур»,—деб ваҳий нозил қилди».

2- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз уни фаришта тили орқали ўқиганимизда унинг ўқишига тобеъ бўлингиз»

Саъид ибн Жубайр Ибн Аббосдан «Тилингизни ҳара -катлантирмангиз» деган оят ҳақида сўрадилар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дедилар: «Агар Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳазрат Жаброил ваҳий олиб келсалар, ул зот тезроқ ёдлаб олмоқ учун тилларини ва икки лабларини ҳаракатлантирар эрдилар, аммо бу иш анча қийин бўлар эрди, қийинлиги шундоқ сезилиб турар эрди. Шунда Оллоҳ таоло «Ло уксиму» («Ал-Қиёма») сурасидаги «Тезроқ ёдлаб олмоқ учун тилингизни ҳаракатлантирмангиз» деган оятни нозил қилиб, «Уни сизнинг дилингизда жам қилиш ва тилингизда қироат қилдириш бизнинг зиммамиздадур. Биз фаришта тили орқали қироат қилаётганимизда сиз эшитиб турингиз, кейин уни равшан баён қилиб бермоқлик, яъни сизнинг тилингиз бирлан баён қилдирмақлик бизнинг вазифамиздур»,— деди. Шундан сўнг, Жаброил келсалар, ул зот сукут сақлар ва кетганларидан сўнг, Оллоҳ ваъда берганидек қироат қилардилар».

«ВАЛ-МУРСАЛОТ» СУРАСИ

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик, ул зотга нозил қилинган «Вал-Мурсалот» сурасини ўзларидан ўрганаётган эрдик. Шу пайт бир илон чиқиб қолди. Биз уни ўлдиришга шошилдик. Аммо, у биздан чакқонлик қилиб инига кириб кетди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, «Сизларнинг ёмонлигингиздан у сақланди, унинг ёмонлигидан эрса сизлар сақландингизлар»,— дедилар».

Абдуллоҳ айтадилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғорда ўлтирган эрдик. Шу вақтда «Вал-Мурсалот» сураси нозил бўлиб қолди. Биз уни Жаноб Расулуллоҳнинг оғизларидан олиб олиб ўрганаётган эрдик, ногаҳон бир илон чиқиб қолди. Жаноб Расулуллоҳ. «Сизларга ёмонлик қилмоқ ниятида чиқди, уни ўлдирингизлар!»—дедилар. Ҳаммамиз уни ўлдиришга шошилдик, аммо у тезроқ ҳаракатланиб, қайтиб инига кириб кетди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Илон сизларнинг ёмонлигингиздан, сизлар эрсангиз унинг ёмонлигидан сақландингиз»,— дедилар»

1-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ул олов қасрдек учқунлар отиб турур»

Ибн Аббос мазкур оят мазмуни ҳақида гапириб: «Биз қишда ёқиш учун уч газ келадирган ёки ундан кичикроқ тўнқаларни йиғиб қўярдик ва уни «қаср» деб атардик»,— дейдилар.

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ул учқунлар сариқ ва қора туяларга ўхшар»

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Бу кун ўшал кундурки, унда кофирлар сўзлаёлмас»

Абдуллоҳ айтадилар: «Биз Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ўлтирган эрдик. Шу ерда «Вал-Мурсалот» сураси нозил бўлиб қолди. Мен уни ул зотнинг оғизларидан илиб олиб ўрганаётган эрдим, оғизлари тиловатдан тўхтамай туриб, бир илон бизга сапчиб қолди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Илонни ўлдиригингизлар!»—дедилар. Биз илонни ўлдиришга шошилдик, лекин илон қочиб қутулди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Илон сизларнинг ёмонлигингиздан сақланди, сизлар ҳам унинг ёмонлигидан сақландингиз-лар»,— дедилар. Умар: «Мен бу сурани Минодаги ғорда Убайдан ўрганиб ёдлаган эрдим»,— дейдилар».

**«АММА ЯТАСОАЛУН» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Сур чалинадирган куни тўп-тўп бўлиб келурсизлар»

АбуХурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки бор сур чалинишининг оралиғидаги муддат киркдур»,— дедилар. Шунда бир киши мендан: «Эй Абу Хурайра, кирк кунми?» —деб сўради, мен индамадим. У яна: «Қирк ойми?» — деб сўради, мен яна индамадим. У: «Қирк йилми?» — деди, мен тагин индамадим. Жаноб Расулulloҳ гапларида давом этиб: «Кейин, Оллоҳ таоло осмондан сув (ёмғир) юборур, ўсимликлар унгани сингари барча одамлар униб чиқур. Инсон ўлгач, унинг думғазасидан бўлак барча аъзоси чириб йўқ бўлиб кетур. Қиёматда инсон ана ўшал думғазадан қайта таркиб топдирилур»,— дедилар».

**«ВАН-НОЗИЪОТ» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Саҳл ибн Саъд айтадилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, ул зот ўрта ва кўрсаткич бармоқларини айри қилиб кўрсатиб: «Мен пайғамбар қилиб юборилдим ва менга қиёматнинг мана шу бармоқларим орасини ёпгунимчалик тез фурсатда бўлиб ўтмоғи аён қилинди»,— дедилар».

**«АБАСА» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Қуръонни қийналмай ёдлаб, моҳирона қироат қилган киши улуғ фаришталар бирлан бирга бўлур. Қуръонни ихлос бирлан, қийналиб ўқиган кишига эрса Оллоҳ таоло икки ажр берур»,— дедилар»

**«ВАЙЛУН ЛИЛ-МУТАФФИЙНА» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Одамлар оламлар парвардигорининг хузурида турадирган куни баъзилар кулоғигача ўз баданидан чиққан терга ғарқ бўлур»,— дедилар».

**«ИЗАС-САМОУНШАҚҚАТ» СУРАСИ
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

Оллоҳ таолонинг қавли: «Кейин, у осон ҳисоб-китоб қилинур».

Ошша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Кимки Оллоҳ таоло ҳузурда ҳисоб китоб қилинса, у албатта ҳалок бўлур», - дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, мени сизга Оллоҳ таоло фидо қилсин! Ахир, Оллоҳ таоло: «Кимники номаи аъмоли ўнг кўлига тутқазилса, у осон ҳисоб-китоб қилинур» —деб айтмаганми?» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Бу ҳисоб-китоб дейилмайди, бу фақат бандаларнинг гуноҳларини ўзларига кўрсатиб қўйиш, холос. Кимки қаттиқ ҳисоб-китоб қилинса, у албатта ҳалок (ҳоли хароб) бўлур»,— дедилар».

«САББИҲИСМА РАББИКАЛ-АЪЛО» БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Барро разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар. алайҳиссаломнинг асҳоблари орасида Мадинага биринчи бўлиб келганлари Мусъаб ибн Умайр ва Абдуллоҳ ибн Умму Мактум эрдилар. Улар бизга Қуръон ўқиб берардилар. Кейин, Аммор, Билол ва Саъд келдилар. Улардан кейин, йигирма киши бирлан Умар разияллоҳу анҳу келдилар, кейин эрса Пайғамбар алайҳиссалом келдилар. Мен Мадина аҳлининг ҳеч кимга Жаноб Расулаллоҳга қувонганларидек қувонганларини кўрмадим. Ҳатто болаларнинг ҳам: «Шаҳримизга Жаноб Расулаллоҳ келдилар!» — деб қувонганларини кўрдим. Жаноб Расулаллоҳ келганларида мен «Саббиҳисма раббикал-аъло» сурасини ва яна бошқа сураларни ўқиб кутиб олдим».

«ВАШ-ШАМСИ ВА ЗУҲОҲО» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Абдуллоҳ ибн Замъа Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хутбаларини эшитганларини айтиб бундай дейдилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Солиҳ алайҳиссаломнинг туялари ҳақида гапириб, уни сўйган кофир номини ҳам тилга олдилар-да, «Шу пайт туяни сўйиш учун Абу Замъага ўхшаган қайсар, жоҳил ва бахил бир киши ўрнидан турди»,— дедилар (ушбу ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Замъанинг бобоси Абу Замъа Маккадаги мусулмонларга кўп ёмонликлар қилган мустаҳжинлардан бири бўлган, Бадр жангида ўз ўғли Замъа томонидан ўлдирилган). Кейин, аёллар ҳақида гапириб: «Орангизда шундай кишилар борки, улар куннинг аввалги қисмида хотинини уриб, унинг иккинчи ярмида уни кучоқлаб, бир тўшакда ётадилар»,— дедилар. Сўнг, бировнинг кетидан тасодифан ел чиқиб кетса, ундан қулувчилар хусусида сўзлаб: «Бирингиз билмай қилган нарсадан иккинчингиз нечун қулурсиз?!» — деб айтдилар».

«ВАЛ-ЛАЙЛИ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва қасамдур кундузга, вақтики ул равшан бўлур»

Алқама разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Масъуднинг асҳобларидан бир гуруҳи бирлан Шомга бордим.

Абу Дардоъ бизнинг келганимизни эшитиб келдилар-да, бизга: «Ичларингизда Қуръон ўқийдирган қориларингиз борми?»—дедилар. Биз: «Ҳа»—деб жавоб берганимиздан кейин: «Қайси бирингизнинг қироатингиз яхшироқ?» — дедилар. Шерикларим мени кўрсатишди. Менга: «Ўқи!» — деб буюрдилар. Мен: «Вал-лайли изо яғшо, ван-наҳори изо тажалло, ваз-закара вал-унсо» — деб ўқидим. Абу Дардоъ мендан:

«Устозингизнинг оғзидан шундай деб эшитганмисиз?»—деб сўрадилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Абу Дардоъ: «Мен ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оғизларидан шундай деб эшитганман, лекин шомликлар бу қироатни манъ қилурлар»,— дедилар. (Абу Дардоъ бирлан Алқама оятдаги «ва-мо халақа» сўзини тушириб ўқир эрканлар).

2-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва қасамдур ул зотгаки, яратди эркак бирлан аёлни»

Иброҳим ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Масъуднинг асҳоблари Абу Дардоъни истаб Шомга келишди. Абу Дардоъ уларнинг келганини эшитиб, излаб топдилар-да: «Қайси бирингиз Абдуллоҳнинг услубида қироат қилурсиз?» — дедилар. Улар: «Ҳаммамиз» — деб жавоб беришди. Сўнг, «Қайси бирингиз Қуръонни ёддан қироат қилурсиз?» — деб сўрадилар Абу Дардоъ. Шунда Алқамани кўрсатишди. Абу Дардоъ: «Вал-лайли» сурасини устозингиз нечук қироат қилганларини эшитганмисиз?» — деб Алқамадан сўрадилар. Алқама: «Ваз-закара вал-унсо» тарзида қироат қилурлар»,— дедилар. Абу Дардоъ разияллоҳу анҳу «Гувоҳлик берурманки, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам шундай ўқир эрдилар, аммо шомликлар мени «Ва-мо халақаз-закара вал-унсо» тарзида ўқимоғимни истарлар, Оллоҳ таоло ҳақи, мен уларга эргашмасман!» — дедилар».

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Аммо, ул кишики, закоту садақа берди ва тақво қилди...»

Али разияллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга «Бақийъул-Ғарқад» қабристонидан бир жанозада иштирок этдик. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан ҳар бирингиз учун Оллоҳ таоло жаннатда ҳам, дўзахда ҳам жой тақдир қилиб кўйган»,— дедилар. Саҳобалар: «Ундай эрса таваккал қилиб юраверайлик-да!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Амал қилингизлар, барчаси муяссар бўлгай!» — дедилар-да, «Аммо, ул кишики, закоту садақа берди ва тақво қилди ва ишонди яхши сўзга...» («машаққатга дучор қилурмиз», яъни «лил-усро» деган сўзгача) қироат қилдилар».

4-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Аммо, ул кишики, ишонди яхши сўзга (яъни, тавҳид калимасига)»

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

5-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Муяссар қилурмиз уни осонликка»

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бир жанозада бўлдилар, қўлларига чўп олиб ерга чиздилар-да: «Сизлардан ҳар бирингиз учун Оллоҳ таоло ё дўзахдан ёки жаннатдан жой тақдир қилиб кўйган»,— дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, ундай эрса таваккал қилиб юравермаймизми?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Амал қилингизлар, барчаси муяссар бўлгай!» — дедилар, сўнг «Аммо, ул кишики, закоту садақа берди ва тақво қилди ва ишонди яхши сўзга...» деб қироат қилдилар».

6-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Аммо, ул кишики бахиллик қилди ва бениёзлик изҳор қилди...»

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

7-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ул кишики, ишонмади яхши сўзга (калимаи тавҳидга)»

Али разияллоҳу анҳу айтадилар: «Биз «Бақийъул-Ғарқад» қабристонидан бир жанозада иштирок қилдик. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қошимизга келиб ўлтирдилар, биз атрофларида ўлтирдик. Қўлларида асо бор эрди, у бирлан ерни чиза туриб: «Сизлардан ҳар бирингизнинг ва ҳар бир тирик жоннинг жаннат ва дўзахдаги жойи тақдир қилиб кўйилган ҳамда унинг бахтлими, бадбахтми эрканлиги ҳам битиб

кўйилган»,— дедилар. Бир киши: «Эй Оллоҳнинг расули, ундай эрса тақдиримизга таваккал қилиб амал қилмай қўя қолайлик-да! Чунки, қайси биримиз аҳли саодатдан бўлсак, албатта пировардида аҳли саодатдан бўлурмиз ва қайси биримиз аҳли шақоватдан бўлсак, албатта пировардида аҳли шақоват амалини қилурмиз»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Кимки аҳли саодатдан бўлса, унга аҳли саодат амали муяссар қилинган ва кимки аҳли шақоватдан бўлса, унга аҳли шақоват амали муяссар қилинган»,— дедилар, сўнг «Аммо, ул кишики, закату садақа берди ва тақво қилди ва яхши сўзга (калимаи тавҳидга) ишонди ...» деган оятни тиловат қилдилар.

8- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва муяссар қилурмиз уни машаққатга (дўзахга)»

Бу ерда юкоридаги ҳадис такроран келтирилган.

«ВАЗ-ЗУҲО» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Парвардигорингиз сизни тарк этгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ»

Жундуб ибн Суфён айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ёки уч кун касал бўлиб ётдилар. Шунда бир аёл келиб: «Эй Муҳаммад, мен умид қилурманки, шояд шайтонинг сени тарк қилган бўлса! Чунки икки-уч кундан буён унинг сенга яқин келганини кўрмадим»,— деди. Бас, Оллоҳ таоло «Чоштгоҳ вақтига қасамки ва зулмати бирлан атрофни ўраб олган кечага қасамки, эй Муҳаммад, парвардигорингиз сизни тарк қилгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ!» деган оятни нозил қилди».

«ВАТ-ТИЙН» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Барро разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бир сафарда бўлганларида хуфтон намозининг бир ракъатида «Ват-тийн» сурасини кироат қилдилар».

«АЛ-АЛАҚ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга биринчи бўлиб нозил бўлган нарса рост (чин) тушлар эрди. Жаноб Расулуллоҳ тонг шафағи янглиғ нурафшон тушларнигина кўрур эрдилар. Кейин, ул зот ёлғизликни хушлайдирган бўлиб қолдилар. Ҳироъ ғорига бориб бир неча кеча ибодат бирлан машғул бўлдилар. Бунинг учун озик-овқат ғамлаб олардилар. Ибодатдан кейин, оилаларига қайтардилар-да, Хадича онамиздан егуликлар олиб, яна ғорга борардилар. Ниҳоят, ул зотга ҳақиқат зоҳир бўлди. Бир куни Жаноб Расулуллоҳ Ҳироъ ғорида эрканликларида қошларига бир фаришта келиб: «Ўқингиз!»—деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ўқиёлмайман»,— дедилар. «Шунда,— дейдилар Жаноб Расулуллоҳ,— фаришта мени ушлаб шундай қаттиқ қисдики, ҳатто мен ҳолсизланиб қолдим. Кейин, мени бўшатиб, яна: «Ўқингиз!» — деди. Мен: «Ўқиёлмайман»,— дедим. У мени яна ушлаб, шундай қаттиқ қисдики, ҳатто мен ҳолсизланиб қолдим. Кейин, яна мени бўшатиб: «Ўқингиз!» — деди. Мен яна: «Ўқиёлмайман»,— дедим. У учинчи бор мени ушлаб, шундай қаттиқ қисдики, ҳатто мен ҳолсизланиб қолдим. Сўнг, у мени бўшатиб, «Эй Муҳаммад, бутун мавжудотни яратган парвардигорингиз номи бирлан ўқингиз! У инсонни лахта қондан яратди. Ўқингиз, парвардигорингиз инсониятга қалам бирлан ёзишни ўргатган зотдир! Ўл зот инсонга

унинг билмаганини ўргатди» деган оятларни ўқиди».

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бул ҳодисадан кўркиб, дағ-дағ титраган ҳолда ортларига қайтдилар-да, Хадича онамизнинг олдиларига кириб: «Мени ўрангизлар, мени ўрангизлар!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳни, кўрқувлари босилгунча, ўраб қўйишди. Кейин, Хадичага: «Эй Хадича, менга не бўлаётир? Менга бир нарса бўлиб қолмасайди, деб ўзимдан кўркдим»—деб бўлган воқеъани гапириб бердилар. Хадича: «Кўркмангиз, аксинча хурсанд бўлингиз, худо ҳақи, Оллоҳ таоло сизни асло хор қилмагай, худо ҳақи, сиз қариндошларингизга оқибат қилгайсиз, рост гапиргайсиз, бировларнинг оғирини енгил қилгайсиз, йўқсилларни тўйдиргайсиз, меҳмондўстлик қилгайсиз, эзгулик йўлида саъйу имдод айлагайсиз»,— дедилар. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳни амакиларининг ўғли Варақа ибн Навфалнинг хузурига олиб бордилар. Варақа жоҳилият замонида насроний динини қабул қилган эрди. У арабча хат ёзишни ҳам билар, Оллоҳ таоло муяссар этганича Инжилдан арабчага кўчириб ёзар эрди. Ўзи қари киши бўлиб, кўзи ожиз эрди. Хадича онамиз унга: «Эй амаки, биродарингизнинг ўғлининг сўзига қулоқ солингиз!»—дедилар. Варақа: «Эй жияним, неларни кўрдингиз?»—деб Жаноб Расулуллоҳдан сўради. Пайғамбар алайҳиссалом кўрган нарсаларининг хабарини бердилар. Варақа: «Бу Номус (яъни, Ҳазрат Жаброил) бўлиб, Мусога ҳам ваҳий бирлан туширилган фариштадур. Кошкийди, шу пайтда менинг ёшлигим бўлса, кошкийди, мен ҳаёт бўлсам!» — деди. Кейин, яна баъзи гапларни ҳам айтди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қавмим мени ҳайдаб чиқаргайми?»—деб сўрадилар. Варақа: «Ҳа, шундай. Аммо, бирор киши сиз келтирган нарса бирлан (пайғамбарлик бирлан) келмаган, гар келса, қийноққа солинган бўлур эрди. Агар сизнинг кунларингизда мен тирик бўлсам, сизга катта ёрдам берган бўлур эрдим!»—деди. Лекин, кўп ўтмай Варақа вафот этди. Кейин, бирмунча вақт Жаноб Расулуллоҳга ваҳий келмай қўйди. Ул зот бундан қайғура бошладилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ваҳийнинг бошланиши ҳақида гапириб, бундай дедилар: «Бир пайт мен юриб кетаётган эрдим, осмондан бир овозни эшитдим. Юқорига қарасам, рўпарамда бир фаришта, яъни Ҳироъ ғорида олдимга келган фаришта осмон бирлан ер ўртасида курсида ўлтирибди. Ундан кўркиб уйга қайтиб келдим-да: «Мени ўрангизлар, мени ўрангизлар!» — дедим. Мени ўраб қўйишди. Шунда Оллоҳ таоло «Эй ўралиб ётган бандам, турингиз, қавмингизни огоҳлантирингиз, раббингизни улуғлангиз ва кийимингизни пок тутингиз ҳамда нопокликдан йироқ бўлингиз!» деган оятларни нозил қилди».

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ инсонни лахта қондан яратди»

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга биринчи бўлиб нозил бўлган ваҳий рост (чин) тушлар эрди. Кейин, ул зотнинг хузурларига фаришта келиб, «Сизни яратган парвардигорингизнинг номи бирлан ўқингиз, у инсонни лахта қондан яратган зотдур, ўқингиз, улуғ раббингиз инсонга қалам бирлан илм ўргатди» — деган оятни ваҳий қилди».

1- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Раббингиз инсонга қалам бирлан илм ўргатган зотдур»

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хадичанинг олдиларига қайтиб келдилар-да: «Мени ўрангизлар, мени ўрангизлар!» — дедилар».

2- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Йўқ, асло, агар у бундай гумроҳликдан тўхтамас, қасамки, биз уни тортурмиз жаҳаннамга пешонасидан, пешонайки ёлғончидур, гуноҳкордур»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳо айтадилар: «Абу Жаҳл: «Агар мен Муҳаммаднинг Каъба

олдида намоз ўқиётганини кўрганимда бўйнидан босиб олгай эрдим!»—деди. Бу гап Пайғамбар алайҳиссаломга етганда, ул зот «Агар ул шундай қилганда, малоикалар уни маҳкам ушлаб олур эрдилар»,— дедилар»

«ЛАМ ЯКУН» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Убай ибн Каъбга: «Оллоҳ таоло «Аҳли китоб ва мушриклардан бўлмиш кофирлар, то ўзларига очик хужжат (далил) келмагунча, куфрдан қайтмадилар» деган оятни сенга ўкиб бермоғимни буюрди»,— дедилар. Убай ибн Каъб: «Оллоҳ таоло менинг номимни тилга олдимми?» — деб сўрадилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа»,— деганларидан кейин, Убай йиғлаб юбордилар».

Бу ерда юкоридаги ҳадис такрорланган.

«ИЗО ЗУЛЗИЛАТИЛ-АРЗУ ЗИЛЗОЛАҲО» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Кимки қилибдур зарра вазнича яхшилик, кўрур ул уни»

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Отнинг уч хислати мавжуд бўлиб, бир кишига савоб келтиргай, иккинчи бир кишининг айбини ёпгай, учинчи кишига эрса, гуноҳ орттиргайдур. Отидан савоб топадирган киши хусусига келсак, ул ўз отини Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ бўлиб бирор яйлов ёки бокқа боғлаб қўйган киши бўлиб, отининг ўшал ердаги ўт-ўланлардан тановул қилиб хордиқ чиқармоғига имкон бергани учун савоб олгайдур, ҳаттоки оти ечилиб кетиб, у ёқдан бу ёққа яйраб шаталоқ отса ҳам унинг қолдирган излари ва тезаклари савоб келтиргайдур. Агар ўшал от бир чашма ёнидан ўтаётиб ундан ичаётганда эгаси монёлик қилмаса ҳам савоб бўлгайдур. Оти туфайли айби (гуноҳи) ёпиладирган киши шулким, ул ўз отини тирикчилик учун эгарлаб, топаётган ризки рўзидан Оллоҳ таоло йўлида эҳсон қилмоқни унутмайди ва бу бирлан баъзи бир гуноҳларини ёпади. Киши мақтаниш ёким риё юзасидан от сақлаётган эрса, бу унга гуноҳ бўлиб ёзилгайдур» Кейин, Жаноб Расулуллоҳдан эшак хусусида сўрашди, шунда ул зот: «Оллоҳ таоло менга бул ҳақда «Кимки заррача бўлса ҳам яхшилик қилса, ажру савоб олгай ва кимки заррача бўлса ҳам ёмонлик қилса, азобга қолгай» деган оятдан бўлак ҳеч нарса нозил қилмагандур»,— дедилар»

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Кимки заррача бўлса ҳам ёмонлик қилса, азобга қолгай (унинг жазосини кўргай)»

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшак ҳақида сўралганда, ул зот: «Менга бул ҳақда «Кимки заррача бўлса ҳам яхшилик қилса...» деган оят нозил бўлган, холос»,— дедилар»

«ИННО АЪТАЙНОКАЛ-КАВСАР» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Анас разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом осмонга (меърожга) чиқарилганларидан кейин, бундай деб хикоя қилдилар. «Бир дарё (сув) олдида келдим. Унинг икки қирғоғи ичи ғовак марвариддан ишланган. Мен Ҳазрат Жаброилдан «Бу нима?» — деб сўраганимда, ул киши: «Бу (Ҳавзи) Кавсар»,— деб жавоб бердилар».

Абу Убайда разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Оиша разияллоҳу анҳодан Оллоҳ таолонинг «Албатта, биз сизга Кавсарни бердик» деган қавлининг маъносини сўрадим.

Оиша онамиз «Бу Кавсар шундай бир дарёки, у пайғамбарингизга берилган. Унинг икки қирғоғи ичи ғовак марварид бирлан безатилган бўлиб, атрофига териб кўйилган кўзалар юлдузлардек жилоланур»,— дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу Кавсар ҳақида сўзлаб: «Бу шундай хайрки, Оллоҳ таоло уни ўз Расулига берган»,— дедилар

Абу Башар бундай дейдилар: «Мен Саъид ибн Жубайрга «Кавсарни одамлар жаннатдаги бир дарё, деб гумон қилаётирлар»,— дедим. Саъид «Жаннатдаги дарё бўлганда ҳам, у шундайин хайрки, Оллоҳ таоло уни ўз ҳабибига берган»,— дедилар»

«ИЗО ЖОА НАСРУЛЛОҲИ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом «Агар сизга Оллоҳнинг мадади ва фатҳи келса» сураси нозил бўлгандан кейин, ҳамма намозларида «Субҳонака раббано ва бихамдика, Оллоҳуммағфир лий», — дер эрдилар» (маъноси «Эй раббимиз, поклик сенга хосдур, сенга ҳамд айтурман, эй Оллоҳ, мени мағфират қил»).

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг одати шарифлари шундай эрдик, намозларининг рукуъи ва сужудларида «Эй раббимиз, поклик сенга хосдур, сенга ҳамд айтурман, эй Оллоҳ, мени мағфират қил» деб жуда кўп айтар, сурадаги оятнинг маъносини таъвил қилар эрдилар»

1- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва одамларнинг Оллоҳнинг динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб қираётганларини кўрсангиз...»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: «Умар разияллоҳу анҳу саҳобалардан «Изо жоа насруллоҳи вал-фатҳу» сурасидан мурод недур?» — деб сўрадилар. Ҳаммалари «Шаҳарлар ва қасрларни фатҳ этиш (забт этиш)» — деб жавоб беришди. Умар разияллоҳу анҳу «Эй Ибн Аббос, бул хусусда сиз не дейсиз?» — деб сўраганларида, ул киши «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ажалларининг яқинлиги ишора қилинаётир»,— дедилар»

Оллоҳ таолонинг қавли: «Парвардигорингизга қамд айтиш бирлан уни улуғлангиз, унга истиғфор айтингиз, албатта у тавбаларни қабул қилгувчидур»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар разияллоҳу анҳу бир куни Бадр қатнашчилари бўлмиш ёши улуғ кишиларнинг суҳбатига мени ҳам олиб кирдилар. Ўлтирганларнинг баъзиларининг дили ранжиб «Мана бу болани не учун бизнинг даврамизга олиб кирдингиз, бундай болалар бизларда ҳам бор эрди!» — дейишди. Умар разияллоҳу анҳу «Олиб кирганимнинг сабаби шулки, унинг илму фазлини бир кўриб кўйсангизлар!» — дедилар. Кейин, Ҳазрат Умар бир куни уларни ўз уйларига таклиф қилдилар, мен билдимки, бугун мени уларга бир кўрсатиб кўймоқчилар. Умар разияллоҳу анҳу барча ўлтирганларга «Изо жоа насруллоҳи вал-фатҳу» сураси ҳақида не дейсизлар?» — деб савол бердилар. Баъзилар «Агар нусрат топсак ва бирор шаҳарни фатҳ қилсак, Оллоҳга ҳамд ва истиғфор айтишни Оллоҳ бизга буюрур»,— дейишди. Баъзилар эрса, сукут сақлаб бирор сўз айтишмади Шунда, Умар разияллоҳу анҳу «Эй Ибн Аббос, сиз ҳам шундай дегайсизми?»— дедилар. Менга. Мен: «Йўқ»,— дедим. Ҳазрат Умар: «Ундай эрса, сиз не дегайсиз?» — дедилар. Мен: «Бу бирлан Оллоҳ таоло ўз Расулига «Агар сизга Оллоҳнинг мадади ва фатҳи келса, ажалингиз яқиндур, бас парвардигорингизга ҳамд айтиш бирлан уни улуғлангиз, унга истиғфор айтингиз, албатта у тавбаларни қабул қилгувчидур» — деб маълум қилур»,— дедим. Ҳазрат Умар «Мен ҳам бу сурани сиз айтгандрк тушунурман»,— дедилар»

«ТАББАТ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: «Эй Муҳаммад, ўзингизга яқин қариндошларингизни ва улардан ўзингизга муҳлис бўлганларини огоҳлантирингиз!» деган оят нозил бўлганда Жаноб Расулуллоҳ Сафо тоғи устига чиқиб: «Ё сабоҳоҳу!» — деб нидо қилдилар. Шунда Қурайш аҳли «Бу ким бўлди эркан?» — деб Жаноб Расулуллоҳнинг тевақларига келиб тўпланишди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Айтингизларчи, агар мен сизларга «Мана шул тоғ ортидан душман отлиқлари чиқиб, сизларга ҳужум қилмоқ ниятидадур» деб хабар қилсам, менга ишонурсизларми?» — дедилар. Улар «Биз сизнинг ёлғон сўзлаганингизни сира билмасмиз!»— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ундай эрса, мен сизларни келгуси қаттиқ азобдан огоҳ қилурман!» — дедилар. Шунда Абу Лаҳаб «Қуриб кетгур, шунга чақирдингми бизни?!» — деб қарғаб эрди, Оллоҳ таоло «Синди Абу Лаҳабнинг икки қўли ва ҳалок бўлди ўзи ва сақлаб қололмади уни бундан унинг моли ва ул нарасаки, касб қилди» деган сурани нозил қилди»

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган

Оллоҳ, таолонинг қавли: «Тез фурсатда у алангали ўтга кирур»

Бу ерда юқоридаги ҳадис қисқача такрорланган.

«ИХЛОС» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: «Оллоҳ таоло айтадики, «Одам фарзанди мени ёлғончи қилди, у бундай қилмаслиги керак эрди! У мени ҳақорат қилди, у бундай қилмаслиги керак эрди! У ўлганидан сўнг қайта тирилтирилмоғига ишонмай, мени ёлғончи қилур. Ваҳоланки, илгари инсонни яратганим кейин уни қайта тирилтирмоғимдан осонроқ бўлмаган. Унинг мени ҳақорат қилганига келсак, у: «Оллоҳнинг боласи бор»,— дейди. Ваҳоланки, мен яккаю ягока, абадий, туғмаган ва туғулмаган ҳамда тенги йўқ зотдурман!»

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

«ФАЛАҚ» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Убай ибн Каъбдан «Муъаввизатайн» (икки «Қул аъузу») тўғрисида сўралганда, ул киши: «Мен ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрасам, ул зот: «Менга шундай дейилди»,— дедилар. Шундан буён биз ҳам Жаноб Расулуллоҳ айтганларидек айтамыз»,— дедилар.

«АН-НОС» СУРАСИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Зарр ибн Ҳубайш айтадилар: «Мен Убай ибн Каъбга: «Эй Абу Мунзир, биродарингиз Ибн Масъуд («Муъаввизатайн» ҳақида) шундай ва шундай дедилар»,— дедим. Убай ибн Каъб: «Мен ҳам Жаноб Расулуллоҳдан сўраганимда, ул зот: «Менга шундай дейиш буюрилди, мен шундай дедим»,— дедилар. Шундан буён биз ҳам Жаноб Расулуллоҳ айтганларидек айтамыз»,— деб жавоб бердилар».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ҚУРЪОН ФАЗИЛАТЛАРИ КИТОБИ

1- боб. Ваҳий қандай нозил бўлди? Дастлаб нозил бўлган оятлар ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ва Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссаломга Маккада ҳам ўн йил ва Мадинада ҳам ўн йил давомида Қуръон нозил бўлди».

Абу Усмон разияллоҳу анҳу айтадилар: «Менга хабар берилишига қараганда, Жаброил алайҳиссалом Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келдилар. Шунда ул зотнинг хузурларида Умму Салама разияллоҳу анҳо ҳам бор эрдилар. Жаброил алайҳиссалом Жаноб Расулуллоҳга гапира бошладилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам (жўртгага): «Бу киши ким?» — деб Умму Саламадан сўрадилар. Умму Салама: «Бу киши Дихя (Дихятул-Калбий)», — дедилар. Ҳазрат Жаброил кетганларидан сўнг, Умму Салама: «Худо ҳақи, мен бояги кишини, токи Жаноб Расулуллоҳнинг Ҳазрат Жаброил келиб кетганлари ҳақида хутба қилаётганларини эшитгунимча, Дихя деб ўйладим», — дейдилар».

Убай: «Бу ҳадисни кимдан эшитдингиз?» — деб Абу Усмондан сўрасалар, ул киши: «Усома ибн Зайддан эшитдим» — деб жавоб қилибдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Пайғамбарларнинг ҳаммаларига ҳам ваҳий юборилгандур, унга инсонлар иймон келтиргандурлар. Шунингдек, Оллоҳ таоло менга ҳам ваҳий юборгандур. Мен умид қилурманки, қиёмат куни менга эргашганларнинг сони уларга эргашганлардан кўпроқ бўлгай!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтадилар: «Оллоҳ таоло Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга вафотлари арафасида шул қадар кетма-кет ваҳий юбордики, унинг сони бутун пайғамбарлик даврларида келган ваҳийлардан кўпроқ эрди».

Жундуб разияллоҳу анҳу бундай деб айтар эрдилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлиб, бир ёки икки кеча ўринларидан турмадилар. Шунда бир аёл келди-да, (Ҳазрат Жаброилнинг келмай қолганларига ишора қилиб) «Эй Мухаммад, шайтонинг сени тарк қилган кўринур» — деб эрди, Оллоҳ таоло «Парвардигорингиз сизни тарк қилгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ» деган оятни нозил қилди»

2- боб Қуръоннинг Қурайш аҳли тилида — араб тилида нозил қилинганлиги ҳақида

Усмон разияллоҳу анҳу Зайд ибн Собит, Саъид ибн ал-Ос, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ва Абдурраҳмон ибн ал-Ҳарса Қуръон сураларини мусхафларга кўчирмоқни амр қилдилар ва «Агар сизлар Зайд ибн Собит бирлан Қуръоннинг бирор арабча сўзида ихтилоф қилиб қолсангизлар, (уни ўзгартирмай) Қурайш аҳли тилида ёзаверингизлар, чунки Қуръон уларнинг тилида нозил қилинган», — дедилар. Улар шундай қилишди»

Сафвон ибн Яълонинг хабар беришларига қараганда, ул киши: «Кошкийди, мен Расулуллоҳга ваҳий нозил бўлаётганини кўрсам!» — деб орзу қилур эрканлар. Вақтийки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жиърона деган жойда эрдилар, ул зотнинг тепаларига соя қилсин учун бир либос тўсиб қўйилган эрди, ёнларида саҳобалари ҳам бор эрдилар. Шул пайт ўзига хушбўйликлар сепаиб олган бир одам келиб «Ё Расулаллоҳ, бир одам чакмон кийиб, эҳром боғласа-ю, кейин ўзига хушбўйликлар сепса, бўлурми?» — деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом бир соатча ваҳий келмоғини кутдилар сўнг ул зотга ваҳий келди. Шунда Умар разияллоҳу анҳу Яълога «Кел!» — деб ишора қилдилар. Яъло келиб, бошларини Жаноб Расулуллоҳга соя қилиб турган либос остига кикдилар-да, Жаноб Расулуллоҳнинг юзлари қизариб кетганини кўрдилар. Ул зот яна бирмунча вақт

хириллаган ҳолда ётдилар, сўнг ваҳийдан фориг бўлдилар-да: «Ҳозиргина менга умра тўғрисида савол берган киши қаерда?»— деб сўрадилар. Савол берган киши кидириб топиб келтирилди, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам унга «Ўзингга сепган хушбўйликни уч марта ювиб ташла, сўнг чакмонингни ечгил-да, ҳажингга қандай эҳром боғласанг, умрангга ҳам шундай эҳром боғлагил!» — дедилар».

3- боб Қуръоннинг жамланиши ҳақида

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу айтадилар: «Аҳли Ямома урушидан кейин, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу менга одам юбордилар. Борсам ҳузурларида Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ўлтирибдилар. Шунда Абу Бакр менга бундай дедилар: «Менинг олдимга Умар келиб «Ямома куни Қуръон қориларининг кўпи ҳалок бўлди. Мен кўрқаманки, бошқа жанглarda ҳам қорилар шундай қирилиб кетаверса, Қуръонни ёд билганлар қолмайди. Истардимки, Қуръонни жам этмоққа амр берсангиз!»—дедилар. Мен Умарга «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қилмаган ишни мен қандай қилурман?»— дедим. Ҳазрат Умар «Оллоҳ ҳақи, бу хайрли ишдур!»—дедилар. Шу тариқа Ҳазрат Умар менга қайта-қайта мурожаат қилавердиларки, ҳатто Оллоҳ таоло менинг қалбимни ҳам шу ишга мойил қилиб қўйди. Мен ҳам бу ишда Ҳазрат Умар кўрган нарсани — хайриятни кўрдим». Кейин, Абу Бакр менга: «Сиз ақлли ва ёш йигитдурсиз, сизни ҳеч қачон ёмон иш устида кўрмагандурмиз. Бунинг устига сиз Жаноб Расулulloҳга нозил бўлган ваҳийларни ёзиб олур эрдингиз, Қуръонни жамлаб йиғингиз!» — дедилар. Оллоҳга қасамки, агар менга бир тоғни ўз жойидан бошқа жойга кўчирмоқни буюрсалар, бу иш менга Қуръонни жамламоқдан осонроқ бўлур эрди! Мен уларга «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қилмаган ишни нечук қилурсизлар?»— дедим. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу: «Оллоҳга қасамки,бу иш хайрлидур!»—деб қайта-қайта мурожаат қилишда давом этдилар-ки, ҳатто Оллоҳ таоло Абу Бакр ва Умарнинг дилларини мойил қилган нарсага менинг дилимни ҳам мойил қилиб қўйди. Ниҳоят, мен Қуръонни хурмо баргларида, оппоқ, силлиқ тошлардан, одамларнинг дилларидан кўчириб жамлай бошладим, ҳатто «Тавба» сурасининг охири — «Эй инсонлар, батаҳқиқ сизларга ўзларингиздан бўлган сизларнинг кулфат-машаққатларингизни кўриб ачинувчи, сизларнинг ҳақ динга келишингизга ҳарис (ташна) ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бир пайғамбар келди-ку! Ана энди ҳам юз ўғирсалар, у ҳолда айтингиз «Менга Оллоҳнинг ўзи етарлидир, бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат унинг ўзи бордур, мен унинг ўзига суяндим. У Улуғ Арш соҳибидур!» деган оятларни Абу Ҳузаймадан топдим. Ундан бошқа бирор кишида бу оятларни учратмадим. Сухуф (суралар битилган саҳифалар) Абу Бакр Сиддиқнинг ҳузурларида сақланди. Ул киши вафот қилганларидан сўнг, Умар разияллоҳу анҳунинг ҳузурларида сақланди, ул киши вафот қилганларидан кейин, Ҳафса бинти Умарнинг қўлларида қолди»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳузайфа ибн Ямон Усмон разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келдилар. Аҳли Шом бирлан аҳли Ироқ Арманистон ва Озарбайжонда ғазотда эрдилар. Уларнинг кироатидаги ихтилофдан чўчиган Ҳузайфа Усмон разияллоҳу анҳуга: «Эй мўминларнинг амири, бу умматни яҳудий ва насоролар ихтилофи сингари Қуръонда ихтилоф қилмоқликларидан тўхтатиб қолингиз!»—дедилар. Усмон разияллоҳу анҳу Ҳафса разияллоҳу анҳога одам юбориб: «Сухуфни бизга юборингиз, биз ундан нусха кўпайтириб мусхафлар қилурмиз, кейин ўзини сизга қайтарурмиз!»—дедилар. Ҳафса разияллоҳу анҳо Сухуфни Усмонга юбордилар, сўнг Усмон разияллоҳу анҳу Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъ-ид ибн ал-Ос ва Абдуррахмон ибн Ҳарсага буюрдилар, улар Сухуфдан нусха кўчириб мусхафлар тайёрлашди. Ҳазрат Усмон учта курашлик котибларга: «Агар Қуръон сўзларида Зайд бирлан ихтилоф қилсаларингиз, (уни ўзгартирмай) Кураш тилида ёзаверингизлар, чунки Қуръон уларнинг тилида нозил бўлгандур!»—дедилар. Котиблар шундай қилишди, сўнг Ҳазрат Усмон Сухуфни Ҳафсага қайтариб бердилар. Кейин, Ҳазрат Усмон мусхафларни

дунёнинг тўрт чеккасига юбориб, Қуръон битилган бундан бўлак ҳар қандай саҳифа ёки мушафни ёқиб юбормокни амр қилдилар».

Ибн Шихоб айтадилар: «Менга Хорижа ибн Зайд ибн Собитнинг хабар беришларича, Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу бундай деб айтган эрканлар: «Қуръондан нусха кўчираётган вақтимда «Аҳзоб» сурасидан бир оятни тополмадим, ваҳоланки уни Жаноб Расулуллоҳ қироат қилганларида эшитган эрдим. Уни қидириб, ниҳоят Ҳузайма ибн Собит ал-Ансорийдан топдик. Бу оят «Мўминларнинг орасида баъзи кишилар борки, улар Оллоҳга берган ваъдаларига ҳар қачон содиқ бўладилар» деган оят эрди. Уни ўз ўрнига кўшиб кўйдик».

4- боб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг котиблари ҳақида

Зайд ибн Собит айтадилар: «Абу Бакр Сиддиқ менга одам юбориб: «Дарҳақиқат, сиз Жаноб Расулуллоҳга нозил бўлган ваҳийларни ёзиб олур эрдингиз. Қуръонни жамлангиз!» — дедилар. Мен Қуръонни йиғдим, «Тавба» сурасининг охириги икки оятини Абу Ҳузайма ал-Ансорийдангина топдим, бошқа бирор кишидан бу оятларни топмадим. Улар «Ла-қад жоакум расуулун мин анфусикум» деб бошланадирган оятлардур».

Барро разияллоҳу анҳу айтадилар: «Баробар бўлмайдилар жиҳоддан қолган мўминлар бирлан Оллоҳ йўлида жиҳод қилувчилар» деган оят нозил бўлганда, Пайғамбар алайҳис-салом: «Ҳузуримга Зайдни чақирингиз, лавҳ бирлан сиёҳ келтирсин!»— дедилар. Кейин, менга: «Ёз!... Баробар бўлмайдилар...»— деб ваҳий сўзларини айтаётганларида ул зотнинг орқаларида ўлтирган кўзи ожиз Амр ибн Умму Мактум: «Эй Оллоҳнинг расули, менга ғазот қилмокни қандайин буюргайсиз, ахир мен кўзи ожиз одамман-ку?!» — дедилар. Шунда мазкур оят ўрнига «тана аъзоларига зарар (жароҳат) етмаган ҳолда жиҳоддан қолган мўминлар бирлан Оллоҳ йўлида жиҳод қилувчилар баробар бўлмайдилар» деган оят нозил бўлди».

5- боб. Қуръоннинг етти ҳарф (важҳ)да нозил қилинганлиги ҳақида.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менга Ҳазрат Жаброил Қуръонни бир ҳарфда (бир услубда) ўқимокни ўргатдилар, мен мурожаат қилаверганимдан кейин эрса, уни етти ҳарфга (услубга) етказдилар»,— дедилар».

Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Ҳишом ибн Ҳакимнинг «Фурқон» сурасини ўқиганларини Жаноб Расулуллоҳнинг ҳаётлик даврларида эшитган эрдим. Ул кишининг қироатларини астойдил тингласам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ўргатмаган услубда ўқиётдилар. Шунда мен намозда ўлтирган ул кишининг ёқаларидан тутмоқчи бўлдим-у, аммо намозни тугатмоқларини кутдим. Ул киши икки елкаларига салом берганларидан сўнг, ёқаларидан тутиб: «Ҳозир мен эшитган қироат услубини сизга ким ўргатган?» — дедим. Ул киши бамайлихотир: «Жаноб Расулуллоҳнинг ўзлари ўргатганлар»,— дедилар. Мен: «Ёлғон гапиряпсиз! Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга сиз ўқигандан бошқача ўргатганлар»,— дедим-да, ул кишини етаклаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдларига олиб бордим ва: «Мен бул кишининг «Фурқон» сурасини бир ўзгача услубда ўқиганларини эшитдимки, бу услубни сиз менга ўргатмаган эрдингиз»,— дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Уни кўйиб юборингиз!»— дедилар. Кейин, Ҳишомга: «Эй Ҳишом, ўқингиз!» — дедилар. Ҳишом Жаноб Расулуллоҳга мен эшитган услубда қироат қилиб бердилар, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу сура айнан шундай нозил қилинган». — дедилар. Кейин: «Эй Умар, сиз ҳам ўқингиз!» — дедилар. Мен Жаноб Расулуллоҳ менга ўзлари ўргатганларидек қироат қилдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу сура айнан шундай нозил қилинган. Дарҳақиқат, Қуръон етти ҳарфда (услубда) нозил қилинган, қайси услубда қироат қилмокни осон, деб билсангиз, ўша

услугда ўқийверингиз!» — дедилар».

6- боб. Қуръон сураларини китоб қилиб олиш ҳақида

Юсуф ибн Молик хабар берадилар: «Мен мўминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларида эрдим. Шунда ичкарига бир ироқлик кириб келиб: «Кафаннинг қанақаси яхшироқ?» — деб сўради. Оиша онамиз: «Эҳ бечора, ўлганингиздан кейин кафаннинг қандай бўлмоғининг сизга ҳеч зарари йўқ!» — дедилар. Ироқлик: «Эй мўминларнинг онаси, менга Мусҳафингизни кўрсатингиз!» — деди. «Не учун?» — дедилар Оиша разияллоҳу анҳо. Ироқлик: «Шояд, унга қараб мен ўзимга Қуръон қилиб олсам!» — деди. Чунки, у Қуръон сураларини тартибсиз ўқир эрди. Оиша онамиз: «Қайси сурани аввал ўқисангиз, сизга зарари йўқдур. Қуръоннинг энг аввал нозил бўлган суралари узун суралар бўлиб, унда жаннат ва дўзах ҳақида зикр қилинур. Исломига кирганлар сони кўпайгандан кейин эрса, ҳаром ва ҳалол ҳақида оятлар нозил бўлди. Агар «Ароқ ичмангизлар!» деган оят биринчи бўлиб нозил бўлганда, одамлар: «Биз ароқни мутлақо тарк қилмаймиз!»—деган бўлур эрдилар. Агар «Зино қилмангизлар!» деган оят биринчи бўлиб нозил бўлганда, одамлар: «Биз зинони мутлақо тарк қилолмаймиз!»—дердилар. Муҳаммад алайҳиссаломга Маккада (у вақтда мен ёш қизалоқ эрдим) «Қиёмат улар бирлан ваъдалашган жойимиз бўлиб, у ниҳоятда даҳшатлидур» деган оят нозил бўлди. «Бақара» ва «Нисо» суралари нозил бўлганда эрса, мен Жаноб Расулуллоҳнинг никоҳларида эрдим»,— дедилар. Кейин, Оиша разияллоҳу анҳо Мусҳафни олиб чиқиб, суралар тартибини ироқликка аниқлаб бердилар».

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Дарҳақиқат, «Бани Исроил», «Каҳф», «Марям», «Тоҳо» ва «Анбиё» суралари дастлаб нозил бўлган суралар бўлиб, уларни Қуръондан ўрганиб олганимга анча бўлган».

Барро разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен «Саббиҳисма раббикал-аъло» сурасини Жаноб Расулуллоҳнинг Мадинага келмасларидан аввал ёдлаган эрдим».

Шақиқ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Абдуллоҳ: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир рақъатда жуфт-жуфт ўқийдирган сураларни билиб олганман»,— дедилар. Кейин, Абдуллоҳ чиқиб кетдилар-да, Алкама бирлан қайтиб кирдилар. Алкама чиқиб кетгач, Абдуллоҳдан «назира» (ўхшаш) суралар ҳақида сўрадик. Ул киши: «Ибн Масъуднинг таълифларига кўра, Қуръоннинг бошланишидан йигирма сура, уларнинг охиргиси — «Ҳавомим»дур»,— дедилар».

7-боб. Жаброил алайҳиссаломнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Қуръонни имтиҳон қилиб турганлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо Фотима разияллоҳу анҳодан нақл қиладиларки, Пайғамбар алайҳиссалом: «Дарҳақиқат, Ҳазрат Жаброил ҳар йили мендан Қуръонни бир бор имтиҳон қилур эрдилар, бу йил эрса икки бор имтиҳон қилдилар, бундан билурманки, ажалим яқиндур»,— дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом энг саховатли одам эрдилар. Рамазон ойида эрса, янада саховатлари ортар эрди, чунки Жаброил алайҳиссалом Рамазон ойининг ҳар кечасида ул зот бирлан учрашиб, Қуръонни имтиҳон қилур эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ Ҳазрат Жаброил бирлан учрашган кунлари ёмғир келтирувчи шамолдан ҳам саховатлироқ бўлиб кетур эрдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Ҳар йили Жаноб Расулуллоҳдан Қуръон бир бор имтиҳон қилинур эрди, вафот қилган йиллари эрса икки бор имтиҳон қилиндилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар йили ўн кун эътикофда ўлтирур эрдилар, вафот этадирган йиллари эрса йигирма кун эътикофда ўлтирдилар».

8-боб. Пайғамбар алайҳиссаломнинг қори саҳобалари ҳақида

Абдуллоҳ; ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Пайғамбар саллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг «Қуръонни тўрт кишидан — Абдуллоҳ ибн Масъуд, Солим, Муоз ва Убай ибн Каъбдан олингизлар (ўрганингизлар)!» деб айтганларини эшитганман. Шу гап менга ҳануз хуш ёқади!»

Шақиқ ибн Салама айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бизга хутба қилиб: «Худо ҳақи, мен Жаноб Расулуллоҳнинг оғизларидан етмишдан ортиқ сура ўргандим, худо ҳақи, Жаноб Расулуллоҳнинг саҳобалари мени Оллоҳнинг Китобини кўпроқ билувчи, деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки мен улардан яхшироқ эрмасман!» — дедилар. Мен: «Одамлар Абдуллоҳнинг бу гапларига не дейишар эркан?» — деб пойладим, лекин ул кишининг гапларини қайтаргувчини кўрмадим».

Алқама айтадилар: «Биз Ҳимсада эрдик. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу «Юсуф» сурасини қироат қилдилар. Бир одам: «Бу сура бундай нозил қилинган эрмас», — деди. Ибн Масъуд: «Мен буни Жаноб Расулуллоҳга ўқиб берганимда, ул зот: «Жуда чиройли ўқидингиз!» — деб айтганлар», — дедилар. Бирдан ҳалиги одамдан ароқ ҳиди келди. Шунда Ибн Масъуд: «Сен Оллоҳнинг Китобини ёлғонга чиқариш бирлан бирга ароқ ҳам ичаётирсанми?!» — деб унга ҳадд (дарра) урдирдилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Ибодатга лойиқ зот бўлмиш ўзи танҳо Оллоҳ ҳақи! Оллоҳнинг Китобидан қайси сура нозил қилинган бўлса, мен унинг қаерда нозил қилинганини ҳамда қайси оят нозил қилинган бўлса, мен унинг не ҳақда нозил қилинганини билурман. Агар бирор кишининг Оллоҳнинг каломини мендан яхшироқ билувчи эрканини билсам, унинг олдига, у туяда борадирган жойда бўлса ҳам, борур эрдим!».

Қатода айтадилар: «Мен Анас ибн Моликдан. «Қуръонни ким жам қилган?» — деб сўрадим. Анас: «Тўрт киши, ҳаммалари ҳам ансорлардан бўлиб, улар — Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд», — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом вафот этдилар ҳамки, Қуръонни тўрт кишидан бўлак одам жам қилмади, улар Абу Дардоъ, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд. Биз Абу Зайдга Қуръон хусусида меросхўр бўлдик».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар разияллоҳу анҳу «Бизга Убай қироат қилмоқни ўргатур эрдилар, биз эрсак ул кишининг қироат йўлларида бўлакча ўқир эрдик. Шунда ул киши. «Мен Қуръонни Жаноб Расулуллоҳнинг оғизларидан ўрганганман, уни ҳеч нарса эвазига тарк қилмасман, Оллоҳ таоло «Қайси оятни мансук қилсак ёки уни сизга унутдирсак, ундан яхшироғини ёки унинг ўхшашини ато қилурмиз!» деб айтган», — дер *Абу Саъид ибн Муъалло айтадилар:* «Мен намоз ўқиётган эрдим, Пайғамбар ала эдилар».

9- БОБ ҚУРЪОН ОЧҚИЧИ

йҳиссалом чақириб қолдилар. Мен жавоб бермадим. Кейин, қошларига бориб: «Эй Оллоҳнинг расули, мен намозда эрдим», — дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ахир, Оллоҳ таоло: «Агар сизларни Оллоҳ ва пайғамбар чақирса, уларга жавоб берингизлар!» — демаганми?!» — дедилар. Кейин, яна: «Сиз масжиддан чиқиб кетмасингиздан аввал, мен сизга Қуръоннинг энг улуғ сурасини ўргатайинми?» — дедиларда, кўлимдан ушладилар. Сўнг, масжиддан чиқмоқчи бўлганимизда: «Эй Оллоҳнинг расули, сиз менга: «Қуръоннинг энг улуғ сурасини ўргатайинми?» — деган эрдингиз» — деб эслатдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Етти оятдан иборат «Алҳамду лиллоҳи раббил-оламин» бўлиб, менга берилган улуғ Қуръон (сура) шудир!» — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу айтадилар: «Биз сафарда эрдик. Бир жойда дам олиш учун тўхтадик. Шунда бир қизча келиб: «Маҳалламиз сқсоқолини газанда чақиб олди, унга ёрдам қиладирган ҳеч ким йўқ, орангизда бирор дуохон борми?» — деди. Қизчанинг гапини эшитиб бир одам ўрнидан турди, аммо унинг дуохонлик қилганини ҳеч кўрмаган эрдик. У бориб беморга дуо ўқиган эрди, шифо топди. Тузалган бемор хурсанд

бўлиб унга ўттизта қўй берди, сут бирлан бизни меҳмон қилди. Шеригимиз қайтиб келгандан кейин: «Илгари ҳам дуохонлик қилур эрдингизми ёки энди дуохон бўлиб қолдингизми?»— дедик. Ул киши: «Йўқ, мен «Уммул-Китоб» («Фотиҳа» сураси) бирлан даволадим»,— деди. Биз бир-биримизга: «Бул ҳаққа гапирмайлик, яхшиси Жаноб Расулуллоҳдан сўрайлик!»— дедик. Мадинага қайтганимиздан кейин, воқеани Пайғамбаримизга сўзладик. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фотиҳа» сурасининг шифо эрканлигини унга ким ўргатди эркан? Қўйларни тақсим қилингизларда, менинг улушимни ҳам берингизлар!» — дедилар».

«БАҚАРА» СУРАСИНШИГ ФАЗИЛАТИ

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Кимки кечқурур! «Бақара» сурасининг охирги икки оятини ўқиса, унга кифоя қилур (яъни, бало-офатлардан ҳимоя қилур)»,— дедилар»-

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени рамазон закотини йиғишга вакил қилдилар. Бир одам келиб, озиқ-овқатлардан ола бошлади. Мен уни ушладим-да: «Сени Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига элтаман»,— дедим. У менга: «Кечқурун ўрнингга ётганинда «Оятал-Курсийни» ўқигил, Оллоҳ юборган бир кўрикчи доим сен бирлан бирга бўлур, тонггача сенга шайтон ҳам яқинлашмас»,— деди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Ул рост айтибди, аммо ул каззоб шайтон эрди»,— дедилар».

1- боб. «Каҳф» сурасининг фазилати

Барро разияллоҳу анҳу айтадилар: «Бир одам «Каҳф» сурасини ўқур эрди, ёнида оти боғлиқ турур эрди. ногаҳон, ўшал одамни бир булут қуршаб ола бошлади. Буни кўриб от безовта бўлди. Бояги одам тонг отганда Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келди-да, воқеани баен қилди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу сакийнат (хотиржамлик фариштаси) бўлиб, Қуръон қироати сабабидан тушган»,— дедилар».

2- боб. «Фатҳ» сурасининг фазилати

Зайд ибн Аслам оталаридан нақл қилиб айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сафарда эрдилар. Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ул зот бирлан бирга кетатуриб бир савол сўрадилар. Жаноб Расулуллоҳ жавоб қилмадилар. Ҳазрат Умар яна сўрадилар, ул зот яна жавоб қилмадилар. Ҳазрат Умар яна сўрадилар, ул зот яна жавоб қилмадилар. Умар разияллоҳу анҳу: «Онаниг сендан ажраб қолгур, Жаноб Расулуллоҳдан уч марта савол сўрадинг, ул зот сенга жавоб бермадилар»,— дедилар-да, туяларини чоптириб одамлардан илгарилаб кетдилар. «Менинг ҳақимда Қуръон (оят) нозил бўлиб қолмаса эрди, деб хавотирландим,— дейдилар Ҳазрат Умар,— кўп ўтмай бир кишининг мени чақирганини эшитиб қолдим. Шунда ўзимга-ўзим: «Айтдим-а, менинг ҳақимда оят нозил бўлиб қолмаса эрди, деб»,— дедим-да, Расулуллоҳнинг олдиларига келдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Бул кеча менга бир сура нозил қилинди, бу сура мен учун кўёш чарақлаб турган бутун оламдан ҳам маҳбуброқдур!»— дедилар, кейин «Инно фатаҳно лака фатҳам мубийно» сурасини ўқидилар».

3- боб. «Қул ҳуваллоҳу аҳад»нинг фазилати

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу айтадилар: «Бир одам бир кишининг «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни такрор ўқиётганини эшитиб, тонг отганда Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига борди-да: «Фалончи одам «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни амали оз ҳисоблаб, такрор ўқиётир»,- деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Менинг жоним қўлида бўлган

зот хақи, «Қул хуваллоҳу аҳад» сураси Қуръоннинг учдан бир қисмига тенгдир!»— дедилар»

Бу ерда юкоридаги ҳадис такрорланган.

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом асҳобларига: «Бир кечада Қуръоннинг учдан бир қисмини ўқимоғингиз қийин бўлурми?» — дедилар. Саҳобаларга бу машаққатли кўриниб: «Эй Оллоҳнинг расули, бунга бирортамизнинг қудратимиз етгайми?» — дейишди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳ ягона ва абадий» деган сура Қуръоннинг учдач биридур»,— дедилар».

4- боб. Икки «Қул аъузу» сурасининг фазли

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар касал бўлсалар, икки «Қул аъузу» сурасини ўқиб, ўзларига дам солур эрдилар, оғриқлари кучайганда эрса, мен ўзим ўқир эрдим-да, баракоти тегсин, деб ул зотнинг кўллари бирлан баданларини силар эрдим»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладиларки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар кеча тўшакка ётаётганларида «Қул хуваллоҳу аҳад» бирлан икки «Қул аъузу»ни ўқиб, кафтларига дам урардилар, кейин икки кафтлари бирлан баданларининг кўллари етган жойигача силар эрдилар, силашни бошлари ва юзларидан бошлаб, кўкракларига қадар давом эттирар эрдилар, буни уч бор такрорлар эрдилар».

5- боб Қуръон ўқилганда (осмондан) сакийнат ва малоикаларнинг тушишлари

Муаммад ибн Иброҳим айтадилар: «Усайд ибн Ҳазир кечаси «Бақара» сурасини ўқийётган эрдилар, ёнларида отлари боғлиқ турар эрди, бирдан от безовта бўла бошлади. Ул киши ўқишдан тўхтаган эрдилар, от ҳам тинчланди, кейин ўқишни давом эттирган эрдилар, от яна безовталана бошлади. Ул киши шул тарика уч бор ўқиб, уч бор ўқишдан тўхтадилар. Ҳар сафар ўқиганларида от безовталанар ва ҳар сафар ўқишдан тўхтаганларида тинчланар эрди. Шунда ул киши ўринларидан туриб, отнинг ёнига бордилар. От боғланган жой яқинида Яҳё исмли ўғиллари ухлаб ётган бўлиб, унга от шикаст етказмасайди, деб хавотир олдилар. Ногаҳон, осмонга қараган эрдилар, уни бир нарса қоплаб турганини кўрдилар. Тонг отгач, Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб бердилар. Жаноб Расулуллоҳ «Эй Ибн Ҳазир, ўқийверингиз, эй Ибн Ҳазир, ўқийверингиз!»— дедилар. Усайд ибн Ҳазир «Ё Расулаллоҳ, ўғлим Яҳё от боғлиқ турган жой яқинида ухлаб ётган эрди, уни от босиб олмасайди, деб кўрқдим. Олдига боргач, осмонга қарасам, бир булут янглиғ нарса турибди, унинг чироқдек чарақлаган нарсалари ҳам бор. Дарҳол, ташқарига чиқдим, лекин уни бошқа кўрмадим»,— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Билдингизми, у не эркан⁷»— дедилар. Усайд «Йўқ»,— дедилар. Жаноб. Расулуллоҳ «Ўшал нарса фаришталар бўлиб, кироатингизни эшитиб, сизга яқин келганлар. Агар сиз Қуръонни ўқийверганингизда, тонг отиб қолиб, одамлар ҳам уларни кўриб олган бўлур эрдилар, улар одамлар нигоҳидан беркинмас эрдилар»,— дедилар»

6- боб «Жаноб Расулуллоҳдан фақат икки муқова орасидаги нарсагина, яъни Қуръони Карим қолгандур»,— деган киши ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳунинг айтишларига қараганда, «Шаддод ибн Муъаққал ул кишидан «Пайғамбар алайҳиссалом ўзларидан сўнг бирор нарса қолдирганларми?»— деб сўрабдилар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу «Икки муқова орасидаги нарса, яъни Қуръондан бўлак ҳеч нарса қолдирмаганлар»,— дебдилар. Шаддод «Биз Муҳаммад ибн Ҳанафийя хузурларига кириб шу саволни берганимизда ул киши ҳам «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки муқова орасидаги нарсадан бўлак ҳеч нарса қолдирмаганлар» — деб жавоб бердилар»,— дейдилар»

7- боб Қуръоннинг бошқа каломлардан афзаллиги ҳақида

Абу Мусо ал-Ашъарий айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: «Қуръон қироат қилувчи кишининг утружа (ранги чиройли, лаззатли, хушбўй мева) янглиғ мазаси ҳам, ҳиди ҳам яхши. Қуръон ўқимайдирган киши эрса, хурмога ўхшаш мазаси ширин, лекин ҳиди йўқ ўзи фожир, лекин Қуръон ўқийдирган киши райҳон каби хушбўй, аммо мазаси аччиқ ўзи фожир ва бунинг устига Қуръон ўқимайдирган киши итҳамакка ўхшайди, унинг ҳиди ҳам йўқ, мазаси ҳам аччиқ»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: «Ўтган умматларнинг Оллоҳ таолога ибодат қилган даврига қараганда сизларнинг даврингиз аср намози бирлан шом намози ўртасича муддатдур. Сизларни ва яҳудийлар бирлан насороларни ўзаро таққослайдирган бўлсак, бу шунга ўхшайдики, бир одам: «Ким куннинг ярмига қадар бир қийрот-бир қийрот ҳақ учун менга ишлаб бергай?»—деб ўзига хизматчилар ёллади. Яҳудийлар ана шунча муддат Оллоҳ таолога ибодат қилдилар. Кейин у «Ким куннинг ярмидан асргача менга ишлаб бергай?» - деди. Насоролар ана шунча муддат Оллоҳ таолога ибодат қилдилар. Кейин сизлар асрдан то шомгача икки қийрот-икки қийрот ҳақ учун ишлаисизлар. Шунда улар: «Биз кўп ишладик аммо ҳақни оз олдик»,— дейишгай. У: «Мен сизларга зулм қилдимми?»—дегай. Улар «Йўқ»,—дегайлар. У Бу менинг фазлим, уни ўзим хоҳлаган кишига ато этгайман!»—дегай»

8-боб. Оллоҳнинг Китоби васият қилиб қолдирилгани ҳақида

Талҳа разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан «Пайғамбар алайҳиссалом васият қилдиларми? деб сўрадим. Ул киши «Йўқ» — дедилар. Мен: «Ундай эрса одамларга бажармоқлик буюрилган васият қандай ёзилди, ахир Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам васият қилмабдилар-ку?»—дедим. Абдуллоҳ «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳнинг Китобини васият қилиб қолдирдилар» — дедилар»

9-боб. Қуръонни тажвид бирла ўқимоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ахир, биз сизга нозил қилган ва уларга (ҳар вақт) тиловат қилинаётган бу Китоб уларга кифоя қилмайдими?!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳ таоло ҳеч нарсага Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тажвид бирла қилган қироатларига кулоқ солганчалик кулоқ солмаган»,— дедилар»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики, «Пайғамбар алайҳиссалом «Оллоҳ таоло ҳеч бир нарсани Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тажвид бирла қилган қироатларини эшитганчалик эшитмаган»,— дедилар»

10- боб Қуръон ўқувчига ҳасад қилмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман: «Ҳасад қилиш мумкин эрмас, аммо икки кишига ҳасад қилса бўлур улардан бири — агар Оллоҳ таоло бир кишига Қуръон ато этган бўлса-ю, у кечаю кундуз Қуръон тиловати бирлан машғул бўлса, иккинчиси — бир одамки, Оллоҳ таоло унга ҳалол мол берган бўлса-ю, у кеча-ю кундуз уни садақа қилиб турган бўлса»

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган

11-боб. «Орангиздаги яхши кишилар — Қуръонни ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргатувчилардур»

Усмон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом «Сизларнинг

орангиздаги яхшиларингиз — Қуръонни ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргатувчилардур» — дедилар»

Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Дарҳақиқат, сизларнинг фазлда улуғроқларингиз — Қуръонни ўрганиб, уни бошқага ҳам ўргатувчингиздур!» — дедилар»

Саҳл ибн Саъд айтадилар: «Бир хотин Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, ўзини Оллоҳ таоло йўлида унинг пайғамбари учун тортиқ қилганини айтди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Менинг хотинларга ҳожатим йўқ»,— дедилар. Шунда бир саҳобий «Эй Оллоҳнинг расули бу аёлни менга никоҳлаб берингиз!» — дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ундай эрса, аёлга маҳр бер!» — дедилар. Саҳобий «Маҳр тополмагайман»,— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Бир темир узук бўлса ҳам уна бер!» — дедилар. Саҳобий хафа бўлиб жим қолдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Қуръондан неларни билурсан?» — деб сўрадилар. Саҳобий «Фалон ва фалон сураларни» — деб айтдилар. Жаноб Расулуллоҳ «Мен бу аёлни ўшал ўзинг билган Қуръон эвазига сенга никоҳлаб қўйдим»,— дедилар»

12- боб Қуръонни ёддан ўқимоқ ҳақида

Саул ибн Саъд айтадилар: «Бир аёл келиб Жаноб Расулуллоҳга «Эй Оллоҳнинг расули, мен сизга ўзимни ҳадя қилдим!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ унга бошдан-оёқ бир қараб чиқдилар-да, бошларини қуйи эгдилар. Аёл ўзи ҳақида ул зотнинг бир қарорга келмаганларини кўриб, ўлтирди. Жаноб Расулуллоҳнинг асҳобларидан бири туриб «Эй Оллоҳнинг расули, агар сизнинг бу аёлга ҳожатингиз бўлмаса, уни менга никоҳлаб қўйингиз!» — дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан «Маҳрга бирор нарсанг борми?»—деб сўрадилар. Саҳобий «Худо ҳақи, йўқ!»— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ ул кишига «Уйга бориб қара-чи, эҳтимол бирор нарса топарсан!» — дедилар. Саҳобий кетиб, яна қайтиб келдилар-да: «Худо ҳақи, ё Расулаллоҳ, ҳеч нарса тополмадим!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ яна «Қара-чи, темирдан ясалган узук бўлса ҳам, майли!» — дедилар. Саҳобий яна уйга бориб, қайтиб келдилар-да: «Эй Оллоҳнинг расули! Темир узук ҳам йўқ эркан, лекин мана бу иштоним бор»,—дедилар. Бечора саҳобийнинг устларида ҳатто қўйлақлари ҳам бўлмай, биргина иштонларининг ярмини аёлга маҳр учун бермоқчи бўлдилар. Жаноб Расулуллоҳ «Иштонингни қандай маҳрга берасан? Агар уни сен кийсанг, аёлга ва агар аёл кийса, сенга ҳеч вақо қолмайди-қў!»— дедилар. Саҳобий узоқ ўлтириб қолдилар. Кейин, ўринларидан турдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрдиларки, саҳобий кетаётирлар, ул кишини дарҳол чақиртириб: «Қуръондан қанча сура билурсан?»—деб сўрадилар. Саҳобий «Қуръоннинг фалон ва фалон сурасини билурман» — деб ўзлари билган сураларни санаб бердилар. «Уларни ёддан қироат қила олурсанми?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ Саҳобий «Ҳа»,— деганларидан кейин, ул зот «Бор, ўзинг билган Қуръон эвазига сени бу аёлга эга қилдим!» — дедилар».

13- боб Қуръонни ёдлаган кишининг уни такрорлаб, мустаҳкамлаб турмоғи лозимлиги ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Соҳиби Қуръон (ҳофизи Қуръон) боғлаб қўйилган туянинг эгасига ўхшайди. Агар у уни боғлиқда сақлаб эҳтиётласа, олиб қолгай, бўшатиб юборса, кетиб қолгай»

Абдуллоҳ айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: «Кишининг «Мен мана бу ва мана бу оятни эсдан чиқардим» деб айтмоғи нақадар бахтсизликдур. Қуръонни ҳеч ким ўзича эсдан чиқармагай, балки эсдан чиқартирилади. Қуръонни доим такрорлаб туришлар, чунки унинг одамлар дилидан чиқиб кетиши шўх туядан ҳам тезроқдур!»

Абу Мусо разиллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуръонни такрорлаб турингизлар, чунки у, менинг жоним кўлида бўлган зот ҳақи, боғлиқ туядан ҳам қочувчанроқдур!» — дедилар».

14-боб. Улов миниб туриб Қуръон қироат қилмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Муғоффал: «Мен Макка фатҳи куни Жаноб Расулуллоҳнинг туяларида ўлтириб «Фатҳ» сурасини қироат қилганларини кўрдим»,— дейдилар».

15-боб. Болаларга Қуръонни ўргатмоқ ҳақида

Саъид ибн Жубайр: «Сизлар «муфассал» деб атайдирган сураларнинг ҳаммаси «муҳкам» суралардур»,— дедилар. Ибн Аббос: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этган пайтларда мен ўн яшар бола бўлиб, «муҳкам» сураларни ёд олган эрдим»,— дедилар».

Ибн Аббос: «Мен «муҳкам» сураларни жамладим»,— дедилар. Саъид: «Муҳкам недур?» — дедилар. Ибн Аббос: «Муҳкам — муфассал, яъни батафсил суралардур»,— дедилар.

16- боб. Қуръонни ёддан чиқармоқ ҳақида, «Мен фалон ва фалон оятларни ёдимдан чиқардим» — деб айтиш мумкинми?

Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз сизни қироат қилдирурмиз. Бас, сиз Оллоҳнинг ўзи унутишингизни хоҳлаган оятлардан бошқасини унутмагaysиз»

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда бир кишининг қироат қилаётганини эшитиб: «Уни Оллоҳ таоло ярлақасин, у фалон сурадаги фалон оятни менинг ёдимга солиб қўйди»,—дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси бир кишининг бир сурани ўқиётганини эшитиб: «Уни Оллоҳ таоло ярлақасин, у фалон сурадаги фалон оятни эсимга солди, бу оят менинг эсимдан чиқартирилган эрди»,— дедилар».

Абдуллоҳ айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Кишининг «Мен фалон ва фалон оятни эсдан чиқардим» деб айтмоғи нақадар бахтсизликдур. Қуръон ўзича эсдан чиқмагай, балки унуттирилгай»,— дедилар».

Абдуллоҳ айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Кишининг «Мен фалон ва фалон оятни эсдан чиқардим» деб айтмоғи нақадар бахтсизликдур. Қуръон ўзича эсдан чиқмай, балки унуттирилгай»,— дедилар».

17- боб. «Бақара» ёки фалон ва фалон сура деб айтилса, гуноҳ саналмаслиги ҳақида

Абу Масъуд ал-Ансорий айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Бақара» сурасининг охирида икки оят бор бўлиб, кимки уларни кечаси ўқиса, унга кифоя қилгай»,— дедилар».

Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ҳишом ибн Ҳакимнинг «Фурқон» сурасини Жаноб Расулуллоҳ ўргатмаган услубда ўқиганини эшитдим. Намозда бошига чанг солишдан ўзимни тийдим. Намозни ўқиб бўлгунча сабр қилдим, кейин либосини бошига ўраб ушладим-да, унга: «Ҳозир сен ўқиган сурани сенга ким ўргатди?»—дедим. Ҳишом: «Менга буни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатганлар»,— деди. Мен унга: «Ёлғон гапирасан, худо ҳақи, бу сурани менга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқача ўргатганлар!» — дедим. Уни етаклаб Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига келдим. «Эй Оллоҳнинг расули, манави «Фурқон» сурасини сиз менга ўргатгандан бошқа услубда ўқийтир. Бу сурани сиз менга ўргатган эрдингиз»,— дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Ҳишом, ўша сурани ўқи!» — дедилар. Ҳишом ўша мен эшитган услубда ўқиди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи

ва саллам: «Худди шундай нозил қилинган»,— дедилар. Кейин, менга: «Эй Умар, сиз ҳам ўша сурани ўқингиз!»—деб буюрдилар. Мен Жаноб Расулulloҳ менга ўргатганларидек кироат қилдим. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Худди шундай нозил қилинган. Дарҳақиқат, Қуръон етти ҳарфда (етти услубда кироат қиладирган қилиб) нозил қилинган. Бас, қайсиниси ўзингизга осон бўлса, ўша услубда ўқингиз!» — дедилар».

Ошиа разияллоҳу анҳо айтадилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам кечаси масжидда бир қорининг Қуръон ўқиётганини эшитиб: «Уни Оллоҳ таоло ярлақасин, у фалон сурадаги фалон оятни эсимга солди, мен уни тушириб қолдирар эрканман»,— дедилар».

18-боб. Кироатда тажвидга риоя қилмоқ лозимлиги, Оллоҳ таолонинг «Қуръонни тажвид қондаси бирлан ўқингиз!» ва «Сизнинг Қуръонни одамларга астасекин ўқиб бермоғингиз учун биз уни бўлиб-бўлиб нозил қилдик» деган қавллари ҳамда Қуръонни шеър сингари бўлиб-бўлиб ўқишнинг макруҳлиги ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуддан нақл қилинади: «Бир киши: «Мен ўтган кеча «муфассал»ни ўқиб чикдим»,— деди. Абдуллоҳ унга: «Шеър сингари ўқигансан. Биз ҳақиқий кироатни эшитганмиз. Мен Қуръондаги «назира» сураларни Жаноб Расулulloҳнинг ўзларидан ўрганиб ёдлаганман. Уларнинг ўн саккизтаси «муфассал» ва иккитаси «ҳо-мим» жумласига кирувчи суралардур»,— дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу «Ло тухаррик биҳи лисонака» ояти ҳақида бундай деб ривоят қиладилар: «Қачон Ҳазрат Жаброил ваҳий келтирсалар, Жаноб Расулulloҳ тиллари ва икки лабларини ҳаракатлантирар эрдилар, бунинг ул зотга машаққатли эрканлиги шундоққина сезилиб турарди. Бас, Оллоҳ таоло «Ло уқсиму» сурасидаги «ёдлаб олишга ошиқиб ваҳий сўзларини такрорлаб тилингизни ҳаракатлантирмангиз, Қуръонни дилингизга жо қилиш, уни тилингизда ўқитиш бизнинг зиммамиздадур» яъни, «Ваҳийни қалбингизга жойлаш ва уни ўқитиш бизнинг зиммамиздадур, қачон биз Жаброил тили орқали ўқиб бўлсак, шундагина сиз унга эргашингиз, агар биз ваҳий нозил қилсак, аввал уни эшитингиз, - кейин уни сизнинг тилингиз бирлан баён қилурмиз» деган мазмундаги оятни нозил қилди. Шундан кейин, қачон Ҳазрат Жаброил ваҳий келтирсалар, ул зот сукут сақлар, кетганларидан кейин эрса Оллоҳ ваъда қилгандек ўқир эрдилар».

19- боб. .Қироатни чўзмоқ ҳақида

Қатода разияллоҳу анҳу айтадилар: «Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан Жаноб Расулulloҳнинг кироатлари ҳақида сўрадим. Анас: «Жаноб Расулulloҳ чўзиб кироат қилур эрдилар»,— дедилар».

Қатода айтадилар: «Анас разияллоҳу анҳудан: «Жаноб Расулulloҳнинг кироатлари қандай эрди?» —деб сўралганда, ул киши: «Чўзиб ўқир эрдилар»,— дедилар. Сўнг, Бисмиллоҳир раҳмонир раҳиймнинг «бисмиллоҳ» сўзини алоҳида, «ар-раҳмон» сўзини алоҳида ва «ар-раҳийм» сўзини алоҳида чўзиб ўқиб кўрсатдилар».

20- боб. Таржиъ бирлан кироат қилиш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Муғаффал айтадилар: «Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг туялари устида ўлтириб «Фатҳ» сурасини таржиъ бирлан ўқиганларини эшитдим».

21- боб. Ёқимли овоз бирлан кироат қилиш ҳақида

Абу Бурда айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Абу Мусога (ёқимли овозларини назарда тутиб); «Эй Абу Мусо, дарҳақиқат Оллоҳ таоло томонидан сизга доводийларнинг сурнайларидан бири ато этилган»,— дедилар».

22- боб. Қуръон қироатини бошқадан эшитмоқни яхши кўрган киши ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Менга бир Қуръон ўқиб берсангиз!» — дедилар. Мен: «Сизга мен Қуръон ўқиб берайинми, ахир Қуръон сизга нозил қилинган-ку?!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Мен Қуръонни ўзимдан бўлакдан эшитмоқни хуш кўрурман», — дедилар».

23-боб. Қуръон ўқиттирувчининг қорига: «Бўлди, етарли!» — деб айтмоғи ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом менга: «Бир Қуръон ўқиб берсангиз!» — дедилар. Мен: «Эй Оллоҳнинг расули, сизга мен Қуръон ўқиб берайинми, ахир Қуръон сизга нозил қилинган-ку?!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, ўқи!» — дедилар. Мен «Нисо» сурасини ўқиётиб, «Энди, ул кун на ҳолат пайдо бўлур, вақтики биз чақирурмиз ҳар умматдан гувоҳ ва келтирурмиз сизни (эй Мухаммад) уларга гувоҳ қилиб» деган оятга келганимда, Жаноб Расулуллоҳ: «Бўлди, етарли!» — дедилар. Мен тўхтаб, ул зотга қарадим, икки кўзларидан *ёш* қуйилар эрди».

24-боб. Қуръоннинг қанчаси ўқилса, кифоя қилур?

Оллоҳ таолонинг қавли: «Қуръондан Оллоҳ муяссар қилганча ўқингизлар!»

Ибн Шибримма айтадилар: «Мен: «Киши намозда Қуръоннинг қанчасини ўқиса, кифоя қилгай?» — деб фикр қилдим. Қуръон суралари ичидан уч оятли («Ал-Кавсар») сурасидан кичигини топмадим. Шунда: «Демак, уч оятдан кам ўқиш мумкин эрмас», — дедим».

Алқама ривоят қиладилар: «Мен Абу Масъудни Байтуллоҳни тавоф қилаётганларида учратиб қолдим. Шунда ул киши Жаноб Расулуллоҳнинг «Кимки кечаси «Бақара» сурасининг охириги икки оятини ўқиса, унга кифоя қилур» деган ҳадисларини зикр қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Отам мени тагли-тахтли бир аёлга уйлаб қўйдилар. Кейин, отам келиндан ҳол-аҳвол сўраб, менинг хусусимда ҳам суриштирибдилар. Шунда келин: «Эркақлар орасида жуда ажойиблар, лекин хануз менинг тўшагимда ётганлари йўқ, ҳатто мен бирлан таом ҳам емадиларки, ҳожатхонага чиқай десалар, мен келганимдан буён аҳвол шу!» — деб жавоб берибди. Отам келиннинг шикоят кўпайиб кетгандан кейин, бул ҳақда Пайғамбар алайҳиссаломга зикр қилибдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳузуримга юборингиз!» — дебдилар. Мен Жаноб Расулуллоҳга учрадим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рўзани қандай тутаётир-сан?» — деб сўрадилар. Мен: «Ҳар куни», — дедим. Ул зот: «Қанчада хатм қилаётирсан?» — дедилар. Мен: «Ҳар кеча», — дедим. Ул зот: «Ҳар ой уч кун рўза тутгил, ҳар ой бир хатм қилгил!» — дедилар. Мен: «Эй Оллоҳнинг расули, мен бундан кўпроғига қодирман!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ундай эрса, бир жумъада (ҳафтасига) уч кун рўза тутгил!» — дедилар. Мен яна: «Бундан кўпроғига ҳам қодирман», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Бўлмаса, икки кун оғиз очиб, бир кун рўза тутгил!» — дедилар. Мен: «Бундан кўпроғига қодирман», — дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ундай эрса, рўзанинг афзалини — Довуд алайҳиссаломнинг рўзаларини тутгил, яъни бир кун рўза тутгил, бир кун оғиз очгил, ҳар етти кунда бир хатм қилгил!» — дедилар. Кошкийди, Жаноб Расулуллоҳнинг насиҳатларини қабул қилган бўлсам! Мана, энди қаридим, қувватдан кетдим».

Айтишларича, Абдуллоҳ ҳар куни кундузи Қуръоннинг еттидан бир қисмини ўз аҳлларида бирига ўқиб берар эрканлар. Бунини кечаси ўзларига осон бўлсин учун қилар эрканлар. Озгина қувватланиб олмақни истасалар, бир неча кун рўза тутмас, кейин эрса рўза тутмаган кунларининг миқдорича яна рўза тутар эрканлар, чунки «Жаноб Расулуллоҳнинг тавсияларига зид иш қилиб қўймоқдан қўрқар эрканлар. Баъзилар уч кунда, баъзилар беш кунда, кўпчилик эрса, етти кунда хатм қилар эрди, дейишади.

Бу ерда юқоридаги ҳадис қисқача такрорланган.

25-боб. Қуръон қироати вақтида йиғламоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Бир Қуръон ўқиб берсангиз!»—дедилар. Мен: «Эй Оллоҳнинг расули, сизга мен Қуръон ўқиб берайинми, ахир Қуръон сизга туширилган-ку?!» — дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен Қуръонни ўзимдан бўлакдан эшитмоқни хушлайман»,— дедилар. Мен «Нисо» сурасини ўқиётиб, «Энди, ул кун не ҳолат пайдо бўлур, вақтики биз чақирурмиз ҳар умматдан гувоҳ ва келтирурмиз сизни уларга гувоҳ қилиб» деган оятга етганимда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тўхта, етарли!»—деб амр қилдилар. Қарасам, Жаноб Расулуллоҳнинг икки кўзларидан ёш қуйилаётир».

26- боб. Қуръон қироати бирлан риё қилгувчи, Қуръон қироати бирлан тирикчилик қилгувчи ҳамда Қуръон қироати бирлан мақтангувчи шахслар ҳақида

Али разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб эшитдим: «Замон охирида шундай бир қавм келурки, ўзлари ёш, ақллари паст бўлиб, Оллоҳнинг каломидан, расулуллоҳнинг сўзларидан гапирурлар, исломдан эрса ўқ камондан қандай отилса, шундай тез чиқурлар, уларнинг иймонлари томоқларидан нарига ўтмагай. Уларни қаерда кўрсангизлар, ўлдиригизлар, чунки уларни ўлдирган одамга киёматда улуғ ажр бордур!»

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳдан эшитган эрдим, бундай деган эрдилар: «Сизларнинг ичингиздан шундай бир қавм чиқурки, улар ўзларининг намозлари бирлан намозларингизни таҳқир қилурлар, рўзалари бирлан рўзаларингизни таҳқир қилурлар, амаллари бирлан амалларингизни таҳқир қилурлар. Қуръон ўқисалар, қироатлари томоқларидан нарига ўтмагай, диндан ўқ камондан отилгандек тез чиқурлар, ўқнинг тиғига қарасалар, овдан нишон йўқ, камонга қарасалар, унда ҳам ҳеч вақо йўқ, ипига қарасалар ҳам, ҳеч нарса йўқ, кейин ўқ отилдимийўқми, шак қила бошлагайлар» (Мазкур ҳадисда бора-бора инсонларда, айниқса ёшларда эътиқоднинг йўқолиб кетиши, қалбда самимий иймоннинг камайиши назарда тутилади. Одамларнинг хўжакўрсинга қиладирган ибодату тиловати Оллоҳнинг ҳузурда ҳеч қабулиятга эга эрмаслиги бекор кетган ва нишонга тегмаган ўққа мисол қилинади).

27- боб. Дилингизни (хаёлингизни) бир жойга йиғиб Қуръон ўқингиз!

Жундуб ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Дилингизни жамлаб Қуръон ўқингиз, агар дилингиз фаромуш бўлса, туриб кетингиз!»—дедилар».

Абдуллоҳдан нақл қилинадикки, ул киши бир одамнинг қироатини эшитиб қолдилар. Абдуллоҳ ўшал одам қироат қилган сурани Жаноб Расулуллоҳдан ўрганиб, бошқача услубда қироат қилур эрдилар. «Мен ўшал одамни қўлидан ушлаб Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига олиб бордим,— дейдилар. Абдуллоҳ,— шунда ул зот: «Икковингиз ҳам чиройли ўқиётирсиз, шундай ўқийверингизлар!» —дедилар. Агар янглишмасам, ул зот яна: «Сизлардан илгариги қавм ихтилоф қилган эрди, ихтилофлари уларни ҳалок қилди» — деб ҳам айтдилар».

НИКОҲ КИТОБИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Никоҳга тарғиб қилиш ҳақида. Оллоҳ таоло бу хусусда: «Бас, никоҳларингизга олингизлар хотинлардан таъбларингиз суйган икки ва уч ва тўрттасини»,—дейди («Ан-Нисо» сураси, 3- оят)

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Уч нафар киши Жаноб Расулуллоҳнинг аёллари яшайдирган хужраларга келиб, ул зотнинг тоат-ибодатлари хусусида сўради. Аёллар бу ҳақда хабар беришгач, улар тортишиб: «Расулуллоҳ

саллаллоҳу алайҳи ва саллам қаёқдалар-у, биз қаёқдамиз, ул зотга тенглашишга бизга йўл бўлсин! Ахир, Оллоҳ таоло ул зотнинг собиқ ва келгуси гуноҳларини мағфират қилган-ку!» — дейишди. Шунда улардан бири: «Аммо, мен бўлсам, доимо тунда намоз ўқийман»,— деди. Бошқаси: «Мен оғиз очмай узок, рўза тутаман (яъни, сурункасига бир неча кун оғиз очмай рўза тутаман)»,— деди. Яна бири: «Мен эрсам, аёллардан нари юраман, ҳеч қачон уйланмайман»,— деди. Кейин, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб, уларга: «Шундай ва шундай деб айтган сизларми? Аммо, Оллоҳ таоло ҳақи, мен Оллоҳ таолодан сизлардан кўра кўпроқ кўрқиб тақво қилурман, лекин мен рўза ҳам тутаман, оғиз ҳам очаман, намоз ҳам ўқийман, дам ҳам оламан (ухлайман ҳам), аёлларга уйланаман ҳам. Кимки менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмасдур (яъни, менинг умматим эмасдур!)»—дедилар».

Зухрий ривоят қиладилар: «Урва Оиша онамиздан Оллоҳ таолонинг «Ва агар сизлар етим қизларга нисбатан ноинсофлик қилиб қўйишдан кўрқсангизлар, бас никоҳларингизга олингизлар хотинлардан таъбларингиз суйган икки ва уч ва тўрттасини, агар баробар (тенг) таъминлай олмаслигингиздан кўрқсангизлар, ул ҳолда бир хотин кифоя қилур ёки мулкларингиз бўлмиш чўриларни никоҳингизга олсангиз бўлур, бунда умид борки, бир тарафга оғмассизлар» («Ан-Нисо» сураси, 3- оят) деган ояти каримаси ҳақида сўради. Оиша онамиз: «Эй жияним, (одатда) етим қиз ўз валийсининг назоратида бўлиб, валий унинг молу жамолига қизиқади-да, бир оз маҳр бериб унга уйланмоқчи бўлади. Шу боисдан ҳам, валийлар (етим қиз асраганлар), тўлиқ маҳр бермай адолатсизлик қиладилар деб, етимча қизларга уйланишдан қайтарилдилар, аммо етимча қизлардан бўлак аёлларга уйланишларига ижозат берилди»,— дедилар».

1- боб. Жаноб Расулуллоҳнинг «Сизлардан кимда-ким уйланишга қудрати етса, уйлансин, чунки бу унинг кўзларини тубан тушириб, ўзини зинодан сақлайди, никоҳга ҳожати бўлмаган кимса уйланарми-ди?!» деган қавллари ҳақида

Алқама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳ бирлан бирга эрдим, Усмон Минода унга йўлиқиб: «Эй Абу Абдурраҳмон, менинг сенда бир ишим бор»,— деди, сўнг иккаласи четга чиқди. Усмон Абдуллоҳга: «Эй Абу Абдурраҳмон, биз сени бир бокира қизга уйлантириб қўяйликми?»—деди. Усмон Абдуллоҳнинг бунга эҳтиёжи йўқлигини билгач, менга ишора қилиб: «Эй Алқама, мен бундан кўлимни ювиб, қўлтиғимга урдим! Менга у: «Аммо, агар буни бировга айтсанг...»,— деяпти. Пайғамбаримиз эрсалар бизга: «Эй йигитлар, сизлардан кимда-ким қудрати етса, уйлансин, қудрати етмаганлар эрса, рўза тутсин, чунки бундайларнинг тухуми палағдадур!» — деб айтганлар»,— деди».

2- боб. Қудрати етмаганлар эрса, рўза тутсин!

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз — кучимизни қаерга ишлатишни билмайдирган бир гуруҳ йигитлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик, шунда ул зот бизга: «Эй йигитлар, сизлардан кимда-ким қудрати етса, уйлансин, чунки бу унинг кўзларини тубан тушириб, ўзини зинодан сақлайди, қудрати етмаганлар эрса, рўза тутсин, чунки бундайларнинг тухуми палағдадур!»—деб айтдилар».

3- боб. Кўпхотинлилик ҳақида

Ато разияллоҳу аноҳу ривоят қиладилар: «Биз Ибн Аббос бирлан биргаликда Сарафга — Маймунанинг жанозасига бордик. Шунда Ибн Аббос: «Бу Жаноб Расулуллоҳнинг жуфти ҳалолларидур, агар тобутларини кўтарсангизлар, силкитмай, титратмай аста юрингизлар, чунки Жаноб Расулуллоҳнинг тўққизта хотинлари бор эрди, ул зот саккизтасига ажратиб, биттасига ажратмас эрдилар»,— деди». (Маймуна онамиз

бошқа оналаримизга нисбатан сабрқаноатлироқ бўлган бўлсалар, Жаноб Расулуллоҳ ул мухта-рамага ғазотда олинган ўлжалардан улуш ажратмаган бўлишлари мумкин, яна Оллоҳ таолонинг ўзи яхшироқ билур!)

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тўққизта хотинлари бўлиб, бир кечада ҳаммасини айланиб чиқардилар».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Ибн Аббос менга: «Уйландингми?» — деди. Мен: «Йўқ»,— дедим. У: «Уйлангин, зеро бу умматнинг энг яхшиси (яъни, Жаноб Расулуллоҳ) — энг хотини кўпидур!» — деди».

4- боб. Ким нима ниятда ҳижрат ёки бирор кори хайр қилган бўлса, албатта ўшанга эришади, хотин олмоқни ният қилган хотин олади

Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Ишлар ниятга боғлиқдур, дарҳақиқат киши ният қилган нарсасига муяссар бўлади. Кимки Оллоҳ таоло бирлан унинг расули йўлида ҳижрат қилган бўлса, ҳижрати Оллоҳ таоло бирлан унинг расули йўлида бўлган бўлади, кимки мол-дунё учун ҳижрат қилган бўлса, мол-дунёга эришади ёки уйланмоқ учун ҳижрат қилган бўлса, уйланади, чунки нимани деб ҳижрат қилган бўлса, ўшанга эришади».

5- боб. Ҳамроҳи Қуръону ислом бўлган муҳтож кишини уйлантирмоқ лозимлиги ҳақида

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазот қилур эрдик, хотинларимиз йўқ эрди. Шунда, биз: «Ё Расулаллоҳ, дунёдан тоқ ўтмайликми?»—дедик. Ул зот бизни бундай қилмоғимиздан қайтардилар».

6-боб. Кишининг ўз мусулмон биродарига: «Қайси хотинимни истасанг, ўшани танла, сени деб мен ундан воз кечаман!» — деб айтмоғи хусусида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Абдурраҳмон ибн Авф кириб келди, Жаноб Расулуллоҳ уни Саъд ибн ар-Рабиъ бирлан ака-ука тутинтириб қўйдилар. Саъднинг иккита хотини бўлиб, у Абдурраҳмонга: «Аҳлу аёлим бирлан молу дунёмнинг тенг ярмини ўзинга олгил!» — деб таклиф қилди. Шунда, Абдурраҳмон: «Оллоҳ таоло сенга, аҳлу аёлингга ҳамда молу дунёнгга барака ато этсин, мени бозорга олиб борингизлар!» — деди. Уни бозорга олиб боришган эрди, у озгина пишлоқ, озгина сариёғ харид қилди. Бир неча кундан кейин, Жаноб Расулуллоҳ уни учратиб қолдилар, қўлида (ёки эгнида) бир сариёғ нарсанинг доғи бор эрди. Ул зот унга: «Эй Абдурраҳмон, аҳволинг нечук?» — дедилар. У: «Бир ансория хотинга уйландим»,— деди. Ул зот «Нима бердинг?» — дедилар. Абдурраҳмон: «Данадек олтин»,— деди. Ул зот: «Битта қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қилгил!» — дедилар».

7-боб. Тарки дунё қилмоқ ва дунёдан тоқ ўтмоқнинг макруҳлиги ҳақида

Саъд ибн Абу Ваққос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Усмон ибн Мазъунга дунёдан тоқ ўтмоқни рад қилдилар, агар ул кишига ижозат берганларида биз ҳам дунёдан тоқ ўтган бўлур эрдик!».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазот қилур эрдик, ҳеч нарсамиз (хотинларимиз) йўқ эрди. Шунда, биз: «Ё Расулаллоҳ, дунёдан тоқ ўтайликми?»—дедик. Ул зот бизни бундай қилмоққан қайтардилар, сўнг маҳрига бир қўйлақ бериб бўлса ҳам, уйланмоғимизга рухсат бердилар».

Кейин, «Эй мўминлар, Оллоҳ таоло сизларга ҳалол қилган неъматларни ҳаром қилмангизлар ва тажовуз қилмангизларки, Оллоҳ таоло тажовуз қилгувчиларни яхши кўрмайди» деган ояти каримани бизга қироат қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, мен ёш (йигит)ман, бирор ёмон иш қилиб қўймасайдим, деб ўзимдан хавотирланаман, уйланай десам, ҳеч вақом йўқ!» — дедим. Ул зот гапимга жавоб бермадилар. Мен бояги гапимни яна такрорладим, ул зот яна индамадилар. Мен яна қайтардим, ул зот яна сукут қилдилар, мен яна айтдим, шунда ул зот менга: «Эй Абу Ҳурайра, сенга муносиб кўрилган нарсани аллақачонлар (тақдир) қалами битиб қўйгандур, бунга тан бер ёки тан берма (барибир тақдирингдаги бўлади)»,— дедилар».

8- боб Бокира қизларни никоҳлаб олиш хусусида

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Ибн Аббос Оиша онамизга «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сиздан бўлак бокирага уйланмаганлар»,— деди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, агар бир водийга тушсангиз-у, ул ерда мевасидан ейилган ва мевасидан ҳали ейилмаган икки дарахтни кўрсангиз, қайси бирининг тагида туянгизни ўтлатар эрдингиз!» — дедим. Ул зот «Ўша ҳали мевасидан ейилмаган дарахтнинг тагида!» — дедилар» Оиша онамиз бу бирлан Жаноб Расулаллоҳнинг ўзларидан бўлак бокирага уйланмаганларини назарда тутяптилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Сен менга тушимда икки бор кўрсатилгансан, бир киши сени бир парча ипак матога ўраб кўтариб кетаётган эрмиш-у, менга «Бу сенинг хотининг!» — дер эрмиш. Кейин, мен матони очиб кўрсам, ҳақиқатан ҳам бу сен эрмишсан. Шунда, мен «Агар бу тушим Оллоҳ таоло тарафидан содир қилинган бўлса, албатта уни рўёбга чиқаради!»—деб қўйдим».

9- боб Жувон аёллар ҳақида

Умму Ҳабиба ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «На қизларингизни ва на сингилларингизни менга таклиф қилмангизлар!»— дедилар» (яъни, Жаноб Расулаллоҳ ўз хотинларининг илгариги эрларидан бўлган қизларини ва уларнинг сингилларини назарда тутиб «Менинг уларга уйланишим мумкин эрмас, Оллоҳ таоло бунини ҳаром қилган»,— деяптилар, чунки уларнинг қизи Жаноб Расулаллоҳга ўғай қиз, сингиллари эрса, қайнсингил бўлади)

Жобир ибн Абдуллоҳ; ривоят қиладилар «Биз Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазотдан қайтдик. Мен туямни тезлатиб илдамлаб кетдим. Бир отлик кетимдан етиб келиб, қўлидаги таёқ бирлан туямни нуқиди, туям сен кўрган энг чопқир туя каби лўкиллаб югуриб кетди. Жаноб Расулаллоҳ бунини кўриб «Нега шошяпсан?» — дедилар. Мен: «Чиллали куёвман»,— дедим. Ул зот «Бокирага уйландингми ёки жувонгами?» — дедилар. Мен «Жувон»,— дедим. Ул зот «Қиз бола бўлганида бир-бирингизга овунчоқ бўлган бўлур эрдингизлар!» — дедилар (ҳазилла-шиб) Етиб боргач, уйларимизга кирмоқчи бўлиб эрдик, ул зот «Кеч киргунча кирмай турингизлар, токи (хотинларингиз) тўзиқ сочларини тараб олсин, ўзларингиз бўлсангизлар, соч-соқолларингизни олиб улгурингизлар!»—дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен уйландим Жаноб Расулаллоҳ менга «Кимга уйландинг?»—дедилар. Мен «Жувонга»,— дедим. Ул зот «Нечун бокирага уйланмадинг? Бокирага уйланганинда эрди, (ноз-карашма қилиб) ўйнашар эрди!»—дедилар».

10-боб. Ёш бокира қизларни эрга бермоқ хусусида

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр Сиддикдан Оишани ўзларига никоҳлаб бермоқларини сўрадилар. Абу Бакр

Сиддиқ ул зотга «Дарҳақиқат, мен сизнинг биродарингизман!» — дедилар. Ул зот «Сиз Оллоҳ таолонинг дини ва Китоби бўйича менинг биродаримдурсиз, шул боисдан Оиша менинг учун ҳалолдур!» — дедилар».

11-боб. Кимга уйланмоқ керак ва қандай аёл уйланмоққа яхшироқдур?

Абу Қурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Туя минадирган аёллар яхшироқдур, Қурайш ўз аёлларини ёшликдан оқ болажон ва эрига меҳрибон қилиб тарбиялайди»,— дедилар».

12-боб. Чўри сақламоқ ва чўрисини озод қилиб, кейин унга уйланган шахс хусусида

Абу Бурда оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Кимда-ким кўлидаги чўрисига мукамал таълим бериб, ахлоқ-одоб ўргатиб, сўнг уни озод қилиб, унга уйланса, иккита савоб олгай, аҳли китоблардан бўлмиш қайси бир одам ўз пайғамбарларига ҳамда менга иймон келтирса, унга ҳам иккита савоб теккай, қайсидир мамлук ўз валийсининг ҳақини ҳамда Оллоҳ таолонинг ҳақини адо этса, у ҳам иккита савоб олгай»,— дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар бирлан Мадина оралиғида уч кун қолиб, Сафийяга уйландилар. Мен мусулмонларни Жаноб Расулуллоҳнинг зиёфатларига таклиф қилдим. Дастурхонга кўйишга на нон ва на гўшт бор эрди. Жаноб Расулуллоҳ: «Борига қаноат қилингизлар!» — дедилар. Кейин, дастурхонга хурмо, пишлоқ ва ёғ тортилди, шул тариқа зиёфатлари бўлиб ўтди. Мусулмонлар: «Сафийя мўминларнинг оналаридан бири бўлармикан ёки чўрилардан бири бўлармикан?» — дейишди. Кейин, улар яна: «Агар уни хижоб (парда) ичига олсалар, демак у мўминларнинг оналаридан бири бўлади, акс ҳолда чўриларидан бири бўлади»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ Сафийянинг кажаваси кетларидан йўлга тушганда, у бирлан одамлар орасига парда тортиб қўйдилар».

13-боб. Чўрининг озод қилинганлигини унга берилган маҳр, деб ҳисоблаган киши ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафийяни озод қилдилар ва унинг озод қилинганлигини унга берилган маҳр ўрнида кўрдилар».

14- боб. Муҳтож (оғир аҳволда қолган) кишини уйлантириш хусусида. Оллоҳ таоло: «Агар фақир бўлсалар, Оллоҳ ўз фазлидан ато этиб, уларни бой қилади»,— дейди.

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Бир аёл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, ўзимни сизга бағишлагани келдим!»— деди. Жаноб Расулуллоҳ унга қараб бир ўкрайиб қўйдилар-да, бошларини қуйи туширдилар. Аёл, Жаноб Расулуллоҳнинг ўзи хусусида бирор қарорга келмаганларини кўргач, ўлтирди. Шунда Жаноб Расулуллоҳнинг саҳобаларидан бири ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, агар сизнинг бу аёлга эҳтиёжингиз бўлмаса, мени унга уйлантириб қўйингиз!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Маҳр учун бирор нарсанг борми?» — дедилар. У: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, ҳеч вақом йўқ!»— деди. Ул зот: «Уйингга боргин-да, маҳрга ярагулик бирор нарса топиб кел!» — дедилар. У уйига бориб, қайтиб келди-да: «Ё Расулаллоҳ, худо ҳақи, ҳеч нарса тополмадим!» — деди. Ул зот: «Бор, лоақал бир темир узук бўлса ҳам, олиб кел!» — дедилар. У яна бориб, қайтиб келди-да: «Ё Расулаллоҳ, худо ҳақи, ҳатто битта темир узук ҳам тополмадим, аммо менинг мана бу изорим (иштоним) бор»,— деди. Унинг ридоси (баданнинг белдан тепа қисмини беркитадирган кийим) бўлмай, фақат изори бор эрди, демак у маҳрга изорининг ярмини бериши керак эрди.

Жаноб Расулulloҳ: «Изорингни қандай қилиб маҳрга берасан? Агар уни сен кийсанг, аёлингга ундан ҳеч вако қолмайди ва агар уни аёлинг кийса, сенга ундан ҳеч вако қолмайди»,— дедилар. Бояги саҳоба узоқ вақт ўлтириб қолди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ ўринларидан туриб, унинг мунғайиб ўтирганини кўрдилар-да, уни қошларига чақирдилар. У қошларига келгач: «Қуръондан нималарни биласан?»—дедилар. У: «Мен фалон ва фалон сураларни биламан» — деб ўзи билган сураларни санай кетди. Жаноб Расулulloҳ: «Уларни ёддан кироат қила оласанми?»—дедилар. У: «Ҳа»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Кетавер, Қуръондан ёд билган сурала-рингни маҳр қилиб, бу аёлни сенга олиб бердим!» — дедилар».

15-боб. Дин борасида тенглар ҳақида. Оллоҳ таоло: «Ва улдур ул зотики, яратди сувдан одамизодни кейин қилди уни насаб ва куёвлик соҳиби ва сенинг парвардигоринг қодирдур» (яъни, манийдан инсондек бир иззатли махлукни яратди, кейин ундан наслу насаб ва куёвлик алоқаларини вужудга келтирди, биргина ожиз инсондан жамоалар пайдо қилди)) («Ал-Фурқон» сураси, 54- оят)

Оиша *разияллоҳу анҳо бундай дейдилар*: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Бадр ғазотида бўлган Абу Ҳузайфа Солимни ўзига ўғил қилиб олиб, уни акасининг қизи Ҳинд (бинти ал-Валийд ибн Утба ибн Рабийъа)га уйлантириб қўйди. У бир ансорийнинг хотинининг мавлоси эрди. Шунингдек, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Зайдни ўзларига ўғил қилиб олган эрдилар. Жоҳилият даврида одамлар ўғил қилиб олинган болани ўша ўғил қилиб олган одамнинг исми бирлан, яъни «Эй фалончининг ўғли» деб чақиришар эрди. Кейин, Оллоҳ таоло «Уларни (ўғил қилиб олинган болаларни) ўз оталарининг исми бирлан чақирингизлар!...» деган ояти каримасини нозил қилди. Абу Ҳузайфа ибн Утбанинг хотини Саҳла бинти Суҳайл ибн Амр ал-Қурайший (кейинроқ, ал-Омирий) Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, биз Солимни бола, деб ҳисоблар эрдик, бу ҳақда Оллоҳ таоло ўз ояти каримасини нозил қилганини энди билдим»,— деди-да, бўлган воқеани айтиб берди».

Оиша *разияллоҳу анҳо бундай дейдилар*: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зибоъа бинти аз-Зубайрнинг ҳузурига кириб: «Менимча, сен ҳаж қилмоқчига ўхшайсан?» — дедилар. Зибоъа «Оллоҳ таоло ҳақи, бунга касаллигимдан бўлак монъелик йўқ¹» — деди. Жаноб Расулulloҳ унга «Ҳажга ният қилавергил-да, «Ё парвардигоро, ўзинг мени кимирлай олмайдирган қилиб қўйган жойимда (касал қилиб ётқизиб қўйган жойимда) ҳажимни қабул қилгайсан!» — деб илтижо қилгил!» — дедилар. Бу аёл Микдод ибн ал-Асваднинг хотини эрди».

Абу Ҳурайра *разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар*: «Жаноб Расулulloҳ «Аёлга унинг қуйидаги тўрт нарсаи учун уйланасан молини, зотини, жамолини ва дийнини деб. Агар (ўз динингдан чиқиб бошқа) диндаги аёлга уйлансанг, хайриятга эришмайсан!» — дедилар».

Саҳл *разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар*: «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Мана бу масала хусусида нима дейсизлар?»—деб сўради. Улар (саҳобалар) «Агар бирор аёлни хотинликка сўраган бўлса, унга уйланмоғи лозим, агар шафоат талаб қилинса, шафоат қилмоғи даркор ва агар биров гапирса, эшитмоғи лозим»,— дейишди. Кейин, у индамай фақир мусулмонларнинг олдига бориб «Мана бу масалага нима дейсизлар?» — деб сўради. «Агар бирор аёлни хотинликка сўраган бўлса, уйланмаса ҳам бўлади, агар шафоат талаб қилинса, шафоат қилмаса ҳам бўлади ва агар биров гапирса, эшитмаса ҳам бўлади»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ «Бу (Дин хусусида барчани баробар кўрган одам) — ер юзи тўла ана шундайлардан ҳам яхшироқдур!» — дедилар»

16- боб Бойлик борасида тенглар ва камбағал аёлларга уйланиш хусусида

Ибн Шихоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Урва Оиша онамиздан Оллоҳ таолонинг «Ва агар сизлар етим қизларга нисбатан ноинсофлик қилиб қўйишдан қўрқсангизлар» деган ояти каримаси ҳақида сўради. Оиша онамиз бундай дедилар «Эй жияним, етим қиз ўз валийсининг назоратида бўлади, у эрса қизнинг жамоли ва молига эга бўлиб олмоқчи бўлади-да, унга кам маҳр бериб уйланмоққа интилади. Шулар боисдан улар (валийлар) етим қизларга уйланмоқдан қайтарилдилар, аммо етим қизларга инсоф қилиб, маҳрини тўла-тўқис берсалар, уларга уйланишлари мумкин бўлди, акс ҳолда улардан бўлак аёлларга уйланиш буюрилди. Шундан сўнг, одамлар Жаноб Расулуллоҳдан фатво сўрашиб эрди, Оллоҳ таоло «Ва эй ҳабиб, одамлар сиздан хотинларни никоҳларига олмоқ хусусида фатво сураблар («никоҳларингизга олмоқчи бўласизлар уларни» деган қавлигача)» деган ояти каримасини нозил қилди. Оллоҳ таоло уларга «Агар етим қиз гўзал ва бадавлат бўлса, тўла маҳр бермай унга уйланишга интилдингизлар, агар хунук ёки камбағал бўлса, уларни қўйиб, бошқа аёлларга уйландингизлар»,— деди. Етим қизларни камбағал ёки хунук, деб уларга уйланмаганларидан кейин, уларнинг хусни ва жамоли учун ҳам уйланмоқларига йўл йўқдур. Аммо, уларга инсоф қилиб, тўла-тўқис маҳр берсалар, уйланмоқлари мумкиндур»

17-боб. Хотиндан содир бўладирган бахтсизлик хусусида. Оллоҳ таоло: «Дарҳақиқат, хотинларингиздан ва болаларингиздан айримлари сизга душмандур!» — дейди

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бахтсизлик хотинда, хонадонда ва отдадур»,— дедилар».

Ибн Умар: «Одамлар Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларида бахтсизлик хусусида сўзлашди. Шунда, ул зот «Агар бирор нарсада бахтсизлик бўлса, у ҳам хотинда, хонадонда ва отдадур»,— дедилар».

Саҳл ибн Саъд бундай дейдилар. «Жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Агар бирор нарсада (бахтсизлик) бўлса, у ҳам отда, хотинда ва хонадондадур»,— дедилар».

Усома ибн Зайд ривоят қиладилар. «Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Ўзимдан кейин эркакларга хотинлардан кўра зарарлироқ фитна қолдирмадим»,— дедилар».

18-боб. Қўл остидаги озод аёл хусусида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «(Чўри) Барирага нисбатан уч суннатни адо этмоғим керак эрди, мен уни озод қилиб, сўнг эри хузурига бориш ёки қолиш ихтиёрини ўзига бердим. Жаноб Расулуллоҳ: «Уни озод қилавер, унга ҳомийлик ҳуқуқи озод қилган шахсининг қўлига ўтади»,— дегандилар. Бир куни Жаноб Расулуллоҳ хужрамга кириб келдилар, шунда қозон остига ўт қаланган эрди. Ул зот таом ҳидини сезиб: «Қозон кўринмайдими?» — дедилар. Мен: «Барирага садақа қилинган гўштни (қозонга солиб қўйганман), дарвоқе сиз садақа емайсизку!» — дедим. Ул зот: «Бу гўшт Барирага садақа қилинган, бизга эрса ҳадядур»,— дедилар».

19- боб. Тўрттадан зиёд хотинга уйланилмайди. Оллоҳ таоло: «Иккитадан ва учтадан ва тўрттадан»,— деган

Али ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу: «Иккитадан ва учтадан ва тўрттадан»,— дедилар. Оллоҳ таоло: «(Фаришталарнинг ҳам) иккитадан ва учтадан ва тўрттадан қанотлари бордур»— дейди, яъни «иккита, учта ва тўртта».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Ва агар сизлар етим қизларга нисбатан ноинсофлик қилиб қўйишдан қўрқсангизлар...» деган ояти кариманинг мазмуни шуки, етим қиз ўз хожасининг назоратида (қўл остида) бўлади, хожаси унинг молига эга бўлиб олмоқ ниятида унга уйланади, кейин унга на яхши муомала қилади ва на унинг моли хусусида адолат қилади, бас бундайлар таъблари суйган бошқа хотинлардан иккитаси, учтаси ва тўрттасига уйлансинлар».

20- боб. «Ва сизларни эмизган оналарингизни...» ва (сизлар бирлан) эмишганларни ва насаб жиҳатидан таъқиқланганларни (никоҳингизга олмоғингиз) харомдур!

Жаноб Расулulloҳ Оиша онамизнинг ҳузурларида эрканликларида Оиша онамиз бир кишининг Ҳафса разияллоҳу анҳонинг ҳузурига кирмоққа ижозат сўраётганини эшитибдилар. Оиша онамиз бундай дейдилар: «Шунда, мен: «Ё Расулаллоҳ! Анави киши хужрангизга кирмоққа изн сўраётир»,— дедим. Ул зот: «Кимлигини кўриб турибман, у Ҳафсанинг эмишган амакиси бўлади»,— дедилар. Мен: «Агар шундай бўлса, у ҳолда унинг эмишган амакиси менинг ҳам ҳузуримга кириши мумкин эркан-да?» — дедим. Ул зот:

«Ҳа, туғишганлик нимани манъ қилса, эмишганлик ҳам шуни манъ қилади»,— дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар Жаноб Расулulloҳга: «Ҳамзанинг қизига уйланмайсиз-ми?» — дейишди. Ул зот: «Ул қиз менинг эмишган акамнинг қизлари бўлади!»—дедилар».

Зайнаб бинти Абу Салама ривоят қиладилар: «Абу Суфённинг қизи Умму Ҳабиба: «Ё Расулаллоҳ, Абу Суфённинг қизи бўлмиш синглимга уйланингиз!» — деди. Ул зот: «Сен шуни истайсанми?» — дедилар. У: «Ҳа, мен сизга қаршилик қилмайман, менинг бахтимга синглим ҳам шерик бўлмоғини истайман!» — деди. Ул зот: «Бу менга сира ҳам мумкин эрмас!» — дедилар. У: «Биз сизни Умму Саламанинг қизига уйланмоқчисиз, деб юрибмиз!»—деди. Ул зот: «Умму Саламанинг қизига?» — дедилар. У: «Ҳа»,— деди. Ул зот: «Ҳатто у менинг кўлимда тарбияланмаётган қиз бўлганида ҳам бу менга мумкин эрмас. Ахир, у менинг эмишган акамнинг қизи-ку! Мен бирлан Абу Саламани Сувайба эмизган-ку! Менга қизларингизни ҳам, сингилларингизни ҳам таклиф қилмангизлар!» — дедилар. Урва бундай дейдилар: «Сувайба Абу Лаҳабнинг чўриси бўлиб, у уни озод қилган эрди, кейин Сувайба Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни эмизди. Абу Лаҳаб ўлгач, унинг оила аъзоларидан бири уни тушида кўрди. У тушида Абу Лаҳабга: «Қандай савобли ишларинг борлигини билдинг?» — деди. Абу Лаҳаб: «Сизларни тарк этгач, Сувайбани озод қилганимдан бўлак бирор савобли ишим борлигини кўрмадим!» — деди».

21-боб. «Икки йил эмизгандан сўнг, эмизиш йўқ!» деган шахс хусусида. Оллоҳ таоло: «(Ва оналар ўз болаларини) бутун икки йил давомида эмизсинлар, бул ҳукм эмизиш муддатини ниҳоясига етказмоқни истаганлар учундур»,— дейди («Ал-Бақара» сураси, 233- оят). Кам ва кўп (оз ва кўп муддат) эмизишга нима монълик қилади?

Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оишанинг хужрасига кириб келганларида унинг ҳузурига бир киши ўлтирган эрди. Шунда ул зотнинг юзлари ўзгаргандек бўлди, гўёки уни ёқтирмагандек бўлдилар. Оиша буни сезиб: «Бу менинг (эмишган) укам!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Укаларимдан бири, деб ҳисобладингми? Эмишганлик очликдан сут эмадирган гўдаклик чоғидадур!»—дедилар».

22- боб Эмишган эркак хусусида

Урва бундай дейдилар «Абулқуъайснинг биродари Оишанинг ҳузурларига келиб, ичкарига кирмоққа изн сўради. У Оишанинг эмишган амакилари бўлиб, бу воқеа «Ҳижоб» ояти нозил бўлгандан кейин содир бўлган эрди «Шунда,— дейдилар Оиша онамиз,— менинг ул кишига рухсат бергим келмади, кейин Жаноб Расулulloҳ келганларида қилган ишимни айтдим. Жаноб Расулulloҳ ул кишига рухсат бермоғимни амр қилдилар»

23- боб Эмизган аёлнинг гувоҳлиги ҳақида

Убайд ибн Абу Марям ривоят қиладилар: «Уқба бундай деди: «Мен бир аёлга уйландим. Кейин, бир қора хотин ҳузуримизга келиб «Мен иккалангизни ҳам эмизганман»,— деди. Мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб «Ё Расулаллоҳ, мен фалончи қизи фалончига уйланиб эрдим, бир қора хотин ҳузуримизга келиб, иккаламизни ҳам эмизганини айтди, лекин у ёлғон гапиряпти»,— дедим. Шунда ул зот юзларини тескари ўгириб олдилар, мен рўпараларига айланиб ўтиб, яна «У ёлғончи!» — дедим. Ул зот «У бирлан қандаи яшайсан? Ахир, иккалангизни ҳам эмизганлигини таъкидлаяпти-ку! Уни кўйгил!» — дедилар».

24- боб Қайси аёлларга уйланмоқ ҳалол ва қайси аёлларга уйланмоқ ҳаромдур?

Оллоҳ таолонинг қавли: «**Ҳаром қилинди сизларга (ўз) оналарингиз ва қизларингиз ва сингилларингиз ва аммаларингиз ва холаларингиз ва биродарларингиз қизлари ва сингилларингиз қизлари ва сизларни эмизган оналарингиз (яъни, энагаларингиз) ва эмишган сингилларингиз ва хотинларингиз оналари ва сизлар бирлан бирга ётган хотинларингизнинг қўл остингизда парвариш топаётган қизлари (яъни, ўғай қизларингиз) ва агар сизлар уларнинг оналари ила бирга ётмаган бўлсангизлар, ул ҳолда сизларга бу гуноҳ бўлмас ва шунингдек, ўз пуштарингиздан бўлган ўғилларингиз хотинларига уйланмоқларингиз ва икки сингилни (опа-сиингилни) бир никоҳда жамъ қилмоқларингиз ҳам сизларга ҳаром қилинди, илло бўлиб ўтган нарса бўлиб ўтгандур, дарқақиқат Оллоҳ таоло мағфират қилгувчи, ниҳоятда шафқатли зотдур!» («Ан-Нисо» сураси, 23-оят)**

Анас разияллоҳу анху Оллоҳ таолонинг «Ва эрли хотинлар ҳам (сизларга ҳаром қилинди), (кофирларнинг сизлар газотда асир олиб) мулкнингизга айланган хотинлари бундан мустаснодур» деган ояти каримаси хусусида гапириб: «Киши ўз жориясини ўз қулидан тортиб олса, ҳечқиси йўқ, аммо мушрика аёлларга, улар мўмина бўлмагунларига қадар, уйланмангизлар!» — дейдилар.

Ибн Аббос «Онаси, қизи ва синглисига уйланмоқ ҳаром қилингани каби, тўрттадан ортиқ аёлга уйланмоқ ҳам ҳаромдур!» — дейдилар.

Ибн Аббос «Насабдош аёллардан етти навъига (она, қиз, сингил, амма, хола, биродарлар қизи, сингиллар қизи) ва эмишганлардан етти навъига (эмизган энага, эмишган сингил, қайнона, ўғай қиз, келин, қайнсингил, келинойи) уйланмоқ ҳаромдур»,— дедилар, сўнг Оллоҳ таолонинг «Ҳаром қилинди сизларга (ўз) оналарингиз» деб бошланадирган ояти каримасини қироат қилдилар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар бир вақтнинг ўзида Алининг қизлари бирлан (унинг онасидан бўлак) аёлларига уйланганлар. Ибн Сири «Бунинг ҳечқиси йўқ»,— дейдилар Ҳасан эрсалар, аввал буни «макруҳ» деб, кейин «бунинг зарари йўқ» деб айтганлар. Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али бир кечада амакининг (онаси бошқа-бошқа) икки қизига уйланганлар Жобир ибн Зайд буни қариндошлик муносабатларига путур етказиши мумкинлигидан «макруҳ» деб, «Аслида бунга таъқиқ йўқ, чунки Оллоҳ таоло (24- оятда) «Мана шулардан бошқа аёлларга уйланмоғингиз сизларга ҳалол қилинди» — «деган»,— дейдилар. Икрима Ибн Аббосдан нақл қилиб: «Агар киши ўз хотинининг синглиси бирлан зино қилган бўлса, унга хотини ҳаром бўлиб қолмайди» — дейдилар. Абу Жаъфар бола бирлан уйнашган киши хусусида: Агар у боланинг ортига киритган бўлса боланинг онасига уйлана олмайди»,— дейдилар. Икрима ибн Аббосдан нақл қилиб «Агар киши қайнсинглиси бирлан зино қилиб қўйса, унга хотини ҳаром бўлмайди» — дейдилар. Абу Насрдан зикр қилинишича, Ибн Аббос «Хотини ҳаром бўлади»,— деб айтган эрканлар. Имрон ибн Хусайн, Жобир ибн Зайд, Ҳасан ва баъзи ироқликлар «Хотини ҳаром бўлади»— дейишган эркан. Абу Ҳурайра «Ҳаром бўлмайди, жимоъ қилаверади» — дейдилар. Ҳазрат Али «Ҳаром бўлмайди, бу ҳақда оят нозил қилинган»,— дейдилар.

25- боб Оллоҳ таолонинг «Ва сизлар бирлан бирга ётган хотинларингизнинг қўл остингизда парвариш топаётган қизлари...» деган қавли хусусида

Ибн Аббос «Ад-Духуул ва ал-масийс ва ал-лимос — жимоъ қилишлиқдур. Агар кимки: «Боламнинг қизи»,—деса, демак у ҳам ўз қизидек бўлиб, унга уйланмоғи ҳаромдур»,— дейдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Ҳабибага: «Менга (илгариги эрларингиздан бўлган) қизларингиз бирлан сингилларингизни таклиф қилмангизлар!»—деб айтганлар. Шунингдек, ўғилларнинг болаларининг хотинлари ҳам ўғилларнинг хотинлари каби бўлиб, уйланмоққа ҳаромдур. Ўғай қиз, агар ўғай отанинг қўл остида парвариш топмаётган бўлса ҳам, ўғай отанинг унга уйланмоғи ҳаромдур. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ўғай қизларини уни боқишни ўз зиммасига олган кишига берганлар. Ул зот қизларининг қизини «қизим» деб атаганлар».

Умму Ҳабиба ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, Абу Суфённинг қизи сизга дарқорми?» — дедим. Ул зот: «Хўш, уни нима қиламан?» — дедилар. Мен: «Никоҳингизга оласиз»,— дедим. Ул зот: «Шуни хоҳлайсанми?» — дедилар. Мен: «Сизга бу хусусда монъелигим йўқ, сизга етишиб эришган бахтимга синглим ҳам (менга) шерик бўлса, дейман!» — дедим. Ул зот: «Унга уйланмоғим мумкин эрмас!» — дедилар. Мен: «Мен эшитдимки, уйланармишсиз»,— дедим. Ул зот: «Умму Саламанинг қизигами?» — дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Ул зот: «Ўғай қизим бўлмаганида ҳам бу менга мумкин эрмас, чунки Сувайба мени ва унинг отасини эмизгандур. Менга (илгариги эрларингиздан бўлган) қизларингиз бирлан сингилларингизни таклиф қилмангизлар!» — дедилар».

Ҳишом: «Ўша қиз Абу Саламанинг гавҳари эрди»,—дейдилар.

26- боб. Икки сингилни (опа-сингилни) бир никоҳда жамъ қилмоқларингиз қам сизларга ҳаром қилинди, илло бўлиб ўтган нарса бўлиб ўтгандур...»

Умму Ҳабиба ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, Абу Суфён қизи бўлмиш синглимга уйланингиз!» — дедим. Ул зот: «Сен шуни истайсанми?»—дедилар. Мен: «Ҳа, сизга бул хусусда қаршилиқ қилмайман, мен синглимнинг бахтимга шерик бўлмоғини хоҳлайман!»—дедим. Ул зот: «Бу менга мумкин эрмас»,— дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, биз сизни Абу Саламанинг «гавҳар» қизига уйланмоқчисиз деб гапириб юрибмиз»,— дедим. Ул зот: «Абу Саламанинг қизига?»—дедилар, Мен: «Ҳа»,— дедим. Ул зот: «Ҳатто у менинг қўл остимда парвариш топмаётган бўлганида ҳам, бу менга мумкин эрмас, чунки у менинг эмишган акамнинг қизи бўлиб, Сувайба мен бирлан Абу Саламани эмизгандур. Менга (илгариги эрларингиздан бўлган) қизларингиз бирлан сингилларингизни таклиф қилмангизлар!» — дедилар».

27- боб. Аёл ўз аммаси устига никоҳланмайди!

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлнинг ўз аммаси ёки холасининг устига никоҳланмоғини манъ қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёл на аммаси ва на холаси бирлан бир никоҳга жамъ қилинмайди!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлни ўз аммаси устига ҳам, холаси устига ҳам никоҳламоқдан қайтардилар. Биз аёлнинг холасини аммаси мақомида, деб билурмиз. Чунки, Оиша онамиз: «Насаб жиҳатидан таъқиқланганлари каби, эмишганлик жиҳатидан ҳам таъқиқлангандурлар»,— деб айтганлар».

28-боб. Қизини ёки синглисини бировга унинг қизи ёки синглисига уйланиш шарти бирлан эрга бериш ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «шиғор»дан қайтардилар, «шиғор» — бир кишининг ўз қизини (ёки синглисини) бировга унинг қизига (ёки синглисига) уйланиш шарти билан эрга беришидур. Бунда ҳар икки томон ҳам маҳр бермайди».

29-боб. Аёл ўзини ўзи бирор эркакка бағишласа, жоизми?

Ҳишом оталаридан нақл қиладилар: «Хавла бинти Ҳаким ўзларини ўзлари Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бағишлаган (ҳадя қилган) аёллардан бири эрди. Оиша онамиз бундай дейдилар: «Аmmo, аёл ўзини ўзи эркакка бағишламоқдан ҳаё қилади. Оллоҳ таолонинг «Улардан (хотинларингиздан) истаганингизнинг навбатини кейинга сурмоғингиз сизга жоиздур» деган қавли нозил бўлганда, мен Жаноб Расулуллоҳга: «Ё Расулаллоҳ, парвардигорингизнинг сизнинг хоҳишингиз хусусидагина ошиқаётганини кўряпман!» — дедим».

30-боб. Эҳромдаги кишининг никоҳи (эҳромдаги кишининг уйланмоғи) ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромда бўла туриб, уйландилар».

31-боб. Ниҳоят, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муваққат никоҳдан қайтардилар

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар ғазоти вақтида муваққат никоҳ (никоҳул-мутъа)дан ва хонаки эшаклар гўштини емоқдан қайтардилар».

Абу Ҳамза ривоят қиладилар: «Мен одамларнинг Ибн Аббосдан муваққат никоҳга ижозат сўрашганини эшитганман. Шунда ул киши уларга рухсат бериб эрдилар».

Ибн Аббоснинг озод қилинган қуллари Абу Ҳамзага: «Вунга ноилож аҳволда қолинганда, аёллар етишмаганда ва шунга ўхшаш ҳоллардагина рухсат қилинган»,— деб айтибдилар.

Салами ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Биз лашкарлар орасида турган эрдик. Шу пайт Жаноб Расулуллоҳ олдимизга келиб: «Қулоқ солингизлар, деб сизларга айтилган, энди қулоқ солингизлар!» — дедилар».

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирор эркак ва аёл ўзаро (муваққат никоҳга) келишсалар, ул ҳолда уларга уч кеча ишрат қилмоқлик жоиздур ва агар бундан зиёдроқ ёки камроқ ишрат қилмоқни ихтиёр қилсалар, буни ўзлари келишиб оладилар»,— дедилар. Бу ҳукм фақат биз ғазотда юрганларга тааллуқлимиди ёки барчагамиди, буни билмайман».

Абу Убайдуллоҳ: «Бу (яъни, муваққат никоҳга берилган рухсат) кейин бекор қилинган»,— дейдилар.

32- боб. Аёлнинг ўзини ўзи солих эркакка таклиф қилмоғи ҳақида

Собит ал-Буноний ривоят қиладилар: «Мен Анаснинг ҳузурда эрдим, қизи ҳам шу ерда эрди. Анас: «Бир аёл Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келди-да, ўзини ўзи ул зотга таклиф қилиб. «Ё Расулаллоҳ, менга эҳтиёжингиз борми?»—деди»—деб айтди. Анаснинг қизи: «Вой беҳаё, вой шарманда, вой шарманда!» — деди. Анас қизига: «У сендан яхшироқдур, чунки у Жаноб Расулуллоҳга етишмоқни рағбат қилиб, ўзини ўзи ул зотга таклиф қилди!» — деди».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Бир аёл ўзини ўзи Жаноб Расулуллоҳга таклиф қилди. Шунда бир киши ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, мени унга уйлантириб қўйингиз!» — деб илтимос қилди. Жаноб Расулуллоҳ: «Маҳрига ниманг бор?»— дедилар. У. «Ҳеч ваком йўқ»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бор, лоақал битта темир узук бўлса ҳам, топиб кел!»— дедилар. У уйига бориб келди-да: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, ҳеч нарса йўқ,

хаттоки темир узук ҳам тополмадим, ammo мана бу изорим (иштоним)нинг ярми унга (махр) бўла қолсин!»—деди. Бечоранинг эгнида ридоси (кўйлаги) ҳам йўқ эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Изорингни қандай қилиб махр қиласан, ахир уни сен кийсанг, хотинингга, у кийса, сенга ҳеч вако қолмайди-ку!»— дедилар. Бояги киши тарвузи қўлтиғидан тушиб, ўлтириб қолди. Анчадан кейин, Жаноб Расулulloҳ ўринларидан туриб, унга кўзлари тушди, уни ёнларига чақириб (ёки чақиртириб); «Қуръондан нималарни биласан?», — дедилар. У: «Мен фалон ва фалон сураларни биламан» — деди-да, ўзи билган сураларни санай кетди. Жаноб Расулulloҳ: «Биз сени бу аёлга эга қилдик!» — дедилар».

33- боб. Инсоннинг ўз қизи ёки синглисини хайрият аҳлига (хотинликка) таклиф қилмоғи хусусида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳафса бинти Умар Жаноб Расулulloҳнинг саҳобаларидан бири бўлмиш Ханийс ибн Хузофа ас-Саҳмий Мадинада вафот этиб тул қолган кезларда Ҳазрат Умар ал-Хаттоб бундай деб эрдилар: «Мен Усмон ибн Аффоннинг хузурига бориб, Ҳафсани унга (хотинликка) таклиф қилдим. У менга: «Бироз уйлаб кўрайин»,— деди. Мен бир неча кеча кутдим, кейин у менга учраб: «Шу кунларда уйлана олмайдирган кўринаман»,— деди. Кейин, мен Абу Бакр ас-Сиддиқни учратиб, ул кишига: «Агар истасангиз, (қизим) Ҳафсани сизга никоҳлаб қўяман»,— дедим. Ул киши менга лом-мим демадилар, мен Усмондан кўра ул кишидан кўпроқ хафа бўлдим. Бир неча кеча кутдим. Сўнг, қизим Ҳафсани Жаноб Расулulloҳ ўзларига сўраттириб никоҳларига олдилар. Кейинчалик, Абу Бакр ас-Сиддиқ мени учратиб: «Ҳафсани менга (хотинликка) таклиф қилганинда лом-мим демаганим учун мендан хафа бўлган бўлсанг керак»,— дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Абу Бакр ас-Сиддиқ: «Сен менга таклиф қилган нарса хусусида жавоб бермоғимга Жаноб Расулulloҳнинг ўз суҳбатларида Ҳафса хақида гапириб ўтганларидан хабардор бўлганимгина монъелик қилган эрди, мен ул зотнинг сирларини ошкор қила олмас эрдим, агар Жаноб Расулulloҳ уни олмаганларида, мен олган бўлур эрдим»,— дедилар».

Зайнаб бинти Абу Салама ривоят қиладилар: «Умму Ҳабиба Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулаллоҳ, биз сизни Абу Саламанинг «дурдона» қизига уйланасиз, деб юрибмиз!»— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Умму Саламага уйланмоғим мумкинми? Умму Саламага уйланмоғим мункин бўлмаганидан кейин, унинг қизига ҳам уйланмоғим мумкин эрмас, чунки унинг отаси менинг эмишган биродаримдур!» — дедилар».

34- боб. Оллоҳ азза ва жалланинг қавли: «Ва гуноҳ бўлмас сизларга ишора ила ул хотинларга никоҳ пайғомини берсангизлар ёки (ул муддаони) дилларингизда сақласангизлар, Оллоҳ таоло сизларнинг уларга (никоҳ хусусида) зикр қилишингизни билади ва лекин улар ила махфий равишда никоҳ хусусида ваъдалашмангизлар, илло қоидага мувофиқ бирор сўз айтсангизлар (гуноҳ йўқдур) ва то иддадан чиқмагунча никоҳга қатъий қарор ҳам қилмангизлар ва билингизларки, Оллоҳ таоло дилларингизда бор ҳар бир нарсани билиб турур, бас ундан эҳтиёт бўлингизлар ва билингизларки, Оллоҳ таоло мағфиратли раҳимдил зотдур!» («Ал-Бақара» сураси, 235-оят)

Юқоридаги оятдаги «акнантум» — «кўнглингизга тугдингиз», «дилингизда сақладингиз» деган маънода бўлиб, беркитилган, ўзгалардан яширилган ҳар бир нарсани англатади.

Ибн Аббос оятдаги «фиймо арразтум биҳи мин хитбатин-нисои» деган қавл уқида сўзлаб: «Масалан, мен уйланмоқчи бўламан-у, дилимда бирор солиҳа аёлнинг ўзимга муяссар бўлмоғини истайман»,— дедилар.

Қосим: «Бирор аёлга уйланмоқни дилига туғиб қўйган киши, ўша аёлга «Сен менга

азизсан, кўнглимдагидек аёлсан, Оллоҳ таоло сенга хайриятни раво кўрсин!» каби сўзларни айтмоғи мумкин»,— дейдилар.

Ато бундай дейдилар: «Ишора ила маълум қилади, ошкора айтмайди. «Мен бир хотин олмоқ қасдидаман, худога шукрки, сен барча орзу қиладирган аёлсан!» деб айтади, аёл ҳам эркак қай йўсинда гап қилган бўлса, шундай гап қилади, заррача ортиқ гап айтмайди. Аёлнинг валийси ундан яширинча бировга ваъда бермайди. Агар аёл иддада ўлтирган вақтида бирор киши бирлан ваъдалашган бўлса-ю, кейин у уни ўз никоҳига олган бўлса, уларни ажратиб бўлмайди».

Ҳасан: «Ло тувовьидуухунна сирран» (улар ила махфий равишда никоҳ хусусида ваъдалашмангизлар) деган қавл заминиди зино мавжуд»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Ал-Китобу ажалах» — «иддаси тугагунча» демакдур»,— дейдилар.

35-боб. Уйланмасдан бурун аёлни кўрмоқ ҳақида

Ошиа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: «Мен сени тушимда кўрдим, бир фаришта сени ипак матога ўраб олиб кетаётган эркан. Фаришта менга: «Бу сенинг хотинингдур»,— деди. Мен юзингни очиб кўрсам, ҳақиқатан ҳам бу сен эркансан. Шунда мен: «Агар бу тушим Оллоҳ таолодан бўлса, албатта рўёбга чиқади!» — деб қўйдим».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Бир аёл Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен ўзимни сизга бағишлагани (ҳадя қилгани) келдим!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ унга бир тикилиб, сўнг нигоҳларини қуйи туширдилар-да, бошларини сарак-сарак қилдилар. Аёл, ул зотнинг ўзи хусусида бирор қарорга келмаганларини кўргач, ўлтирди. Шунда саҳобалардан бири ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, агар сизнинг бу аёлга эҳтиёжингиз бўлмаса, ул ҳолда мени унга уйлантириб қўйингиз!» — деб илтимос қилди. Жаноб Расулуллоҳ: «Маҳрига берарлик бирор нарсанг борми?» — дедилар. У: «Худо ҳақи, йўқ, ё Расулаллоҳ!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Уйингга бориб кўргил, бирор нарса топарсан!» — дедилар. У уйига бориб, қайтиб келди-да: «Худо ҳақи, ҳеч нарса топмадим, ё Расулаллоҳ!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бориб қараб кўр, лоақал битта темир узук бўлса ҳам, топиб кел!» — дедилар. У яна бориб, қайтиб келди-да: «Худо ҳақи, ё Расулаллоҳ, ҳатто темир узук ҳам тополмадим. Аммо, менинг мана бу изорим (иштоним) бор»,— деди. Унинг эғнида қўйлаги бўлмай, изорининг ярмини аёлга маҳр қилиб бермоқчи бўлди. Жаноб Расулуллоҳ: «Изорингни қандай қилиб маҳрига берасан, ахир уни сен кийсанг, аёлга, аёл кийса, сенга ҳеч вақо қолмайди-ку!» — дедилар. Бояги киши узук ўлтириб қолди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ ўринларидан турганларида унинг ғамгин ўлтирганини кўриб чақиртирдилар. У келгач: «Қуръондан нималарни биласан?» — дедилар. У: «Мен фалон ва фалон сураларни биламан» — дея ўзи билган сураларни санай кетди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу сураларни ёддан кироат қила оласанми?» — дедилар. У: «Ҳа»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Кетавер, Қуръондан билган сураларинг эвазига биз сени бу аёлга эга қилдик!» — дедилар».

36- боб. Фақат валий иштирокидагина никоҳ қилинади!

Оллоҳ таоло: «Уларга тўсқинлик қилмангизлар!» — деганда жувонни, шунингдек бокирани ҳам назарда тутади. Оллоҳ таоло яна: «Мушрикларга улар мўмин бўлмагунларича, (мусулмон аёлларни) никоҳ қилмангизлар!» ва «Тул хотинларни никоҳларингизга олингизлар!» — дейди.

Ошиа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жоҳилият даврида тўрт хил никоҳ мавжуд эрди. Улардан бири бугунги кунда ҳам бор бўлиб, киши ўз қўл остидаги аёллардан бирини ёки ўз қизини бир кишига эрга беради, у эрса маҳрини бериб, уни никоҳига олади. Иккинчиси — бир киши ўз хотинига, агар у ҳайздан покланган бўлса: «Бировга билдирмай фалончининг олдига боргин-да, у бирлан келишиб дом олишгин!» — дейди, сўнг у хотинини алоҳида қилиб қўйиб, то ўша кишидан ҳомиладорлиги маълум

бўлгунча, унга сира ҳам қўл теккизмайди. Хотинининг ҳомиладорлиги маълум бўлгач, агар истаса, у бирлан яшайверади. У фарзандлик бўлиш ниятидагина шундай қилади. Бу никоҳни «Ўзаро келишилган никоҳ» деб аташган. Учинчиси — ўнча киши биргалашиб бир аёлнинг ҳузурига киришади-да, ҳаммалари уни жимов қилишади, агар у ҳомиладор бўлиб, туғса, туққанидан кейин бир неча кеча ўтгач, бояги кишиларни чорлаб одам юборади, улардан бирортаси ҳам ўзини олиб қочолмайди. Барчалари аёлнинг ҳузурида тўпланишади. Аёл уларга: «Қилган ишларингизнинг оқибатини билдингизлар, мана мен туғдим, эй фалончи, бу сенинг фарзандинг!» — деб улардан ўзи хоҳлаган кишининг исмини айтади-да, боласини ўша кишига топширади, у киши эрса рад этолмайди. Тўртинчиси — кўп кишилар йиғилишиб, барчалари бир аёлнинг ҳузурига киришади, аёл улардан бирортасига ҳам «йўқ» демайди. Бундай хотинлар фоҳишалар бўлиб, эшиклари тепасига белги сифатида байроқ осиб қўйганлар, истаган киши уларнинг ҳузурларига кираверган. Агар бундай аёллардан бири ҳомиладор бўлиб қолиб, туғса, бояги кишилар унинг ҳузурида тўпланишганда, фолбин хотинни чақиришган. Кейин, кимга фол чиққан бўлса, болани ўшанга бериб юборишган, ўзига фол чиққан кишининг болани рад қилишга сира иложи бўлмаган. Оллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар қилиб юборгач, бугунги кундаги никоҳдан бўлак барча жоҳилият давридаги никоҳлар йўқ қилинди».

Ошиа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «Китобда сизларга айтилган ҳукмлар етим аёллар хусусида бўлиб, сизлар уларга Оллоҳ таоло томонидан буюрилган нарсани (маҳрни) бермай уйланишга интиласизлар» деган ояти каримаси одамлар қўлида тарбияланаётган етим қизлар ҳақида бўлиб, ҳар иккаласининг (валий бирлан етим қизнинг) моли ўртада бўлиши ҳам мумкин. Шунда қизнинг энг яқин кишиси бўлмиш валий қизнинг молини қизғанидан уни бировга эрга бермай, ўзи уйланишга ҳа-ракат қилади».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар куёвлари Ибн Ҳузофа ас-Саҳмий Мадинада вафот этиб, қизлари Ҳафса тул қолган кезларда бундай деб айтган эрдилар: «Усмон ибн Аффонни учратиб, ул кишига: «Агар истасангиз, Ҳафсани сизга никоҳлаб бераман»,— дедим. Усмон: «Бир ўйлаб кўрайчи»,— деди. Мен бир неча кеча кутдим. Кейин, Усмон менга учраб: «Шу кунларда уйлана олмайдирганга ўхшайман»,— деди. Сўнг, мен Абу Бакр Сиддиқни учратиб: «Агар истасангиз, Ҳафсани сизга никоҳлаб бераман»,— дедим».

Муъаққал ибн Ясор «Уларга тўсқинлик қилмангизлар!» деган ояти кариманинг ўзлари ҳақларида нозил бўлганини айтиб, бундай дейдилар: «Мен синглимни бир кишига эрга берган эрдим, у уни талоқ қилди. Кейин, у синглимнинг иддаси тугаганда уни яна хотинликка сўратгани келди. Мен унга: «Мен сени уйлантирдим, уй-жойли қилдим, иззат-икром қилдим, сен бўлсанг, уни талоқ қилиб, энди яна хотинликка сўратгани келдинг, Оллоҳ таоло ҳақи, энди сира ҳам уни сенга қайтариб бермаймиз!» — дедим. У ёмон одам эрмасди, синглим ҳам уникига қайтиб бормокни истарди. Шунда Оллоҳ таоло «Уларга тўсқинлик қилмангизлар!» деган ояти каримасини нозил қилди. Мен Жаноб Расулulloҳга: «Энди тўсқинлик қилмайман, ё Расулаллоҳ!» — дедим. Ул зот: «Уни эрига (қайта) турмушга бер!» — дедилар».

37- боб. Агар валийнинг (қизга ҳомийлик қилувчи кишининг ёки қизнинг бирор яқин кишисининг) ўзи куёв бўлса, унда у нима қилмоғи керак?

Муғийра ибн Шуъба бир аёлни (амакисининг қизини)ўзига сўраттирди, у унинг энг яқин кишиси эрди. Шунда у бир кишига (қизнинг ўзидан бўлак яқин кишисига) буюриб эрди, у уни қизга уйлантириб қўйди. Абдуррахмон ибн Авф Умму Ҳаким бинти Қоризга: «Ўзингни менга топширасанми?»—деди. У «Ҳа»—деб жавоб берди. Абдуррахмон унга «Бўлди, сенга уйландим!» — деди. Ато қизни ишонти-риш ёки қизни ўзига никоҳлаб қўйишни унинг қариндошларидан бирига буюриш мақсадида «Бўлди, мен сени никоҳимга

олдим»— деди. Саҳл ривоят қиладики, бир аёл Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб: «Мен ўзимни сизга бағишладим!» — деди. Шунда бир киши «Ё Расулаллоҳ, агар сизнинг бу аёлга эҳтиёжингиз бўлмаса, мени унга уйлантириб қўйингиз!» — деди.

Оиша разияллоҳу анҳо Оллоҳ таолонинг «Одамлар сиздан аёллар хусусида фатво сўрайдилар, сиз айтингизки, Оллоҳ таоло сизларга фатво берур» деган ояти ҳақида сўзлаб: «Бу оят етим қизлар ҳақида нозил бўлган бўлиб, етим қиз, одатда, бирор кишининг қўлида парвариш топаётган ва ўз молини хожасининг молига қўшиб тасарруф қилаётган бўлади. Хожа эрса унга ўзи уйланмоқчи бўлади, чунки у қизнинг молини қизганиб, уни бировга эрга бергиси келмайди. Шул боисдан, Оллоҳ таоло бундай кишиларни ўз қўлларида парвариш топаётган етим қизларга уйланмоқдан қайтарди» — дедилар.

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларида ўлтириб эрдик, бир аёл ўзини ул зотга бағишлагани (таклиф қилгани) келди. Ул зот унга бир тикилиб қараб, сўнг нигоҳларини қуйи туширдилар-да, индамадилар. Шунда саҳобаларидан бири «Ё Расулаллоҳ, мени унга уйлантириб қўйингиз!» — деди. Ул зот «Маҳрга берарлик бирор нарсанг борми?» — дедилар. У «Менда ҳечнарсанга йўқ»,— деди Ул зот «Лоақал, битта темир узук топ!» — дедилар. У «Ҳатто темир узук ҳам йўқ, ammo мана бу чопонимни иккига бўлиб, ярмини унга бераман, ярмини ўзим оламан»,— деди. Ул зот «Йўқ, бўлмайди. Қуръондан бирор нарса биласанми?» — дедилар. У «Ҳа», — деди. Ул зот «Бор, кетавер, биз сени Қуръондан билган нарсаларинг эвазига унга эга қилдик!» — дедилар»

38- боб Кишининг ўз қизалоқларини (балоғатга етмаган қизчаларини) бировга никоҳлаб қўймоғи ҳақида

Оллоҳ таоло «Ва ҳайз кўрмаган ёш қизчаларнинг ҳам иддалари уч ойдур» деган қавли бирлан (балоғатга етмай бировга никоҳлаб қўйилган) қизчаларнинг ҳам иддаларини уч ой, деб белгилаб қўйди («Ат-Талок;» сураси, 4-оят)

Ҳишом оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оишага олти яшар қизчалик пайтида уйланиб, тўққиз ёшга етганида унга қўшилганлар, у Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга тўққиз йил яшаган»

39- боб Отанинг ўз қизини ёши улуг кишига эрга бермоғи ҳақида

Ҳазрат Умар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳафсани ўзларига хотинликка сўратдилар, мен ул зотни никоҳлаб қўйдим»,— дейдилар

Ҳишом оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оишага олти яшар қизчалик пайтида уйланиб, тўққиз ёшга етганида унга қўшилганлар Оиша Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга тўққиз йил яшаганликлари ҳақида айтганлар»

40-боб. Султон (хукмдор) — валийдир!

Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Биз сени Қуръондан билган нарсаларинг эвазига бу хотинга уйлантирдик!» — деб айтганлар.

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Бир аёл Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб «Мен ўзимни сизга ҳада қилдим!» — деди-да, узок кутиб туриб қолди. Шунда бир киши «Агар сизнинг бу аёлга эҳтиёжингиз бўлмаса, мени унга уйлантириб қўя қолингиз!»—деди. Ул зот «Маҳрига берарлик бирор нарсанг борми?» — дедилар. У «Менинг изоримдан бўлак ҳеч вақом йўқ»,— деди. Ул зот «Агар изорингни унга берсанг, изорсиз қоласанку! Бошқа бирор нарса топиб кел!»—дедилар. У «Ҳеч нарса тополмадим»,— деди. Ул зот «Лоақал, битта темир узук бўлса ҳам, топиб кел!» — дедилар. У топиб келолмади. Шунда ул зот «Қуръондан бирор нарса биласанми?» — дедилар. У «Ҳа, фалон ва фалон сураларни биламан»,— деб ўзи билган сураларнинг номини айтди. Ул зот «Биз сени Қуръондан билган нарсаларинг эвазига бу хотинга

уйлантирдик!» — дедилар»

41-боб. Ота ёки шу каби кишилар бокира ёки жувонни уларнинг розилигисиз никоҳламаслиги лозим!

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Тул аёлни, унинг ўзи бирлан маслаҳатлашилмай ва бокирани, унинг ўзидан ижозат сўрамай, никоҳлаб қўйилмайди»,— дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, бокира қиз қандай қилиб ижозат беради?» («Ҳа»,— дейди?)» — дейишди Ул зот: «Агар сукут қилса, (ризо бўлганидур)» — деб жавоб қилдилар»

Абу Амр ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо «Ё Расулаллоҳ, бокира ҳаё қилади-ку!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ «Сукут қилгани ризо бўлганидур!» — дедилар».

42- боб Агар киши ўз қизини эрга берса-ю, у ризо бўлмаса, никоҳ бекордур!

Язид ибн Ҳорисанинг ўғиллари Абдуллаҳмон ва Мужмиъ ривоят қилишади «Хансоъ бинти Хузум ал-Ансорияни отаси эрга берди. У жувон бўлиб, никоҳни рад этди. Кейин, Жаноб Расулulloҳнинг хузурларига келиб бор гапни айтиб эрди, ул зот никоҳни бекор қилдилар»

Язид ибн Ҳорисанинг ўғиллари Абдуллаҳмон ва Мужмиъ. «Бир киши Хузумдан «Қизингни менга никоҳлаб қўйгил» — деб илтимос қилди, у уни унга никоҳлаб қўйди» — деб ривоят қилишади

43- боб Етим қизни эрга бермоқ ҳақида. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва агар сизлар етим қизларга ноинсофлик қилиб қўйишдан қўрқсангизлар, бас никоҳларингизга олингизлар (хотинлардан таъбларингиз суйган икки ва уч ва тўртгасини...)»

Бир киши валийга (аёлнинг ҳомииси ёки яқин қариндошига) «Мени фалончи аёлга уйлантириб қуйингиз!» — дегач, узоқ вақт кутиб қолса ёки валий «Маҳрига берарлик ниманг бор?» — деб сўраганда, у «Фалон ва фалон нарсам бор» — деб айтса-ю, валий «Биз сени унга уйлантирдик!»—деса, жоиздур»,— дейдилар. Саҳл Жаноб Расулulloҳни назарларида тутиб.

Ибн Шихоб ривоят қиладилар: «Урва Оиша онамиздан «Эй онажон, Оллоҳ таолонинг «Ва агар сизлар етим қизларга нисбатан ноинсофлик қилиб қўйишдан қўрқсангизлар («мулкларингиз бўлган чўрилар бўлур» деган қавлигача)» деган ояти каримаси кимлар хусусида нозил бўлган?» — деб сўради. Оиша онамиз бундай дедилар: «Эй жияним, одатда етим қиз бирор валийнинг қўлида парвариш топаётган бўлади, валий эрса етим қизнинг жамоли ва молига қизиқиб, унга тўла маҳр бермай уйланишга интилади. Шул боисдан ҳам, валийлар (етим қиз парвариш қилаётган кишилар) етим қизларга уйланмоқдан қайтарилдилар».

44- боб Агар куёв бўлмиш киши валийга: «Мени фалончи аёлга уйлантириб қуйингиз!» — деса-ю, валий: «Биз сени фалон ва фалон нарсалар эвазига бу аёлга уйлантирдик!» — деб айтса, агарчи келин бўлмишга «Розимисан?» ёки «Қабул қилдингми?» демаса қам, никоҳ жоиздур!

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир аёл Жаноб Расулulloҳнинг хузурларига келиб, ўзини ул зотга таклиф қилди. Ул зот «Бугун менинг аёлларга ҳожатим йўқ»,— дедилар. Бир киши «Ё Расулаллоҳ, мени унга уйлантириб қўя қолингиз!» - деди. Ул зот «Маҳрга ниманг бор?»—дедилар. У «Ҳеч нарсам йўқ»,— деди Ул зот «Унга лоақал битта темир узук бўлса ҳам, бергин!» — дедилар. У «Ҳеч нарсам йўқ»,— деди. Ул зот

«Қуръондан нималарни биласан?» — дедилар. У «Фалон ва фалон сураларни», — деди. Ул зот «Биз сени Қуръондан билган нарсаларинг эвазига бу хотинга уйлантирдик!» — дедилар».

45- боб Киши ўз биродари хотинликка сўратган аёлни (қизни) хотинликка сўратмайди, биродарининг уни ўз никоҳига олмоғини ёки ундан воз кечмоғини кутади.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай деб айтар эрдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирингиз савдолашиб кўйган нарса устида иккинчигизнинг савдолашмо-ғингиздан ҳамда кишининг ўз биродари хотинликка сўратган аёлни, токи ул ундан воз кечгунича ёки унга ўзи рухсат бергунича, хотинликка сўратмоғидан қайтардилар»

Абу Ҳурайра Жаноб Расулуллоҳдан нақл қилиб: «Бадгумон бўлмангизлар, бадгумонлик энг бўлмағур гапдур. Гап пойламангизлар, гап ташимангизлар ва бир-бирингиздан нафратланмангизлар, Оллоҳ таолонинг ўзаро ака-ука бандалари бўлингизлар, киши ўз биродари хотинликка сўратган аёлни хотинликка сўратмасин, биродарининг уни ўз никоҳига олмоғини ёки ундан воз кечмоғини кутсин!» — дейдилар».

46- боб. Хотинликка сўралган аёлдан воз кечмоқликнингтафсири

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар қизлари Ҳафса тул қолган кезларда бундай деб айтган эрдилар: «Мен Абу Бакрни учратиб: «Агар истасангиз, қизим Ҳафсани сизга никоҳлаб бераман», — дедим-да, бир неча кеча кутдим. Кейин, уни Жаноб Расулуллоҳ ўзларига сўратдилар. Шундан сўнг, мен Абу Бакрни учратиб қолдим, ул киши менга: «Сенинг менга қилган таклифингга ижобий жавоб бермоғимга фақат бир нарса монъелик қилган эрди, у ҳам бўлса мен Жаноб Расулуллоҳнинг Ҳафса ҳақида эслаганларини билар эрдим, мен ул зотнинг сирларини ошкор қилолмас эрдим, агар ундан воз кечганларида, мен уни қабул қилган бўлар эрдим!» — дедилар».

47- боб. Никоҳдаги хутба ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Машрикдан икки киши келиб хутба ўқиди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Баъзи баёнларда сихр бордур!» — дедилар».

48- боб. Никоҳда доира чалмоқ ҳамда зиёфат қилмоқ хусусида

Рабиъ бинти Муъаввиз ибн Афрӯъ ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ менга кўшилмоқ бўлиб ҳузуримга кирганларида, ҳозир сен ўлтирганингдек тўшагимга ўлтирдилар. Жория қизларимиз доира чалишиб, Бадр ғазотида шаҳид бўлган ота-боболарим ҳақида йиғлаб куйлай бошлашди. Улардан бири: «Бизнинг орамизда пайғамбар борлар, ул зот эртанги кундан бохабарлар» — дея куйлар эрди. Шунда ул зот: «Бу кўшиғингни бас қилгил, аввалги кўшиғингни айтавергил!» — дедилар».

49- боб. Оллоҳ таолонинг «Ва берингизлар хотинларга уларнинг маҳрларин хурсандлик ила!» ҳамда «Ва берган бўлсангизлар дастлабки хотинларингизга кўп бир молни, қайтариб олмангизлар ул молдан ҳеч бир нарсани!», шунингдек «Ёки уларга бирор маҳр муқаррар қилмай туриб» деган қавллари хусусида

Саҳл айтдиларки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Лоақал, битта темир узук бўлса ҳам!» — деб айтибдилар.

Анас ривоят қиладилар: «Абдуррахмон ибн Авф данакдек келадирган олтин бериб, бир аёлга уйланди. Жаноб Расулulloҳ уни куёвлик либосида кўриб, ундан бир нарса ҳақида сўрадилар. У: «Мен данакдек келадирган олтин бериб, бир аёлга уйландим»,— деди».

50- боб. Қуръон эвазига (махр бермай) уйлантириб қўймоқ ҳақида

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларидаги бир қавм орасида эрдим. Шунда, бир аёл ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ!» — деб мурожаат қилди-да, ўзини ул зотга ҳадя қилганлигини айтди. Ул зот индамадилар. Кейин, у яна ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ!» — деб мурожаат қилди-да, ўзини ул зотга ҳадя қилганлигини айтди. Ул зот яна индамадилар. У яна ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ!» — деб мурожаат қилди-да, ўзини ул зотга ҳадя қилганлигини айтди. Шунда бир киши ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, мени унга уйлантириб қўя қолингиз!» — деди. Ул зот: «Маҳрига берарлик бирор нарсанг борми?» — дедилар. У: «Йўқ»,— деди. Ул зот: «Бор, лоақал битта темир узук бўлса ҳам, топиб кел!» — дедилар. У бориб қидириб келди-да: «Ҳеч нарса йўқ, ҳатто темир узук ҳам тополмадим»,— деди. Ул зот: «Қуръондан бирор нарса биласанми?»— дедилар. У: «Мен Қуръондан фалон ва фалон сураларни биламан»,— деди. Ул зот: «Бор, кетавер, биз сени Қуръондан билган нарсаларинг эвазига бу хотинга уйлантирдик!» — дедилар».

51- боб. Маҳрнинг на ҳажми ва на вазни муҳим эрмас! Масалан, темир узук

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланаётган бир кишига: «Лоақал битта темир узук бўлса ҳам!» — деб айтдилар».

52- боб. Никоҳдаги шартлар

Ҳазрат Умар: «Аёллар фаржининг қонуний ҳалол бўлмоғи никоҳ шартларининг тўла-тўқис бажарилмоғига боғлиқдур!» — дейдилар.

Мисвар ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз куёвлари ҳақида сўзлаётиб, унинг ўзларига муносиб куёвлик қилаётганини айтганларини ҳамда унга тасаннолар ўқиб, мактаганларини эшитдим».

53- боб. Никоҳдаги макруқ шартлар ҳақида

Ибн Масъуд: «Аёл ўз сингисининг талоқ қилинмоғини шарт қилиб қўймасин!» — дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёлнинг ўз сингисининг талоқ қилинмоғини талаб қилмоғи макруҳдур. Бундай аёлнинг бети қурсин! Зеро, унга ҳам кўз тиккан бало бордур!» — дедилар».

54- боб. Уйланган кишининг қўлидаги сариф доғ ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуррахмон ибн Авф Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди, унинг қўлида бир сариф нарсанинг доғи бор эрди. Ул зот ундан бу доғнинг ниманинг доғи эрканлигини сўрадилар. У бир ансория аёлга уйланганини айтди. Ул зот: «Унга қанча маҳр бердинг?» — дедилар. У: «Данакдек келадирган олтин»,— деди. Ул зот: «Бир қўй сўйиб бўлса ҳам тўй қилгил!» — дедилар».

55- боб.

Ҳумайд разияллоҳу аноҳу ривоят қиладилар: «Анас: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнабга уйланганларида ҳар сафар уйланганларида қилганларидек, мусулмонларни зиёфат қилганлар-ку!» — деди-да, мўминларнинг оналари ҳужраларига бориб, уларни дуо қилди, улар ҳам уни дуо қилишди. Кейин, қайтиб кетаётганида икки кишини кўриб, яна орқасига қайтди. Ўша икки кишининг чиқиб келаётганини мен ўзим унга хабар қилдимми ёки биров хабар қилдими, буни билмайман».

56- боб. Уйланган киши қандай дуо қилинади?

Анас разияллоҳу аноҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуррахмон ибн Авфда сариғ доғ борлигини кўриб: «Бу нима?»—дедилар. У: «Мен данакдек келадирган олтин бериб, бир аёлга уйландим»,— деди. Ул зот: «Боракаллоҳ, бир кўй сўйиб бўлса ҳам тўй қилгин!» — дедилар».

57- боб. Келинни куёвнинг ҳузурига кузатган аёлларни ҳамда келинни дуо қилмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу аноҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга уйландилар. Шунда, онам қошимга келиб, мени ҳовлига олиб кирдилар. Уйда кўпгина ансория аёллар бўлиб, улар менга хайру барака ва бахтли турмуш тиладилар».

58- боб. Ғазотдан илгари аёлига қўшилмоқни яхши кўрган киши ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу аноҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилиб бундай дейдилар: «Пайғамбарлардан бири ғазотга отлангач, ўз қавмига: «Бирорта ҳам киши хотинларини олиб менинг кетимдан ғазотга эргашмасин, чунки у хотинига яқинлик қилмоқни хоҳлагани бирлан, яқинлик қилолмайди, ғазотда бунга имкон йўқ!» — деди».

59- боб. Тўққиз яшар қизалоққа қўшилган киши ҳақида

Урва ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оишага олти ёшлигида уйланиб, тўққиз ёшлигида унга қўшилдилар. Оиша ул зот бирлан тўққиз йил турмуш қурди».

60- боб. Сафарда қўшилмоқ ҳақида

Анас ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафийяга қўшилмоқ учун Хайбар бирлан Мадина оралиғидаги бир ерда уч кун туриб қолдилар. Мен мусулмонларни Жаноб Расулуллоҳнинг тўй зиёфатларига таклиф қилдим. Дастурхонда на нон ва на гўшт бор эрди, шул боисдан ул зот бориға қаноат қилмоқни амр қилдилар. Дастурхонга хурмо, пишлоқ ва ёғ тортилди, шу бирлан тўй зиёфатлари бўлиб ўтди. Мусулмонлар: «Сафийя мўминларнинг оналаридан бири бўлармикин ёки ул зотнинг чўриларидадан бири бўлармикин?» — дейишди. Кейин, улар ўзларича: «Агар Жаноб Расулуллоҳ уни ҳижобга олсалар (парда ортига яширсалар), у мўминларнинг оналаридан бири, башарти олмасалар, чўриларидадан бири бўлади»,— дейишди. Сафийянинг кажаваси Жаноб Расулуллоҳнинг ортларидан йўлга чиққанда, ул зот у бирлан одамлар орасига парда тортиб қўйдилар».

61-боб. Уловга миндирмай ва олов ёқмай, куппа-кундузи қўшилмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу аноҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга уйландилар. Кейин, онам қошимга келиб мени ҳовлига олиб кирдилар. Куппа-

кундузи бўлгани учун ҳам, мен фақат Жаноб Расулуллоҳдан чўчирдим». (Исломдан илгари келинни уловга миндириб, гулхан атрофидан айлантирилган).

62-боб. Аёллар учун наMATлар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Наматларни олдингизларми?» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, бизда намат нима қилади?!» — дедим. Ул зот: «Бўлиши керак!» — дедилар».

63-боб. Келинни кўёв хузурига кузатиб қўювчи аёллар ҳақида

Ҳишом ибн Урва ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бир келинни бир ансорий кўёвнинг хузурига кузатиб қўйдилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Оиша, мусиқа чалиб ўйин-кулги бирлан кузатиб қўйдингизларми? Ансорлар мусиқа чалиб ўйин-кулги қилишни хуш кўрадилар»,— дедилар».

64- боб. Кўёвга қилинадирган ҳадя ҳақида

Абу Усмон ривоят қиладилар: «Мен Анас ибн Моликнинг биз бирлан бирга «Баний Рифоа» масжидидан ўтиб кетаётиб бундай деб айтаётганини эшитдим: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Сулаймнинг ҳовлиси ёнидан ўтиб кетаётиб унинг уйига кирдилар-да, унга салом бердилар. Ўшанда ул зот Зайнабга уйланиш арафасида эрдилар. Умму Сулайм менга: «Жаноб Расулуллоҳга (Зайнабга қўшилган кунлари эрталаб) нонушта тортиқ қилсак, жуда соз бўлар эрди!» — деди. Мен унга: «Шундай қилгин!» — дедим-да, хурмо, ёғ ва пишлоқдан «ҳайса» (уч хил нарсдан тайёрланадирган таом) тайёрлаб, уни бир идишга солдим. Кейин, уни олиб Умму Сулайм бирлан биргаликда Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига равона бўлдим. Жаноб Расулуллоҳ менга: «Қўлингиздагини қўй!» — дедилар, сўнг: «Фалончиларни ҳамда йўлингизда учраган кишиларни чақириб кел!» — деб амр қилдилар. Мен амрларини бажо келтириб, қайтиб келдим. Ҳовли одамларга лиқ тўлди. Жаноб Расулуллоҳга қарасам, қўлларини ўша «ҳайса» устига қўйиб: «Мо шоаллоҳ!» — дедилар. Сўнг, хузурларига ўнта-ўнтадан одам чақира бошладилар, улар кириб таомдан ейишди. Ул зот уларга: «Оллоҳ таолонинг исмини айтиб енгизлар, ҳар бир киши ўзига насиб қилганича есин!» — дедилар. Ҳамма тўйгунча еди. Кейин, кўпчилик чиқиб кетди, фақат бир нафар киши суҳбатлашиб ўлтириб қолди. Бунга менинг ғашим келди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ чиқиб, хужралар томон юрдилар, мен ҳам кетларидан чиқдим-да: «Улар кетишди»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ қайтиб уйга кириб, пардани ташлаб қўйдилар, мен эрсам даҳлизда туриб қолдим. Шунда ул зот: «Эй мўминлар, пайғамбарнинг уйларига бирор таомга таклиф қилинганингиздагина кирингизлар, (барвақтроқ кириб таомнинг) пишишига интизор бўлиб ўлтирмангизлар ва лекин қачон чақирилсангизлар, кирингизлар, вақтики таом еб бўлдингизлар, тарқалингизлар ва ўлтирмангизлар ўзаро суҳбатлашиб, бу нарса албатта пайғамбарга озор берур ва пайғамбар сизлардан ҳаё қилур ва Оллоҳ таоло ҳақиқатни баён қилишдан ҳаё қилмас («Ал-Аҳзоб» сураси, 53-оят)»,— дедилар».

Абу Усмон: «Анас Жаноб Расулуллоҳга ўн йил хизмат қилди»,— дейдилар.

65- боб. Келин учун кийим ва бошқа нарсаларни бировдан вақтинча олиб турмоқ ҳақида

Ҳишом оталаридан нақл қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо Асмодан маржонини вақтинча тақиш учун сўраб олган эрдилар, йўқотиб қўйдилар. Жаноб Расулуллоҳ уни қидириб топиш учун бир қанча соҳобаларини жўнатдилар. Шу аснода намоз вақти бўлиб қолиб, улар бетаҳорат намоз ўқишди (чунки, сув йўқ бўлиб, «таяммум» ҳақидаги оят ҳали нозил бўлмаган эрди). Кейин, Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига келишганда, шул ҳақда ул зотга шикоят қилишди. Шунда «таяммум» хусусида оят нозил бўлди. Усайд ибн

Ҳузайр Оиша онамизга: «Худо хайрингизни берсин, Оллоҳ таоло ҳақи, бундан аввал ҳам сиз туфайли Оллоҳ таоло биз мусулмонларга баракот ато этган эрди!» — деди».

66- боб. Аёлига қўшилмоқчи бўлган киши нима деб айтмоғи лозим?

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аммо, агар бирортаси аёлига қўшилаётганда: «Бисмиллоҳи, ё парвардигоро, мени шайтондан ва шайтонни сен бизга ато этадирган фарзандимиздан йироқ қилгил!» — деса, Оллоҳ таоло уларга фарзанд тақдир қилган бўлса, шайтон унга мутлақо зарар етказа олмайди»,— дедилар».

67- боб. Тўйда зиёфат бермоқлик — тўғри ишдур!

Абдурраҳмон ибн Авф ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Бир қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қилгил!»— дедилар».

Анас ибн Молик Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида ўн яшар бола эрдилар, ул киши бундай дедилар: «Онам мени доимо Жаноб Расулуллоҳнинг хизматларини қилишга ундар эрдилар, мен ул зотга ўн йил хизмат қилдим. Жаноб Расулуллоҳ вафот қилганларида йигирма ёшда эрдим. «Ҳижоб» ояти хусусида энг кўп билгувчи киши мен бўлиб, бу оят Жаноб Расулуллоҳнинг Зайнаб бинти Жаҳш бирлан турмуш қурган кунлари нозил бўлган дастлабки оят эрди. Ўшанда Жаноб Расулуллоҳ Зайнабга қўшилиб куёв бўлгач, қавми тўй зиёфатига чорладилар, қавм еб-ичиб, сўнг чиқиб кетди. Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларида бир неча кишигина узоқ ўлтириб қолди. Шунда ул зот ўринларидан туриб ташқарига чиқдилар, мен ҳам анавилар чиқиб кетсин деб, ул зот бирлан бирга чиқиб кетдим. Жаноб Расулуллоҳ юрдилар, мен ҳам юрдим. Ул зот Оиша онамизнинг хужралари остонасига қадар бордилар, сўнг анавилар чиқиб кетгандур, деб ўйлаб ортларига қайтдилар, мен ҳам бирга қайтдим. Аммо, ул зот Зайнабнинг ҳузурига кирганларида анавилар ҳануз суҳбатлашиб ўлтиришар эрди. Жаноб Расулуллоҳ буни кўриб, яна ортларига қайтдилар-да, Оиша онамизнинг хужралари остонасига қадар бордилар, мен ҳам биргаллашиб бордим. Сўнг, анавилар чиқиб кетгандур, деб ўйлаб яна ортларига қайтдилар, мен ҳам бирга қайтдим. Бу сафар қайтганларида анавилар чиқиб кетишган эрди. Жаноб Расулуллоҳ ўзлари бирлан менинг ўртамга парда ташлаб қўйдилар. Шунда Оллоҳ таоло «Ҳижоб» («Парда») оятини нозил қилди».

68- боб. Бир қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй (зиёфат) қилмоқ керак!

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдурраҳмон ибн Авф бир ансория аёлга уйланганида унга: «Қанча маҳр бердинг?» — дедилар. У: «Данакдек келадирган олтин»,— деди».

Ҳумайд: «Мен Анаснинг бундай деб айтганини эшитган эрдим»,— дейдилар: «Муҳожирлар Мадинага келишганда ансорларнинг уйларига тушишди. Абдурраҳмон ибн Авф Саъд ибн ар-Рабиънинг уйига тушди. Саъд унга: «Мол-мулкнинг ярмини сенга бераман ва сенинг учун хотинларимнинг бирдан воз кечаман!»— деди. Абдурраҳмон: «Оллоҳ таоло оиланг бирлан мол-дунёнгга баракот ато қилсин!» — деди-да, бозорга равона бўлди. У ерда у олди-сотди қилгач, бироз пишлоқ ва ёғ харид қилди, кейин уйланди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «Бир қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй (зиёфат) қилгин!»— дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулуллоҳ бирорта ҳам хотинларини Зайнабни сийлаганчалик зиёфат бирлан сийламаган эрдилар, Зайнабни бир қўй сўйиб сийлаган эрдилар»,— дейдилар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

Сафийяни озод қилдилар, сўнг озод қилинганлигини маҳр қилиб, унга уйландилар ҳамда уни «Ҳайс» (хурмо, ёғ ва пишлоқдан тайёрланадирган таом) бирлан сийладилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир аёлга уйландилар. Кейин, мени жўнатдилар, мен бориб одамларни таомга таклиф қилдим».

69-боб. Баъзи аёлларини баъзи аёлларидан кўра кўпроқ зиёфат бирлан сийлаган киши ҳақида

Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Анаснинг ҳузурда Зайнаб бинти Жаҳшнинг тўйи ҳақида эслашди.

Шунда у: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг бирорта ҳам хотинларини Зайнабни сийлаганчалик зиёфат бирлан сийлаганларини кўрмаганман, ўшанда уни бир қўй сўйиб сийлаган эрдилар»,— деди».

70- боб. Қўйдан камроқ нарса бирлан зиёфат қилиб сийлаган киши ҳақида

Сафийя бинти Шайба: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи хотинларини икки мудд арпа бирлан сийлаган эрдилар»,— дейдилар.

71- боб. Зиёфат (тўй)га айтиб келса, унга бормоқ лозимлиги, даъватга жавоб бермоқ кераклиги ва етти кун зиёфат қилган киши ҳақида

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам зиёфатга на бир кун ва на икки кун вақт ажратмаганлар!

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз зиёфатга (тўйга) таклиф қилинсангиз, унга албатта борингиз!» — дедилар».

Абу Мусо разияллоҳу анҳу Жаноб Расулуллоҳдан нақл қилиб: «Асирни озод қилингизлар, даъват қилгувчига ижобат қилингизлар ва касални бориб кўрингизлар!» — дедилар».

Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга етти нарсани буюриб, етти нарсадан қайтардилар. Ул зот бизга касални бориб кўрмоқни, жанозага бормоқни, акса урган («Алҳамду лиллоҳ» деса), унга («Йарҳамукаллоҳу ва йашфийка» деб) жавоб бсрмоқни, қасамга вафо қилмоқни, мазлумга ёрдам бермоқни, салом (алик)ни эшиттириб айтмоқни ва даъват қилгувчига ижобат қилмоқни амр қилдилар ҳамда ул зот бизни олтин узук тақмоқдан, кумуш идиш тутмоқдан, мийсара, қассий, истабрақ, дебож... киймоқдан қайтардилар».

Абу Ҳозим ривоят қиладилар: «Абу Усайд ас-Соъидий Жаноб Расулуллоҳни ўз тўйига таклиф қилди. Унинг хотини (яъни, келин бўлмиш) ўша куни меҳмонларга ўзи шахсан хизмат қилди. Саҳл: «Биласизларми, у Жаноб Расулуллоҳга нимани ичирганлигини? Кечаси бирлан туриб қолган хурмоларнинг сувини ул зот овқат еганларида ичириб юборди»,— деди».

72-боб. Кимки даъватга ижобат қилмаса, Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига осийлик қилган бўлади!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Таомнинг энг ёмони — камбағаллар қолиб, бойлар таклиф қишган зиёфатдаги таомдур! Кимки даъватга ижобат қилмаса, Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига осийлик қилган бўлур!» — деб айтар эрдилар.

73-боб. (Қўйнинг) сонига таклиф қилинганда борган киши ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам бундай дедилар: «Агар даъват қилинсам қўй сонига, бергайман албат, Агар ҳадя қилинса қўй қўли, олгайман албат».

74- боб. Тўй ва шу кабиларга даъват қилгувчига ижобат қилмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Агар даъват қилинсангиз, унга ижобат қилингизлар!» — дедилар». Абдуллоҳнинг ўзлари тўй ва шу кабиларга даъват (таклиф) қилинсалар, рўза бўлсалар ҳам, борар эрдилар.

75-боб. Аёллар ва болаларнинг тўйга бормоқлари ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўйдан келаётган бир гуруҳ аёллару болаларни кўриб, қадларини тикладилар-да: «Парвардигоро! Сизлар менинг учун энг маҳбуб одамсизлар!» — дедилар».

76- боб. Даъват қилинган жойга борганда макруҳ нарсани кўрса, ортига қайтиб кетадими?

Ибн Масъуд бир уйда сурат борлигини кўриб, ортларига қайтиб кетдилар.

Ибн Умар Абу Айюбни уйларига даъват қилдилар. Ул киши уйда деворга осиглик суратли пардани кўриб, қайтиб кетмоқчи бўлдилар. Шунда Ибн Умар: «Бунга бизни хотинлар мажбур қилди»,— дедилар. Абу Айюб: «Бундан кўрксам ҳам, сендан кўркмайман! Худо ҳақи, сизлар бирлан бир дастурхонда ўлтирмайман!» — дедилар-да, ортларига қайтиб кетдилар.

Қосим ибн Муҳаммад ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша онамиз суратли бир кичик ёстиқ сотиб олдилар. Жаноб Расулуллоҳ уни кўриб, ичкарига кирмай, эшик остонасида туриб қолдилар. «Шунда,— дейдилар Оиша онамиз,— ул зотнинг юзларида жирканиш аломатини кўриб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога ва унинг расулига тавба қилдим, мен нима гуноҳ қилиб қўйдим эркан?» — дедим. Ул зот: «Анави ёстиқ бу ерда нима қилиб турибди?» — дедилар. Мен: «Ўлтирасиз ва бош кўясиз, деб сиз учун сотиб олдим»,— дедим. Ул зот: «Мана шу суратларни чизганларга қиёмат куни қаттиқ азоб берилади ва уларга: «Ўзларингиз бунёд қилган нарсангизга жон киргизингизлар!» — дейилади»,— дедилар. Сўнг, яна: «Суратлар бор уйга фаришталар кирмайди!» — деб айтдилар».

77- боб. Тўй куни аёлнинг эркаклар тепасида туриб, шахсан ўзи уларга хизмат қилмоғи ҳақида

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Усайд уйланганида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ул зотнинг саҳобаларини тўйга таклиф қилди. Шунда у уларга таом ҳам келтирмади, уларга яқин ҳам келмади, бизга хизматни фақат унинг хотини Умму Усайднинг ўзи адо этди. Умму Усайд тошдан йўнилган бир тоғорага хурмо солиб, сувга бўктириб қўйиб, туни бирлан шундай қолдирган эрди. Жаноб Расулуллоҳ таом тановул қилиб бўлганларида у ўша хурмоларни эзиб, сувини ул зотга қуйиб берди».

78- боб. Тўйдаги маст қилмайдирган «нақиъ» ва «шароб» ичимликлари ҳақида

Абу Ҳозим ривоят қиладилар: «Абу Усайд ас-Соъидий Жаноб Расулуллоҳ бирлан ул зотнинг саҳобаларини ўз тўйига таклиф қилди. Шунда келин бўлмиш унинг хотини уларга хизмат қилган эрди. Саҳл ўшанда: «Биласизларми, унинг Жаноб Расулуллоҳга нима қуйиб берганини? У тоғорада туни бирлан ивигилган хурмо сувини ул зотга қуйиб берди»—деб айтган эрди».

79-боб. Аёллар бирлан мураса-ю мадора қилмоқлик қамда Жаноб Расулуллоҳнинг «Дарҳақиқат, аёл қобирғага ўхшайди» деган қавллари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Аёл қобирғага ўхшайди, агар уни тўғрилайман десанг, синдириб қўясан ва агар (шундайлигича) фойдаланавераман десанг, фойдаланаверасан, унинг ўзи (азалдан) қийшиқ!» — дедилар».

80-боб. Аёллар бирлан маслаҳат қилмоқлик ҳақида

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Кимки Оллоҳ таолога ва қиёматга иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин! Шунингдек, аёллар бирлан доимо яхшилиқча маслаҳатлашингизлар. Чунки, улар қобирғадан яратилган бўлиб, қобирғанинг энг қийшиқ ери — унинг дўнг жойидур. Агар уни тўғрилашга ҳаракат қилсанг, синдириб қўясан ва агар қўйиб юборсанг (яна қайтиб ўз ҳолига келади-да), эгрилигича қолади. Бас, шундай эркан, аёллар бирлан доимо яхшилиқча маслаҳатлашингизлар!».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз, Жаноб Расулulloҳ ҳаётлик вақтларида, «Тағин, бирор балога грифтор бўлиб қолмайлик!» деб хавотирланганимиздан, аёлларимизга бирор (қаттиқ) сўз айтиб, бемалолроқ муомала қилишдан қўрқар эрдик. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилганларидан сўнг, аёлларимизга (қаттиқ) гапириб, бемалолроқ муомала қиладирган бўлдик».

81-боб. Ўзингизни ҳамда оилангизни дўзах ўтидан сақлангизлар!

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Барчангиз ҳомий ва масъулдурсизлар. Имом (рахбар) ҳам ҳомий ҳамда масъулдур, эр (эркак) ўз оиласига ҳомий ва масъулдур, хотин эрининг уйига ҳомий ва масъулдур, қул хожасининг молига ҳомий ва масъулдур, зеро барчангиз ҳомий ва барчангиз масъулдурсизлар!»

82- боб. Оила бирлан яхши муомала қилмоқлик ҳақида

Оша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ўн битта аёл ўз эрлари хусусидаги гапларни заррача яширмасдан ошкор қилишга келишиб олишиб, бир ерга тўпланишди. Биринчи аёл: «Менинг эрим туя янглиғ тирраки, енгил бўлиб — чакқонмас, семиз бўлиб — полвонмас!»—деди. Иккинчи аёл: «Мен эримнинг сирини ошкор қилмаслигим у ёқда турсин, ҳатто шундай ошкор қилайки, унинг бор нуқсонларини айтиб, астар-аврасини чиқариб юборай!» — деди (яъни, у шугина бир гапи бирлан эрининг ким эрканлигини билдириб қўя қолди) Учинчи аёл: «Менинг эрим худбин, унга битта сўз кўплик ва яримта сўз камлик қолади»,— деди. Тўртинчи аёл: «Менинг эрим тиҳомалик бир нотавон бўлиб, на иссиқ ва на совуқ, на тасқара ва на жирканарлидир»,— деди. Бешинчи аёл «Менинг эрим, уйга кирганда қоплон каби узала тушиб донг қотиб ухлайди, кўчага чиққанда арслон каби кутириб кетади (ёки арслонни кўрганда даҳшатга тушган киши каби писиб қолади)»,— деди. Олтинчи аёл: «Менинг эрим овқат еса, биқинидан, сув ичса, томоғидан кўринадирган бир одам бўлиб, оиласининг на овқатидан ва на сувидан хабар олади, бола-чақасининг аҳволи нима кечаётир, зарра парвосига келмайди»,— деди. Еттинчи аёл: «Менинг эрим ўта нимжон бўлиб, бўлар бўлмасга дардга чалинаверади, тегсанг, чочилиб кетадигандек!» — деди. Саккизинчи аёл: «Менинг эрим қуёндек тезотар ва молдек сассиқ»,— деди. Тўққизинчи аёл «Менинг эрим устундек баланд, тепалиқдек салобатли, қурумдек қоп-қора ва хонанишиндир»,— деди. Ўнинчи аёл: «Менинг эрим ўзи хон, кўланкаси майдон, таърифи ортиқроқдур бундан минг чандон, кўра ичра туялари кўпдур, аммо яйловда оз — бир неча тўпдур, бу шўрлик туялар гар соз овозини эшитсалар, ҳалок бўлдик, деб ўйлагайлар»,— деди. Ўн биринчи аёл бундай деди: «Менинг эрим Абу Заръ икки қулоғимни исирға бирлан безаб, икки билагимни тикмачоқдек қилиб семиртирди, мени мактаб керилтирди, мени ўзининг аш-Шикқадаги қўйлари ҳамда йилки-ю, туялари ўрнида кўрди. Мен унинг ҳузурда ёмонлик кўрмадим, еб-ичиб, ҳузур-ҳаловатда яшадим. Унинг онаси Умму Абу Заръ эрса, ичи тўла қарғиш, уйи бедарвоза бир хотиндур. Ўғли

Ибн Абу Заръ — кўрпа-ёстиғи жулдур, ўзи бир эчки қўлини еса, аранг тўяди. Қизи Бинти Абу Заръ — ота-онасининг ғирт ўзи, семизлигидан куйлагига сиғмайди, бор захрини чўрисига сочади. Чўриси эрса, гапимизни кўчага ташимайди, ўғритомоқ эрмас, уйимизни оёкости ҳам қилмайди. Бир куни Абу Заръ сув тўла мешдек жуссасини сўлқиллатиб кўчага чиқди-да, икки ўғилчаси бирлан келаётган бир аёлни учрат-ди. Аёлнинг болалари онасининг пинжида ўйнашаётган икки қоплончадек икки дона анорни ўйнашар эрди. Абу Заръ мени талоқ қилиб, ўша аёлга уйланди. Кейин, мен бир эркакка тегиб олдим. У мен бирлан беармон дом олишди, менга илгари билмаган лаззатларни, эрдан аёлга лозим бўлган барча роҳатларни бахш этди. У менга: «Бори-йўғимни сен Умму Заръга бағишладим!»— деди. Агар у менга ато этган нарсаларни жамлаб, Абу Зарънинг (барча идишларига, ҳатто) энг кичик идишига ҳам солсанг, тўлиб-тошиб кетса керак!»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳабашлар найзабозликни машқ қилаётган эрдилар, шунда Жаноб Расулуллоҳ мени бегона кўздан пана қилиб турдилар, мен томоша қилдим. Бироз томоша қилгач, ичкарига кириб кетдим, ўшанда мен ўйин-кулги қиладирган ёшдаги бир қизалоқ эрдим»

83- боб Кишининг ўз қизига унинг эри хусусида панд-насихат қилмоғи

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар: «Мен анча вақт Ҳазрат Умардан Жаноб Расулуллоҳнинг аёлларидан иккитаси хусусида сўрамоқчи бўлиб юрдим-у, лекин сўрай олмадим. Оллоҳ таоло улар ҳақида «Агар Оллоҳга тавба қилсангизлар .» деган ояти каримасини нозил қилган эрди. Ҳазрат Умар ҳаж қилганларида мен ҳам бирга ҳаж қилдим. Ҳаждан қайтаётиб бир ерга келганда, чеккага чиқдилар, мен ҳам мешчадаги сувни олиб чеккага чиқдим. Ул киши ҳожатдан бўшалиб қайтгач, қўлларига сув куйиб бердим, таҳорат олдилар. Сўнг, мен ул кишидан «Ё мўминлар амири, Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳнинг аёлларидан иккитаси хусусида «Агар Оллоҳга тавба қилсангизлар..» деган ояти каримасини нозил қилган эркан, улар кимдурлар?»—деб сурадим. Ҳазрат Умар: «Во ажабо! Шунга ҳам билмайсанми, эй Ибн Аббос?! Улар — Оиша бирлан Ҳафсидур»,— дедилар! Кейин, Ҳазрат Умар бундай деб гапларида давом этдилар: «Мен ва менинг бир ансорий кушним Баний Умайя ибн Зайд қабиласида эрдик. Улар Мадина акобирларидан эрдилар. Мен ва қўшним навбатма-навбат Жаноб Расулуллоҳниинг хузурларига бориб турар эрдик, бир кун у борар эрди ва бир кун мен борар эрдим. Мен бориб келсам, ўшал кун Жаноб Расулуллоҳга нозил бўлган ваҳий ва у ерда бўлган бошқа воқеалар ҳақида унга сўзлаб берар эрдим. У бориб келганда ҳам худди шундай қилар эрди. Биз қурайшликлар аёлларимиздан устун турар эрдик. Ансорлар хузурига келсак, уларнинг аёллари эркакларидан устун эркан. Натижада, бизнинг аёлларимиз уларнинг аёлларидан «таълим» ола бошлашди. Бир куни хотинимга бақириб эрдим, у ҳам менга бақириб жавоб қилди. Мен: «Гап қайтарма!» — дедим. Хотиним: «Менинг оғзимга урмангиз, худо ҳақи, Жаноб Расулуллоҳнинг хотинлари ҳам ул зотга гап қайтаришади, Ул зот бугун кечгача уларнинг биридан аразладилар»,— деди. Бундан мен қаттиқ хавотирга тушдим-да, хотинимга: «Улардан қайси бири шу ишни қилган бўлса, албатта бадном бўлади!» — дедим. Кейин, кийиниб қизим Ҳафсанинг хузурига йўл олдим, етиб боргач, ичкарига кирдим-да, унга: «Эй Ҳафса, бугун Жаноб Расулуллоҳ бирортангиз бирлан кечгача гаплашмайман, дедиларми?» — дедим. Қизим: «Ҳа», — деди. Мен: «Ишончимни оқламадинг, бахтингни бой бердинг! Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳнинг ғазаблари туфайли дарғазаб бўлса, омон қоласизларми? Ҳалоқ бўласан! Жаноб Расулуллоҳ бирлан зинҳор айтишма, ул зотга заррача гап қайтарма, аразлама, нимаики миянгга келса, мендан сўра, қўшнингнинг ёлғон-яшиқ, баландпарвоз гапларига алданма, ҳаттоки у Жаноб Расулуллоҳга энг маҳбуба бўлган Оиша бўлса ҳам!» — дедим.

Ўша пайтларда биз: «Ғассон подшоҳи бизга қарши уруш қилмоқ тараддудида отларини тақаламоқда» — деб хавотирланиб гапириб юрар эрдик. Бир куни ансорий дўстим ўз навбати бўйича Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига бориб, кечки пайт қайтиб

келди-да, эшигимни қаттиқ тақиллатди. Шунда, «Бирор гуноҳ қилиб қўйиптимикан?» деб кўрқиб, дарҳол олдига чиқдим. У менга: «Бугун бир улкан воқеа содир бўлди!» — деди. Мен: «Нима гап ўзи, Ғассон подшоҳи бостириб келдими?» — дедим. У: «Йўқ, асло, бундан ҳам бадтар ва даҳшатлироқ, Жаноб Расулulloҳ хотинларини талоқ қилибдилар!»—деди. Мен: «Ҳафса ишончимни оқламади, бахтини бой берди. Шундай бўлмасайди, деб хаёлимдан ўтказган эрдим-а!» — дедим-да, кийиниб олиб Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга бомдод намозини ўқидим. Кейин, Жаноб Расулulloҳ болохоналарига кириб, унда ёлғиз ўзлари қолдилар. Мен Ҳафсанинг ҳузурига кирсам, йиғлаб ўлтирибди, унга: «Сени йиғлатаётган нарсадан эҳтиёт бўлмоғингни айтмаганмидим?! Мана, энди нима бўлди?! Жаноб Расулulloҳ сизларни талоқ қилдиларми?»—дедим. У: «Билмайман, ул зот ҳов анави болохонада ёлғиз ўзлари ўлтирибдилар»,—деди. Мен ташқарига чиқиб, минбар олдига бордим, қарасам бир тўда одамлар унинг атрофида ўлтиришибди, баъзиси йиғлаяпти, мен ҳам улар бирлан бироз ўлтирдим. Кейин, қалбимдаги ҳислар мени мағлуб қилди-да, Жаноб Расулulloҳ ўлтирган болохона олдига бордим. Қора хизматкорларига: «Умарга ичкарига кирмоққа ижозат берасизми, деб сўраб чик!» — дедим. Хизматкор ичкарига кириб, Жаноб Расулulloҳ бирлан сўзлашиб қайтиб чиқди-да: «Жаноб Расулulloҳга сизнинг келганингизни айтдим, индамадилар»,— деди. Мен, ноилож, бояги минбар атрофида ўлтирган одамлар ёнига бориб ўлтирдим. Кейин, қалбимдаги ҳислар яна мени мағлуб этиб, хизматкор олдига бордим-да, унга: «Умарга изн берасизми, деб сўраб чик!»— дедим. У ичкарига кириб чиқиб: «Сизнинг келганингизни айтдим, индамадилар»,— деди. Мен, ноилож, яна бояги минбар атрофидаги одамлар олдига бориб ўлтирдим. Сўнг, қалбимдаги ҳислар яна мени мағлуб этиб, хизматкор олдига бордим-да: «Умарга рухсат берасизми, деб сўраб чик!» — дедим. У ичкарига кириб чиқиб: «Сизнинг келганингизни айтдим, индамадилар»,— деди. Эндигина ортимга қайтиб кетаётган эрдим, ногаҳон хизматкор мени чақириб: «Ул зот сизга ижозат бердилар»,— деди. Мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига кирсам, ул зот бўйра устида ётибдилар, бўйра биқинларига ботиб кетибди. Бошларига ичига поҳол тикилган теридан қилинган ёстиқ қўйиб олибдилар. Мен ул зотга салом бердим-да, тик турганимча: «Ё Расулаллоҳ, хотинларингизни талоқ қилдингизми?» — дедим. Ул зот менга қараб: «Йўқ»,— дедилар. Мен: «Оллоҳу акбар!» — дедим, сўнг ўша тик турган ҳолимда: «Ё Расулаллоҳ, агар менинг гапларимга қулоқ осмоғингизни лозим топсангиз, тинглангиз! Сизга маълумки, биз Қурайш жамоаси хотинларимиздан устун турар эрдик, Мадинага келсак, бул ердаги қавм аёллари эркакларидан устун эркан»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ бу гапимни эшитиб табассум қилдилар. Кейин, мен яна давом этиб: «Ё Расулаллоҳ, агар билсангиз, мен Ҳафсанинг ҳузурига кириб, унга: «Қўшнингнинг ёлғон-яшиқ, баландпарвоз гапларига алданма, ҳаттоки у Жаноб Расулulloҳга энг маҳбуба бўлган Оиша бўлса ҳам!» — деб айтдим»,— дедим. Шунда ул зот яна бир табассум қилиб қўйдилар. Мен табассум қилганларидан фойдаланиб, ўлтириб олдим-да, уйларига кўз югуртирдим. Оллоҳ таоло ҳақи, уйларида учта ошланмаган теридан бўлак бирор кўзга илинадирган нарса кўрмадим! Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога илтижо қилиб, дуо қилингиз, умматингизга неъматларини бисёр қилсин! Оллоҳ таоло Форс ва Рум аҳлига неъматларини бисёр қилган, уларга мол-дунё берган, улар эрсалар унга ибодат қилмайдилар»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ ёнбошлаб ётган эрдилар, ўринларидан туриб ўлтирдилар-да: «Ё Ибн ал-Хаттоб, рост айтдинг! Дарҳақиқат, бу қавмлар барча неъматларни мана шу дунёда олмоққа ошиқдилар»,— дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, менинг учун Оллоҳ таолодан мағфират тилангиз!» — дедим. Ўшанда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ҳақларида Ҳафса Оишага гап тарқатганда хотинларидан йигирма тўққиз кун аразлаган эрдилар. Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таоло ўзларига танбиҳ берганда хотинларидан қаттиқ хафа бўлганларидан: «Мен улар ҳузурига бир ой кирмайман!» — деб айтган эрдилар. Йигирма тўққиз кун ўтгач, Жаноб Расулulloҳ Оишанинг ҳужрасига кириб, у бирлан сўзлаша бошладилар. Шунда Оиша: «Ё Расулаллоҳ, сиз бизнинг ҳузуримизга бир ой кирмайман, деб онт ичган эрдингиз, ваҳоланки менинг

хисобимга кўра, йигирма тўққиз кун ўтказиб кирдингиз!»—деди. Жаноб Расулуллоҳ: «(Бу) ой йигирма тўққиз кундур», дедилар. Дарҳақиқат, ўша ой йигирма тўққиз кун эрди. Оиша: «Кейин, Оллоҳ таоло танлаш ихтиёри берилганлиги ҳақида оят нозил қилди. Жаноб Расулуллоҳ аёлларидан энг биринчи бўлиб мен бирлан, сўнг бошқа аёллари бирлан гаплаша бошладилар»,— дейдилар. Ул зотнинг бошқа аёллари ҳам, Оиша каби: «Бир ой кирмайман деб, йигирма тўққиз кунда кирдингиз-ку?!» — дейишди».

84-боб. Аёлнинг рўза тутмоққа хоҳиш билдириб эридан рухсат олгачгина рўза тутмоғи ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эри ҳузурда бўлган аёл эрининг изнисиз рўза тутмайди!» — дедилар».

85-боб. Агар аёл эрининг тўшагини тарк этиб, ўзи ёлғиз ухласа... (яъни, бошқа-бошқа жой солиб ётса...)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар эр хотинини ўз тўшагига чорласа~ю, у бош тортиб келмаса, малоикалар уни тонгга қадар лаънатлаб чиқадилар!»—дедилар»,

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар аёл эрининг тўшагини тарк этиб, ўзи ёлғиз ухласа, малоикалар уни то эрининг қўйнига қайтгунига қадар лаънатлайдилар!» — дедилар».

86-боб. Аёл эрининг уйига унинг рухсатисиз бирор кишининг кирмоғига изн бермайди

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эри ҳузурда бўлган аёлнинг эрининг изнисиз рўза тутмоғи ҳалол эрмас ҳамда аёл эрининг уйига унинг рухсатисиз бирор кишининг кирмоғига изн бермасин ва эрининг буйруғисиз бирор нарсани сарф қилмасин, чунки ўша сарф қилинган нарсанинг ярми эриникидур!»—дедилар».

87- боб.

Усома разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен жаннатнинг дарвозаси остонасига келиб турдим, у ерга (биринчи бўлиб) кираётган омма мискинлар бўлиб, бойлар эрса тўхтатиб қўйилган эрди. Аммо, дўзах аҳлини дўзахга ҳайдамоққа аллақачонлар амр қилинган бўлиб, мен унинг ҳам дарвозаси остонасига келиб турдим, ул ерга кирган омма аёллар эрди»,— дедилар».

88- боб. Бир ёстикқа бош қўйган эрга кўрнамаклик қилмоқлик хусусида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида қуёш тутилди. Жаноб Расулуллоҳ намоз ўқидилар, одамлар ҳам биргалашиб намоз ўқишди. Шунда «Сураи Бақара» қироатига кетганчалик вақт қиёмда узоқ турдилар, кейин узоқ рукуъ қилдилар, сўнг қадларини ростлаб узоқ қиёмда турдилар, аммо бу сафар илгариги қиёмдагидан кўра камроқ вақт сарфладилар, кейин узоқ рукуъ қилдилар, аммо бу гал аввалги рукуъдагидан кўра камроқ вақт сарф қилдилар, сўнг қадларини ростладилар, сўнг сажда қилдилар, кейин қадларини ростлаб узоқ қиёмда турдилар, аммо бу сафар илгариги қиёмдагига нисбатан камроқ турдилар, сўнг узоқ рукуъ қилдилар, аммо бу гал аввалгидан кўра камроқ вақт сарф қилдилар, сўнг қадларини ростлаб узоқ қиёмда турдилар, лекин аввалгига нисбатан камроқ турдилар, кейин узоқ рукуъ қилдилар, лекин аввалгига нисбатан камроқ вақт сарф қилдилар, сўнг турдилар, сўнг сажда қилдилар, кейин намозхонларга ўгирилдилар. Шу вақтда қуёш тутилиб бўлиб, чарақлаб турган эрди. Жаноб Расулуллоҳ одамларга қарата бундай дедилар: «Қуёш

бирлан ой Оллоҳ таолонинг мўъжизаларидан икки мўъжизадур. Улар бирор кишининг ўлими ёки ҳаётлиги туфайли тутилмайдилар, агар уларнинг тутилганини кўрсангизлар, дархол Оллоҳ таолони зикр қилингизлар!». Одамлар: «Ё Расулаллоҳ! Намоз чоғида сизнинг ана шу турган ерингизда бир нарсани олганингизни кўрдик, кейин орқага тисарилдингиз»,— дейишди. Ул зот:

«Мен жаннатни кўрдим.(ёки менга жаннат кўрсатилди). Ундан бир шингилни узиб олмоқчи бўлдим, агар ололганимда эрди, дунё тургунча ундан ер эдингизлар. Кейин, дўзахни кўрдим, бугунгидек (даҳшатли) манзарани кўрмаганман! Қарасам, унинг кўпчилик аҳли аёллар эркан»,— дедилар. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ, нечун бундай?» — дейишди. Ул зот: «Кўрнамаклик қилганлари учун»,— дедилар. Одамлар: «Оллоҳ таолога кўрнамаклик қилганлари учунми?» — дейишди. Ул зот: «Эрларига ва уларнинг қилган яхшиликларига кўрнамаклик қилганлар. Агар аёллардан бирортасига умр бўйи яхшилик қилсанг-у, кейин сендан заррача хатолик ўтганини кўрса, «Сендан сира яхшилик кўрмадим!» деб айтгай»,— дедилар».

Имрон бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ: «Жаннат намоён қилинди, қарасам унинг кўпчилик аҳли камбағаллар эркан, сўнг дўзах намоён қилинди, қарасам унинг кўпчилик аҳли аёллар эркан»,— дедилар».

89-боб. Хотинингнинг сенда ҳақи бор!

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абдуллоҳ! Сен кундузи рўза тутиб, кечаси бирлан ибодат қилиб чиқар эрмишсан»,— дедилар. Мен: «Ҳа, ё Расулаллоҳ!»—дедим. Ул зот: «Бундай қилма! Рўза ҳам тут, оғиз ҳам оч, тунда ибодат ҳам қил, ухлагил ҳам, чунки жасадингнинг ҳам, кўзингнинг ҳам, хотинингнинг ҳам сенда ҳақи бордур!» — дедилар».

90-боб. Аёл эрининг уйига ҳомийдур!

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Барчангиз ўз қўл остингиздагиларга ҳомий ва масъулдурсизлар, амир ҳам ҳомийдур ва эр ўзининг хонадон аъзоларига ҳомийдур, хотин эрса эрининг уйи ва унинг болаларига ҳомийдур. Демак, барчангиз ўз қўл остингиздагиларга ҳомий ва масъулдурсизлар!» — дедилар».

91-боб. Оллоҳ таоло: «Эрлар хотинларга ҳокимдурлар, бу шунинг учунки Оллоҳ таоло баъзиларин баъзиларидан ортиқ қилгандур» («Оллоқ таоло буюк ва улғу зотдур» деган қавлигача),— дейди

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинлари ҳузурига бир ой кирмасликка онт ичиб, болохоналарида ёлғиз ўзлари яшадилар, сўнг йигирма тўққиз кун деганда тушдилар, Шунда хотинлари: «Ё Расулаллоҳ, бир ой кирмасликка онт ичиб эрдингизку?!»—дейишди. Ул зот: «(Бу) ой йигирма тўққиз кундур»,— дедилар».

92- боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларидан аразлаганларида уларнинг уйларида ўзга жойда (болохонада) ётиб юрдилар

Муовия ибн Ҳайда: «Эркак хотинларидан аразлаганда фақат уларнинг уйларида ётиб юради» — деб айтган эрканлар, аммо юкоридаги фикр тўғрироқдур.

Умму Салама ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи хотинларининг ҳузурига бир ой кирмасликка онт ичдилар, сўнг йигирма тўққиз кун ўтгач, кирдилар. Шунда ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, бир ой кирмасликка онт ичиб эрдингизку?!» — дейишди. Ул зот: «(Бу) ой йигирма тўққиз кун бўлади»,— дедилар».

Ибн Аббос бундай деб айтган эрканлар: «Бир куни эрталаб туриб Жаноб Расулуллоҳнинг хотинлари йиғлашаётганини ва уларнинг ҳар бири олдида ўз

қариндошлари тўпланиб турганини кўрдим. Кейин, мен масжидга чиқдим, қарасам у ерда одам лик тўла. Ҳазрат Умар Жаноб Расулуллоҳнинг болохоналари остонасига бориб салом бердилар, ичкаридан ҳеч ким алик олмади, кейин яна салом бердилар, яна ҳеч ким алик олмади, яна салом бердилар, яна ҳеч ким алик олмади. Кейин, (энди қайтиб кетаман, деб турганларида) ичкаридан Жаноб Расулуллоҳ чақириб қолдилар, Ҳазрат Умар ичкарига кирдилар-да: «Хотинларингизни талоқ қилдингизми?»—дедилар. Ул зот: «Йўқ, лекин уларнинг ҳузурига бир ой кирмасликка онт ичдим»,— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ йигирма тўққиз кун туриб, сўнг хотинлари ҳузурига кирдилар».

93- боб. Хотинларни қандай урмаслик керак? Оллоҳ таоло: «Уларни жонлари оғримайдириган қилиб урингизлар!» — дейди

Абдуллоҳ ибн Замъа ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз қулни савалагандек хотинингизни саваламангиз! Кейин, эртасига у бирлан яна яқинлик қиласиз»,— дедилар».

94-боб. Аёл гуноҳовар иш хусусида эрига итоат қилмасин!

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир ансория аёл қизини эрга берди. Кейин у, қизининг сочи тўкилиб кетгач, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, шул ҳақда «Куёвим қизимга уламасоч (ясамасоч) тақиб қўймоғимни буюрди»,— деди Ул зот «Бу мумкин эрмас, чунки уламасоч (ясамасоч тақмоқлик) лаънатлангандур!» — дедилар»

95-боб. Агар аёл эрининг кўнгилсиз бўлиб қолишидан ёки қўйиб юборишидан чўчиса...

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Эрининг кўнгилсиз бўлиб қолишидан ёки қўйиб юборишидан чўчийдириган аёл шундай аёлки одатда эри ундан кўнгли тўлмай, уни талоқ қилиб бошқа хотин олгиси келади. Шунда ўша аёл эрига: «Мени никоҳингизда олиб қолингиз ва мени талоқ қилмангиз-да, устимга бошқа хотин олаверингиз, сиз менга нафақа ва маҳрни бироз камроқ берсангиз ҳам майли!» — дейди. Оллоҳ таоло бу хусусда «Ва агар бир хотин уз эрининг кўнгилсиз бўлишидан ёки юз ўгиришидан қурқса-ю, ўзаро келишиб сулҳ қилишса, бу ҳар иккисига ҳам гуноҳ эрмас, сулҳ яхшидур!»—дейди»

96- боб Манийни ташқарига тўқиш ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу: «Биз Жаноб Расулуллоҳ замонларида (бола бўлиб қолмасин, деб) манийни ташқарига тўқар эрдик»,— дедилар

Ато Жобирдан нақл қиладилар: «Биз манийни ташқарига тўқар эрдик, кейин бу хусусда оят нозил бўлди»

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Ғазотда асир олинган аеёлларни жимомъ қилаётиб, (хрмиладор қилиб қўйишдан қўрққанимиздан) манийни ташқарига тўқар эрдик. Кейин шул ҳақда Жаноб Расулуллоҳдан сўраб эрдик, ул зот бизга: «Ёки ўзларингиз шундай қиласизларми? Қиёматга қадар дунёга келадирган одамлар аллақачонлар яратиб қўйилгандур!» — деб уч бор айтдилар».

97- боб Сафарга чиқмоқчи бўлганда хотинлари ўртасида қуръа ташламок ҳақида

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқсалар, хотинлари ўртасида қуръа ташлар эрдилар. Бу сафар ҳам қуръа ташлаб эрдилар, қуръа Оиша бирлан Ҳафсага чиқди. Одатда, Жаноб Расулуллоҳ тун бўлса, Оиша бирлан суҳбатлашгани борар эрдилар. Ҳафса Оишага «Сен менинг туямга ва мен сенинг туянга миниб олсам-чи, нима қилишларини бир кўрар эрдик!» — дедилар. Оиша:

«Бўпти!»—дедилар. Кейин, Жа-ноб Расулуллоҳ Оишанинг туяси олдига келиб, унда Ҳафса ўлтирганини кўрдилар-да, унга салом бериб қайтиб кетиб қолдилар. Одамлар Ҳафсанинг туясини чўктиришди. Оиша Жаноб Расулуллоҳни кўздан йўқотиб қўйдилар-да, атрофга аланглай бошладилар. Одамлар Оишанинг туяларини чўктирганда ул мухтарама оёқларини ўтлар орасига тикиб туриб «Ё парвардигоро, шу ердан бир чаён ёки илон чиқариб мени чақтиргил, мен ул зотга бирор нарса деёлмайман!» — дедилар».

98- боб Аёлнинг эри хузурига кирадирган кунини кундошига туҳфа қилиши хусусида. Эр хотинлари хузурига кирадирган кунларини қандай тақсимлайди?

Ҳишом оталаридан нақл қиладилар: «Савда бинти Замъа ўзининг хузурига Жаноб Расулуллоҳ кирадирган кунини Оишага туҳфа қилди. Жаноб Расулуллоҳ унинг хузурига кирадирган кунни Оишага бағишладилар ва бу кун Савданинг куни эрди»

99-боб. Хотинларни баробар кўрмоқ ҳақида

Оллоҳ таоло «Ва сизлар на қадар дилларингиз хоҳласа ҳам, хотинларни баробар кўра олмассизлар, зинҳор бир тарафга эгилиб кетиб, иккинчи тарафни муаллақ қолдирманглар ва агар ислоҳ ҳам эҳтиёт қилиб турсангизлар, албатта Оллоҳ таоло мағфират қилғувчи меҳрибондур ва агар иккалалари (яъни, эр ва хотин) ажралишсалар, (ҳеч бок йўқдур), Оллоҳ таоло ҳар иккаласини ўз кушойишидан баҳраманд қилгай, Оллоҳ таоло кушойишли ҳикматли зотдур!» — дейди.

100-боб. Жувон устига бокира қизга уйланса...

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Суннат шуки, агар киши бокира қизга уйланса, унинг хузурида етти кун ва агар жувонга уйланса, уч кун туради»

101- боб. Бокира қиз устига жувонга уйланса...

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиздан қолган суннат шуки, агар киши жувон устига бокира қизга уйланса, аввал унинг хузурида етти кун туриб, сўнг (уларнинг хузурига навбат бирлан кириб чиқиш учун) муайян кунларни таъйин қилади ва агар киши бокира қиз устига жувонга уйланса, аввал унинг хузурида уч кун туриб, сўнг (уларнинг хузурига навбат бирлан кириб чиқиш учун) муайян кунларни таъйин қилади».

102- боб. Бирваракайига ҳамма хотинларини зиёрат қилиб чиққан киши хусусида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кечада ҳамма хотинларини зиёрат қилиб чиқар эрдилар, ўшанда ул зотнинг тўққизта хотинлари бор эрди».

103- боб. Кишининг ўз хотинлари хузурига кундузи кириб чиқиши ҳақида

Оиши разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар аср намозидан қайтсалар, аёлларининг хузурига кирар ва улардан бири бирлан яқинлик қилар эрдилар. Бир куни ул зот Ҳафсанинг хузурига кириб у ерда одатдагидан кўра кўпроқ қолиб кетдилар».

104- боб. Киши хотинларидан улардан бирининг уйида даволаниб ётмоққа ижозат сўраганда унга ижозат берилгани хусусида

Ҳишом ибн Урва оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам вафотларидан бурунги хасталик чоғларида: «Эртага мен қай ерда бўламан, эртага мен қай ерда бўламан?»—деб сўрар эрдилар, яъни Оишанинг ҳузурига кирадирган кунлари қачон келишини сўрар эрдилар. Шунда хотинлари: «Ўзингиз истаган хотинингизнинг уйида бўлаверингиз!» — деб ижозат беришди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ то вафот қилгунларига қадар Оишанинг уйида бўлдилар. Оиша: «Жаноб Расулуллоҳ айнан менинг ҳузуримга кирадирган кунлари менинг уйимда вафот этдилар. Оллоҳ таоло ўз омонатини олганда ул зотнинг бошлари бағримда ва тупуклари тупугимга омукта эрди» (яъни, Оиша онамиз тиш тозалайдирган мисвок учини тишлари бирлан юмшатиб берган, Жаноб Расулуллоҳ эрсалар уни олиб тишларини тозалаган эрдилар. Шунда Оиша онамизнинг мисвокка теккан тупуклари ул зотнинг тупукларига омукта бўлган эрди).

105- боб. Кишининг баъзи хотинларини баъзисидан кўра кўпроқ яхши кўрмоги ҳақида

Ибн Аббос Ҳазрат Умарнинг Ҳафсанинг ҳузурига кириб: «Эй қизгинам, кўшнингнинг баландпарвоз, ёлғон-яшиқ гапларига алданма, ҳаттоки у Жаноб Расулуллоҳга энг маҳбуба бўлган Оиша бўлса ҳам!» — дедим, сўнг бу гапимни ул зотга айтиб бериб эрдим, табассум қилиб қўйдилар» — деб айтганларини эшитган эрканлар».

106- боб. Ўзида йўқ нарсага ўзини тўйгандек қилиб кўрсатишнинг ҳамда кундошнинг ўзини бировларга эри олдида эътибори бордек қилиб кўрсатишнинг макруҳлиги ҳақида

Асмо разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир аёл: «Ё Расулаллоҳ, менинг кундошим бор, агар мен ўзимни эрим менга бермаётган нарсага тўйгандек қилиб кўрсатсам, менга гуноҳ бўлмайдами?» — деди. Ул зот: «Ўзига берилмаган нарсага ўзини тўйгандек қилиб кўрсатувчи шахс — бировнинг иккита қўйлагини кийиб олган одам кабидур!» — дедилар».

107- боб. Рашк ҳақида

Мугийра ривоят қиладилар: «Саъд ибн Убода: «Агар мен бир бегона кишини хотиним бирлан кўриб қолсам, уни қилич бети бирлан эрмас, тиғи бирлан уриб, чопиб ташлайман!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Саъднинг рашкидан ажабландингизларми? Мен Саъддан, Оллоҳ таоло эрса мендан ҳам кўпроқ рашклидур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолодан кўра рашклироқ киши йўқдур, шул боисдан ҳам ул бузукликларни ҳаром қилди, шунингдек Оллоҳ таолодан кўра мадҳни ёктирадирганроқ киши ҳам йўқдур!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Муҳаммад уммати! Оллоҳ таолодан кўра, агар у ўз бандасининг зино қилаётганини кўрса, кўпроқ рашк қиладирган шахс йўқдур! Эй Муҳаммад уммати! Агар мен билган нарсаларни билганингизда эрди, камроқ кулиб, кўпроқ йиғлаган бўлур эрдингизлар!»— дедилар».

Асмо разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолодан кўра рашклироқ шахс йўқдур!» — дедилар»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло рашк қилгай ва Оллоҳ таолонинг рашки мўмин банда Оллоҳ таоло ҳаром қилган нарсаларни қилганда туғён ургайдур!» — дедилар»

Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари Асмо ривоят қиладилар: «Зубайр менга уйланди. Унинг сув тортадирган туяси-ю, отидан бўлак ҳеч вақоси йўқ эрди. Мен отига ем берар, туяси ёрдамида сув тортар ва қўл тегирмонда дон янчиб, хамир қилар эрдим. Лекин, мен

(ҳали) яхши нон ёполмас эрдим, ансория қўшниларибдан бири ёпиб берар эрди. Иккаламиз ҳам покдомон аёллар эрдик. Мен янчилган донни бошимга қўйиб, Зубайрнинг Жаноб Расулуллоҳ инъом қилган еридан асл қўшнимнинг ерига олиб чиқар эрдим, қўшним эрса мендан учдан бир фарсах нарида турар эрди. Бир куни донни бошимга қўйиб кетаётган эрдим, йўлда Жаноб Расулуллоҳни бир гуруҳ ансорлар бирлан учратиб қолдим. Ул зот мени қошларига чақирдилар, кейин кафтларига туплаб, мени опичиб олмоқчи бўлдилар. Мен эркаклар бирлан бирга кетишдан уялиб, Жаноб Расулуллоҳга Зубайр ва унинг рашки ҳақида эслатдим, чунки эрим ўта рашкли одам эрди. Жаноб Расулуллоҳ менинг ҳаё қилганимни билиб, йўлларида давом этдилар. Кейин, мен Зубайрнинг олдига бориб, унга: «Мен бошимга донларни қўйиб кетаётган эрдим, Жаноб Расулуллоҳни бир гуруҳ саҳобалари бирлан учратиб қолдим. Шунда ул зот тиз чўкиб мени опичлаб олмоқчи бўлдилар, мен уялиб кўнмадим. Сўнг, ул зотга сизнинг рашкли эрканлигингизни билдирдим»,— дедим. Эрим: «Худо ҳақи, бошингдаги донингни кўтариб олсалар, майлия, аммо сени юкинг бирлан опичиб олганларида менинг шаънимга оғир бўлар эрди!»— деди. Шундан кейин, (отам) Абу Бакр бир хизматкор юбордилар, у мени от боқиш юмушидан озод қилди».

Анас *разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар*: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларидан бирининг ҳузурида эрдилар. Бир пайт, мўминларнинг оналаридан бири бир ликопчада ул зотга таом киритди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ қайси хотинларининг ҳузурида ўлтирган бўлса-лар, ўша хотинлари таом келтирган хизматкорнинг қўлига уриб эрди, ликопча тушиб кетиб, чилпарчин бўлди. Жаноб Расулуллоҳ ликопча синикларини бирлаштирдилар, сўнг сочилиб кетган таомни йиғиштириб, унга солдиларда: «Оналарингиз рашк қилди!» — дедилар. Кейин, хизматкорни тўхтатиб, унга ҳозир ўзлари уйида ўлтирган хотинларининг ликопчаларидан бирини бериб юбордилар, синган ликопчани эрса ликопчани синдирган хотинлариникида қолдирдилар».

Жобир ибн Абдуллоу разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатга кирдим (ёки жаннатга келдим), у ерда бир қасрни кўриб. «Бу кимнинг қасри?»—деб сўрадим. «Умар ибн ал-Хаттобники»,— дейишди. Кейин, мен унга кирмоқчи бўлдим, аммо кирмоғимга (эй Умар), фақат сенинг рашкчи эрканлигингни билганим монёлик қилди»,— дедилар Ҳазрат Умар. «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсинлар! Ё Набийяллоҳ, сиздан рашк қиламанми?!»—дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир пайт, биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтириб эрдик, ул зот бизга. «Бир маҳал, мен ухлаб ётган эрдим, ўзимни жаннатда кўрдим. Бир аёл бир қасрнинг ёнида ювиниб турган эркан. «Бу қаср кимники?»—дедим. «Бу Умарники»,— дейишди. Шунда мен Умарнинг рашкли эрканлигини эслаб, у ердан ортимга қайтиб кетдим»,— дедилар. Ҳазрат Умар шу ерда ўлтирган эрдилар, йиғлаб юбордилар, сўнг: «Сиздан рашк қиламанми, ё Расулаллоҳ?!» — дедилар».

108- боб Аёллар рашки ва ғзаби хусусида.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга. «Мен сенинг мендан мамнун бўлганингни ҳам, мендан дарғазаб бўлганингни ҳам дарҳол билиб оламан»,— дедилар. Мен: «Буни қаердан биласиз?» — дедим. Ул зот. «Агар мендан мамнун бўлсанг, «Йўқ, Муҳаммаднинг парвардигори ҳақи!» деб айтасан ва агар мендан дарғазаб бўлсанг, «Йўқ, Иброҳимнинг парвардигори ҳақи!» деб айтасан»,— дедилар. Мен: «Ҳа, шундай, худо ҳақи, ё Расулаллоҳ! Мамнун бўлганимда фақат сизнинг исмингизни айтаман»,— дедим».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳни Хадичадан рашк қилганчалик ҳеч бир аёлдан рашк қилмаганман, чунки ул зот Хадичани кўп эслаб, кўп мақтар эрдилар. Жаннатда Хадича учун шакар қамишдан қаср бунёд қилиб қўйилганлигини унинг ўзига башорат қилмоқни Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳга ваҳий

қилганди.

109-боб. Кишининг ўз қизини рашк ва инсоф қилиб ҳимоя этмоғи ҳақида

Мисвар ибн Махрама ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ минбарда туриб: «Ҳишом ибн ал-Муғйра қабиласи аҳли ўз қизини Али ибн Абу Толибга бермоқчи бўлиб мендан изн сўради. Мен рухсат бермайман, кейин ҳам, ундан кейин ҳам рухсат бермайман, фақат Али ибн Абу Толиб қизимни талоқ қилиб, уларнинг қизига уйланишни истасагина рухсат бераман! Чунки, қизим менинг бир бўлагим бўлиб, уни шубҳага солган нарса мени ҳам шубҳага солади ва унга азият етказган нарса менга ҳам азият етказади!» — дедилар».

110-боб. Эркаклар камайиб, аёллар кўпаяди

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳали сен эркаклар камайиб, аёллар кўпайиб кетганидан бир эркакнинг ортидан қирқта аёлнинг лаззатталаб бўлиб юрганларини кўрасан!» — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен сизларга ўзим шахсан Жаноб Расулуллоҳдан эшитган шундай бир ҳадисни айтиб берайки, уни мендан бўлак бирор киши сизларга айтиб бермайди! Мен ул зотнинг мана бундай деганларини эшитганман: «Қиёматнинг белгиларидан бири шуки, илм (ислом дини илми) орадан кўтарилиб, жаҳолат кучаяди, зино, ичкиликбозлик авжга чиқади ҳамда эркаклар камайиб, аёллар кўпайиб кетади, ҳатто элликта аёл учун битта ҳомий (эркак) тўғри келади».

Ш-боб. Эркак бирлан аёл маҳрам бўлсаларгина ёлғиз қола оладилар! Эри уйида бўлмаган аёлнинг ҳузурига кирмоқ ҳақида

Уқба ибн Омир ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёлларнинг ҳузурига киришдан ўзингизни тийингизлар!» — дедилар. Шунда ансорлардан бири: «Ё Расулаллоҳ, қайинларни (яъни, эрнинг отаси ва эрнинг ўғилларидан бўлак эркак қариндошларини) назарда тутяпсизми?»—деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Қайнлар — ўлимдур!» — дедилар (яъни, бу ерда эрнинг отаси ва эрниш ўғилларидан бўлак эркак қариндошлари назарда тутилиб, улар унинг аёлига маҳрамдурлар ва у бирлан ёлғиз қолиш уларга рухсат этилади. Шу боисдан ҳам, агар улар мазкур аёл бирлан ёлғиз қолишдан тийилмай, унинг ҳузурда бемалол ўлтираверсалар, бирдамас-бирда гуноҳ содир бўлмоғи мумкин, бу эрса динни ҳалокатга олиб келади)».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эркак бирлан аёл фақат маҳрам бирлангина ёлғиз қола оладилар!» — дедилар. Шунда бир киши ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ! Хотиним ҳаж қилмоққа чиқиб эрди, мен фалон ва фалон ғазотга ёзилиб (бораман деб ният қилиб) кўйдим»,— деди. Ул зот: «Ортингга қайтиб, хотининг бирлан ҳаж қилгил!» — дедилар».

112-боб. Эркак бирлан аёлнинг одамлар ҳузурда чеккага чиқиб сўзлашмоғининг жоизлиги ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир ансория аёл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди, шунда ул зот (ҳузурларидаги кишилар кўз олдида; у бирлан чеккага чиқдилар-да, унга: «Сен менинг учун (ансория аёллар ичидаги) энг суюкли одамсан!» — дедилар».

113-боб. Аёлчалиш эркакларнинг аёл ҳузурига кирмоғи манъ қилингани ҳақида

Ҳишом ибн Урва оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Саламаининг уйида ўлтирган эрдилар, у ерда бир хунаса ҳам бор эрди. Ўша хунаса Умму Саламанинг биродари Абдуллоҳ ибн Абу Умайяга: «Агар Оллоҳ таоло эртага сизларга Тоифни фатҳ қилиб берса, мен сенга Ғайлоннинг қизини кўрсатаман, у

тўрттаси бирлан илгари сурилиб, саккизтаси бирлан тисарилади»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Буни уйингизга киритмангизлар!» — дедилар».

114- боб. Аёлнинг ҳабашларга ёки шу каби кишиларга шунчаки қарамоғи ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен масжидда найзабозликни машқ қилаётган ҳабашларга қараб турганимда Жаноб Расулуллоҳнинг мени кийимлари бирлан пана қилиб турганларини кўрдим, кейин зериккунимча томоша қилдим, чунки мен ҳали ўйинкулгига тўймаган бир ёш қизалоқ эрдим».

115-боб. Аёлларнинг ҳожатга чиқишлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Тунлардан бирида Савда бинти Замъа ташқарига чиқди. Ҳазрат Умар уни кўриб, танидилар ва унга: «Сен, худо ҳақи, эй Савда, биздан беркинолмайсан!» — дедилар. Савда ортига қайтиб, Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига борди-да, бўлган гапни айтди. Шунда ул зот менинг хужрамдаги кечки овқатни тановул қилаётган бўлиб, қўлларидаги шўрвага бир қараб кўйиб, сўнг нигоҳларини юқорига қаратдилар-да: «Оллоҳ таоло сизларга (аёлларга) ҳожатларингиз учун ташқарига чиқмоққа ижозат берди», — дедилар».

116- боб. Аёлнинг масжид ва шу каби жойларга чиқмоққа эридан ижозат сўрамоғи ҳақида

Солим оталаридап нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангизнинг хотинингиз масжидга чиқмоққа сиздан изн сўраса, унга монеълик қилмангиз!» — дедилар».

117-боб. Эркакнинг ўзи бирлан эмишган аёлларнинг хузурига кирмоғи ва уларга қарамоғи мумкинлиги ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Эмишган амаким келиб, хузуримга кирмоққа изн сўрадилар, мен Жаноб Расулуллоҳдан сўрамагунимга қадар, ул кишига рухсат бергим келмади. Жаноб Расулуллоҳ келганларида ул зотдан шу ҳақда сўрадим. Ул зот: «У сенинг амакингдур, унга рухсат бергил!»—дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, мени бу кишининг хотини эрмас, акасининг хотини эмизгандур!»— дедим. Ул зот: «У сенга амаки бўлади, хузурингга кираверсин!»—дедилар. Бу воқеа биз аёлларга ҳижоб (парда) тортилгандан сўнг рўй берган бўлиб, билдимки туғушганларга ҳаром қилинган нарса эмишганларга ҳам ҳаром қилинган эркан».

118-боб. Бир аёл иккинчи бир аёлнинг ёнини олиб келмасин ҳамда уни эрига таъриф утавсиф қилмасин!

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир аёл иккинчи бир аёлнинг ёнини олиб келмасин ҳамда уни шояд эри унга қараса, деб эрига таъриф утавсиф қилмасин!» — дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

119-боб. Бир кишининг «Бу кеча албатта хотинларимни зиёрат қилгайман!» деб айтгани ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом: «Бу кеча албатта юзта хотинни зиёрат қилгайман, ҳар бири Оллоҳ таоло йўлида жанг қиладирган бир ўғил туғиб бергай!» — дедилар. Шунда фаришта ул кишига: «Иншооллоҳ, деб айт!» — деди, аммо ул киши буни унитиб, айтмадилар. Кейин, хотинларини зиёрат қилдилар, аммо улардан биттасигина туғди, у ҳам бўлса, чала.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар «иншооллоҳ» деганларида, (қасамларини) бузмаган бўлардилар ва тилакларининг рўёбга чиқишидан қаттиқ умидвор бўлсалар бўлар эрди!»—дедилар».

120- боб. Агар киши узоқ вақт уйда бўлмаган бўлса, «Оилам менга хиёнат қилмаяптимики?» деган ёмон ўй бирлан кечаси келиб эшикни тақиллатмасин!

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кишининг тўсатдан кечаси сафардан келиб эшигини тақиллатмоғини макруҳ кўрар эрдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз узоқ вақт уйингизда бўлмаган бўлсангиз, тўсатдан кечаси келиб эшигингизни тақиллатмангиз!» —дедилар».

121-боб. Бола кўрмоқ (фарзандли бўлмоқ) иштиёқи

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга ғазотда эрдим. Ортимизга қараб йўлга чиққанимизда имиллаб кетаётган туямни тезлатдим, шунда бир киши кетимдан уловда етиб келди, ўгирилиб қарасам, бу Жаноб Расулуллоҳ эрканлар. «Намунча шо-шилмасанг!»—дедилар. «Чиллали куёвман»,— дедим. «Бокира қизга уйландингми ёки жувонгами?» — дедилар. «Жувонга»,— дедим. «Агар бокира қизга уйланинганда эрди, бир-бирингиз бирлан вақтхушлик қилар эрдингизлар!» — дедилар. Етиб келгач, уй-уйимизга кирмоқчи бўлдик. Шунда ул зот: «Кеч бўлгунча кутингизлар, кейин кирасизлар, чунки аёлларингиз ўзига оро бериб олсин, сизлар ҳам соч-соқолларингизни тарашлаб олингизлар!» — дедилар. Сўнг, ул зот менга қараб: «Эй Жобир, фикру ўйингда жимоъ бўлсин!» (яъни, «Фарзандли бўлмоғинг керак!»)— дедилар».

122-боб. Сафардан қайтган эркаклар соч-соқолларини тарашлаб, аёллар эрса тўзиган сочларини тараб олсинлар!

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Биз Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга ғазотда эрдик. Ортимизга қайтиб, Мадинага яқинлашганимизда имиллаб юраётган туямни тезлаштирдим. Шунда ортимдан бир киши уловда етиб келиб, қўлидаги найза (асо) бирлан туямни бир нуқиб эрди, сен билган энг яхши туялар каби гижинглаб кетди. Ўгирилиб қарасам, бу Жаноб Расулуллоҳ эрканлар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, мен ҳали чилласи чиқмаган куёвман!» — дедим. Ул зот: «Уйландингми?»— дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Ул зот: «Бокирагами ёки жувонгами?» — дедилар. Мен: «Жувонга»,— дедим. Ул зот: «Бокирага уйланинганда эрди, ўзаро дилхушлик қилган бўлар эрдингизлар!» — дедилар. Етиб келгач, уй-уйимизга кириб кетаётган эрдик, ул зот: «Кечгача ошиқмангизлар, кейин кирасизлар, токи аёлларингиз тўзиган сочларини тараб, сизлар эрсангиз соч-соқолларингизни тарашлаб олингизлар!» — дедилар».

123-боб. Оллоҳ таолонинг «Ва кўрсатмайдилар зийнатларини (жамолларини) эрларидан бўлакларга...» деган қавли ҳақида

Абу Ҳозим ривоят қиладилар: «Одамлар Жаноб Расулуллоҳнинг Уҳуд кунидаги жароҳатлари нима бирлан даволангани хусусида баҳслашиб қолишди. Кейин, шу ҳаққа Саҳл ибн Саъд ас-Соъидийдан сўрашди. Ул киши Жаноб Расулуллоҳнинг тирик қолган энг сўнгги мадиналик саҳобалари бўлиб, бундай дедилар: «Буни мендан кўпроқ биладирган одам қолмади. Ўшанда Фотима алайҳоссалом ул зотнинг юзларидан оқаётган қонни ювган, Ҳазрат Али эрса қалқонида сув келтириб берган эрди. Сўнг, бўйрани куйдириб, кулини жароҳатларига босган эрди».

124-боб. Оллоҳ таолонинг «Сизлардан балоғатга етмаганлар...» деган қавли хусусида

Абдурраҳмон ибн Аббос ривоят қиладилар: «Мен бир кишининг Ибн Аббосдан: «Сиз Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга қурбон ёки рамазон ҳайтида бўлганмисиз?» — деб сўраганини эшитдим. Шунда Ибн Аббос бундай деб жавоб бердилар: «Ҳа, бўлганман. Агар мен ул зотга суюкли бўлмаганимда, ёш болалигим сабабли бирга бўлолмаган бўлар эрдим. Ўшанда Жаноб Расулуллоҳ чиқиб намоз ўқидилар, сўнг ваъз айтдилар, лекин на азон ва на такбир ҳақида эслатмадилар. Кейин, аёлларнинг қошига бориб, уларга ҳам ваъз айтдилар ва панд-насихат қилиб, садақа бермоқни амр қилдилар. Шунда мен аёлларнинг кулоқларига ва бўйинларига қўлларини узатиб, исирға ва маржонларини Ҳазрат Билолга олиб беришаётганини кўрдим. Шундан кейин, Жаноб Расулуллоҳ бирлан Ҳазрат Билол уйларига кетишди».

125- боб. Кишининг ўз дўстига (ўртоғига); «Бу кеча жимом қилдингизми?» — деб айтмоғи ҳамда кишининг ўз қизининг биқинига туртиб дашном (жазо) бермоғи ҳақида

(Бу ерда юқоридаги сарлавҳанинг биринчи қисмига тааллуқли ҳадис берилмаган. 1-жилддаги «Жаноза» китобида келтирилган. Анас ибн Моликнинг қуйидаги ҳадиси назарда тутилган бўлиши мумкин: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари (Умму Гулсумнинг) жанозасида эрдик. Қарасам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр ёнида ўлтирибдилар-у, кўзларидан дув-дув ёш оқаётир. Ногаҳон, ул зот: «Орангизда бу кеча хотинига яқинлик қилмаган бирор киши борми?» — деб сўрадилар. Шунда Талҳа: «Мен»,— дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ундай бўлса, қабрга тушгил!» — дедилар. Талҳа (маййитни лаҳадга қўйгани) қабрга тушдилар»).

Оиша разияллоҳ у анҳо ривоят қиладилар: «Отам Абу Бакр ас-Сиддиқ менга дашном (жазо) бериб, қўллари бирлан биқинимга турта бошладилар, шунда мен Жаноб Расулуллоҳ бошларини тиззамга қўйиб ухлаётганлари учунгина қимирлай олмаган эрдим».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ «ТАЛОҚ» КИТОБИ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй пайғамбари мухтарам! (Умматларингизга айтингизки), қачон хотинларингизга талоқ бермоқчи бўлсангизлар, талоқ қилингизлар уларни иддаларин аввалида ва сақлаб турингизлар иддани» (яъни, агар хотинларингизга талоқ бермоқчи бўлсангизлар, хотин ҳайздан пок бўлиб, ғусл қилгандан кейин ҳамда у бирлан ётмасдан туриб талоқ қилингизлар ва ҳар иккинги иддани хотираларингизда тутингизлар).

«Аҳсайноҳу» — «уни ёдда тутдик ва ҳисобга олиб қўйдик», «талоқус-сунна» — «хотинни ҳайздан покланган ҳолда, унга яқинлик қилмай икки гувоҳ ҳузурда талоқ қилмоқлик».

Нофиъ разияллоҳу аиҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу аиҳу хотинини ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилди. Бу воқеа Жаноб Расулуллоҳнинг ҳаётлик вақтларида бўлган бўлиб, Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб ул зотдан шу ҳақда сўрадилар. Ул зот: «Бориб айтгил, уни қайта никоҳлаб олсин, кейин ҳайздан поклангунига қадар уйда ушлаб турсин, кейин яна ҳайз кўриб, ҳайздан поклансин, кейин агар истаса, уйда олиб қолиб яшайверсин, агар йстамаса, унга яқинлик қилмай туриб талоқ қилсин! Бу Оллоҳ таоло амр қилган идда бўлиб, шунга биноан аёллар талоқ қилинади»,— дедилар».

1- боб. Агар аёл ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилинган бўлса ҳам, талоқ ҳисобга ўтади!

Анас ибн Сурин ривоят қиладилар: «Ибн Умар хотинини ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилди. Ҳазрат Умар буни Жаноб Расулуллоҳга айтиб эрдилар, ул зот: «Уни қайта никоҳлаб олсин!»—дедилар. Ҳазрат Умар. «Ҳайз ҳолида талоқ қилган бўлса ҳам, талоқ ҳисобга ўтадимми?» — дедилар. Ул зот: «Бўлмасачи!» — дедилар».

Юнус ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Ибн Умар: «Жаноб Расулуллоҳ отамга «Бориб айтгил, уни қайта никоҳлаб олсин!» деб айтибдилар»,— деди. Мен: «Ҳайз ҳолида талоқ қилинса ҳам, талоқ ҳисобга ўтадимми?»— дедим. Ибн Умар: «Қариб, мияси айниб қолган деб ўйладингизми?!» — деди».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Ибн Умар: «Мен хотинимни ҳайз ҳолида талоқ қилиб эрдим, у менга талоқ қилинган ҳисобланди»,— деди».

2- боб. Талоқ қилган киши ҳақида. Киши хотинига юзланиб туриб уни талоқ қилганини айтадимми?

Оиша разияллоҳу аиҳа ривоят қиладилар: «Ал-Жу-уннинг қизи Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига киритилиб, ул зот унга яқин борганларида: «Оллоҳ таоло сиздан мени ўз паноҳида асрасин!» — деди. Ул зот унга: «Энди, сен буюк зотнинг (Оллоҳ таолонинг) паноҳидасан, оиланга (уйингга) кетавер!»—дедилар».

Абу Усайд разияллоҳу аиҳу ривоят қиладилар: «Биз (Жаноб Расулуллоҳ уйланганларида) йўлга чиқиб, аш-Шавт номли бир чорбоғ томон йўл олдик ва ниҳоят икки чорбоғ оралиғига етиб келиб, дам олгани ўлтирдик. Жаноб Расулуллоҳ бизга: «Шул ерда ўлтира турингизлар!»— дедилар-да, чорбоққа кириб кетдилар. Ул зот ўзлари бирлан бир сават тортиқ олиб келган бўлиб, мен уни ан-Нуъмон ибн Шароҳбил қизи Умайя дояси бирлан ўлтирган хурмозор ичидаги уйга олиб кириб қўйдим. Жаноб Расулуллоҳ Умайянинг ҳузурига қўшилмоқ бўлиб кирганларида, унга: «Келгил, ўзингни менга тўхфа қилгил!»—дедилар. Шунда Умайя ул зотга: «Малика ҳам ўзини ўз фуқаросига тортиқ қиладими?!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ уни тинчлантирмоқ учун қўлларини унга узатиб эрдилар, у: «Оллоҳ таоло мени сиздан ўз паноҳида асрасин!»—деди. Ул зот: «Энди, сен (унинг) паноҳидасан!»—дедилар-да, бизнинг ҳузуримизга чиқиб келдилар. Кейин: «Эй

Абу Усайд, унга икки бош-оёқ, сарпо кийгизгин-да, уйига жўнатиб юбор!»—дедилар».

Аббос ибн Саҳл ва Абу Усайд ривоят қилишади. «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Шарoҳбил қизи Умайяга уйландилар. Умайя Жанoб Расулulloҳнинг хузурларига киритиб юборилганда ул зот унга қўл узатдилар. Шунда у буни ёктирмагандек бўлди. Жанoб Расулulloҳ (дарҳол) Абу Усайдга қизни йўлга тайёрлаб, унга икки бош-оёқ сарпо кийгизиб, сўнг уйига жўнатиб юбормокни амр қилдилар».

Абу Ғаллоб Юнус ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Мен Ибн Умарга; «Бир киши хотинини ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилибди»,— дедим. У: «Сен Ибн Умарни танийсан («Бу менман» демоқчилар). У хотинини ҳайз ҳолида талоқ қилди. Кейин, Ҳазрат Умар Жанoб Расулulloҳга шу ҳақда айтдилар. Ул зот хотинимни қайта никоҳлаб олмоғимни, сўнг ҳайздан поклангач, истасам уни талоқ қилмоғимни амр қилибдилар»,— деди. Мен: «Ҳайз ҳолида қилинган талоқни талоқ, деб ҳисобладиларми?» — дедим. У: «Қариб, мияси айниб қолган, деб ўйлаяпсанми?!»—деди».

3- бoб. Уч талоққа ижозат берган киши ҳақида. Оллоҳ таоло: «Талоқ икки бор (қайтарилур), кейин (хотинни) яхшилиқ ила никоҳда сақланур ёки хуш қилиб қўйиб юборилур...»,— дейди

(Исломдан аввал арабларда қоида шул эрдик, улар хотинларини ўн ва ҳатто йигирма марта талоқ қилгандан кейин ҳам, иддалари тугамай туриб яна қайтариб олур эрдилар. Юқоридаги оят жоҳилият давридаги ана шул қоидани бекор қилди, Оятнинг мазмуни шуки, бир эр ўз хотинини икки бор талоқ қилиб, яна қайта олмоғи мумкин, лекин бу идда мобайнида бўлур. Агар идда муддати тугаган бўлса, ул ҳолда ихтиёр хотиндадур. Эр икки бор хотинини талоқ қилгандан кейин, ярашиб яна учинчи бор талоқ қилса, хотин бошқа бир кишига тасодифан тегиб чиқиб, иддаси тугагандан кейингина аввалги эрига ҳалол бўлгай).

Ибн Зубайр хотинини талоқ қилган бемор эр хусусида гапириб: «Унинг талоқ қилинган хотини ундан мерос олади, деб ҳисобламайман»,— дедилар. Шаъбий эрсалар: «Ундан мерос олади»,— дедилар. Ибн Шубрума: «Ўша хотин, идда муддати тугаса, эрга тегадими?»—дедилар. Ибн Зубайр: «Ҳа»,— дедилар. Ибн Шубрума: «Агар унинг кейинги эри ҳам ўлса, ундан мерос олмайди, деб ҳисоблар эркансизда!» — дедилар.

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Уваймир ал-Ажалоний Осим ибн Адий ал-Ансорийнинг хузурига келиб, унга: «Эй Осим! Нима деб ўйлайсан, агар бир киши хотинини бегона бир киши бирлан тутиб олса, у ўша эркакни ўлдирадими ёки уни сизлар ўлдирасизларми, унга нисбатан қандай чора кўрилади? Илтимос, Жанoб Расулulloҳдан шул ҳақда сўраб билиб бергил!» — деди. Осим шул ҳақда Жанoб Расулulloҳдан сўраб эрди, ул зот бу масалани айбли ҳисоблаб, жавоб бергилари келмади, ҳатто Осимни шундай қаттиқ уришиб бердиларки, у сўраганига пушаймонлар еди.

Осим уйига қайтиб келгач, Уваймир келиб: «Эй Осим! Жанoб Расулulloҳ нима дедилар?»—деди. Осим: «Менга яхши бўлмади, Жанoб Расулulloҳ сен сўраган масала хусусида жавоб бермокни истамадилар»,— деди. Уваймир: «Оллоҳ таоло ҳақи! Буни сўраб билиб олмагунимча, қўймайман!» — деди-да, Жанoб Расулulloҳнинг хузурларига жўнади. Етиб борганида, ул зот одамлар қуршовида турган эрдилар. «Ё Расулalloҳ! Нима дейсиз, агар бир киши хотини бирлан бошқа бир кишини тутиб олса, уни ўзи ўлдирадими ёки уни сизлар ўлдирасизларми, унга нисбатан қандай чора кўрилади?»—деди Осим. Жанoб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло сен бирлан рафиқанг хусусида ҳозиргина оят нозил қилди. Бор, хотинингни олиб кел!» — дедилар. Кейин, улар иккаласи бизнинг хузуримизда бир-бирларини мулоъана қилишди (яъни, ҳар бири ўзининг ҳақ эрканлигини айтиб, бир-бирини лаънатлади). Мулоъанадан қутилганимизда, Уваймир: «Ё Расулalloҳ! Агар уни хотин қилсам, унга тухмат қилган бўламан»,— деди-да, унга Жанoб Расулulloҳ амр қилмасла-ридан бурун, уни ўзи уч талоқ қилди». Ибн Шихoб: «Ўша йили мулоъана қилувчилар йили бўлган эрди»,— дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Рифоъат ал-Қуразийнинг хотини Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ! Рифоъат мони қатъиян талоқ қилди. Кейин, мен Абдуррахмон ибн аз-Зубайр ал-Қуразийга тегдим. Лекин, унинг олати мана бу попук янглиғ бўш (юмшоқ) эркан»,—деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Менимча, сен илгариги эринг бўлмиш Рифоъатга қайтиб тегмоқчига ўхшайсан, аммо илгариги эринг завқ олгани каби то у сенинг ва сен унинг асалдонидан завқ олмас эркансан, бу мумкин эрмас!»—дедилар».

4- боб. Хотинларига танлаш ихтиёрини берган киши хусусида. Оллоҳ таоло: «Эй пайғамбари муҳтарам, сиз ўз хотинларингизга айтингизки, агар сизлар дунё ҳаётини ва унинг зийнاتини истасангизлар, келингизлар, мен сизларга бир оз фойда етказай-да, сўнг сизларга яхшилик ила рухсат берай!»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга танлаш ихтиёрини бердилар, биз (хотинлар) Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини танладик ва буни бизга талоқ, деб ҳисобламадилар (яъни, Мадинани забт этмоқ, мусулмонларни асир қилмоқ ва ислом динини поймол этмоқ умидида келган кофирларни

Оллоҳ таолонинг ўзи даф қилди, мусулмонларни душманга рўбарў қилмади. Жаноб Расулуллоҳнинг хотинлари, душман даф қилиниб, халқ бироз осуда ва ором олганини кўришгач, Жаноб Расулуллоҳдан ўзларининг таъминотларини кўпайтиришни талаб қилмоқчи бўлишди. Жаноб Расулуллоҳ уларнинг бу ниятларидан хабар топиб, хафа бўлдилар-да, бир ойгача уларнинг ҳузурига кирмасликка онт ичдилар ва масжидга яқин бир болохонада танҳо турдилар. Ҳазрат Абу Бакр ас-Сиддиқ ва Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳумо бу воқеани эшитишиб ранжишди-да, ўз фарзандлари Оиша бирлан Ҳафса оналаримизга танбих беришди. Сўнг, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига киришиб, ул зотнинг муборак қалбларини ширин сўзлар бирлан ёзишди. Бир ойдан сўнг, Оллоҳ таолонинг юқоридаги «Тахйир» (Бу дунё ҳаёти бирлан унинг зийнاتини ёки Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини танлаш ихтиёри берилганлиги ҳақидаги) ояти каримаси нозил бўлди. Жаноб Расулуллоҳ бу оятни аввал Оиша онамизга эшиттирдилар, шунда Оиша онамиз Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини танладилар, бошқа оналаримиз ҳам Оиша онамиз янглиғ иш тутишди).

Исмоил разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо Масруқдан Жаноб Расулуллоҳнинг ўз хотинларига танлаш ихтиёрини берганликлари хусусида сўраб: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга танлаш ихтиёрини бердилар, бу талоқмикин?» — дедилар. Масруқ: «Хотиним (никоҳ вақтида) мени танлаган бўлганидан кейин, менинг унга яна бир ёки юз марта танлаш ихтиёрини бермоғимнинг менга қизиғи йўқ!» — деди».

5- боб. Агар эр хотинига «Мен сени тарк этдим» ёки «Мен сенга рухсат бердим» ёки «Бўшсан» ёки «Эрқлисан» деб айтса-ю, бундан талоқ қилмоқни назарда тутмаган бўлса, ниятидаги бўлади!

Оллоҳ азза ва жалла: «Ва рухсат берингизлар уларга яхшилик ила!» — дейди. Оллоҳ таоло яна: «Ва сизларга яхшилик ила рухсат берай (деб айтгил!)» — дейди. Шунингдек, Оллоҳ таоло: «Яхшилик ила никоҳда сакланур ёки хурсанд қилиб (махрларини бериб) кўйиб юборилур»,— дейди. Оллоҳ таоло: «Ёки уларни яхшилик ила тарк этингизлар!» — деб ҳам айтади.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ўргатдиларки, ота-онамиз бизни ул зотдан ажралмоғимизга буйруқ бера олмас эрканлар».

6- боб. «Сен менга ҳаромсан!» деб хотинига айтган эр хусусида

Ҳасан разияллоҳу анҳу: «Ниятидаги бўлади»,— дейдилар.

Илм аҳли: «Агар эр хотинини уч талоқ қилган бўлса, хотини унга ҳаромдур!» — дейишиб, «ҳаром» сўзини «талок» ва «ажралиш» маъносида қўллашади. Бу ердаги «ҳаром» сўзи таомга нисбатан ишлатиладиган «ҳаром» каби эрмас, чунки ҳалол таомни ҳаром дейилмайди, балки талоқ қилинган аёлни ҳаром дейилади. Оллоҳ таоло уч талоқ хусусида: «Бундан кейин ул хотин унга ҳалол Сўлмас, токи бошқа бир эрга никоҳ қилинмаса»,— дейди. Ибн Умардан агар уч талоқ қилган кишилар ҳақида сўралса, «Башарти бир бор ёки икки бор талоқ қилган бўлсанг, ул ҳолда Жаноб Расулуллоҳ менга қайта никоҳлаб олмоқни амр қилганлар ва агар уч бор талоқ қилган бўлсанг, унда хотининг сендан бўлак эрга никоҳланмагунча сенга ҳаромдур!» — дер эрдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир киши хотинини талоқ қилиб эрди, эрга тегиб кетди. Кейин, у ҳам уни талоқ қилди. Чунки, унинг олати попук сингари лапашанг бўлиб, хотин ундан қониқмас эрди. Шул боисдан ҳам у уни тезда талоқ қилган эрди. Ўшал хотин Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ! Эрим мени талоқ қилди, кейин мен бошқа эрга тегиб эрдим, у оляти попук сингари лапашанг бўлганидан аранг бир марта яқинлик қила олди, холос, шунда ҳам мени қониқтира олгани йўқ. Энди, мен илгариги эримга ҳалол бўламанми?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Илгариги эринга, токи ҳозирги эринг сенинг ва сен унинг асалдонидан завқ олмас эркансан, ҳалол бўлмайсан!» — дедилар».

6- боб. Оллоҳ таоло сизга ҳалол қилган нарсани ўзингизга ҳаром қилмангиз!

Саъид ибн Жубайр Ибн Аббоснинг «Агар киши хотинига: «Сен менга ҳаромсан!» — деса, талоқ; бўлмайди, чунки сизлар учун Жаноб Расулуллоҳда яхши ибратлар мавжуддур!» деб айтганларини эшитган эрканлар

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнаб бинти Жаҳшнинг ҳужрасига кириб, у ерда асал тановул қилиб, узоқ қолиб кетадирган одат чиқардилар. Шунда мен Ҳафса билан тил бириктириб: «Агар Жаноб Расулуллоҳ бирортамизнинг ҳужрамизга кириб келсалар, ул зотга «Сиздан мағфир (асалга ўхшаш сассиқ елим) ҳиди келяптими, мағфир тановул қилдингизми?» деб айтамыз, деб келишиб олдим. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ хотинларидан бирининг ҳузурига кириб эрдилар, у ул зотга бояги гапни айтди. Жаноб Расулуллоҳ: «Йўғ-е, Зайнаб бинти Жаҳшнинг ҳузурига асал тановул қилган эрдим, энди сира ҳам асал тановул қилмайман!» — дедилар. Шунда «Эй пайғамбари муҳтарам! Оллоҳ таоло сизга ҳалол қилган нарсани ўзингизга ҳаром қилмангиз!» деган ояти карима нозил бўлди. Оллоҳ таоло пайғамбаримизнинг «Йўғ-е, асал тановул қилган эрдим» деган гапларини назарда тутиб, Оиша ва Ҳафса онамизга қарата: «Пайғамбар баъзи хотинларига охиста (пичирлаб) бирор сўз айтганда...» — деб мурожаат қилди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам асал ва ҳалвони хуш кўрар эрдилар. Аср намозидан қайтганларида барча хотинларининг ҳузурига бирма-бир кириб, суҳбатлашиб чиқур эрдилар. Кейин, Ҳафсанинг ҳузурига кўпроқ қолиб кетадирган одат чиқардилар, суриштириб билсам, Ҳафсага унинг қавмидан бўлган бир аёл бир идишда асал тортиқ қилган эркан. Жаноб Расулуллоҳ ўша асалдан тановул қилиб, кўпроқ ушланиб қолар эрканлар. Мен ўзимга-ўзим: «Худо ҳақи, ул зотни бир боппаймиз!» — дедим-да, Савда бинти Замъага: «Ул зотнинг ҳузуринга кирмоқлари турган гап, ҳузуринга кирганлари-да: «Мағфир едингизми?» — дейсан, ул зот: «Йўқ»,— дейдилар. Сен: «Сиздан келаётган сассиқ ҳид ниманинг ҳиди?» — дейсан. Ул зот: «Ҳафса менга асал едирган эрди»,— дейдилар. Сен: «Демак, асаларилар урфут гулидан асал олган эркан-да!» — дейсан, мен ҳам шундай дейман»,— деб тайинладим. Сўнг, Сафийяга: «Эй Сафийя, сен ҳам шундай деб айтгил!» — дедим. Ўшанда Савда: «Худо ҳақи, Жаноб Расулуллоҳ ҳужрам эшигига келиб турганларида сен менга буюрган гапни сендан

қўрқанимдангина айтмоқчи бўлдим»,— деб эрди. Жаноб Расулуллоҳ Савдага яқинлашишлари ҳамоноқ, у: «Ё Расулаллоҳ, мағофир едингизми?» — деди. Ул зот: «Йўқ»,— дедилар. У: «Сиздан анқиётган сассиқ ҳид ниманинг ҳиди?» — деди. Ул зот: «Ҳафса менга асал едирган эрди»,— дедилар. У: «Демак, асаларилар урфут гулидан асал олган эрканда!» — деди. Кейин, мен ҳам ул зот ҳузуримга кирганларида шу гапни айтдим, Сафийянинг ҳузурига кирганларида у ҳам шундай деди. Жаноб Расулуллоҳ Ҳафсанинг ҳузурига кирганларида, Ҳафса: «Ё Расулаллоҳ, сизга асал едириб қўяйми?» — деб эрди, ул зот: «Егим келмаяпти»,— дедилар. Шундан кейин, Савда менга: «Худо ҳақи, биз Жаноб Расулуллоҳга асални ҳаром қилиб қўйдик!»—деди афсусланиб. Мен унга: «Овозингни ўчир!» — дедим».

7- боб. Никоҳига олмай туриб талоқ қилолмайди!

Оллоҳ таоло: «Эй мўминлар! Агар мўмина аёлларни никоҳингизга олган бўлсангизлар-у, сўнг уларни жимоъ қилмай туриб талоқ қилган бўлсангизлар, уларни иддада сақламоғингиз лозим эрмас, уларнинг маҳрларини бериб, яхшилик ила қўйиб юборингизлар!» — дейди.

Ибн Аббос юқоридаги оятга биноан «Оллоҳ таоло талоқни никоҳдан кейинга қўйди»,— дедилар. Кўпгина бошқа ровийлар ҳам шул ҳақда ривоят қилишади, жумладан аш-Шаъбий: «Аёл никоҳдан илгари талоқ қилинмайди»,— дейдилар.

8- боб. Агар киши ўз хотинини мажбуран: «Бу менинг синглим»,— деса, у талоқ бўлиб қолмайди!

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иброҳим алайҳиссалом хотинлари Сорани: «Бу менинг синглим»,— деганлар ва бу биргина Оллоҳ аза ва жалланинг ўзига аёнду»,— дедилар.

9- боб. Тутқун ва мажбурнинг ҳамда маст ва мажнуннинг талоғи ҳақида

Талоқ, ширк ва бошқа шунга ўхшаш масала хусусида маст ва мажнунга нисбатан ҳукм бир бўлиб, булар янглишиш ва ақл-хушнинг жойида эрмаслиги оқибатидир. Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Амаллар ниятга боғлиқ бўлиб, ҳар кимга ният қилгани насиб бўлади!» — деб айтганлар. Шаъбий бу ҳақда: «Парвардигоро, агар унутсак ёки хато қилсак ёхуд васваса оқибатида ножоиз хатти-ҳаракатлар қилиб қўйсак, бизни жазоламагил (айбдор қилмагил)!» — деб тиловат қилганлар. Жаноб Расулуллоҳ ўзининг қилган гуноҳини тан олган кишидан: «Жинни эрмасмисан?»—деб сўраганлар. Ҳазрат Али бундай дейдилар: «Ҳамза икки туямнинг қорнини ёрди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ Ҳамзани койий бошладилар, Ҳамза эрсалар маст кўзларини тикиб: «Сизлар отамнинг куллари эрмасмисизлар?!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ Ҳамзанинг маст эрканликларини билиб, ташқарига чиқдилар, биз ҳам ул зот бирлан бирга чиқиб кетдик». Ҳазрат Усмон: «Мажнун ва маст кишининг талоғи ўтмайди»,— дейдилар. Ибн Аббос: «Маст ва мажбур қилинган кишининг талоғи ножоиздур»,— дейдилар. Уқба ибн Омир: «Восвоснинг талоғи жоиз эрмас»,— дейдилар. Ато. «Агар киши хотинини талоқ қила бошлаган бўлса (яъни, биринчи мартадан то учинчи мартагача), ҳар галги талоқнинг ўз шартлари мавжуд»,— дейдилар. Нофий: «Бир киши хотинини қатъийан талоқ қилди, агар хотин эрининг уйидан чиқиб кетса...»,— дедилар. Ибн Умар: «Агар у эрининг уйидан чиқиб кетса, эридан узилкесил ажраган бўлади, башарти чиқиб кетмаса, ул ҳолда ҳечқиси йўқ»,— дедилар. Зухрий «Агар шундай ва шундай қилмасам, хотиним уч талоқ бўлсин!» деб айтганлар ҳақида гапириб: «Ўшал қасамни ичган вақтида қалбида нима деб, нимани ният қилган бўлса, ундан ўша хусусида сўралади. Агар у қасам ичган вақтидаги ўзи истаган мақсади бирлан қалбига тугиб қўйган ниятини айтса, бу унинг иймону

халоллигига ҳавола»,— дейдилар. Иброҳим: «Агар эр хотинига: «Менинг сенга эҳтиёжим йўқ!» — деб айтса, ниятидаги ҳисобга ўтади ва ҳар бир одам ўз тили бирлан талок қилмоғи лозим!» — дейдилар. Қатода: «Башарти, эр (янги уйланган) хотинига «Агар ҳомиладор бўлсанг, уч талоксан!» деб айтса, ул ҳолда у хотинини ҳар гал ҳайздан покланганда бир марта жимов қилади, агар хотинини ҳомиладор бўлгани маълум бўлса, демак бола ўзидан бўлган»,— дейдилар. Ҳасан: «Агар эр хотинига: «Уйингга (отанонаникига) жўна!» — деса, ниятидаги ҳисобга ўтади»,— дейдилар. Ибн Аббос: «Хотинни талок қилсам, ўзимни ризо қилган бўламан, қул озод қилсам, Оллоҳ таолони ризо қилган бўламан!» — дейдилар. Зухрий: «Агар эр хотинига: «Сен хотиним эрмассан!» — деса, ният қилгани ҳисобга ўтади, яъни шунда хотинини талок, қилмоқни ният қилган бўлса, талок бўлади»,— дейдилар. Ҳазрат Али: «Уч тоифа одамларга, яъни мажнун тузалгунча, бола балоғатга етгунча, уйқудаги уйғонгунча гуноҳ ёзилмаслигини билмайсанми?!» — дейдилар. Ҳазрат Али яна: «Ўзинининг талоғидан бўлак барча талок ҳисобга ўтади»,— дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло умматимни кўнглидан ўтказган, аммо қилмаган ёки гапирмаган нарсаси учун гуноҳкор қилмайди» —деб айтганлар».

Қатода: «Кўнглида (ичида) талок қилса, талок ҳисобга ўтмайди»,— дейдилар.

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Аслам қабиласига мансуб бир киши Жаноб Расулуллоҳ масжиддаликларида ҳузурларига келиб, ўзининг зино қилиб қўйганини айтди. Шунда ул зот нафратланиб юзларини ўгириб олдилар. Бояги киши ул зотнинг ўгирилиб олган томонларига айланиб ўтди-да, зино қилганига тўрт марта иқрор бўлиб, ўзига ўзи гувоҳлик берди. Шундан сўнг, Жаноб Расулуллоҳ уни чақириб: «Ўзини-пинни эрмасанми? Уйланганми-сан?» — деб сўрадилар. У: «(Ўзинилик дардим йўқ), уйланганман»,— деди. Ул зот уни намозгоҳда тошбўрон қилмоқни амр қилдилар. У биринчи тош тегиши бирланок кочиби қолди, кейин уни Ҳаррада қувиб етиб, ўлдирдик». Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

10-боб. Хуль (кийимни ечиб бериш) ва бунда талок қандай бўлади?

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва сизлар учун ножоиздур уларга (хотинларга) берган нарсаларингиздан (маҳрларингиздан) бирор нарсани қайтариб олмоқларингиз, лекин эр ва хотин бундан буён Оллоҳ таолонинг ҳукмларига риоя қилган ҳолда бирга яшай олмасак керак, деб кўрқсалар, ул ҳолда хотин маҳридан кечиби ўзини қутқариб олса, ҳар иккаласига гуноҳ бўлмас».

(«Хуль — кийимни ечиб бериш» деган истилоҳнинг мазмуни қуйидагича: Эр ва хотин бир-бирлари учун кийимдур, чунки Оллоҳ таоло: «Хотинлар сизлар учун ва сизлар улар учун кийимдурсизлар»,— дейди. Шунга кўра, агар эр хотинини талок қилгиси келмаса-ю, хотин ўзига берилган маҳр эвазига эридан талок олса ва эр қабул қилиб, унга талок берса, гўёки ҳар иккаласи бир-бирига кийимини ечиб бергандек бўлади).

Ҳазрат Умар аёлни унга берилган талок хатидан бўлак барча маҳри эвазига хуль қилмоқликка ижозат бердилар. Ҳазрат Усмон аёлни унинг бошидаги сочларини танғиб қўядирган боғичидан бўлак барча маҳри эвазига хуль қилмоққа ижозат бердилар.

Товус разияллоҳу анҳу: «Эр ва хотин Оллоҳ таоло ҳар бирига фарз қилган ҳукмларни бундан буёнги ҳаётида бажара олмасликдан чўчиса-ю, лекин эр хотинига аҳмақона гап қилмаётган бўлса, то хотин эрига «Мен сени деб наҳсдан покланмоқ учун ғусл қилиб ўлтирмайман!»—демагунча, хуль ҳалол бўлмайди»,— дейдилар.

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Собит ибн Қайсининг хотини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен Собит ибн Қайсини хуль ва бурч хусусида айблай олмайман, лекин мен исломга зид иш тутишни ҳам истамайман!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Унга боғини қайтариб бермоқчимисан!» — дедилар (яъни, хотин маҳрга берилган боғдан воз кечиби, эридан талок олмоқчи). Хотин: «Ҳа»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ унинг эрига: «Боғни қабул қилгин-да, хотинингга қатъиян талок бер!»

— дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Собит ибн Қайсининг хотини Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен Собит ибн Қайсга бурч ва хулқ хусусида айб қўя олмайман, аммо мен унга тоқат ҳам қилолмайман!» — деди. Ул зот: «Унга боғини қайтариб бермоқчимисан?» — дедилар. Хотин: «Ҳа»,— деди».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Собит ибн Қайсининг хотини Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен Собит ибн Қайсни бурч ва хулқ хусусида айблай олмайман, лекин мен куфрдан қўрқаман»,— деди. Ул зот: «Унга боғини қайтариб бермоқчимисан?» — дедилар. Хотин: «Ҳа»,— деди. Кейин, хотин боғни эрига қайтариб берди, Жаноб Расулуллоҳ эрига амр қилиб эрдилар, у хотинини талоқ қилди».

11-боб. Эр ва хотин орасининг бузилиши ва зарур бўлган чоғда хуль қилмоқни ишора қиладими?

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва агар сизлар эру хотин ўртасининг бузулмоғидан қўрқсангизлар, ул эр хонадонидан бир одил кишини ва хотин хонадонидан бир одил кишини таъйин қилингизлар!»

Мисвар ибн Махрама ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бану Муғийра ўз кизини Алига никоҳлаб бермоқларига ижозат сўрадилар, мен сира ҳам ижозат бермайман, кейин ҳам, ундан кейин ҳам ижозат бермайман! Али кизимни талоқ қилиб, уларнинг қизига уйланмоқни истасагина рухсат бераман, чунки кизим менинг бир бўлагимдур, уни шубҳага солган нарса мени ҳам шубҳага солади, унга азият етказган нарса менга ҳам азият етказди!» — деб айтганларини эшитдим».

12- боб. Чўрининг сотиб юборилиши талоқ ҳисобланмайди

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Чўри Барирага нисбатан адо этилмоғи лозим бўлган учта суннат мавжуд эрди, улардан бири — унинг озод қилиниб, эрини ихтиёр қилмоғига имкон берилганидур. Ўшанда Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳомийлик ҳуқуқи озод қилган шахс қўлига ўтади»,— деган эрдилар. Бир куни ул зот хужрамга кириб келганларида қозонда гўшт қайнаб турган эрди. Олдиларига нон ва уйда мавжуд бўлган хурушлардан келтирилди. Ул зот: «Гўшт қайнатиб қўйилган қозонга кўзим тушди шекилли?» — дедилар. «Ҳа, қозонда гўшт қайнатиб қўйилган, аммо бу гўшт Барирага садақа қилинган гўштдан, сиз эрсангиз садақа емайсиз»,— дейишди. Ул зот: «Бу гўшт Барирага садақа, бизга эрса хадядир!»—дедилар».

13-боб. Чўрининг қулни танламоғи ҳақида

Ибн Аббос: «Мен унинг, яъни Бариранинг эрининг қул эрканлигини кўрганман»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Мен ўшал Муғис Абду Бани фалоннинг, яъни Бариранинг эрининг Мадина кўчаларида Бариранинг кетидан қолмай, унга йиғлаб ёлбораётганини кўриб тургандекмен»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Бариранинг эри қоп-қора қул бўлиб, исми Муғис Абдуннабий эрди. Ҳозир мен унинг Мадина кўчаларида Барирага эргашиб юрганини кўриб тургандекмен»,— дейдилар.

14- боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Бариранинг эрига шафоат қилганлари ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Бариранинг эри қул бўлиб, исми Муғис эрди. Мен унинг Бариранинг кетидан эргашиб, йиғлаб юрганини ва кўз ёшларининг соқолига оқиб тушаётганини кўриб тургандекмен. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Аббос, Муғиснинг Барирага бўлган муҳаббатидан ва Бариранинг Муғисга бўлган нафратидан ажабланмайсанми?» —

дедилар. Жаноб Расулulloҳ Барирага: «Унга қайтиб текканингда эрди!»—дедилар. Барира: «Ё Расулаллоҳ, у менга шарт кўйди»,— деди. Ул зот: «Чунки, мен унга ачинаман»,— дедилар. Барира: «Мен унга мухтож эрмасман!» — деди».

15-боб.

Асвад ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо Барирани сотиб олмоқчи бўлдилар, шунда унинг валийлари валийлик (ҳомийлик) ҳуқуқини ўзларида олиб қолишни шарт қилиб, сотмоқдан бош тортдилар. Оиша онамиз буни Жаноб Расулulloҳга айтиб эрдилар, ул зот: «Уни сотиб олиб, озод қилавер, валоят ҳуқуқи озод қилган шахсниқидур!»— дедилар. Бир куни Жаноб Расулulloҳга гўшт келтиришдида, «Бу Барирага садақа қилинган гўштан»,— дейишди. Ул зот: «Бу Барирага садақа, бизга эрса ҳадядир!» — дедилар».

16- боб. Оллоҳ таолонинг «Мушрик аёлларни улар мўмина бўлмагунларига қадар никоҳингизга олмангизлар! Мушрик аёлдан, агар у сизга ёқиб қолган бўлса ҳам, чўри яхшидур!» деган қавли ҳақида

Нофиъ ривоят қиладилар: «Ибн Умар, агар насроний аёлни ёки яҳудий аёлни никоҳлаб олмоқ ҳақида сўрашса: «Оллоҳ таоло мушрик аёлларни мўминларга ҳаром қилди, мен (мушрик) аёлнинг Оллоҳ таолонинг бандаларидан бири бўлмиш Исони раббим, деб ширк келтирганидан кўра оғирроқ гуноҳини билмайман!»—дер эрдилар».

17- боб. Мусулмон бўлган мушрик аёлларни никоҳлаб олмоқ ва уларнинг иддалари ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Мушриқлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан мўминларга нисбатан икки хил мавқеда эрдилар. Ҳарб қабиласи мушриқлари мўминларга, мўминлар эрса уларга қарши уруш қилишар эрди. Аҳд қабиласи мушриқлари эрса мўминларга қарши уруш қилишмас, мўминлар ҳам уларга қарши уришмас эрдилар. Агар Ҳарб қабиласидан бирор аёл мусулмонлар томонига ўтса, то ҳайз кўриб, ҳайздан покланмагунича, никоҳга олинмас эрди, агар ҳайздан покланса, уни никоҳга олмоқлик руҳсат этилар эрди. Ўшал аёл, агар эри ҳам мусулмонлар томонига ўтса-ю, лекин ўзи хануз бирор мўминга никоҳланмаган бўлса, эрига қайтарилар эрди. Башарти, мушриқларнинг бирорта кули ёки чўриси мусулмонлар томонига ўтса, у озод деб ҳисобланиб, мусулмонлар томонига ўтган озод мушриқларга нисбатан қандай муомала қилинса, унга ҳам шундай муомала қилинар эрди».

Мужоҳид: «Агар Аҳд қабиласи мушриқларининг бирорта кули ёки чўриси мусулмонлар томонига ўтса, қайтариб бермай, нархини тўлашар эрди»,— дейдилар.

Ибн Аббос ривоят қиладилар. «Қурайба бинти Абу Умайя Умар ибн ал-Хаттобнинг хузурларида эрди, кейин уни талоқ қилдилар. Унга Муовия ибн Абу Суфён уйланди. Абу Суфённинг қизи Уммулҳакам эрса Иёз ибн Ғанам ал-Фаҳрийга теккан бўлиб, кейин уни талоқ қилди. Унга Абдуллоҳ ибн Усмон ас-Сақафий уйланди».

18- боб. Эри зиммий ёки Ҳарб қабиласига мансуб бўлган мушрик ёхуд насроний аёллар мусулмон бўлса...

Ибн Аббос: «Агар насроний аёл эридан бир соат илгари мусулмон бўлса ҳам, эрига (умуман) ҳаромдур!» — дейдилар.

Иброҳим ас-Соиз ривоят қиладилар: «Одамлар Атодан: «Аҳд қабиласига мансуб бир аёл мусулмон бўлди, кейин у иддалиқ вақтида эри ҳам мусулмон бўлди, у унинг хотини бўлиб қола оладими?»—деб сўрашди. Ато: «Йўқ, асло! Энди, ўшал хотин эрининг қайта никоҳлаб олмоғини ҳамда бошқа маҳр бермоғини исташи керак бўлади»,— дедилар».

Мужоҳид: «Агар эр хотини мусулмон бўлиб, идда сақлаётган вақтда исломни қабул қилса, унга уйланади»,— дейдилар.

Оллоҳ таоло: «На (мусулмон бўлган) хотинлар (кофир) эрларига в на (кофир) эрлар (мусулмон бўлган) хотинларига ҳалол бўлурлар!» — дейди.

Қатода бир вақтда мусулмон булган мажусий эру хотин хусусида сузлаб: «Улар никоҳланадилар. Агар улардан бири иккинчисидан илгари мусулмон бўлса, мусулмон бўлгани мусулмон бўлмаганидан юз ўгиради, демак мусулмон бўлмаган эр учун мусулмон бўлган хотинига йўл йўқдур!» — дейдилар.

Ибн Журайж ривоят қиладилар: «Мен Атога: «Бир мушрик аёл мусулмонлар томонига ўтди, эри ундан хуль (махр эвазига талоқ бермоқликни) талаб қиладими? Чунки, Оллоҳ таоло: «Улар берган нарсаларни ўзларига қайтариб берингизлар!»—дейди-ку?!» — дедим. Ато: «Йўқ, чунки бу Жаноб Расулуллоҳ бирлан Аҳд қабиласи ўртасида келишиб олинган эрди»,— дедилар».

Мужоҳид: «Бунинг ҳаммаси Жаноб Расулуллоҳ бирлан Қурайш қабиласи ўртасидаги сулҳда қайд этилган»,— дейдилар.

Урва ибн аз-Зубайр ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг хотинлари Оиша онамиз бундай дедилар: «Агар аёллар исломни қабул қилиб Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келишса, уларни қайтариб юбормай имтиҳон қилиб кўрардилар. Чунки, Оллоҳ таоло: «Эй мўминлар! Агар сизларнинг хузурингизга мўмин аёллар келишса, уларни (кофирларга қайтариб бермай) имтиҳон қилиб кўрингизлар!» — дейди. Мазкур аёллардан қайси бири ўшал имтиҳондан ўтган бўлса, демак у оғир синовдан ўтган бўлар эрди. Жаноб Расулуллоҳ аёлларни гапга солиб, иймонлари ҳақиқий эрканлигини билиб олганларидан сўнг, уларга: «Сизларга рухсат, борингизлар, мен сизларни байъат қилдириб (иймонларингизнинг рост эрканлигига онт ичириб) бўлдим!» — дер эрдилар. Худо ҳақи, Жаноб Расулуллоҳнинг қўллари бирор бегона аёлга теккан эрмас, ул зот уларга фақат сўз бирлан мурожаат қилар эрдилар! Худо ҳақи, Жаноб Расулуллоҳ бегона аёлларга Оллоҳ таоло ўзларига амр қилган нарса бирлангина, яъни сўз бирлангина мурожаат қилар эрдилар! «Сизларни байъат қилдириб бўлдим!» деб сўз бирлан мурожаат қилганлари бунинг далилидур».

19-боб. Оллоҳ таолонинг «Хотинларига яқин бормасликка қасам ичадирган одамлар учун тўрт ой муҳлат берилур, бас агар (шул муддатда) қайтсалар, Оллоҳ таоло буюк мағфират соҳиби, ниҳоятда раҳимдил зотдур! Ва агар талоқ қилмоқни қасд қилсалар, албатта Оллоҳ таоло эшитгувчи, билгувчидур!» деган қавли хусусида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларини ийлоъ қилдилар, яъни бир ой бирга турмайман, деб онт ичдилар. Оёқлари ёрилиб (синиб) кетган бўлиб, болохоналарида ёлғиз ўзлари йигирма тўққиз кун турдилар. Сўнг, хотинлари хузурига кирдилар, шунда улар: «Ё Расулаллоҳ, бир ойга қасам ичиб эрдингиз-ку?!» — дейишди. Ул зот: «(Бу) ой йигирма тўққиз кундур!» — дедилар».

Нофиъ ривоят қиладилар: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу ийлоъ ҳақида сўзлаб, «Эрлар Оллоҳ таоло амрига мувофиқ хотинларни идда муддатлари тугагандан сўнг, яхшилик ила никоҳда сақлаб турмоқлари ёки талоқ қилмоққа азм қилмоқлари лозим бўлади»,— дейдилар».

Нофиъ ривоят қиладилар: «Ибн Умар: «Агар хотинини ийлоъ қилганига тўрт ойдан ошса, уни талоқ қилгунига қадар уйида ушлаб туради. Бунда, то талоқ қилгунига қадар хотини талоқ ҳисобланмайди»,— дейдилар. Бу ҳақда Ҳазрат Усмон, Ҳазрат Али, Абу Дардоъ, Оиша онамиз ҳамда Жаноб Расулуллоҳнинг ўн икки саҳобалари ҳам айтишган».

20-боб. Йўқолган одам ва йўқолган молнинг ҳукми

Ибн ал-Мусайяб: «Агар эр жанг вақтида дом-дараксиз йўқолиб қолса, хотини бир йил уни кутади. Ибн Масъуд бир чўрини сотиб олган эрдилар, бир йилга қадар унинг эгасини излаб тополмадилар. Кейин, бир-икки дирҳамдан ажратиб, садақа қила

бошладилар-да: «Ё парвардигоро, бу фалончига (яъни, чўрининг топилмаган эгасига) беришим керак бўлган қарзим учундур!» — дер эрдилар ҳамда бизга: «Топилмага нисбатан шундай иш тутингизлар!» — деб тайинлар эрдилар».

Зухрий асирга тушиб қолган киши ҳақида: «Унинг қаердалиги маълум бўлса, хотини эрга тегмайди, унинг моли ҳам тақсимланмайди. Агар эр дом-дараксиз йўқолиб кетса, хотини бир йил кутади»,— дейдилар.

Мунбаъиснинг мавлоси Язид ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳдан йўқолган (топиб олинган) қўй ҳақида сўрашди. Ул зот: «Уни ўзингга олавер, чунки у сеники ёки бирор биродарингники ёки бўриникидур!» — дедилар. Кейин, топиб олинган туя ҳақида сўрашди. Шунда ул зот қаттиқ ғазабландилар, ҳатто юзлари қизариб кетиб: «У бирлан ишинг бўлмасин, унинг озуқа ва суви ўзи бирлан, агар оч қолса, эгаси топиб олгунча сув ичиб, ўт еб юраверади!» — дедилар. Сўнг, топиб олинган ҳамён ҳақида сўрашди. Ул зот: «Уни очиб, ичидагини кўр, сўнг бир йил давомида уни топиб олганинг ҳақида овоза қил, агар эгаси чиқмаса, уни молингга қўшиб юборавер!» — дедилар».

21- боб. Зиҳор ва Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ таоло унинг сен бирлан айтишиб айтган сўзини эшитди («Кимнинг қурби етмаса, олтмиш мискинни тўйғазсин!» деган қавлигача)» деган қавли хусусида

(«Зиҳор — кишининг ўз хотинига: «Сен менинг учун онамнинг бели кабидурсан!», яъни «Онамнинг белига минмоғим мумкин бўлмаганидек, энди сени ҳам мина олмайман!» деб айтмоғидур. Шундай деб хотинидан аразлаган эр, ярашганидан сўнг, ичган онтига каффорат бермоғи лозимдур).

Молик разияллоҳу анҳу Ибн Шихобдан қулнинг зиҳори хусусида сўрадилар. Ул киши: «Озод кишининг зиҳори кабидур»,— дедилар.

Молик: «Хотинини зиҳор қилган қул ичган онти каффоратига икки ой рўза тутиб беради»,— дейдилар.

Ҳасак: «Озод кишининг озод хотинини зиҳор қилмоғи бирлан қулнинг чўрини зиҳор қилмоғи ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқдур»,— дейдилар.

Икрима: «Агар киши чўрисини зиҳор қилса, ҳечқиси йўқ, чунки зиҳор кишининг ўз хотинига нисбатан шаръий ҳукмга эгадур»,— дейдилар.

22- боб Талоқ қилганини ёки бирор нарсани тасдиқлаётганини ёхуд бирор нарсдан қайтарганини ёинки бирор нарса хусусида амр қилганини ишора бирлан англамоқ ҳақида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло (майитга овоз чиқармай) тўкилган кўз ёши учун азобламайди, аммо у мана бу (бирлан дод-вой солингани) учун азоблайди» — деб тилларига ишора қилдилар».

Қабъ ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга «ярмини ол!» деган маънода (қўллари бирлан) ишора қилдилар

Асмо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуёш тутилганда намоз ўқидилар. Мен Оишага: «Одамларга не бўлди?»— дедим. У боиш бирлан Қуёшга ишора қилди. Мен «(Қиёмат) аломатими?»— дедим. У намозда турган ҳолда гапимни маъқуллаб бош ирғади».

Анас: «Жаноб Расулуллоҳ Абу Бакр ас-Сиддиққа («Бери келингиз!» деб) қўллари бирлан ишора қилдилар»,— дейдилар.

Ибн Аббос: «Жаноб Расулуллоҳ «Гуноҳи йўқ!» деб қўллари бирлан ишора қилдилар»,— дейдилар

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромдаги кишининг ов қилмоғи ҳақида гапиратиб! «Бирортангиз «Ҳамла қилгил!» деб унга буюрдингизми ёки ўлжага ишора қилдингизми?» — дедилар. Одамлар «Йўқ»,— дейишди.

Ул зот «Ундай бўлса, еяверингизлар!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Байтуллоҳни тавоф қилдилар, ҳар гал руқн олдига келганларида унга (асолари бирлан) ишора қилиб қўйиб, такбир айтар эрдилар».

Зайнаб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Яъжуж ва Маъжуж олдидаги тўсиқ мана шунча ва мана шунча очилди ва тўқсон фоиз бойланди (яъни, ўн фоиз бўшатилади)»,— дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Жаноб Расулуллоҳ): «Жумъа кунда бир муайян вақт бордур. Мусулмон банданинг намоз ўқиб турган вақти ўша вақтга тўғри келиб қолмоғи қийиндур, борди-ю тўғри келиб қолса, банда Оллоҳ таолодан нимаики сўраса, тилаги мустажоб бўлгайдур»,— дедилар-да, муборак қўллари бирлан ўшал вақтнинг қисқалигига ишора қилдилар»

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлик вақтларида бир яҳудий бир жорияга тажовуз қилиб, унинг исирғасини тортиб олди-да, бошини тош бирлан уриб ёрди. Жорияни қариндошлари Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига рамакижон ҳолда келтиришди, у сўзлай олмас эрди. Ул зот: «Сени фалончи ўлдирдимми?» — деб яҳудийдан бўлак бир одамнинг исмини айтдилар. Жория «йўқ» деган маънода боши бирлан ишора қилди. Ул зот: «Сени фалончи ўлдирдимми?» — деб яна бошқа бир одамнинг исмини айтдилар. Жория яна «йўқ» деган маънода боши бирлан ишора қилди. Ул зот: «Унда, фалончи ўлдирдимми?» — деб уни ўлдирган яҳудийнинг исмини айтдилар. Жория бу сафар «Ҳа» деган маънода боши бирлан ишора қилди. Шундан сўнг, Жаноб Расулуллоҳ ўшал яҳудийни олиб келмоқни амр қилдилар, уни олиб келишгач, бошини икки тош орасига қўйдириб, мажақлаттирдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг машриққа ишора қилиб: «Фитна ўша томондан чиқади!»—деб айтганларини эшитдим».

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдик. Куёш ботгач, бир кишига: «Уловингдан тушиб, менга талқон қориб бер (яъни, талқонга сув ёки сут аралаштириб бер)!»— дедилар. Бояги киши: «Ё Расулаллоҳ, бироз кўтсангиз бўларди!»— деди. Бироз юришгач, ул зот яна: «Уловингдан тушиб, менга талқон қориб бер!»— дедилар. Бояги киши бу гал ҳам: «Ё Расулаллоҳ, яна бироз кутсангиз (кечроқ оғиз очсангиз) бўларди, оғиз очишингизга ҳали вақт эрта-ку!»— деди. Яна бироз юрилгач, ул зот учинчи бор: «Уловингдан тушиб, менга талқон қориб бер!»— дедилар. У уловидан тушиб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга талқон қориб берди, ул зот уни ичиб оғиз очдилар. Кейин, машриққа қўллари бирлан ишора қилиб: «Агар туннинг (қоронғуликнинг) ўшал томондан босиб келаётганини кўрсангизлар, рўзадор оғиз очаверади»,— дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билоннинг нидоси (азони) бирортангизга саҳарликни манъ қилмайди, чунки у саҳарликка турган кишининг бомдодгача мизғиб олмоғига ҳали вақти борлигини маълум қилади. Бу унинг бомдодга чақириб азон айтгани эрмас»,— дедилар-да, Ҳазрат Билоннинг азонлари бирлан бомдод азони оралигида бироз мизғиб олмоққа вақт борлигини англатиш мақсадида иккала қўллари кўтариб, бирини иккинчисидан узоқроққа чўздилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бахил бирлан қўли очик одам кўкрагидан то бўғзигача темир жубба (совут) кийиб олган икки кишига ўхшайди. Қўли очик одам бир нарса эҳсон қилди дегунча, совутининг ҳалқалари бўшашиб, баданидаги совут излари йўқолгайдир. Аммо, бахил одам садақа қилмоқчи бўлиши бирланок, жуббасининг ҳар бир ҳалқаси кўкрагу бўйнини тобора кўпроқ қиса бошлагай, у ҳарчанд чиранмасин, жубба кенгаймагай»,— дедилар-да, бўғизларига бармоқлари бирлан ишора қилдилар»

23- боб. Лиён ва Оллоҳ таолонинг шу хусусдаги қавли: «Ва ул одамларики тухмат қилурлар хотинларига, агар бўлмаса аларнинг гувоҳлари ўзларидан бўлак, бундай одамнинг гувоҳлиги шулки, тўрт марта худога қасамёд қилиб: «Албатта, мен рост айтаё-тирман!» — дер»

Агар соқов эр хотинини ёзма ёки тушунарли имо-ишора бирлан қазаф қилса (зинокорликда айбласа), унинг қазафи тили соғ кишининг қазафи бирлан баробардур. Чунки, Жаноб Расулуллоҳ фароиз борасида ишорага ижозат берганлар, буни айрим хижозликлар ва уламолар ҳам тасдиқлашади. Оллоҳ таоло: «Кейин, Марям бола тарафига ишора қилди, улар: «Биз нечук бешиқда ётган болага сўзлай оламиз?» — дедилар»,— дейди. Заҳҳок: «Имо-ишорасиз қазаф қилмоғи даркор»,— дейдилар. Айрим кишилар: «Агар соқов имо-ишора бирлан қазаф қилса, хотинига ҳадд жазоси берилмайди ҳам, улар лиён қилинмайдилар ҳам» — деб, сўнг: «Ёзма ёки имо-ишора бирлан талоқ қилмоқлик жоиздур ва талоқ бирлан қазаф ўртасида фарқ йўқдур» — деб таъкидлашади. Шунга биноан, агар улар қазаф фақат оғзаки маълум қилинади—дейдирган бўлсалар, демак талоқ ҳам фақат оғзаки маълум қилинсагина, жоиз бўлишини уларга айтмоқ керак бўлади, акс ҳолда талоқ ҳам, қазаф ҳам ботил бўлиб, соқовнинг хотини ҳам, ўзи ҳам мулоъана қилинади. Шаъбий ва Қатода: «Агар (соқов) бармоқлари бирлан «Сен талоқсан!» деб ишора қилса, ишорасига асосан хотини ундан ажратилади»,— дейишади. Иброҳим: «Соқов эр, агар ўз қўли бирлан қазафнома ёзиб берса, қабул қилмоқ лозимдур»,— дейдилар. Ҳаммод: «Соқов ва гаранг, агар боши бирлан қазаф қилганини ишора қилса, жоиздур»,— дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ансорларнинг энг яхши ҳовлиси (хонадони) ҳақида сизларга хабар берайинми?» — дедилар. «Ҳа, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Ул зот: «Бану ан-Нажжор, сўнг улардан кейинги Абд ал-Ашҳал, сўнг улардан кейинги Бану ал-Ҳарс ибн ал-Хазраж, сўнг улардан кейинги Бану Соъида»,— дедилар. Кейин, қўллари бирлан бир томонга ишора қилиб, бармоқларини жуфтладилар-да, тош отгандек ҳаракат қилдилар, сўнг: «Ансорларнинг барча ҳовлиларида яхшилик мавжуддур!» — дедилар».

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен пайғамбар қилиб юборилганимда қиёмат мана бу мана бунга қанчалик яқин бўлса, шунчалик яқин эрди» — деб кўрсатгич бармоқлари бирлан ўрта бармоқлари орасини бирлаштирдилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ой мана бунча ва мана бунча ва мана бунча, яъни ўттиз кун бўлади»,— дедилар. Сўнг: «Ой мана бунча ва мана бунча ва мана бунча, яъни йигирма тўққиз кун бўлади» — деб ҳам айтдилар. Яъни, баъзи ой ўттиз кун ва баъзи ой йигирма тўққиз кун бўлади, деб айтмоқчи бўлдилар».

Абу Масъуд ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари бирлан Яман томонга ишора қилиб: «Иймон ўшал тарафда!»—деб икки бор айтдилар, сўнг: «Лекин, оғир вақтлар бошланиб, туякашлар бағри тош бўлиб кетади, шайтон шохи — Рабийъа ва Музар қабилалари ҳам ўша томондан чиқади»,— дедилар».

Саҳл ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен бирлан етимпарвар иккимиз жаннатда мана бундай бирга бўламиз» — деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларининг орасини бироз очиб кўрсатдилар».

24-боб. Агар киши боласидан тониб арз қилса...

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, менинг болам қоп-қора!» — деди. Ул зот: «Туяларинг борми?»—дедилар. У: «Ҳа»,— деди. Ул зот: «Ранги қанақа?»—дедилар. У: «Қизғиш»,— деди. Ул зот: «Уларнинг орасида кулранги борми?» — дедилар. У: «Ҳа»,— деди. Ул зот: «У қаердан келиб қолди?»—дедилар. У: «Менимча, наслига тортгандур?»—

деди. Ул зот: «Ўғлинг ҳам наслига тортган бўлса керак!»—дедилар».

25-боб. Лиён қилувчига онт ичирмоқ хусусида

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир ансорий киши хотинини қазаф қилди. Жаноб Расулуллоҳ ансорий бирлан хотинига қасам ичириб, сўнг уларни ажратиб юбордилар».

26- боб Аввал эркак лиён қилади!

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳилол ибн Умайя хотинини қазаф қилди, сўнг келиб рост айтаётганини гапириб қасам ичди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло иккингиздан бирингизнинг ёлғон сўзлаётганингизни билиб турибди, қайси бирингиз тавба қиласиз?» — дедилар. Шунда хотин ҳам ўрнидан туриб рост гапираётганига қасам ичди».

27-боб. Лиён ва лиёндан сўнг хотинини талоқ қилган киши ҳақида

Саҳл ибн Саъд ас-Собидий ривоят қиладилар: «Уваймир ал-Ажалоний Осим ибн Адийнинг ҳузурларига келиб: «Эй Осим, нима дейсиз, бир киши хотини бирлан бир бегона эркакни тутиб олса, уни ўзи ўлдирадими ёки сизлар ўлдирасизларми ёхуд бошқа бирор чора кўриладими? Илтимос, шу ҳақда Жаноб Расулуллоҳдан сўраб билиб берсангиз!» — деди. Осим шул хусусда Жаноб Расулуллоҳдан сўраб эрдилар, ул зот бундай масала тўғрисида жавоб бергилари келмай, Осимни шундай уялтирдиларки, ул киши ҳатто савол берганларига минг пушаймон едилар. Осим уйларига қайтиб келганларида Уваймир келиб: «Эй Осим, Жаноб Расулуллоҳ сизга нима деб жавоб қилдилар?» — деди. Осим: «Менга яхшилик қилмадинг! Жаноб Расулуллоҳ сен сўраган масала хусусида жавоб бергилари келмади»,— дедилар. Уваймир: «Худо ҳақи, ўзим сўраб билиб олмагунимча, қўймайман!» — деди-да, Осимнинг ҳузурларидан чиқиб, Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига йўл олди, етиб борганида ул зот одамлар даврасида ўлтирган эрдилар. Уваймир: «Ё Расулаллоҳ, агар бир киши хотини бирлан бир бегона эркакни тутиб олса, уни ўзи ўлдирадими ёки сизлар ўлдирасизларми ёхуд бирор бошқа чора кўриладими?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Сенинг ва умр йўлдошинг хусусида оят нозил бўлди, бориб хотинингни олиб келгил!» — дедилар. Кейин, улар иккаласи бир-бирини (масжид-да) мулоъана қилишди, шунда мен Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларидаги одамлар орасида эрдим. Иккаласи мулоъана қилишиб бўлишгач, Уваймир: «Ё Расулаллоҳ, агар уни никоҳимда олиб қолсам, унга тухмат қилган бўламан!» — деди-да, Жаноб Расулуллоҳнинг амр қилмоқларини кутмай, уни уч талоқ қилди. Ибн Шихоб: «Ўшал йил — мулоъана қилувчилар йили бўлган эрди»,— дейдилар».

28- боб. Масжидда мулоъана қилмоқ хусусида

Бу ерда Саҳл ибн Саъд ас-Собидийнинг юқоридаги ривоятлари такроран келтирилган.

Ибн Шихоб бундай дейдилар: «Ўша икки эру хотиндан сўнг, бир-бирини мулоъана қилувчиларни ажратиб юбориш суннат бўлиб қолди. Агар аёл ҳомиладор бўлса, боласи насаб хусусида онасига даъво қилар эрди. Кейин, аёлнинг мероси хусусида суннат (қонун) жорий қилиниб, аёл Оллоҳ таоло фарз қилганча болага мерос қолдирадиган ва бола онадан мерос оладиган бўлди».

Саҳл ибн Саъд бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ўшал хотин қизғиш, пак-пакана бола туғса, хотин рост гапириб, эри унга тухмат қилган, деб ҳисоблайман, башарти у қоп-қора, кўзлари катта-катта бола туғса, унда эри рост гапириб, хотини болани бировдан орттирган бўлади»,— дедилар».

29-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Бирортани далил-исботсиз

ражм қиладирган бўлсам, шу аёлни ражм қилар эрдим!» деганлари ҳақида

Қосим ибн Муҳаммад ривоят қиладилар. «Ибн Аббос Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бир эру хотиннинг ўзаро мулоъана қилганлиги ҳақида гапирди. Шунда Осим ибн Адий шул хусусда бир нима деди-да, сўнг уйига кетди. Уйида ўлтирганида бир киши хузурига келиб, хотинини бир бегона эркак бирлан тутиб олганини айтиб шикоят қилди. Осим: «Тилимдан илиниб, ўзимга ўзим бало орттириб ўлтирибман!»— деди-да, бояги кишини эргаштириб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига борди ва ул зотга хотинини тутиб олган киши хусусида сўзлаб берди. Бу киши сарғиш, қотма, сочлари мулойим ва силлиқ эрди. Хотинининг ўйнаши эрса қорачадан келган, семиз киши эрди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ё парвардигоро, ўзинг фош қилгайсан!»—дедилар. Кейин, ўшал аёл эри белгиларини айтган кишига ўхшаш бола туғиб қўйди. Жаноб Расулуллоҳ уларни лиъон қилдилар. Бир киши Ибн Аббосга мажлисда: «Жаноб Расулуллоҳ «Бирортани далил-исботсиз ражм (тошбўрон) қиладирган бўлсам, шу аёлни ражм қилар эрдим!» деб шу аёл ҳақида айтганмилар?»—деди. Ибн Аббос: «Йўқ, Жаноб Расулуллоҳ назарларида тутган аёл ислом хусусида ёмонлик қилган эрди»,— деди».

30-боб. Лиъон қилинган аёлнинг маҳри ҳақида

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Мен Ибн Умарга: «Бир киши хотинини қазаф қилдим?» — дедим. Ибн Умар: «Жаноб Расулуллоҳ Уваймир ал-Ажалоний бирлан унинг хотинини ажратиб юбордилар. Ул зот уларга уч бор: «Оллоҳ таоло иккингиздан бирингизнинг ёлғон гапираётганингизни билиб турибди, қайсингиз тавба қилгайсиз?» — дедилар. Шунда иккаласи ҳам тавба қилмоқдан бош тортиб эрди, уларни ажратиб юбордилар»,— деди».

Айюб бундай дейдилар: «Амр ибн Динор менга: «Сен ана шу ҳадисдаги бир (муҳим) нарсани тушириб қолдиряпсан. Ўшанда унинг эри: «Берган маҳрим нима бўлади?» — деган эрди. Жаноб Расулуллоҳ: «Сенга маҳрни қайтариб бермайди, агар сен хотининг хусусида рост гапирган бўлсанг ҳам, берган маҳринг хотинингнинг авратидан фойдаланганинг учун унда қолади, агар тухмат қилган бўлсанг, сенга маҳрнинг қайтариб берилмаслиги ўз-ўзидан маълумдур» — деб жавоб қилган эрдилар».

31-боб. Имомнинг мулоъана қилинаётганларга: «Иккингиздан бирингиз ёлғон гапираётирсиз! Қайси бирингиз тавба қилгайсиз?» — деб айтгани ҳақида

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Мен Ибн Умардан лиъон қилинганлар ҳақида сўрадим. Ибн Умар бундай деди: «Жаноб Расулуллоҳ лиъон қилинаётганларга: «Сизларнинг ҳисоб-китобингиз Оллоҳ таолога ҳавола! Иккингиздан бирингиз ёлғон сўзлаётирсиз. Энди, сенинг учун хотинингга йўл йўқ!» — дедилар. Эркак: «Унга берган маҳрим нима бўлади?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Маҳр сенга қайтарилмайди. Агар хотининг хусусида рост айтган бўлсанг ҳам, унинг авратидан фойдаланганинг учун маҳр унда қолади. Башарти, ёлғон гапирган бўлсанг, шундоғ ҳам маҳр сенга қайтарилмаслиги аёндур»,— дедилар».

32-боб. Лиъон қилинган эру хотинни ажратиб юбориш ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир эру хотинни ажратиб юбордилар, эр хотинни қазаф қилган бўлиб, уларнинг иккаласига онг ичирдилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлардан бўлмиш бир эру хотинни лиъон қилиб, кейин уларни ажратиб юбордилар».

33-боб. Бола лиъон қилинган аёлники бўлади!

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир эру хотинни лиъон қилдилар, шунда эр болани тан олмади. Ул зот уларни ажратиб, болани аёлда қолирдилар».

34- боб. Имомнинг «Ё парвардигоро, (қайси бири ҳақ, қайси бири ноҳақ эрканлигини) ўзинг аён қилгайсан!» деб айтмоғи ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида лиён қилинган бир эру хотин ҳақида гап кетди. Шунда Осим ибн Адий шул хусусда бир нима деди-да, уйига равона бўлди. Кейин, унга қавмдош бир киши унинг ҳузурига келиб, хотини бирлан бир бегона эркакни тутиб олганини айтди. Осим: «Тилимдан илиниб, ўзимга-ўзим ташвиш орттириб ўлтирибман-а!» — деди-да, бояги одамни эргаштириб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига борди, ул зотга хотинини бегона эркак бирлан тутиб олган киши ҳақида сўзлаб берди. Бу киши сарғиш, қотма ва сочлари мулойим эрди, хотинининг ўйнаши эрса, қорачадан келган, семиз, гавдали, сочи жингалак эрди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ё парвардигоро, ўзинг фош (аён) қилгайсан!» — дедилар. Кейин, ўшал хотин юқорида белгилари айтилган ўйнашига ўхшаш бола туғиб қўйди. Жаноб Расулуллоҳ эру хотинни лиён қилдилар». Бир киши мажлисда Ибн Аббосга: «Жаноб Расулуллоҳ «Агар бирортани далил-исботсиз ражм қиладирган бўлсам, шу хотинни ражм қилган бўлар эрдим!» деб шул хотин ҳақида айтганларми?» — деди. Ибн Аббос: «Йўқ, Жаноб Расулуллоҳ назарларида тутган аёл ислом хусусида ёмонлик қилган эрди», — деди».

35- боб. Эри уч талоқ қилган аёл иддадан сўнг бир бошқа эрга тегса-ю, эри унга ётолмаса...

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Рифоъат ал-Қуразий бир аёлга уйланиб, кейин уни талоқ қилди.

Хотин бошқа эрга теккач, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, кейинги эрининг жимоъга заифлик қилаётгани ҳамда унинг олати попуқ сингари лапашанг эркани ҳақида гапирди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «То кейинги эринг сенинг ва сен унинг асалдонидан завқ олмагунингизча, аввалги эрингга ҳалол бўлмайсан!» — дедилар».

36- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ул хотинларингизданки, ноумид бўлибдирлар ҳайздан (яъни, ҳайз мавсумидан ўтиб қолган ё ҳайз ёшига етмаган хотинларингиздан) шубқа қилсангизлар...»

Мужоҳид: «Агар сизлар хотинларингиз ҳайз кўрадилар-ми, йўқми, билмасангизлар, ул ҳолда ҳайз мавсумидан ўтиб қолган ё ҳайз ёшига етмаган хотинлар учун идда муддати уч ойдур», — дейдилар.

37- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва қоринларида боласи бор хотинларнинг иддаси боласини туғишидур»

Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Аслам қабиласига мансуб Субайъа исмли бир аёлнинг эри бўлиб, у вафот этиб қолди. Субайъа эридан ҳомиладор эрди. Уни Абуссанобил ибн Биъкак ўзига хотинликка сўратди, Субайъа унга тегишга розилик бермади. Одамлар унга: «Худо ҳақи, иддани охирига етказмагунингча, унга тегмоғинг дуруст эрмас!» — дейишди. Шунда Субайъа ўн кунча кутиб, сўнг Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келди, ул зот унга: «Тегабер!» — дедилар».

Ибн Шихоб ривоят қиладилар: «Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳнинг оталари Ибн ал-Арқамга мактуб йўллаб, Жаноб Расулуллоҳ Субайъага қандай фатво берганларини унинг ўзидан сўраб билиб беришни илтимос қилдилар. Субайъа: «Ул зот менга туғишим бирлан эрга тегмоғим мумкинлигини айтиб фатво бердилар» — деб жавоб қилибди».

Мисвар ибн ал-Махрама ривоят қиладилар: «Субайъа ал-Асламийя эри вафот қилгач, бир неча кун ўтказиб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келди-да, эрга тегишга ижозат сўради. Ул зот унга ижозат бериб эрдилар, эрга тегиб кетди».

38- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва талоқ берилган хотинлар уч ҳайз ўтгунча ўзларин бошқа никоҳдан сакласинлар!»

Иброҳим ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «*Ибн Абдуллоҳ* (яъни, эри томонидан ражъий талоқ — ибн Абдуллоҳ ичидан яна қайтариб олса бўладирган талоқ қилинган аёл) ҳақида сўзлаб: «У (кейинги) эри уйда уч бор ҳайз кўриб, олдинги эридан узил-кесил ажралди. Унинг бу ҳайзи кейинги эри учун ҳисобга ўтмайди, у яна бошқа ибн Абдуллоҳ саклайди»,— дейдилар. Зухрий: «У аёл бир бор ибн Абдуллоҳ сакласа, кифоя қилади»,— дейдилар. Зухрийнинг бу гаплари Суфён учун айни муддаодур».

39- боб. Фотима бинти Қайс қиссаси ва Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва кўрқингизлар парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳ таолодан, чиқармангизлар уларни ўз уйларида ва улар ўзлари ҳам чиқмасинлар агар аниқ бир ҳаёсиз иш қилмасалар ва бу нарсалар Оллоҳ таоло муқаррар қилган чекловлардур ва кимки Оллоҳ, таолонинг чекловларига тажовуз қилур, ул албатта ўз жонига зулм қилган бўлур, ул хотин билмаски, шояд Оллоҳ таоло пайдо қилур талоқдан сўнг бирор ишни (яъни, шояд Оллоҳ таоло уларнинг ўрталарида сулҳ пайдо қилса)... Жой берингизлар уларга ўзларингиз турган ерларингиздан қудратларингизга мувофиқ ва озор бермангизлар уларга уларни сиқилтирмоқларингиз учун ва агар улар ҳомиладор бўлсалар, бас нафақа бериб турунгизлар уларга то болаларин туғиб олгунларига қадар («тангликдан кейин енгилликни пайдо қилур» дегаи қавлигача) («Ат-Талоқ» сураси)

Молик ривоят қиладилар: «Яҳё ибн Саъид ибн ал-Ос Абдурахмон ибн ал-Ҳакамнинг қизини талоқ қилиб эрди, Абдурахмон қизини уйига кўчириб олиб келди. Мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳо Мадина амири Марвонга одам юбориб, «Оллоҳ таолодан кўрқил, уни уйига қайтаргил!» деб айтишни буюрдилар».

Абдурахмон ибн ал-Қосим ривоят қиладилар: «Урва ибн аз-Зубайр Оиша разияллоҳу анҳога: «Ал-Ҳакамнинг қизи бўлмиш Фотиманинг эри уч талоқ қилгач, уйдан чиқиб кетганини кўрмайсизми?!»—деди. Оиша разияллоҳу анҳо: «Жуда ҳам ёмон иш қилибди!» —дедилар. Урва: «Фотиманинг «Бу воқеа ошкор қилинса, менга яхши бўлмайди!» — деб айтганини эшитмадингизми?»—деди».

Ҳишом: «Оиша разияллоҳу анҳо (Фотимани) ниҳоятда қаттиқ айблаб: «Фотима бир ваҳший ҳайвон янглиғ иш тутибди, бу унга хатарноқдур. Шулар боисдан ҳам, Жаноб Расулуллоҳ уни назар-писанд қилмадилар»,— деб айтибдилар»,— дейдилар.

40- боб. Агар талоқ қилинган аёлдан эрининг уйидагилар: «Эри унга ташланади» — деб хавотир олишса ёки: «Унинг ўзи бизга беҳаё гаплар гапиради» — деб чўчишса...

Урва: «Оиша разияллоҳу анҳо Фотиманинг бу қилмишини қораладилар»,— дейдилар.

41- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ҳалол эрмас улар учун бачадонларидаги Оллоҳ таоло яратган ҳайзу ҳомилани яширмоқлари»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлга чиқмоқчи бўлганларида Сафийя ҳайз кўриб қолиб, ўз чодирини остонасида ғамгин

ўлтирарди. Ул зот Сафийяга: «Нечук бемаънилик! Энди сен бизни йўлдан қолдирадирган бўлдинг, Нахр куни тавоф қилганмидинг?»—дедилар. Сафийя: «Ҳа»,— деди. Ул зот: «Ундай бўлса, йўлга чик!»—дедилар».

42- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва уларни шу идда ичида қайтариб олмоққа эрлари бошқалардан кўра кўпроқ ҳақлидурлар». Эр хотинини, агар уни бир ёки икки талоқ қўйган бўлса, қандай қайтариб олади?

Ҳасан: «Маъқил синглисини эрга бериб эрди, эри уни талоқ қилди»,— дейдилар.

Ҳосан *разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар*: «Маъқил ибн Ясорнинг сингlisi бир кишига турмушга чикиб эрди, у уни талоқ қилди. Кейин, уни то иддаси тугагунча ташлаб қўйиб, яна ўзига хотинликка сўради. Шунда Маъқил бунга қаршилиқ қилиб: «Уни иддаси тугамасидан бурун қайтариб олиш имконига эга бўла туриб, ўз холига ташлаб қўйди, энди уни ўзига яна хотинликка сўратадимми?!» — деди-да, куёви бирлан сингლისининг ярашиб кетишига монёлик қилди. Шу аснода Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳга «Ва қачон хотинларни талоқ қилсангизлар ва уларнинг иддалари тамом бўлса, энди ул хотинларни ўз эрларининг никоҳларига кирмоқларига монёлик қилмангизлар, вақтики улар шариатга мувофиқ ўзаро рози бўлсалар ва бу насиҳат сизлардан шундоғ одамга қилинурки, ул одам Оллоҳ таоло ва қиёмат кунига иймон келтирур, бу нарса сизлар учун зиёда сафолик ва зиёда покликдур ва Оллоҳ таоло билур ва сизлар билмассизлар!» деган ояти каримани нозил қилди. Жаноб Расулуллоҳ Маъқилни чақириб, унга шу оятни қироат қилиб бердилар, Маъқил куёви бирлан сингლისига монёлик қилишдан тўхтаб, Оллоҳ таолонинг амрига бўйин эгди».

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анхунинг ўғли хотинини ҳайз кўрган ҳолида бир талоқ қилди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга хотинини қайтариб олмоқни, сўнг ҳайздан покланиб, яна ҳайз кўриб, яна поклангунича уйда сақлаб турмоқни, кейин агар истаса, ҳайздан покланган вақтида унга яқинлик қилмай туриб талоқ қилмоқни амр қилдилар. Оллоҳ таоло аёлларни талоқ қилишда рия қилмоқни амр қилган идда мана шу иддадур. Абдуллоҳ, агар ўзларидан бу ҳақда сўрашса: «Агар уч талоқ қилган бўлсанг, хотининг токи бошқа эрга тегиб чиқмагунича, сенга ҳаромдур!» —деб айтар эрдилар. Ибн Умар: «Агар бир ёки икки бор талоқ қилган бўлсанг, Жаноб Расулуллоҳ бундай ҳолда нима қилмоқни менга амр қилганлар»,— дейдилар».

43-боб. Ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилинган аёлни қайтариб олмоқ хусусида

Юнус ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Ибн Умар хотинини ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилди. Ҳазрат Умар шу ҳақда Жаноб Расулуллоҳдан сўраб эрдилар, ул зот: «Ўғлингга бориб айт, хотинини қайтариб олсин, сўнг ҳайздан покланиб, яна ҳайз кўриб, яна поклангунича уйда сақлаб турсин, кейин агар истаса, ҳайздан покланган вақтида унга яқинлик қилмай туриб талоқ қилсин!» —деб амр қилдилар. Мен Ибн Умарга: «Кейин, у ўша талоққа биноан иддада ўлтирадимми?» — дедим. У: «Нима, сен қариб мияси айниб қолган, деб ўйладингми?!» — деди».

44-боб. Эри вафот этган аёл тўрт ойу ўн кун аза тутади!

Зухрий: «Эридан ёш тул қолган аёл пардоз-андоз ашёларидан фойдаланади, деб ўйламайман, чунки у иддададир»,— дейдилар.

Нофиъ Зайнаб бинти Абу Салама уақида ривоят қиладилар: «Зайнаб бундай деди: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари бўлмиш Умму Ҳабибанинг ҳузурларига оталари Абу Суфён вафот этганда кирдим. Шунда Умму Ҳабиба упа-элик келтирмоқни буюрдилар-да, уни юзларига суртдилар. Сўнг: «Худо ҳақи, агар мен Жаноб Расулуллоҳнинг: «Оллоҳ таолога ва қиёматга иймон келтирган аёлнинг маййитга уч кундан ортиқ аза тутмоғи макруҳдур, эри ўлсагина тўрт ойу ўн кун аза тутади» — деб

айтганларини эшитганим учунгина шундай қилдим, аслида упа-эликка эҳтиёжим йўқ эрди!» — дедилар. Кейин, мен Зайнаб бинти Жаҳшнинг ҳузурига акаси вафот қилганда кирдим. Шунда у ҳам упа-элик келтирмоқни буюриб, ундан юзига суртди. Сўнг: «Аммо, худо ҳақи, мен Жаноб Расулуллоҳнинг минбарда туриб: «Оллоҳ таолога ва қиёматга иймон келтирган аёл учун маййитга уч кундан ортиқ аза тутмоғи ҳалол эрмас, эри вафот қилсагина тўрт ойу ўн кун мотам қилади» — деб айтганларини эшитмаганимда бундай қилмас эрдим, аслида упа-эликка унча хушим йўқдур!—деди». Зайнаб: «Мен Умму Саламининг бундай деб айтганларини эшитган эрдим»,— деди: «Бир аёл Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ! Қизим эри вафот қилиб, тул қолди, йиғлайверганидан кўзи шишиб кетди, даво мақсадида кўзига сурма қўйса, бўладими?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ икки ёки уч бор: «Йўқ!» — дедилар (бундан аёнки, эри ўлган азадор аёл кўзи оғриси ҳам, сурмадан фойдаланиши мумкин эрмас). Сўнг, ул зот яна: «Чунки, эри ўлган аёлнинг азадорлик муҳлати тўрт ойу ўн кундур. Жоҳилият даврида бирортангизнинг эрингиз вафот қилса, йилнинг бошида тезак отар эрдингиз»,— дедилар». Ҳумайд бундай дейдилар: «Мен Зайнабга: «Нечун йилнинг бошида тезак отади?»—дедим. Зайнаб бундай деди: «Аёл, агар эри вафот қилса, бир уйчага кириб, энг ёмон кийимини кийиб оларди-да, бир йил давомида упа-эликни қўлига олмай у ерда ётар эрди. Сўнг, унга бир мочахар ёки совлиқ ёхуд қуш олиб келиб беришар эрди. Аёл уни бир нарса бирлан йирта-йирта, охири уни ўлдирар эрди. Кейин, у уйчадан ташқарига чиқар эрди. Шунда унинг қўлига тезак тутқазилар ва у тезакни (бир йил давомида кўрган куним шу тазакдан яхшироқ эрди, деб) ирғитиб юборар эрди. Кейин, у пардоз-андоз ёки бирор бошқа нарсани хоҳлагандан сўнг, (уйига) қайтарилар эрди». Моликдан, Оллоҳ таоло ул кишини раҳмат қилсин, «Бир нарса бирлан йирта-йирта» нима дегани?» — деб сўрашди. Ул киши: «Бир нарса бирлан терисини шилади»,— дедилар».

45- боб. Аздор аёлнинг сурма қўймоғи мумкинми?

Умму Салама ривоят қиладилар: «Бир аёлнинг эри вафот этиб, йиғлайверганидан кўзлари оғриб қолди. Шунда аёлнинг яқинлари унинг кўзидан хавотир олишиб, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келишди-да, даво учун кўзига сурма қўйишга ижозат сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: «Сурма қўймасин! Бир пайтлар (жоҳилият даврида) бирортангизнинг эрингиз ўлса, жулдур-жулдур кийимингизни кийиб олар эрдингиз. Бир йил ўтгач, олдингиздан ит ўтиб қолса, унга тезак ирғитар эрдингиз. Нечук энди тўрт ойу ўн кунга сабр қилолмайсизлар?!» — дедилар».

Зайнаб бинти Салама ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло бирлан охират кунига иймон келтирган мўмина аёл уч кундан зиёд аза тутмасин, эри ўлсагина тўрт ойу ўн кун мотам қилса, бўлур!» — дедилар».

Умму Атийя: «Биз аёллар уч кундан ортиқ аза тутмоқдан қайтарилдик, эрларимиз ўлсагина тўрт ойу ўн кун аза тутмоғимизга ижозат берилди»,— дейдилар.

46- боб. Аздор аёлнинг хайздан покланганда қуст ишлатмоғи ҳақида

Умму Атийя ривоят қиладилар: «Биз аёллар ўликка уч кундан ортиқ аза тутмоқдан қайтарилган эрдик, эр ўлсагина тўрт ойу ўн кун аза тутмоқ мумкин эрди. Бу муҳлат мобайнида на сурма ва на атир-упа суртар ва на яманий кийимдан бўлак кийим кияр эрдик. Биз аёлларга бирортамиз хайздан покланиб, ғусл қилганимиздагина бирор зуфор атри ва қустдан (махсус дарахт бўлиб, уни қайнатиб шифобахш модда олинган) фойдаланмоққа ижозат берилган эрди, холос. Биз аёллар жанозага эргашмоқдан ҳам қайтарилган эрдик».

Абу Абдуллоҳ: «Қуст ва қуст — кофур ва кофур (камфара дарахти) каби бир бўлак ёғочдур»,— дейдилар.

47- боб. Азадор аёл яманий бурда (йўл-йўл уст кийими) кияди

Умму Атийя ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло бирлан охират кунига иймон келтирган аёлнинг эридан бўлак маййитга уч кундан ортиқ аза тутмоғи ҳалол бўлмай, азадорлик чоғида сурма қўймайди, бўялган (рангли) кийим киймайди, фақат яманий бурда кияди» — дедилар»

Хафса ривоят қиладилар «Умму Атийя менга бундай деди «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам биз аёлларга азадорлик чоғимизда атир-упага қўл теккизмасликни буюриб, ҳайздан покланганимиздагина бироз куст ва зуфор атри ишлатмоғимизга рухсат бердилар»

Абу Абдуллоҳ: «Куст ва куст — кофур ва кофур кабидур»,— дейдилар

48- боб Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва сизлардан ул одамларики вафот қилурлар ва хотинларин қолдириб кетурлар, ул хотинлар тўрт ойу ўн кунгача ўзларинингизорда сақларлар ва қачонки уларнинг иддалари тамом бўлур, ул ҳолда улар қоидага мувофиқ ўз ҳақларида бир иш қилсалар, бундан сизларга қеч бир гуноҳ йўқдур ва Оллоҳ таоло сизлар қилиб турган ишдан хабардордур!»

Мужоҳид ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «Ва сизлардан ул одамларики вафот қилурлар ва хотинларин қолдириб кетурлар» деган (юқоридаги) ояти каримасида айтилган иддани аёл ўз эрининг уйида ўтказиши вожиб бўлган. Кейин, Оллоҳ таоло «Ва сизлардан ул одамларики вафот қилурлар ва хотинларин қолдириб кетурлар, улар васият қилиб кетсинларки, хотинлари уйдан чиқариб юборилмай бир йиллик харж бирлан таъминлансин ва агар улар ўзлари чиқиб кетсалар, уларнинг қоидага мувофиқ ўзлари ҳақларида қилган ишлари учун сизлар гуноҳкор бўлмайсизлар» деган ояти каримасини нозил қилди Оллоҳ таоло аёлга марҳум эрининг уйида барча нарсалар бирлан таъминланган ҳолда тўла бир йил турмоқлик имконини берди ва бундан тўрт ойу ўн кунни унинг учун идда муддати қилиб ва етти ойу йигирма кунни эрининг васияти бўйича унинг уйида турадирган муҳлат қилиб белгилади. Энди аёл васият муҳлатини, истаса, марҳум эрининг уйида қолиб ўтказадирган, истамаса, у ердан чиқиб кетадирган бўлди. Чунки, Оллоҳ таоло «уйдан чиқариб юборилмай» ва «агар ўзлари чиқиб кетсалар сизлар гуноҳкор бўлмагайсизлар»,— дейди. Аммо, идда сақламоқлик унинг учун илгаригидек вожиблигича қолди»

Ато Ибн Аббосдан нақл қиладилар: «Бу оят аёлнинг марҳум эри уйида идда сақлаши вожиблигини бекор қилиб, унга борадиган ерида идда сақламоқлик ихтиёрини берди. Чунки, Оллоҳ таоло «уйдан чиқариб юборилмай»,— дейди»

Ато бундай дейдилар «Аёл, истаса, марҳум эрининг уйида иддада ўлтиради ва васият муҳлати давомида у ерда туради, агар истамаса, у ердан чиқиб кетаверади. Чунки Оллоҳ таоло «агар ўзлари чиқиб кетсалар, уларнинг қоидага мувофиқ қилган ишлари учун сизлар гуноҳкор бўлмагайсизлар»,— дейди»

Ато яна бундай дейдилар: «Кейин, мерос ҳақидаги оят нозил бўлиб, у аёлнинг марҳум эри уйида турмоғини бекор қилди, аёл ўзи истаган ерда иддада ўлтирадирган бўлди, энди унинг учун марҳум эрининг уйида жой йўқдур».

Умму Салама ривоят қиладилар: «Абу Суфённинг қизи Умму Ҳабиба оталарининг вафот этганлиги ҳақидаги хабарни (уч кундан кейин) эшитиб, хушбўйлик келтирмоқни буюрдилар, кейин уни билақларига суртдилар-да «Аслида, менинг атир-упага унча хушим йўқдур, лекин мен Жаноб Расулulloҳнинг «Оллоҳ таоло бирлан охират кунига ишонган аёл учун эридан бўлак бирор марҳумга уч кундан ортиқ аза тутмоқлиги ҳалол эрмас, эригагина тўрт ойу ўн кун мотам тутати» деб айтганларини эшитганим учунгина шундай қилдим»,— дедилар»

49- боб Фоҳиша (зинокор аёл)нинг маҳри ва фосид никоҳ ҳақида

Ҳасан «Агар киши маҳрам аёлга уйланса-ю, унинг маҳрам ёки номаҳрам эрканлигини билмаган бўлса, (бундай никоҳ фосид бўлиб), аёлнинг эридан олган нарсасигина (лаз-затигина) ўзиники бўлмай, у бундан бўлак нарса олмай»,— дедилар Сўнг, яна «Аёл маҳрдан маҳрум қилинмай» — деб қўйдилар.

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ит сотиб, коҳинлик қилиб кун кўришдан ва зинокор аёлга маҳр беришдан қайтардилар»

Авн ибн Абу Жўфа оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам игна бирлан бировларнинг баданига суратлар солувчи ва ўзига ана шундай суратлар солдирувчи аёлларни, порахўр бирлан унинг воситачисини лаънатладилар ҳамда ит сотиб, фоҳишалик қилиб кун кўришдан қайтардилар ва мусавирларни лаънатладилар»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чўрининг баданини пулламоқдан қайтардилар»

50- боб Аёлига қўшилиб қўйган кишининг берган маҳри ҳақида. Яқинлик қилмасдан бурун аёлга маҳр ёки талоқ бериш яхшидур!

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Мен Ибн Умарга «Бир киши хотинини қазаф қилибди (зинокорликда айблабди)»,— дедим. Ибн Умар «Жаноб Расулуллоҳ Бану Ажалон қабиласига мансуб икки биродарнинг фарзандларини ажратиб юбордилар-да «Оллоҳ таоло иккингиздан бирингизнинг ёлғон сўзлаётганингизни билиб турибди, қайси бирингиз тавба қиласиз?»— дедилар. Улар иккаласи ҳам тавба қилмоқдан бўйин товлашди. Ул зот яна «Оллоҳ таоло иккингиздан бирингизни ёлғон сўзлаётганингизни билиб турибди, қайси бирингиз тавба қиласиз?»— дедилар. Улар иккаласи бу гал ҳам тавба қилмоқдан бўйин товлашди. Шундан сўнг, ул зот уларни ажратиб юбордилар»

Айюб ривоят қиладилар: «Амр ибн Динор менга «Сен бу ҳадисдаги бир муҳим нарсани тушириб қолдиригансан. Ўшанда ул киши «Хотинимга берган маҳрим нима бўлади?» — деганди. Ул зот «Берган маҳринг сенга қайтариб берилмайди. Агар рост гапираётган бўлсанг ҳам, унга қўшилиб қўйгансан ва агар тухмат қилаётган бўлсанг, ўз-ўзидан берган маҳрингдан маҳрумсан!»—деб айтган эрдилар»,— деди».

51- боб Маҳри таъйин қилинмаган аёлга маблағ бериш ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар сизлар хотинларни уларга яқин бормай ва уларга бирор маҳр таъйин қилмай туриб талоқ қилсангизлар, сизларга гуноҳ бўлмас ва лекин сизлар уларга қоидага мувофиқ бир оз нарса (масалан, кийим-кечак) берингизлар, бадавлат одам давлатига яраша ва ҳоли танг одам қудратига яраша (берсин), бу яхши амал қилгувчилар учун муносиб ишдур. Ва агар хотинларни уларга яқин бормай туриб талоқ қилсангизлар-у, уларга маҳр таъйин қилиб қўйган бўлсангизлар, ўшал таъйин қилинган маҳрнинг ярми уларники бўлмай, агар хотинлар ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган эрлар маҳрнинг ўзларига тегишли бўлган ярмидан кечсалар, бу ҳам жоиз бўлиб, сиз эркаклар (маҳрнинг ўзингизга тегишли ярмидан) кечсангизлар, бу тақвога яқин бир амалдур ва бир-бирингизга эҳсон қилмоқни ёдингиздан чиқармангизларки, Оллоҳ таоло қилиб турган амалларингизни албатта кўриб турур!»

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва талоқ берилган хотинлар учун қоидага мувофиқ харж берилур, бу Оллоҳ таолодан тақво қилгувчилар учун муносиб амалдур. Оллоҳ таоло шул тариқа сизларга ўз ҳукмларини баён қилур токи сизлар тушунингизлар деб»

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мулоъана чоғида эр хотинини талоқ қилганда мутъа (аёлга бериладиган харж) хусусида ҳеч нарса демаганлар (чунки, бу воқеада эр хотинига яқинлик қилган бўлиб, маҳр тўлалигича хотинниқидур).

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир-бирини мулоъана қилаётган эру хотинга: «Сизларнинг ҳисоб-китобингиз Оллоҳ таолонинг ўзига ҳавола! Иккингиздан бирингиз ёлгон сўзлаётирсиз энди сенинг учун хотинингга йўл йўқдур!»—дедилар. Хотиннинг эри: «Ё Расулаллоҳ, унга берган маҳрим нима бўлади?»—деди. Жаноб Расулуллоҳ «Маҳрни қайтариб ололмайсан агар рост сўзлаган бўлсанг ҳам, берган маҳринг унинг авратидан фойдаланганинг бадалига уники бўладир ва агар тухмат қилган бўлсанг, унда ўз-ўзидан маълумки, маҳрдан маҳрумсан!»—дедилар»

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ НАФАҚАЛАР КИТОБИ

(Оилага қилинадирган нафақанинг фазилати ҳақида)

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва савол берурлар сизгаки, (Оллоҳ таоло йўлида) нима харж қилсинлар (деб), сиз айтингки, нимаики (эхтиёждан) зиёдадур. Ана шул тариқа Оллоҳ таоло равшан баён қилур сизлар учун ўз оятларини, токи сизлар фикр қилинглари дунё ва охират ҳақида!»

Ҳасан «Ал-Афв» — «эхтиёждан ортиқчаси» деган маънодадур»,— дейдилар.

Абу Масъуд ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Агар бирор мусулмон ўз оиласига харж қилса, садақа қилганлик савобини олдим, деб ҳисоблайверсин!»—дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳ таоло «Эй Одам боласи, харж (нафақа) қилгил, ўзингга харж қилгил!»—дейди»,—дедилар». (яъни, «Эй Одам боласи, харж қилгил, бу бирлан садақа қилганлик савобини олиб, ўз охиратинг ғамини еган бўласан!»).

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бева ва мискинга ғамхўрлик қилувчи шахс — Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилувчи ёки тунни бирлан ибодат қилиб, куни бирлан рўза тутувчи шахс қабидур!» — дедилар».

Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада хасталаниб ётганимда мени кўргани келдилар. Шунда ул зотга: «Мен бадавлат одамман, молимнинг ҳаммасини садақа қилсинлар, деб васият қилайинми?»—дедим. Ул зот: «Йўқ!» — дедилар. Мен: «Ярминими?» — дедим. Ул зот яна: «Йўқ!» — дедилар. Мен: «Учдан бириними?»—дедим. Ул зот: «Учдан бир... учдан бир ҳам кўплик қилади. Меросхўрларингни одамларга қўл чўзиб тиланадирган қилиб қолдирганингдан кўра, бойроқ қилиб қолдирганинг афзалдур. Нимаики харж қилсанг, ҳаттоки хотинингнинг оғзига бир лукма таом солиб қўйсанг ҳам, садақа қилганлик савобини олгайсан. Шояд, Оллоҳ таоло сени дарддан халос қилса-ю, мусулмонлар сендан наф кўриб, кофирлар зарар топса!» — де-дилар».

1- боб. Ахлу аёлига харж (нафақа) қилмоқлик ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Энг яхши садақа — кишининг ўзидан кейин бойлик қилиб қолдирган нарсасидир (яъни, кишининг ўзидан кейин меросхўрларига қолдирган нарсаси энг яхши садақа бўлиб, у хоҳ моддий ва хоҳ маънавий бойлик бўлсин, меросхўрлар унга таянган ҳолда бировларга сарғаймай кун кечирадилар), баланд қўл (меҳнаткаш қўл) паст қўл (тиламчи қўл) дан афзалдур. Энг аввало, ўзинг боқадирган (ўзингга қарам) кишиларга харж (нафақа) қилгил, (чунки) хотин: «Ё мени тўйдир ёки мени талоқ қил!» — дейди, қул эрса: «Аввал мени тўйдир, сўнг ишлат!» — дейди, фарзанд эрса: «Мени (ўзинг) тўйдир,

мени кимга (ишониб) ташлаб қўйяпсан?!» — дейди». Одамлар: «Эй Абу Ҳурайра, бу ҳадисни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганмисиз?»— дейишди. Абу Ҳурайра: «Йўқ, бу Абу Ҳурайранинг бисотидан»,— дедилар (кесатиб).

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг яхши садақа — кишининг ўзидан кейин бойлик қилиб қолдирган нарсадир ва энг аввало ўзинг боқадирган кишиларга (ахлу аёлингга) харж қилгин!» — дедилар».

2- боб. Кишининг ўз аҳлу аёли учун бир йилга етадирган егуликни захира қилиб қўймоғи ҳақида ва ахлу аёлга қандай нафақа қилинади?

Муъаммар ривоят қиладилар: «Саврий менга: «Ахлу аёли учун бир йиллик ёки бир неча ойлик егулик захира қилиб қўядирган киши ҳақида эшитганмисан?» — деди. Лекин, мен бу ҳақда ҳеч нарса эслай олмадим. Кейин, мен Ибн Шихоб аз-Зухрий бизга Молик ибн Авсдан, ул киши эрсалар Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳудан нақл қилиб айтиб берган (қуйидаги) бир ҳадисни хотирладим: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Назирдаги хурмозор ҳосилини сотиб, ахлу аёллари учун бир йиллик егулик захира қилиб қўяр эрдилар».

Молик ибн Авс ибн ал-Ҳадасон ривоят қиладилар. «Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим менга айтиб берган бир ҳадисда мерос хусусида эслатиб ўтган эрди. Кейин, мен унинг уйига бордиб, шул ҳақда ундан сўрадим. Ул менга бундай деб айтди: «Мен Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига кирмоқ ниятида уйдан чиқдим. Ҳузурларида ўлтирганимда эшикбонлари Йарфо қошларига келиб: «Усмон, Абдурахмон, Зубайр ва Саъдда ишингиз борми, улар ҳузурингизга кирмоққа ижозат сўраётирлар?»— деди Ҳазрат Умар: «Ҳа»,— дедилар-да, уларга рухсат бердилар. Улар ичкарига кириб салом беришди, сўнг ўлтиришди. Бироздан сўнг, Йарфо яна қошларига келиб: «Али ва Аббосда ҳам ишингиз борми?» — деди. Ҳазрат Умар. «Ҳа»,— дедилар-да, уларга рухсат бердилар. Иккалалари ичкарига кириб салом бериб ўлтиришгач, Аббос: «Ё мўминлар амири! Мен бирлан мана бу киши (яъни, Ҳазрат Али) ўртамиздаги масалани ҳал қилиб берсангиз!»— деди. Шунда Ҳазрат Умарнинг ҳузурларидагилар, яъни Ҳазрат Усмон ва ул киши бирлан бирга келганлар: «Ё мўминлар амири! Улар иккиси ўртасидаги масалани ҳал қилиб, бирини иккинчисидан халос қилингиз!» — дейишди. Ҳазрат Умар уларга: «Огоҳ бўлингизлар, еру осмонлар мавжудлиги иродасига боғлиқ бўлмиш Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўрайман! Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Биз мерос қолдирмағаймиз, биз қолдирган нарса — садақадур!» деб айтганларини билурмисизлар? Ул зот «Биз» деганларида ўзларини назарда тутганлар»,— дедилар. Ҳазрат Усмон ва ул киши бирлан бирга келганлар: «Ҳа, шундай деб айтганлар!» — дейишди. Ҳазрат Умар Ҳазрат Али бирлан Аббосга юзланиб: «Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўрайман! Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини билурмисизлар?» — дедилар. Улар иккалалари: «Ҳа, шундай деб айтганлар!» — дейишди. Ҳазрат Умар бундай дедилар: «Мен сизларга ана шу масала (мерос) хусусида сўзлаб берайин: Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга махсус (алоҳида) бир мол ато этган эрдиким, буни у илгари ул зотдан ўзгаларга ато этмаган эрди. Оллоҳ таоло: «Оллоҳ таоло ўз Расулига улардан (кофирлардан) уруш қилдирмай олиб берган мол учун сизлар на от ва на туя чоптириб (меҳнатингиз синган эрмас), лекин Оллоҳ таоло ўзи истаган бандаларига пайғам-барларини ҳукмдор қилгайдур. Оллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдур!»— дейди. Бу ўлжа (мол) холис Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламники эрди. Худо ҳақи, шунга қарамай Жаноб Расулуллоҳ уни сизларсиз ёлғиз ўзлари тасарруф қилганлари йўқ, ундан сизларга ҳам улуш ажратдилар. Мана энди, ундан ана шул (сизлар талаб қилиб келган) молгина қолди, холос. Жаноб Расулуллоҳ йил бўйи ана шу мол (ер-сув) орқасидан ахлу аёлларини боқар ва эҳтиёжларидан ортикчасини Оллоҳ таоло йўлида эҳсон қилар эрдилар. Ул зот умрлари бўйи шул йўсинда иш тутиб келган эрдилар. Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўрайман! Шунини

билурмисизлар?». Ҳазрат Усмон ва ул киши бирлан бирга келганлар: «Ҳа»,— дейишди. Сўнг, Ҳазрат Умар Ҳазрат Али бирлан Аббосга юзланиб: «Оллоҳ таоло номи бирлан иккалангиздан ўтиниб сўрайман! Шунингиз сиз иккинги ҳам билурмисизлар?»—дедилар. Улар иккалалари: «Ҳа»,— дейишди. Шундан сўнг, Ҳазрат Умар бундай деб гапларида давом этдилар: «Кейин, Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳузурига чорлади. Шунда Ҳазрат Абу Бакр ас-Сиддик: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ворислари мендурман!» — дедилар-да, ўшал ҳолис молни ўз қўлларига олиб, уни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам каби тасарруф қилдилар. Сиз иккинги бўлсангизлар, «Абу Бакр ундай ва бундай қилди» деб гапириб юрибсизлар, ваҳоланки ул киши уни ҳалоллик бирлан тасарруф қилдилар. Сўнг, Оллоҳ таоло Ҳазрат Абу Бакр ас-Сиддикни ҳам ўз ҳузурига чорлади. Шунда мен: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Ҳазрат Абу Бакр ас-Сиддикнинг ворислари мендурман!» деб уни ўз қўлимга олдим, мана икки йилдурки, уни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Ҳазрат Абу Бакр ас-Сиддик каби тасарруф қилиб келмоқдаман. Кейин, сиз иккинги ҳузуримга келдингизлар, иккингининг ҳам сўзингиз бир, ишингиз бир! Сен (Аббос) акангнинг ўғлидан қолган насибангни талаб қилиб келгансан, мана бу (Али) эрса хотинининг отасидан қолган насибасини талаб қилиб келган. Менинг қатъий сўзим будур: агар истасангизлар, Жаноб Расулulloҳ, Ҳазрат Абу Бакр ва мен каби тасарруф қилмоқлик шарти бирлан уни сизларга топширгайман, акс ҳолда бу ҳақда менга оғиз очмангизлар! Агар сизлар: «Шартингизга кўндик, уни бизга топширингиз!» — десангизлар, уни шу шарт бирлан сизларга топширайин. Эй (Усмон, Абдуррахмон, Зубайр ва Саъд), шу шарт бирлан уни мана бу иккаласига топширайинми?». Улар: «Ҳа»,— дейишди. Ҳазрат Умар Ҳазрат Али бирлан Аббосга юзланиб: «Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўрайман! Уни сизларга шу шарт бирлан топшираверайинми?» — дедилар. Иккалалари: «Ҳа»,— дейишди. Ҳазрат Умар: «Лекин, кейинчалик бу ҳақда бошқача ҳукм чиқармоғимни илтимос қилсангизлар, билингизларки еру осмонларнинг мавжудлиги иродасига боғлиқ зот ҳақи, қиёматга қадар ҳам бундан ўзгача ҳукм чиқармагайман! Агар мазкур шартни бажармоққа ожизлик қилиб қолсангизлар, уни менга қайтариб берингизлар, мен сизларни ундан ҳалос қилгайман!»—дедилар».

3- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва оналар ўз болаларини бутун икки йил эмизсинлар, бу ҳукм ул одам учундурки, сут эмизмоқ муддатини тамом қилмоқчидур («Оллоҳ таоло қилиб турган амалларингизни кўриб турур» деган қавлигача)

Оллоҳ таоло: «Уни (болани) (қоринда) кўтариб юриш ва уни (эмизиб) сутдан чиқариш (муддати) ўтгиз ойдур»,— дейди.

Оллоҳ таоло: «(Талоқ қилинган хотин ҳомиладор бўлса, то туғиб олгунча уни боқиб турингизлар, кейин у сизларни юз-хотир қилиб болани эмизса, бунинг учун ҳам унга ҳақ тўлангизлар ва бу тўғрида қоидага мувофиқ ўзаро маслаҳат қилингизлар) ва агар келиша олмасангизлар, ул ҳолда болани бошқа бир хотин эмизиб берур, харж қилсин ризқи улуғ одам ризқининг улуғлигига яраша ва кимнинг ризқи оз бўлса, қудрати етганча харж қилсин. Оллоҳ таоло ҳеч кимга ўзи унга ато этгандан ортиқ харж қилмоқни юкламас, оз фурсатда Оллоҳ таоло пайдо қилур тангликдан кейин енгилликни!» — дейди.

Юнус Зухрийдан нақл қиладилар: «Оллоҳ таоло: «(Талоқ қилинган) онага боласи туфайлидан озор берилмасин!» — дейди ва бу эрса онага: «Сен болани эмизмайсан!»—деб айтмоқлигингиздур. Ваҳоланки, бола учун ўз онасидан кўра бутун вужуди бирлан кўкрак бергувчи зот бўлмай, у бошқа аёлдан кўра унга мушфикроқ ва меҳрибонроқдур. Талоқ қилинган аёл, собиқ эри Оллоҳ таолонинг амрига мувофиқ боқиб тургандан кейин, болани эмизишдан бўйин товламаслиги лозим ва боланинг отаси ҳам: «Болани сен эмизмайсан, уни бошқа бир энагага топшираман!»—деб боланинг онасига озор бермаслиги керак. Аммо, ота ва она ўзаро розилик бирлан болани бошқа бир эмизгувчига топширсалар, уларга гуноҳ бўлмас. Агар улар ўзаро келишиб болани сутдан чиқармакчи

бўлсалар, бунинг учун ҳам гуноҳкор бўлмагайлар!».

4- боб. Эри (маълум сабабларга кўра) уйда мавжуд бўлмаган аёлнинг ва болаларнинг нафақаси ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳинд бинти Утба келиб: «Ё Расулаллоҳ, эрим Абу Суфён мумсик одам, унинг молидан харж қилиб уйдагиларга едирсам, гуноҳ бўлмайдими?» — деди. Ул зот: «Инсофан, етарлича олсанг, майли!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар аёл эри ишлаб топиб келган нарсалардан унинг буйруғисиз (ошкора, яхши ниятда) нафақа (садақа) қилса, бундан тегадирган савобнинг ярмиси эриникидир»,— дедилар».

5- боб. Аёлнинг ўз эри уйда меҳнат қилмоғи ҳақида

Ибн Абу Лайло ривоят қиладилар: «Фотима алайҳоссалом Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига ёрғучок, (қўл тегирмони)ни айлантиравериб кўллари шилиниб, қавариб кетганидан шйкоят қилгали келдилар, (хизматкор сўрамоқчи эрдилар), аммо ул зотни учратолмай, гапларини Оиша онамизга тайинлаб, уларига қайтиб кетдилар. Кейин, Оиша онамиз ул зот келганларида Фотима алайҳоссаломнинг не сабабдан келиб кетганларини маълум қилдилар. Ҳазрат Али бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳ уйимизга келганларида Фотима бирлан мен ўринга кириб ётган эрдик, ўрнимиздан турмоқчи бўлганимизни кўриб: «Жойингизда ётаверингизлар!» — дедилар-да, мен бирлан қизлари Фотима ўртамизга келиб ўлтирдилар, ҳатто мен қорнимга тегиб кетган муборак оёқларининг совқотиб кетганини ҳис қилдим. Сўнг, бизга: «Мендан талаб қилган нарсангиздан кўра яхшироқ нарса ҳақида сизларга айтайми? Агар ўринга кириб ётсангизлар, ўттиз уч марта «Субҳоноллоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллоҳ» ва ўттиз тўрт марта «Оллоҳу акбар» деб айтингизлар, бу сизлар учун хизматкор талаб қилганингиздан кўра яхшироқдур!»— дедилар».

6-боб. Аёлнинг хизматкори хусусида

Абдурраҳмон ибн Абу Лайло ривоят қиладилар: «Фотима алайҳоссалом Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига хизматкор сўраб келганларида, ул зот: «Хизматкор сўраганингдан кўра ўзинг учун хайрлироқ нарса ҳақида айтайми? Уйқуга кетишингдан бурун ўттиз уч марта «Субҳоноллоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллоҳ» ва ўттиз тўрт марта «Оллоҳу акбар» деб айтгил!»—дедилар. Суфён бундай дейдилар: «Улардан бири ўттиз тўрт марта бўлиб, ул зот шундай деб амр қилганларидан буён уларни бирор кеча айтмай қўйганим йўқ!» (Бошқа ҳадисларда барчаси ўттиз уч марта).

7-боб. Эракнинг ўз оиласи ишларига қарашмоғи ҳақида

Асвад ибн Язид ривоят қиладилар: «Мен Оиша разияллоҳу анҳодан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйда нима қилар эрдилар?»—деб сўрадим. Оиша онамиз: «Оилаларининг ишларига кўмаклашар эрдилар, агар азон овозини эшитсалар, масжидга чиқар эрдилар»,— дедилар».

8-боб. Агар эр (мумсик бўлиб) ўзича нафақа қилмаса, хотин ўзи ва болаларини таъминлаш учун эрига билдирмай унинг молидан инсофан олмоғи мумкин!

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳинд бинти Утба: «Ё Расулаллоҳ! Абу Суфён хасис одам бўлиб, мен бирлан боламга етарлича овқат бермайди, унга билдирмай молидан олиб тураман»,— деди. Ул зот: «Инсофан ўзинг бирлан болангга етарлича олгин!»—дедилар».

9- боб. Аёл эрининг молини ва харжини тежамоғи лозим!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Аёлларнинг яхшиси туя минадирган аёллар бўлиб, бу Қурайш аёлларидир!» — дедилар. Сўнг, яна: «Қурайш аёлларининг яроқлиси эрса, болага ёшлигиданок меҳрибонроғи ва эрининг молини тежайдирганроғидур!» — дедилар».

10- боб. Инсофан вақти-вақти бирлан аёлларга уст-бош қилиб бериб турмок даркорлиги ҳақида

Ҳазрат Али: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менга бир ҳулла бердилар, уни ўзим кийиб эрдим, ул зотнинг юзларида ғазаб аломатини кўрдим. Шунда мен уни бўлиб-бўлиб аёлларимга тақсим қилдим».

11-боб. Аёл эрига унинг болаларини парвариш қилишда ёрдам бермоғи лозим!

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Отам ҳалок бўлиб, менга етти (ёки тўққиз) қизни қолдириб кетдилар. Кейин, мен бир жувонга уйландим. Жаноб Расулulloҳ менга: «Эй Жобир, уйландингми?» — дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Ул зот: «Бокирагами ёки жувонгами?» — дедилар. Мен: «Йўқ, жувонга»,— дедим. Ул зот: «Бокира қизга уйланингда эрди, бир-бирингиз бирлан ҳазил-ҳузил қилишар эрдингизлар, сен уни ва у сени қолдириб юрар эрди!»—дедилар. Мен ул зотга: «Отам Абдуллоҳ ҳалок бўлиб, менга етти (ёки тўққиз) қизни ташлаб кетдилар. Мен шу қизлар каби ёш қизга уйланмоқни эп кўрмай, уларга оналик қила оладирган, уларни тўғри тарбиялай оладирган аёлга уйландим»,— дедим. Ул зот: «Борақаллоҳ!» — дедилар».

12-боб. Камбағал кишининг ўз оиласига қилган нафақаси ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулalloҳ, мен энди ҳалок бўлдим!» — деди. Ул зот: «Нечун?»—дедилар. Киши: «Рамазон (рўза) бўла туриб хотинимга яқинлик қилиб қўйдим!» — деди. Ул зот: «(Гуноҳингни ювиш учун) бир қул озод қилгил!» — дедилар. Киши: «Менинг қулим йўқ»,— деди. Ул зот: «(Бўлмаса) кетма-кет икки ой рўза тутгил!»—дедилар. Киши: «Эплай олмайман»,— деди. Ул зот: «(Бўлмаса) олтмишта мискинни тўйғазгил!» — дедилар. Киши: «Олтмишта мискинга етарли таъом менда қаёқдан ҳам бўлсин!» — деди. Шу аснода Жаноб Расулulloҳга бир сават хурмо олиб келиб қолишди. Ул зот: «Бояги савол берган одам қани?» — дедилар. Киши: «Мана мен шу ердан!» — деди. Ул зот: «Буни садақа қилгил!»—дедилар. Киши: «Ўзимиздан кашшоқроққами? Ё Расулalloҳ, сизни ҳақ пайғамбар қилиб юборган зот ҳақи, шаҳарда биздан кўра камбағалроқ оила йўқдур!» — деди. Ул зот унинг бу гапидан кулиб юбордилар, ҳатто қозик тишлари ҳам кўриниб кетди, сўнг унга: «Демак, энг камбағал ўзларингиз эркансизлар (яъни, «Ундай бўлса, бу хурмоларни бола-чақанга садақа қилгил!»),— дедилар».

13- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ворисга ҳам шунга ўхшаш ва аёлга ундан бирор нарса» ҳамда «Ва баён қилди Оллоҳ таоло бир мисолни, яъни икки кишиники, улардан бири гунгдурки, ҳеч бир нарсага кучи етмас ва ул ўз эгасига ортиқча бир юкдур, қайси бир тарафга уни юборса, ҳеч бир яхши иш қилиб келмас. Эй, баробар бўла олурми ул одам ва ул одамики, халқни адолатга буюрур ҳам ўзи тўғри йўлдадур?!»

Умму Салама ривоят қиладилар: «Ё Расулalloҳ, Абу Саламанинг болаларини

боққаним учун менга савоб тегадирми? Мен уларни бирор нарсага зориқтирганим йўқ, чунки улар болаларимдур!»—деди. Ул зот: «Ҳа, сенга уларни боққанинг учун савоб теккай!»—дедилар».

Ошиа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳинд бинти Утба: «Ё Расулаллоҳ, Абу Суфён мумсик одам, мен унинг молидан ўзим ва болаларимга етарлича олсам, гуноҳкор бўлмайманми?» —деди. Ул зот: «Инсоф бирлан олавер!» — дедилар».

14-боб. Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки ўзидан кейин қарз ёки етим қолдирган бўлса, у меникидур!» — деб айтганлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қарздорлигича вафот этиб кетган кишини олиб келишганда: «Қарзини узиш учун ортиқча мол қолдирганми?» — деб сўрар эрдилар. Агар: «Ҳа, қолдирган»,— дейишса, унга жаноза ўқир эрдилар, акс ҳолда мусулмонларга: «Биродарингизга (ўртоғингизга) салавот айтингизлар!» — дер эрдилар. Оллоҳ таоло ул зотнинг қўлларини кофирлар устидан баланд қилганда «Мен мўминлар учун уларнинг ўзларидан кўра ғамхўрроқман (яъни, мўминлар ўзлари ҳақларида менчалик ғам емайди-лар), бирор мўмин вафот қилиб, бўйнида қарз қолса, уни мен узаман ва бирор мўмин мол-дунё қолдирса, у меросхўрлариникидур дедилар»

15- боб Чўрилардан бўлмиш энагалар ва бошқалар ҳақида

Жаноб Расулаллоҳнинг хотинлари Умму Ҳабиба ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, Абу Суфён қизи бўлмиш синглимни ўз никоҳингизга олингиз!» — дедим .Ул зот «Сен шуни хоҳлайсанми?»— дедилар Мен «Ҳа, мен сизга қаршилик қилмайман, синглим ҳам менинг бахтимга шерик бўлса, дейман!»— дедим. Ул зот «Бу менга мумкин эрмас!» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, биз сизни Абу Саламанинг «дурдона» қизига уйланмоқчисиз, деб ўзаро гапириб юрибмиз!» — дедим. Ул зот: «Умму Саламанинг қизига?»—дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Ул зот: «Худо ҳақи, ўз бағримда парвариш топаётган қиз бўлмаганида ҳам Ахир, у менинг эмишган биродаримнинг қизику! Мен бирлан Абу Саламани (чўри) Сувайба эмизган, менга (бошқа эрларингиздан бўлган) қизларингизни ҳамда сингилларингизни хотинликка таклиф қилмангизлар!»— дедилар. Урва «Сувайбани Абу Лаҳаб озод қилган эрди»,— дейдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Ниҳоятда силлам қуриганидан бирор егулик излаб кўчага чиқиб эрдим, Умар ибн ал-Хаттобга йўлиқдим. Шунда Оллоҳ таолонинг Китобидан очларни туйғизиш лозимлиги ҳақидаги оятни ўқиб бермоғини ундан илтимос қилдим (қорним очлигини фаҳм-ласин, деб эрдим) У ховлисига кириб, Қуръони Каримни очди-да, мен айтган оятни ўқиб тушинтирди (аммо, очлигимни фаҳмламади) Кейин, мен унинг ховлисидан чиқиб, бироз юрдим, аммо силлам қуриганидан юз тубан йиқилдим. Бир маҳал қарасам, Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тепамда турибдилар: «Эй Абу Ҳурайра!» — дедилар ул зот. Мен: «Лаббай, ё Расулаллоҳ, хизматингизга тайёрман!»—дедим. Жаноб Расулаллоҳ кўлимдан тортиб мени турғаздилар-да, очликдан шул аҳволга тушганимни билиб, мени туялари томон етакладилар. Кейин, каттагина бир идишда сут узатиб, ичмоғимни амр қилдилар, мен ичдим Сўнг, менга «Эй Абу Ҳурайра, яна қуйиб ич!»—дедилар. Мен яна қуйиб ичдим. Сўнг: «Яна қуйиб ич!»—дедилар. Мен яна қуйиб ичдим ҳатто қорним камондек таранг тортилиб кетди. Кейин, мен Умарни яна учратиб, боя ўзимга нима бўлганини унга айтдим-да «Оллоҳ таоло мени туйғазмоқни сендан кўра ҳақлироқ кишига (яъни, Жаноб Расулаллоҳга) топширди. Эй Умар, худо ҳақи, мен сендан мазкур оятни ўзим билмаганим учун ўқиб бермоғингни илтимос қилмаган эрдим, уни сендан кўра ўзим яхшироқ қироат қила оламан!»—дедим. Умар «Худо ҳақи, териси шилинган туя каби бўлганимдан кўра, сени туйғазганим менинг учун яхшироқ эрди!»—деди».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ТАОМЛАР КИТОБИ

Оллоҳ таоло: «Биз сизларга ризқ қилиб берган покиза неъматлардан тановул қилингизлар!», «Пешона терингиз бирлан топган неъматлардан садақа (эхсон) қилингизлар!», «Амали солиҳлар қилингизлар, мен сизларнинг қилиб турган ишларингизни билиб турурман!» — дейди.

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Очни тўйғазингизлар, касални бориб кўрингизлар, асирни озод қилингизлар!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оилалари (лоақал) уч кун тўйиб овқат емагандур!»

1- боб Оллоҳ таолонинг исмини айтиб, ўнг қўл бирлан таом емоқ ҳақида

Умар ибн Абу Салама ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бағрларида парвариш топаётган бир бола эрдим. Овқат еяётганимизда қўлимни лаганнинг дам уёғига, дам буёғига узата бошлаган эрдим, ул зот менга «Эй бола, Оллоҳ таолонинг исмини айтиб, ўнг қўлинг бирлан ўз олдиндан егил!» — дедилар (яъни, Оллоҳ таолонинг исмини айтиш бирлан киши ўз олдидаги таомдан шайтонни қувиб юборади, таомнинг дам уёғидан, дам буёғидан ейиш беадаблик ва баднафслик аломати бўлиб, шундай қилган киши бирга таом еяётганларнинг дилини ранжитади, уларнинг кўнглини таомдан қолдиради, таомни ўнг қўл бирлан ейиш чин мўмин-муслмоннинг одати бўлиб, шайтонгина чап қўли бирлан тановул қилади). Шу-шу бўлди-ю, мен бундай беадабчиликни сира қилмадим».

2-боб. Ўз олдидан (таом) емоқ ҳақида

Анас ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолонинг исмини айтингизлар ва ҳар бир киши ўз олдидан (таом) есин!» — дедилар».

Ибн Умму Салама ривоят қиладилар: «Бир куни мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга таом еяётиб, лаганнинг дам уёғига, дам буёғига қўл узата бошладим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Ўз олдиндан (таом) егил!» — дедилар».

Ваҳб ибн Кайсон Абу Нуъайм ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга таом келтиришди, шунда Абу Саламанинг ўғли (яъни, ул зотнинг ўғай ўғиллари) Умар ҳам бирга ўлтирган эрди. Ул зот унга: «Оллоҳ таолонинг исмини айтиб, ўз олдиндан (таом) егил!» — дедилар».

3- боб. Бир лагандан таом еяётиб, шеригига ёқмаслигини ўйламай, унинг тарафига ҳам қўл узатган киши ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир тикувчи таом тайёрлаб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни меҳмонга таклиф қилди, мен ҳам ул зот бирлан бирга бордим. Қарасам, Жаноб Расулуллоҳ идишнинг четидаги қовоқлардан олиб еяптилар. Шу бугундан эътиборан мен қовоқни хуш кўриб қолдим!».

Абу Саламанинг ўғиллари Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Ўнг қўлинг бирлан егил!» — дедилар».

4- боб. Таом ейишни ҳамда бундан бошқа ишларни ўнгдан бошлаш лозимлиги ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратни ҳам, пойафзал кийишни ҳам, соч тарашни ҳам ўнгдан бошлашни яхши кўрар

эрдилар. Ул зот барча ўнгдан бошлаш жоиз бўлган ишларни ўнгдан бошлашни одат қилган эрдилар».

5- боб. Тўйгунича таом еган киши ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Абу Талха Умму Сулаймга: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам очликдан толиққан кўринадилар, овозларини аранг эшитдим, бирор егулигинг борми?» — дедилар. Умму Сулайм бир неча арпа нонини ёпинчиғларига ўраб, кўйнимга тикиб кўйдилар-да, мени Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига жўнатдилар. Мен нонларни олиб йўлга чиқдим, ул зотни масжиддан топдим, хузурларида бир қанча одамлар ҳам бор эрди. Мен уларнинг тепасига бориб турдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Сени Абу Талха юбордими?»— дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Таомга таклиф қилдимми?» — дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ ўзлари бирлан бирга ўлтирганларга: «Турингизлар!» — дедилар-да, йўлга чиқдилар, мен ҳам биргаликда йўлга чиқиб, уларни Абу Талханинг уйларига бошлаб бордим. Абу Талха: «Эй Умму Сулайм, Жаноб Расулуллоҳ бир неча одамлар бирлан бирга келдилар, бизнинг эрса уларни меҳмон қиларлик таомимиз йўқ!» — дедилар. Умму Сулайм: «Оллоҳ таоло ва унинг Расули яхшироқ билгайдур!» — дедилар. Абу Талха ташқарига чиқиб Жаноб Расулуллоҳни кутиб олдилар, кейин иккалалари уйга кириб келишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Умму Сулайм, борингни олиб келавергил!» — дедилар. Умму Сулайм бояги нонларни дастурхонга қўйиб эрдилар, Жаноб Расулуллоҳ нонхуруш келтирмоқни амр қилдилар. Умму Сулайм ёғдонларига мева солиб, нонхуруш тайёрлаб бердилар. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ дастурхонга қўйилган егуликларни мактаб-мактаб тановул қилдилар. Сўнг, ўзлари бирлан келган одамлардан ўн кишини дастурхонга таклиф қилмоққа рухсат бердилар. Улар тўйгунларича еб, сўнг чиқиб кетишди. Кейин, яна ўн кишини дастурхонга таклиф қилмоққа изн бердилар, улар ҳам тўйгунларича еб, чиқиб кетишди. Сўнг, яна ўн кишини дастурхонга таклиф қилмоққа рухсат бердилар, улар ҳам тўйгунларича еб, чиқиб кетишди. Кейин, яна ўн кишига изн бердилар, улар ҳам тўйгунларича еб, сўнг чиқиб кетишди. Шулар тарихи, барчалари тўйиб овқатланишди, ваҳоланки улар саксон киши эрдилар».

Абдурахмон ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир юз ўттиз киши эрдик. Жаноб Расулуллоҳ: «Бирортангизда егулик борми?» — дедилар. Бир кишида бир соъ ёки шунга яқин егулик бўлиб, у бошқалар бирлан баҳам кўргиси келмай, гапни чайнади. Кейин, бир новча мушрик бир қўй етаклаб келиб қолди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ унга: «Сотиладими ёки ҳадями?» — дедилар. Мушрик: «Йўқ, сотилади»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ кўйни ундан сотиб олдилар, мен уни сўйдим. Жаноб Расулуллоҳ унинг жигарини қовуришни буюрдилар. Оллоҳ таолога онт ичаманки, бир юз ўттиз кишининг ҳар бирига қовурилган жигардан кесиб улуш ажратдилар, ким шу ерда бўлса, улушини ўзига бердилар, бирор ерга кетган бўлса, улушини эҳтиётлаб олиб кўйдилар. Кейин, қолганини икки лаганга солдилар, барчамиз тўйгунча едик, шунда ҳам икки лаган ортиб қолди, мен уни туяга ортиб қўйдим».

Ошша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз хурмо бирлан сувга эндигина тўйганимизда вафот этиб қолдилар»,— дейдилар.

6- боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Йўқдур гуноҳ кўрга ва йўқдур гуноҳ чўлоққа ва йўқдур гуноҳ хастага ва на ўзларингизга емакларингизда ўз уйларингиздан ё оталарингиз уйларидан ё оналарингиз уйларидан ё биродарларингиз уйларидан ё сингилларингиз уйларидан ё амакиларингиз уйларидан ё аммаларингиз уйларидан ё тоғаларингиз уйларидан ё холаларингиз уйларидан ё калитлари қўлларингизда бўлган уйдан ё дўстларингиз уйдан, йўқдур гуноҳ сизларга бир бўлиб емоқларингизда ё алоҳида-алоҳида бўлиб, кейин қачон кирсангизлар уйларга, бас

салом берингизлар ўз кишиларингизга-ки, (бу «Оллоҳ таоло тарафидан муборак ва покиза дуодур, мана шундоқ баён қилур Оллоҳ таоло сизларга ўз оятларини токи сизлар тушунингизлар деб»

Сувайд ибн ан-Нуъмон ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбарга йўлга чиқдик. Саҳбо деган ерга етганимизда («Саҳбо Хайбардан бир кечалик йўл масофасида»),— дейдилар Яҳё) Жаноб Расулуллоҳ таом келтирмоқни буюрдилар, аммо талқондан бўлак егулик келтиришмади. Биз уни чайнай-чайнай едик, кейин сув келтирмоқни амр қилдилар, у бирлан оғиз чайқадилар, биз ҳам оғиз чайқадик. Сўнг, таҳорат олмай (таом таҳоратни бузмайди, оғиз чайқалса, бас) биз бирлан шом ўқидилар». Суфён: «Мен бу ҳадисни Сувайддан биринчи ва охириги марта эшитдим»,— дейдилар.

7- боб. Юмшоқ нон ҳамда хонтахта ва дастурхонда овқатланмоқ хусусида

Қатода ривоят қиладилар: «Биз Анаснинг уйида бўлдик, унинг ҳузурда нонвойи ҳам ўлтирган эрди. Шунда Анас: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолога рўпара бўлгунларига қадар ҳам на юмшоқ нон ва на қайнатилган қўй гўшти емаганлар!» — деди».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг на тақсимчада овқатланганларини ва на нонлари юмшоқ бўлганини ва на хонтахтада овқатланганларини сира ҳам билмайман!».

Қатодага: «Жаноб Расулуллоҳ ва ул зотнинг оилалари нимада овқатланишган?»— деб айтишди. Қатода: «Дастурхонда»,— дедилар.

Анас ривоят қиладилар. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафийяга уйландилар. Мен мусулмонларни ул зотнинг тўй зиёфатларига таклиф қилдим. Жаноб Расулуллоҳ чарм палосни тўшамоқни амр қилдилар, мен уни тўшадим, устига хурмо, пишлок ва ёғ қўйилди».

Амр Анасдан нақл қилиб: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафийяга уйландилар. Сўнг, чарм палос тўшатиб, мусулмонларни «хайс» (хурмога ёғ ва пишлок қўшиб тайёрланадирган таом) бирлан зиёфат қилдилар»,— дейдилар.

Ваҳб ибн Кайсон ривоят қиладилар: «Шом аҳли Ибн Зубайрни: «Эй икки камарли аёлнинг ўғли!» — деб изза қилишар эрди. Асмо ул кишига: «Эй болажоним, уларнинг сени нечун бундай деб изза қилишларини ҳамда икки камарнинг не эрканлигини билурмисан? Бир пайтлар мен камаримни иккига бўлиб, Жаноб Расулуллоҳнинг мешларини бир бўлаги бирлан, сафархалталарини эрса иккинчи бўлаги бирлан боғлаб берган эрдим»,— дедилар. Шом аҳли Ибн Зубайрни: «Икки камарли аёлнинг ўғли!» деб изза қилганда, у уларга жавобан: «Эй бетамизлар, мени изза қиламан деб ўзларингизни изза қилаётирсизлар!»—дер эрди».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Ибн Аббоснинг холаси бўлмиш Ҳорис ибн Ҳузнинг кизи Умму Хафид Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ёғ, пишлок ва калтакесаклар (эчкемарлар) тортиқ қилди. Жаноб Расулуллоҳ аёлларини дастурхонга таклиф қилдилар, улар ул зотнинг хонтахтала-рида тановул қилишди. Аммо, Жаноб Расулуллоҳнинг ўзлари улардан жиркангандек ўринларидан туриб нари кетдилар. Агар калтакесак гўшти ҳаром қилинган бўлганида аёллар ул зотнинг хонтахталарида тановул қилмаган бўлур эрдилар, бунинг устига ул зот уларга калтакесак гўштини ейишни амр ҳам қилмадилар».

8- боб Талқон ҳақида

Сувайд ибн ан-Нуъмон ривоят қиладилар «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Саҳбо деган ерда бўлдик, Саҳбо Хайбардан бир кечалик йўл узоқлигида Намозга ҳозирлик кўриб турган эрдик, Жаноб Расулуллоҳ таом келтирмоқни

амр қилдилар, аммо талқондан бўлак егулик йўқ эрди. Биз ул зот бирлан биргаликда талқон тановул қилдик. Кейин, ул зот сув келтирмоқни буюрдилар-да, оғиз чайқадилар, сўнг таҳо-ратни янгиламай намоз ўқидилар, биз ҳам биргаликда ўқидик»

9-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таомни, Оллоҳ таолонинг исмини айтмай ва унинг нимадан тайёрланганлигини билмай туриб, тановул қилмаганликлари хусусида

Абу Умома ибн Саоҳл ибн Ҳунайф ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Холид ибн Валид (Сайфуллоҳ) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўзининг ва Ибн Аббоснинг холаси бўлмиш Маймунанинг уйига кириб, у ерда холасининг синглиси Ҳафида бинти ал-Ҳорис Нажддан келтирган қовурилган калтакесак гўштига кўзи тушди. Маймуна калтакесак гўштини Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига олиб келиб қўйди. Жаноб Расулуллоҳ таомга, унинг нимадан тайёрланганлигини сўрамай ва Оллоҳ таолонинг исмини айтмай туриб, камдан-кам қўл узатар эрдилар. Ул зот калтакесак гўштига қўл узатиб эрдилар, ҳузурларидаги аёллардан бири: «Ё Расулаллоҳ, бу калтакесак гўшти!» — деб огоҳ қилди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ дарҳол калтакесак гўшtidан қўллари тортдилар. Холид ибн Валид «Ё Расулаллоҳ, калтакесак ҳаромми?» — деди. Ул зот: «Йўқ, аммо ер юзида ундан жирканмайдирган бирорта ҳам қавмим бўлмагай, мен ҳам ундан жирканаман!»—дедилар. Холид ибн Валид: «Мен ул зотнинг кўз олдиларида калтакесак гўштини нимталаб едим»,— дейдилар»

10-боб. Бир киши тўядирган овқат икки кишига ҳам кифоя қилади!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Икки киши тўядирган овқат уч кишига кифоя қилади ва уч киши тўядирган овқат тўрт кишига кифоя қилади»,— дедилар».

11-боб. Мўмин битта ичаги тўлгунча ейди!

Нофиъ ривоят қиладилар: «Ибн Умар токи бир мискинни топиб келишмагунча, овқат емас эрдилар, топиб келишгач, у бирлан бирга овқатланар эрдилар. Бир куни бирга овқатлансин, деб бир кишини Ибн Умарнинг ҳузурларига киритиб юбордим. У баднафс чиқиб қолиб, кўп овқат еб юборди. Шунда Ибн Умар «Эй Нофиъ, бун иккинчи менинг ҳузуримга киритма! Мен Жаноб Расулуллоҳнинг «Мўмин битта ичаги тўлгунча, кофир эрса етгита ичаги тўлгунча овқат ейди!» деб айтганларини эшитганман»,— дедилар»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Дарҳақиқат, мўмин битта ичаги тўлгунча, кофир (ёки мунофик) эрса етгита ичаги тўлгунча овқат ейди!» — дедилар»

Суфён Хазрат Умардан нақл қиладилар: «Абу Нухайк баднафс одам эрди. Ибн Умар унга «Жаноб Расулуллоҳ «Дарҳақиқат, кофир етгита ичаги тўлгунча овқат ейди!» деб айтганлар, мен эрсам Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига иймонлиман!» — деди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мусулмон битта ичаги тўлгунча, кофир эрса етгита ичаги тўлгунча овқат ейди!»—дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир киши илгари жуда кўп овқат ер эрди, мусулмон булгач, кам овқат ейдирган бўлди. Бу ҳақда Жаноб Расулуллоҳга айтишган эрди, ул зот «Дарҳақиқат, мўмин битта ичаги тўлгунча, кофир эрса етгита ичаги тўлгунча овқат ейди!»—дедилар».

12-боб. Ёнбошлаб овқат емок хусусида

Абу Жҳуайфа ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мен ёнбошлаб овқат емайман»,— дедилар».

Абу Жҳуайфа ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларида эрдим, шунда ҳузурларида ўлтирган бир бошқа кишига: «Мен ёнбошлаган ҳолда овқат емай-

ман»,— дедилар».

13- боб Қовурилган гўшт ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Кейин, келтирди қовурилган бузоқ».

Иби Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қовурилган калтакесак (эчкемар) келтирилди, ул зот ундан емоқ бўлиб қўл узатдилар. Шунда ул зотга унинг калтакесак гўшти эрканлиги айтилди, ул зот дарҳол ундан қўллари тортдилар. Холид «Бу ҳаромми?»—деди. Ул зот: «Йўқ, лекин ер юзида бундан жирканмайдирган бирорта ҳам қавмим бўлмайди, мен ҳам бундан жирканаман»,— дедилар. Холид Жаноб Расулуллоҳнинг кўз олдларида ундан еди».

14-боб. Ҳазира ҳақида

Назр «Ҳазира — хурмодан ва ҳарира сутдан тайёрланадирган таомдур»,— дейдилар
Маумуд ибн ар-Рабиъ ривоят қиладилар «Бадр ғазотида иштирок қилган саҳобалардан бири Атбон ибн Молик ал-Ансорий Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига келиб: «Ё Ра-сулаллоҳ! Менинг кўзим хира бўлиб, шу ҳолимда қавмимга имомлик қиламан. Агар ёмғир ёғиб сел келса, мен бирлан уларнинг ўртасидаги водийни сув босиб кетиб, уларга имомлик қилмоғим учун масжидларига боролмай қоламан. Ё Расулаллоҳ, менинг уйимга бориб намоз ўқисангиз, мен сиз намоз ўқиган жойни ўзимга намозгоҳ қилиб олган бўлур эдим!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Иншооллоҳ, шундай қилгайман!»—дедилар. Атбон бундай дейдилар. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакр ас-Сиддиқ эртасига куёш кўтарилган вақтда менинг уйимга ташриф буюришди. Ул зот ичкарига кирмоққа изн сўрадилар, мен изн бердим. Сўнг, ичкарига киришлари ҳамоноқ ўлтирмай: «Уйингнинг қаерида намоз ўқиб бермоғимни истайсан?» — дедилар. Мен уйимнинг бир жойини кўрсатдим, ул зот ўша жойга бориб такбир айтдилар, биз саф тортдик, бизга имомлик қилиб икки ракъат намоз ўқидилар, кейин икки елкаларига салом бердилар. Кейин, биз ул зотни ўзимиз тайёрлаган «ҳазира»га таклиф қилиб олиб қолдик. Хонадон аҳлидан бир қанчаси уйга кириб тўпланишди. Шунда бир киши «Молик ибн ад-Духшин қаерда?» — деди. Кимдир «У мунофиқдур, Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини яхши кўрмайди!»—деди. Ул зот «Оллоҳ таолонинг ризолигини истаб «Ло илоҳа иллаллоҳу» деб айтганини кўра-била туриб, бундай демагил!» — дедилар. Ул «Оллоҳ таоло ва унинг расули кўпроқ билгувчидир! Аммо, биз унинг мунофиқларга нисбатан муносабатини кўриб, шундай деб айтувдик»,— деди. Ул зот «Дарҳақиқат, Оллоҳ таолонинг ризолигини истаб «Ло илоҳа иллаллоҳу» деб айтган кишини куйдирмоқни Оллоҳ таоло дўзахга ҳаром қилди»,— дедилар».

15-боб. Пишлоқ ҳақида

Ҳумайд ривоят қиладилар: «Мен Анаснинг бундай деб айтганини эшитиб эрдим: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафийяга уйландилар. Дастурхонга хурмо, пишлоқ ва ёғ қўйиб мусулмонларни зиёфат қилдилар».

Амр ибн Абу Умар Анасдан нақл қилиб: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Сафийяга уйланганларида) «ҳайс» (пишлоққа хурмо ва ёғ қўшиб тайёрланадирган таом) тайёрладилар»,— дедилар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Холам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (қовурилган) калтакесак гўшти, пишлоқ ва сут тортиқ қилдилар. (Қовурилган) калтакесак гўштини ул зотнинг хонтахталарига қўйишди. Агар калтакесак ҳаром бўлганида хонтахталарига қўйишмас эрди. Ул зот сутни ичиб, пишлоқни едилар (аммо, калтакесакдан жирканиб емадилар)».

16-боб. (Қанд) лавлаги ва арпа хусусида

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Биз жумъа куни хурсанд бўлур эрдик. Бизнинг

бир кампиримиз бўлиб, у (қанд) лавлагини қозонига солиб, унга бироз арпа донидан қўшиб қайнатиб қўяр эрди. Биз жумъани ўқиб бўлиб, уни кўргани борар ва у бизни бояги таом бирлан сийлар эрди. Шул боисдан ҳам биз ҳар жумъа куни хурсанд бўлур эрдик. Одатда, биз жумъани ўқимагунимизча на тушлик ва на қайлула қилар эрдик. Худо ҳақи, ўша таомда на гўшт ёғи ва на думба ёғи бўлар эрди».

17-боб. (Гўштни) тиш бирлан узиб олиб чайнамоқ ва гўштни (қозондан) олмоқ ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биқин (қобирға) гўштини еб бўлиб, ўринларидан турдилар-да, таҳоратларини янгиламай намоз ўқидилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қобирға гўштини қозондан олиб едилар-да, таҳоратларини янгиламай намоз ўқидилар» (чунки, таом еганда таҳорат бузилмайди, оғиз чайқалса, бас)

18- боб Қўл гўштини емоқ хусусида

Қатода оталаридан нақл қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Макка томонга йўл олдик».

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода оталаридан нақл қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бир гуруҳи бирлан Макка йўлидаги бир жойда ўлтирган эрдим, Жаноб Расулуллоҳ ҳам ёнгинамизга келиб қўнган эрдилар. Барча эҳромда бўлиб, фақат мен эҳром боғламаган эрдим. Пойафзалимни ямаб турганимда одамлар бир қулонни кўриб қолишди, аммо буни менга билдиришма-ди, чунки улар «Қошки, уни ўзи кўриб қолса!» деб исташган эрди (чунки, эҳром кийган одам ўзи кўриб қолган ов ҳайвонини эҳром киймаган одамга кўрсатиб қўймаслиги лозим). Бир пайт, ўгирилиб қулонга кўзим тушиб қолди. Ўрнимдан туриб отимнинг олдига бордим-да, уни эгарладим. Сўнг, уни миндим, аммо қамчи бирлан найзани унутиб қолдирган эрдим. Одамларга: «Қамчи бирлан найзани олиб берингизлар!» — дедим. Улар: «Йўқ, асло! Худо ҳақи, биз сенга бу ишда ёрдам бермаймиз!» — дейишди (чунки, улар эҳромда бўлиб, ов борасида ёрдам кўрсатмоқлари мумкин эрмас эрди). Мен ғазабланиб отдан тушдим-да, қамчи бирлан найзани ўзим олиб, яна отга миндим. Отимни ов устига ҳайдаб, унга найза отдим, сўнг бориб қарасам, ўлибди. Одамлар унинг гўшtidан пишириб ейишди, сўнг эҳромдаликлари ёдларига тушиб: «Қулон гўшtidан еб гуноҳкор бўлмадикмикан?» — деб хавотирга тушишди. Кейин, биз йўлга тушдик, мен қулоннинг ортиб қолган бир қўлини ўзим бирлан олиб олдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига боргач, ул зотдан шул ҳақда сўрадик. Ул зот: «Қулон гўшtidан бирор бўлак олиб келдингизларми?» — дедилар. Мен қулоннинг қўлини ул зотга узатиб эрдим, эҳромдаликларига қарамай, уни еб суюқларигача тозалаб қўйдилар».

19- боб. Гўштни пичоқ бирлан кесмоқ ҳақида

Амр ибн Умайя ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўйнинг елкасидан қўлини кесиб олаётганларини кўрдим. Шунда намозга азон айтилиб қолди, ул зот қўйнинг қўли бирлан пичоқни қўйиб, ўринларидан турдилар-да, таҳоратни янгиламай намоз ўқидилар».

20-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таомга наҳ урмас эрдилар!

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таомга наҳ урмас эрдилар, иштаҳалари бўлса, ер эрдилар, иштаҳалари бўлмаса, емас эрдилар».

21- боб. Арпа (унини) пуфламоқ (совурмоқ) ҳақида

Абу Хозим ривоят қиладилар: «Мен Саҳлдан: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг замонларида (эланган) оқ ундан ёпилган нонни кўрганмисизлар?» — деб сўрадим. У: «Йўқ»,— деди. Мен: «Арпа (унини) элар эрдингизларми?»—дедим. У: «Йўқ, ammo уни пуфлар (совурар) эрдик»,— деди».

22-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан ул зотнинг саҳобалари нима ейишар эрди?

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига хурмо тақсим қилдилар. Ҳар бир саҳобага еттидан хурмо бердилар, менга ҳам етти хурмо бердилар. Улардан бири ёмонроқ эрди. Хуллас, уларнинг ичида менга ёқадиргани бўлмай, бирини олиб бирига урадирган даражада эрди».

Қайс: «Саъд менга бундай деб айтди»,— дейдилар: «Менинг Оллоҳ таоло йўлида биринчи бўлиб ўқ отган араб эрканлигимни билурсен. Биз Жаноб Расулulloҳ бирлан ғазот қилур эрдик, ўшанда ҳубла баргидан бўлак емишимиз бўлмай, ичимиз кўйнинг кумалоғи янглиғ эрди. Кейин, Бану Асад мени динга бул қадар берилмасликка ундай бошлади, мен уларнинг гапига кириб, илгариги саъйимни ҳабата қилиб кўйдим».

Абу Хозим ривоят қиладилар: «Мен Саҳл ибн Саъддан: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам оқ ундан ёпилган нон еганмилар?» — деб сўрадим. Саҳл: «Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таоло яратгандан то омонатини олгунга қадар оқ ундан ёпилган нонни кўрмаганлар»,— деди. Мен: «Жаноб Расулulloҳнинг даврларида уларнинг элаклари бўлганми?»—дедим. Саҳл: «Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таоло яратгандан то омонатини олгунга қадар элакни кўрмаганлар»,— деди. Мен: «Арпа унини эламасдан қандай истеъмол қилур эрдингизлар?» —дедим. Саҳл: «Арпани ун қилиб, сўнг уни пуфлар (совурар) эрдик, шунда унинг кепаклари учиб кетарди, қолганини ҳамир қилиб, истеъмол қилур эрдик»,— деди».

Саъид ал-Мақбурий ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра ковурилган кўй гўшти еб ўлтирган бир қавм олдидан ўтиб кетаётганларида дастурхонга таклиф қилишди. Шунда Абу Ҳурайра уни емоқдан бош тортдилар-да: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бугдой ва арпа нонига тўймай бу дунёдан ўтиб кетдилар!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам на хонтахтада ва на ликопчада таом еганлар, нонлари ҳам юмшоқ оқ нон бўлмаган. Мен Қатодага: «Нимада овқатланар эрдингизлар?»—дедим. У: «Дастурхонда»,— деди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламнинг оилалари, ул зот Мадинага келганларидан то вафот қилгунларига қадар, уч кун бўлса ҳам тўйиб бугдой таоми емагандур!».

23-боб. Сутли хўрда ҳақида

Урва ибн Зубайр ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша разияллоҳу анҳонинг бирор яқин кишилари вафот қилса, кўшни аёллар таъзия билдиргани уйларига киришар эрди, кейин улар чиқиб кетиб, фақат хонадон аҳли қолар эрди. Шунда Оиша онамиз бир тоғора сут олиб келмоқларини буюрар, сўнг уни пишириб нон бурдалари устига қуйиб хўрда тайёрлар эрдилар-да: «Бундан ичингизлар! Чунки, мен Жаноб Расулulloҳнинг «Сутли хўрда беморнинг дилига ором бериб, азадор кимсанинг қайғусини енгиллаштиради» деб айтганларини эшитганман»,— дер эрдилар».

24- боб, Сарид (нон бурдалари ёки қовоқ солиб тайёрланадирган сутли хўрда) ҳақида

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам

бундай деб айтдилар: «Кўпчилик эркалар камолотга эришди, аммо Марям бинти Имрон ва Фиръавнинг хотини Осиядан бўлак аёллар камолотга эришмади. Сарид бошқа таомлардан афзал бўлгани каби, Оиша ҳам бошқа аёллардан афзалдур!».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оишанинг бошқа аёллардан афзаллиги — сариднинг бошқа таомлардан афзаллиги каби-дур!» — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга тикувчи ғуломларининг ҳузурига кирдим. У Жаноб Расулуллоҳга бир идишда сарид (ширковок) берди-да, ўз ишига кетди. Жаноб Расулуллоҳ ширковокни тановул қила бошладилар, мен ҳам рўпараларида ўлтириб ея бошладим. Шундан бери ковокни жуда хуш кўраман!»

25-боб. Кўй гўшти қовурдоғи, кўл ва биқин гўшти ҳақида

Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Анас ибн Моликнинг уйига борганимизда қошида нонвойи турган эрди. Шунда Анас бизга: «Олингизлар, (нондан) енгизлар! Аммо, мен Жаноб Расулуллоҳнинг вафот қилгунларига қадар ҳам юмшоқ оқ нонни кўрганларини билмайман, ул зот кўй кўшти қовурдоғини ўз кўзлари бирлан мутлақо кўрган эрмаслар!» — деди».

Жаъфар ибн Амр ибн Умайя оталаридан нақл қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўйнинг кўлини кесиб еганларини кўрдим. Кейин, намозга азон айтилиб эрди, ўринларидан туриб кўлларигаги пичокни ташладилар-да, таҳоратларини янгиламай намоз ўқидилар».

26-боб. Аждодларнинг ўз уйлари ва сафарлари учун таом, гўшт ва бошқа егуликлар ғамлаб кўйганлари ҳақида

Оиша ва Асмо разияллоҳу анҳумо: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакр ас-Сиддик учун йўлга егуликлар тайёрлаб бердик», — дейишади.

Абдуorraҳмон ибн Обис оталаридан нақл қиладилар: «Мен Оиша онамизга: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик гўштини уч кундан ортиқ емоқликдан қайтарганмилар?» — дедим. Оиша онамиз: «Одамлар оч қолган йили бойларнинг камбағалларни тўйдирмоғини истаб шундай қилган эрдилар, холос!» — дедилар. Сўнг, (ҳазиллашиб); «Агар битта сонни кўтариб олиб кетолсак, уни ўн беш кунда еб битирар эрдик», — деб айтдилар. Шунда одамлар: «Бунга сизларни нима мажбур қилган эрди?» — дейишди. Оиша онамиз кулиб юбордилар-да: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оилалари ул зот вафот қилгунларига қадар уч кун бўлса ҳам оқ буғдой нонини тўйиб емаган!» — дедилар».

Жобир разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулуллоҳнинг даврларида қурбонликка сўйилган жонлиқлар гўштини Мадинага (кетаётганда йўлда еб кетиш учун) эҳтиётлаб кўяр эрдик», — дедилар. Ибн Журайж Атодан сўрадилар: «Мадинага етиб келгунимизга қадар, деб айтдимиз?». Ато «Йўқ», — дедилар.

27- боб. Хайс (хурмога ёғ ва пишлок қўшиб тайёрланадирган таом) ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талхага: «Ғуломларингдан бири менинг хизматимни қилиб юрса!» - дедилар. Абу Талха мени уловларига мингаштириб олиб йўлга чиқдилар, мен Жаноб Расулуллоҳ қаерда тушиб дам олсалар, хизматларини қилар эрдим. Шунда мен ул зотнинг нукул «Ё парвардигоро, мени ғаму ташвишдан, мусибатдан, мункиллаганликдан, ялқовликдан, кўрқоқликдан, бахилликдан, қарзга ботмоқдан ҳамда одамлар қаҳридан ўз паноҳингга асрагин!» — деб айтганларини эшитар эрдим. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг Хайбардан ортга қараб йўлга чиққунларига қадар ҳам хизматларини қилиб юрдим. Жаноб Расулуллоҳ ўзларига хотин қилиб олган Сафийя бинти Хужай бирлан бирга йўлга чиқдилар. Шунда мен

ул зотнинг Сафийяни ўз кийимлари билан ўраб-чирмаб туяларига мингаштириб олганларини кўрдим. Биз Саҳбо деган жойга етиб борганимизда ерга чарм палос ёздириб, «ҳайс» тайерладилар, сўнг мени жўнатдилар, мен одамларни дастурхонга таклиф қилиб келдим. Одамлар «ҳайс» тановул қилишди. Бу Жаноб Расулуллоҳнинг Сафийяга уйланганлари муносабати билан берилган тўй зиёфати эрди Кейин, йўлга чикдилар, йўлда Уҳуд тоғи кўрингач «Бу тоғ бизни яхши кўрур, биз ҳам уни яхши кўрурмиз!» — дедилар. Мадинага яқинлашгач эрса: «Ё пар-вардигоро, Иброҳим Маккани муқаддас қилгани каби, мен ҳам Мадинанинг икки тоғи оралиғидаги ерларни муқаддас қилдим! Ё парвардигоро, Мадина ахлининг тошу тарозусига баракот ато этгайсан!»— дедилар».

28- боб Кумуш идишда овқат емоқ хусусида

Мужоҳид ривоят қиладилар: «Абдурраҳмон ибн Абу Лайло Ҳузайфанинг ҳузурда бўлганида Ҳузайфа сув сўрадилар. Бир мажусий қадахда сув келтириб Ҳузайфанинг кўлларига берганда у киши уни отиб юбордилар-да «Мен унга кумуш идишда сув келтирмасликни бир-неча бор тайинлагандим, у бўлса энди бундай қилмайман, деб «айтгандек бўлади-ю, барибир ўз билганидан қолмайди. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг «На ипак ва на дебож киймангизлар, олтин ва кумуш идишда еб-ичмангизлар, чунки бундай кийиму идишлар бу дунёда улар учун, охиратда эрса бизлар учундур!» — деб айтганларини эшитганман»,— дедилар»

29- боб. Дин илми хусусидаги йиғинда таом ҳақида сўзлаш (макруҳ эрмас!)

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қуръон қироат қилувчи мўмин утрукжа (лимон) сингари хушбўй ва хуштаъмдур, Қуръон қироат қилмайдирган мўмин эрса хурмо каби ширин бўлгани билан хушбуй ҳиддан маҳрумдир, Қуръон қироат қиладирган мунофиқ хусусига келсак, у райхон каби хушбўй бўлса-да, таъми аччиқдур, Қуръон қироат қилмайдирган мунофиқ эрса аччиқ тарвуз (колоквинт) каби ҳидсиз ва таъми аччиқдур!».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Оишанинг бошқа аёллардан афзаллиги — сарид (сутли хўрда)нинг бошқа таомлардан афзаллиги кабудур!» — дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафар азобнинг бир бўлаги бўлиб, у сизни уйқу билан таомдан қолдиради. Агар кимники сафарда нафси мағлуб қилса, дарҳол оиласига қайтсин!» — дедилар».

30- боб. Хуруш (иштаҳани очувчи воситалар) ҳақида

Қосим ибн Муҳаммад ривоят қиладилар: «Жория Барирага нисбатан адо этилмоғи лозим бўлган уч суннат мавжуд эрди. Оиша разияллоҳу анҳо Барирани сотиб олиб, озод қилмоқчи бўлдилар. Шунда унинг эгалари унга ҳомийлик ҳуқуқини ўзларида қолдирилишини шарт қилиб қўйишди. Оиша разияллоҳу анҳо буни Жаноб Расулуллоҳга айтдилар. Ул зот: «Уларнинг шартига кўниб, уни сотиб олавер, чунки ҳомийлик ҳуқуқи уни озод қилган шахсга ўтади!» — дедилар. Кейин, Оиша разияллоҳу анҳо Барирани озод қилиб, унга эри билан яшаш ёки яшамаслик ихтиёрини бердилар. Бир куни Жаноб Расулуллоҳ Оишанинг уйига кирдилар, шунда қозонда гўшт қайнаб турарди. Ул зот овқат келтирмоқни буюрдилар, дастурхонга нон ва уйда мавжуд бўлган хурушлардан олиб келиб қўйишди. Ул зот: «Қозонда гўшт қайнатиб қўйилганини кўрдим шекилли?»— дедилар.

«Ҳа, ё Расулаллоҳ! Аммо, бу гўшт Барирага садақа қилинган бўлиб, у бизга озгинасини илиниб юборибди»,— дейишди. Ул зот: «Бу гўшт Барирага садақа, бизга эрса ҳадядур» — дедилар».

31- боб. Ҳалво ва асал ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалво бирлан асални яхши кўрар эрдилар»,— дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Патир емай ва ҳарир киймай юрган кезларимда ҳамда бирор ғулом ёки чўри хизматимни қилмаган чоғларда мен қорнимни тўйғазиш учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларидан эргашиб юрган эрдим. Ўшанда очликдан қорним умуртқамга ёпишиб қолган бўлиб, қорним оч эрканлигини сезармикан, деган мақсадда, ўзим яхши билсам ҳам, учраган одамдан мискинларни тўйғазиш лозимлиги ҳақидаги оятни ўқиб бермоғини илтимос қилар эрдим. Энг мискинпарвар одам бўлмиш Жаъфар ибн Абу Толиб бизга киё боқиб уйда бор нарсани олиб чиқиб қорнимизни тўйғазар ва агар у бўм-бўш ёғ идишини олиб чиқса ҳам, биз унинг юқини ялаб тозалаб кўяр эрдик».

32- боб. Қовоқ (кади) ҳақида

Анас ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тикувчи мавлоларининг уйига кириб эрдилар, бир идишда олдиларига пиширилган қовоқ олиб келиб кўйди. Жаноб Расулуллоҳ қовоқдан тановул қила бошладилар. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг қовоқ еганларини кўрганимдан буён қовоқни яхши кўраман».

33- боб. Киши ўз биродарлари учун таом тайёрлаб тақаллуф кўрсатади

Абу Масъуд ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Ансорлардан бўлмиш Абу Шуъайб исмли бир киши бўлиб, унинг қассоб ғуломи бор эрди. Бир куни у ўша ғуломига: «Менга бир таом тайёрлаб бергин, Жаноб Расулуллоҳ бирлан яна тўрт кишини меҳмонга таклиф қиламан!» — деди. Кейин, у Жаноб Расулуллоҳ бирлан яна тўрт кишини уйига меҳмонга чақириб эрди, уларга яна бир киши эргашиб келди. Жаноб

Расулуллоҳ мезбонга: «Сен бизни беш киши бўлиб келмоғимизни айтган эрдинг, аммо мана бу киши ҳам бизга эргашиб келди, хоҳла, уни ҳам ичкарига таклиф қил, хоҳла, таклиф қилма!» — дедилар. Мезбон: «Майли, кираверсин!» — деди»,

Мҳуаммад ибн Исмоил бундай дейдилар: «Бирор хонтахта (дастурхон) атрофида ўлтирган қавм ўз хонтахасидан (дастурхонидан) бошқа хонтахтага (дастурхонга) ўтиб тановул қилмасин, аммо бир қавм иккинчи қавмга ўз хонтахасидаги (дастурхонидаги) таомдан узатмоғи ёки уларни чорлаб меҳмон қилмоғи мумкин дур».

34-боб. Бир кишини таом бирлан сийлаб, сўнг ўз ишига кетган шахс ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга дастёрлик қилиб юрувчи бир ғулом эрдим. Бир куни Жаноб Расулуллоҳ ўзларининг тикувчи ғуломлари уйига кирдилар, у бир идишда устига пиширилган қовоқ кўйилган таом келтириб кўйди. Жаноб Расулуллоҳ иштаҳа бирлан қовоқдан тановул қила бошладилар, буни кўриб мен ҳам ул зотнинг олдиларидаги қовоқдан олиб ея бошладим. Тикувчи ғулом эрса бизни таом бирлан сийлаб, сўнг ўз ишига кетди. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг иштаҳа бирлан қовоқ еганларини кўрганимдан буён қовоқни яхши кўриб қолдим!»

35-боб. Суюқ овқат (марақ) ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир тикувчи (ғулом) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзи тайёрлаган таомга таклиф қилди, мен ҳам ул зот бирлан бирга бордим. У дастурхонга арпа нони, қовоқ солиб пиширилган марақ ва сур гўшт келтириб кўйди. Қарасам, Жаноб Расулуллоҳ иштаҳа бирлан идишдаги қовоқдан тановул

қилаетирлар, мен шу кундан эътиборан қовоқни хуш кўриб қолдим!».

36-боб. Сур гўшт ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига қовоқ солиб пиширилган марақ ва сур гўшт олиб келиб кўйилганини ҳамда ул зотнинг қовоқдан иштаҳа бирлан тановул қилганларини кўрдим».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу ва саллам одамлар оч қолган йилигина уч кундан ортиқ қурбонлик гўшtidан ейишга рухсат бермаганлар, ўшанда бойларнинг камбағалларни тўйғазмоғини истаган эрдилар. Агар битта сонни кўтариб кетолсак, уни ўн беш кунда еб битирар эдик»,— дедилар. (Одамлар Оиша онамизнинг «Ўн беш кунда битта сонни еб битирар эдик» деб ҳазил қилганларини тушунмай: «Бунга сизларни нима мажбур қилган эрди?» — дейишди). Оиша онамиз (қулиб юбордилар-да): «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оилалари уч кун бўлса ҳам оқ буғдой нонини тўйиб емаган!» — дедилар.

37-боб. Дўстининг (ўртоғининг) олдидаги хонтахтага бирор егулик келтириб қўйган киши ҳақида

Ибн ал-Муборак: «Икки қавм бир-бирини ўз хонтахтасидаги таомдан узатиб сийламоғи мумкин, аммо киши ўзича бу хонтахтадан у хонтахтага ўтиб тановул қилмайди»,— дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир тикувчи (ғулом) таом тайёрлаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни меҳмонга таклиф қилди, мен ҳам ул зот бирлан бирга ўша меҳмондорчиликка бордим. Мезбон ул зотнинг олдиларига арпа нони, қовоқ солиб пиширилган марақ ва сур гўшт келтириб қўйди. Қарасам, Жаноб Расулуллоҳ идишдаги қовоқдан иштаҳа бирлан тановул қилаётирлар. Ўшандан бери мен қовоқни хуш кўриб қолганман!».

38-боб. Янги узилган хурмони бодринг (таррак) бирлан емоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг янги узилган хурмони таррак бирлан еяётганларини кўрдим».

39-боб.

Абу Усмон ривоят қиладилар: «Мен етти киши бўлиб Абу Ҳурайраникига меҳмонга бордим. Шунда унинг ўзи, хотини ва хизматкори туннинг учдан бир қисмини навбатчилик қилиб ўтказишди, яъни бири намоз ўқиб бўлиб, иккинчисини уйғотар эрди. Ўшанда Абу Ҳурайрининг бундай деб айтганини эшитган эрдим: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига хурмо тақсим қилдилар, менга еттита хурмо тегди, улардан бирининг сифати ёмон эрди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хурмо тақсим қилдилар, шунда менга бешта хурмо тегди, тўрттаси яхши ва биттаси ёмон эрди. Қарасам, ўша битта ёмонига тишим ҳам ўтмайди».

40- боб. Янги узилган хурмо ва хурмо қоқиси ҳақида

Оллоҳ таолонинг қвли: «**Ва қимирлат (силкит) хурмо дарахтини ўз тарафинггаки, тушурур санга янги пишган хурмони.**».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Хурмо бирлан сувга эндигина тўйганимизда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этиб қолдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мадинада бир яҳудий бўлиб, у хурмоларимни (пишганда) ўзига узиб олиш шарти бирлан менга қарз берган эрди

(Рума деган кудук томонда Жобирнинг хурмозори бор эрди) Ўша йили хурмозоримнинг ҳосили кечикиб кетиб, қарзимни узолмадим. Яҳудий келаси йил ҳосилини йиғиштириш пайтида келиб эрди, хурмозоримга кириб қарзимни узишга етарлик хурмо кўрмадим. Шунда яҳудийдан янаги йил ҳосилини кутмоғини илтимос қилдим, у кўнмади. Кейин, шу ҳақда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга хабар қилдим. Жаноб Расулуллоҳ асҳобларига! «Турингизлар, биз Жобирга муҳлат берсин, деб яҳудийдан талаб қиламиз!»— дедилар. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ саҳобалари бирлан бирга хурмозоримга келдилар-да, яҳудийдан койиниб: «Эй Абулқосим, қани ўзи у, уни кўрмайман-ку?» — дедилар. Кейин, яҳудийга кўзлари тушгач, хурмозоримни бир айланиб келдилар-да, олдига бориб уни кўндиришга ҳаракат қилдилар, у кўнмади. Мен ўрнимдан туриб бироз хурмо узиб келдим-да, Жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига қўйдим, ул зот уларни тановул қилгач, менга: «Хурмозорингнинг энг соя-салқин ери қаерда?» — дедилар. Мен ўзим дам оладирган энг соя-салқин жойни кўрсатдим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ўша ерга жой солиб бер!» — дедилар, мен жой солиб бердим. Жаноб Расулуллоҳ етиб дам олдилар, сўнг уйғондилар. Мен яна бироз хурмо узиб келдим. Ул зот улардан тановул қилгач, ўринларидан туриб яна яҳудийни кўндиришга ҳаракат қилдилар, аммо у кўнмай: «Иккинчи (келгуси) йил ҳосилини олмайман!» — деб туриб олди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Ё Жобир, хурмоларни териб олиб қарзингни узгил!» — дедилар-да, терим тугагунча кутиб турдилар. Мен (барака касб этган) хурмоларни териб қарзимни уздим, яна қанчаси ортиб ҳам қолди. Кейин, хурмозордан чиқиб, Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келдим-да, бўлган воқеани айтиб хурсанд қилдим. Ул зот: «Дарҳақиқат, мен Оллоҳ таолонинг расулидурман!» — дедилар».

41-боб. Жуммор (хурмонинг эзилиб пишган жойи) емоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир пайт биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтириб эрдик, жуммор олиб келиб қолишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Айтингизларчи, қайси дарахтнинг баракаси мусулмоннинг баракаси кабидур?»— дедилар. Мен: «Бу хурмо дарахти бўлса керак?»— деб ўйлаб, «Ё Расулуллоҳ, бу хурмо дарахтидур!» — деб айтмоқчи бўлдим-у, аммо атрофимга қараб, шу ерда турганларнинг энг ёши кичиги эрканлигимни кўрдим-да, индамай қўя қол-дим. Жаноб Расулуллоҳ (ҳеч ким жавоб бермагач); «Бу хурмо дарахтидур!»— дедилар».

42-боб. Ажва (энг олий нав хурмо дарахти) ҳақида

Омир ибн Саъд оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки эрта бирлан туриб етти дона ажва хурмосидан тановул қилса, ўша куни унга захар ҳам, сихр ҳам зарар етказмайди»,— дедилар».

43-боб. Хурмони жуфтлаб емоқ ҳақида

Жабла ибн Суҳайм ривоят қиладилар: «Мудроқ босган йили (Бадр ғазоти вақтида Оллоҳ таоло мусулмонларга енгил уйқу нозил қилиб, шайтон васвасаси туфайли уларнинг дилларида пайдо бўлган душман ваҳмини бартараф қилган эрди) биз Ибн Зубайр бирлан хурмо еб кун кечирган эрдик. Бир куни биз хурмо еб турган эрдик, Абдуллоҳ ибн Умар ёнимиздан ўтиб кетаётди: «Хурмони жуфтлаб емангизлар, чунки Жаноб Расулуллоҳ (хурмони) жуфтлаб емоқдан қайтарганлар»,— деди, сўнг: «Агар киши биродарига изн берса, мумкин»—деб қўйди».

44- боб. Таррак ҳақида

Абдуллоҳ ибн Жаъфар ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг янги узилган хурмони таррак бирлан еганларини кўрганман».

45-боб. Хурмо дарахтининг баракаси ҳақида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарахтлар ичида (барака жиҳатидан) мусулмонга ўхшаш бир дарахт мавжуд, у хурмо дарахтидур!» — дедилар».

46-боб. Бир вақтда икки хил таом емоқлик ҳақида

Абдуллоҳ ибн Жаъфар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг янги узилган хурмони таррак бирлан еяётганларини кўрганман».

47-боб. Меҳмонларни ўнта-ўнтадан қилиб уйга киритган киши ҳамда ўнта-ўнта бўлиб овқатланмоқ хусусида

Анас ривоят қиладилар. Умму Сулайм бир мудд арпани ун қилгач, ҳамир қориб кулча ёпдилар, кейин уйда мавжуд ёғ идишни силқитдилар-да, мени Жаноб Расулуллоҳнинг хузурларига жўнатдилар. Мен борсам, ул зот саҳобалари даврасида ўлтирган эрканлар, меҳмонга таклиф қилдим. Шунда ул зот саҳобаларига: «Барчангиз мен бирлан юрингиз!» — дедилар. Мен қайтиб бориб: «Жаноб Расулуллоҳ саҳобаларига: «Барчангиз мен бирлан юрингиз!» — деб айтдилар».— дедим. Абу Талҳа чиқиб ул зотни кутиб олдилар-да: «Ё Расулаллоҳ, Умму Сулайм биров таом тайёрлаган эрди!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ Абу Талҳа бирлан уйга киргач: «Ташқаридагиларни ўнта-ўнтадан хузуримга кирит!»— дедилар. Ичкарига ўн киши кириб, тўйгунча таом тановул қилди. Сўнг, ул зот: «Яна ўн кишини кирит!» — дедилар. Яна ўн киши кириб, тўйгунча овқатланди. Жаноб Расулуллоҳ: «Яна ўн кишини кирит!» — дедилар. Яна ўн киши кириб, тўйгунча овқатланди, шул тариқа қирқ киши кириб, тўйиб овқатланди. Шундан кейингина ул зотнинг ўзлари таом тановул қилиб чиқиб кетдилар. Кейин, мен: «Егулик биров бўлса ҳам камайдимикан?»—деб ичкарига кириб қарай бошладим».

48-боб. Саримсоқ ва айрим кўкатларнинг макрухлиги ҳақида

Абдулазиз ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саримсоқ ҳақида нима деганлар?» — деб Анасдан сўрашди.

«Кимки саримсоқ еса, масжидимизга яқинлашмасин!» - деб айтганлар»,— деди Анас»

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Жаноб Расулуллоҳ «Кимки саримсоқ ёки пиёз еган бўлса, бизни (ёки масжидимизни) холи қўйсин!» — дедилар»

49-боб. Арок (ёғочидан мисвок ясаладирган дарахт) меваси ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Марруззахронда арок мевасини тераётган эрдик Шунда ул зот «Қорайганини терингизлар, чунки қорайгани яхши (пишган) бўлади!» — дедилар».

50-боб. Таом егандан сўнг оғиз чайқаш ҳақида

Сувайд ибн ан-Нуъмон ривоят қиладилар «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбар ғазотига чиқдик. Саҳбо деган ерга борганимизда ул зот таом келтирмоқни амр қилдилар, аммо талқондан бўлак егулик олиб келишмади. Биз талқонни едик. Сўнг, ул зот ўринларидан туриб оғиз чайқадилар, биз ҳам оғиз чайқадик, кейин намоз ўқидик».

Сувайд ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбар ғазотига чиқдик. Саҳбо деган жойга етганимизда ул зот егулик олиб келмоқни амр қилдилар, аммо талқондан бўлак егулик келтиришмади. Биз ул зот бирлан биргаликда талқонни чайнай-чайнай едик. Кейин, ул зот сув келтирмоқни амр қилдилар, сув келтиришгач, оғыз чайқадилар, биз ҳам оғиз чайқадик Сўнг, таҳоратларини янгиланмай биз бирлан шом ўқидилар».

51- боб Бармоқларни ялаб ва сўриб, сўнг рўмолчага (сочикка) артмоқ лозим!

Ибн Аббос *ривоят қиладилар*: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бирортангиз таом есангиз, бармоқларингизни ялаб тозалаламагунингизча румолчага артмангиз!» — дедилар».

52- боб Киши овқатланиб бўлгач, не деб айтмоғи лозим?

Абу Умома ривоят қиладилар. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дастурхон йиғиштириб олингач «Оллоҳ таолога беадад эзгу шукроналар бўлсинки, ул доимо саховатли ва бандаларининг шукронасига ижобат қилгувчи бўлиб, унга муҳтож бўлмаган кимса йўқдур! Ё парвардигоро!» — дер эрдилар».

Холид ибн Миъдон Абу Умомадан нақл қиладилар: «Бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам овқат еб бўлиб, дастурхон йиғиштириб олингач: «Бизни едириб-ичиргувчи Оллоҳ таолога шукроналар бўлсинким, ул доимо саховатли ва бандаларининг шукронасига ижобат қилгувчи бир зотдир!»—деб эрдилар. Кейин, ул зот яна бир куни «Парвардигоримизга шукроналар бўлсинким, ул саховатли ва бандаларининг шукронасига ижобат қилгувчи бир зот бўлиб, унга муҳтож булмаган кимса йўқдур!» — деб айтдилар»

53-боб. Хизматкор бирлан бирга овқатланмоқ ҳақида

Абу Хурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Агар бирортангизни хизматкорингиз ўзи тайёрлаган таом бирлан сийласа, у бирлан ўлтирмасангиз ҳам, бир ёки икки лукма насиба олиб енгиз, чунки у бу бирлан сизга ўз меҳр-муҳаббатини изҳор қилаётир!» — дедилар».

54-боб. Шукр қилиб таом тановул қилгувчи сабр қилиб рўза тутгувчи янглиғдур!

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу юқоридаги қавлни Жаноб Расулуллоҳ айтганликларини таъкидлайдилар

55-боб. Таомга таклиф қилинган кишининг: «Бу ҳам мен бирлан бирга» — деб айтганлиги ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Агар бирор беғараз мусулмоннинг уйига кирсанг, унинг олдинга қўйган нарсаларидан ебич!» — дейдилар.

Абу Масъуд ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Бир ансорий киши бўлиб, лақаби «Абу Шуъайб» эрди, унинг бир қассоб ғуломи ҳам бор эрди. Бир куни Абу Шуъайб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келди, шунда ул зот саҳобалари даврасида ўлтирган эрдилар. Абу Шуъайб

Жаноб Расулуллоҳнинг чехраларида очлик аломатини сезиб, қассоб ғуломининг олдига борди-да, унга: «Беш кишига етадиган таом тайёрлаб бер, Жаноб Расулуллоҳ бирлан яна тўрт кишини меҳмонга таклиф қилмоқчиман» — деди. Ғулом унга таом тайёрлаб бергач, у бориб Жаноб Расулуллоҳни меҳмонга таклиф қилди. Меҳмонга таклиф қилинганларга бир киши эргашиб келди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Абу Шуъайб, бир киши бизга эргашиб келди, агар истасанг, унга ижозат бер, истамасанг, ижозат берма!» — дедилар. Абу Шуъайб: «Нега энди, кираверсин!»—деди».

56- боб. Агар кечки овқат келтирилса, (намозга) шошилиномасин!

Амр ибн Умайя ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларидан қўй қўлидан кесиб еяётган эрдилар, намозга азон айтилиб қолди. Шунда ул зот қўй қўли бирлан пичокни қўйиб ўринларидан турдилар-да, таҳоратларини янгиламай намоз ўқидилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар олдингизга кечки овқат келтирилган бўлса-ю, намоз бошланиб қолса, аввал овқатни еб олингиз!»—дедилар».

Ибн Умар ҳам юқоридаги ҳадисга ўхшаш ҳадисни ривоят қилганлар.

Нофиъ ривоят қиладилар: «Бир куни Ибн Умар имомнинг қироатини эшитиб туриб ҳам кечки овқатни ейишда давом этаверган эрдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар намоз вақти бўлиб қолиб, кечки овқат келтирилса, аввал овқатни еб олингиз!» — дедилар».

Ҳишом: «Агар кечки овқат келтирилган бўлса»,— деб юқоридаги ҳадисга қўшимча қиладилар.

57- боб Оллоҳ таолонинг «Агар таом еб бўлсангизлар, тарқалингизлар!» деган қавли ҳақида

Ибн Шайхоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Анас бундаи дейдилар: «Мен «Ҳижоб» ояти тарихини барчадан кўра яхшироқ билурман, Убай ибн Каъб мендан бу ҳақда сўраган эрди: Жаноб Расулуллоҳ ва Зайнаб бинти Жаҳш иккалалари куёв-келин бўлишди, ул зот Мадинада унга уйландилар. Кечқурун ул зот одамларни тўй зиёфатига чакириб, ўзлари ҳам улар бирлан бирга ўлтирдилар. Кейин, одамлар ўринларидан туришгач, ул зот ҳам турдилар. Кейин ташқарига чиқиб Оиша онамизнинг хужралари эшигигача юриб бордилар, мен ҳам бирга бордим. Сўнг, одамлар чиқиб кетиб бўлгандур, деб ўйлаб ортларига қайтдилар, мен ҳам бирга қайтдим. Аммо, одамлар хануз жойларида ўлтиришар эрди. Буни кўриб изларига қайтдилар-да, Оиша онамизнинг хужралари эшигигача иккинчи бор юриб бордилар, мен ҳам бирга бордим. Кейин, яна ортларига қайтдилар, мен ҳам бирга қайтдим. Бу гал қайтганимизда одамлар чиқиб кетишган эрди. Жаноб Расулуллоҳ ичкарига кириб ўзлари бирлан менинг ўртамга ҳижоб (парда) ташлаб қўйдилар. Шунда Оллоҳ таоло «Ҳижоб» оятини нозил қилди».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ АҚИҚА КИТОБИ

(«Ақиқа» — ҳар бир чақалоқнинг она қорнидалиқ вақтида чиққан сочи бўлиб, у чақалоқ туғилганига бир ҳафта бўлган куни олиб ташланади. Шу муносабат бирлан қурбонлик қилинадирган жонлиғ ҳам «ақиқа» деб аталади).

1- боб. Агар янги туғилган чақалоққа ақиқа қилинмаса, унга исм қўйилиб, танглайи хурмо бирлан кўтариб қўйилади.

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен ўғил кўрдим, сўнг уни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига олиб бордим. Жаноб Расулуллоҳ унга «Иброҳим» деб исм қўйиб, танглайини хурмо бирлан кўтариб қўйдилар, кейин Оллоҳ таолодан хайру баракот талаб қилдилар-да, менга қайтариб бердилар». Бу Абу Мусонинг тўнғич фарзанди эрди.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир чақалоқни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига хурмо бирлан танглайини кўтариб қўйсинлар, деб олиб келишди. Шунда чақалоқ Жаноб Расулуллоҳнинг кийимларига сийиб қўйиб эрди, сийдик устидан сув қуйиб юбордилар».

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен (Абдуллоҳ ибн Зубайрга ҳомиладорлик вақтимда) ой-куним яқинлашиб қолганлигига қарамай, (Маккадан) йўлга чиқиб Мадинага етиб бордим, сўнг Қубода тушиб, ўша ерда кўзим ёриди. Кейин, боламни олиб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордим-да, уни тиззаларига қўйдим. Жаноб Расулуллоҳ хурмо келтирмоқни амр қилдилар, сўнг уни чайнаб боламнинг оғзига тупуриб қўйдилар. Боламнинг оғзига биринчи бўлиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак тупуклари кирди Кейин, ул зот боламнинг танглайини чайналган хурмо бирлан кўтариб, унга хайру баракот тилаб дуо қилдилар. Менинг фарзандим исломда туғилган дастлабки бола бўлиб, унинг дунёга келганидан барча мусулмонлар беҳад хурсанд бўлишди, чунки ғанимлар уларга «Яҳудийлар сизларни сиҳрлаб қўйган, сизлар энди фарзанд кўрмайсизлар!» — деб айтишган эрди».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Талҳанинг ўғилчалари бетоб ётган эрди. Абу Талҳа уйларида кўчага чиқишлари бирланок у вафот этиб қолди. Абу Талҳа уйларига қайтиб келиб, хотинларига «Ўғлимнинг аҳволи нечук?»—дедилар. Хотинлари Умму Сулайм «Илгаригидек ором олиб ётибди»,— дедилар-да, Абу Талҳага кечки овқатни келтирдилар. Абу Талҳа овқатланиб бўлиб, хотинларини жимов қилдилар. Ғусулдан сўнг, хотинлари «Болани дафн қилингиз!» —дедилар. Тонг отгач, Абу Талҳа Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб бердилар. Шунда ул зот: «Кечаси жимов қилишдингизми!»—дедилар. Абу Талҳа «Ҳа»,— дедилар. Ул зот: «Ё парвардигоро, бу иккаласининг тунини баракотли қилиб, уларга ўғил ато этгайсан!»—деб дуо қилдилар. Абу Талҳа (ўғил кўрганларида) менга: «Ўғлимни Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига боргунингча эҳтиётлаб кўтариб ол!» — дедилар. Кейин, Абу Талҳа ўзлари ҳам мен бирлан биргаллашиб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бордилар. Абу Талҳанинг хотинлари гўдакнинг йўргагига бироз хурмо солиб қўйган эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ гўдакни қўлларига олиб: «Бунинг йўргаги ичида бирор нарса борми?» — дедилар. Биз «Ҳа, бироз хурмо бор»,— дедик. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ бир дона хурмони чайнаб, уни оғизларидан олдилар-да, гўдакнинг оғзига солиб танглайини кўтардилар, кейин унга «Абдуллоҳ» деб исм қўйдилар».

2- боб Ақиқа вақтида (ўғил) бола сочининг (ёки жинсий аъзосидаги хатна қилинадирган терининг) олиб ташланмоғи ҳақида

Салмон ибн Омир ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ўғил боланинг ақиқаси унинг ўзи бирлан бирга бўлиб, кейин уни қон оқизиб олиб ташлангизлар!»—деб айтганларини эшитдим» (Яъни, «Ўғил бола олатидаги хатна қилинадирган тери туғилиш вақтида унга ҳамроҳ бўлиб, кейин уни хатна қилиб олиб ташлангизлар!»)

3- боб Туянинг дастлабки тукқан боласини бутга қурбонлик қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Туянинг дастлабки боласини бутга атаб сўймоқ ҳамда ражаб ойининг биринчи ўн кунлигида жонлиғ қурбонлик қилмоқ таъқиқланади!»— дедилар (яъни, жоҳилият даврида, исломдан аввал шундай қилишган)

4- боб Ражаб ойининг биринчи ўн кунлигида жонлиғ қурбонлик қилмоқ ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ҚУРБОНЛИК ОВ ВА ОВГА ТАСМИЯ АЙТМОҚ ҲАҚИДА КИТОБ

Оллоҳ таолоянинг қавли: «**Ҳаром қилинди сизларга ўзи ўлган жонивор ва қон ва тўнғиз гўшти ва ул жониворики, унга Оллоҳдан бошқанинг номи айтилса ва бўғилиб ўлган жонивор ва урилиб ўлган жонивор ва баландликдан йиқилиб ўлган жонивор ва сузиб ўлдирилган жонивор ва дарранда еб (тишлаб) ўлдирган жонивор, магар ҳалол қилиб олганларингиз (очликдан ночор қолсангиз, шарият йўли бирлан сўйилмаган жонивор гўшtidан ўлмай қоладирган миқдорда истеъмол қилсангиз бўлур) ва жониворики, сўйилур Каъбадан бошқа ибодатхоналар учун ва тақсим қилмоқларингиз қимор ўқлари ила (жоҳилият давридаги одамлар ўз қисматларини синашда қўллаган икки томони учлик ва ўрта қисми йўғон таёқ бўлиб, ундан овда ҳам фойдаланганлар), бу ҳаммаси гуноҳдур, бугун ноумид бўлдилар кофирлар сизларнинг динларингиздан, энди сизлар улардан кўркманглар ва мендан кўркинглар!».**

Оллоҳ таолонинг қавли: «**Эй мўминлар, албатта Оллоҳ таоло сизларни кўлларингиз ва найзаларингиз касб этиб турган бир кичик ов жонивори ила (ҳам) имтиҳон қилурки, токи билсин Оллоҳ таоло ким кўрмай туриб ундан кўркур ва кимики бундан кейин ҳаддан ошса, бордур унга дардли азоб!».**

Оллоҳ таолонинг қавли: «**Ҳалол қилинди сизлар учун ўтхўр ҳайвонлар» («энди сизлар улардан кўркманглар ва мендан кўркинглар!» деган қавлигача, «Ал-Моида» сураси).**

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан миъроз бирлан ов қилмоқ ҳақида сўрадим («Миъроз» — кўпинча бир тарафига темир учлик ўрнатиладирган оғир ёғоч ёки калтак бўлиб, баъзилар уни «Икки учи ўткир ва ўрта қисми йўғон патсиз найза бўлган»,— дейишади. Жоҳилият аҳли унинг ила ўз қисматларини синаганлар. Ов вақтида эрса унинг учлик томони қолиб, ён томони бирлан ҳайвонни уриб ўлдирганлар) Жаноб Расулуллоҳ «Унинг учи бирлан жароҳат етказилган жониворни еявер, унинг ён томони бирлан жароҳат етказилган жонивор эрса уриб ўлди-рилгандур (ҳаром ўлгандур)»,— дедилар. Кейин, ул зотдан този бирлан ов қилмоқ ҳақида сўрадим. Ул зот «Агар итинг ўлжани тутиб олган бўлса-ю, итингнинг ёнида яна бошқа бир итнинг турганини кўриб, «Итимнинг ўлжасини у тортиб олмасайди!» — деб кўрксанг ва ўша бегона ит сен ўйлагандек ўлжани тортиб олиб, ўлдириб қуйса, уни емагил, чунки сен ўз итингга тасмия («Бисмиллоҳ») айтгансан, бегона итга айтмагансан» — дедилар»

1- боб Миъроз бирлаи ов қилмоқ ҳақида

Ибн Умар бундуқа (кесак, лойдан ясаб куритилган соққа) бирлан ўлдирилган жонивор ҳақида: «У уриб ўлдирилгандур» — деб, бундуқа бирлан ов қилмоқни рад қиладилар. Бундуқа бирлан ов қилмоқни Солим, Қосим, Мужоҳид, Иброҳим, Ато ва Ҳасан ҳам рад қиладилар. Ҳасан қишлоқ ва шаҳарларда бундуқа отмоқни рад қилиб, бундан бўлак жойларда бундуқа отса, зарари йўқ, деб ҳисоблайдилар

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан миъроз бирлан ов қилмоқ ҳақида сўрадим: Жаноб Расулуллоҳ «Агар жониворни унинг ўткир томони бирлан (санчиб) жароҳатлаган бўлсанг, еявер, агар жонивор унинг йўғон (ён) томони бирлан уриб ўлдирилган бўлса, ул ҳолда у уриб ўлдирилган бўлиб, емагил!» — дедилар. Мен «Агар итимни ўзим овга қўйиб борсам-чи?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Агар итингни ўзинг овга қўйиб юборсанг ва тасмия (Бисмиллоҳ) айтсанг, у тутган жониворни еявер!»— дедилар. Мен: «Агар жониворни (бироз) еган (тишлаган) бўлса-чи?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Ул ҳолда емагил, чунки итинг уни сенинг учун эрмас, ўзи учун тутгандур!» — дедилар. Мен «Мен итимни овга қўйиб юборсам-у, унинг бирлан бир бегона итнинг ҳам турганини кўрсамчи?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Ул ҳолда тутилган жониворни емагил, чунки сен ўзингнинг итингга

тасмия айтгансан, бегона итга эрмас!» — дедилар».

2- боб Миърознинг йўғон (ён) томони бирлан жароҳатланган жонивор ҳақида

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, биз (овга) ўргатилган итни овга қўйиб борамиз, (бу ҳақда не дейсиз)?»—дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Сенга тутиб келган жониворни еявер!» — дедилар Мен. «Ит уни ўлдириб қўйган бўлса ҳамми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Ўлдириб қўйган бўлса ҳам!» — дедилар. Мен «Биз миъроз бирлан ов қилсакчи?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Ўткир томони бирлан санчиб жароҳатланган жониворни еявер агар йўғон (ён) томони бирлан урилган булса, ема!» — дедилар».

3- боб Камон бирлан ов қилмоқ хусусида

Ҳасан ва Иброҳим: «Агар жониворни отганида унинг қўли ёки оёғи танасидан ажралиб кетса, ўша ажралиб кетган қисми ейилмайди, қолган қисми ейилаверади»,— дейишади.

Иброҳим «Агар жониворнинг бўйни ёки белига отган бўлсанг уни еявер!»— дейдилар.

Аъмаш Зайддан нақл қилиб бундай дейдилар: «Абдуллоҳнинг хонадонига мансуб бир кишининг қулони (эгасига) қайсарлик қилиб бўйсинмай қўиди. Шунда ўша киши одамларга «Қулоннинг дуч келган ерига урингизлар, унинг танасидан нимаики узилиб тушса, емангизлар, қолганини еяверингизлар!» — деб амр қилди».

Абу Саълаба ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, биз (ҳозир) аҳли китоблардан бўлмиш бир қавмнинг ерида турибмиз, уларнинг идишларида овқат есак бўлурму? Шунингдек, уларнинг ов қиладирган ерида камоним ҳамда овга ўргатилмаган ва ўргатилган итим бирлан ов қилсам, менинг учун дуруст бўлурму?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Аммо, аҳли китоблар хусусида эслатиб жуда яхши қилдинг! Агар уларнинг идишларидан бўлак идиш топсангизлар, уларнинг идишларида овқат емангизлар, агар топмасангизлар, ул ҳолда уларнинг идишларини ювиб, сўнг унда овқат енгизлар! «Бисмиллоҳ!» деб камонинг бирлан овлаган жониворни еявер! «Бисмиллоҳ!» деб овга ўргатилган итинг бирлан овлаган жониворни ҳам еявер! Овга ўргатилмаган итинг бирлан овлаган жониворни ҳам, итингдан тортиб ололсанг, еявер!» — дедилар».

4-боб. Тош ва кесак (гувалак) отмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Бурайда ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Муғаффал (тош ёки кесак) отаётган бир кишини кўриб, унга: «Отма, чунки Жаноб Расулуллоҳ (тош ёки кесак) отмоқдан қайтариб, «(Тош ёки кесак) отиб ов ҳам қилиб бўлмайди, душманни енгиб ҳам бўлмайди. Лекин, (тош ёки кесак) тишни синдириб, кўзни чиқаради!» деб айтгандурлар»,— деди. Сўнг, Абдуллоҳ бояғи кишининг шунча гапдан кейин ҳам (тош ёки кесак) отаётганини кўриб, унга. «Мен сенга Жаноб Расулуллоҳнинг (тош ёки кесак) отмоқдан қайтарганларини айтиб турибман-у, сен бўлсанг ўз билганингдан қолмай, хануз отаётирсан. Энди, сенё бирлан сира ҳам гаплашмаганим бўлсин!» — деди».

5-боб. Кимки този бўлмаган (ёки овга ўргатилмаган) итни боқса, (ҳар кунги қилган амали солиҳларига тегадирган савобларнинг икки қийротини йўқотади!))

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки този бўлмаган (ёки овга ўргатилмаган) итни боқса, ҳар кунги қилган амали солиҳларига тегадирган савобларнинг икки қийротини йўқотади!» — дедилар»

Солим Абдуллоҳ ибн Умардан нақл қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки овга ўргатилмаган (ёки този бўлмаган) итни боқса, ҳар кунги оладирган савобининг икки қийротини йўқотади!» — деб айтганларини эшитдим».

Нофиъ Абдуллоҳ ибн Умардан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки този бўлмаган (ёки овга ўргатилмаган) итни боқса, ҳар кунги амали солиҳлари учун тегадирган савобларнинг икки қийротини йўқотади!» — дедилар».

6- боб. Агар ит (ўлжани) еган бўлса...

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам!) Сиздан сўрарларки, қайси жонивор улар учун ҳалолдур? Сиз айтингизки, сизларга ҳар бир ҳалол жонивор ҳалолдур ва овчи жониворлар овлари ҳамки, сизлар уларни (овга) ўргатдингизлар, қўйиб юборурсизлар овга, таълим берурсизлар уларга Оллоҳ сизларга таълим берган тариқада. Бас, энглар улар сизлар учун тутган овдан ва Оллоҳ таоло номин тилга олинглар уларни (овга) қўйиб юборишда ва қўрқинглар Оллоҳ таолодан, батаҳқиқ Оллоҳ таоло тез ҳисоб-китоб қилгувчи зотдур!».

Ибн Аббос: «Агар ит (ўлжани) еган (тишлаган) бўлса, уни ҳаром қилган бўлур, зеро у уни ўзи учун тутган бўлиб, Оллоҳ таоло: «... таълим берурсизлар уларга Оллоҳ сизларга таълим берган тариқада» —деб айтади. Шунга кўра, сизлар итни уриб, токи айтганингизни қиладирган бўлгунича, унга таълим берасизлар»,— дейдилар. Ибн Умар ҳам ит тишлаган (еган) овни ҳаром, деб ҳисоблайдилар. Ато эрсалар: «Агар ит ўлжанинг конини ичиб, ўзини тишламаган бўлса, уни еявер!» — дейдилар.

Адий ибн Ҳотим ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга савол бериб: «Биз ит бирлан ов қилгувчи бир қавмдурмиз, (шул хусусида не дерсиз?)» — дедим. Ул зот: «Агар овга ўргатилган итингни қўйиб юборсанг-у, Оллоҳ таолонинг исмини тилга олган бўлсанг, ўзингга тутиб берган жониворни еявер! Башарти, ит жониворни ўлдириб қўйган бўлса, ул ҳолда уни итнинг ўзи ейди, чунки у уни ўзи учун тутгандур. Агар овга қўйиб юборган итинг бирлан бегона итнинг турганини кўрсанг, тутган ўлжасини емагил!» — дедилар».

7- боб. Отилган жониворни йўқотиб қўйиб, икки-уч кундан кейин топса...

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Агар итингни овга қўйиб юбораётиб тасмия айтган бўлсанг-у, у ўлжани тутиб ўлдириб қўйса, еявер! Агар ўлжани еган бўлса, ема, чунки у уни ўзи учун тутгандур. Башарти, итинг тасмия айтилмаган бир бегона ит бирлан биргаликда ўлжани ушлаб ўлдириб қўйган бўлса, ема, чунки сен улардан қайси бири уни ўлдирганлигини билмайсан. Агар сен бир ўлжани отгач, уни (йўқотиб қўйиб) бир-икки кундан сўнг топсанг-у, унинг баданида сен отган ўқ изидан бўлак из бўлмаса, еявер! Агар у сувга тушган бўлса, ема!».

Омир Адий ибн Ҳотимдан нақл қиладилар: «Адий ибн Ҳотим Жаноб Расулуллоҳга: «Бир киши ўлжани отгач, уни икки-уч кун излаб, сўнг ўлик ҳолда топса-ю ўзи отган ўқнинг унинг баданига санчилиб турганини кўрса, не қилгай?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Иншооллоҳ, егай!» — дедилар».

8-боб. Агар киши ов (ўлжа) ёнида бегона итнинг турганини кўрса...

Адий ибн Ҳотим ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, мен итимни тасмия айтиб овга қўйиб юбораман, шул хусусда не дейсиз?»—дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар итингни тас-мия айтиб овга қўйиб юборсанг-у, у ўлжани тутиб ўлдириб еса, емагил, чунки у уни ўзи учун тутгандур!» — дедилар. «Агар мен итимни овга қўйиб юборсам-у, кейин унинг ёнида бегона итнинг турганини кўрсам ва улардан қайси бирининг ўлжани тутганини билмасам-чи?» —дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Уни емагил, чунки сен ўз итингга тасмия айтгансан, бегона итга айтмагансан!»—дедилар. Сўнг, мен миъроз бирлан ов қилмоқ ҳақида сўрадим. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар унинг ўткир (учли) томони бирлан жароҳатлаган бўлсанг, еявер ва агар унинг йўғон (ён) томони бирлан (уриб) ўлдирган

бўлсанг, у уриб ўлдирилган бўлиб, уни емагил!» — дедилар».

9-боб. Овчилик қилиб кун кўрмоқ хусусидаги ҳадислар

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, биз манави итлар бирлан овчилик қилиб кун кечирувчи бир қавммиз, шул хусусда фикрингиз қандай?» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ бундай дедилар: «Агар ўргатилган итингни тасмия айтиб овга қўйиб юборсанг, у сенга тутиб берган ўлжани еявер! Агар итинг ўлжадан еган бўлса, емагил, чунки мен у уни ўзи учун тутган бўлиши керак, деган хавотирдаман. Башарти итингга бегона ит қўшилиб қолган бўлса (ҳам), емагил!»

Абу Саълаба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб: «Ё Расулаллоҳ! Биз (ҳозир) аҳли китоблардан бўлмиш бир қавмнинг ерида турибмиз, уларнинг идишида овқат еймиз ва мен улар ов қиладирган жойларда камоним ҳамда овга ўргатилган ва ўргатилмаган итларим бирлан ов қиламан»,— дедим. Жаноб Расулаллоҳ бул хусусда бизга нималар ҳалол қилинганлигини айтгач, бундай дедилар: «Аммо, аҳли китоблардан бўлмиш бир қавм ерида эрканингни эслаб яхши иш қилдинг! Уларнинг идишида овқат ейишинг хусусига келсак, агар бўлак идиш топсангизлар, уларнинг идишида овқат емангизлар, агар топмасангизлар, ул ҳолда уларнинг идишини ювиб ташлаб, сўнг унда овқат енгизлар! Аммо, аҳли китоблардан бўлмиш бир қавм ов қиладирган ерда эрканлигингни эслаб ҳам яхши иш қилдинг! Камонинг бирлан нимаики овласанг, аввал Оллоҳ таолонинг исмини зикр қилиб, сўнг егил! Овга ўргатилган итинг бирлан (ҳам) нимаики овласанг, аввал Оллоҳ таолонинг исмини ёд этиб, сўнг егил! Овга ўргатилмаган итинг бирлан овлаган ўлжани эрса, агар уни итингдан ололсанг, еявер!».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Марризахрон деган ерда бир қуённи чўчитиб юбордик. Одамлар уни қува-қува чарчашди. Кейин, мен уни қувиб тутиб олдим-да, Абу Талҳанинг олдига олиб бордим. Кейин, у қуённинг бир қўли ва икки оёғини Жаноб Расулаллоҳга илиниб юбориб эрди, ул зот олдилар».

Абу Қатоданинг мавлолари ривоят қиладилар: «Абу Қатода Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Макка йўлларида бирида кетаётиб, ҳамроҳлари бирлан ортда қолиб кетдилар. Ҳамроҳлари эҳромда бўлиб, ўзлари эҳром боғламаган эрдилар. Шунда Абу Қатода бир қулонни кўриб қолиб, отларига миндилар-да, ҳамроҳларидан қамчиларини олиб бермоқни илтимос қилдилар, улар бош тортишди. Кейин, найзаларини олиб бермоқларини илтимос қилган эрдилар, буни ҳам рад этишди. Абу Қатода ўзлари отдан тушиб қамчи ва найзаларини олдилар-да, қулон устига шитоб бирлан от солиб бориб, найза санчиб уни ўлдирдилар. Кейин, Жаноб Расулаллоҳнинг айрим саҳобалари қулон гўштидан ейишди, баъзилари эрса емоқдан бош тортишди. Сўнг, улар Жаноб Расулаллоҳга етиб олишгач, ул зотдан шул ҳақда сўрашди. Ул зот: «Бу сизларга Оллоҳ таоло ато этган ризқдур!» — дедилар».

Ато ибн Ясор Абу Қатодадан нақл қиладиларки, Жаноб Расулаллоҳ ўшанда: «Қулоннинг гўштидан менга ҳам бирор бўлак олиб келдингизларми?» — деб айтган эрканлар.

10-боб. Тоғларда овчилик қилмоқ ҳақида

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Мен Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Макка бирлан Мадина оралиғидаги бир жойда кетаётган эрдим, улар эҳром боғлаб олишган эрди. Менга эрса от миниб юриш рухсат этилган бўлиб, тез-тез тоққа чиқиб турар эрдим. Бир маҳал қарасам, одамлар бир нарсага тикилиб туришибди, мен ҳам бориб ўша томонга кўз ташлаб бир қулон турганини кўрдим. Мен уларга: «Бу нима?»— дедим. Улар: «Билмаймиз»— дейишди. Мен «Бу қулонку!» — дедим. Улар: «Нимани кўриб турган бўлсанг, ўша!»— дейишди. Кейин, мен қулонни овламоқчи бўлиб отимга миндим-у, лекин қамчини олишни унитибман. Мен уларга «Қамчимни олиб берингизлар!» — дедим. Улар: «Бу ишда сенга ёрдам бера олмаймиз!» — дейишди (чунки,

эхром кийган одамнинг ов қилмоғи ҳамда эхром киймаган одамга ов хусусида ёрдам бермоғи мумкин эрмас) Кейин, мен ўзим оддан тушиб, қамчимни олдим-да, яна отимга миниб қулонни қувиб кетдим, сўнг унга етиб олиб найза санчдим. Кейин, ҳамроҳларим олдига келиб: «Турингизлар, қулонни олиб келингизлар!»—дедим. Улар «Унга қўл ҳам теккизмаймиз!» — дейишди. Шунда мен ўзим бориб қулонни олиб келдим. Ҳамроҳларимнинг баъзиси қулон гўшидан еди, баъзиси ёмоқдан бош тортди. Мен уларга «Жаноб Расулulloҳни тўхтатиб, сизларга шул ҳақда сўраб билиб бераман» — дедим-да, ул зотга етиб олиб, бўлган воқеани айтиб бердим. Ул зот менга «Қулоннинг гўшtidан менга ҳам олиб қўйдингизларми?» — дедилар. Мен: «Ҳа» — дедим. Ул зот «Еяверингизлар, чунки у Оллоҳ таоло сизларга ато этган ризқдур!» — дедилар».

11- боб Оллоҳ таолонинг «Денгиз жониворларини овламоқ сизлар учун ҳалол қилинди!» деган қавли хусусида.

Ибн Умар: «Сув жонивори овлаб олинсагина ов ҳисобланиб, отиб олинган жониворнигина ейиш мумкин!» — дейдилар.

Абу Бакр: «Сув бетида қалқиб турган ўлик (сув) жонивори ҳалолдур!» — дейдилар.

Ибн Аббос «Ўлик (сув) жониворини, ундан жирканмасанг, еявер! Илонбалиқни яхудийлар емайдилар, биз эрсак еяверамиз»,— дейдилар.

Шурайх: «Денгиздаги ҳар бир жонивор — сўйилгандур!» — дейдилар (яъни, ўзи ислом йўли бирлан сўйилган каби ҳалолдур)

Ато: «Аммо, қушни сўйиш лозим, деб ҳисоблайман» — дейдилар

Ибн Журайж бундай дейдилар: «Дарёлардаги ва қоя тошлар оралиғида тўпланиб қолган сел сувидаги жониворларни овлаш шартлари денгиз жониворларини овлаш шартлари кабидурми?» — деб Атодан сўрадим. Ато «Ҳа»,— деди сўнг «Фурот дарёсининг суви чучук бўлиб, жуда ичишлидир, денгизнинг суви эрса, шўр бўлиб, ичингни куйдирадир, аммо ҳар иккаласидан ҳам юмшоқ, лаззатли гўшт олиб ейсизлар!» деган мазмундаги бир шеърни ўқиди».

Ҳасан алайҳиссалом хут (кит) терисидан қилинган эгарга минганлар.

Шаббий «Агар бола-чақам сув бақасини еганида эрди, уларни сув бақаси бирлан боққан бўлур эрдим!» — дейдилар.

Ҳасан сув тошбақасининг гўштини «беқиёс деб ҳисоблаганлар.

Ибн Аббос: «Денгизда ов қилмоқдан кўрқувчи киши — насроний, яхудий ва мажусийдур!» — дейдилар

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз «Жайшулҳабт» («Барг лашкари») Абу Убайда кўмондонлигида ғазотга чиқдик (Егуликларимиз тугаб қолиб), жуда оч қолдик, (ҳаттоки дарахларнинг баргини ҳам едик) Ногаҳон, денгиз тўлқинлари бир ўлик хут (кит)ни соҳилга чиқариб ташлади. Бу хутнинг номи «анбар» (кашалот) бўлиб, илгари бу қадар баҳайбат хутни кўрмаган эрдим. Биз уни ярим ой едик Кейин, Абу Убайда унинг суякларидан бирини олиб тиклаб эрди, унинг остидан туя минган киши бемалол ўтиб кетди».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз уч юз чоғлик чавандозларни ғазотга жўнатдилар, амиримиз Абу Убайда бўлиб, Қурайш қарвонини қўлга туширмоғимиз даркор эрди. Йўлда қаттиқ оч қолиб, ҳатто дарахларнинг баргини ҳам едик. Шул боисдан ҳам бизнинг лашкаримиз «Барг лашкари деб аталди. Кейин, денгиз тўлқинлари «анбар» деб аталувчи бир (ўлик) хутни соҳилга чиқариб ташлади, биз уни ярим ой едик, унинг ёғини суриб ҳатто жисмимиз шифо топди. Кейин, Абу Убайда унинг қобирғаларидан бирини олиб ерга ўрнатиб қўйиб эрди, бир киши туя миниб унинг остидан ўтди. Орамизда бир киши бўлиб, очлик қаттиқ қийнаган вақтда учта уловни, кейин яна учта уловни, кейин яна учта уловни сўйди, сўнг Абу Убайда уни бундай қилмоқдан қайтарди».

12-боб. Малаҳ емоқ ҳақида

Ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан еттита ёки олтита ғазотда бирга бўлдик. Шунда биз ул зот бирлан бирга малаҳ ер эрдик» (Аммо, Абу Довуднинг ривоятларида Жаноб Расулуллоҳ «Мен малаҳ емайман ҳам, уни ҳаром демайман ҳам!» — деб айтганлар).

13- боб Мажусийлар тутган идиш ҳамда ўлимтик ҳақида

Абу Саълаба ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб «Ё Расулаллоҳ, биз (ҳозир) китоб аҳлининг ерида турибмиз, улар тутган идишда овқат еяётимиз ҳамда мен уларнинг шикоргоҳида камоним, ўргатилган ва ўргатилмаган итларим бирлан ов қилаётиман, шу ҳақда не дейсиз?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Аҳли китоб ерида эрканлигингни эслаб яхши иш қилдинг! Бўлак идиш топсангизлар, уларнинг идишида овқат емангизлар, бўлак идиш топмасангизлар, ул ҳолда уларнинг идишини ювиб ташлаб, сўнг унда овқат енгизлар! Аҳли китоб шикоргоҳида эрканлигингни эслаб ҳам яхши иш қилдинг! Камонинг бирлан нимаки овласанг, Оллоҳ таолонинг исмини зикр қилиб еявер! Ўргатилган итинг бирлан овлаган жониворни ҳам Оллоҳ таолонинг исмини зикр қилиб еявер! Аммо, ўргатилмаган итинг бирлан овлаган жониворни, агар уни ундан ололсанг, еявер!»—дедилар».

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Хайбар фатҳ (забт) қилинган куни кечқурун мусулмонлар кўплаб гулхан ёқишди. Жаноб Расулуллоҳ буни кўриб «Бу гулханлар не учун ёқилди?» — дедилар. «Хонаки эшаклар гўштини пиширмақ учун»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ «Қозонлардаги гўшларни ағдариб, сўнг қозонларни синдириб ташлан-гизлар!»— дедилар. Шунда бир киши ўрнидан туриб: «Гўшларни ағдариб, қозонларни ювиб ташлаб кўяқолайиликда?!»—деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ёки шундай қилингизлар!» — дедилар»

14- боб Сўйиладирган жонлиққа тасмия (Бисмиллоҳи, Оллоҳу акбар!) айтмоқ ҳамда атайлаб тасмия айтмаган шахс хусусида

Ибн Аббос «Кимки сўйиладирган жонлиққа тасмия айтмоқни унутиб қўйса ҳечқиси йўқ,—дейдилар

Оллоҳ, таолонинг қавли: «Оллоҳнинг номи зикр қилинмаган жонлиқ гўшtidан емангизлар, чунки уни емоқлик гуноҳдур!» (Тасмия атишни унутган киши фосик дейилмайди).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва албатта шайтонлар ўз дўстларига васваса қилурлар токи улар сизлар ила жанжал қилсинлар ва агар сизлар уларга итоат қилсангизлар, албатта сизлар мушрик бўлурсизлар!»

Рофиъ ибн Хадиж ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Зулхулайфада эрдик. Одамлар оч қолиб, бир туя бирлан бир қўйни сўйдик. Шунда Жаноб Расулуллоҳ биздан орқароқда келаётган эрдилар. Одамлар ўчоқ қилиб, қозонларни ўрната бошлашди. Жаноб Расулуллоҳ уларнинг олдига етиб келиб, қозонларни ағдариб ташлашни амр қилдилар, қозонлар ағдариб ташланди. Сўнг, ўнта қўйни бир гуруҳ одамларга тақсимлаб, қолганларга ўнта қўй ҳисобида бир туя ажратдилар. Кейин, бояги туя қочиб кетди. Қавмда бир кичик пода бўлиб, одамлар уни ўшанинг орасидан излаб топишди, лекин уни тутолмай тоза чарчашди. Шунда бир киши туяга найза отиб эрди, унинг жони Оллоҳнинг даргоҳига равона бўлди. Жаноб Расулуллоҳ «Бу жониворларда ваҳший ҳайвонларда бўлгани каби ёввойилик мавжуддур, қайси бир ҳайвон сизга шу қилиғни қилса, ҳозиргидек иш тутингизлар!» — дедилар».

15- боб Каъба ёнига ўрнатилган тошга ҳамда бутга атаб қурбон қилинган

ЖОНЛИҒ ҲАҚИДА

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Балдах деган жойнинг қуйи томонида Зайд ибн Амрни учратдилар. Бу воқеа Жаноб Расулulloҳга ҳали ваҳий нозил бўлмаган кезларда содир бўлган эрди. Шунда Зайд ул зотга бир дастурхонда гўшт келтирди. Ул зот уни ейишдан бош тортиб: «Мен ўз бутларингизга атаб қурбон қилган жонлиғингиз гўштидан емагайман, мен фақат Оллоҳнинг номи зикр қилиниб сўйилган жонлиғ гўштидан егайман!» — дедилар».

16- боб Жаноб Расулulloҳнинг: «Оллоҳ таолонинг исмини айтиб сўйсин!» — деганлари ҳақида

Жундуб ибн Суфён ривоят қиладилар: «Биз Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга қурбон ҳайити куни кўплаб жонлиғ қурбон қилдик. Ўшанда кўпчилик одамлар жонлиғларини ҳайит намозидан илгари сўйиб қуйишди. Намоздан қайтгач, Жаноб Расулulloҳ уларнинг ўз жонлиғларини намоздан илгари сўйиб қуйишганини кўриб: «Кимки намоздан илгари суйган бўлса, ўрнига бошқасини сўйсин, кимки намоз ўқиб бўлгунимизга қадар сўймаган бўлса, Оллоҳ таолонинг исмини айтиб сўйсин!»— дедилар».

17-боб. Қамиш, чакмоқтош ва темир бирлан сўйилган жонлиғ ҳақида

Ибн Каъб ибн Молик оталаридан нақл қиладилар: «Уларнинг бир чўриси бўлиб, у Саль деган тоғда қўй боқар эрди. Бир куни қараса, қўйларидан бири ўлар ҳолатда ётибди. Шунда у бир тошни синдириб ўша қўйни сўйди. Ибн Каъбнинг оталари: «Уни емангизлар!»— деб оилаларига айтдилар-да, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб шул хусусда сўрадилар. Жаноб Расулulloҳ ўша қўйни емоқни амр қилдилар»

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган. *Саъид ибн Масруқ ривоят қиладилар:* «Абоя ибн Рофиънинг боболари «Ё Расулаллоҳ, бизнинг пичоғимиз йўқ!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ «Қони оқизилиб, Оллоҳ таолонинг исми зикр қилинган жонлиғни еявер, тирноқ ва суяк (тиш) бирлан қон чиқарилмаган бўлса, бўлди!» — дедилар».

18- боб Аёл ва чўри сўйган жонлиғ ҳақида.

Бу ерда Ибн Каъб ибн Моликнинг оталари ривоят қилган ҳадис такроран келтирилган

19-боб. Тиш, суяк ва тирноқ бирлан сўйилмайди!

Рофиъ ибн Хадиж ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Тиш (суяк) ва тирноқдан бўлак нарса бирлан сўйилган (қони оқизилган) жонлиғни еявер!» — дедилар»

20- боб Бадавийлар ва шуларга ўхшаш кишилар сўйган жонлиғ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир қавм Жаноб Расулulloҳга «Бизга бир қавм гўшт олиб келади, аммо улар жонлиғни Оллоҳ таолонинг исмини зикр қилиб сўйганларми ёки йўқми, биз билмаймиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ «Улар келтирган гўштни ўзларингиз Оллоҳ таолонинг исмини зикр қилиб еяверингизлар!» — дедилар. Бизга гўшт олиб келувчилар кофирликдан қайтиб эндигина мусулмон бўлган (бадавийлар) эрди»

21- боб Уруш ва бошқа соҳа кишиларидан бўлмиш китоб аҳли сўйган жонлиғлар гўшти ва ёғи ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Бугун сизлар учун покиза нарсалар ҳалол қилинди ва китобийларнинг таомлари сизларга ҳалолдур ва сизларнинг таомларингиз уларга ҳалолдур!».

Зухрий: «Насроний араблар сўйган жонлиғ гўштини есангиз, зарари йўқдур ва агар уларнинг жонлиғ сўяётганларида Оллоҳ таолодан бўлак тангрининг номини зикр қилганларини эшитсангиз, емангиз, башарти эшитмаган бўлсангиз ул ҳолда Оллоҳ таоло уларнинг кофир эрканликларини билган ҳолда уни ҳалол қилгандур!» — дейдилар.

Ҳасан ва Иброҳим «Хатна қилинмаган киши сўйган жонлиғ гўштини еса, ҳечқиси йўқ!» — дейишади.

Ибн Аббос «(Оятдаги) «таомлари» деган сўз— «сўйган жонлиғлари» демакдур», — дейдилар

Абдуллоҳ ибн Музаффал разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Хайбар қалъасини камал қилиб турган эрдик, бир киши бир халта ёғ ташлади. Мен уни оламан, деб интилган эрдим, қарасам ёнгинамда Жаноб Расулуллоҳ турибдилар, шунда ул зотдан уялиб кетдим»

22- боб Қочиб кетган мол ваҳший (ёввойи) ҳайвон ўрнидадур!

Ибн Масъуд бундай молни (отиб тутмоққа) ижозат берганлар

Ибн Аббос «Қўлингдаги мол-ҳоллардан қайси бири (итоат этмай) сени ҳолдан тойдирса, у ов ҳайвони ҳисобидадур. Қудуққа қулаб тушган туяни, агар уни тортиб олишга кучинг етса, сўйиб юбор!» — дейдилар. Ҳазрат Али, Ибн Умар ва Оиша онамиз ҳам шундай деб ҳисоблашади

Рофиъ ибн Хадиж ривоят қиладилар «Ё Расулаллоҳ! Биз эртага душманга рўбарў бўламыз, (душман бизни кўп, деб ўйламоғи учун тунда кўплаб гулханлар ёқиб, кўплаб мол-ҳол сўймоғимиз даркор), аммо бизнинг пичоғимиз йўқ»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Тездан бирор нарса топ! Тиш (суяк) ва тирноққан бўлак нарса бирлан Оллоҳ таолонинг номи зикр қилиниб қони оқизилган (сўйилган) жонлиғни еявер!» — дедилар. (Бир куни) биз бир қанча туя ва қўй ўлжа олиб эрдик, туялардан бири қочиб кетди. Шунда бир киши уни найза отиб ўлдирди. Жаноб Расулуллоҳ «Бу туяда ваҳший ҳайвонларда бўлгани каби ёввойилик мавжуд эркан, агар бирор туянгиз сизга итоат қилмаса, уни ҳам ҳозиргидек аҳволга солингизлар!» — дедилар»

23-боб. Наҳр ва забҳ хусусида

Ибн Журайж ривоят қиладилар: «Ато «(Туядан бўлак) жонлиғларни қаеридан буюрилган бўлса, ўша еридан забҳ қилмоқ ва туяни ҳам қаеридан буюрилган бўлса, ўша еридан наҳр қилмоқ даркор!» — дедилар. Мен «Забҳ қилинадирган жонлиғни наҳр қилсам, жоизми?»— дедим. Ато «Ҳа! Сигирни Оллоҳ таолонинг исмини зикр қилиб забҳ қилмоқ керак, аммо наҳр қилинадирган жонлиғни забҳ қилиб қуйган бўлсанг, жоиздур. Мен ўзим наҳр қилмоқни афзал кўрурман Забҳ эрса, бўйин томирларини кесмоқликдур»,— дедилар (яъни, туядан бўлак жонлиғлар бўйнининг бир хил еридан сўйилаверади, туя эрса аввал юрагига тиғ урилиб ҳолдан кетиб йиқилгач, бўйнининг муайян еридан бўғизланади) Мен «Бўйин томирларидан сўнг, ҳаром мағиз ҳам қирқиладимми?» — дедим. Ато «Бундай деб ўйламайман»,— дедилар. Кейин, Нофиъ менга айтдиларки, Ибн Умар (ҳам) орқа мияни (ҳаром мағизни) қирқмоқдан қайтариб: «Суякдан бўлак нарсалар қирқилади, сўнг ўлғунига қадар ташлаб қўйилади»,— деган эрканлар. Оллоҳ таоло: «Вақтики деди Мусо ўз қавмига: «Оллоҳ таоло ҳукм қилур сизларгаки, бир сигир сўйинглар!» кейин улар уни (сигирни) сўйдилар, (аслида эрса) улар бундай қилмоқчи эрмас эрдилар»,— дейди».

Саъид ибн Жубайр Ибн Аббосдан нақл қилиб: «Бўғиз ва кўкракнинг юқори қисмидан сўйилади» — дейдилар. Ибн Умар, Ибн Аббос ва Анас «Агар калласи қирқиб юборилса, ҳечқиси йўқ» — дейишади.

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳумо: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида от сўйиб едик»,— дейдилар.

Бу ерда юкоридаги ҳадис такроран келтирилган

24-боб. Жониворларга азоб бермоқ, уларни сувсиз, егуликсиз қолдириб тутқунликда ушлаб турмоқ макруҳдур!

Ҳишом ибн Зайд ривоят қиладилар: «Мен Анас бирлан биргаликда Ҳакам ибн Айюбнинг ҳузурига кирдим. Анас бир тўда болаларнинг бир товукни боғлаб қўйиб тошбўрон қилаётганларини кўриб: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам жониворларни ушлаб олиб (қийнамоқдан) қайтарганлар!»—дедилар».

Исҳоқ ибн Саъид ибн Умар оталарининг бундай деб айтганларини эшитган эрканлар: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Яҳё ибн Саъиднинг ҳузурига кириб, унинг ўғилларидан бирининг бир товукни боғлаб қўйиб тошбўрон қилаётганини кўрдилар-да, товукнинг олдига бориб уни ечдилар. Сўнг, товук бирлан болани олиб Яҳёнинг олдига келдилар-да: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам жониворларни тутиб олиб (қийнаб) ўлдирмоқдан қайтарганлар!»—дедилар».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Мен Ибн Умарнинг ҳузурларида эрдим. Шунда бир боланинг (ёки бир неча болаларнинг) бир товукни боғлаб қуйиб тошбўрон қилаётганида ёнидан ўтиб қолдим. Улар Ибн Умарни кўриб товукни ташлаб қочишди. Ибн Умар: «Кимки шундай қилса Жаноб Расулulloҳ шундай қилган кишини лаънатлаганлар!»—дедилар».

Абдуллоҳ ибн Язид ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бировнинг молини ўғирламоқдан (тортиб олмақдан) ҳамда жониворларга азоб бермоқдан қайтарганлар».

25-боб. Товуқлар (уй паррандалари) хусусида

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг товук (парранда) гўшти еяётганларини кўрдим»

Зухдум (Заҳдам) ривоят қиладилар: «Биз Абу Мусо ал-Ашъарийнинг ҳузурига бўлдик. Биз бирлан Жарм қабиласига мансуб бу маҳалла аҳли ўртасида ака-укаларча муносабат мавжуд эрди. Ўшанда Абу Мусо дастурхонга товук гўшtidан тайёрланган таом келтириб қўйди. Ўлтирганляр орасида бир афти-ангори кизғиш киши ҳам бўлиб, у Абу Мусо келтирган таомга ҳадеганда қўл узатавермади. Шунда Абу Мусо: «Ол, егил! Мен Жаноб Расулulloҳнинг шундай таом еганларини кўрганман»,— деди. Бояги киши «Мен товукнинг бир нарсани еганини кўрганман, шул боисдан ҳам мен унинг гўшtidан ҳазар қиламан, товук гўшти емасликка онт ичганман!»—деди. Абу Мусо «Бери кел, мен сенга онт ичмоқ хусусида бир ҳадис айтиб берайин. Мен бир неча ашъарийлар бирлан бирга Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб эрдим, қарасам ул зот ғазабнок ҳолда ўлтирибдилар-у, закотга берилган молларни тақсим қилаётирлар. Биз ул зотдан юк ортиб, миниб кетишимиз учун улов сўрадик. Шунда ул зот улов бера олмасликларини айтиб онт ичдилар-да: «Сизларни миндириб юборай десам, уловим йўқ!» — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига ўлжа олинган туяларни етаклаб келиб қолишди. Жаноб Расулulloҳ: «Бояги ашъарийлар қани? Бояги ашъарийлар қани?»—дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ бизга бешта оқ ўрқачли туя бердилар. Сўнг, биз унчалик узоқ юрмай тўхтадик, шунда мен ҳамроҳларимга: «Жаноб Расулulloҳ боя онт ичганларини унитдилар, Оллоҳ таоло номи бирлан қасам ичаманки, агар биз туфайли онт ичганларини унутган бўлсалар, энди сира ҳам омадимиз юришмагай!» — дедим. Кейин, биз ул зотнинг ҳузурларига қайтиб бориб: «Ё Расулаллоҳ! Биз боя сиздан улов сўраб эрдик, сиз онт ичиб улов бера олмаслигингизни (уловингиз йўқлигини) айтдингиз, акли заифимизча, сиз онт ичганингизни унутган кўринасиз»,—дедик. Ул зот: «Сизларни туяларга миндириб юборган (сизларга туяларни ато этган) Оллоҳ таолодур! Мен эрсам, иншооллоҳ, токи илгариги қасамимни каффорат бериб ҳалоллаб олмагунимга қадар, бошқа бир қасамни

афзалроқ кўриб қасам устига қасам ичмагайман!» — дедилар».

26-боб. От гўшти ҳақида

Асмо разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида от сўйиб, гўштини едик».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар ғазоти куни эшак гўшти емоқдан қайтариб, от гўшти емоққа ижозат бердилар».

27-боб. Хонаки эшаклар гўшти ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар ғазоти куни хонаки эшаклар гўштини емоқдан қайтардилар».

Абдуллоҳ (ибн Умар) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хонаки эшаклар гўштини емоқдан қайтардилар»

Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар ғазоти куни муваққат (сийға) никоҳни бекор қилиб, хонаки эшаклар гўштини емоқдан қайтардилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар ғазоти куни эшаклар гўштини емоқдан қайтариб, от гўштини емоққа рухсат бердилар».

Ибн Абу Авфо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эшаклар гўштини емоқдан қайтардилар».

Абу Саълаба ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хонаки эшаклар гўштини ҳаром, деб айтдилар».

Зухрий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қозик тишли барча ҳайвонлар (шер, бўри, тулки, айиқ, йўлбарс, фил, маймун ва бошқалар) гўштини емоқдан қайтардилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига бир киши келиб: «Эшак гўшти едим»,— деди, кейин яна бир киши келиб: «Эшакни ҳалок қилдим (сўйдим)»,— деди. Шунда ул зот жарчига буюрдилар, у одамларга: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ва унинг расули сизларни хонаки эшаклар гўштини емоқдан қайтарур, чунки эшак гўшти ифлосдур!» — деб эълон қилди. Кейин, ичида эшак гўшти қайнаб турган қозонлар ағдариб ташланди».

Суфён разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Амр бундай деди: «Мен Жобир ибн Зайдга: «Одамларнинг таъкидлашича, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хонаки эшаклар гўштини емоқдан қайтарган эмишлар»,— деб айтдим. Жобир: «Ҳакам ибн Амр Басрада бизга шундай деб юрган эрди, аммо бу гапни Баҳр ибн Аббос тасдиқламадида, «Менга нозил қилинган ваҳийда таъқиқ топмадим, деб айтгил!» деб қироат қилди».

28- боб. Қозик тишли барча ҳайвонлар гўштини емаслик лозимлиги ҳақида

Абу Саълаба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қандай қозик тишли ҳайвон гўштини емоқдан қайтардилар».

29-боб. Ўлимтик (ҳаром ўлган) ҳайвонлар териси хусусида

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳаром ўлган кўй ёнидан ўтиб кетаётди: «Унинг терисидан фойдаланмайсизларми?» — дедилар. «У ҳаром ўлган-ку?!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Унинг гўштини емоқлик ҳаром қилинган!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳаром ўлган эчки ёнидан ўтиб кетаётди: «Бунинг эгаларига не бўлган ўзи, терисидан фойдаланишса, бўлмайдими?!»— дедилар».

30-боб. Мушк ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло йўлида жароҳатланган киши қиёмат куни жароҳатидан қон оқиб турган ҳолда (маҳшарга) келади. Ранги — қон ранги, ҳиди — мушк ҳиди бўладир!» — дедилар».

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Солиҳ суҳбатдош бирлан ёмон суҳбатдош мушк ташувчи киши бирлан ўтда тобланаётган темирга дам урувчи кишига ўхшайди. Мушк ташувчи ё ўзи сенга мушкдан тухфа қилади ёки сен ўзинг унинг мушкдан харид қиласан ёхуд ундан келаётган мушк ҳидидан баҳра оласан, темирга дам урувчи киши эрса ё кийимингни куйдиради ёки сен ундан келаётган кўланса ҳидни ҳидлайсан!» — дедилар».

31-боб. Қуён ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Марризахрон деган ерда бир қуённи чўчитиб юбордик. Қавм уни қува-қува чарчади. Кейин, мен уни тутиб Абу Талҳанинг олдига олиб бордим. Ул киши уни сўйиб, икки қўлини (ёки икки сонини) Жаноб Расулуллоҳга юбориб эрди, олдилар».

32-боб. Калтакесак ҳақида

Иби Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам калтакесак ҳақида: «Мен уни емайман ҳам, ҳаром демайман ҳам!» — дедилар».

Абдуллоҳ; ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳолид ибн Валид Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга Маймунанинг уйига кирди. Шунда ул зотнинг олдиларига қовурилган калтакесакларни келтириб қўйишди. Ул зот ейман деб қўл узатганларида хотинлардан бири. «Нимани емоқчи бўлганларини ул зотга айтингизлар!» — деди. Хотинлар: «Бу калтакесакдур, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ қўлларини тортдилар. Холид бундай дейдилар: «Мен: «Калтакесак ҳаромми ё Расулаллоҳ!» — дедим. Ул зот: «Йўқ, лекин ер юзида калтакесакдан жир-канмайдирган бирорта ҳам қавмим йўқдур, мен ҳам ундан жирканаман!» — дедилар. Кейин, мен ул зотнинг кўз олдиларида калтакесакдан олиб чайнаб-чайнаб едим».

33-боб. Қуюқ (қотган) ёққа сичқон тушиб қолса?

Маймуна разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ёққа сичқон тушиб ўлиб қолди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳдан шул ҳақда сўралди. Ул зот: «Сичқонни ва ёғнинг сичқон тушган ерини олиб ташлаб, еяверингизлар!» — дедилар».

Юнус разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қотган ёки қуюқ ёққа тушиб ўлиб қолган сичқон ва бошқа жониворлар хусусида суҳбатлашилди. Шунда Зухрий бундай деб айтди. «Бизга хабар қилишдики, Жаноб Расулуллоҳ ёққа тушиб ўлиб қолган сичқонни ва ёғнинг сичқон тушган ерини олиб ташлаб, еявериш мумкинлигини айтибдилар».

34-боб. Молнинг юзига тамға босмоқлик ва белги қўймоқлик хусусида

Ибн Умар молнинг юзига белги қўймоқликни рад этиб: «Жаноб Расулуллоҳ молнинг юзига тамға босмоқдан қайтарганлар»,— дейдилар.

Ханзала: «Молнинг юзига тамға босилади»,— дейдилар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен укам бирлан бирга Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига кирдим, укамнинг танглайини хурмо бирлан кўтариб қўйсинлар, деган эрдим. Қарасам, ул зот ўз кўраларида бир қўйни тамғалаётирлар». Ҳишом ибн Зайд: «Менимча, Анас: «Қўйнинг кулоқларини тамғалаётирлар» — деб айтганди»,— дейдилар (демак, молнинг юзидан бўлак ерига тамға босиш ёки белги қўйиш мумкин).

35-боб. (Чорвани) қавм ўлжа олган бўлса-ю, қавмнинг баъзи кишилари ўртоқларининг буйруғисиз бирор қўйни ёки туяни сўйса, ейилмайди!

Товус ва Икрима ўғри сўйган жонлиғ ҳақида: «Уни ташлаб (отиб) юборингизлар!» — дейдилар.

Рофиъ ибн Хадиж ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Биз эртага душманга рўбарў бўламиз, аммо пичоғимиз йўқ»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таолонинг исми зикр қилиниб қони оқизилган жонлиғни еяверингизлар, суяк ва тирноқ (бирлан қон оқизилган) бўлмаса, бўлди! Ҳабаш тилида «синн» — «суяк» ва «зуфр» — «пичоқ»дур»,— дедилар. Кейин, одамлар олдинга илгарилаб кетишди-да, бир неча қўйни сўйиб қозонларга солишди. Жаноб Расулуллоҳ одамларнинг ортида келаётган эрдилар, уларнинг олдига етиб келиб, қозонларни ағдариб ташлашни амр қилдилар. Сўнг, уларга ўнта қўй ва ўнта қўй ҳисобида битта туя тақсим қилдилар. Шунда бояги туя қочиб кетди. Қувиб етишга от бўлмагани учун бир киши найза отиб уни ўлдирди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу жониворларда ваҳший хайвонларда бўлгани каби ёввойилик мавжуддур, улардан қайси бири сизга шу қилиқни қилса, ҳозиргидек иш тутингизлар!» — дедилар».

36-боб. Агар қавмнинг туяси қочиб кетса-ю, қавмдошлардан бири ўз қавмига яхшилик қилмоқ ниятида найза отиб уни ўлдирса, жоиздур!

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

37- боб. Ночор аҳволда қолган кишининг егулиги ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар! Енгизлар биз сизларга ато қилган ҳалол ризқлардан ва Оллоҳ таолога шукр қилингизлар, агар унгагина ибодат қилсангизлар! Ҳақиқат шулки, Оллоҳ таоло ҳаром қилгандур сизларга ҳаром ўлган жониворни ва қонни ва тўнғиз гўштини ва Оллоҳ таолодан бошқанинг номини айтиб сўйилган жониворни, бас кимики нофармон бўлмай ва ҳаддидан ошмай, ночор (юқоридаги ҳаром қилинган нарсалардан еса), унга ҳеч гуноҳ бўлмас. Оллоҳ таоло албатта мағфират ва раҳмат соҳибидур!»

Оллоҳ таолонинг қавли: «Бас, енгизлар ул жонивор (гўштиданки), унга Оллоҳ таолонинг номи зикр қилинибдур, агар унинг оятларига иймонларингиз бўлса! Ва сизларга нима бўлибдурки, емассизлар ул жонивор (гўштиданки), унга Оллоҳ таоло номи зикр қилинибдур? Ҳолбуки батафсил баён қилибдур сизларга ул нарсаники уни сизларга ҳаром қилибдур вале есангизлар бўлур ул нарсаники унга сизлар ночордурсизлар ва дарҳақиқат кўп кишилар илмсиз ўз хаёлотлари ила бошқани оздириб юрурлар, дарҳақиқат сизнинг парвардигорингиз ҳаддан ошгувчиларни яхши билур!»

Оллоҳ таолонинг қавли: «Сиз денгки, «Мен ўзимга ваҳий қилинган ҳукмлар орасидан ҳаром ўлган жонивор ё оқиб турган қон ё тўнғиз гўштидан бўлак егувчи учун ҳаром қилинган бир таомни топа олмайман, чунки ул албатта нопокдур ё ул Оллоҳ таолодан бошқанинг номи зикр қилиниб, ножоиз сўйилган жонивордур», энди кимики ночор қолса-ю, (юқорида ҳаром қилинган нарсалардан) лаззатга берилмай ва ҳаддан ошмай истеъмол қилса, албатта сизнинг парвардигорингиз мағфират ва раҳмат соҳибидур!»

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ҚУРБОН ҚИЛИНАДИРГАН ЖОНЛИҒЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

1- боб. (Қурбон ҳайити куни) жонлиғ қурбон қилмоқнинг суннати ҳақида

Ибн Умар: «Жонлиғ қурбон қилмоқлик суннат ва урфдур»,— дейдилар.

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Бугунги кунимизда бизнинг энг аввало қиладирган ишимиз — намоз ўқиймиз, сўнг (намоздан) қайтиб жонлиғ қурбон қиламиз. Кимки шундай қилса, бизнинг суннатимизни адо этган бўлур ва кимки (намоздан) илгари (жонлиғ) сўйса, бола-чақаси учун гўшт тайёрлаб берган бўлиб, қилган қурбонлигининг ҳеч қандай савоби йўқдур!»—дедилар. Шунда намоздан илгари жонлиғини сўйиб кўйган Абу Бурда ўрнидан туриб: «Менинг бир ёш эчким бор (ўрнига ўшани сўйсам бўлурми?)»—деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Майли, ўшани сўя қолгил, аммо сендан кейин бошқа бирор кишига бу жоиз эрмас!» — дедилар».

Омир Барродан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки намоздан кейин жонлиғ сўйган бўлса, Оллоҳ таоло йўлида қурбонлик қилиб, мусулмонлар зиммасидаги суннатни адо этган бўлур!» — дедилар».

2- боб. Имомнинг қурбонлик учун одамларга жонлиғларни тақсимлаб бермоғи ҳақида

Баъжа ал-Жуханий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбон қилмоқ учун ўз саҳобаларига жонлиғларни тақсимлаб бердилар, шунда Уқбага бир эчкича тегди. Уқба «Ё Расулаллоҳ, менга эчкича тегди-қу?!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Шуни қурбон қилгил!» — дедилар».

3-боб. Мусофир ва аёллар номидан жонлиғ қурбон қилмоқ хусусида

Абдурахмон ибн ал-Қосим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларига кирдилар. Ул муҳтарама Маккага етиб бормаи туриб Сараф деган ерда ҳайз кўриб қолганлари бойсидан йиғлаб ўлтирган эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ «Сенга не бўлди, ҳайз кўриб қолдингми?»— дедилар. Оиша онамиз: «Ҳа»,— дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу Оллоҳ таоло Одам қизларининг пешонасига ёзган тақдирдур, ҳожилар адо этмоғи лозим бўлган барча маросимларни ўтайвер, фақат Байтуллоҳни тавоф қилмагил!»—дедилар. Кейин, биз Минода эрканлигимизда мол гўшти келтиришди. Мен «Бу қандай гўшт?» — дедим. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинлари номидан бир сигир қурбон қилдилар»,— дейишди».

4-боб. Наҳр куни иштаҳа бирлан гўшт ейилмоғи ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Наҳр куни «Кимки (ҳайит) намозидан олдин жонлиғ сўйган бўлса, (намоздан сўнг) бошқа жонлиғ қурбон қилсин!» — дедилар. Шунда бир киши ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, бу кун — иштаҳа бирлан гўшт ейдирган кундур!» — деди-да, қўшнилари ҳақида гапирди, сўнг «Менда бир эчкича бор, у иккита кўйнинг гўшtidан яхшироқдур!»—деди. Жаноб Расулуллоҳ ўша эчкичани қурбон қилмоққа унга ижозат бердилар, аммо (эчки қурбон қилмоқ хусусидаги) руҳсат ундан бошқаларга ҳам тегишли эрдими ё йўқми, буни билмайман. Кейин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккита кўчқор сўйдилар. Одамлар уларнинг гўштini ўзаро бўлишиб олишди».

5- боб «Бугун жонлиғ қурбонқиладирган кундур!» — деб айтган киши ҳақида

Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам бундай дедилар:

«Замон Оллоҳ таоло осмонлар бирлан ерни яратган кундагидек (ҳеч бир ўзгаришсиз яна) бир давра айланди. Йил ўн икки ойдан иборат бўлиб, улардан тўрттаси мукаддасдур. Тўрттадан учтаси—Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам кетмакет келади, туртинчиси эрса Ражаб (Музар) ойи бўлиб, Жумодассоний бирлан Шаъбон ойлари оралиғидадур. (Айтингизларчи), ҳозир қайси ой?» Биз «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билур!» — дедик. Жаноб Расулulloҳ бироз сукут қилдилар, шунда биз бу ойнинг бирор бошқа номини айтсалар керак, деб ўйладик. Жаноб Расулulloҳ: «Бу ой Зулҳижжа ойи эрмасми?»—дедилар. Биз «Ҳа»,—дедик. Жаноб Расулulloҳ: «Бу қайси шаҳар?»—дедилар. Биз «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билур!»—дедик. Жаноб Расулulloҳ бироз сукут қилдилар, биз бу шаҳарнинг бирор бошқа номини айтсалар керак, деб ўйладик. Жаноб Расулulloҳ «Бу ал-Балда (Макка) эрмас-ми?»—дедилар. Биз «Ҳа», — дедик. Жаноб Расулulloҳ «Бугун қандай кун?»—дедилар. Биз: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билур!»—дедик. Жаноб Расулulloҳ бироз сукут қилдилар, биз бу куннинг бирор бошқа номини айтсалар керак, деб ўйладик. Жаноб Расулulloҳ «Наҳр куни эрмасми?»—дедилар. Биз «Ҳа»,—дедик. (Кейин), Жаноб Расулulloҳ (бизга) бундай деб айтдилар: «Қонингиз, мол-дуненгиз, обрўйингиз мана шул шаҳрингиздаги кунингиз ва ойингиз ҳурмати каби бир-бирингизга мукаддасдур! Охиратда парвардигорингизга рўбарў бўлганингизда сизлардан қилган амалларингиз хусусида сўрагайдур. Мендан кейин бир-бирингизнинг бўғзингизга тиғ урадирган гумроҳ бўлиб кетмангизлар! (Менинг бу васиятимни) эшитганлар эшитмаганларга етказсин, чунки баъзи бир бировдан эшитганлар ул қулоғи бирлан эшитганлардан кўра зехнлироқ бўлур!»

(Ровий) Муҳаммад Жаноб Расулulloҳнинг ўшал кунги васиятлари хусусида эслаганда: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (дилларидаги бор гапни) рўй-рост айтиб, сўнг «Тушунтира олдимми? Тушунтира олдимми?» — дедилар», — дер эрдилар.

6- боб Мусаллода (намоз ўқийдирган жойда) жонлиғ қурбон қилмоқ ҳақида

Иби Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (масжиддаги) мусаллода (ҳам) жонлиғ (туя қўй мол ва бошқалар) қурбон қилур эрдилар».

7- боб. Жаноб Расулulloҳнинг икки шохдор семиз қўчқорни қурбон қилганлари ҳақида

Абу Умома ибн Саҳл ривоят қиладилар: «Биз Мадинада қурбонликка аталган жонлиғларни боқиб семиртирар эрдик, барча мусулмонлар ҳам шундай қилишар эрди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қўчқор ва мен икки қўчқор қурбон қилур эрдик».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки шохдор ола қўчқорни ўз қўллари бирлан сўйдилар».

Абулхайр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уқба ибн Омирга бир қанча жонлиғ бериб, уларни қурбон қилмоқ учун саҳобаларига тақсимлашни топширдилар. Шунда Уқбанинг ўзига бир эчкича қолди. У бу ҳақда ул зотга айтиб эрди: «Сен ўшани қурбон қила қолгил!» — дедилар».

8- боб. Жаноб Расулulloҳнинг Абу Бурдага: «Ўшал эчкини қурбон қила қолгил, аммо бу сендан кейин бирор кишига жоиз эрмас!» — деб айтганлари ҳақида

Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бурда исмли тоғам жонлиғларини (ҳайит) намозидан бурун сўйиб қўйдилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига: «Қўйингни (бола-чақангга) гўшт тайёрлаб бермоқ учун

сўйибсан!» — дедилар. Тоғам: «Ё Расулаллоҳ, менинг яна бир эчкичам бор, (ўшани қурбон қилсам бўлурми?)»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Майли, ўшани қурбон қила қолгил, аммо бу сендан бўлак одамга дуруст эрмас!»—дедилар. Сўнг, ул зот яна бундай деб гапларида давом этдилар: «Кимки намоздан илгари сўйган бўлса, ўзи учун сўйибдур, кимки намоздан сўнг сўйган бўлса, Оллоҳ таоло йўлида жонлиғ қурбон қилиб, мусулмонлар зиммасидаги суннатни адо этибдур!».

Барро ривоят қиладилар: «Абу Бурда жонлиғини намоздан бурун сўйиб қўйди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ унга: «Ўрнига бошқа жонлиғ сўйгил!» — дедилар. Абу Бурда: «Менда бир ёш эчкичадан бўлак жонлиғ йўк»,— деди. (Шабъий: «Менимча, ўшанда Абу Бурда: «Эчкичам катта қўйдан ҳам яхшироқ» — деб айтганди»,— дейдилар). Жаноб Расулуллоҳ: «Майли, ўрнига ўшани қурбон қила қолгил, аммо бу сендан кейин ҳеч кимга жоиз эрмас!» — дедилар».

9- боб. Ўз қўли бирлан қурбонликка аталган жонлиғларни сўйган киши ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ола кўчқорни қурбон қилдилар. Шунда мен ул зотнинг иккала қўйнинг биқинига оёқларини қўйиб туриб тасмия ва такбир айтганларини, сўнг ўз қўллари бирлан уларни сўйганларини кўрдим»,— дейдилар.

10-боб. Ўзганинг қурбонликка аталган жонлиғини сўйган киши ҳақида

Бир киши Ибн Умарга қурбонликка аталган жонлиғларини сўйишда қўмаклашди. Абу Мусо қизларига ўз қўллари бирлан жонлиғ қурбон қилмоқни буюрдилар.

Оша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Сараф деган ерда ҳузуримга кирганларида мен йиғлаб ўлтирган эрдим. Шунда ул зот: «Сенга не бўлди, ҳайз кўриб қолдингми?» — дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Ул зот: «Бу Оллоҳ таоло Одам қизларининг пешонасига ёзган тақдирдур, хожи адо этмоғи лозим бўлган барча маросимларни бажаргил, лекин Байтуллоҳни тавоф қилма!» — дедилар. Кейин, ул зот ўз хотинлари номидан бир сигирни қурбон қилдилар».

11-боб. Жонлиғни намоздан сўнг сўймоқ лозим!

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваъз айтаётиб бундай деганларини эшитдим: «Бугунги кунимизда бизнинг биринчи бўлиб қиладирган ишимиз — намоз ўқиймиз, сўнг қайтиб жонлиғ қурбон қиламиз. Кимки шундай қилса, суннатимизни адо этган бўлур, акс ҳолда у ўз болачақасига гўшт тайёрлаб берган бўлиб, қилган қурбонлигидан ҳеч бир савоб тегмас!». Шунда Абу Бурда: «Ё Расулаллоҳ, мен намоз ўқимасимдан бурун жонлиғимни сўйиб қўйдим, аммо менда яна бир эчкича бўлиб, у катта қўйдан ҳам яхшироқдур!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ўрнига ўшани сўя қолгил, аммо бу сендан кейин бирор кишига жоиз эрмас!» — дедилар».

12-боб. Кимки жонлиғини намоздан илгари сўйиб қўйган бўлса, (намоздан кейин) ўрнига бошқа жонлиғ сўяди!

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки жонлиғини намоздан илгари сўйиб қўйган бўлса, (намоздан кейин) ўрнига бошқа жонлиғ сўйсин!» — дедилар. Шунда бир киши: «Бугун иштаҳа бирлан гўшт ейдирган кундур!» — деди-да, камбағал қўшнилари ҳақида гапирди. Ўшанда Жаноб Расулуллоҳ уни маъзур тутган эрдилар. У: «Менда яна бир эчкича бор, у икки қўйдан ҳам афзалроққур!» — деган эрди. Жаноб Расулуллоҳ унга ўша эчкичасини қурбон қилмоққа рухсат берган эрдилар, аммо бу рухсат бошқаларга ҳам тааллуқли эрдими ё йўқми, буни билмайман. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ икки кўчқорни сўйдилар, шундан сўнг одамлар ҳам ўз жонлиғларини сўйишди».

Жундуб ибн Суфён ривоят қиладилар: «Мен наҳр куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим. Ул зот: «Кимки намоз ўқимасидан бурун жонлиғ сўйган бўлса, ўрнига бошқасини сўйсин, кимки ҳали сўймаган бўлса, энди сўяверсин!» — дедилар».

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни: «Кимки бизнинг қибламизга юзини қаратиб бизнинг намозимизни ўқиган бўлса, намоздан уйига қайтгунига қадар жонлиғ сўймасин!» — дедилар. Шунда Абу Бурда ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, мен намоздан бурун сўйиб қўйибман?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Шошқалоклик қилибсан-да!» — дедилар. Абу Бурда: «Менда яна бир эчкича бор, у иккита катта қўйдан ҳам яхшироқдур, ўшани сўйсам бўлурми?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Майли, ўшани сўя қолгил, аммо бу сендан кейин ҳеч кимга жоиз эрмасдур!» — дедилар».

13- боб. Жонлиғнинг биқинига оёқ қўймоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккита шохдор, семиз ола кўчқорни биқинига оёқларини қўйиб туриб ўз қўллари бирлан қурбон қилган эрдилар».

14- боб. Жонлиғ сўйиш вақтида такбир айтмоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккита шохдор, семиз ола кўчқорни ўз қўллари бирлан қурбон қилдилар. Шунда кўйларнинг биқинига оёқларини қўйиб туриб тасмия ва такбир айтдилар».

15- боб. Киши жонлиғини қурбон қилиш учун (Каъбага) жўнатса, унга ҳеч нарса ҳаром қилинмайди!

Шаъбий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Масруқ Оиша онамизнинг ҳузурларига келиб: «Ё мўминлар онаси! Киши ўз жонлиғини қурбон қилиш учун Каъбага жўнатади, ўзи эрса жонлиғининг бўйнига унинг қурбонликка аталганини англатадирган аломат осиб қўйишни тайинлаб, шаҳарда (уйида) қолади. Ўшал одам жонлиғини жўнатган кундан то ҳожилар эҳромларини ечгунларига қадар эҳромда қолиб, ҳожилар қилиши мумкин бўлмаган нарсаларни қилаверади», — дедилар. Масруқ бундай дейдилар: «Мен Оиша онамизнинг парда ортидан (гапимни маъқуллаб) чапак чалганларини эшитдим, сўнг мўминлар онаси: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг жонлиғлари бўйнига аломат осиб қўйиш учун тизимча (чилвир) йигириб берар эрдим, кейин ул зот жонлиғларини Каъбага жўнатар эрдилар. Шунда ул зот ҳожилар қайтгунга қадар хонадонларидаги эркакларга ҳалол қилинган нарсалардан маҳрум қилинмас эрдилар», — дедилар».

16- боб. Қурбон қилинган жонлиғлар гўштини ейиш ва эҳтиёт қилиб қўйиш ҳақида

Жобир ибн Абдуллуҳу разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қурбон қилинган жонлиғлар гўштини Мадинага (олиб кетиш учун) эҳтиётлаб қўяр эрдик».

Ибн Хаббоб ривоят қиладилар: «Абу Саъид уйида йўқ эрди, қайтиб келгач, олдида гўшт келтириб қўйишди. Шунда Абу Саъид: «Бу қурбон қилинган жонлиғларимиз гўштиданми? Олиб кетингизлар, буни татиб ҳам кўрмайман!» — деди. Абу Саъид бундай дейди: «Кейин, мен ўрнимдан туриб уйдан чиқдим-да, биродарим Қатода (онамнинг биродари) ҳузурига йўл олдим. Ул киши Бадр ғазоти иштирокчиси эрдилар. Ҳузурларига боргач, бўлган гапни айтиб бердим. Шунда ул киши: «Сендан кейин бир иш содир бўлган

эрди»,— дедилар».

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан кимки жонлиғ Қурбон қилган бўлса, учинчи кун тонг оттирмасингиздан бурун уйингизда ундан ҳеч нарса қолмасин!» — дедилар. Келгуси йили одамлар: «Ё Расулаллоҳ, бу йил ҳам ўтган йилдагидек иш тутамизми?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Енгизлар, едирингизлар ва эҳтиёт қилиб ҳам кўйингизлар! Ўша йили одамлар оч қолган бўлиб, мен бир-бирларингизга ёрдам қилингизлар, деб эрдим!»— дедилар».

Ошша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз қурбон қилинган жонлиғлар гўштидан тузлаб Жаноб Расулуллоҳга (Мадинага) олиб борар эрдик. Шунда Жаноб Расулуллоҳ «(Қурбон қилинган жонлиғлар гўштидан) уч кундан ортиқ емангизлар!»— дедилар. Сўнг, гўштга истамайгина қўл узатсалар-да, ундан егилари келди. Яна Оллоҳ таоло ўзи яхшироқ билади!».

Зухрий ривоят қиладилар: «Ибн Азҳарнинг мавлоси Абу Убайд Қурбон ҳайити куни Ҳазрат Умар ал-Хаттоб бирлан бирга бўлганини айтиб бундай деганди: «Ҳазрат Умар хутбадан аввал намоз ўқидилар, сўнг одамларга хутба қилиб «Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сизларни мана шу икки ҳайитда рўза тутмоқдан қайтардилар. Аммо, икки ҳайитдан бири — сизлар оғиз очиб рўзангизни тугатадирган кундур, бошқаси эрса — сизлар қурбон қилган жонлиғларингиз гўштидан тановул қиладирган кундур!»— деб айтдилар. Кейин, мен Усмон ибн Аффон бирлан Қурбон ҳайитида бирга бўлдим, ўшал кун жумъа куни бўлиб, ул киши хутбадан аввал намоз ўқидилар сўнг одамларга хутба қилиб: «Эй одамлар, бугун сизлар учун икки байрам бир келган кундур! Олий мартаба аҳлидан кимки жумъани кутмоқни истаса, кутсин ва кимки (уйига) қайтмоқни истаса, мен унга рухсат бердим!» — деб айтдилар. Сўнг мен Ҳазрат Али ибн Абу Толиб бирлан (ҳам) Қурбон ҳайитида бирга бўлдим. Ул киши (ҳам) хутбадан аввал намоз ўқидилар, кейин одамларга хутба қилиб «Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбон қилган жонлиғларингиз гўштини уч кундан ортиқ емоғингиздан қайтардилар!»—деб айтдилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Қурбон қилинган жонлиғлар гўштини уч кун енгизлар!» — дедилар».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ИЧИМЛИКЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, маст қилувчи ичимликлар, қимор, бутлар ва қуръа ўқлари — булар ҳаммаси нопок бўлиб, шайтон ишларидандур, бас улардан сақлангизлар, шояд нажот топсангизлар!»

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Кимки бу дунёда маст қилувчи ичимлик ичган бўлса-ю, кейин ичганига тавба қилмаган бўлса, охиратда тавба қилмоқдан маҳрум қилингайдур!»— дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Исроъ кечаси фаришталар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга икки қадах келтирдилар, бирида (маст қилувчи) ичимлик ва бирида сут бор эрди. Жаноб Расулуллоҳ қадахларга бир назар ташладилар-да, сут солинган қадахни олдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом «Сизни табиатга (борлиққа) ҳадя қилган Оллоҳ таолога шукр! Агар ичимлик солинган қадахни олганингизда, умматингиз гумроҳ бўлур эрди!» — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай бир ҳадис эшитганманки, уни мендан бўлак ҳеч ким сизларга айтиб

бермагай! Жаноб Расулуллоҳ бундай деган эрдилар: «Қиёматнинг асосий белгилари шулки, жаҳолат кучайиб, илм (ислом илми) сусаядир, зино бирлан ичкиликбозлик кучаядир, эркаклар камайиб аёллар купаядир, хаттоки элликта аёл учун бир эркак тўғри келадир»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин зино қилмайди, зино қилаётган вақтида эрса мўмин бўлиб қололмайди. Мўмин (маст қилгувчи) ичимлик ичмайди, ичимлик ичаётган вақтида эрса мўмин бўлиб қололмайди. Мўмин ўғрилиқ қилмайди, ўғрилиқ қилаётган вақтида эрса мўмин бўлиб қололмайди!» — дедилар».

1- боб Узумдан тайёрланган (маст қилгувчи) ичимлик ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Маст қилгувчи) ичимлик ҳаром қилинган вақтда Мадинада узумдан қилинадирган ҳеч қандай (маст қилгувчи) ичимлик йўқ эрди».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Маст қилгувчи ичимлик унинг ҳаром эрканлиги ҳақидаги оят нозил қилинган вақтда бизга ҳаром қилинди ва биз ўша вақтда узумдан қилинадирган маст қилгувчи ичимликларни Мадинада жуда кам учратар эрдик, маст қилгувчи ичимликларимиз, асосан, хом ва пишган хурмодан тайёрланар эрди».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар минбарга чиқиб «Аммо баъд, маст қилгувчи ичимликларнинг ҳаром эрканлиги ҳақида оят нозил бўлди, улар беш нарсадан — узум, хурмо, асал, буғдой ва арпадан тайёрланади. Маст қилгувчи ичимлик — ақлни оздирувчи нарсадур!» — дедилар».

2- боб Маст қилгувчи ичимликнинг ҳаром эрканлиги ҳақидаги оятнинг нозил бўлиши ва маст қилгувчи ичимликнинг хом ва пишган хурмодан тайёрланганлиги ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абу Убайда, Абу Талҳа ва Убай ибн Каъбга хом ва пишган хурмодан тайёрланган (маст қилгувчи) ичимликдан қуйиб бериб ўлтирган эрдим. Ногаҳон, бир чопар келиб (маст қилгувчи) ичимликнинг ҳаром қилинганлигини маълум қилди. Шунда Абу Талҳа: «Тургил, эй Анас, уни тўкиб ташла!» — дедилар, мен уни тўкиб ташладим»

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен маҳаллада амакиларимга хом хурмодан тайёрланган ичимлик қуйиб бериб турган эрдим, (уларнинг орасида энг кичиги мен эрдим). Шунда одамлар маст қилгувчи ичимликнинг ҳаром қилинганлигини айтишиб: «Уни тўкиб ташлангизлар!» — дейишди, биз уни тўкиб ташладик.

Муътамирнинг оталари бундай дейдилар: «Мен Анасга: «Улар қандай ичимлик ичишаётган эрди?»—деб айтдим. Анас: «Пишган ва хом хурмодан тайёрланган ичимлик»,— деди».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Маст қилгувчи) ичимлик ҳаром қилинди, ўшанда у хом ва пишган хурмодан тайёрланар эрди».

3- боб Асалдан тайёрланадирган (маст қилгувчи) ичимлик ҳақида

Муоз разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Молик ибн Анасдан «фукқоъ» (арпа ёки мевалардан тайёрланадирган ичимлик) ҳақида сўраб эрдим, ул киши: «Маст қилмаса, зарари йўқ»,— дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Одамлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан «бить» (асалдан тайёрланадирган ичимлик) ҳақида сўрашди, бу ичимликни яманликлар ичишар эрди. Жаноб Расулуллоҳ.: «Маст қилгувчи ҳар қандай ичимлик ҳаромдур!»—дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дуббоъ ва музафатда шароб тайёрламангизлар!» — дедилар». Абу Ҳурайра (аввалги жилдлардаги) ўз ривоятларида бунга хинтам ва нақирни ҳам қўшиб айтганлар.

4- боб. Хамрнинг (мусалласнинг) ақлни оздирувчи ичимликлардан эрканлиги ҳақидаги ҳадислар

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар Жаноб Расулуллоҳнинг минбарларига чиқиб бундай деб хутба қилдилар: «Хамрнинг ҳаром қилинганлиги хусусида оят нозил бўлди. Хамр беш нарсадан — узум, хурмо, буғдой, арпа ва асалдан тайёрланиб, у ақлни оздиргувчи ичимликдур. Мен сизларга яна уч нарсани айтмоқни истайман: «Жаноб Расулуллоҳ ака-ука ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги оқибатсизлик ҳамда судхўрлик борасида нозил бўлган оятлар ҳукмларини бизларга тушунтириб бериб, сўнг дунёдан кўз юмдилар».

Шаъбий ривоят қиладилар: «Эй Абу Умар! Гурунчдан ҳам бирор ичимлик тайёрланар эрдими?» — дедим. Ул киши: «Бундай ичимлик Жаноб Расулуллоҳнинг (ёки Ҳазрат Умарнинг) даврларида сира ҳам бўлмаган»,— дедилар».

Абу Ҳаййон: «Узум ўрнига майиз(дан фойдаланилар) эрди»,— дейдилар.

Ибн Умар Ҳазрат Умардан нақл қилиб: «Хамр беш нарсадан — майиз, хурмо, буғдой, арпа ва асалдан тайёрланар эрди»,— дейдилар.

5- боб. Хамрни (маст қилгувчи ичимликни) ҳалол деб ҳисоблаб, уни бошқа ном билан атовчилар ҳақидаги ҳадис

Абу Омир (ёки Абу Молик) ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Менинг умматим орасидан чинни идиш, ҳарир кийим, хамр (маст қилгувчи ичимлик) ва айшу ишратни ҳалол деб билгувчи қавмлар чиқади ва (бир куни ўшал) қавмлар бир тоғ этагига келиб манзил тутишади. Кечки пайт (бир одам) улар учун бир чўпон аёлни бошлаб келади, у бир зарурат билан уларнинг олдига келган бўлади. Улар (аёлни олиб қолиб), унга: «(Сен ҳозир кетавер), олдимизга эртага қайтиб келарсан!»—деб айтишади. Шунда Оллоҳ таоло уларни уйкуга кетказиб, (устлариغا) тоғни кулатади ва (омон) қолганларини қиёматга қадар маймуну тўнғизларга айлантириб қўяди».

6- боб Хум ҳамда тош, мис ва ёғоч идишларга меваларни солиб эзиб сувини чиқариб қўймоқ ҳақида

Абу Ҳозим ривоят қиладилар: «Абу Усайд ас-Соъидий келиб Жаноб Расулуллоҳни ўз никоҳ тўйига таклиф қилди. Тўйда келин бўлмиш (унинг хотини) шахсан ўзи меҳмонларга хизмат қилди. Бир киши: «Биласизларми, келин Жаноб Расулуллоҳга нима қуйиб берди? У тунда бир қанча хурмоларни таврга (тош, мис ёки ёғоч идишга) солиб эзиб сувини чиқариб қўйган эрди, ана ўшани қуйиб берди»,— деди»

7- боб Жаноб Расулуллоҳнинг хум ва мешлардан фойдаланмоқдан қайтариб, сўнг (яна) унга рухсат берганлари ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мешдан фойдаланмоқдан қайтардилар. Шунда ансорлар «Бизнинг ундан фойдаланмасликка ҳеч иложимиз йўқ, у бизга жуда зарур!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ «Ичимлик тайёрлашдан бўлак мақсадларда фойдалансангизлар, майли! — дедилар»

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мешдан фойдаланмоқдан қайтарганларида, ул зотга «Ҳамма ҳам

мешкоб-чини учратавермайди!»—дейишди. Шунда ул зот чинни кўзадан фойдаланмоққа рухсат бериб, мумланган идишдан фойдаланмоққа ижозат бермадилар».

Ҳазрат Али «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ковоқдан ясалган ва мумланган идишлардан фойдаланмоқдан қайтардилар»,— дейдилар.

Иброҳим ривоят қиладилар: «Мен Асвадга «Сен мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳодан қандай идишларда шароб тайёрлашдан қайтарилгани ҳақида сўрадингми?» — дедим. У: «Ҳа, сўрадим. Мен мўминлар онасига: «Жаноб Расулulloҳ қандай идишларда шароб тайёрлашдан қайтардилар?»—деб айтдим. Мўминлар онаси: «Жаноб Расулulloҳ бизни, яъни барча хонадон аъзоларини ковоқ ва мумланган идишларда шароб тайёрламоқдан қайтардилар»—дедилар»,— деди. Мен унга «Аммо, чинни ва кўк кўзалар хусусида айтмадинг-ку!» — дедим. У «Нимаики эшитган бўлсам, сенга айтиб бердим, энди эшитмаган нарсам хусусида ҳам айтиб бераинми?!» — деди»

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кўк кўзадан фойдаланмоқдан қайтардилар. Шунда мен «Оқ чинни кўзада ичсак бўлурми?»—дедим. Ул зот «Йўқ!» — дедилар (Кўза хоҳ оқ ва хоҳ кўк бўлсин, ундаги мева суви ачиб, маст қиладирган бўлиб қолган бўлса, ичиш мумкин эрмас!)»

8-боб. Маст қилмайдирган хурмо суви ҳақида Бу ерда 6-бобдаги ҳадис такроран келтирилган

9-боб. Бозик тўғрисида ва ҳар қандай маст қилгувчи ичимликлардан қайтарган киши ҳақида

Ҳазрат Умар, Абу Убайда ва Маоз тилони (бироз қайнагач, учдан бири буғланиб кетган узум сувини) ичса бўлади, деб ҳисоблаганлар. Барро ва Абу Жуҳайфа қайнаб ярми буғланиб кетган узум сувини ичишган. Ибн Аббос «Узум (мева) сувини муздаклигида ичгил!»—дейдилар. Ҳазрат Умар «Мен гаплашаётиб Убайдуллоҳдан шароб хиди келаётганини сездим. Агар маст бўлиб қолганида дарра урган бўлур эрдим!» — дейдилар.

Абу ал-Жувайриййа ривоят қиладилар: «Мен Ибн Аббосдан бозик (қайнатилган узум суви) ҳақида сўрадим. Ул киши «Жаноб Расулulloҳ бозик ҳақида ўз ҳукмларини айтиб кетганлар, нимаики маст қилса, у ҳаромдур!» — дедилар». Шунда Абу ал-Жувайриййа «Узум суви ҳалол ва покизадур!» — дебдилар. Ибн Аббос: Ҳалол бўлгандан кейин, «покиза» дейиш ортиқча, зеро ҳаром — ўз-ўзидан маълумки, нопокдур!»—деб айтибдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳалво бирлан асални яхши кўрур эрдилар».

10-боб. Агар маст қиладирган бўлса, хом хурмоларни пишган хурмоларга ёки (мевалардан тайёрланган) икки хил нонхурушни бир-бирига қўшмаслик лозим, деб ҳисоблаган киши хусусида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абу Талҳа, Абу Дажжона ва Суҳайл ибн ал-Байзога хом ва пишган хурмолар омухтасидан қуйиб бераётган эрдим. Шу аснода хамр (маст қилгувчи ичимлик) ҳаром қилинганлиги ҳақида хабар келиб қолди. Шунда мен уларнинг энг кичиги бўлишимга карамай, уни улоқтириб юбордим. Биз ўша вақтларда хом ва пишган хурмолар омухтасини «хамр» деб ҳисоблар эрдик».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам майиздан ҳамда қуритилган, хом ва янги узилган хурмолардан (шароб тайёрламоқдан) қайтардилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қуритилган хурмо бирлан эндигина ранг кирган хурмони ҳамда қуритилган хурмо бирлан майизни бир-бирига қўшмоқдан қайтарганлар. Буларнинг ҳар биридан алоҳида шарбат тайёрланади».

11-боб. Сут ичмоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Ошқозон) ахлати ва қон ичидан ичувчилар учун мусаффо хуштаъм сут (ҳосил қилгаймиз)»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Исроъ кечаси Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир қадах сут ва бир қадах хамр (маст қилгувчи ичимлик) келтирилди».

Уммулфазл ривоят қиладилар: «Одамлар Жаноб Расулуллоҳнинг арафа куни рўза тутган ёки тутмаганларидан шубҳа қилишди. Шунда мен ул зотга бир идишда сут юбордим, ичдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Абу Ҳумайд Накиъ деган ердан Жаноб Расулуллоҳга бир қадах (идиш) сут келтирди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ унга: «Бир чўп бирлан бўлса ҳам, устини ёпиб олиб келмадингми?!» — дедилар».

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр бирлан бирга Маккадан келдилар. Абу Бакр бундай дейдилар: «Биз (келаётиб) бир подачининг ёнидан ўтиб қолдик, Жаноб Расулуллоҳ чанқаб қолган эрдилар. Мен бир идишга сут соғиб қониб ичдим. Шу пайт Суроқа ибн Жаъсам олдимизга от миниб келиб қолди. Жаноб Расулуллоҳ (отни кечикиб олиб келгани учун) уни дуои бад қилдилар. Шунда Суроқа: «Мени дуои бад қилмангиз, қарғишингизни қайтариб олингиз!» — деб Жаноб Расулуллоҳга ёлвориб эрди, ул зот шундай қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг яхши садақа — серсут соғин туя бўлиб, у атои худодур, серсут кўй ҳам атои худодур, у ёққа борсанг ҳам, бу ёққа борсанг ҳам, (сут тўла) идишинг ўзинг бирлан!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сут ичгач, (сув бирлан) оғизларини чайқаб ташладилар-да: «Сутда ёғ бор»,— дедилар (яъни, таҳоратли киши таркибида ёғ бор бирор ичимлик ёки таом истеъмол қилгач, оғзини сув бирлан чайқаб ташлаб, сўнг намоз ўқиши лозим)».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен (осмондаги) Сидрат ал-Мунтаҳо деган жойга кўтарилдим, қарасам ул ерда тўрт дарё мавжуд эркан. Иккитаси — кўзга зоҳир ва иккитаси — кўздан пинҳон. Кўзга зоҳири — Нил бирлан Фурот бўлиб, кўздан пинҳони (Салсабил ва Кавсар) жаннатда эркан. Ул ердан менга учта қадах келтирилди, бирида сут, бирида асал ва яна бирида хамр (маст қилгувчи ичимлик). Мен сут қуйилган қадахни олиб, сутни ичдим. Шунда менга: «Сен ва сенинг умматинг ислом ва ҳидоят рамзи бўлмиш қадахни топдингиз!» — дейилди».

Ҳишом, Саъид ва Ҳамом Қатодадан, ул киши эрсалар Анас ибн Моликдан, ул киши эрсалар Молик ибн Саъсаъадан нақл қилган ривоятда: «Учта қадах» хусусида эслатиб ўтилмаган.

12- боб. Чучук (тотли) сув ичиб лаззатланмоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Абу Талҳа Мадина ансорлари ичида энг хурмозори кўп киши эрди. У хурмозорларидан кўпроқ «Байруҳони» яхши кўрар эрди. «Байруҳо» масжид қаршисида бўлиб, Жаноб Расулуллоҳ кириб ул ердаги чучук (тотли) сувдан ичиб турар эрдилар. Оллоҳ таолонинг «Ўзингиз яхши кўрган нарсалардан нафақа (эҳсон) қилмагунингизга қадар таквога эришмайсизлар!» деган ояти қаримаси нозил бўлганда Абу Талҳа ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ! Оллоҳ таоло: «Ўзингиз яхши кўрган нарсалардан нафақа қилмагунингизга қадар таквога эришмайсизлар!»—дейди. Менинг энг яхши кўрган молим эрса «Байруҳо»дур, ўша молим Оллоҳ таоло йўлида садақа бўла қолсин! Мен унинг таг-туғи бирлан Оллоҳ таоло йўлида садақа бўлмоғини истайман. Ё Расулаллоҳ, уни Оллоҳ таоло ўзингизга амр қилган жойга сарф қилингиз!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Байруҳо ажойиб (бозори чакқон) мулкдур. Мен сенинг не деганингни эшитдим. яхшиси уни қариндош-ларингга эҳсон қила қолгил!»—дедилар. Абу Талҳа:

«Шундай қилгум, ё Расулаллоҳ!» — деди-да, уни ўз туғишганлари бирлан амакисининг фарзандларига бўлиб берди».

13- боб Сутга сув қўшмоқ ҳақида

Зухрий ривоят қиладиларки, Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сут ичганларини кўрибдилар. Ўшанда Жаноб Расулуллоҳ унинг уйига борган эрканлар. Уйидагилар бир совлиқни соғиб сутга кудук сувидан қўшишибди-да Жаноб Расулуллоҳга узатишибди, ул зот қадахни олиб ичибдилар. Шунда чап ёнларида Абу Бакр ас-Сиддиқ, ўнг ёнларида эрса бир бадавий турган эркан, сутнинг қолганини ўша бадавийга берибдилар. Сўнг: «(Аввал) ўнг(даги), сўнг яна ўнг (даги одамга узатиш лозим)!» — дебдилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир саҳобалари бирлан бирга бир кишининг уйига кирдилар-да, унга «Агар бу кеча мешда сақлаган (тиндирилган) сувинг бўлганида эрди! Булмаса ҳовуздан ҳам ичиб кетавера-миз»,— дедилар. Шунда хонадон эгаси боғини суғориб турган эрди, Жаноб Расулуллоҳга: «Ё Расулаллоҳ, менда тиндирилган сув бор чорпояга чиқаверингиз!»—деди. Сўнг, ўзи ҳам улар бирлан чорпояга чиқиб, (мешдан) қадахда сув олди-да, унга сут қушди. Жаноб Расулуллоҳ уни олиб ичдилар, кейин ул зот бирлан бирга келган киши ҳам ичди»

14- боб Ширинлик (ҳалво) ва асал ейиш ҳақида

Зухрий бундай дейдилар: «Инсон пешобини ичиш қатъиян манъ қилинади чунки у нопокдур! Оллоҳ таоло «Сизлар учун покиза неъматлар ҳалол қилинди»,— дейди»

Ибн Масъуд ичкиликбозлик хусусида бундай дейдилар: «Оллоҳ таоло ўзингизга ҳаром қилинган нарсаларни истеъмол қилишингиз оқибатида содир бўладирган дардлардан сизларни халос қиладирган давони яратмади»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалво бирлан асални ёқтирар эрдилар».

15-боб. Тик турган ҳолда (сув) ичмоқ ҳақида

Низол ибн Майсара ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу масжид майдони эшиги олдида келдиларда, тик турган ҳолларида (сув) ичдилар. Сўнг, одамларга Баъзи кишилар тик туриб (сув) ичмоқликни рад қилурлар, ваҳоланки мен Жаноб Расулуллоҳнинг ҳозир не қилганимни кўрган булсангиз, шундай қилганларини кўрганман»,— дедилар».

Абдулмалик ибн Майсара ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу пешин ўқиб, сўнг одамлар ишини ҳал қилмоқ учун Куфа майдонида асрга қадар қолиб кетдилар. Кейин, ул кишига сув келтиришиб эрди, ичдилар юз-қўлларини ювдилар ва бошлари бирлан икки оёқларини эсладилар (яъни, бошлари бирлан оёқларига масҳ тортишни унутган эрдилар, кейин уларга масҳ тортдилар) Сўнг, ўринларидан туриб тик турган ҳолларида ортиб қолган сувни ичдилар. Кейин одамларга «Айрим одамлар тик турган ҳолда сув ичмоқликни рад қилурлар, ваҳоланки Жаноб Расулуллоҳ мен қилгандек қилганлар»,— дедилар»

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тик турган ҳолда Замзам сувидан ичдилар».

16- боб Туясини миниб (Арафотда вуқуф қилиб) турган ҳолда сут ичган киши ҳақида

Ибн Аббоснинг мавлолари Умайр ривоят қиладилар: «Уммулфазл Расулуллоҳ

саллаллоҳу алайҳи ва салламга, ул зот кечқурун (туяларига миниб) Арафотда (вукуф қилиб) турганларида, бир қадах сут юбордилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ уни қўлларига олиб ичдилар».

Абунназр разияллоҳу анҳу «туяларига миниб» деб қўшимча қиладилар

17-боб. Ичишнинг (аввал) ўнгдаги, сўнг (яна) ўнгдаги (одамдан) бошланмоғи ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга сув қўшилган сут келтирилди, шунда ул зотнинг ўнг ёнларида бир бадавий ва чап ёнларида Абу Бакр ас-Сиддиқ турган эрдилар. Жаноб Расулulloҳ сутни ичиб, сўнг (қолганини) бадавийга узатдилар-да «(Аввал) ўнгдаги сўнг (яна) ўнгдаги (кишига узатмоқ лозим)!» —дедилар»

18-боб. Киши бирор ичимликни узатишда ўзининг ўнг томонидаги одамдан: «Аввал сендан каттароқларга узатсам, майлими?» — деб изн сўрайдими?

ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга мева шарбати келтиришиб эрди, ундан ичдилар. Шунда ул зотнинг ўнг томонларида бир йигит ва чап томонларида кексалар ўлтиришган эрди. Жаноб Расулulloҳ йигитдан «Аввал анави кексаларга узатсам, рухсат берурсанми?» —деб сўрадилар. Йигит: «Оллоҳ таоло ҳақи, ё Расулalloҳ, сиздан тегадирган насибамдан воз кечмагайман!»— деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ унинг қўлини чимчилаб қўйдилар?

19-боб. Ҳовуздан сув ичмоқ ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир саҳобалари бирлан бирга бир кишининг ҳовлисига кирдилар-да, унга салом бердилар, саҳобалари ҳам салом берди. Хонадон соҳиби алик олгач: «Ё Расулalloҳ, ота-онам сизга фидо бўлсинлар, шундай жазирама вақтда нима қилиб юрибсиз?!»—деди. Шунда у боғини суғориб турган эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Агар мешда тиндириб қўйилган сувинг бўлганида эрди! Бўлмаса ҳовуздан ҳам нчиб кетаверамиз!» — дедилар. Боғини хануз суғоришда давом этиб турган хонадон соҳиби: «Ё Расулalloҳ, менда мешда тиндириб қўйилган сув бор»,— деди-да, чорпоёга (супага) чикди, сўнг бир қадахда сув олиб, унга сут қўшди. Жаноб Расулulloҳ (ундан) ичдилар, кеин қайтариб бериб эрдилар, (қолганини) ўзлари бирлан бирга келган киши ичди»

20- боб Кичикларнинг катталарга хизмат қилмоғи ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен ёшим кичик бўлса-да, маҳаллада амакиларимга шароб қуйиб бериб турган эрдим. Бир маҳал, маст қилгувчи ичимликнинг харом қилинганлиги ҳақида маълум қилиб қолишди. Одамлар «Уни тўкиб ташлангизлар!» — дейишди. Биз уни тўкиб ташладик» Муътамирнинг оталари бундай дейдилар: «Мен Анасга ; «Улар қандай ичимлик ичишаётган эрди?» - - деб айтдим, Анас «Янги узилтан ва хом хурмолардан тайёрланган ичимлик эрди» — деди». Анаснинг ўғли Абу Бакр «Ўшанда Анас уларнинг хамри (маст қилгувчи ичимлиги) бўлганини инкор қилмадилар», - дейдилар

21-боб. Идиш устини ёпиб қўймоқ ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар. «Тун қоронғуси тушиши бирланок болаларингизни уйда маҳкам ушлаб ўлтирингизлар чунки бу вақтда шайтонлар чор атрофга тарқаладир. Тун қоронғуси тушган-дан бир соат ўтгач эрса, болаларингизни уй ичида қолдирингизлар-да, ташқарига чиқиб «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб эшикларни ёпиб келингизлар, шунда шайтон ёпиқ эшикни очолмайди. Кейин, «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб мешларингизнинг оғзини боғлаб қўйингизлар, сўнг яна «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм»

деб идишларингизнинг устига бирор нарса ёпиб қўйингизлар, кейин чироқларингизни ўчириб ётингизлар!»

Ато Жобир разияллоҳу анҳудан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тунда чироқларни ўчириб, эшикларни тамбалаб, мешларнинг оғзини боғлаб ҳамда овқату ичимликлар устини бир чўп бирлан бўлса ҳам ёпиб, сўнг уйқуга ётингизлар!».

22- боб Мешларнинг оғзини бузиб улардан сув ичмоқ ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мешларнинг оғзини бузиб улардан сув ичмоқдан қайтардилар»

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Абу Саъид ал-Худрийнинг бундай деб ривоят қилганларини эшитган эрканлар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мешларнинг оғзини бузмоқдан қайтардилар».

Муъаммар ёки бошқа бир ровий. «Мешларнинг оғзини бузмоқ, яъни бевосита уларнинг оғзидан сув ичмоқ демакдур»,— дейдилар.

23-боб. Мешнинг оғзидан сув ичмоқ ҳақида

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Гарчи киши қўшнисининг ўз ҳовлисида ҳатто қозиқ қоқмоғига монёлик қиладирган даражадаги одам бўлса-да, меш оғзидан сув ичмасин!» — дедилар»

Бу ерда юкоридаги ҳадис қисқача такрорланган

24-боб. Идиш ичига нафасни киритмоқ ҳақида

Абу Қатода оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар:

«Бирортангиз (сув ёки бошқа бирор ичимлик) ичсангиз, идиш ичига нафасингизни чиқармангиз ва агар бирортангиз пешоб қилсангиз ўнг қўлингиз бирлан олатингизни покламангиз ва агар бирортангиз (кетингизни) артадирган бўлсангиз, ўнг қўлингиз бирлан артмангиз!»

25- боб Идиш оғзидан икки ёки уч бор сув ичиб, ҳар гал нафасни ташқарига чиқармоқ ҳақида

Сумома ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Анас идиш оғзидан икки ёки уч бор сув ичиб, ҳар гал нафасларини идиш ташқарисига чиқардилар-да, «Расулуллоҳ идиш оғзидан уч бор сув ичиб, ҳар гал нафасларини ташқарига чиқарган эрдилар»— деб таъкидладилар».

26-боб. Олтин идишда ичмоқ ҳақида

Ибн Абу Лайло ривоят қиладилар: «Ҳузайфа Мадоин шаҳрида эрдилар, чанқаб қолиб сув сўрадилар. Шунда қишлоқ оқсоқоли ул кишига бир кумуш қадахда сув узатиб эрди, уни олиб отиб юбордилар-да :«Мен кумуш қадахни ундан фойдаланмоқдан қайтариш мақсадидагина отиб юбордим, у бўлса буни англамади. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни ҳарир ва дебож киймоқдан, олтин ва кумуш идишда ичмоқдан қайтариб, « Ҳарир ва дебож кийимлар, олтин ва кумуш идишлар бу дунёда улар (яъни, охирати йўқлар) учун бўлиб, охиратда эрса сизлар учундур!»—деб айтганлар»,— дедилар»

27-боб. Кумуш идиш ҳақида

Муъжоҳид ибн Абу Лайлодан нақл қиладилар: «Биз Ҳузайфа бирлан бирга йўлга чиқдик. Шунда Ҳузайфа Жаноб Расулуллоҳ ҳақларида эслаб айтдиларки, ул зот «Олтин ва

кумуш идишларда ичмангизлар, ҳарир ва дебож кийим киймангизлар, чунки бундай нарсалар бу дунёда улар (яъни, охирати йўқлар) учун бўлиб, охиратда эрса сизлар учундур!» — деган эрканлар»

Жаноб Расулulloҳнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Умму Салама ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Кумуш идишда (сув, овқат ва бошқалар) ичадирган одамнинг қорнида ҳақиқатан ҳам жаҳаннам ўти гуркирайди!» — дедилар».

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга етти нарсани (қилмоқни) буюриб, етти нарсани (қилмоқни) манъ қилдилар, касални бориб кўрмоқни, жанозага бормоқни (эргашмоқни), акса урган киши «Алҳамду лиллоҳ!» деса, унга «Йарҳамукаллоҳ ва йашфийк!» деб жавоб қайтармоқни, таклифга ижобат қилмоқни саломга алик олмоқни, мазлумга ёрдам қилмоқни ва қасамга вафо қилмоқни амр қилдилар ҳамда тилла узук такмоқни, кумуш идишда ичмоқни (ёки кумуш идиш тутмоқни), мийсара, қассий, ҳарир, дебож ва истабрақ (кийимлар) киймоқни манъ қилдилар».

28-боб. Қадаҳларда (сув, сут ва бошқалар) ичмоқ хусусида

Умму Салама ривоят қиладилар: «Одамлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг арафа куни рўзадор ёки рўзадор эрмасликлари ҳақида шубҳаланишди. Шунда мен ул зотга бир қадаҳ сут юбориб эрдим, ичдилар»

29-боб. Жаноб Расулulloҳнинг қадаҳ ва идишларидан ичмоқ ҳақида

Абу Бурда ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Салом менга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак лаблари теккан идишда сенга бирор ичимлик куйиб берайинми?» — деди».

Абу Ҳозим ривоят қиладилар: «Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу бундай деб айтган эрди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир араб аёли ҳақида сўзлашди. Шунда ул зот Абу Усайд ас-Соъидийга ўшал аёлга одам юбормоқни буюрдилар, у одам юборди. Кейин, аёл Бану Соъида боғига келиб тушди. Жаноб Расулulloҳ у томон йўлга чиқиб етиб бордилар-да хузурига кирдилар, аёл бошини куйи солиб ўлтирар эрди. Жаноб Расулulloҳ аёлга гапирган эрдилар, у «Оллоҳ таоло мени сендан қутқарсин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ «Сени ўзимдан қутқариб бўлганман!»—дедилар. Саҳобалар унга «Сен бул зотнинг ким эрканликларини билурмисан?»—дейишди. Аёл: «Йўқ»,— деди. Саҳобалар: «Бул зот Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдурлар, сени ўзларига хотинликка сўрагани келганлар»,— дейишди. Аёл «Мен шундан изтиробдаман!»— деди. Жаноб Расулulloҳ ўшал замоноқ уйдан қайтиб чиқдилар-да, Бану Соъида айвонига бориб ўлтирдилар, саҳобалар ҳам бориб ўлтиришди. Кейин, ул зот менга «Эй Саҳл, бизнинг ташнагимизни қондиргил!»—дедилар. Мен бир қадаҳ олиб чиқиб, уларнинг барчасига сув куйиб бердим»

«Саҳл бизга ўшал қадаҳни олиб чиқиб берди,— дейдилар Абу Ҳозим — биз унда қониб (сув ёки бошқа бирор ичимлик) ичдик. Кейин уни Умар ибн Абдулазиз ўзларига совға қилмоқни сўрадилар, Саҳл совға қилди»

Осим ал-Аҳвал ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадаҳларини Анас ибн Моликнинг уйларида кўрдим, у дарз кетган бўлиб, дарзи кумуш занжир бирлан боғлаб қўйилган эрди (Афсус) у соф ёғочдан қилинган каттагина бир яхши қадаҳ эрди. Анас Мен бу қадаҳда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга фалон ва фалон мартадан ортиқ сув ичирганман» — деб айтган эрди».

Ибн Сирин бундай дейдилар: «Унинг (қадаҳнинг) темир ҳалқаси бўлиб, Анас унинг ўрнига олтин ёки кумуш ҳалқа ўрнатмоқчи бўлдилар. Шунда Абу Талҳа ул кишига «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўрнатиб қўйган нарсаларини ўзгартирмагил!» — деб эрдилар, темир ҳалқани ўз жойида қолдирдилар».

30- боб Табаррук қилиб берилган сувни ичмоқ ва табаррук сув ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу Солим ибн Абу ал-Жаъдга бундай деб айтган эрканлар: «Сен ўшанда мени Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан кўрган эрдинг. Аср вақти бўлиб қолиб, меш тагида қолган сувдан бўлак сувимиз йўқ эрди. Шунда биз мешнинг оғзини пастга қилиб тўнкарган эрдик. Жаноб Расулуллоҳ келиб қўлларини мешнинг оғзига тикдилар-да панжаларини ёздилар. Сўнг «Эй таҳорат олгувчилар Оллоҳ таолодан барака тиланган сувга ошиқингизлар!»—деб нидо қилдилар. Шунда мен мешдаги сувнинг ул зотнинг бармоқлари орасидан отилиб чиқаётганини кўрдим. Одамлар ўша сувдан таҳорат олишди, ичишди. Қани энди қорнимдаги сувнинг менга нақадар хузур бахш этганлигини билсангиз эрди! Мен унинг ичишим бирланок ҳақиқатан ҳам табаррук эрканлигини сездим!» Мен Жобирга «Ўшанда қанча киши эрдингизлар?» — дедим. Жобир «Бир минг тўрт юз киши» — деди».

МУНДАРИЖА

- Китоб ул-Мағозий (*Рахматуллоҳ қори Қосим ўғли таржимаси*)
- Қуръон тафсири китоби (*Рахматуллоҳ қори Қосим ўғли таржимаси*)
- Қуръон фазилатлари китоби (*Рахматуллоҳ қори Қосим ўғли таржимаси*)
- Никоҳ китоби (*Ҳожа Бахтиёр Набихои ўғли таржимаси*)
- Талоқ китоби (*Ҳожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси*)
- Нафақалар китоби (*Ҳожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси*)
- Таомлар китоби (*Ҳожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси*)
- Ақиқа китоби (*Ҳожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси*)
- Қурбонлик, ов ва тасмия айтмоқ ҳақида китоб (*Ҳожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси*)
- Қурбон қилинадирган жонлиғлар ҳақида китоб (*Ҳожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси*)
- Ичимликлар ҳақида китоб (*Ҳожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси*)